


КУЛСА—ГУЛ, ЙИҒЛАСА—ДУР

ЭРТАКЛАР



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ А. С. ПУШКИН
НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

САРВАР АЗИМОВ, МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ, ЖУМАНИЕЗ ЖАББО-
РОВ, ТУРА МИРЗАЕВ, МУҲАММАД АЛИ, МАРАТ НУРМУҲАМЕ-
ДОВ, БАҲОДИР САРИМСОҚОВ, ЮСУФ СУЛТОНОВ, ШОНАЗАР
ШОАБДУРАҲМОНОВ, КОМИЛ ЯШИН, СОЛИҲ ҚОСИМОВ, МАТ,
ЕҚУБ ҚУШЖОНОВ,

Айтувчи: АБДУҲОФУР ШУКУРОВ

Нашрга тайёрловчилар: ЗУБАЙДА ХУСАИНОВА ва БАҲОДИР САРИМСОҚОВ,

4702570200—50
С 167—83
М352 (04) — 83

© Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й.



ҚОРА МУШКУЛ ОҒ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонларда бир мамлакатда бир подшо бор экан. Бу подшонинг ҳеч боласи йўқ экан. Шу сабабдан бу подшо кўп дилтанг бўлиб, ҳар томонларга саёҳатга борар экан. Шундай бўлса ҳам у ҳеч савирбости¹ бўлмас экан. Бу подшо дилида: «Бир куни дунёдан ўтсам, менинг ўрнимга ўринбосар қолмайди»,— деб ўйлар экан.

Кунлардан бир кун бир қаландар келиб: «Шайдилло»,— деб бир нарса талаб қилди. Подшо хизматкорларига: «Ҳада чиқариб беринглар!»— деди. Қаландар чиқариб берган ҳадяни олиб, кўлбар²ига солгач: «Подшонинг ўзларига гапим бор»,— деди. Хизматкорлар подшонинг олдига кириб, қаландарнинг гапини айтдилар. Қаландар уйга кириб, подшонинг аҳволига қараб: «Сиз дилтангга ўхшайсиз, нима учун хафаланасиз? Бўлган сир-асрорни айтинг!»— дегач, подшо фарзанди йўқлигидан шикоят қилди. Қаландар айтди: «Эй подшоҳим, мен сизга бир амал қилиб берайки, сизга бир фарзанд беради. У қиз бўлади, лекин унинг сўзини қайтарсангиз, ўлади. Агар шунга рози бўлсангиз, ўйлаб кўринг»,— деди. Подшо ўйлаб кўрди: «Мен бир катта подшо бўлсам, бир қиз боланинг сўзини қайтаролмасам, қандай бўлади? Майли»,— деб қаландарга айтди. Қаландар кўлбаридан бир олма чиқариб берди. Подшо олмани олиб, ярмини ўзи еб, ярмини хотинига едирди. Хотини тез фурсатда ҳомиладор бўлди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтгандан сўнг, бир қиз фарзанд дунёга келди. Доялар бу қизнинг отини Мушкия деб қўйдилар.

¹ Таскин топмас экан маъносида.

² Кўлбар — сафар халтаси маъносида.

Бу орада беш йил ўтди. Энагалар уни боқиб, мактабда ўқигдилар. Тез фурсатда қиз балоғатга етиб қолди.

Кунлардан бир кун доя қизнинг бошини ювиб туриб, бир бит топиб олди. Битни ташламасдан дояси қизга кўрсатди. «Эй болам, бу битни нима қилай?» — деди. Қиз: «Бир пахтанинг орасига ўраб қўйинг», — деди.

Бир неча кун ўтгандан сўнг пахтанинг орасидан олиб, бир қафасга солиб, ҳар хил нарсалардан солиб, парвариш қилиб юравердилар. Бир кун хабар олсалар, ҳалиги биг катталашиб, қафасга сиғмай қолибди. Битни қафасдан олиб, сўйиб, терисини арчиб, худди такка соладиган пўстакдай қилиб қўйдилар. Бу ишга дояси таажжубда қолди. Лекин бу сирни доясидан бошқа киши билмас эди.

Дояси бир кун қиздан:

«Бу пўстакни нима қиласан?» — деб сўради. Қиз: «Бу пўстакни қачон менга совчи келса, шунинг тагига соламин. Шу вақтда: «Эй биродарлар, дунёда нарса қуриб, менинг тагимга ҳаром нарсадан бўлган шу битнинг терисини тўшайсизларми, шунча адрасу кимхоб, бахмал тўшаклардан ишлатмайсизларми?» — деб айтган кишига ўзимни қабул қилдираман», — деди. Кейин ўз хаёлида: «Ҳай дариғ, шу сирни бекорга айтдим. Шу доянинг ҳам бир ўғли бор. Агар ўғлига айтса, бу сирларни билса, ўғли мени олади», — деб дарров отасини чақиртирди ва отасига: «Сиз бир чаққон одамингизга айтинг! Шу энагамни бир жазирага олиб бориб ташлаб, сўйиб мана шу қўл рўмолчамни қонига бўяб келтирсин!» — деди. Отаси унинг сўзини қайтармасдан бир хизматкорини чақириб:

— Фалон кампирни отга миндириб, бир биёбонга олиб бориб, сўйиб, қонига қўл рўмолчани бўяб, қайтиб келгин, — деб тайинлабди. Хизматкор ҳалиги кампирни миндириб, эртадан кечгача бир биёбонга олиб бориб, отдан тушириб: «Эй онажон, подшонинг буйруқлари: «Сизни шу ерда сўйиб, қонингизга шу қўл рўмолчани бўяб келтир», деган. Мен энди бу ишни қилмайману сизни шу ерга қўйиб, бирон жойдан бир кучукми ёки пишакми топиб, қонига қўл рўмолчани бўяб олиб бориб бераман», — деб кампирни ўша ерга ташлаб, изига қайтаверди. Йўлда келишда бир кучук-баччани топиб, бир жойдан қон чиқариб, рўмолчани қонига бўяб, келтириб подшога берди. Подшо рўмолчани қизига киргизиб берди. Шундан кейин қиз қаноатланиб қолди. Эндиги гапни энага кампирнинг аҳволидан сўранг.

Кампир туриб эди, кеч бўлди. Ҳар-ҳар томонлардан бўрилар йиғилишиб кампирга хуруж қилиб, емоқчи бўлиб келишди. Лекин бўриларнинг подшоси келиб кампирдан:

«Эй кампир, сенинг бу биёбонда якка-танҳо пайдо бўлишингга нима сабаб? Яхшилик билан айтсанг, сени емаймиз, бўлмаса, бир бурдадан тегмай кетасан»,— деди. Кампир тилга келиб: «Эй бўрилар, мен бир подшонинг қизига энага эдим. У қиз мени шу балоларга гирифтор қилди. Энди бир иш қил: ўша қизни менинг олдимга келтириб, аввал ўша қизни кўзимнинг олдида егин, шундан кейин мени егин, мен рози»,— деди.

Бўриларнинг подшоси айтди: «Мен бўри бўлсам, улар бир подшо бўлса, подшонинг қизини менга ким олиб беради?» Кампир: «Эй бўри, қиз агар совчи келса, совчининг тагига бир тўшак чиқариб тўшайди. Борган совчи шу тўшакни кўриб: «Дунёда нарса қуриб, шундоқ аркони давлатда шу битнинг териси ҳам тўшакликка лойиқми?»— деса, ўша кишига қиз ўзининг танини бағишлашга ваъда берган. Сен агар борсанг, дарвозани тақиллатсанг, дарвозани очгандан салом бериб, элчилигингни изҳор қилиб: «Мен совчиман»,— деб айтсанг, сени бир уйга олиб кирадилар, тагингга шу тўшакни солганда, шу айтилган гапларни айтасан. Ҳали-ку сен бўри, кучук бўлса ҳам, шу сирни билса, мен ўшаники, деб қиз ваъда қилган. Эсон-омон олиб келаверасан. Агар шу гапим ёлгон бўлса, мени минг пора қил, майли»,— деди.

Бўриларнинг подшоси бошқа бўриларга: «Шу кампирни ёрга олиб бориб, ҳар куни қўй гўшти билан боқаверинглар. Қани, мен бориб, подшонинг қизини олиб келай-чи»,— деб бир неча бўриларни ҳамроҳ қилиб, йўлга тушди. Бир қанча фурсат йўл юриб, шаҳар ичига кириб бориб, подшонинг дарвозасини тақиллатди. Подшонинг хизматкорлари чиқиб дарвозани очсалар, бир оқ ёлдор бўри дарвозанинг олдида тақиллатиб турибди. Кейинида беҳисоб бўрилар турибди. Дарвозани очган киши бўриларни кўриб, данг қотиб қолди. Тилига бир гап келмасдан ҳуши кетиб турувди, яна бир хизматкор келиб, бу ҳолни кўриб, подшога бориб айтди: «Сизнинг дарвозангизда бўрилар келиб турибди. Нима мақсад билан келган, билмаймиз»,— деди. Подшо бир вазири доносига: «Бориб бу бўрилардан хабар ол!»— деди. Вазири доно келиб дарвозадан қарасаки, бўриларнинг подшоси салом билан элчиликка келганлигини изҳор қилди. Вазири доно элчихонага олиб кириб: «Бу бўрилар, сизнинг қизингизга совчиликка келган экан»— деди. Подшо:

— Ҳалиги тўшакни тўшанглар! Қани, нима бўлади?— дегач, бўрининг тагига ҳалиги тўшакни тўшадилар.

Ҳалиги бўри ўтирмасдан:

— Сизлар қандоқ кишиларки, келган совчиларнинг

тагига бир ҳаром битнинг терисини тўшайсизлар? Аркони давлатда, айёми салтанатда бошқа буюмлар топилмайдими? — деди. Вазири аъзам хижолат бўлиб, подшога бориб, бўлган воқеаларни аён-баён қилди. Подшо хижолат топиб, ўрдасига кириб қизининг уйига бориб, қизига: «Эй қизим, сен бу қилган ишинг билан дунёда менинг номимга путур кетди. Энди келиб-келиб бир бўри бу сирдан огоҳ бўлиб, элчиликка келиб, худди сенинг айтган гапингни айтади. Энди нима тadbири ҳийла қиламиз?» — деди. Қиз отасига:

— Бир донишманд вазирингизни менинг олдимга юборинг! Мен қани шу киши билан гапиришай. Бир йўл-йўриқ, тadbирни кўрсатар, — деди.

Подшо бориб ҳалиги вазири аъзамга: «Қизимнинг олдига кириб, гапиришиб чиқинг», — деб буйруқ қилди.

Вазири аъзам қиз олдига келиб, эшикни очиши ҳамон қиз ўрнидан туриб, салом бериб, вазири аъзамнинг оёғига йиқилиб:

— Энди сиз менинг отам ўрнига отамсиз. Менга бир ҳийлайи тadbир ўргатинг! Мен бир балойи азимга гирифтор бўлдим. Шу балодан қутултиришга сиз восита бўлинг! Сиздан бошқа йўл кўрсатувчи йўқ, — дегач, вазири аъзам бирпас ўйланиб туриб қизга айтди:

— Эй қизим, ота-бобонгдан қолган бир қора мушкул от бор, ота-бобонгдан қолган қора мушкул телпак бор, ота-бобонгдан қолган бир қора мушкул тўн бор, ота-бобонгдан қолган бир қора мушкул этик бор. Ана шу нарсаларни отангдан сўра. Агар отанг раҳм-шафқат қилиб шу нарсаларни берса, сени шу бўрига аҳди никоҳ қилиб топширамиз. Бўри сени бир ғорга олиб бориб: «Энди отдан туш», дейди. Ўша вақтда сен айтасанки: «Мен подшонинг қизи бўлсам, уйдан ташқарига чиққаним йўқ, тақдирим сен билан яшашга тўғри келди. Аввал сен тушиб, бу манзилингни у ёқ-бу ёқларини тозалаб чиққанингдан кейин, мени ўз қўлинг билан куёв тариқасида отдан кўтариб, ичкарига олиб кирасан. Энди мен сеники. Агар отам бермасликка кўнгли бўлса эди, ўша ердан сени номахрум қилиб қайтарган бўлар эди. Ёки мен хоҳламасам, бу манзилларга келмаган бўлар эдим. Ҳали ҳам кўнглингни бир ёқлик қилганинг йўқми», — дейсан. Бўри аввал тушиб, ғорнинг ичига кириб тозалашга уннашиб турганда, сен отни бир қамчи урсанг, от ҳавога қирқ найза бўйи кўтарилиб туради. Иккинчи қамчи урсанг яна шунча кўтарилади. Учинчи мартаба урсанг, ҳавога кўтарилиб кетади. Ундан кейин от қайси томонга кўтариб кетса, тақдирингда борини кўраве-расан, — деб вазир сўзини тамомлади. Қиз вазирдан бу

гапларни эшитиб, вазир билан видолашди, вазир чиқиб кетди. Қиз отасини чақириб, отасига:

— Эй отажон, энди сиздан бир нечта нарсани сўрайман. Агар шу нарсаларни топиб берсангиз, ажаб эмаски, шу балодан қутулиб, бошқатдан дийдор кўришамиз,— деб вазир айтган ҳалиги мушкул оту этик, тўну телпакларни сўради. Отаси бир мунча ўйланиб бир оздан сўнг бошини кўтариб: «Хайр қизим, шу нарсалар учун сен шу мушкул ишдан қутуладиган бўлсанг, сендан садқайи сар»,— деб бориб хазинадан чиқартириб, қизига келтириб берди. Подшо мулозимларини чақиртириб, қизни бўрига аҳди никоҳ қилиб, қизи билан видолашиб, подшо қолаверди, қиз бўлса бўри билан отга минишиб, бўрининг манзилига қараб кетди.

Бир қанча йўллар юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, бўрининг маконига етдилар. Ғор олдида боргач, бўри: «Отдан тушинг»,— деб эди, қиз бўрига қараб:

— Бизнинг қоидамизда аввал куёв тушиб, келинни кўтариб олади. Сиз аввал кириб манзилингизнинг ичини тозалаб, шипириб, ораста-ю, пийроста қилиб чиққанингиздан кейин мен сизники-ю, сиз меники,— дегач, бўри отдан тушиб, ғор ичига кириб, бир каллани отиб юборди. Бу ишни кўрган қиз қичқариб:

— Бунақа нопок жойларни мен умримда кўрганим йўқ. Тозалаб чиқинг,— деб отига бир қамчи уриб эдики, оти ҳавога қирқ найза кўтарилиб турди. Бу ҳолни кўрган бўрилар ҳар томондан увлай бошлади. Бу дафъа оёқ суякларини отиб юбориб эдики, қиз яна қичқариб:

— Бунақа ифлос жойларни покиза қилинг!— деб яна бир қамчи уриб эди, от икки ҳисса зиёда кўтарилди. Бўрилар яна увлай бошлади. Бўриларнинг подшоси: «Нима бўлди?»— деб чиқиб эдики, қиз яна бир қамчи уриб эди, оти адл ҳавога кўтарилиб учиб кетди. Бу ҳолни бўрилар кўриб, ўзларини ҳар томонга отиб, улиб, пароканда бўлиб кетдилар. Булар шу ерда турсин, эндиги гапни бошқа бир вилоятдан эшитинг.

Бир мамлакатда бир подшо бор эди. Унинг хотини ўлганига бир неча вақт бўлган эди. Ўйланишга ўзига тўғри келадиган қизни тополмас эди. Бу қиз ҳавога учган кунни шу подшонинг даргоҳига бир қаландар келиб: «Эй подшоҳим, сенга эртага кечқурун ҳаводан бир хотин тушиб келадди. Шунга уйланасан»,— деган эди. Бу подшо шунинг умидида ўтирган эди. Худди ўша айтган вақтда осмондан отга минган бир йигит вағиллаб учиб келиб, худди подшо-

нинг аркони давлатига қўнди. Подшо қарадики, бир йигит хушсурат, хуш қадди қомат йигитлардай, бирон жойидан аёйлик нишомаси билинмайди. Подшо бориб қора мушкул отни сайисхонага боғлаб, кўришиб уйига таклиф қилди. Иккови уйга киришди. Подшо: «Эй йигит, сизга йўл бўлсин! Қайси боғнинг булбули бўласиз, қайси чаманнинг гули бўласиз?»— деб ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришиб ўтиришдилар. Хизматкорлар ҳар хил лаззатли таомларни дастурхон узра ёзиб, шароблардан ичиб, кайфу сафо қилиб ўтиришдилар. Лекин подшо меҳмонни қиз бола эканлигини ҳеч сезмади. Кеч бўлгач, кўнглида: «Ҳалиги қаландар бир оз адашган экан-да, эр кишини қиз деб айтган экан-да»,— деди. Лекин подшонинг кўнглида унга нисабатан меҳр уйғонди ва у қиздан:

— Эй жўра, ижозат берсангиз, сизнинг отингизни миниб, бир саёҳат қилиб келсам,— дегач, қиз ижозат берди. Подшо отни миниб, қаландархонага бориб, ҳалиги қаландарни чақириб сўради:

— Эй отажон, сиз қиз, деб эдингиз, лекин ҳаммаси тўғри чиқди-ю, келган меҳмонимиз эр киши экан. Шу меҳмон келгандан буён менинг кўкрагимдан бир ишқ ўқи тегиб, на ўтиргани қўяди, на юргани қўяди, на ухлагани қўяли. Билмайман, нима ҳодиса рўй берди,— деди. Қаландар:

— Эй бўтам, қаландарларда гапнинг хоми бўлмайди. Шу оқшом меҳмон билан бирга бир жойда ётиб, бирга айрилмасдан юриб, синчиклаб кўринг. Қани агар ҳушёр, фаросатли бўлсангиз, сезиб биласиз,— деди.

Подшо қайтиб келиб, отини боғлаб, қизнинг олдига бориб: «Кўчаларни саёҳат қилиб келдим» деб, бир жойга ўтирди. Қиз далага чиқиб, отининг олдига келиб, отидан: «Эй жонивор, подшо сени қаерларга миниб борди ва нима гаплар ўтди?»— деб сўради. От бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бирин-бирин айтиб: «Эй қиз, ўзингга ҳушёр бўл! Подшо бу оқшом сен билан бирга бўлади. Овқат еган вақтингда, илик егандан кейин суягини чайнаб ўзинг билан тут»,— деди.

Шундан кейин, қиз қайтиб келиб, подшо билан бир уйда ётишдилар. Бир вақти бўлдики, қиз далага чиқди, подшо ҳам кетидан чиқди. Қайтиб келиб яна ётдилар. Лекин подшода орому қарор йўқ эди, эртаси куни подшо яна ҳалиги қаландарнинг олдига бориб:

— Эй ота, шу сўзингиз ёлғон экан. У эр кишига ўхшайди. Ҳеч била олмадим,— деди. Қаландар:

— Бўлмаса эртага дарё бетига чиқиб чўмилинглар. Ана ўша вақтда биласиз,— деди. Подшо яна қайтиб ке-

либ меҳмон билан яна бир уйда ётдилар. Бу оқшом эртаги дайроботга бориб чўмилиб келамиз, у жой хуш ҳаво, турли наъматлар жуда кўп. Саёҳат қилиб келамиз,— деб ваъдалашдилар. Қиз отининг олдига бориб, ҳар томонларини уқалаб:

— Эй жонивор, вафодор, эртаги истироҳатга борар эканмиз, қандай бўлар экан?— деди. От:

— Эй қиз, подшо отини бойлаган вақтида сен ҳам мени бўшироқ бойлаб қўйгин. Подшо борганда сенга: «Эй жўра, ечининг, шу жойда чўмиламиз», дейди. Сен айтгинки. «Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалайди. Мен бу жойларнинг чуқур-саёзини билмайман. Аввал сиз кириб бир шўнғиб менга кўрсатинг. Ундан кейин мен ҳам кириб чўмиламан» — дегин. Подшо ечиниб чўмилганда, сен ҳам оҳиста-оҳиста ечинаверасан. Мен бўлсам ечилиб, бориб подшонинг оти билан олишиб қоламан. Шу вақтда подшо отга чопиб, бизларни айиришга келади. Ана шу вақтда сен чўмилиб оласан,— деди

Кеч бўлди, тонг отди. Подшо эрталаб қиз билан отларига миниб боғма-боғ, кўчама-кўча саёҳат қилишиб, подшонинг истироҳат боғига бориб, бир қанча зиёфат-зарофатлардан кейин дарёга қараб боришди. Дарҳақиқат, подшо отидан тушиб, бир дарахтга отини боғлаб, ўзи дарёнинг лабига бориб ечинаверди. Қиз ҳам отини бир жойга омонат боғлаб, подшонинг олдига бориб турди. Подшо:

— Қани жўра, ечининг, чўмилайлик,— деди. Қиз:

— Эй жўра, уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалайди. Мен бу ерларнинг чўмилиш қондасини билмайман. Аввал сиз кириб чуқурини, саёзини билиб менга кўрсатинг, сўнгра мен ҳам чўмиламан,— деди.

Подшо ечиниб, ўзини дарёга ташлаб чуқур-саёз жойларини кўрсатиб юриб эдики, бирданига отларининг олишган шарпаси эшитилди. Подшо отларни айиришга кетгач, қиз чўмилиб бўлиб, кийимларини кийиб ўтирди. Подшо келиб қарасаки, ҳамроҳи чўмилиб бўлибди. Подшо сусайиб, аста-аста иккови уйга қайтдилар. Подшо келиб, тахтга ҳам ўлтирмасдан касал бўлиб ётиб қолди. Қиз ичкарига кириб, подшонинг оналарига:

— Подшоҳим нимага чиқмайдилар? Жўрам чиқсинлар. Баъзилари арз сўрагани келаяпти, баъзилари додлаб келаяпти. Уйда ётишдан нима маъни оладилар,— деди.

Подшонинг онаси қизга:

— Эй ўғлим, сен шум қадам келганингдан буён менингни ўғлим бошқача ҳолат бўлиб, охири касалланиб ётиб қолди,— деди. Қиз:

— Эй онажон, менга бундай аччиқ, пичинг гапларингизни айтманг. Ундан кўра бир аччиққина шавла тайёрланг. Жўрам билан икков еб олайлик. Жўрам саломат, ҳеч қандай касаллиги йўқ,— деди. Кампир қизга қараб:

— Ҳай, киринг бўлмаса,— деб уни ичкарига таклиф қилди. Қиз ичкарига кириб қарасаки, подшонинг ҳолати ёмон бўлиб қолибди, кўп кишилар ўртага олиб, кўз ёши қилиб йиғлашиб турибдилар. Қиз ҳалиги кишиларни бу ердан чиқариб эшикларни беркитиб олиб, йигитнинг олдига бориб, бошидан телпагини олиб, этикларини ечиб, ўзини ораста-ю, пийроста қилиб, подшонинг қўлини тутиб, пайларини силаб туриб эдики, подшо ҳушига келиб, кўзини очиб қараса, бир соҳибжамол қиз бошининг устида турибди. Подшо ўрнидан туриб, икковлари бошқатдан кўришиб, аввалги ҳолига келиб, гаплашиб турганда, подшонинг онаси эшик тирқишидан қараса, подшо ўз аслига келиб гаплашиб турибди. Бу ишга онаси таажжубда қолиб, қиздан: «Сиз қандай қилиб менинг ўғлимни яхши қилдингиз?» — деб сўради. Қиз: «Подшо ишқ касалига гирифтор бўлган, ишқ пайини топиб силагандан кейин ўз аслига келди»,— деди. Сўнгра шавлани олиб кириб, икковлари ейишдилар. Подшо ташқарига чиқиб, акобирлари билан маслаҳатлашиб, тўйга ногора-ю карнай, сурнайларни чалдиришиб, маноди¹ қилдилар: «Эртага подшонинг тўйлари бошланади. Муддати бир ой. Ким ош еса ҳам, нон еса ҳам келиб, подшоликдан еб-ичиб кетаверсин». Шундай қилиб, подшо қисни ўзига аҳди никоҳ қилиб, муддати бир ой тўй-тамашолар қилиб, Мушкия қиз билан умр кечираверди.

Бу подшо бир неча йиллардан бери кўп шаҳарларидан хирож олгани йўқ эди. Бир куни: «Кўп шаҳарлардан хирож олганим йўқ. Мен бориб ўша шаҳарлардан хирожини йиғиб келмасам, у шаҳарлар бизнинг қўлимиздан чиқиб кетади. Шунинг учун мен шу шаҳарларга бориб келишим керак», деб унинг кўнглига келди ва қизга айтди. Ўзининг онасига ҳам: «Келинингизга бохабар бўлинг», деб тайинлади. Аркони давлатга чиқиб, бир кўнгли ишонган вазирага давлатни, муҳрларни топшириб, «мен келгунча сен ўрнимга подшо», деб кўп тайинлаб, бир қанча қўшинлари билан узоқ сафарга жўнаб кетди. У бу томонга кетаверсин, энди-ги гапни қизнинг аҳволидан сўранг.

Подшо кетган вақтида қиз дужон қолиб эди. Орадан гўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтиб, иккита ўғил бола оламга келди. Бирининг отиши Ҳасан, би-

¹ М а н о д и — хабар қилиш, жар чақириш,

рининг отини Ҳусан қўйиб, кундан-кун парвариши зиёда бўлди. Бир куни подшолик қилаётган вазир болаларнинг туғилганлигини билиб, подшога бир нома ёзди: «Эй подшоҳим, сизнинг хотинингиз иккита ўғил бола туғиб, эсон-омон қутулди. Бизлар ҳар куни парвариш қилиб турибмиз. юртларингиз ҳам омон, бизлардан хавотир бўлманг»,— деб ёзиб, тез юрадиган кишига номани олиб бориб беришни тайинлади.

Ҳалиги номачи йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир шаҳарга борди. Бу шаҳарча ҳам шу подшога қарайдиган шаҳарча эди. Ҳалиги номачи шаҳар бегининг чорбоғига бориб, истироҳат қилиб ухлаб қолди. Подшо ўша шаҳар бегининг қизини оламан деб номзод қилиб қўйган эди-ю, кўп вақтлардан буён олгани йўқ эди. Шу бекнинг қизи чорбоғларни сайр қилиб, келиб қарасаки, бир йигит ухлаб ётибди. Бошига бир нома қистирилган. Қиз бир хизматкорига айтди: «Сен аста бориб ўша йигитнинг бошидан номани олиб келгин, мен бир кўрай-чи»,— деди. Хизматкор келиб, номачининг бошидан номани олиб қизга элиб берди. Қиз ўқиб қарасаки, ўзига номзод бўлган подшога йўланган нома. Хатда Ҳасан-Ҳусан туғилганлиги, улар саломат ўсиб турганлиги, мамлакатнинг тинчликлари ёзилган экан. Қиз ўқиб кўриб: «Бу номани олиб бориб, астагина номачининг салласига қистириб қўй!»— деди. Ҳалиги хизматкор номани олиб бориб аввалгидек қилиб қистириб қўйди. Сўнгра қиз бир дастурхон ясаб, ичига алвон-алвон таомлардан қўйиб, номачининг олдига олиб бориб қўйди. Номачи уйқудан тургач, қарадики, олдида бир дастурхон турибди. Дастурхонни очиб, таомлардан еб бўлиб, жўнаши олдида ҳалиги қиз бош-оёқ сарпо чиқариб номачининг олдига қўйди-да: «Қайтишингизда ҳам шу манзилларга тушиб, истироҳат қилиб кетгайсиз»,— деб тайинлади. Номачи бениҳоят хурсанд бўлиб йўлга тушиб кетди. Номачи йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, деворнинг ости билан, кўчанинг пасти билан худди подшо турган мамлакатга етиб борди. Шаҳар халқи чиқиб номачини бардор-бардор қилиб, подшонинг ҳузурига элтдилар. Номачи номани қўлга олиб, одоб-усул билан подшонинг қўлига берди. Подшо ўқиб, кўп хурсанд бўлиб, номачини истироҳат қилдирди. У бир-икки кун дам олгандан кейин подшо ҳам бир нома ёзиб, ўзининг саломатлигини, тез фурсатда қайтишлигини ёзиб, номачини шаҳарига жўнатди. Номачи бир неча кун йўл юриб, худди ҳалиги шаҳар бегининг чорбоғига келиб тушади. Ҳалиги қиз номачини юз иззат-эъзоз билан ҳурматлаб, турли таомлардан едириб, жой солиб

берди. Номачи уйқуга кетди. Ҳалиги хизматкорлар номачининг бошидан номани олиб, қизга элтиб берди. Қиз ўқиб кўриб мазмунидан огоҳ бўлиб, бошқа нома ёзиб тайёрлади. Номанинг мазмуни шундай эди. «Эй ўрнимга қўйилган подшо, сенга буйруқ шулдирки, номачи боргани ҳамон ўша иккита бола билан хотинимни бир жойга олов ёқиб куйдириб, кулини дарёга оқизиб юбор». Бу номани ҳам хизматкорлари олиб бориб, салласига қистириб қўйишдилар. Номачи уйқудан туриб, отига миниб, йўлга равона бўлди. Андек фурсат йўл юриб, шаҳарга кириб, номани ўрнига қўйилган подшога берди. Подшо номани ўқиб ҳайрон бўлиб, вазирларини чақириб: «Нима учун бундай ёзибди экан»,— деб маслаҳат қилдилар. Баъзилари: «Мабодо подшога иккита туғилгани ёмон туюлдимикан»,— деди. Ўйлашиб-ўйлашиб охири хулосага келиб. «подшонинг амри, нима қил деган бўлса қилиш керак», деб, дайроботга ўтин жам қилиб, ҳалиги ўтиннинг устига иккита бола билан Мушкияни келтириб, тагидан оловни ёқиб юбордилар. Олов ёниб алангалари ўралиб турган пайтда осмондан ҳалиги қора Мушкул от келиб, маликаи Мушкия билан Ҳасан-Ҳусан болаларни ҳавога кўтариб кетди. Бу ҳолни кўрган халойиқ таажжубда қолиб, тарқалиб кетди. Энди гапни отдан сўранг.

Ог қиз билан болаларни кўтарганича ҳавога кўтариб чиқиб кетди. Бир фурсатдан сўнг бир биёбонга бориб тушиб, бир юмалаб тилга келиб, Маликаи Мушкияга васият қилди. «Эй қиз, мен энди ўламан, мана шу учушим охиригим. Мен ўлгандан сўнг иккита кўзимни кўмсанг, иккита булоқ, икита қулогимни кўмсанг, иккита дарвоза бўлади, теримни тасма қилиб айлантириб чиқсанг, бир қалъача бўлади, ёл, думларимни эксанг, турли дарахтлар кўкаради, калламни кўмсанг ҳар хил матолар чиқади. Энди мендан рози бўлгин»,— деб жон беради. Қиз йиғлаб-йиғлаб от жониворни сўйиб, айтганидай ҳар хил нарсаларини ҳар жойга кўмиб эди, худди от айтгандай бир қўрғон пайдо бўлди: баланд, ҳашаматли саройлар, раста-ю, бозорлар, турли-тўрли дарахтлар, равон чашмалар суви себарганинг устига ғалт уради, себарга сувнинг устига ғалт уради. Бир томонга қараса олма-ю, анорлар пишган, тагига тушган, ҳар хил қушлар сайраб турибди. Бир томонга қарасангиз, гуллар очилган, ҳар хил ҳидлар шамолга аралашиб, ҳамма ёқ муаттар бўлиб, булбуллар сайраб, хушёр кишини маст-аласт қилгудек бир ажойиб боғ пайдо бўлдики, ақлни шоширтиради. Маликаи Мушкия бир неча кунлар отининг мотамини тутиб, мотамдан фориг бўлиб, бо-

лалари билан умр кечириб юравердилар. Булар бу ерда умр кечириб юраверсин, энди гапни подшодан сўранг.

Подшо мамлакатларнинг хирожини йиғиб тамом қилиб, қайтиб келсаки, хотини билан болаларини кўрмади. Кейин у хотини билан болаларининг куйдириб юборилганлигини биллиб, хафаланиб, подшолигини тарк қилиб чиқиб кетди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, ўзини гадолар суратига киритиб, ҳар қайси шаҳарларда бир неча вақтлар юриб, бир куни гузари баланд бир темир қўрғонга тушди. Аста-аста шу қўрғонга келиб, ҳар томонларини айланиб, бир жойга келиб қарадики, бир баланд дарвоза турибди. Дарвозани тақиллатиб эди, иккига бола чиқиб қаради, бир киши турибди. Болалар кўрган ҳамон ҳалиги гадойни қучоқлаб кўришиб, уйга киришиб оналарига: «Ташқарига чиқиб қаранг-чи, бир киши келибди, худди ўзимизнинг отамизга ўхшайди»,— деди. Онаси: «Эй болаларим, оталарингни кўрганларинг йўқ, билганларинг йўқ, қандай отам деб айтасизлар?»— деди. Оҳиста ўзи қарасаки ҳақиқатан ҳам ўзининг эри экан. Икковлари саломлашиб, бир-бирлари билан топишиб, шу жойда яшайвердилар.

Кунлардан бир куни подшо билан қиз бир-бирлари билан маслаҳатлашиб: «одамсиз жойда юраверамизми, энди ўзимизнинг мамлакатимизга кетайлик»,— деб, бу жойдан кўчиб кетишди. Подшо икки боласини кифтига кўтариб, бир неча кун манзил-мароҳилларни тай қилиб, бир дарё бўйига келдилар. Улар истироҳат қилишди, кун кеч бўлиб қолди, кейин шу жойда ётдилар. Кечаси ярим кечада карвонлар ўтиб бораётган эди. Карвонлар қарасанки, осмонда ой, ерда Маликаи Мушкиянинг акси кўриниб, гўёки икки ой бир-бири билан талаш қилади. Карвонлар бу ишни кўриб, Маликаи Мушкияни бир сандиққа солиб олиб кетдилар. Подшо бир маҳал уйғониб қараса, хотини йўқ. Икки боласи тупроққа юмалаб ётибди. Подшо ҳар томонларга қараб кўрдики, ҳеч нарсанинг асари йўқ. Охири подшо фалакдан шикоят қилиб, йиғлаб-йиғлаб икки боласини кўтариб кетаверди. Олдидан бир дарё чиқди, дарёдан боласини кўтариб ўтказиб қўйди. Иккинчи боласини ҳам кўтариб ўтишда дарёнинг ўртасига келганда, бир бўри келиб Ҳасан боласини кўтариб кетди. Ҳасанга қараб чопиб, дарёга тўқишиб, Ҳусани ҳам қўлидан тушиб, дарёга оқиб кетди. Подшонинг ўзи дарёдан чиқиб ҳайрон, саргардон бўлиб, қаёққа боришини билмай, бир тарафга қараб кетаверди. Бир оз йўл юриб, бир мамлакатга борди. Иттифоқо, шу шаҳарнинг подшоси ўлиб, давлат

қуши учириб туришган экан. Ҳалиги қуш келиб, шу подшонинг бошига қўнди. Шаҳар халқи: «Ўзимизнинг шаҳаримизда шунча халқ туриб, ўзга вилоятдан келган кишини подшо қиламизми»,— деб уни бир жойга олиб бориб қамаб қўйдилар. Иккинчи бор учирганда ҳам ҳалиги давлат қуши шу подшо қамалган жойнинг устига қўнди. Учинчи бор учирдилар, қуш барибир шу жойга қўнди. Охири шаҳар халқи шу мусофирни подшо кўтардилар. Бу подшо бўлиб, мулк эгаси бўлиб тураверсин, эндиги гапни болалардан сўранг.

Ҳалиги бўри олган болани бир овчи бўрининг оғзидан тирик олиб қолиб эди. Бу бола овчиникида юраверди. Иккинчи болани балиқ ютган эди, бир балиқчи шу балиқни тўрда ушлаб, бу ҳам болани олиб парвариш қилиб юраверди. Болаларнинг иккови бир-бирлари билан топишиб юравердилар. Иттифоқо бир куни ўша мамлакатнинг сайили бўлиб, сайилга ҳамма халойиқ чиқди. Бу болалар турган уйнинг ҳамсоysi ҳалиги карвон аъзоларининг бири бўлиб, шу карвон Маликаи Мушкияни бир сандиққа солиб, уйига келган эди. У қизга: «Менга теккин»,— деди. Маликаи Мушкия: «От азаси ҳам олти ой, мени эримдан, болаларимдан ажратиб олиб келгансизлар. Ҳеч бўлмаса, олти ой ўтгандан сўнг жавобини айтаман»,— деб унамас эди. Ҳалиги болалар ўйнаб-ўйнаб юрганда, Маликаи Мушкиянинг кўзи сандиқ ичидан болаларига тушиб: «Эй болаларим, бу ерга қандай келдинглар?»— деб фарёд қилди. Болалар бу товушни эшитиб, томдан тушиб, сандиқни очиб оналари билан кўришиб, бир эмчагини Ҳасанга, бир эмчагини Ҳусанга бериб, болаларини қучоқлаб турган вақтида, ҳалиги карвонбоши келиб қарасаки, воқеа шундай. Карвонбоши болаларни ушлаб, қўлларини боғлаб, уриб-уриб подшоликка: «Менинг уйимга тушиб, менинг хотиним: а бадкорлик қилибди»,— деб, судраб олиб борди. Подшо қарасаки, ўзининг болаларига ўхшайди. Подшо болаларидан: «Эй болалар, сизлар қандай кишиларсиз?»— деди. Болалар бўлган воқеаларни, карвонбошининг хотини ўзларининг оналари эканлигини изҳор қилдилар. Подшо ҳалиги карвонбошини сақлаб, уйдаги сандиқни ичидаги хотин билан келтиришни, ҳалиги болаларнинг оталарини ҳам келтиришни буюрди. Подшо хизматчилари карвонбошининг уйдаги сандиқ билан аёлни кўтаришиб, болаларнинг оталарини ҳам олиб келишдилар. Аввал бошлаб Ҳасаннинг отаси бўлмиш кишидан сўради: «Ҳақиқатан ҳам шу сизнинг ўғлигизми?» Балиқчи: «Менинг ўғлим эмас. Лекин дарёда ов қилиб юрганымда, тўсатдан тўрга чиқиб қолди. Кўрдимки

рамақда жони бор экан. Мен парвариш қилдим. Шундан кейин у менга бола бўлиб юрибди. Бундан бошқа ишдан хабарим йўқ»,— деди. Подшо мергандан сўради. Шу сизнинг ўғлингизми? Мерган ҳам болани бўрининг оғзидан отиб олганлигини, шу вақтгача парвариш қилиб юрганлигини айтди. Шундан кейин карвонбошидан сўради:

— Шу сизнинг хотинингизми?— деди. Карвонбоши довдираб, гапини йўқотиб ҳеч нима дея олмай қолди. Сўнгра подшо сандиқни очиб, сандиқ ичидаги аёлдан: «Сиз ҳақиқатан ҳам шу карвонбошининг аёлимисиз?»— деб сўради. Аёл:

— Мен бу одамнинг хотини эмасман, менинг эрим фалон подшо, шу икки бола менинг болам. Эрим билан топишиб, болаларимиз билан шаҳарга қайтишимизда шу карвонлар мени ушлаб, сандиққа солиб олиб келдилар. Қанча мени қийнаб, менга тег деганларида, мен: «От азаси ҳам олти ой бўлади. Мени эримдан, болаларимдан айирдинлар, мен ҳеч қайсиларингни қабул қилмайман»— деганимдан сўнг, мени булар сандиққа қамаб қўйган эдилар. Иттифоқо, бир куни болаларнинг товуши қулоғимга тегиб, сандиқнинг ичидан овоз чиқардим. Болаларим ҳам менинг овозимни таниб, келиб сандиқни очдилар. Болаларимнинг муҳаббати ниҳоят жўш уриб, икковини икки кифтимга олиб, икки эмчагимни икковига ушлатиб туриб эдимки, карвонбоши бу ишдан воқиф бўлиб, менинг болаларимни ура-ура судраб, сизнинг ҳузурингизга олиб келди. Бўлган воқеа шу,— деб сўзини тамомлади. Подшо билдики, ҳалиги хотин ўзининг жуфти ҳалоли, болалар ҳам ўзининг боласи экан. Подшо болаларини қучоғига олиб, чаккаларидан ўпиб, кўришди. Карвонбошини ушлаб зиндонга солиб, иккита боланинг тутинган икки отасига кўп инъом-эҳсонлар бериб, хурсанд қилиб юборди. Карвонларга жазо бериб, ўзи хотини болалари билан топишиб, бошқатдан тўю-томошалар қилиб, мурод-мақсадларига етдилар. Сизлар ҳам етинлар муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

ҒУЛОМБАЧЧА

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Қадимги замонларда бир мамлакат бўлиб, у мамлакатнинг қондаси бўйича камбағаллар ўз болаларини сотар экан. Шу подшонинг шаҳарида бир камбағал кампирнинг бир ўғли бор экан. Бу кампирнинг тирикчилиги танглигидан бир болани боқишга ҳам ожиз қолган экан. Натижада, у йиғлай-йиғлай шу боласини бозорга олиб чиқишга мажбур бўлди.

Шу мамлакат подшосининг бир қизи бор эди. У ҳам етти-саккиз ёшларга кирган эди. Бир куни қиз отасига:

— Эй отажон, бозордан бир қул сотиб олиб берсангиз, менга югурдаклик хизматини қилса,— деганидан кейин, подшо хизматкорларга:

— Бозорга чиқиб бир яхши, хушсурат, боақл болалардан топиб келинглар,— деб тайинлади. Бундан кейин подшо хизматкорлари бозорга чиқиб айланиб-айланиб, охири шу кампирнинг боласи — Ғуломбачча буларнинг кўзига тушиб, бир-бирларига. «Подшо айтган бола шундан ортиқ бўлмас»,— дейишиб, болага харидор бўлдилар. Кампирга:

— Боланинг баҳосини айтгин!— дейишди.

Кампир йиғламсираб хўрланиб, ночор:

— Минг тилла,— деди. Подшо хизматкорларига кампир боласини ночордан чиқариб, йиғлаб тургани таъсир қилиб, уч ҳисса зиёда пул бериб, кампирнинг қўлидан болани олиб подшо ўрдасига қараб кетабердилар. Гўёки кампирнинг жонини азроил олгандек, беллари мункайиб, ёш ўрнига қонлар тўкиб, юраклари эзилиб, кўзлари тиниб, фалакнинг гардишига шикоят қилиб ўтирганича бир неча соатлар ўтирди. Охири ўзини уствор тутиб, ватанига қараб йўл олди. Уйига келиб боласидан ажралган қўйдек юриш-

туришини билмасдан юраберди. Кампир бу ерда тураверсин, икки луқма сўзни подшо ўрдасидан эшитинг.

Подшоликка Ғуломбаччани олиб боргандан кейин, подшо болани кўриб, булардан хушнуд бўлди. Ўрда ичидаги қизига ҳам болани кўрсатди. Қиз кўрдик, худди ўзи нстаган, кўнглидагидек бола экан. Сўнгра подшо буларни мактабга қўйди. Бир неча йиллар мактабда, уйларида, қарда бўлмасин, бир-бирларига хизмат қилиб, муҳаббатлари йилдан-йилга ошиб кетди.

Подшонинг бир маслаҳатдон вазири бор эди. Унинг ҳам бир ўғли бор эди. Подшо ҳамма вақт муҳим масалаларни шу вазири билан ҳал қилар эди. Шундай вақтларда вазир вақтнинг ғаниматлигидан фойдаланиб: «Қизингиз бизнинг ўғлимизга лозимдир»,— деб қўяр эди. Ғуломбачча билан подшонинг қизи балогатга етишиб, ҳусн-латофатда бир-бирларидан ортиқ бўлганликларини кўриб, вазир кўнглида: «Ҳай дариг, аввалги ваъда подшонинг ёдидан чиқиб кетганга ўхшайди»,— деб қўяр эди. Бир неча вақтлардан бери ҳар куни, ҳар соатда Ғуломбачча подшонинг қизи билан юрганига вазирнинг юраклари олов олиб, эзилиб юрар эди. Бир куни вазир подшони уйига чорлаб, зиёфат, шаробхўрлик қилиб, охири: «Бизнинг ўғлимиз, сизнинг қизингиз бир йилда туғилган. Доимо икков қуда бўлсак, деб айтар эдик. Энди менинг ғанимни рад қилмасдан икковини топиштирак»,— дегандан кейин, подшо ўйланиб, бир вақтдан сўнг бошини кўтариб вазирга:

— Эй вазири доно, менинг ҳам ёшим кексарган вақтимда биргина қизим бор. Буни ўқитяпман. Қизимиз билан маслаҳатлашиб кўрамиз. Агар қизим ихтиёрича кўнгли тўғри келса, у вақтда мен ҳеч нима дея олмайман,— деди.

Бир неча кун ўтиб подшо хотинига:

— Вазир шундай маслаҳат қилди. Нима деймиз. Мен гапирсам қизинг уялади. Қани, сен гапирсанг, нима маслаҳат беради,— деди. Хотини бўлган воқеаларни қизига бир-бир баён қилди. Қиз бирпасдан кейин онасига:

— Эй онажон, мен ҳали ёш бўлсам, ёшлик ҳолатида (турмушга бериб) менинг ёмонланишимга сабабкор бўласизлар. Иккинчидан, ўқишда бўлсам, илмни ҳам ўргана олмасдан фикрим бузилиб, ўрганган илмларимни ҳам эсимдан чиқариб, шунча йилдан бери азоб-уқубатлар билан толган андаккина илмим ҳам оқиб кетади. Шунинг учун бир неча вақтлар менинг ўзимнинг ихтиёримча иш қилсанглар дейман,— дегандан кейин, хотини қизнинг гапларини бирин-бирин эрига тушунтирди. Подшо ҳам қизининг бу фикрига қўшилиб, кўп раҳматлар айтди. Кейин вазирга

қизининг ихтиёри ўзида эканлигини айтди. Вазир дам урмасдан, индамасдан кетди. Подшо билан вазирнинг муомалалари Ғуломбаччанинг қулоғига чалинди. Ғуломбачча нлмда мактаб талабалари ичида энг ўткир мулла бўлди, ҳаммалари бунинг фикрига, зийрак ва фаросатлигига, таҳсин-офаринлар қилиб: «Ҳай дариғ, шундай бир қул болани подшо шунчалик ўқитиб одам қилди», баъзиларин, «подшо қизини шунга берадиганга ўхшайди», дер эдилар.

Ғуломбачча бир куни ҳалиги гапларни эшитиб, бир чеккада қиз билан маслаҳатлашди. Қизнинг йигитга ваъдаси шундай бўлди: «Эй дўстим ва меҳрибоним, мен сени ёшлигингда сотиб олдим ва шунчалик ўқитдим, ўзимдан ҳам зиёда тарбияладим, ҳар хил ҳунарлардан ҳам ўргатдим. Хаттоки, уруш асбобларини ҳам баъзи подшонинг лашкарларидан зиёदारоқ ўргандинг. Бу ваъдадан айнинмайман»,— деб тасалли берди.

Шундан кейин бир неча кун ўтгач, яна ўша вазир ҳалиги гапни подшога айтди. Подшо яна қизига:

— Э қизим, вазир менга шу хусусда кўп гапиряпти. Нима дейсан?— дегач, қиз:— Эй ота, менинг талабим шуки, кимки машаққат чекиб, сафарга чиқиб кетиб, обрўманд ва дунёдор бўлиб қайтиб келса, ўшанга ихтиёр қиламан,— деди.

Бу гап аркони давлатга ҳам эшитилди. Лашкарбошининг ҳам бир ўғли бор эди. Вазир лашкарбошига:— Эй биродар, икковимиз ўғлимизнинг сафар яроғларини тахлаб сафарга юборайлик. Қайси бири обрўли бўлиб қайтса, бахт ўшаники бўлсин. Подшонинг қизи ҳақиқат ҳолни гапирибди. Агар шундай айтмаса эрди, мен совчи юборсам, сиз хафа бўлар эдингиз, сиз совчи юборсангиз, мен хафа бўлар эдим. Энди болалар бахтидан кўрсин. Бунда ҳеч қайсиимизда гина-кудурат бўлмас. Подшонинг қизи ақли расо экан,— деди.

Бу ҳақда ҳаммалари рози бўлишдилар-да, уйларига бориб, ўғилларини яхши кийинтириб бир от, асбобу олатлар, ичига ҳар хил жавоҳиротлардан тўлдирилган бир тароқи хуржун бердилар. Шу сифат кийинтириб, ҳар иккиси болаларини подшо ҳузурига олиб келдилар. Подшо бу ҳолни кўриб, қизининг олдига кириб маслаҳатлашди. Қиз ҳам «яхши бўлибди» деб, Ғуломбаччани ўшалардек ясантириб, бир шамшир ва узук берди. Бу шамшир отасиники эди. Узук билан шамширни уриштириб, узукни ўзига қолдирди, шамширни йигитга берди, сўнг йигитга қараб: «Ҳар вақт мен сеники, сен меникисан. Бу ваъдадан сен ҳам чиқма,

мен ҳам чиқмагайман» деб ваъда қилишиб, оқ фотиҳа бериб юборди.

Подшо учовини йўлга рост қилиб:— Эй ўғилларим, бу ажойибот ва ғаройибот бахт бўлди. Бахтларинг ойдек очилсин,— деб дуо қилиб, рухсат берди. Шундан кейин учаласи «ҳайё-ҳуйт» деб йўлга равона бўлдилар. Қанча кўлларни, қанча дарёларни, қанча тоғларни саёҳат қилиб, уч кундан кейин учовлари уч йўлнинг бошига етдилар. У ерда бир катта тошга: «Бошдаги йўл — борса келар, ўртадаги йўл — борса гумон, чапдаги йўл — борса келмас», деб ёзиб қўйилибди. Шунини ўқиганларидан кейин бир оз ўйлашиб, охири Ғуломбачча:

— Эй биродарлар, менга рухсат берсанглар, мен шу борса келмайдиган йўлга кетсам, нима дейсизлар?— деди.

Иккаласи бир-бирларига пичирлашиб:— Эй оғайни, кўнгилдагидек бўлди-ку, майли боринг,— деб рухсат бердилар. Бу бечора булар билан ваъдалашиб, сафар йўлига тушиб кетди. Шу кетганича йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, эртадан кечгача, кеч бўлса ҳам бир жойга тушмасдан кетаберди. Охири оти чарчаб, юрарга ҳолати ҳам қолмади. Олдидан бир хароба қишлоқ чиқди. Қайси уйга борса ҳам ҳеч бир жон кўринмас эди. Бир жойда катта сув шағиллаб оқиб турибди. Олдида бир тегирмон, тегирмон пастида бир катта ҳовуз турибди.

Ғуломбачча отдан тушиб, шу тегирмон ичига кириб кўрди. Қарасаки, тегирмон тоши билан ғаладон турибди, ғаладон ичига ўзи кирди, тошига отини бойлади. Бир неча вақтдан сўнг ҳалиги ҳовузнинг гирдига ҳар хил ваҳший ҳайвонлар йиғилишиб, бир-бировлари билан олишиб, баъзилари бир-бирларини ейишиб, қанча вақтдан сўнг бу ҳайвонлар бирин-бирин тарқалишиб, ҳар томонларга кетди. Ғуломбачча шу ғаладон ичида ухлаб, уйқусида туш кўрди. Тушида бир киши:— Эй йигит, шу қишлоқнинг нариги чеккасидаги тепаликда бир жарнинг тагида бир аждарнинг макони бор. Кечаси чиқиб тамоми қишлоқни айланиб, нима тўғри келса, тутиб ейди. Бу аждар шу қишлоқнинг ҳароб бўлишига сабабчидир. Эртага сен ўрмондан бир қанча ёғочларни шу жар устига олиб чиқиб, худди шу илон уясининг устига кўмма қилиб, ички томонларини бир-бирига маташтириб, уларнинг ҳам учини бир жойга ип билан боғлаб, ўртасига тошларни териб қўй. Илон чиқадиган вақтда бирданига ҳалиги ипларни кесиб юборсанг, ёғочлар илоннинг бошига ва белига тушиб, ҳамма жойлари ярадор бўлиб, балки ўлса ҳам ажаб эмас,— деди. Ғуломбачча уйқудан уйғонди. Қарасаки, тонг отиб қолибди. Шундан кейин

айланиб, оҳиста-оҳиста ҳалиги ўрмоннинг ўртасига бориб, отининг оёғини боғлаб ўтлатди. Бирпасдан кейин Ғуломбачча шу ўрмоннинг у томон-бу томонига қараб, бир жойга кўзи тушди. Бу жой баландлик, кўкаламзор, ўрмонлик ваҳимали жой эди. Бир томондан шамол чиққандай супириндилар, дарахтлар барги худди ажинанинг гирватларидек ғордан чиқиб, яна бир қанча фурсатдан сўнг ғор ичига қараб кириб кетар эди. Ғуломбачча яқинга бориб қараса, бу шамол аждарнинг дами экан. Аждар нафас олганда, бола-ни ҳам тортиб кетишига сал қолди. Ғуломбачча бир боло қилиб ерга ётиб, дарахтларни ушлаб, ўз йўлига кетди. Отининг олди-га келди-да, отга миниб, ўзининг саломат қолиши учун бир жойга кириб, ҳамма томонларини тиканлик дарахтлар билан ўраб олди. Ўзи бир дарахт устига чиқиб, бу дарахтдан у дарахтга ўтиб, ўша жойга тушди. Кундузи ғорнинг орқа томонидаги кўп дарахтларни кесиб, тепанинг устига, баргини шу ғорнинг устки томонига кўмма қилиб, ичидан ип боғлаб, ипнинг учини бир қозиққа боғлади. Ёғочлар орқасига катта-катта тошларни қалаб, кечаси отнинг ёнига бориб, ҳалиги дарахтларнинг устидан ошиб тушиб ётди. Бир неча кундан кейин ҳалиги тошлар тайёр бўлди. Ўша куни ҳалиги ғорнинг устига келиб, аждарнинг чиқишини пойлаб турди. Баайни кўз қоронғи бўлгач, аждар пишқириб, ўрмонларни ларзага келтириб чиқа бошлади. Аждар чиққандан сўнг Ғуломбачча тепадан туриб бир овоз чиқарди. Аждар тепага қараши билан ўқ ёни билан аждарнинг кўзини кўзлаб чунон урдики, кўзи кўр бўлиб, тепага қараб ҳарба қилди. Ғуломбачча вақтни ғанимат топиб ҳалиги ипларни дарҳол кесиб юборди. Ҳалиги тошлар аждарнинг устидан бирин-кетин тушиб, устини босиб, гўёки тепадай қилиб қўйди. Ғуломбачча вақтдан фойдаланиб ҳалиги ёғочлардан қолган шохларга ўт ёқиб, аждарнинг устига ташлаб бошлади. Аждар бир томондан яраланган, иккинчи томондан олов остида тўлғана-тўлғана охири ёғлари оловга омухта бўлиб, оловнинг таъсири кўтарилиб, ўз ёғи билан ўзи куйиб кетди. Ғуломбачча ҳам бир жойга бориб ётди. Эрталаб қараса аждарнинг ярмидан кўпи куйиб кул бўлиб кетибди. Калла томони бир чеккада қолибди. «Аждарнинг калла мағизи билан кўҳна касалликларни даволаса, шифо топар» деган гапни қарилардан эшитган эди. Ана шу гап кўнглидан ўтиб қолди. Тезда шамширини суғуриб, ҳалиги аждарнинг бошини кесиб, калла мағзидан бир шишага тўлдириб олди. Аждар уяси а назар солиб қараса, ичида беҳисоб дунё турибди. Ғуломбачча буни кўргач, кўнглида: «Бу ғорнинг оғзини маҳкам

қилмаса бўлмас» деб бир неча кун қўр тўкиб маҳкам қилди-да, отига миниб, бу ишлардан кўнгли тиниб, «энди шу жойларни қидирай-чи, ҳеч одамли жойни топар эканманми» деб, кетганича бир қанча кун йўл юргандан сўнг олдидан бир баланд қир чиқиб қолди. Шу баландликдан қараса, йироқда қора дарахт кўринади. Ғуломбачча шу дарахтни кўзлаб яқинлаша борди. Дарахт ичидан чиққан одамлар бу йигит олдига келиб:— Эй йигит, қайдан келасан ва қаерга борасан. Одамзодмисан, ё паримисан. Бу гомондан ҳеч одамзод соғ чиққан эмас, сен қандай келаяпсан?— деб ҳол-аҳвол сўрай бошладилар. Ғуломбачча сўзга келиб, бошидан ўтган воқеаларни бир-бир баён қила бошлади. Ҳалиги кишилар подшонинг хабарчилари эди. Бу ҳолни кўриб, Ғуломбаччани подшоликка қараб иззату эъзозлар билан олиб бордилар. Подшо уларни бу ҳолатда кўриб, воқеа-аҳволлардан сўради. Ғуломбачча ўтган воқеаларни бирин-кетин баён қилди. Подшонинг ҳуши бошидан кетиб:— Эй болайи нодон, ўзинг кичик бўлсанг ҳам, бунақа ўпирма гапларга уста экансан, ёлғон ҳам эми билан-да. Бу жойга мен уч мартаба лашкар юбордим. Улар ҳеч омон қайтмадилар. Сен қандай қайтасан?— деди. Яна:— Эй навкарлар, бу бола шу ерда турсин, бир гуруҳ лашкар билан эҳтиётланиб ўша дарага бориб, ҳақиқий аҳволни билиб келинглар. Агар бу боланинг гапи ҳақ бўлса, кўнглимга келганидек иш қиламан. Агар ёлғон бўлса, дорга тортаман, токи ёлғончиларга ибрат бўлсин,— дегач, лашкарбоши ўрнидан туриб, бир қанча лашкарлари билан дарага қараб равона бўлди. Дарага яқинлашгандан сўнг оҳиста-оҳиста яқинлашиб, узоқдан қарасаларки, ҳақиқатан аждарнинг ярим жасади ётибди. Улар аждарнинг олдига ҳам келмасдан, кетларига қараб қайтдилар. Булар келгунга қадар Ғуломбаччани бир уйда зиёфат-зарофатлар қўйиб асраб турган эдилар. Эртаси куни кеч бўлиб эдики, лашкарлари хушвақт, шаҳар ичига ашулалар айтиб кириб келдилар. Бу ҳолни шаҳар халқи билди. Эртаси шаҳар халқига уч кун ойнабандлик сайил берди. Уч кундан сўнг подшо Ғуломбаччани қанча иззат-эъзозлар билан қучоқлаб, чаккаларидан ўпиб: «баракалла, сени ўстирган отоналарингга раҳматлар бўлсин»,— деб аркони давлат ҳам шу сифатда кўришиб, шаҳар ўртасига чиқариб, устидан тилла ва жавоҳирлар сочдилар. Сўнггра уни шаҳарга олиб кириб, ҳамма ақобирлар олдида Ғуломбаччани ўзига фарзанд қилиб олди. Шундан кейин аждар кулфатидан қутилган ҳамма мамлакат подшолари келиб, уни муборакбод қилиб кетдилар.

Бир куни бир подшо келиб, муборакбод қилиб, охирида:

— Шундай азамат аждарни ўлдириб, зараридан қутилса бўлар экан, лекин бизнинг ўғлимиз бир дардга илашиб, муддати олти йил бўлдики, шу дарддан қутила олмайди,— деди. Шундан сўнг Ғуломбачча:— Қанақа касал?— дегач, подшо бўлиб ўтган ҳолу аҳволларини бир-бир баён қилди. Ғуломбачча шу подшога:

— Отамиз ижозат берсалар, мен даволасам. Менинг ҳам табибликдан андаккина хабарим бор.

— Шу ўғлингизни ўзим билан қўшсангиз, ўзим келтириб қўйсам. Мабодо шифо топиб яхши бўлса, ажаб эмас,— дегандан сўнг подшо ижозат берди.

Подшо Ғуломбачча билан севиниб ўз шаҳрига келди, ўрдасига олиб бориб, қанча иззат-эъозлар билан бир неча кун зиёфат қилиб, охири ўрдасига кириб, ўғлини кўрсатди. Ғуломбачча ҳалиги беморни кўриб, далага чиқди ва подшога тайинлаб:

— Бугундан бошлаб ҳаммомни қизитинг. Эртага эрта билан ўғлингизни шу ҳаммомга соламан. Иссиқ хонасига сулайгунча ётқизиб, ўткир дориларим билан даволайман. Яхши бўлса, бахтингиз, аммо ёмон бўлса, мендан хафаланманг,— деди.

Подшо рози бўлди. Шу фурсатдан ҳаммомчиларга: «Ҳаммомни эртагача қизитинглар»,— деб буйруқ қилди. Ҳаммомчилар қизитаверди. Эртаси Ғуломбачча бир файтунга шаҳзодани миндириб, ҳаммомга борди. Шаҳзодани ҳаммомга киргизишга ижозат берди. Шаҳзоданинг йигитлари олиб кириб, иссиқ тошнинг устига чўзилтириб қўйдилар. Тошнинг иссиқлиги бир сари, ҳаммомнинг иссиқлиги бир сари. Шунчалик бўлдики, Шаҳзоданинг йигитлари чидай олмасдан қочиб чиқиб Ғуломбаччага:

— Табибмисан ёки одамкушмисан? Бу иссиққа одамзод дош беролмайди. Шаҳзода ўлишга яқинлашди,— дедилар.

Ғуломбачча ҳалиги аждарнинг миясидан чиққан дорисидан шаҳзоданинг баданларига суртиб, хизматкорларга уқалаттирди. Шаҳзодани ҳар томонлама ётқизиб, тамом баданларини уқалаттирди. Шаҳзода тез фурсатда ҳушига келиб, ўрнидан турди. Оҳиста-оҳиста ҳавони ўзгартириб, шаҳзодани ҳаммом ичидан бошқа уйга олиб ўтди. Бу уйда шаҳзодага қарасаларки, унинг тамоми аъзолари снҳатланиб, кўзлари тирилиб, одамларни кўриб, баъзиларини таниб, баъзилари билан гаплашиб снҳат топди. Уни файтунга солишиб, подшо ўрдасига қайтардилар. Подшо ўғли-

нинг саломат бўлганлигига хурсандлигидан, гўё онадан янги туғилгандек бўлиб, боласини шаҳар ўртасига келтириб, устидан тилла-ю тангаларни соча берди, қанча камбағаллар ризқли бўлиб қолди. Сўнгра барча халойиқ шаҳзодани даволаганлиги учун Ғуломбаччани дуо қилдилар. Шундан сўнг подшо шаҳзоданинг яхши бўлганлигига тўй-томошалар берди. Тўй тамом бўлиб, Ғуломбаччани иззат билан чаккаларидан ўпиб, ўзининг ўғлидан ҳам зиёдароқ кўриб:

— Эй, жоним, нима муродинг бўлса, тилагингни тила, ҳеч уялма! Агар ўзимда бўлмаса, сен учун гадолик қилурман ва ўз ўрнимни истасанг ҳам берурман,— деди. Ғуломбачча ўрнидан туриб, таъзим, тавозелар билан:

— Подшолигингиз ўзингизга ва шаҳзода биродаримга насиб қилсин. Мен сиздан сўраганим шуки, шаҳрингиздан ўз пулимга ўн минг туя, ўн минг қора мол ва камбағал, бева-бечоралардан фуқаро берсангиз. Уни ҳам маълум бир вақтгача сўрайман. Шу айтган нарсаларни тайёрлаб берсангиз,— деди. Подшо кулиб:

— Эй кам ҳиммат ўғлим, бу айтганларинг арзимас нарсасидир. Шу нарса учун ҳам оғзингни булғамагин. Бундан зиёдроқ нарсаларни айтгин,— деди.

Ғуломбачча:

— Мен камтарин одамман, бундан зиёдроқ нарса тополмасман, берсалар, шу айтганим айтган, бермасалар, оқ йўлни сўраб кетаман,— деди.

Подшо:

— Эй жоним, қачон келсанг ва нима десанг, сенинг айтганингни бераман,— деб ижозат берди.

Ғуломбачча бошқа бир мамлакат подшосининг олдига келди. Булар билан саломлашиб, касални даволаб яхши қилганликларини айтди-да, сўнгра подшога:

— Агар отажон, рухсат берсангиз, мен ўз шаҳримга қайтсам,— деди. Подшо:

— Эй ўғлим, мендек отанг бўлса-ю, яна қаерга бераман? Агар ичинг қизиган бўлса, шаҳарларни айланиб томоша қилгин,— деди. Бола кўнмасдан ёр-дўстларимни соғиндим дегаҳ, подшо:

— Бўлмаса, бир нарса сўрагин, шунча мушкулларимни осон қилиб, менга ўғил бўлганингда, мен ўлсам, ўрнимга подшо бўлади деб умид тутган эди. Хайр, майли, сенинг кўнглингга боқиб жавоб бераман. Мендан бир нарса тилгинки, тилаган кишилар ҳеч сўрамайдиган бўлсин,— деди.

Ғуломбачча ўрнидан туриб, одоб-усуллар билан:

— Менга ҳеч ниманинг кераги йўқ. Агар ижозат бўлса,

шу аждарни ўлдирган томондаги ўрмонлар, хароба қишлоқларнинг ўрни, ҳамда ўша тепаликни, дарё-ю, чўлу жазирама-ларнинг ихтиёрини берсалар. Мен шу вайроналарнинг ўрнини тиклаб, қочган халқларни ўз жойларига жойлаштириб, у ерлар аввал қишлоқ бўлса, мен у ерларни бир шаҳри азимга айлантурсам,— деди. Подшо:

— Эй ҳиммати паст ўғлим, дунёга келиб, шу нарсачун тилингни очдингми? Мен шундоқ умид тутардимки, ўзимнинг подшолигимни берсам дердим. Хайр, майли сенинг хоҳлаганинг бўлсин,— деб, аҳднома ёзиб, муҳрларини босиб, инон-ихтиёрларини Ғуломбаччанинг номига ёзди. Ғуломбачча бир неча кундан сўнг ҳалиги шаҳзоданинг отасидан олган мол-туялар ҳамда одамлар билан ҳалиги даҳяга борди. Шаҳар кўчаларига: «Кимки фалон даҳядан қочган бўлса ва камбағал бўлиб бебисот бўлса фалон даҳяга подшойи Ғуломий шаҳрига марҳамат қилсинлар», деб ёздилар. Подшодан ижозат олиб, хайр-маъзур қилиб, манзиллашиб, шу даҳяга бордилар.

Ғуломбачча аввалига шу тепаликнинг гирдинни баланд деворлар қилиб, тамоми халойиқ учун шу ернинг гирдидан тартиби билан иморатлар барпо қилдирди. Бу ер гўёки подшо ўрдасидек бўлди. Халойиққа тилло ва жавоҳирлардан, еганларича подшоликдан овқатлар бериб, кўп қарашди. Ҳалиги халқлар Ғуломбаччани ўзларининг фарзандларидек, ёшлар отасидек, ундан ҳам зиёдароқ севишар эди.

Шаҳарнинг ободончилиги кундан-кунга зиёда бўлди. Ғуломбачча қанча саройлар, қанча бозорлар, ҳар маҳалларга ҳаммомлар, мадрасалар барпо қилдирди, бир қанча ўзига хос кишиларни олдига чақириб олиб, уларга: «ҳар қайсиларинг ҳар шаҳарларга бориб, камбағаллардан ва яхши усталардан, наққошлардан йиғиб келинглар» деб, қанча пул-моллардан бериб тайинлади. Бу юборган кишилар ҳам ҳар қайси шаҳарларга бориб, камбағаллардан, усталардан ва наққошлардан йиғиб келтириб, уларни иш билан таъминлаб, тез фурсатда шундай бир шаҳри азим бино бўлдики, ҳар қандай подшолар келиб, бу шаҳарни айланиб кўриб, таҳсин-офарин қилар эдилар.

Кунлардан бир куни Ғуломбачча тахт устида ўтириб эдики, унинг ҳузурига икки киши кириб келди. Улар ҳам иш талаб қилиб келган кишилардан эди. Ғуломбачча разм солиб қарасаки, улар ҳалиги ўзи билан бирга чиққан вазирзодаларга ўхшайди. Ғуломбачча ўзининг хос кишиларига: «Буларни ҳаммомга олиб бориб, тозалаб, яхши кийимлар бериб, кечқурун фалон меҳмонхонага олиб бориб

базм ташкил қилинлар. Базм қизиган вақтда мен ҳам бо-
раман»,— деди. Кечқурун меҳмонхонада базм бўлди. Базм
қиемига етганда, Ғуломбачча ҳам ҳозир бўлди. Ҳаммала-
ри шаробхўрлик қилишдилар. Қаллалари қизиб шермаст-
роқ бўлгандан кейин Ғуломбачча вазирзодалардан:

— Эй дўстларим, сизлар қаердан бўласизлар ва қаер-
дан келасизлар?— деб сўради. Вазирзодалар шермастлик
ҳолатида бошларидан ўтганларини ва учови уч йўлга ту-
шиб кетгани, булар қиморвозлик қилиб молу дунёларидан
айрилганлиги, шаҳарма-шаҳар юриб шу ерда янги шаҳар
қурилишини, бу ердаги подшони халқпарвар деб эшитиб,
шу ерни истаб келганликларини айтишди. Эртаси куни
Ғуломбачча уларни яхши ишлар билан таъминлади. Улар
амалдорлардек бўлиб юрабердилар. Ғуломбачча уларни
тез-тез чақириб, бирга ўтиришиб зиёфат қилар эди. Бир
куни базм қилиб турган вақтларида Ғуломбачча ҳалиги-
лардан:

— Сизларни уйлантириб қўйсам нима дерсизлар?— де-
гач, улар ўйлашиб, бир фурсатдан сўнг бирови ўрнидан
туриб:

— Эй биродар, мунчалик меҳру шафқат қилиб бизлар-
дай мусофирнинг кўнглини оласиз, албатта, биз ҳам хур-
сандмиз. Ҳозир бизлар ўз кийим-бошимизни ўзимиз ювиб,
баъзи бир рўзгор ишларни ҳам ўзимиз қиламиз. Агар
уйлантириб қўйсангиз, бу қилган яхшилигингизни унут-
маймиз,— деб кўп илтимос қилдилар. Шундан сўнг Ғулом-
бачча шу шаҳардаги қизлардан ўзлари хоҳлаганини тўй-
томошалар қилиб, ҳаттоки ота-оналаридан зиёдароқ қилиб
никоҳлаб берди. Шу билан булар неча йиллар шу ерда
яшашиб, иккитадан фарзанд кўрдилар.

Бир куни булар бир жойда ўтиришиб, шаробхўрлик
қилиб турган вақтларида икковлари: «Бизларга бир неча
туя билан, бир қанча дунёлар берсангиз. Савдогарлик
ишини пухта биламиз. Шаҳарма-шаҳар томоша қилиб, қан-
ча нарсаси берсангиз, ундан зиёдароқ қилиб келамиз ва ўша
шаҳарлардаги камбағал ҳамда ҳунарманд кишилардан
эргаштириб келармиз»,— дедилар. Булар: «Бунинг қўл-
дан бир қанча нарсаларни олиб, хотин-болаларини ташлаб,
ота ватанимизга қайтиб кетсак, бизларни қаердан топар,
гардимизни ҳам топа олмас»,— деб кўнглида ўйлар эди-
лар.

Ғуломбачча шу гапларни айтгандан сўнг, ўйланиб, ке-
йин икковини ҳам уйига чақириб:

— Бояги айтган гапларинг ҳақиқат бўлса, савдогарлик
илмини билсангизлар, шаҳарма-шаҳар томоша қилиб, бир

қанча халқ ҳамда усталардан олиб келсангизлар, менга ҳам яхши бўлади. Лекин менинг бир шартим бор. Шу шартимни бўйинларингга олсанглар, хоҳлаганларингча дунё бераман, нима истасанглар, шуни бераман. Думбаларингни очасизлар, мен мана шу муҳримни босиб оламан. Менинг шартим шу. Агар шунга рози бўлсангизлар, гап шу,— деди. Булар бир-бирларига қарашиб ўйлаб қолдилар. Оқибат икковлари ҳам аста-аста бир-бировига гапириб:

— Бизнинг шаҳарларимиз бепоён, узоқ сафарли йўлдир. Қанча дарёлар, қанча жазирамалар, бир қанча тоғлар бор. Бу бизни узоқ масофали йўллардан қачон топиб олади,— дейишиб рози бўлдилар. Ғуломбачча уларни чақирди. Булар олдига бориб, аста думбаларини очиб кўрсатди. Ғуломбачча оловга муҳрини бир оз қизитиб, икковининг ҳам думбасига босиб олди. Шундай қилиб, бу икковларни эртаси кунни бир қанча туяларга зару-зевар, тилла-танга ҳамда ҳалиги ғордаги баъзи бир ажнослардан кўнгиллари хоҳлаганича олишиб, Ғуломбачча билан видолашиб шу кетганларича ўз шаҳарларига кетдилар. Ғуломбачча бўлса қолганича қола берди.

Ойдан ой ўтиб, кундан кун ўтиб, бир куни Ғуломбачча кечаси ётиб эди, тушида подшонинг қизини кўрди. Қиз Ғуломбаччага қараб: «Ваъдага вафо деган гаплар бор. Ваъдага вафо қилмадинг-ку!»— деб ғойиб бўлди. Ғуломбачча чўчиб уйғониб қарасаки, азон вақти бўлибди. У бир қанча халқни йиғиб, улар билан мажлис қилиб:

— Менинг ота-онам ҳамда элу хешларим бор эди. Шуларни бир бориб саёҳат қилиб қайтсам,— деб маслаҳат қилди. Шаҳар халқи рози бўлди. Усталарга:— Бир баланд қўрғон ясанглар, булғордан бўлсин, кўчиб юрган вақтда бузиб олиб кетадиган бўлсин. Бир жойга тушиб қўнганда, бир-бировига восил қилиб улаштира, яна қўрғондай бўлсин, ичида булғордан ҳовузлар бўлсин. Раста-регистонлар, бозорлар, ҳаммомлар доим туяларда юкланиб юрадиган бўлсин. Қачонки, бир жойга тушиб қўндирсак, гўё бир шаҳри азим бўлсин,— деб амр қилди.

Ғуломбаччанинг амрига бўйсунган усталар қўрғонни худди у айтгандек ва ундан зиёдароқ қилиб тайёрладилар. Тамом бўлганини билган Ғуломбачча халқининг ярмини шу шаҳарга қўйиб, ярмини ўзига ҳамроҳ қилиб, ҳалиги тилсимотдаги тамоми ажносларни сигирларнинг тезагига ўраб, гўёки тезакдек қилиб туяларга ортиб, қўрғонларни ҳам туяларга юклаб, қолган кишилари билан видолашиб, сафар йўлини тутиб жўнадилар. Йўл юрдилар, йўл юрса-

лар ҳам мўл юрдилар, қиссани кутоҳ қилайлик, бир куни кечаси бир текислик жойни мўлжаллаб, тушиб қарасалар, худди ўз шаҳарининг тўғрисига келибдилар. Ғуломбачча хизматкорларига:

— Эй биродарлар, бир ишни қилинглarki, иш сўровидек бўлсин. Шу кечаси то тонг отгунча, қўрғонни ва растарусталарни, ҳовуз, ҳаммомларни, кўча ва паст кўчаларни барпо қилинглар. Кўрган кишилар ҳайрон қолсинлар, гўёки шаҳар осмондан тушгандек бўлсин!— деди.

Хизматкорлар эрталабгача Ғуломбачча айтганидек шаҳарни тахт қилиб қўйдилар.

Эртаси куни худди шу шаҳарининг подшоси туриб қарасаки, кун икки томондан чиққандек бўлиб турибди. Ўзича ўйлаб: «Эй воҳ, ажабо, бу нима сир экан, тушимми, ўнгимми? Бир томондан чиққан ўзимизнинг қуёш, иккинчи томондаги шуъла нима экан?» — деб хизматкорларини чақирди. Улар билан маслаҳатлашди: «Шу ишнинг сирини билиб келинглар-чи»,— деди. Ҳалиги юборган кишилар аста-аста бориб, Булғор шаҳарига яқинлашдилар. Қарасалarki, раста-ю, бозорлар, рост кўча-паст кўчалар, қанча ҳовузларда сув тўлиб турибди. Бозорларида одамлар савдо-сотиқлар қилиб юрибдилар. Булар ҳам шуларга қизикшиб, худди мастдек бўлиб, шу шаҳарга кириб, рост кўча-паст кўчаларни томоша қилиб, раста-регистонлардан ўтиб, бир жойга бориб қарасалар, баланд-баланд кўшклар, подшоҳона иморатлар турибдики, ақлдан ташқари. Булар ҳайрон бўлиб томоша қилиб юрган вақтларида, кўп ёш ўғлонлар келиб, буларни олиб бир катта олий мақом иморатга киргиздилар. Олдиларига турли хил таомлар қўйдилар, шароблар ҳозир қилдилар. Бир томонда созандалар созларини ҳар хил наволарга келтириб, бир томондан ҳофизлар ҳофизлик қила бошладилар. Булар маст-аласт бўлиб, охири базм тамом бўлгандан кейин буларга инъом-эҳсонлар бериб, дунёликдан сарафроз қилдилар. Бир неча қадам буларни хуш-хушлашиб узатиб юбордилар.

Подшо хизматкорлари бир неча соатдан сўнг подшо ҳузурига қайтиб, кўрган қиссаларини бир ҳиссасига юз ҳисса қўшиб ҳикоя қилдилар. Подшо бу гапларни эшитиб, ҳуши бошидан кетиб рашк қилди. Енидан қалам-довотини олиб, бир нома ёзди: «Э подшо, билгин ва огоҳ бўлгинки, сен қаердан келдинг ва қаерга борасан? Қим бўласан ва нима учун бу ерга сўрамасдан келасан? Шу нома боргандан сўнг қаерга боришингни, нима учун бу ерга тушганигни, ному насабингни ва кўнглингда дўстлик борми, душманлик борми, шуни аён-баён қилгин! Иккинчидан, уч

кун ичида кетишингни айтасан. Шу нарсаларни айтмасанг ва уч кун ичида қайтмасанг, рурбат бўлиб уруш бошланса, қанча кишилар ўлса, шуларнинг хунига зомин бўласан. Шу нома боргандан сўнг мақсадингни номага ёзиб юборгайсан!» — деб ўз муҳрини босиб, бир оқил вазири билан бир қанча ақобирлар, аҳли донишмандларни ҳамроҳ қилиб, шаҳри Булғор тарафига жўнатди. Булар шаҳри Булғорга бораверсин, Ғуломбаччадан гап сўранг.

Ғуломбачча подшонинг хабарчиларини меҳмон қилиб қайтариб юборди. Бир оздан сўнг ўзига-ўзи: «Буларни зиёфат қилиб юбордим. Булар бориб бизни албатта подшога ҳикоя қилса керак. У подшонинг арконидан биздагидек ҳар хил асбоблар, бундай ҳашаматли иморатлар йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ бўлса керак. Бу ҳикояни эшитган подшо кўнглида рашк қилиб, бир жанжални бошласа ҳам ажаб эмас», — деб, бир қанча кишиларни чиқариб, йўлга пойлоқчи қилиб қўйди ва уларга: «Подшо томонидан бир қанча аҳли сулуклар ва донишмандлар келаверсалар, йўлларига поёндоз солиб, устларидан тилла-тангалар сочиб, қанча иззат-обрўлар билан ҳай-ҳайлашиб, бай-байлашиб, шаҳарга олиб киргайсизлар. Иззат, обрў билан меҳмонхоналарга таклиф қилиб, зиёфат-зарофатлар қиласизлар, бу ёғини ўзим тўғрилайман. Агар подшо томонидан табли жанг урилиб, лашкарлари ҳуружга келиб, уруш хусумати учун шаҳардан ташқари чиқсалар, шу вақтда етти ёшдан етмиш яшарларинггача тиф ва табарларингни кўтариб, улардан илгари шаҳардан чиқиб, сафларни тўғрилаб, тахт бўлиб турасизлар», — деб тайинлади. Бир қанча соатлар Ғуломбачча ўз кишилари билан, қисса не ерга етар экан, деб мунтазир бўлиб турган эдилар, шаҳар дарвозаси очилиб, аҳли сулуклар бирин-кетин ташқарига чиқиб, оҳиста-оҳиста кела бошладилар. Буларнинг келишини билган Ғуломбачча бир қанча муйсафидларни уларнинг ҳузурига чиқариб, қанча поёндозлар солиб, қарилар қўл қовуштириб, йўлнинг икки чеккасида хуш-хушлашиб турдилар. Бир қанча йигитлар қўл қовуштириб, таъзим қилиб, салом берар эдилар. Шунчалик хуш-хурсандлик билан шаҳар дарвозасига етгандан сўнг рўпараларидан подшойн Ғуломбачча чиқиб отдан ерга тушиб, одобу усуллар билан саломлашиб, шаҳарга таклиф қилиб, бирга-бирга ўзининг саройига олиб борди. Қарасалар, саройнинг ичи подшоҳона ясатилган, деворлари каштадан безатилган, кўм-кўк сувлар шалдираб оқиб, булғорни ҳовузларга тушиб турибди. Бу ишни кўрган подшо ақобирларининг ҳуши бошларидан кетиб, бир-бировларига: «Бу қандай сир, бир неча кун

илгари бу ерлар даштибиёбон эди. Бугун эса бир шаҳри азимга айланибди. Ҳайронмиз, бу подшо сеҳргарми ё жодугарми, ҳар қандай бўлса ҳам, ўз оёғимиз билан келиб, ўз бўйнимиз билан тузоққа илиндик. Агар сеҳргар бўлса, жодугар бўлса, умримиз шунинг чангалида охир бўлиб кетар»,— деб Ғуломбаччанинг меҳмонхонасига кирдилар.

Ғуломбачча уларни ҳушёрлик, сезгирлик билан жой-жойларига танлаб ўтқазди. Удар таҳсин-офарин қилдилар. Ғуломбачча уларга узр-маъзурлар айтиб, ўзини камтарона тутиб: «биздек бир камбағал фарзандларининг ватанига шундай азиз подшо ақибрларининг келгани учун бошимиз кўкларга етди»,— деб узр айтиб, зиёфат эшикларини очиб, турли-турли таомларни, ҳар хил меваларни хуш сурат хизматкорлар кўтаришиб келдилар. Меҳмонхона ўртасини ҳар турли таомлар, ширин-шарбат мевалар билан тўлдириб ташладилар. Меҳмонлар овқат емоққа машғул бўлдилар. Овқат ейишиб, бир фурсат ором олганларида сўнг, подшо ақибрлари Ғуломбаччага қараб:

— Эй ўғлим, сен бизларни иззат, эъзоз қилиб, шунча марҳамат қилдинг. Энди ижозат берсанг, бизнинг ҳам бир озгина сўзимиз бор. Подшомизнинг бир кичкина номалари бор, шуни олиб ўқиб, жавобини берсалар,— дедилар.

Ғуломбачча одоб билан ўрнидан туриб, ҳалиги оқил кишилардан номани олиб ўқиб, бир чеккасига: «Эй подшоҳи олижаноб, сизнинг ёзган номангизни олиб ўқиб, мазмунидан огоҳ бўлдим. Ҳақиқатан тўғри, мен ҳам худди ўзингиз айтгандай, бир йўловчи, бахт қидирувчи, бахт қушини учуриб сарсон-саргардон бўлиб, кеча-ю кундуз беорому беқарор бўлиб юрган бир камина фалон мамлакат подшоҳининг ўрлидирман. Агар меннингдек бир каминанинг кўнглини олиб жавоб берсалар, бир неча кун шу ерда бўлиб қайтиб кетармиз. Агар қўймасалар, биз бир йўл ўткинчи кишидирмиз, ўз йўлимизга кетармиз. Агар мақсадлари хусумат қилиш бўлса, у вақтда бир илож қилармиз. Эй подшоҳи олам, султони бокарам, номангизни ўқиб номангизга мос сўз ёздим. Шу сўзларга ачиғланмасдан, биз каминанинг кулбайи вайронасига ўз қадами муборагингизни тегирсангиз, бир танишсак, нома тамом, вассалом»,— деб ўз муҳрини босиб, номани буклаб, ҳалиги оқил кишининг қўлига берди. Буларни ҳаддан ортиқ зиёфат-зарофатлар қилди, сўнг ҳар қайсиларининг олдига товоқларда тилло ва жавоҳирлардан қўйдилар. Подшо хизматкорлари бу сифат зиёфатларни умрларида кўрганлари йўқ эди. Шаҳзоданинг бу ҳимматига ҳаммалари таҳсин, офаринлар қилиб кетишга ижозат сўрадилар. Ғуломбачча хайрлашиш

олядида подшони ҳам бирга олиб келишни улардан илтимос қилди. Шундай қилиб улар ўз жойларига қайтдилар. Подшо ҳам буларнинг келишини кутиб турар эди. Бола-нинг қандай зиёфат қилганлигини ҳар қайсиларни подшоҳига ҳикоя қила бошладилар. Охири подшони ҳам зиёфатга таклиф қилганлигини айтиб, номани қўлига бердилар. Подшо номани қўлига олиб, мазмунидан огоҳ бўлиб, яна букиб, ўз ёнига солиб қўйди. Бир неча соатдан сўнг акобирлар билан маслаҳатлашиб турган вақтларида Ғуломбачча томонидан бир қанча мўйсафидлар подшо саройига яқинлашдилар. Подшога: «Янги шаҳар томонидан бир қанча кишилар келдилар»,— деб хабар бердилар. Подшо: «меҳмонхонага туширинглар» — деб буйруқ қилди. Хизматкорлар мўйсафидларни подшо айтгандай меҳмонхонага туширдилар. Подшо акобирлари меҳмонларни иззат билан меҳмон қила бошладилар. Бир қанча вақтдан сўнг улардан бири ёнидан бир номани чиқариб, подшо қўлига берди. Номада шундай ёзилган эди: «Эй подшоҳи олам, султони бокарам, қандай бўлмасин бир келиб, биз билан танишиб, меҳмон бўлиб қайтсангиз. Бизлар бир йўл кишисимиз, танишиб қайтсам. Отамиз ҳам: «Йўлда боришингда фалон жойда шундай подшо бор, шу подшони зиёрат қилиб, дуоларини олиб, меҳмон қилиб, боз сафарингга жўнаб кетгайсан», деб эдилар. Худди шу отамиз айтган подшо ўзингиз экансиз. Шунинг учун бизнинг юборган кишиларни, улар билан борганларнинг сўзларини рад қилмасдан бирга-бирга келишингизни кутиб тураман, келгайсиз албатта. Камина Ғуломбаччадирман».

Подшо номани ўқиб, бир оз ўйланиб, ҳалиги акобирларнинг ҳикоялари ёдига тушиб, боришни ихтиёр қилди. Сўнгга ўзига хос кишилардан йиғдириб, қирқ киши Булғор шаҳарига қараб равона бўлдилар. Ғуломбачча ҳам буларнинг келишини кутиб турган эди, қанча поёндозлар солдириб, подшонинг устидан тилла-тангалар сочириб, асъаса-ю дабдабалар билан шаҳар ичига олиб кирди. Подшо бу сифат кўчма шаҳарни умрида кўргани ҳам, эшитгани ҳам йўқ эди. Бу сифат лутфу марҳаматларни кўрган подшо кўнглида: «Менинг навкарларим ҳар қанча гапирсалар ҳам, мингдан бирининг таърифини қила олишмабди. Ҳар қанча таъриф қилса ҳам кам экан»,— деб қўйди.

Ғуломбачча буларни олий мақом уйларга олиб кирди. Подшо гўёки жаннатга киргандай бўлиб қолди. Подшо дилида: «Ҳай дариг, шундай кишига қизимнинг тақдири етган бўлса, яхши бўлар эди»,— деди.

Вазирлар ўғиллари қайтиб келгандан кейин: «Қани энди бизларнинг ўғилларимиз келди, тўйини қачон қиламиз»,— деб қистар эдилар. Қиз кейинга қолдириб: «Учови бир жўнатилган, шу учови ҳам бир жойга тушар, шу вақтда аниқ бўлар. То учови бир жойга тушмагунча, мен рози бўлмайман»,— деб тўхтатиб турар эди. Подшо ҳам ўша гапни уларга айтган эди. Вазирзодалар, вазирлар, подшо навкарлари, оқил донишмандлар ва шаҳар халқи бу гапни эшитиб: «Бу қандай гап, бу учовининг кетганига етти йил бўлган бўлса, ўзининг ваъдасига биноан вазирзодалар бообрў бўлиб, дунёдор бўлиб, дунёларини юклаб қайтиб келдилар. Ғуломбачча бўлса келар эди. Агар қизини берса, вазирзодалардан ва қушбегининг ўғлидан зиёдароқ киши бу шаҳарларда бўлмас. Булардан зиёдароқ кишини қаердан топиб беради. Подшо ҳам аҳмоқ, қизи ҳам аҳмоқ бўлди»,— деб гапирар эдилар.

Подшо зиёфатга бориб, зиёфат қиёмига етиб, алвон мева-лар, ҳар хил таомлар сузилди. Ёйиш-ичиш бошланиб, яхши гаплардан гапиришиб, Ғуломбаччанинг шон-ларидан баъзилари ўз шеърларидан ўқиб, созчилар созларини чертиб, ҳофизлар ҳофизлик қила бошладилар. Подшо ва ақобирлари: «Ҳай дариғ, бизлар ҳам подшо бўлиб, бунчалик ишларни умримиз ичда кечирганимиз йўқ эди»,— деб бир-бирлари билан сўзлашиб турган эдилар, шу пайт Ғуломбачча ўрнидан туриб одобу усуллар билан подшодан:

— Эй подшоҳи олам, султони бокарам, кўнглимдан бир гап ўтди, шу гапни гапирсам. Бу ерда турган ақобирларингиз ва ўзингиз хафа бўлмасангиз, айтаман. Хафа бўладиган бўлсангиз, айтмайман,— деди. Подшо:

— Бу ер шундай жой, кўнгилда нима гап бўлса, ичда қолдирмасдан рўйи рост гапириш керак. Ичда қолган гапдан ҳеч ким баҳраманд бўлмайди. Магар махфий сир бўлса, нома орқали, ё бўлмаса, бир хилват жойда гапирар. Нима гап бўлса, айтаверинг, гапнинг учини чиқариб у ёғини айтмасангиз у вақтда биз хафа бўламиз,— деб гапни-ришга ижозат берди.

Ғуломбачча подшога қараб:

— Бизнинг хизматкорларимиздан иккитаси: «Бизлар савдогарлик қилиб олти ойдан сўнг келармиз»,— деб, бир қанча олтин, кумуш, бир қанча жавоҳирлар ва ҳар хил аж-нослар олиб кетган эдилар. Уларнинг муддатлари ўтиб кет-ган эди. Ҳозир уларни шу мажлисда кўрдим,— деб сўзла-тамомлади.

Подшо: —

— Қайсилари?— деб сўради. Ғуломбачча ҳалигиларни жой-жойларидан кўрсатди. Вазирзода билан иккови шарманда бўлди. Буларнинг оталари жаҳолат билан ўринларидан турди. Ғўёки уларнинг ҳар бир туки кийимларини тешиб чиқадигандай ваҳшат қилиб:

— Сенингдек шаҳзода зиёфатга чорлаб, оқибат шундай тўхмат гапларни айтиб шарманда қилишни истайсанми,— дедилар. Ғуломбачча:

— Қуллуқ, тақсир, биздан хатолик ўтса, кечирасиз. Оқибат хафачилик бўлади деб айтмаган эдим,— деди. Подшонинг оқил кишиларидан бири ўрнидан туриб:

— Ҳой, биродарлар, тўхтанглар. Бу гап катта гапдир. Лекин ҳақиқий ҳолни аниқлаймиз. Агар шаҳзоданинг гаплари рост бўлса, бир нишоналари бўлиши керак. Нишоналари бўлмай қуруқ гап бўлса, ўзлари шарманда бўлади,— деди.

Подшо Ғуломбаччадан:

— Эй шаҳзода, шу тўғрида сизнинг гувоҳингиз, нишонингиз борми? Гувоҳингиз ва нишоналарингиз бўлса, гапириш керак эди. Бўлмаса, бир кишига бундай чакки бўҳтон, дағал сўзларни айтиш амри маҳолдир. Бу кўрсатган кишиларингиз ҳам бир мамлакатнинг эгаси. Бирлари вазирзода, бирлари қушбегининг ўғлидир. Булардан бундай ишлар содир бўлмайди,— деди.

Ғуломбачча:

— Эй тақсир, подшоҳи олам. Шунинг учун мен гапни гапиргандан илгари аҳли мажлисдан, хафа бўлмасалар, гапираман, деб талаб қилган эдим. Албатта, менинг нишонам ва далилларим бор. Шуларни асос қилиб гапирдим. Шу икки йиғитни ўзим уйлантирдим, жойлантирдим. Буларнинг хотин-болалари ҳам ўз қошимда, бирга олиб юрибман. Агар инонмасалар, хотин-болаларини олдиларига чиқариб, рўпара қилиб кўрсатаман. Агар шунга ҳам бўйин бўлмасалар, бошқача нишонам ҳам бор. Шўкковларидан сўранглар, иқрор бўладиларми, йўқми?— деди.

Булар бир-бирига: «Эй жўра, қофия танг келди-ку. Зиёфатга келмай кетайлик, еганларимиз бурнимиздан чиқди. Яхшиси ҳозир бўйин эгиб айтайлик. Агар айтмасак, ҳалиги муҳрини тилга олса, шармандаликни ундан кейин кўра-миз»,— деб тезда ўринларидан туриб, шаҳзода билан бориб кўришиб: «Ҳақиқатан бизлар шу кишининг хизматкори эдик»,— деб бўйин эгиб турдилар. Вазир билан қушбегини ҳам чаъус бўлиб, зиёфатлар заҳарга айланиб, пушаймон қилдилар.

Зиёфат тамом бўлгач, Ғуломбачча меҳмонларининг ҳар қайсиларининг ўз мансабларига қараб сарполар бериб хурсанд қилди. Сўнгра ўрнидан туриб, бошидан ўтганларини, қаерларга бориб, қандай иш қилганларини биринкетин ҳикоя қилиб, охирида ўзини ошкора қилиб танитди ва ичкарига қараб кириб кетди. Подшо, вазирлар бу ишга таҳсин-офаринлар қилдилар.

Ғуломбаччанинг ақибчилари, мўйсафидлари подшони иззат, обрўлар билан хуш-хушлашиб, бир қанча йўлгача хайр-маъзур қилиб қайтдилар. Подшо ватанига қайтиб хотин-болаларига, катта-кичикларига Ғуломбаччанинг обрў топиб келганлигини бир-бир ҳикоя қилди.

Эртаси куни Ғуломбачча ҳам бир қанча оқил кишиларини йиғиб, уларга яхши либослар кийгизиб, яхши отларга миндириб, подшонинг қизига совчиликка юборди. Подшо ҳам катта-кичикларини йиғиб маслаҳатлашди. Ҳамма халқ подшонинг фикрига қўшилиб, қизнинг ақллилигига таҳсин ва офарин қилдилар. Подшо ақибчилари: «Берсангиз, шундай йигитга берарсиз, бундан ошиқ киши бўлмас, бу қизингизнинг ваъдасига асосан бўлди»,— деб чин кўнгилдан «иккови қўша қарисин» деб дуо қилиб, поч ушатдилар. Совчилар Ғуломбачча ҳузурига қайтишиб, бўлган воқеаларни баён қилдилар ва маслаҳатлашиб, икки подшога ҳам нома ёздилар: «Эй подшоҳи олам, эй отажоним. Мен бир мушкул ишда қолдим. Шу нома етган ҳамон ўзингиз бир қанча оқил кишиларингиз билан тез фурсатда келгайсиз, салом билан хат ёзувчи ўғлингиз Ғуломбачча табибдирман, деб номани тамомлади. Бу нома етгандан сўнг подшолар ҳайрон бўлишиб; «бизнинг ўғилхонимизга нима гап бўлган экан?» — деб кавушини қўйиб калишини кийиб, шошилшиб йўлга тушдилар. Буларнинг ҳам йўлига қанча кишилар пешвоз чиқиб, Булғор шаҳарига киргиздилар. У подшолар ҳам Ғуломбаччанинг бу сифат ишларини кўриб, ҳайрон қолдилар. Бир неча кун буларни ҳам зиёфат қилиб, зиёфатдан сўнг неча минг туяга зару зеварлар, олтин кумушлар, подшоҳона либосларни бир неча туяга ортибди. Бу икки подшо ҳам ўз йўлларига тушиб кетавердилар. Қизнинг отаси ҳам булар келиши билан пешвоз чиқиб кутиб олди. Булар юборган нарсаларни подшолар олиб бориб тақдим қилдилар. Подшо саройлари тўлиб кетди. Шундай қилиб тўй жамғармаларини жамлаб, подшо шаҳарларни безатиб, шаҳарларга зебу зийнатлар бериб, тўй-томошалар қилиб, қизини Ғуломбаччага аҳди ниқоҳ қилиб берди. Қиз билан Ғуломбачча икковлари рўпара бўлиб, бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашиб, икки ошиқ

бир-бирларининг висолларига етибди. Ғуломбачча бир қанча фарзанд кўриб, подшо ўрнига подшо бўлди. Шўжойдан ҳалиги даҳягача бўлган катта мамлакатда подшолик қилиб юрди. Гоҳ кунлари онаси бўйнига ип солиб сотиб юрганлари, эзилиб қолганлари эсига тушса, баданлари жимирлашиб кетар эди. Шундай қилиб Ғуломбачча умрининг охиригача кўп бахтли бўлиб, катта подшолардан ҳисобланиб, умр ўтқарибди, мурод-мақсадига етибди. Бизлар ҳам етайлик муродга, сизлар ҳам етинглар муродга, ўқиб эшитганлар ҳам етсин муродга.

НИГИНИ ШОҲИ МОРОН

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонларда бир шаҳарда бир бадавлат киши бор экан. У кўп йиллар фарзанд кўрмапти, ниҳоят ёши улғайганда бир бола бўлибди. Бу бола эркалик билан ўсиб, ўқимасдан, ҳунар ҳам ўрганмасдан юраверибди. Қушлардан бир кунни ота-оналари маслаҳат қилишибди: «Бу боламизни па ҳунарга қўйдик, на мактабга бериб ўқитдик. Бизлар қариб қолдик, энди қандай қилишга ҳайронман»» деб бир фикрга келишибди. «Бир-иккита оғайниларим борки, улар савдогарликка бориб келади. Ушалар билан қўшиб юборсам, савдогарчилик илмини ўрганса, савдо ишига машғул бўлиб кетади. Бу уйдаги ғаниматларни ишлатиб умр кечираверади».

Эртаси ҳалиги савдогарларнинг олдига бориб, уларга: — Менинг бир ўғлим бор, ҳеч иш кўрмаган, эркалик билан ўсган. Шунингизларга қўшиб, бир мунча пул бериб юборсам, фойдаси ўзларингизга бўлсин, менга ўғлимнинг иш ўргангани етади,— деб минг танга пул чиқариб қўйди. Ўғлига:

— Мана бугун бозор кунини, мана бу пул сенинг иҳтиёрингда. Бозорга чиқиб, нима хоҳласанг, шунини олиб кел. Эртага сени Рум шаҳрига савдогарчиликка юбораман,— деб минг тангани топшириб, бозорга чиқариб юборди. Бола минг тангани киссасига солиб, бозорга кетаётган пайтда йўлдан бир киши чиқиб қолди. Унинг қўлида боғланган бир кучук, кучукни қийнаб турибди. Бола бу кучукнинг аҳволини кўриб, раҳми келиб, кучукни халос қилишни сўради:

— Мен билан ишинг бўлмасин, бу кучукни ўлдирмоқчиман,— деб қаттиқ ура бошлади. Боланинг раҳми келиб:

— Нима берсам, қутқарасан?— деди.

— Минг танга берсанг, бўшатиб юбораман,— деди. Бола беш танга, тўрт тангадан чиқиб, юз тангагача ҳам айтди, у киши кучукни бўшатмади. Охири боланинг ҳиммати жўш уриб, минг тангани унинг олдига ташлади. Кучукни қўлидан олиб, етаклаб уйига келди. Ота-онаси бу ҳолни кўриб, болага қараб:

— Қани, бозордан нима келтирддинг?— деб сўрадилар. Бола бораётганида, олдидан чиққан воқеани бир-бир айтиб, охирида пулга шу итти олиб келганлигини маълум қилди. Отаси газабланиб, болани уришга чоғланди. Кампир ўртага тушиб тасалли берди. Яна бир қанча вақтлар ўтгач, бой боласини чақириб, олдида ўтиргизиб, ҳар томонлардан ҳикоя қилиб, йўл-йўриқларни ўргатиб: «Бугун энди аввалгидек пулни бекорга сарф қилмагин» деб, боз минг танга бериб, бозорга чиқариб юборди. Бола йўлда бир киши бир мушукни миёвлатиб, уриб, судраб юрганини кўрди. Мушук ўлар ҳолатга келиб қолибди. Бола унга ҳам «Халос қилинг!» деди. Мушукни урган киши болага «Йўлингга кетавер!» деб сиёсат қилди. Бола унамасдан:

— Қанча берсам, мушукни халос қиласан?— деди. У киши:

— Минг танга берсанг, халос қиламан,— деди. Бола бунга ҳам минг танга бериб, мушукни кўтариб, уйига қайтиб келди. Ота-онаси кўрдикки, ўғли бу мартаба ҳам қўлида ҳамма жойи қонга беланган бир ярғоқ¹ пишакни кўтариб, дарвозадан кириб келди.

Бой қарадики, ўғлининг аҳволи ушбудир. Бой қаҳрланиб, қўлига қамчинини олиб, болани урабошлади. Онайизорнинг раҳми келиб, боланинг устига ўзини ташлади. Унис-буниси келиб қолиб, бойнинг қўлидан болани халос қилиб олдилар. Бой ғамнок бўлиб, билгани ичида, азоби гўрида бўлиб: «Энди бу боланинг одам бўлишидан умидим қолмади» деб, бир неча вақтларгача юраверди. Ҳалиги олиб келган кучук ҳуриб, мушук ҳар томонларга сапчиб, қўй-қўтонларни қўрқитиб, кечаси ухламас эди. Мушук ҳам бойнинг омборидан чиқадиған сичқону каламушларни ушлаб олиб, бойнинг кўзини олдида чийиллатиб еяверди. Бой бу аҳволни кўриб, аввал хафаланган бўлса ҳам, кейинги вақтларда мушук ва кучукнинг бу хизматларини кўриб, кўнглида қувонч пайдо бўлди. Бир куни ўзича «Энди яна минг танга бериб кўрай-чи, бу дафъа нима олиб келар экан» деб, ўғлини чақириб:— Ўз қўлинг билан харид қилиб келасан, сени савдогарликка юбораман. Аввалгидай мунақа

¹ Ярғоқ — яраланган.

кучук, пишакни олиб келмагин,— деб насиҳатлар қилиб, бозорга жўнатиб юборди. Бола кетаётган пайтда яна бир жойга қарасаки, бир киши бир илонни уриб, ўлдиришга яқинлабди. Бола уни ҳам халос қилишни илтимос қилди. У ҳам аввалгидай;

— Пул берсанг, халос қиламан,— деди. Бола раҳмдиллигидан отасининг берган насиҳатлари кўнглидан чиқиб кетиб, бу билан ҳам талашиб, тортишиб, охири минг тангага шу илонни олиб, уйига қайтиб келди. Отаси ҳам кутиб турган эди. Бола келгандан ҳол-аҳвол сўрашиб, кўрдикки, бу дафъа бир илонни олиб келибди. Бой ғазабланиб, хотинининг олдига келиб:

— Энди болангни кучук-мушугини қўлига бериб ҳайдаб юборишдан бошқа илож қолмади. Боладорлик қилиб, кунда куйиб юргунимизча, боласиз бўлиб юраверсак яхши бўлади,— деб боланинг кучук, мушук, илонларини ҳамда бир қанча озиқ-овқатларни қўлига бериб, болага:

— Энди сенга жавоб! Қайга кетсанг, кетавер. Сендай бизнинг боламиз йўқ,— деб ҳайдаб чиқариб юборди. Бола ҳам тақдирга тан бериб, «ҳай-ё-ҳуйт» деб чиқиб кетди.

Бола бир неча кунлар йўл юриб кетаверди. У ҳар жойга бориб, қаерда ётса, кучуги оёғида, мушуги бошида, илон бўлса қўйнига кириб ётар эди. Шундай қилиб, буларнинг туршак-талқонлари ҳам тамом бўлиб, бир тоққа яқинлашиб қолди. Бу тоғ яқинида бир чашма бор эди. Улар шу чашма лабига бориб, бирпас истироҳат қилиб туриб эдиларки, илон қўйнидан чиқиб болага гапира бошлади:

— Эй йигит, кўп ғамгин бўлмагин. Мана шу кўриниб турган тоғнинг устида менинг отамнинг макони бор. Шу жойга мени енгингга солиб бораверсанг, катта-катта илонлар чиқиб, сени ютиб юбормоқчи бўладилар. Лекин мени кўриб, одоб тариқасида салом қилиб, кейинга қараб кетаверади. Охири сени бир жойга қўйиб, мен ўзим кириб бораман. Отам менинг аҳволимни кўриб йиғлайди. Мен отамга: «Эй ота, йиғламанг, хурсандлик қилинг, мен ўлган киши эдим. Лекин мени бир йигит халос қилиб олди. Мени минг тангага сотиб олиб халос қилган ўша йигитни отаси уйидан ҳайдаб чиқариб юборди»,— дейман. Ўша вақтда менинг отам: «Эй ўғлим, ўша болани топиб кел!»— деса, кейин сизни эргаштириб бораман. Ана, сўнгра борсангиз, бир таъзим қилиб салом беринг! Шундан кейин менинг отам сизга шафқат қилиб: «Эй ўғлим, тила тилагингни!»— дейди. Шу вақтда сиз айтингки: «Эй отажон, менга нима керак?! Бу чўлларда юрган бўлсам. Менга дунёликдан ҳеч нарса керак эмас. Ўша қўлингиздаги чигинингизни берсан.

гиз бўлади»,— десанг, боз айтадики: «Эй ўғлим, бу нигини нима қиласан? Тиласанг, дунёликни тилагин»,— дейди. Сен айтгинки: «Менга дунёлик керак эмас, ўша узугингизга ишқим кетди, ўшандан бошқани тиламайман. Бермасангиз ҳам, кетавераман»,— десанг, сўнгра ночор, ноилож бўлиб, шу узукни беради. Агар узукни отамдан қўлингга олсанг, кўнглингда нима муддао бўлса, ҳосил бўлади,— деб болага тайинлади. Бола кучук, мушукни ўша чашманинг бўйига қўйиб, илонни енгига солиб, енгидан калласини чиқариб қўйди-да, тоққа чиқиб қарасаки, илон айтгандай ниҳоят катта-катта илонлар болани кўриб пишқириб турибди. Бироқ улар ҳалиги илонни кўриб, бир таъзим қилиб қайтиб кетаверди. Шундай қилиб булар кўп илонлардан ўтиб, кўрдиларки, бир жойда олий мақом иморатлар пайдо бўлди. Ҳалиги илон йигитни бир жойга қўйиб, ўзи ичкарига кириб кетди. Отаси ўғлининг ҳамма жойлари юлинганини, жароҳатлигини кўрди ва йиғлаб, ўғлини қучоқлаб олиб:

— Сени бу аҳволга ким солди?— деди. Илон отасига айтди:

— Эй ота, нимасини сўрайсиз. Мен ҳалигача ўлиб кетган бўлар эдим. Бир бечора мени қутқариб олди-ю, ота-онаси уни мени минг тангага сотиб олгани учун уйидан бадарга қилиб ҳайдаб чиқариб юборди. Энди ўша бола сарсону саргардон бўлиб, биёбонларда адашиб юрибди. Мен ўшанинг ёрдами билан шу ергача келдим,— деди.

— Эй ўғлим, ўша болани топиб кел!— деди. Илон чиқасолиб болани олиб кирди. Бола киргани ҳамона бир таъзим қилиб, салом қондаларини келтириб, тиз чўкиб ўтирди. Илонларнинг подшоши ҳар томонлардан сўрашиб, охири:

— Эй ўғлим, тила тилагингни!— деди. Бола ўйланиб туриб:

— Мен биёбонларда адашиб юрган бир киши бўлсам. Мен сиздан нимани ҳам тилайин. Шу қўлингиздаги узугингизни берсангиз, менга етади,— деди. Подшо бир сакраб:

— Эй ўғлим, ҳеч нимани билмас экансан. Бу гапинг менинг жонимдан ўтиб кетди. Агар сендан бошқа киши бўлса эди, ўзим билар эдим. Нима қилайки, бир адашиб кетган ўғлимнинг жонига оро кириб ўлимдан қолишига сабабчи бўлган экансан. Бошқа нарсга тилагин!— деди. Бола ҳам сўзида қаттиқ туриб:

— Эй отажон, менга дунёликдан сира керак эмас. Агар дунёлик керак бўлса эди, бир кучук, бир мушук ё бир илонни минг тангадан бериб, ўлимдан халос қилиб олмаган бў-

лар эдим. Берсангиз, шуни берасиз, бермасангиз ҳам, сиздан мен ҳеч нима талабим йўқ,— деб тек турди.

Илонларнинг подшоси ҳам ноилоҳ, жонини бергандай бўлиб, нигинни чиқариб, болага тутдирди-да, кўп насихатлар қилиб:

— Бу нигиннинг қадр-қиммати билин, сира сиринини душманга ва хотинингга айтмагин. Агар сиринини хотинингга, душманларингга билдирсанг, умрингда заҳмату кулфатдан чиқмассан,—деб тайин қилиб, болани илонлардан чиқариб, чашманинг бўйига келтириб қўйди. Йигит билан илон хайр-маъзур қилишиб, илон ўз манзилига қараб кетди. Йигит ҳам ичи ғимиллаб, чашманинг бўйига келиб, кучук ва мушуклари билан топишиб, ҳалиги нигинни қўлига олиб, нигинга:

— Эй нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан, бу ерда дастурхони билан бир товоқ ош ҳозир бўлсин, дегани ҳамон ўрталарида бир дастурхон, бир товоқ оши билан ҳозир бўлди. Бу ҳолни кўриб, ҳақиқатан ҳам нигиннинг қудратига ишониб, бир бўлак ошни кучугига, бир бўлак мушугига бериб, бир бўлагини ўзи ея бошлади. Ошларини еб бўлиб, шу жойда бирпас ухлаб, бу жойдан кўчиб, йўл бошга қараб йўл олдилар. Бир неча кунлар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир кун кечқурун бир катта шаҳри азимнинг дарвозасидан кириб, шаҳар ичида боравердилар. Шаҳар ичидан оқадиган бир дарё бор эди. Дарё лабига бориб қарасаларки бир кампир оқшоқ охириб турибди. Бола кампирнинг ўнг томонидан бориб салом берди. Кампир саломини қабул қилмасдан чаппа қаради. Бу томондан ҳам ўтиб салом берди, кампир яна чаппа қаради. Охири кампир оқшоғини охириб кетаверди. Бола кампирнинг кетидан бориб, дарвозасидан кириб, кампирга:

— Эй онажон, бизларга шу оқшом жой беринг. Бу оқшом ётайлик,—деб илтимос қилди. Кампир рад қилди. Охири кампирнинг дарвозасидан жой олиб ётди. Кечқурун бўлгач, бола ҳалиги нигини шоҳи моронга: «Эй нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан меннинг олдимга турлича таомлардан тайёр бўлсин» дегач, айтганлари дарров тайёр бўлди.

Бола кампирни чақирди. Кампир чиқиб қарасаки, дарвозахонада кўп турли таомлар тортилган. У бу ҳолни кўриб таажжубланиб:

— Эй болам, бу овқатларни қайдан топдинг?!—деб сўрай бошлади. Бола ҳам тагини куйдирмасдан:

— Қўлбаримда бор эди,—деди. Улар таомларни ейнишиб бўлгач, кампир болани уйига олиб кириб, бошқат-

дан иззат-икром, эъзоз қила бошлади. Бир қанча вақт суҳбатлашиб ўтириб, ётадиган фурсатда кампир болага:

— Кечаси далага чиқмагин,— деб тайинлади. Бола эрта билан тургач, шаҳарда томоша қилиб, ҳамма томонларга айланиб, шаҳар билан танишиб, яна кампирникига келиб ухлади. Кечаси бир вақт ёзилгиси келиб ташқарига чиқмоқчи бўлди. Кампирнинг ҳалиги гапи эсига тушди, далага чиқай деса кампир «чиқмагин» деган эди. Уйда ёзилишни ўзига эп билмади. Охири ташқарига чиқишга мажбур бўлди. Ташқарига чиқиб, ёзилиб туриб осмондаги ойга қаради. Бошқа бир томондан ойга қарши бир шуъла чиқиб турибди. Эрта билангача кўнглига сиғдира олмасдан ётаверди. Эрта билан тургач, нонушта қилиб турганларида бола кечаси кўрганини кампирга гапира бошлади:

— Мен шу оқшом бир сир кўрдим. Осмонда ой чиқиб турибди, яна бир томонда бир шуълани кўрдим. Ой-ой-ку, бу шуъла нима экан?— дегач, кампир:

— Эй болам, бу гапларни гапирмагин! Сен-бизларга бу гаплар ҳожат эмас,— деди. Бола ҳам биринчи, иккинчи, учинчи кун — ҳар куни гапирар эди. Бола билан кампирнинг ўртасида бир-бирларига меҳр тушиб, икковлари онаболадай бўлиб кетавердилар. Яна бир куни бола ўша гандан сўради. Кампир нонлож бўлиб:

— У кўрнган ой ўзимизнинг оймизку-я, ҳалиги кўрган шуъланг подшонинг қизининг ҳусни-жамолидир,— деб айтиб берди. Яна бир неча кунлар ўтгач, йигит кампирга қараб:

— Эй онажон, шу подшонинг қизига мен учун бир совчиликка борсаниз,— деди. Кампирнинг газаби келиб:

— Сен ғалати одам экансан. Бизлар киму, подшонинг қизига совчиликка бормоқ нима?! Ҳолини билган ҳоримас. Дунёда одам қуриб, подшоликка бор дейсанми?! Мен у ерга борсам мени ўлдирishi аниқ турган савдо,— деб унамади. Бола ҳам биринчи куни, иккинчи куни айтаверди. Кампирнинг қулоқ-миясини еди, ниҳоят кампирнинг жопига тегиб:

— Эй, борсам, борақолай-да,— деб подшоникига қараб кетди. Бориб аркони давлатнинг дарвозасини супура бошлади. Подшонинг навкарлари бу аҳволни кўриб, подшога: «Эшингизни бир кампир супуриб турибди»,— деб арз қилдилар. Подшо:

— Кампирни олиб келинглар-чи, нима гапи бор экан,— деб чақирди. Кампирни подшоликка олиб бориб, у ёқ-бу ёқдан титкилаб, ҳол-аҳвол сўрашиб кўрдиларки, ҳақиқатан ҳам кампир совчиликка келган экан. Подшо кампир-

нинг аҳволига қарадики, жуда аҳволи хароб. Подшо навкарларига:

— Бу кампирга пича кийимлик, дунёлардан бериб юборинглар. Магар қашшоқликдан келгандир,— деб буйруқ қилди. Навкарлари ҳам бир қанча либослик кийимлар билан бир оз жавоҳирлардан чиқариб кампирга бердилар. Кампир бу ишни кўриб, подшони дуо қилиб, кетига қараб кетаверди. Аста-аста уйига келиб, ўғлонига бўлган воқеаларни айтиб, жавоҳиротларни кўрсатиб хурсанд бўлди. Эртаси куни ҳам кампирни боришга таклиф қилди. Кампир ҳам мазахўрак бўлиб, бугуниси ҳам бориб, аввалги қондасини қилиб супура бошлади. Подшонинг акобирлари подшога бу хабарни етказдилар. Подшо:

— Кампирни ушлаб келинглар,— деди. Хизматкорлар кампирни ушлаб бердилар. Подшо кампирдан сўрадики:

— Яна бугун нима учун келдинг? Кеча иззатингни қилиб юбориб эдик. Энди сени ўлдириб юборишга тўғри келади,— деб кампирни ўлдиршига буюрди. Дорга осдириб ўлдирди.

Кампир уйига бормади, эрта билан йнгит: «Онамга нима бўлган экан?»— деб кутиб туриб эди, бир қанча болаларнинг бир-бирига «Бечора кампирни ҳам дорга осиб қўйиптилар» деганини эшитиб қолди. Бола билдики, кампирни дорга осган экан. Уйига кириб, нигини қўлига олиб: «Эй нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан шу энам тирилиб келсин!»— деган ҳамон, кўчага чиқиб қараб турсаки, кампир ёпингичисини ёпиниб келаётибди. Кампир уйига кириб:

— Эй болам, хотин олишинг қуриб кетсин! Ҳали мени ўлдириб қўяр эди,— деб бўлган воқеаларни бир-бир айтиб «Ўлншимга сал қолди, илло қочиб қутилдим»,— деди. Уғли:

— Эй онажон, сизни ўлдира олмайди,— деди. Бир-икки кун ўтгач, яна боришга таклиф қилди. Кампир ночор бўлиб, аста-аста жўнаб, аввалги қондадагидек қилиб супура бошлади. Подшо кишилари қарасаки, яна бир кампир келибди. Буни ҳам ушлаб олиб бориб кўрдиларки, аввалги кампир. Кампирдан:

— Нимага келдинг?— деб сўрадилар. Яна аввалги гапини гапирди. Подшо: «буни олиб бориб, дайравотга ўтин жам қилиб, куйдириб кўлини кўкка совурингларки, ибрат бўлсин»,— деб буйруқ қилди. Кампирни олиб бориб, подшо айтгандан зиёда қилиб юбордилар. Бола яна кампирни куйдирган эмишлар деб эшитди. У яна ҳалигидай қилиб, нигинини қўлига олиб:

«Эй пигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан менинг онам тирилиб келсин!»— дегач, пув-пув йўталиб кампир кириб келди.

— Эй болам, сенинг хотин олишинг қуриб кетсин. Мен ҳали куйдириб юборар эдилар. Оловдан ҳийла қилиб қочиб қутилдим,— деб кириб келди. Йигит ҳам:

— Э, энажон, сизни ўлдира олмайди,— деб кампирнинг кўнглини кўтариб қўйди. Орадан печа кун ўтгандан сўнг, бола яна энасига:

— Бу марта ҳам боринг!— деди. Кампир ноилож бўлиб, яна борди. Қарадиларки, яна шу кампир келибди. Кампирни подшо ҳузурига олиб бориб қўйдилар. Подшо:

— Гўштини парча-парча қилиб, ҳар томонларга улоқтиринглар,— деб буйруқ қилди. Хизматчилар подшо айғанидан ҳам зиёд қилдилар. Ҳар мартаба подшо ўлдираар эди, йигит аввалгидек қилиб тирилтириб олиб борар эди. Охири подшо ҳам ўлдиришдан безор бўлди. Кампир бир куни яна бориб, аввалги қондасини қилиб супура бошлади. Подшо хизматкорлари кампирни тутиб бориб бу воқеани айтдилар. Подшо кампирдан:

— Сенинг ўзинг одамзодми, ё жинми? Қандай кишисанми, ҳар гал ўлдирсак ҳам, яна пайдо бўласан?— деб сўради, сўнгра вазирдан маслаҳат тариқасида:

— Қандай қилсак, бу кампирнинг шарридан қутиламиз?— деб сўради. Вазир ҳам ўйланиб туриб:

— Эй подшоҳим, бунинг иложи осондир. «Бермас қизнинг қалини кўп» деган. Ихтиёрини менга ташлайсиз, кўп ўлмағур нарсаларни айтиб юборсам, ўзи билан ўзи га-ранг бўлиб, боши айланиб, саросима бўлиб кетади,— деди. Сўнгра кампирни вазир ўз олдига чақириб:

— Эй кампир — онажон, сиз подшонинг қизига ўғлин-гиз томонидан совчи бўлиб келган бўлсангиз, мен айтган нарсаларни жо-бажо қилсангиз, подшонинг қизи сизники бўлсин. Сиз подшо қўрғонининг рўпарасидан бир қўрғон ясангки, ўзи мисдан бўлсин. Кун чиқса шўъла бериб, ярақлаб тўхтасин. Ичида боғу чорвоқлари бўлсин. Иккита уй бўлсинки, бири қишда, бири ёзда ўтирадиган бўлсин. Уша жойдан туяларга зару жавоҳиротларни ортиб, подшо бўлди дегунча олиб боринг. Қўй, эчкилар ҳам шундай. Бунга ўхшаш дунёда йўқ кўп нарсаларни гапириб, кампирга тушунтирди. Кампирни сурон босиб, подшоликдан чиққунча, бир бало қилиб чиқди-ю, йўлда келгунича битта йўталиб, ҳалиги гапларни кўнглига олиб, уйига кириб келди. Ўғлига:

— Эй ўғлим, мен сенга айтмабмидим, подшонинг қизи

киму, сенга хотин олмоқ нима? Шунчалик дунёда топиб бўлмайдиган нарсаларни айтдики, ҳали ҳам бўлса даъвоёғдан кечиб қўяқол,— деди. Бола:

— Эй онажон, қани гапиринг, подшо нима деди, мен эшитайин-чи,— деди. Кампир ҳам бошдан-оёқ бошлаб бўлган воқеаларни бир-бир баён қилиб айтиб берди. Бола:— Эй онажон, бу нарсалар осон гап. Эртага эрта билан кўрасиз,— деб қўйди-да, кечаси подшо қўрғонининг кун ботар томонига қараб, бир тош чамаси йўл юриб, бир дарёнинг бўйига бориб, ўтириб: «Ана шу жой хуш ҳаво жей экан, шу ердан қўрғонни қилсак бўлар экан» деб, нигинни қўлига олиб, «Нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан шу жойларда бир қалъа бўлсин. Қалъанинг ичида бир шаҳри азим бўлсин, унинг ичида мисдан қўрғон бўлсин, баландлигига инсон ҳайрон қоладиган бўлсин. Кун чиқса, шу қўрғоннинг шўъласи шаҳарнинг ичига шўъла бериб турсин. Қўрғоннинг ҳар томонидан дарвозаси бўлсин. Ичида чорвоқ бўлсин. Чашмалар — булоқлар оқиб турган бўлсин. Алвон-алвон гуллар очилиб турсин. Булбуллар хушчақчақ сайраб, ажойиб овозлар чиқиб турсин. Бу қўрғоннинг ичида иккита уй бўлсинки, бири қишда ўтирадиган, бири ёзда ўтирадиган бўлсин. Бу уйлар ҳам ҳар хил, ҳар томонга галт уриб турадиган бўлсин. Подшонинг айтганидан ҳам зиёдароқ бўлсин. Туяларга зар-зеварлар юкланиб қўй ва семиз эчкилар подшоликка қараб жўнасин. Подшо «бўлди» дегунча ҳамма нарса мўл бўлсин. Дарҳақиқат, подшонинг ўзи айтганидан ҳам зиёдароқ бўлиб турсин»,— деди.

Бола ҳалиги кампирнинг олдига келиб, кампирга:

— Эй онажон, мана чиқиб қарагин, подшонинг айтганидан ҳам зиёдароқ нарсалар тайёр бўлди,— деб кампирни стаклаб олиб чиқди. Дарҳақиқат, кампир қарасаки, Ироқ томондан бир қўрғон шўъла бериб турибди. Туяларнинг бўкиргани, қўй-эчкиларнинг маърашгани ҳамма ёқни ёсиб кетибди. Кампир бу ишга ҳайрон бўлиб қолди. Бола:

— Онажон, совчилликни бажардингиз, энди шу молларни ҳам подшо бўлди, дегунча олиб боринг,— деб буюрди. Кампир ҳам ҳайрон бўлди. Кампирни бир эшакка миндириб, тамоми ашёларини кампирнинг кетидан бирин-бирин юборди. Кампир бориб, подшоликка кириб, дарвозасини тақиллатиб, хабарчиларига:

— Эй подшоҳим, кечаги айтган сўзлари бўйича тўй ва тўққизларни олиб келди!— деди. Хабарчи бориб воқеани подшога айтди. Подшо вазирни билан саросима бўлиб қаёқасики, ҳақиқатан ҳам кўчалар тўлиб кетган. Қанча туяларга жавоҳиротлар, қимматбаҳо матолар юкланган, семиз

қўй-эчкилар бутун шаҳарга тўлиб кетган. Бу ҳолни подшо кўриб, вазирига қараб:

— Эй вазири доно, бу қандай бўлди, умримда кўрмаган ва эшитмаган ҳодиса рўй берди. Бир кечанинг ўзида шунча молу матоларни, қўй ва эчкиларни, зар-зевар, жавоҳиротларни қаёқдан топди экан? Энди қўрғонига ҳам қараб кўр, қани айтганимдай бўлдим, йўқми,— деди. Баланддан чиқиб қарасаларки, ҳақиқатан ҳам бир қўрғон кўрипадики, подшонинг қўрғони унинг олдида ярмига ҳам баробар келмайди. Шўъласи ҳамма томонларга тегиб турибди. Бу ншга вазир ҳайрон қолиб, кампирга бошқача гапирншга, иложлари бўлмади. Вазири подшога дилдорлик бериб:

— Эй подшоҳим, қиз болани ҳамма вақт бир кишига бериш керак. Қачонгача уйда олиб ўтирасиз. Қандай бўлса ваъда қилдингиз, ваъдангизга вафо қилинг-да,— деб подшоликнинг дарвозаларини очиб, олтинларни ва қимматбаҳо либосларини, матоларини хазиналарига солиб, эчки, қўйларни қўтонларга жойлаб, охири жой етишмасдан, безор бўлиб, «кейинини қайтар» деб буйруқ берди.

Шундан кейин подшо билан вазири — икковлари айлашиб ҳаллиг қўрғоннинг ичига кириб, ашёларни, иморатларни кўриб чиқдилар, ҳеч умрларида бундай хуш ҳаво, яхши жойларни кўрган эмас эдилар. Таажжубланиб томоша қилиб, чиқиб кетдилар-да, кампирга бош-оёқ сарпо бериб, «тўйни фалон кунда бошлаймиз» деб, вақтнинг белгилаб юбордилар. Кампир севинганидан уйига келиб, болага бўлган воқеаларни, тўйнинг қайси кун бўлишини айтиб қўйди. Шундан кейин подшо шаҳарларни безатиб, ҳамма томонларни ойнабанд қилиб, ўзининг қўл остида бўлган ҳамма шаҳарларга «фалон кунига подшо қизларининг тўйи бошланади» деб хабарчи юбортирди. Уша кунга ҳамма шаҳардаги беклар, ўз халқлари билан подшонинг шаҳрига келиб, подшо кўрсатган жойларда базм қила бошладилар. Подшо ҳам тўйни бошлаб юборди. Қирқ кеча-кундуз тўй-томоша қилиб, қизини кампирнинг ўғлига никоҳлаб берди. Бу подшонинг тўйидан кўп камбағаллар ҳам баҳровар¹ бўлиб, бадавлат бўлиб кетдилар.

Бу подшонинг қизига бошқа бир томондан аввали бир совчи келиб эди. Унга «Йўқ» деб юборган эди. «Йўқ» дегандан нонлож бўлиб, совчи қайтиб кетган эди. Тўй ўтгандан сўнг шу совчи: «Подшо қизини бир кампирнинг ўғлига берган эмиш»,— деб эшитди. У «Подшо қизи мендек подшо-

¹ Баҳраманд.

ларга лозим эди-ку, нима учун қаердаги бир кампирнинг ўғлига бериб, номини паст қилиб қўйибди. Энди бир гаплашиб кўрай-чи»,— деб бир нома ёзди: «Эй подшоҳи олам, билгин ва огоҳ бўлгин. Мен аввал сенинг қизингга ошиқ бўлиб, бир қанча йиллардан буён умид тутиб эдим. Сен «ҳали ёш, кейинроқ» деб мени алдаб, қаердаги бўлмағур бир кампирнинг ўғлига берган эмишсан. Подшолик номини булғаб, номус қилмадингми? Сенинг қизинг умидида бир қанча хотинларимни ҳайдаб юбориб эдим. Ҳали ҳам бўлса, яхшилик билан қизингни менга олиб бер. Агар хоҳламасанг, уришиб шаҳарингни вайрон қилиб, шармандагини чиқариб, олиб кетаман» деб номани тамомлаб, бир кишининг қўлига туттирди. У киши ҳам бир неча кун йўл юриб, шу шаҳарга яқинлашиб эди, узоқдан бир қўрғон кўринди. Баландлиги осмонга чиқиб кетган. Худди тилладай ярақлаб турибди. Бу сирни кўриб бироз тўхтаб туриб, ўзига «ҳушимми, тушимми? Илгари келганимда бу жойларда бундай қўрғонлар йўқ эди. Бу қўрғон қайдан пайдо бўлган экан» деб ўйланиб, йўл юриб келаверди. Олдидан бир қанча кишилар чиқиб қолди. Улардан:

— Эй биродарлар, бу кўринган қўрғон илгари йўқ эди-ку, мен бунга таажжубланиб қолдим,— деб сўради. Улар:

— Эй оғайни, бу қўрғон шундай қўрғондирки, оч нарса тўйиб, тўқ нарса бадавлат бўлиб чиқади. Агар гузаринг тушиб бу қўрғон ичига кирсанг, ҳар қайси дарвоза олдида меҳмонхоналари бор. Киргандан хизматкорлар чиқиб, сени иззат-эъзоз қилиб меҳмонхоналарга олиб кириб, алвон-алвон таомлардан олдинга қўйиб, шароблар ичириб, сени хурсанд қилади. Хоҳласанг, чорвоқларга чиқиб, хушфараҳлик жойларни томоша қилдириб, кейин кетгинг келса, кетишингга бир мунча жавоҳиротлардан бериб юборадн. Бу қўрғоннинг эгасини сўрасанг, бир камбағал йигит. Унинг бисотида бир кучуги, бир мушуги бор. Лекин ўзи шундай олий ҳиммат, меҳмондўст йигитдир,— деб таъриф-таъсиф қилиб ҳикоясини тамомлади.

Бу номачи ўзича ўйлаб: «Номани олиб борсамми ёки шу қўрғоннинг ичига кириб, томоша қилсаммикан?» деб, охири шу қўрғон томонга қараб юрди. Қўрғонни айланиб бориб, томоша қилиб, тоза ҳайратда қолди. Шу қўрғонни ясаганларга офаринбод, ҳеч одамнинг ақли олмайдиган қилиб ясаган экан. Кунгиралар чиқариб, ҳар хил дарахтлар, ҳар хил гулларни ҳам шу қўрғонга мисдан фарж қилганлар. Бу нақшларга, бу кунгираларга ақли шошиб, оғзи анграйиб боравериb эди олдидан бир дарвоза чиқиб қол-

ди. Шу дарвоза ичига бир қанча кишилар кириб чиқиб турибди. Нома ҳам унинг эсидан чиқиб, ҳалигилар билан кириб кетди. Қирган ҳамон хизматкорлар «марҳамат! марҳамат!»— дейишди. Меҳмонхонага кириб, турли таомлардан еб, чорвоқларини томоша қилиб, ичкаридаги бор ашёларга оғзи очилиб, охири нома эсига тушиб, «Мен бу ерда юраверсам, номани ким олиб боради?» деб, охири дарвоза олдига келиб қолди. Дарвозадан чиқадиган пайтда бунга ҳам бир мунча жавохиротлардан бериб «хуш келибсиз!» деб чиқаришиб юборди. Сўнгра номачи ўзига-ўзи: «Эй аҳмоқ номачи, сен ҳам бекор юрган экансан-да. Шундай шаҳарларда яшасанг бўлмайдимми?»— деб афсус қилди. Охири подшо дарвозасига келиб, дарвозани тақиллатди. Подшо навкарлари дарвозани очгач, номачини подшо ҳузурига олиб бордилар. Номачи номасини чиқариб, подшога тутқазди. Подшо номани олиб, ўқиб кўрдикки, кўп газабнок сўзлар айтиб ёзилган экан. Подшо у подшонинг лашкари кўп, ёмон хунхўр подшо эканлигини билар эди. Подшо ўйлашиб, вазирларини чақириб, яна бошқатдан номани ўқитиб, уларга ҳам тушунтирди. Улар ҳам номанинг мазмунидан огоҳ бўлиб, подшога:— Ҳақиқатан номани тўғри ёзибди. Қизингизни қаердан келган кучук, мушуквозга бердингиз,— дедилар. Улар подшонинг қизини шу йнгитга берганига рашк қилиб юрган эдилар. Улар подшони ҳам уқтириб яна:— Мен бир камбағалга ҳақиқатан қизимни берган бўлсам ҳам, энди хоҳласангиз, ўша куёв билан қандай муомала қилиб олсангиз, олаверинг. Энди меннинг даҳлим йўқ деб номанинг жавобини ёзинг,— дедилар. Подшо ҳам номага шундай деб ёзиб номани номачига берди. Номачи номани олиб йўлга тушди. Яна «ҳалиги қўрғонга кириб, бир зиёфат еб чиқсам» деб номачининг кўнглига келди. Шу қўрғонга бориб кириб, қанча зиёфатларини еб, яна бир дарвозасидан чиқиб, шаҳарга томон кетди. Бир неча кун йўл юриб, ўзининг шаҳарига кириб, уйига бориб, ҳалиги топган жавохиротларини уйига қўйиб, сўнгра подшога бориб номани берди. Подшо номани очиб кўриб, мазмунидан билдики, подшо ҳам бошидан ошириб юборибди.— «Ҳа энди нима бўлса — бўлсин» деб, вазиру вузирларини чақириб, уларга:

— Эй вазири донолар, номанинг мазмунини тоза ўқиб билинглар! У подшо қўрққанидан «Мен билмайман, ўша куёвини биллади» деб ёзибди. Энди лашкар тортиб бориб, ўша куёвин билан урушиб, ҳамма томонларни етим-есир қиламиз,— деб қарор қилдилар. Бу гапни номачи билиб, номада кўрган воқеаларни бир-бир айтиб, мақтай бошлади:

— Подшонинг куёви шундай жувонмард экан, соҳиблигидан дунёда битта деса бўлади. Қўрғони шунча баландки, ақлли кишилар ҳайрон қоладиган. Шаҳарнинг ичи жаннатдек, камбағал кишилар кирса, бой бўлиб чиқадиғандир. Менинг таъриф-тавсиф қилганим мингдан бири ҳам эмас. Агар ишонмасанглар, яна бошқа кишини юбориб кўринглар. Сизлар ҳали билмасдан унга қўшини тортаман деб ҳалок бўлиб юрманглар. Унда шунчалик асъаса-ю дабдаба бўлса, унинг қўшини ҳам ўзига яраша бордир-да,— деб таъриф-тавсиф қилди. Бу таъриф-тавсиф қилаверган вақтда подшонинг ғазаби келиб, ўз ўрнида йўқ бўлиб кетгудай бўлди. Охири бир оз таскин бериб навкарларига:

— Бу ҳаром тузни олиб чиқиб, уриб-уриб шаҳардан қувалаглар, ўша камбағал кучуквозга бориб фуқаро бўлсин,— деб буйруқ қилди. Хизматкорлари ҳам бу бечорани ура-ура ҳолидан кетказиб, шаҳардан чиқариб ташқарига ташладилар. Бу бечора ўзидан кетиб, бир вақт эсига келиб қолди. Қарасаки, ҳамма жойлари лахчайи бийрон бўлиб, ҳаракатдан кетиб қолган. Бир илож қилиб ўзини бир томонга олиб, ўйлашиб туриб, ўзига: «Бу шаҳарни ечига кирсам, ўлдириши нақд. Ундан кўра бир илож қилиб, ўша янги шаҳарга бориб, ўша шаҳар эгасига тушунтирсам. Бизнинг шаҳаримиздаги подшо сизнинг душманингиздир. Ҳозир шу кеча-кундузда лашкар тортиб келиб, шаҳрингизни қамаса ажаб эмас. Сиз ўйламангки, бу одамнинг гапи ёлғон деб, у подшо кўп қонхўр, зулмқунандадир. У сизнинг хотинингизга уйланмоққа, шаҳарларингизни вайрон қилиб кетмоққа келади. Энди сиз ҳам ўзингизга бохабар бўлиб туринг! Мен ўша подшонинг навқари эдим. Номга олиб келиб, олиб бориб юрганимда сизнинг шаҳарингизга кириб, кўп мапфаатдор бўлиб, бориб сизни таъриф қилганим учун подшои Хунхор ғазабланиб, мени хўп ура-ура шаҳардан чиқариб ташлади. Мен энди шаҳаримга кирсам, албатта ўлдиради деб ўйлаб шаҳарга кирмай, шу бойваччанинг шаҳарига бориб, муҳим воқеани айтсам, бир неглик аломат кўрмагайманмикан деб паноҳ тилаб келдим. Менинг гапимнинг ёлғони йўқ. Энди мени нима қилсалар, ўзлари биладилар, фуқаро бўлиб, абадий қолиб кетишдан умидворман, деб айтаман», деб ўйлади-да, йўлга тушди. Бир қанча машаққатлар тортиб, кечаю кундуз йўл юра-юра, қўрғонга келиб, дарвозани тақиллатди. Дарвозаларни дарвозабонлар очиб қарасаларки, бир мажруҳ одам, аъзолари қонга беланган — зулм, кулфат чеккан кўринади. Булар ҳам уни кўриб, ҳолу аҳволига раҳмлари келиб, ичкарига олиб кирдилар-да, гап сўрадилар. Ҳалиги номани:

— Мендан гап сўраманглар, менинг ҳолим кетган, мен ўзим юз машаққаглар билан шу ерга келдим. Энди кечаси бўлса ҳам мени подшоларингизнинг олдига бир бало қилиб олиб боринглар. Ўша ерда гапираман,— деди. Булар ҳам номачини қўлтиқларидан суяб бойваччанинг уйига олиб бордилар. Бойваччани уйғотиб, номачини кўрсатдилар. Бойвачча номачининг ҳол-аҳволини кўриб, ажабланиб, гап сўрай бошлади. Номачи ҳам ҳалиги кўнглига гириҳ¹ қилган гапларини бир-бир такрор қилиб, ўзининг дўст эканини билдириб:— Эй оғайни, қандай бўлса ўз ишингга эҳтиёт бўл! Е шу кечага, е эртага шаҳарингни вайрон қилса, ажаб эмас, душманинг йўлга чиққан,— деб сўзини тамомлаб тиз чўкиб ўтирди. Бойвачча бунинг бу дўстлик муҳаббатини кўриб, ўзининг хизматкорларига:

— Бу кишини олиб бориб, яраларига малҳам қўйиб, яхши қарашинглар, тез фурсатда яхши қилинглар,— деб буюрди. Ўзи бўлса, ўша чоғнинг ўзидаёқ маҳрамларини чақириб, бир нома тайёрлаб ёзди: «Ассалому алайкум, эй амакижон! Саломдан сўнг етиб маълум бўлсинким, фалон мамлакатнинг подшоҳи сизга нома ёзиб юборган экан. «Қизингни мендай подшога бермасдан бир кучукбозга берибсан, номингни булғабсан. Менга ваъда қилиб эдинг, ҳозир ҳам бўлса, агар шу қизингни менга бермасанг, тахтингни тобутга тортарман» деб сиёсатнома ёзган экан. Сиз ҳам шу сиёсатномасига жавоб ёзибсизки: «Мен билмайман, чиққан қиз чигдан² ташқари, куёвимнинг ўзи билади. Қандай қилиб бўлса ҳам куёвимдан олиб кетавер. Бу куёвга қизим тушганига ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Ҳақиқатан ҳам менга тенг келмайдиган киши экан» деган экансиз. Энди шу мамлакатнинг подшоси лашкар тортиб йўлга тушибди. Энди сиздан сўрайманки, ўзингизда бор лов-лашкарларингизни менга ёрдам учун тез фурсатда юборсангиз. Душман келса, мабодо шаҳаримизни вайрон қилса, ажаб эмас! Нома тамом, вассалом!» — деб номани букиб бир ўзининг яқин кишисига бериб, ўша фурсатдаёқ юборди. Номачи номани тез чопиб олиб бориб, амакисининг қўрғонига қараб йўл олди. Келиб қўрган дарвозасини тақиллатиб, ичкарига кирди. Шаҳар ичига кириб, подшо ҳузурига бориб, номани тутди. Подшо вазирларини чақиртириб, номани ўқитиб кўрдикки, хат ёрдам сўраш учун ёзилган экан.

Подшонинг вазирлари сирларини ҳам, Хунхор подшога айт-

¹ Г и р и ҳ — кўнглига тугиб қўйган.

² Ч и г — чиб.

ган гапларини ҳам билиб ёзган экан. Подшоҳнинг вазирлари ўқиб, подшога маслаҳат бердилар: «Эй подшоҳим, бугун ё эртага у хунхор подшо келса, жанжал қилади, мағлуб қиладими, ўша томондан қайтиб кетаверсин: энди сиз ҳам лашкар юбориб, қанча халқимизни ўлдириб, душманини ўзингизга сотиб оласизми? Аввалги гапингиз гап-да, энди нима қиласиз?» — деб йўлдан урди-да, ҳалиги номачини қувалаб чиқариб юборди. Шу пайт номачи ҳам қочганича қўрғонга кириб келди-да, бойваччага бўлган воқеаларни бирма-бир таъриф этиб, ҳалиги вазирларнинг йўлдан урганини айтиб берди. Шундан кейин бойвачча рамуз¹ билан билдики, бу гапларнинг ҳаммасини вазирлар тарқатган. Шундан кейин, ўзидаги бўлган кишиларни чақариб: «Қандай қилсак экан? Подшон Хунхор лашкар тортиб келса, бизнинг қўрғонимизни олса, уни қайтаришнинг нима иложи бор экан?» — деб маслаҳат қилди. Баъзилар:

— Чиқиб улар билан тенг келишга бизлар оздирмиз. Шаҳар дарвозасини беркитиб, қўрғоннинг баланд жойларидан тош, ғиштлар билан келган ёвларни қайтараварамиз. Беш кун турар, ўн кун турар, бизнинг қўрғонимиз баланд қўрғондир, охири йўқ бўлиб кетар. Шундан бошқа иложимиз йўқдир,— деб, шу гапни тасдиқладилар. Бойвачча ҳамма одамларга ичкарига кириб олинглар, дарвозаларни маҳкам қилиб беркитиб олинглар. Тошу ғишт, ўқ-ёйларни олиб тайёрланиб туринглар. Қачонки, қасд қилиб, дарвозаларини болта ва тешалар билан урмоқчи бўлсалар, ўша вақтда тош ва ғишт билан нажосатга ботириб отингларки, ҳам тош тегсин, ҳам нажосатга ботиб, келганларига минг-минг пушаймон есинлар. Душманларнинг адаби шудир,— деб тайинлаб қўйди. Хизматкорлари ҳам бажонидил бу таклифни қабул қилиб, шаҳар дарвозаларини маҳкам қилиб, дарвозаларга яхши мерганлардан қўйдики, қачон дарвозага қасд қилиб келса, шу ўткир ўқлар билан кўзларига уринглар, кўзлари чиқиб кетсин!— деб ҳаммани ҳар жойга тайинлаб қўйди.

Дарҳақиқат, бугун ўтиб эдики, бу кечасига подшоҳи Хунхор лашкар тортиб келиб, узоқдан бойваччанинг қўрғонини кўриб, таажжубланиб, ҳасрати-надомат гирдобига чўкиб кетди. Бир вақт ўтгач, таажжубланиб вазирларига айтди:

— Эй вазирлар, бу ўзи бир кучукбоз, менга тенг эмас бир киши бўлса-ю, бундай қўрғони баландни қандай қилдирган экан. Мен шунча мамлакатларни бузиб, вайрон-те-

¹ Р а м у з — фаҳм.

рон қилиб, бир неча йиллардан шу чоққача ўзимни жаҳонга тенгсиз подшо деб юрибману, мендай подшонинг бундай аркони давлати бўлмаса-ю, бу кучукбоз баччанинг шунчалик асъаса-ю дабдаба, шон-шавкагли бир қўрғони бўлса. Бу боланинг ёнида кучугини юмалатиб, бу қўрғонларни ўз шаҳаримга элтиб қурмагунча, менинг суягим тинчимайди,— деб жаҳли чиққанидан соч-соқолларини юлиб ташлар эди. Шундай қилиб, яқинлашиб келган сари қўрғонини ярақлагани подшонинг кўзларини тешиб чиққунда бўлар эди. Шундай қилиб, қалъага яқинлашиб қарадики, қалъа ташида ҳеч бир халқ кўрнмайди. Ҳамма қочиб қўрғонни чида турибди. Шунда бостириб келишининг хабарини ўша номачи берганлигини билди. «Ўша номачини бекор урган эканман, ўша фурсатда дорга остириб ўлдирсам, яхши бўлар эди», деб афсусланди подшо. Сўнг подшо ўнга баҳодирини йиғиб:

— Сизлар бир дарвозадан яқинлашиб боринглар, қани оча оласизларми?!— деди.

Улар йўлга тушиб, қўрғон дарвозасига яқинлашиб, дарвозани очинишга уринишиб эдилар, дарвоза тешигидан бир қанча ўқлар чиқиб, баъзиларини кўзига ўриб, баъзиларини ярадор қилди. Кетига чеккиниб эдиларки, қўрғон тепасида турган кишилар тош ва ғиштларни нажосатга ботириб, кетмонлар билан сочдилар. Бу ҳолни кўрган ҳалиги ўн кишидан бир нечаси кўр, бир нечаси ярадор бўлиб, бир нечаси нажосатларга пишилиб, подшонинг олдига қочиб борди. Буларнинг бадбўйлиги подшонинг димоғига уриб, тоқат қилолмай:— Олдимдан йўқол!— деб ҳайдаб юборди. Шу фурсат яна кўп кишиларни йиғиб, бошқа дарвозадан юборди. Улар ҳам шу дарди аламга гирифтор бўлиб, ишлари ривож топмай, ё иккига, ё учта бўлиб келгани келар, қолганлари кўр бўлиб ё қаттиқ ярадор бўлиб, ё нажосатларга пишилиб келар, ё ўлиб қолар эдилар. Бу кун шу аҳвол билан ўтказдилар. Охири булар «энди кундузи борса бўлмас экан, кечасининг қоронғилигидан фойдаланиб борармиз» деб, бирпас сабр қилдилар. Кун кеч бўлди. Кеч бўлгач, яна аввалги тариқада қилиб, бошқа дарвозалардан юбориб кўрдилар. Кечанинг қоронғилиги ҳам буларга фойда бера олмади. Қўрғоннинг яроқлаган равшани ташқари қалъагача ёруғ бериб турар эди. Шу сабабдан буларнинг иши барор топмади.

Шундай қилиб, булар бир неча кун шаҳарни қамаб турдилар. Табиатлари кир бўлиб, еган-ичганлари ботмай, иккинчи томондан, ўликларининг бадбўйи бурунларига уриб, подшоҳи Хунхорнинг лашкарлари: «Бизлар энди

қачонгача шаҳарни оламиз» деб, «бунақа расвойи олам бўлиб, тамоми оламга шарманда бўлиб юрамиз? Бир йил—ўн икки ой ётсак ҳам, бу шаҳарни олиб бўлмас» деб, баъзилари кечалаб қочиб кетдилар, баъзи нозик табиатлари касал бўлдилар. Подшо аҳволни кўриб, келганига минг пушаймон еб, охири кўнглини бир жойга қарор топдирди:—Эй саркардаларим, олам халқни «шундай мамлакатнинг подшоши, шунча катта подшоларни олиб, бир етимча кучуквознинг шаҳаридан шунчалик расвойи олам бўлиб кетди» деб айтмасин, энди мен бориб, шу қизнинг отасининг шаҳарини вайрон қилиб, аламинини ўшандан олмасам бўлмайди,—деб ҳамма қўшинларини йигиб, қизнинг отасининг шаҳарига қараб йўл олиб кетди.

Бу йўлга кетаверсин, энди гапини булардан эшитинг. Бойвачча Хунхор подшонининг ҳамма қўшинларини йигиб қайнотасининг шаҳрига кетганини кўрди. Бу ишни қиз биллиб йигитга:

—Эй жоним, душман отамни асир қилиб, шаҳарларини вайрон қилиб, афтода қилишга кетди. Энди шунинг бир чорасига киришсангиз, қандай бўлади. Шу зулмдан отам эсон-омон қолса,—деб кўп эланди. Бойвачча қизга:

—Эй меҳрибоним, отамизнинг лашкари кўп, уларга кўмак беришга менинг кучим етмайди. Ўзимнинг шаҳаримни бир бало қилиб олиб қолдим, холос. Шунга ҳам ўзим мағрур бўламан,—деди. Қиз яна:—Эй меҳрибон дўстим, шунча ашёларни топиб, шунча қўрғонни олиймақомларича топган, шу подшонинг ишини тамом қила олмайдингми?! Менинг гапимни олиб отамнинг ёрдамига борсангиз дейман,—деб эланди.

Йигит ўйланиб-ўйланиб, ҳалиги нигини эсига тушиб «дарвоқе, менинг ўзим каллаварам эканман-ку. Бу подшонинг иши осон эди-ку» деб нигини қўлига олиб: «Эй нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан шу келган подшонинг боши айланиб, шу шаҳарни вайрон қиламан деб бориб, ўзининг шаҳарига борганини билмай қолсин» деб дуо қилди. Уша ҳамона ҳалиги подшо йўлга кетаверди. Кечгача йўл юрди. Ана етдим, мана етдим, деб бир чўлга чиқиб кетди: На йўл бор, на кўл бор ва на бир дарахт, на қўрғоннинг асарини кўради. Бу кечаси ҳам йўл юрди, бир манзилга етди. Овқатлар ҳам, сувлар ҳам тамом бўлиб, ҳалқумлари қотиб, келганларига минг-минг пушаймон еб, жаҳли чиққанидан соқолларини юлиб, кўп лашкарлари сувсизликдан йўлларда қолибди. Баъзиларининг отлари юролмасдан пиёда қолиб, охири ўз шаҳарларининг бир чеккасидан чиқдилар. Булар бу ҳолни кўриб таажжубда қол-

дилар. Подшо:— Ҳай дариг, дунёга келиб, мен бунчалик шарманда-шармисор бўлганим йўқ эди. Шунча лашкарлардан айрилдим. Бу лаънат умрбод қолди,— деб тахтига чиқиб ўтирди-да, ўзига тобе мамлакатларнинг беғларига: «Фалон кун, фалон соатга ўз лашкарларингни йиғиб, менинг ҳузуримга келгайсизлар. Агар бу нома етган ҳамон келмай қолсанглар, мендан яхшилик кўрмагайсизлар!»—деб нома ёздириб, ҳар қайси вилоятларга биттадан нома тарқатиб юборди. Нома етиб боргач, тобе мамлакат подшолари йиғилиб келаверсинлар, энди гапни бу ёқдан эшитинг.

Йигит қўрғон тепасидан қараб, кўп ўликлар, ярадорлар ётганини кўриб: «Буларнинг иложини қандай қилар эканман», деб ўйлаб турувди, ёдига нигини тушиб қолди. Нигинни қўлига олиб: «Эй нигини шоҳи морон, икки аждар пайдо бўлсинки, бириси ўликларни ютиб шаҳарни тозаласин, иккинчиси подшонин адашган, сувсиз қолган, ярадор бўлган лашкарларини ютиб, олиб келсин» дегани ҳамон бир аждар пайдо бўлиб, қўрғон тагидаги ўликларни ҳўплаб нафасига тортиб, қўрғонни айланиб тозалаб, шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Бирпас ўтиб эдики, биёбон томондан бир аждар пайдо бўлиб, тамоми адашган, сувсаб қолган, ярадор бўлган подшонинг аскарларини дамига тортиб ютиб, қалъанинг ичига томон оғзини қилиб, биринсини чиқара бошлади. Қалъанинг ичи одам билан отга тўлиб кетди. Бойвачча қўрғоннинг эшикларини очиб, тамоми одамлар, отларини қўрғон ичига олиб кирди. Буларни тамом меҳмонхоналарга олиб кириб, зиёфат қилиб, зиёфат тамом бўлгач, чорвоқларга олиб кириб, хушфараҳ жойларни томоша қилдириб, бош-оёқ сарпо бериб, мажлис тузиб:— Эй дўстларим, мен яхши биламанки, сизлар Хунхор подшонинг зулми билан келган кишилардирсизлар. Энди хоҳласангиз, ўз шаҳарларингизга марҳамат килиб кетаверсангизлар. Хоҳласангизлар, бизга фуқаро бўлаб қолаверинглар,— деди.

Булар ҳам бир оғиздан:

— Эй дўстим, бойвачча, бизлар донмо зулм остида шаҳарма-шаҳар уруш қилиб юриб, безиб кетдик. Энди яхши биламизки, зафар сиздан экан. Сизни ҳар қандай подшо жанг қилгани билан ола билмайдик. Сиз бизларга эроф-аслаҳа топиб, тишу тирноғимизгача ҳабжўшлаб¹ ўраб, муҳофаза қилинг, бизлар кўп кишидирмиз. Бизлар хоҳлаймизки, ўз подшомиз билан жанг қилиб, шу қулликдан чи-

¹ Ҳ а б ж ў ш — металл қотишмаси.

қиб олсак. Барибир, бизнинг подшомиз ўз шаҳарига боргандир. Ҳамма беклари билан у бугун ё эрта лашкар тоғ-тиб келади. Бизлар илгарироқ уларнинг йўлини боғлаб, шикаст берсак,— деб маслаҳат бердилар. Йигит хушвақт бўлиб, бир чеккага бориб:

— Эй нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан шу тамоми лашкарларнинг кийимлари ҳабжўшдан бўлсин, шамширлари бурро бўлсин,— дегач, тамоми лашкарлар кўрдиларки ҳар бири филдан кучли, ҳабжўшга ўралиб, Рустамни дostonдай бўлиб турибди. Ўзларида—ўзлари мағ-рур бўлишиб, бу ишга ҳайратда қолдилар. Бугун кечаси ҳам зиёфату зарофатларни еб, истироҳат қилиб, эрта билан лашкарбошилари бойваччадан:

— Энди бизларга ижозат берсангиз, йўлга чиқиб пой-лаб турсак, агар улар кечаси келадиган бўлса, гафлатда қўйиб қириб ташлаймиз, кундузи тўғри келса, уруш қи-ламиз. Агар тўғри келмаса-ю, шаҳарга бориб қолсак, ша-ҳар ичида ҳам уруш қилиб, шаҳаримизнинг бир томонини қўлга олиб, бола-чақаларимизни, кўчу кўчмонимизни, қав-му қариндошларимизни олиб келиб, сизга фуқаро бўлиб, бор умримизни сизнинг шаҳарингизда кечирамиз,— деб бойваччадан рухсат тиладилар.

Бойвачча рухсат бериб, уларни жўнатиб юборди. Улар йўлда бир неча манзилларни тайин қилиб бораётиб эди-ларки, узоқдан бир тепалик чиқиб қолди. Тепасига чиқиб, узоқни кўрадиган асбобларини кўзларига қўйиб қараса-ларки, биёбонни мўру малахдай бўлиб, лашкар тўсиб кел-япти. Ҳаёл қилиб билдиларки, буларнинг ҳар бирига минг киши баробар келгудек. Ўйлашиб кўрдилар, баъзилари айтдиларки, «Нима бўлсак, бўлдик, ўзимизни лашкарга уриб, жанг қиламиз». Баъзи ақллилари айтдиларки: «Бе-ҳуда нарсаса, беҳуда куч қилсанг, ўзингга зиён келтир-сан. Ҳеч бўлмаса ҳар бир кишига ўнтадан, ўн бештадан киши тўғри келадиган бўлса эди, булар билан бир жанг қилиб кўрар эдик. Улар бир дарёни азим бўлса, биз бир кўлмакча ҳам эмасмиз. Ҳолини билган ҳоримас деган га-лар бор. Энди бизлар шундай қилишимиз керак: бир папа-ни топиб бошиқача йўл билан ўз шаҳримизга кетсак. Булар бу томонга кетиб қолса, бизлар бориб шаҳарни олсак, ке-йин ўз хешу ақрабларимиз билан келсак бўлади. Бўлма-са, тезлик қилиб булар билан уруш қилиб қўйсак, парвона ўзини оловга ургандай бўлиб ўламиз ёки буларнинг қўли а-сир тушиб қолсак ҳам ажаб эмас. Ўзимиз нима бўлсак бўлайлик, лекин улар бизларнинг тухумимизгача қириб юборса керак», деб маслаҳатини бир жойга қўйиб, чап то-

монга — биёбонга қараб юриб, яна бир тепаликдан чиқиб қарасаларки, булар ўтиб бораётибди, ҳали ҳам охири узилган йўқ. Яна бир қанча юргач, бу лашкарларнинг ўтиб кетганлиги буларга аниқ бўлди. Булар шаҳарга қараб йўл олдилар. Бир неча манзил мароҳилларни¹ тай² қилиб, ўз шаҳарларига етдилар. Ўз уйларида ҳаммалари тарқалиб, истироҳатга машғул бўлдилар. Булар бу ерда тураверсин, ганин бойваччадан эшитмоқ керак.

Бу борган лашкарларни бойвачча ҳам сезиб, ҳамма халқларини қўрғон ичига олиб кириб, дарвозаларини маҳкам қилиб олган эди, ўзи «қандай қилиб Хунхор подшони гутгайман» деб ўйланиб, қўрғонда айланиб юрар эди.

Кунлардан бир кун бойваччанинг одамлари Хунхор подшонинг келаётганини англади. Бойвачча қарадики, биёбон томонини мўру малахдай бўлиб лашкар босиб, чодир-чимматларини тикиб турибди. Нигинини қўлига олиб: «Эй нигини шоҳи морон, кимки менинг шаҳаримга қасд қилиб келиб, дарвозаларим олдига ўрнашса, бир аждар пайдо бўлиб, дамнга тортиб ютиб юборсин» деб, тек ўтираверди.

Подшо ҳам: «Фалон дарвозадан сен борасан, истон дарвозадан сен борасан!» — деб ҳамма бекларига тайинлаб чиқди. Кўрсатилган беклари ўзининг одамлари билан қайси дарвозани айтган бўлса, ўша дарвозага келиб урипишавергач, бир аждар пайдо бўлиб, шу дарвозага қасд қилган кишиларни қуллоби нафасига тортиб ютиб юборар эди. Подшо бу ҳолни кўриб, бекларини юбортирди, шикаст топди. «Аввалги келганимда роса шарманда, расво бўлиб кетган эдим. Бу мартаба ҳам ундан баттар бўладиганига ўхшайман» деб ўйлаб, лашкарларини икки бўлиб, бир томонига: «Сизлар аждарни омон бермай ўқ-ёйларинг билан ураверинглар», деб тайинлади. «Бир томонимиз дарвозаларни очингга уриниб кўрамиз» деб маслаҳат қилиб, қўрғонга ўзларини урдилар. Улар мўр-малахдек бўлиб, қўрғонни ўртага олдилар. Аждар ҳам пишқириб подшонинг лашкарига ўзини урди. Лашкарлар шунча ўқ отсалар ҳам, унга ҳеч таъсир қилмасди. Аждар ҳар пишқирганида, қанча аскар унинг нафасига йиқилиб, кейин кетар эди. Қўрғон ичидаги халқ ҳам аввалги қондаларини қилиб тошу гиштларни отиб, қўрғонни муҳофаза қилиб туравердилар. Подшо қараб кўрдикки, иши ривож топмади. Подшо «энди шармандаликнинг шу ёғи ҳам менга етарли» деб табли-

¹ М а р о ҳ и л — йўл.

² Т а й қ и л и б — босиб ўтиб.

бозгашини¹ уриб, лашкарларини четга тортиб чиқди. Бирпас ором олиб «қизининг отасининг шаҳрига борсаммикан ёки аввалгидай адашиб, саргардон, сарсон бўлиб йўлдан оздириб, ўз шаҳримга буриб юборадими» деб, лашкарларини йиғиб, «Энди қайтмоқдан бошқа чора йўқ, ўз шаҳаримга қайтаверай, бунинг шаҳарини зўрлик билан олиб бўлмас экан. Энди шаҳарни чувлатиб кўрай-чи» деб, ўз шаҳарига қараб ҳайдаб кетди. У ўз шаҳарига кириб, подшолик қилиб юраверсин, эндиги гапни булардан сўранг.

Булар ҳам кўрдиларки, подшо ноилож бўлиб, шармандаси чиқиб қайтиб кетди, қанчалари йўлда оёқ ости бўлиб, қолганларини шаҳар ичига олиб кириб, ўзига фуқаро қилиб олди. Бу подшо ҳам ўз шаҳарига келиб: «Қайси йўл билан бўлмасин бойваччанинги шаҳарини олиш керак», деб вазирларига маслаҳат берди. Вазирлар, донишмандлар фол очиб кўрдиларки, бу шаҳарни маккорлик билан олса бўлади. Шаҳарни ахтариб, далла² аёлларни, фолчи-қўшночларини йиғиб, буларга:— Сизларнинг ичларингизда қайсиларнингиз маккор? Уша маккорни менга айтиб беринглар! Подшоликка шундай бир киши керак. Менга аёллардан ҳам бир донишманд керак бўлди,— деди. Аёллар машварат³ қилиб: «Фалончи билан фалончи бор», деб, бир маккор кампирни кўрсатдилар. Дарҳақиқат, ўша кампир маккорларнинг маккораси эди. Подшо ўшани олиб қолиб:

— Эй онажон, подшоликка лозим киши экансиз. Сиз доим подшоликда турасиз,— деб бир чорбоғи олийдан жой кўрсатди. Қанча канизлар кампирнинг хизматида туриб, алвон-алвон таомлар едириб, белгунчакка⁴ солиб ухлатар эди. Гоҳо бир тахтга кўтариб, ҳар томонларга сайр-томоша қилдириб юрар эдилар. Кампир лутфу марҳаматни кўриб, аввалдан шу подшоликка ўзимни маълум қилиб билдирсам, аввалги ўтган умрларимни ҳам шу тарзда ўтказиб юрган бўлар эдим. Ана энди менда ҳеч камчилик йўқ,— деб кўнгилдан ўтказди.

Подшо гоҳ вақтларда келиб, баъзибир маккорлик масалаларидан сўраб кетар эди. Бир куни подшо кампирнинг олдига кириб, у ёқ-бу ёқдан гапириб, кампирга:

— Эй кампир, онажон, бир жойда бир бойваччанинги хотини бордир. У фалон подшонинг қизи эди. У қизни ошн-

¹ Таблибозгаш — урушда аскарларини чақириб учун ишлатиладиган ногора.

² Далла — ёмон йўлга солувчи, қўшмачи айёр, маккор.

³ Машварат — маслаҳат.

⁴ Белгунчак — беланчак.

ғи мен эдим. Бир неча бор ўшанга одам юбориб эдим. Лекин у подшо «қизим ёш» деб совчиларимни қайтарган эди. Энди эшитаманки, уни бир кучукбозга берган эмиш. Шу шаҳарга бориб, шу қизни қўлга туширишнинг ҳеч иложи бормикан?— деди. Кампир ўйланиб туриб.

— Эй болам, бу ишнинг иложи осондир,— деб ўрнидан сакраб туриб,— менга қимматбаҳо жавоҳирлардан, лаълу зумрадлардан ва забаржадлардан, дунёдаги асл нарсалардан, яхши-яхши ойналардан, атторлик тузиб берсангиз, унинг иложи осон,— деди.

Подшо кампир айтгандай қилиб, балки ундан ҳам зиёदारоқ қилиб берди. Кампир оқ бир эшак топиб, паранжичавон қилиб, эшакнинг белига миниб, йўлга тушди. Бир неча кунлар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, охири бир неча кундан кейин бойваччанинг қўрғонига яқинлашиб, қалъанинг ичига кириб, бир саройга тушиб, эшагини бойлаб, атторликнинг растасига бориб, атторлик қаторида молларини ёйиб турди. Харидорлар келиб, кампирдан ҳам нарса олиб кетар эдилар. Кампир кўп сотмас эди. У ҳар куни бозорда озгина савдо қилиб, шаҳарнинг ичида ҳам уйма-уй савдо қилиб юрар эди. Ҳэлиги асл молларини гоҳ-гоҳ кўрсатиб, баҳосини жуда ҳам қиммат айтиб қўяди. Бу хабар бойваччанинг хотинининг қулогига ҳам етгач, у кампирни кўрмоқнинг иштиёқида бўлди. Аста-аста кампирни қўрғон ичига олиб кирди. Кампир рост кўча-паст кўчаларни томоша қилиб, бир куни бойваччанинг уйига ҳам бориб қолди. Бойваччанинг хотини кампирдан баъзи муҳим нарсаларни сўраб қолди. Шундан кейин кампир бу билан алоқа қилиб бугун бундай, эрта ундай бўлиб, шу қизнинг хизматларини ҳам қилиб берадиган бўлди. Гоҳ пайтларда кампир унинг ошларини ҳам пишириб берар эди. Аста-секин кампир буларнинг ташқарисига жойлашиб, хизматкор бўлиб олди. Бир канча вақтлар ўтгач, булар ишонишиб, ҳовли ичидан жой бердилар. Шундай қилиб, булар иттифоқлашиб юравердилар. Кампир ошпаз бўлди. У ошларнинг ичига баъзи дориларни қўшиб пиширар эди-ки, лаззатли, ҳуштаъм, тўйиб еган киши худди шермастдек¹ бўлиб юрар эди. Гоҳо бойвачча йўқ вақтда кампир:— Эй қизим, бу ажойиб қўрғон экан-да. Шаҳар ташқарисига ҳам кечаси ойдинлик бериб, ярқираб турибди. Буни қандай қилиб қурган эканлар? Сиз бўшгина бола экансиз, бизлар сизчалик вақтимизда «шайтони боковуш-маҳси» эдик. Қаллиғимиздан баъзи

¹ Ш е р м а с т — ширакайф.

вақтларда баъзи нарсаларни сўраб олар эдик. Гапимизга жавоб бермаса, нозу истиғно қилиб чаппа қараб аразлаб ётар эдик. Шундан кейин: «Эй жонгинамга ур», деб бағрига босиб, нима сири савдоси бўлса айтиб берар эди. Сизни қарайман — бўшгина қўзичоқ онасининг қўйнида ётгандай бўлиб ётасиз. Эркакка баъзи вақтларда маъшуқона қичиқ-қичиқ гаплардан гапириб, эркакнинг дамини уйғотиб, қилиқ қилиб турмасангиз, келин-куёвликнинг маъноси нима бўлади. Эй, сиз жуда бўш-да,— деб қўйди.

Кечқурун бўлди, бойвачча овқатланиб, жойига кириб ётди. Бир қанча фурсат ўтгач, кампирнинг гапи қизнинг ёсига тушиб:

— Эй дўстим, сиз мени олганингизга бир йилдан кўп бўляпти, ҳеч бир у томон, бу томондан сўров, истов гаплардан гапиришмайсиз. Мен сўраганга сиз айтнинг, сиз сўраганга мен айтай, қўрғонларнинг ичидаги, ташидаги боо ашёларни, ҳеч одамнинг ақли етмайдиган ишларни қандай қилиб қилдингиз?— деб сўрай бошлади. Бойвачча бу гапларни эшитиб:

— Эй меҳрибоним, бу гаплар сўраб бўлмайдиган гапдир. Бошқа гаплардан гапиринг,— деб қўйди. Шу билан бу оқшомни ўткардилар. Аёл кампирнинг гапи ҳақиқат эканлигига қизиқар эди. «Шу ишларни эрим қилганига мен ҳам таажжубда» деб ўйлаб, йигитдан қойиб ухлаб қолди. Бу кун ҳам ўтиб, кеч бўлди. Боз жойга ётишда аввалгидек ҳар хил қилиқ қилиб, нозу истиғно қилиб, ҳалиги сирдан сўрай бошлади. Бойвачча яна у эди, бу эди деб бошқа томонларга айлантриб қўйди. Қиз ўйланиб, йигитга:

— Эй дўстим, мени хаёлингизда душман билиб, кўнглингиздаги сирни айтмайсиз. Менинг сизга душманлигини йўқдир,— деб хафаланди. Бу оқшом ўтиб, эртаси кеч бўлди. Кампир аввалги одатидай қилиб, ошга дорини кўпроқ қўшиб едирди. Булар ошни еб бўлгач, уйларига чиқиб, жойга кириб ётдилар. Кампирнинг одати — булар то ухлагунча, эшикнинг бир томонидан кириб қулоғини қамишдек қилиб тинглаб турар эди. Булар ухлагандан сўнг, қайтиб бориб ўз жойига ётар эди. Бу оқшом кампир ҳалиги одатини қилиб, қулоғини қамишдай қилиб туриб эдики, бойвачча билан қиз олишиб, талашиб, жойига ётишди. Хотини яна аввалги одатини қилиб, йигитдан сирини айтишни илтимос қилди. Бойвачча ҳар қанча қилиб бошқа гапга айлантирсам ҳам, қиз нозу истиғно қилиб, бойваччанинг мастлигидан фойдаланиб, айтишга мажбур қилдирди. Бойвачча:— Эй жоним, менинг бир нигини шоҳи мороним бордирки, ана шуни қўлимга олиб, кўнглимдаги нима гап бўлса, десам,

шу гап бўлади. Бу сирни ҳеч кимга айтмаслик керак эди. Сенга айтдим. Энди сен менга дўст бўлсанг, ҳеч кимга айтмагайсан,— деди. Қиз ҳам «хўп» деб, икковлари ухлаб қолдилар. Кампир бу савдони эшитиб, билиб олди-да, юрaverди. Бойвачча қачон овга чиқар бўлса, нигинини бир жойга яшириб кетар эди. Бир кун овга чиқиб кетди. Кампир ҳалиги нигиннинг қўйилган жойини билиб, қизга:

— Бугун бош ювадиган яхши кун,— деб қизга бир ис-сиқ сув қилиб, бир жойни кўрсатди. Ўзи сув бериб, бошини ювиб, кийимини олиб, янги кийим бериб қарашиб турди. Шу вақт кампир кийим олиб чиқатуриб, нигинни қўйган жойга қўл солиб кўриб, қарадики, нигин қўлга келди. Ўша фурсатда нигинни қўлига олиб, нигинга «Эй нигини шоҳи морон, оқ илоннинг амри билан шу мис қўрғон шаҳ-ри, қишлоқлари, ҳамма халқи билан кўчиб, фалон подшо-нинг рўпарасига бориб тикилсин. Бойвачча ўзи кучук-му-шуклари билан ўз жойида қолиб кетсин» дегач, кампир ўзини ғалағул тўпалон билан ўз шаҳрида кўрди ва таскин топди. Кампир нигинни тилининг тагига ташлаб, қўрғон дарвозасидан чиқиб, Хунхор подшосига бориб, воқеани бир-бир баён қилди ва «дарвозалар очик, шаҳарлар кўр-гонлари билан бекаму кўст рўнарангга келиб қолди. Қизни олиб келдим. Энди бир сидирға шаҳарларинини ўзинг-ники қилиб олиб қўйгин. Мен қизни алдаб-сулдаб: «Бой-вачча ўлиб кетди, энди шу подшони ихтиёр қил, деб аста-секин йўлга солиб бераман»,— деб чиқиб, қизнинг олди-га бориб, бўлган воқеаларни қизга айтиб берди. Бу ишга ҳам-ма халойиқ, қиз ҳам ҳайратда қолди. Ҳеч бирининг бирор иш қилишга иложлари йўқ эди. Булар бу ерда тураверсин, эндиги гапни бойвачча, кучук ва мушукдан эшитинг.

Бойвачча кучуги, мушуги билан ўша қўрғоннинг ўрни-да гала тупроқларга ўралиб қолиб кетди. Бир вақти эдики, ўзига келиб қараса, на қўрғонни бор, на ҳовлиси бор, на хотини бор — ҳеч нарса кўринмайди. Бойвачча «хушимми ё тушиммикан» деб тоза хушёр бўлиб билдики, иш қўли-дан кетибди. Нонлож бўлиб, нима қиларини билмасдан, «қаерга борсам экан, қайнатамнинг шаҳрига борсаммикан ёки бўлмаса шу ерларда юрсаммикан?» деб кўп ўйлади. Охири кўнглида «Энди ҳеч жойга бормасдан, шу жойни папоҳ қилиб ўтираверай» деб қарор қилди. Бир жойдан ўра ковлаб, шу жойда ўтираверди. Бир печа кун ўтгач, кучук пишакка: «Эй пишак, бир илонни минг тангага олиб шунчалик иззат, обрўга эга бўлиб эди. Бизларни ҳам минг тангадан пулга сотиб олган эди, бизлар ҳам бир бало қи-либ, шу нигини шоҳи моронни излаб бориб, топиб келсак»

деб, иккови маслаҳатлашди-да, кечаси ярим кечада чиқиб кетишди. Бир қанча йўл юриб, тонг оттириб, бир балайд тепа устига чиқиб қарадиларки, ҳеч нарсанинг асари кўринмайди. Юра-юра оёқлари пит¹ бўлди, ниҳоят олдиларидан бир дарахт чиқди. Кучук мушукка:— Эй мушук, шу дарахтнинг устига чиқиб қарагин-чи, мабодо опанинг қўрғони кўринадими?— деди. Мушук чиқиб қаради. Ҳеч нараса кўринмайди. Булар олдиларидан дарахт чиқса, ўша дарахтга чиқиб, қирлар чиқса, қирларга чиқиб, ҳар томонларга кўз ташлаб кетавердилар. Охири булар яна бир тепаликка чиқиб қарасаларки, узоқ томонда қўрғоннинг ярақлаган шўъласи кўринди. Севинишиб, шу шўълани қора қилиб боравердилар. Бир дарё чиқди. Дарё лабига бориб, кучук ўтаверди. Мушук:

— Мени ҳам кўтариб ўт,— деди. Кучук айтди:— Кўтариб ўтаман, башарти нигини шоҳи морон менинг қўлимга тушса, ўз қўлим билан ўзим олиб бораман. Сен қўлингга туширсанг, менга берсанг, ўткариб қўяман,— деди. Шу ерда ваъдалашиб, сўзини бир жойга қўйгач, кучук мушукни орқасига мингаштириб, дарёдан сузиб ўтди. Шундай қилиб, булар оз фурсат йўл юргач, қўрғонга яқинлашиб қолдилар. Мушук:— Эй кучук, мабодо бу ерда сени ва мени танийдиган кишилардан бўлса, ушлаб олмасинлар. Кечқурун бўлгач, бир томондан кириб, мен ўзим хабар олиб чиқарман,— деб кучукни бир жойга пинҳон қилиб қўйди. Кеч бўлгач, мушук бир жойдан бир бало қилиб қўрғон ичига кириб кетди. Қўрғон ичинин сайр қилиб, чуқур-чақардан йўл топиб, ўзини кўрсатмасдан, опасининг уйига қараб йўл олди-да, опасининг ҳовлисига кириб қарасаки, опаси туққан, икки ёнида иккита бешик, болаларини эмизиб ўтирибди. Оҳистагина кириб, бир миёвлади-да, ўзини папага олди. Қиз билдики, ўз мушугининг товуши келади. Дарров боласининг оғзидан эмчагини олиб, у томон-бу томонга қараб кўрдик, бекаму кўст ўзининг мушуги турибди. Мушук билан сўрашиб, бойваччанинг аҳволидан сўради. Мушук кучук билан келганини, уни бир жойга яшириб қўйганининг хабарини айтди. Сўнгра опаси кучукка бир қанча овқатлардан бериб юборди. Мушук овқатни бериб келди. Келиб сўради:— Эй опа, нигини шоҳи морон кимнинг қўлида, биласизми?— деди. Опаси:— Эй мушук жонивор, нигинини кампир ўғирлаб олган экан, у ҳар доим кампирнинг оғзида туради. Кампир уйда бир ўзи яшайди, унинг

¹ Оёғи лит бўлмоқ — оёқ терисининг шиллиниши.

уйига мўрча¹ ҳам киролмайди,— деди. Мушук:— Бўлмасам, сиз кампирнинг уйидаги гугуртларни яшириб қўйинг. Кампирнинг уйида чақмоқ ҳам қолмасин. Шу оқшом қандай бўлса ҳам бир уриниб кўрай-чи,— деб, сомонхонага бориб ётди. Бир вақт бир сичқон сомонларнинг ичида ўйнаб юриб эди, мушук бир сапчиб уни бўғиб олди ва емоқчи бўлди. Сичқон:— Эй паҳлавон мушук, мени емагин. Мен сичқонларнинг подшоси эдим. Қандай бўлиб шу оқшом сичқон бўлиб эдим. Агар сенга сичқон керак бўлса, печта сичқон десанг, топиб бераман. Аҳдимга вафо қиламан,— деб ялинди. Мушук ҳам унинг гапига қулоқ солиб туриб:— Менга сичқон керак эмас. Лекин менинг битта шартим бор. Кампирнинг уйидаги баланд токчанинг устига чиқсанг, бир шишада сирка ёки бўлмаса, бошининг ёнида пос кадаси бўр. Икковидан бирини топасану, ичига думингни ботириб бориб, кампирнинг бурнига тиқиб юборсанг. Сенга хизматим шудир. Бажарсанг, бажаришинг учун ҳозир қасамёд қилгин деди. Сичқон қасамёд қилди. Мушук сичқонни қўйиб юборди. Мушук бориб кампирнинг эшиги олдида тек турди. Бир қанча вақт ўтиб эдики, сичқон келиб, думини пос кадига ботириб, кампирнинг бурнига тиқиб юборган эди, кампир бир акса урди. Узук акса ургани ҳамон кампирнинг оғзидан чиқиб, бориб шарт этиб бир жойга тушди. Мушук эшикнинг тирқишидан, кўзи ниҳоят ўткир бўлганлиги учун кўриб турган эди. Бироқ кириб олишга иложи йўқ эди. Жим ўтирар эди. Кампир уйғониб қолди. Қарасаки, бурунлари ачиб, уст-устига акса урар эди. Ҳар акса урганда, аксаси қўша бўлиб чиқар эди. Шундай қилиб кампир гугурт ахтариб, гандираклаб ҳар томонни пайпаслай бошлади. Шунча қараса ҳамки, гугуртнинг асари йўқ. Охири токчаларни ҳам излай бошлади, у ердан ҳам топа олмасдан: «энди бориб ташқаридан топиб келмасам бўлмайди» деб, ташқарига чиқиб кетди. Чиққани ҳамон мушук кириб қолиб, нигинни топиб олди-ю, қизининг олдига келиб, хайр-маъзур қилишиб, нигинни олганлигини билдириб, далага чиқиб кетди. Кучукнинг олдига бориб «Энди кетамиз» деб йўлга тушиб кетавердилар. Бир қанча йўл юриб, дарё бўйига етгач, кучук тушиб кетаверди. Мушук ялиниб:— Мени ҳам кўтариб ўт!— деди Кучук:— То нигинни бермасанг, кўтариб ўтмайман,— деди. Мушук ёлғондан нигинни олганим йўқ, деб кўрди, лекин иложи бўлмади. Охири ноилож бўлиб, нигинни кучукка берди. Кучук нигинни оғзида тишлаб, пишакини кўтариб, дарёнинг зўр жойларидан ўтиб бориб, охири дарё лабига

¹ М ў р ч а — чумоли.

чиққан пайтда нигин оғзидан тушиб кетди. Икковлари бу ёққа чиқиб олдилар, мушук кетаверди. Қарасаки, кучук ҳеч ёққа юрмай турибди. Лаби-лузжи осилиб кетган, хафа кўринади. Мушук сўради:

— Нима учун мунча хафа бўласан? Кучук:

— Шунча жойгача олиб чиқиб эдим, аини дарё лабига чиққан пайтда нигин тушиб кетди,— деди. Бу ишга икковлари афсусланиб, дарё лабидан ҳеч қаёққа қимирламасдан ўтиравердилар. Бир бақа дарёнинг лабида офтобда туриб эди. Мушук пойлаб бориб, бақани бўғиб олди-да, шалпиллатиб кучукнинг олдига кўтариб келди. Кучук айтди:

— Эй мушук, шу бақани ҳам ейсанми? Бунинг туриштирмуши заҳарку, буни мушук емас эди-ку.

Мушук:

— Эй кучук, ҳали мен қурбақани еяпман-ку. Бу дарёнинг лабида тураверсак, ҳали нажосатни ҳам ейсан,— деди.

Кучукнинг қаҳри келиб, калласини дарёдан буриб, аста-аста йўлга мойил бўлди. Мушук қарадики, кучук қочиб боради. Қурбақани емоқ учун оғзидан ерга қўйиб, тирноқлари билан бақанинг ҳар жойидан суқмоқчи бўлиб туриб эди, бақа билдики, энди ўлишдан бошқа чора йўл. Сўнг у ёлбора бошлади. Бақа ёлбора бошлагач, мушук:

— Менинг бир шартим бор. Агар шу шартимни бажо келтирсанг, сени емасман,— деди. Бақа ҳам бўйин эгди. Мушук:— Шу дарёнинг ичига бир узук тушиб кетди. Шу лабгинасида турибди. Шундай тушасану олиб чиқиб берсан. Шунга бўйнингга олсанг, ҳозир қасамёд қилгин,— деди. Бақани қасамёд қилдириб, мушук уни оғзидан қўйиб юборди. Бақа шўлп этиб тушди-ю, ҳалиги нигинни топиб, чиқариб мушукка берди. Мушук нигинни оғзига тишлаб, бақа билан хайрлашиб, кучукнинг изидан тушиб, қорамқора бераверди. Оҳиста-оҳиста кучукка етиб, бирга кетаверди. Кучук кўрдик, мушук етиб олибди. Кучук кейинига қараб:

— Эй мушук, нигинни топиб олдингми, кейиндан келиб қолдинг,— деди. Мушук:

— Дарё тагига тушган нигинни қандай топиб бўлади. Энди кетаверайлик,— деб йўлда кетавердилар. Йўл юриб, охири бойваччанинг маконига етдилар. Бойвачча билан кўришиб, бўлган воқеаларни айтиб, нигинни топширдилар. Бойвачча нигинни қўлга олиб:

— Эй нигини шоҳи мўрон, оқ илоннинг амри билан, ўша қўрғон шаҳарлари билан олдимда ҳозир бўлсин,— дегани ҳамон, ўз қўрғони олдида пайдо бўлиб қолди. Бойвачча ўз дарвозасидан кириб қарасаки, хотинининг икки ёнида

иккита бешик қўйилган. Болалар туғилибди. Хотини билан сурашиб, воқеани сўраб билди. Хотини туққан экан. Подшо никоҳига олгани йўқ экан. Шу сабабдан ўз саройида ўзи ётар экан.— Кампир қаерда туради?— деб сўради бойвачча. Хотини кампирнинг жойини кўрсатди. Бойвачча кампирнинг уйини очиб қарасаки, кампир уйининг ичидаги каламуш, сичқон уядан чиққан тупроқларни элаб ўгирибди. Йигит шамширини яланғоч қилиб, эшикни очиб кирди. Кампир ҳайратда қолиб, нигин қўлидан кетганлигини билиб, ялини бошлади. Бойвачча ялинганига ҳам қулоқ солмай, уни шамшир билан уриб, икки нимта қилиб, ишнин тамомлади. Эрта билан тонг отиб қолгач, бойвачча шаҳар ичига кириб, ўзининг хизматкорлари билан топишиб олди. Шаҳарида тўй қилиб, бошқатдан хотинини никоҳига олди. Сўнгра халқ билан маслаҳатлашиб, у подшо бизнинг шаҳаримизни қапчалик вайрон-терон қилиб, бизни ташвишга солди. Энди биз ҳам бориб, унинг адабини бериб келсак, дегач, аламзада бўлган ҳамма халойиққа маъқул тушди. Бойвачча бир мунча халқини қўрғонида қолдириб, қолган халқнинг ҳаммасини қуроллантириб, подшойи Хунхор томонга қараб йўл олди.

Бир мунча йўл юриб, бир жойда манзил қилиб туриб:— Шаҳар яқинига бориб, кечаси ғафлатда шаҳарни вайрон қилмасдан арқони давлатни эгалласак, иш бошқача бўлар эди. У ерда бизни қанча кўнгил берган кишиларимиз ҳам бор. Улар ҳам ёрдам қилади,— деб бир нома тайёрладилар, аввалига салом, кейинига ҳалиги бойваччани ишонтириб, йўлга тушган лашкарбошиларнинг номини ёзиб келин: «Сизлар билинглarki, бизлар қўшин тортиб келиб, фалон жойга тушдик. Эртан ярим кечада бориб, шаҳарга урра қилиб кирмоқчимиз. Сизларнинг ҳам бизлардан умидларингиз бўлса, ўша кечаси, ўша соатга тайёр бўлиб туринглар» деб, бир кишидан номани бериб юборди. У киши номани олиб келиб, ҳалиги бойвачча билан ваъдалашган лашкарбошининг қўлига берди. У номани қўлига олиб, мазмунини англаб билдики, бойваччанинг номасидир. Булар ҳам ваъдалашиб келган эди. Иттифоқо бошқа ҳодисалар рўй бериб, ҳалиги қўрғонлари кўчиб, буларни ҳеч жойга чиқармасдан қўйган эдилар. Бу номани олгандан, яна шаҳарлар жойига бориб, ўз аслига келибди деб билдилар. Сўнг улар ўзларининг яқин жўраларини йиғиб:— Бойвачча қўшин тортиб, шу шаҳарни олар экан. Энди вақт ганимат, бизлар ҳам йиғилишиб, кўмакка чиқсак. Еки бўлмаса, қўрғон ичига кириб, улар келганини пойлаб туриб, қўрғон дарвозаларини очиб турсак,— деб ҳаммалари ваъдалари-

ни бир жойга қўйдилар-да, ҳаммалари биров-бировларига хабарлашиб, баъзилари қўрғон дарвозаларига кирди, баъзилари қалъа дарвозаларида турди, баъзилари шаҳар ташқариларига йўналди. Кеча ярим бўлиб эдики, бойваччанинг лашкари ҳам саҳардан пайдо бўлди, шаҳарнинг бутун гирдини ўраб олди. Дарвозалар бирдан очилиб кетди. Булар ҳам бирданига «урра» қилиб кириб, тўппа-тўғри аркони давлатни босиб олдилар. Қарадиларки, подшоҳи Хунхор, акобирлари билан ётибди. Ҳаммаларини асир қилиб, шаҳарни омон-омон қилдилар. Эрта билан билдиларки, бу кеча шаҳарни бошқа подшо олибди. Бу подшо қандай бўлар экан деб халқ ўйлашиб туриб эди, бир ногора қоқтириб, жарчи қўйиб чақиртирди: «Шаҳар халқи, биллинглар, огоҳ бўлингларки, бу шаҳарда тўй бошланди. Ҳеч ким уйда овқат пиширмасин. Қамбагал бўлса, подшоликка келиб, керагича олсин», деб қирқ кечаю қирқ кундуз сайил буюрди. Зада бўлган халқ бу ҳолни кўриб, подшонинг янгиси яхши бўлар экан деб, ҳамма подшо билан учрашишга бойваччанинг олдидан ўтиб, саломлашиб кетавердилар. Халқ: «Мана подшо бундай бўлар экан. Бизлар ҳам бу подшонинг асприда шунча вақт юрдик, эски подшо бирон мартаба халқимизни осойиш йўлга бошламаган эди. Подшонг бўлса, шундай бўлса», деб мақтаб кетар эди. Муддати қирқ кечаю — қирқ кундуз тўй-томоша бериб, тўйлар ҳам тамом бўлди. Бедавлат кишилар бадавлат бўлди, бадавлат кишилар ҳасратда қолди. Қирқинчи кун эдики, подшо халойиқларни чақиртириб, бир жойга жам қилиб:

— Эй халойиқлар, биллинглар, бугун тўйнинг охириг кун. Мен ҳам бошқа мамлакатнинг фарзандидирман. Муддати шу кунгача сизларга меҳмон эдим. Менга сизларнинг шаҳарларинг керак эмас. Ўзларингнинг Хунхор подшоларингни ҳозирча бандга солиб қўйибман, подшо қилиб берайинми, ё бошқа подшони хоҳлайсизларми?— дегач, ҳамма халойиқлар:

— Бизлар озор-безордирмиз, бунақа подшодан бир чўпон яхши,— деб норозилик қилди. Бойвачча билдики, халойиқ ҳам подшодан безор экан. Яна айтди:

— Эй халойиқлар, бу подшоларингизнинг жазоси нимадир?

Халойиқлар айтдилар:

— Жазоси осиб ўлдиришдир. Баъзилари айтдиларки, «тириклай кўймоқ керак». Баъзилари айтдиларки, «терисини шилиб олиш керак». Қисса кутуҳ, халқнинг норози эканлиги аниқ бўлиб қолди. Бойвачча айтди:

— Э халойиқлар, менинг хоҳишимга қарасангизлар, бу лаънатини темирдан қафас қилиб, ўзининг шериклари билан аркони давлатнинг халқ ўтадиган йўлида қафасга солиб қўймоқ керак. Токи улар олдига тошу ғиштларни қўйиш керак. Қачонки халойиқ ўтаверса, ўзларича: «Хун-хор подшонинг ҳаққи шу», деб айтсинлар. Агар айтмасалар, тошу ғишт билан урсинлар,— дегач, халойиққа маъқул тушди.

Тўй-томоша тамом бўлди. Ҳалиги подшонинг яқин кишилари билан айтгандай қилиб қафасга солиб қўйди. Подшонинг ўрнига аввалги номачини подшо қилиб, вазиру вузароларига яхши кишилардан сайлаб, шаҳар халқини ҳам ўз жойига қўндириб, булар билан хайрлашиб, ўз мамлакатларига қараб кетди. Бу шаҳарнинг халойиқлари бойваччадан миннатдор бўлди. Аламу ситам кўрган халойиқлар ҳалиги қафаснинг олдига келиб, баъзилари урар эдилар, баъзилари таъна қилар эдилар. Кейинги бўлган подшоларидан миннатдор бўлиб, бир қанча йиллар ширин ҳамда осойишталик билан турмуш кечираверсин, энди гапни бойваччадан сўранг.

Бойвачча ўз шаҳрига бориб, ўрдасига кириб-чиқиб, гоҳ саёҳатга бориб, гоҳ шикорга чиқиб юрар эди. Кунлардан бир куни қараса, ҳалиги болалари ҳам юриб қолибди. Шунда болаларнинг аҳволига қараб бир оҳ урди. Хотини:

— Нимага оҳ урасиз? Ёйишдан, ичишдан, турмушдан ҳеч камчилигингиз бўлмаса?— дегач, бойвачча ҳам:

— Бошқа томондан камчилигим бор. Аввало менинг ҳам ота-онам бор эди. У кишилар мени «Одам бўлсин» деб, қанча меҳнат қилиб, катта қилиб ўстирган эди. Энди уларнинг аҳволи қандай бўлган экан билмасман. Яна бири шуки, бизлар шунча турмуш қилиб юрибмизу, болаларимиз бола бўлиб шунчалик йиллар умр кўриб, яқин шаҳарда яшаб, бирон марта отангиз келиб хабар олмайди,— деб сўзини тамомлади.

Қиз ҳам сўзга кириб, отасининг вазирлари бу йиғитга душман эканлигини, шу сабабдан отасини бездириб, келмай юрганликларини бир-бир такрор қилди. Шундан кейин йиғитнинг отам билан онамни бир кўрсам деб кўнглига келди. Хотини билан ваъдалашиб, қирқ кунлик муҳлат олиб, ўзининг ўрнига яқин кишиларидан қўйиб, бир-иккита одамни ўзига ҳамроҳ олиб, қаландар либосларни кийиб, йўлга тушиб, отасининг шаҳрига қараб, бир неча кун юриб, бир куни кечқурун бўлганда, худди отасининг дарвозасини тақиллатиб турди. Отаси чиқиб, дарвозани очиб қарадики, уч қаландар турибли Булар:

— Эй ота, бизларга шу оқшомга жой берсангиз. Бир оқшомгина ётиб кетсак,— деди. Бой буларни олиб кириб, зиёфат-зарофатлар қилиб бўлгач:

— Эй ўғилларим, сизлар қайси шаҳарнинг фарзандларисизлар, сизларга йўл бўлсин?— деди. Бойвачча тилга кириб:

— Бизлар тўрт киши эдик, фалон мамлакатдан бўламиз. Тўртовимиз ҳам тўрт жойдан. Ёшлигимизда бир жойга бориб қолган эдик. Биттамыз ўша шаҳарда қолди. Уша қолган ҳамроҳларимнинг оти фалон, жойим фалон шаҳардан деб айтар эди. Уша ҳамроҳимиз қолган. Бизлар улғайдик. У ҳам ўша жойда болалик-чақалик бўлиб кетган. Бизлар у билан ваъдалашиб, ўз хеш-ақраболаримизни топамизми деб чиқиб эдик. Энди бу оқшом сизнинг уйингизда қўндик,— деди. Гап шу жойга етгач, бой бўшашиб, ўз вужудини ўзи кўтара олмай қолгудай хаёл қилди. Дарров булар ўрнидан туриб, бойнинг қўлтигидан кўтаришиб: «Сизга нима бўлди?»— деб ҳол-аҳвол сўрашди. Шунда бой:

— Эй ўғлонларим, бу гапларингга менинг кўнглимдан бир нарсаси кечиб, жоним чиққудай бўлди. Битта ўғлим бор эди. Мен аҳмоқлик қилиб, шу ўғлимни ҳайдаб юборган эдим. Сизларнинг гапларингга қараганда, ўша айтган кишининг худди менинг ўғлимга ўхшайди,— деб увуллаб йиғлай бошлади. Бойвачча ҳам йиғлаб, юз машаққатлар билан ўзини тўхтатиб:

— Эй отажон, хафа бўлманг, бу ўғлингизнинг отини, турқини айтингчи қани?— деди. Бой бир-бир ҳикоя қилди. Булар ҳам тўппа-тўғри деб, бойнинг ўғли эканлигини билдирдилар. Бойвачча:

— Эй бой бобо, ҳовлингизга яқин қариндошларингизни қўйинг. Ўзингиз хотинингиз билан туячиларга бирга қўшилиб, ўша шаҳарга биз билан бирга борсангиз, топиб берамиз,— деди. Бойнинг хотини ҳам рози бўлиб, икковлари карвонбошиларга бир қанча йўл харжи бериб, ҳалиги қаландарлар билан йўл тортиб, бир неча кун манзил-мароҳилларини тай қилиб жўнадилар. Бир кун узоқда бир мис қўрғон пайдо бўлди. Ҳалиги қаландарлар «сизнинг ўғлингизнинг шаҳри ана шу. Ўғлингиз шу шаҳарнинг подшоҳи»,— деди. Бой шубҳаланиб: «Мабодо булар мени алдамадими»,— деб хавфланар эди. Бойнинг хавфланганини билиб бойвачча:

— Эй ота, сиз хавфланманг! Биз сизни алдамаймиз, рост айтамыз. Сиз ўғлингизга пул бериб, савдо ишини ўргатмоқчи экансиз. Кучук, мушук, илонни минг тангаданга

олиб келган экан. Шундан кейин сиз уни ҳайдаб юборган экансиз. Ана шу гап тўғрими?— деди. Бой:

— Ҳа, тўғри!— деди.

Бойнинг кўнглида ишонч пайдо бўлди. Бораверган сари бой хушвақт бўлиб, терисига сиғмай, завқланиб борар эди. Кўрдик, қўрғонга яқинлашибди. Қарадик, бундай жойларни, шунча шаҳарларни юриб кўрган эмас эди. Таажжубланиб, бир дарвозадан кириб кетди. Шаҳар ичига киргач, бу шаҳар шундай қизиқ жой кўриндики, гўёки бой бир жаннатга киргандай бўлди. Ҳовли ҳарамдан, дунёларидан кечиб, ҳай дариг, қолган умримни шундай жойда ўткарсам, деб афсус қилар эди. Шундай қилиб, бориб бир жойга қарасаки, бу жойлардан ҳам чиройлироқ: бир дарё оқиб турибди, сувлари кўм-кўк, гирдлари сабззор, сувлар себарганинг устида ғалт уради, себаргалар сувнинг қуввати билан қалтираб тўхтади, алвон-алвон дарахлар, мева-лари пишган. Дунёда бор гуллар очилиб, гулларнинг ҳидини дарёнинг шамоли ҳар тарафларга сочиб, булбуллар сайрашиб турибди. Шу жойнинг рўпарасида икки иморат турибди. Бир уй, бир айвон қишлоқ, бир уй, бир айвон ёзлик учун қилинган. Уйлар ҳам бир жойда турмасдан ҳар томонларга филдираб тўхтади. Бой шу асъаса-ю дабдабаларни кўриб, ҳалиги филдиракли уйларнинг олдида бо-риб қолди.

Бойвачча булардан илгари ўз уйига бориб, бошқача кийиниб чиқиб туриб эди. Аввал бошлаб отасини кўтариб чиқариб уйга қўйиб, кейин онасини кўтариб чиқариб уйга қўйиб, бошқатдан кўришиб, қучоқлашиб, ўпишиб, ота-она-лари билан топишиб, айтди:

— Мана шу — келинингиз, бу болалар — невараларнингиз. Мен ўғлингизман. Энди менинг гуноҳларимни кечириб, афв этсангизлар. Гуноҳим шуки, мен сизларга беадаблик қилиб, ўзимни қаландар суратида қилиб, шу жойларга олиб келдим,— деб сўзини тамомлади.

Ота-оналари ҳам бунинг гуноҳларидан ўтиб, шу шаҳарда юравердилар. Бойвачча бир нома ёзди. Номачи номани олиб бориб, қайнотасига берди. Номада: «Аввали салом, саломдан сўнгра, эй отажон, шунча йиллардан шу ёққа бошимга шунча ғурбатлар тушди, келмадингиз. Менинг ота-онам бор эди. Буларни олиб келдим. Невараларнингиз ҳам тўй қиладиган бўлиб қолди. Энди тўй қилсак, деган ниятдаман. Аввалги ғурбатларимга келмасангиз ҳам, ҳозир келиб, тўй хусусида маслаҳат берсангиз. Тўйни бошла-сак» деб ёзибди.

Бу номанинг мазмуини ўқиб, подшо ўзига келиб: «Дар-

ҳақиқат шу айблар мендан ўтган» деб, номачини юборди-
да, ўзи ҳам ашрафу акобирлари билан бойваччаннинг ша-
ҳарига келиб тушди. Бу шаҳарни кўрган дўстлар шод, душ-
манлар ғамгин бўлар эдилар. Шундай қилиб бой билан
подшо-қудалар бир-бирлари билан танишдилар. Тўй мас-
лаҳатини қилдилар. Маслаҳат бир жойда тамом бўлди.
Қизнинг отаси ҳам ўз қўл остида бўлган ҳамма шаҳарлар-
га нома ёзиб, тўйга келишларини сўради. Шаҳарларни
ойнабандлик қилиб, қирқ кунгача тўй-томоша қилиб, кам-
бағаллар бой бўлди. Шундай қилиб тўй-томоша тарқа-
гандан сўнг, бу боланинг олий ғимматлиги, адолатли иш
олиб борганлиги ҳамма шаҳарларда шуҳрат топиб, ҳар
томонлардан халқлар келабошлади. Шундай қилиб, бир
шаҳри азим бўлдики, халқлари ҳисобсиз кўпайиб кетди.
Булар бор умрларини шу шаҳарда ўтқариб, муродларига
етдилар. Сизлар ҳам етинглар муродга, бизлар ҳам етай-
лик муродга, эшитганлар ҳам етсинлар муродга, душман-
лар қолсин уятга.

ЖУРАХОН

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда бир қишлоқда бир бой яшар экан. Унинг уч хотини бор экан. Катта хотинидан иккита боласи бор экан: бир ўғил, бир қиз; ўртанчасидан ҳам бир ўғил, бир қиз; кенжа хотинидан ҳам бир ўғил, бир қизи бор экан. Катта ўғлининг оти Сойибхон, ўртанча ўғлининг оти Султонхон, кенжа ўғлининг оти Жўрахон экан.

Жўрахон кўп шўх, чаққон, ҳушёр бола экан. Бу бойнинг бир байтали бор экан. Бу байтал ҳар йили туғиши ҳамон боласи йўқолар экан. Бой бу ишга таажжубланиб қоровул ҳўяр экан. Қоровуллар ҳам туғишини, йўқолишини билолмас эканлар. Бу байтал бу йили ҳам бўғоз бўлибди. Бир куни Жўрахон ўйнаб юрган вақтида сайислардан бир гап эшитибди: «Мана бу байталнинг ҳар йили боласи ўзидан ўзи туғилган ҳамоно йўқолиб кетади. Байталнинг боласи ҳавога учиб кетадими, ерга кириб кетадими билмаймиз. Бир неча йиллардан шу ёққа отангиз пойлоқчи қўйиб тола олмайди. Бу йил ҳам шу байталнинг туғиши яқинлашиб қолди, шунинг учун бизлар уйқудан қолиб пойлаб ётамиз. Энди билмаймиз, қачон туғса?!»

Бу гапни Жўрахон эшитиб, ичи ғумуллаб¹, кеч бўлгандан кейин уйига етиб, ота-оналарини ухлатиб, астагина кўрнанинг тагидан чиқиб, ҳалиги сайисхонага келиб, сайислар ёнига кириб, тумишиб² ётаверибди. Кечанинг икки ҳиссаси ўтгач, ҳамма сайисларни уйқу элтиб кетибди. Бу ҳам қарасаки, уйқу босаверибди. Қиссасидан чопқичасини олиб, бир жойини тилиб, туз қўйиб, оғриғига чидамасдан уйқуни кет-

¹ Ғумуллаб — ғамирлаб.

² Тумишиб — мукка тушиб.

кизиб пойлаб ётаверибди. Бир вақт ҳаммасқ жим-жит бўлгач, байтал туға бошлабди. Байталнинг боласи ерга тушган ҳамон, сайнхонанинг мўрисидан бир бадшакл қўл кириб, қулунни ушлаб кўтарди. Жўрахон сапчиб туриб, ҳалиги қўлга қараб шамшир солибди. Шунга қарамасдан ҳалиги қўл байтални кўтарганича мўридан чиқиб кетибди. Жўрахон таажжубланиб, далага чиқиб қараса ҳалиги нарсаси аллақачон узоққа кетиб қолибди. У шу қадар тез чопибдики, ҳеч нарсаси ета олмасмиш, охири кўзидан йўқолиб кетибди. Жўрахон ноилож бўлиб, сайнсларнинг олдига кириб, уларни уйғотди ва бўлган воқеаларни айтиб берди. Улар ҳам саросима бўлиб, ўз ҳолларича қолавердилар. Жўрахон уйига келиб, бир оз ётиб, тоғ оттирди. Эрта билан отасига бўлган воқеаларни айтиб берди. Отаси ҳам таажжубланиб қолди-ю, ҳеч ишнинг тадбирини ва қандай қилиб шу қулунни топишнинг иложини билмади. Шундан кейин қулуннинг ишқи Жўрахоннинг кўнглига тушиб, отасига маслаҳат солди:

— Қандай бўлмасин, мен шу қулуннинг кетидан ахтаришга бораман. Менга ижозат беринг, ёки бўлмаса, одам юбориб топириб келинг,— деди. Отаси ўйлаб:

— Ҳеч иложим йўқ, ўғлим,— деди.

Ниҳоят бой ўша мамлакатнинг бегига бориб, шу байталнинг туққанини ва ҳар йили йўқолажаклигини ва қандай бўлиб ўғирланганини бекка айтди. Бек ҳам таажжубланиб ўзининг ақибчиларига:

— Бу қандай сир? Бу байтал ҳар йили туғса-ю, ҳар йили онадан тушгандан бир қўл келиб олиб кетса, унинг тадбири нима бўлади?— деди.

Бекининг ақибчилари ўйлашиб, шу маслаҳатни бердилар:

— Бу байтал — девзод байталдир. Уни олиб кетадиган — девдир. Энди бу девлар билан одамнинг ўртасида бир қанча тафовутлар бор. Уларнинг жойига бориб бўлмайди. Буларга сиз бекорга бош қотириб юрманг, байтални бўлса шу девлар олиб кетган,— деди.

Ҳалиги бой уйига қайтиб келиб, ўғлига насиҳатлар қилиб:

— Кел-ей энди, ўғлим, шу қулуннинг кетидан ташвиш қилиб, кўнглингга олиб юрасанми. Сенга қулун керак бўлса-яна бошқа, ундан ҳам яхшироғини топиб бераман,— деб дилдорлик берди. Бой Жўрахонни шунча алдаса, қўрқитса ҳам, ҳалиги қулуннинг муҳаббати дилида бир тоғдек бўлиб турар эди. Жўрахоннинг кўзига девларнинг қўрқинчи, йўлнинг хатарлари тариқча ҳам кўринмас эди. Отаси э

— Эй ота, менга сизнинг бунақа сўзларингиз, давлату дунёнгиз — ҳеч қайсиси керак эмас. Менга чини билан жавоб берсангиз, бир бориб, шу гуноннинг жойини кўриб, билиб келмасам, менинг ҳеч суягим жойинга тушмайди,— деди.

Отаси нонлож бўлиб, икки акасини ҳам ҳамроҳ қилиб қўшиб, уларга:

— Жўрахонга бохабар бўлинглар, иложи бўлса, бир неча фурсат юрганларингдан сўнг Жўрахоннинг кўнглига ҳар хил ваҳимали гаплардан гапириб, қўрқув солиб, йўлдан қайтаринглар. Бўлмаса, бирга бориб, ҳафсаласи учгунча бирга юриб, бирга туриб қайтиб келинглар,— деб кўч насихатлар қилди. Сўнгра уч ўғлига йўл жабдуқларини тахлаб бериб, бир-икки манзилгача ўзи ҳам юришиб, кейин жўнатди. Булар ҳам отасидан хайр-маъзур қилиб юравердилар. Бугун кечгача юришиб, бир жойни манзил қилиб ётдилар. Эртанги кун ҳам йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, борган сари акалари ҳар хил қўрқинчли гаплардан гапириб, Жўрахонни қўрқитиш тариқасида гапирсалар ҳам, у ҳеч ваҳимага тушмас эди. Жўрахон эса акаларига:

— Эй акалар, сизлар мен билан ҳамроҳ бўлиб борасизларми ёки бўлмаса, мени қўрқитишга келдингизми? Агар мени қўрқитиш ва йўлдан қайтариш учун келган бўлсангизлар, аввалоси ўша отам қайтган жойдан қайтсангизлар, тўғри келар эди. Бўлмасам, ҳозир ҳам сизларни уйга элтиб қўйиб келайинми,— деди. Акалари айтди:

— Эй ука, биз сенга дўсти беғаразчилик учун насихат қилиб гапириб эдик. Бўлмаса, бизларнинг кўнглимиз бирдир. Сен қаерда бўлсанг, бизлар ҳам ўша ерда,— деб кетавердилар. Бугун бир жойга бориб қўшиб ётдилар. Кечанинг икки ҳиссаси ўтгач, Жўрахон ўзи акаларини ташлаб чиқиб кетди. Чунки акаларининг бу билан боришга рағбатлари йўқ эканлигини сезиб олди. «Ҳай энди, нима бўлсам» деб кетаверди. Бу йўлда кетаверсин, акалари эрта билан туриб қарасаларки, укалари йўқ. Бошларига тупроқ сочиб, афсус-падоматлар қилиб, «энди отамизга нима деб жавоб айтамыз» деб, Жўрахоннинг изидан тушиб кетавердилар. Булар ҳам кетаверсин, энди гапни Жўрахондан эшитинг.

Жўрахон бугун ҳам йўл юриб, охири бир манзилга келиб қарасаки, бир катта тош турибди. Тошга: «Унг томондаги йўл яхши йўл, борган инсон манфаатсиз қайтмас. Ўртадаги йўл ё келар ё келмас. Чап томондаги йўл — жиядий, хатарли, асло ҳам келмас»— деб ёзилган. Бу хатни ўқигач, кечаси билан: «Менинг акаларим кетимдан излаб

келган тақдирда ҳам, мен барибир улар билан бир жойла тура олмайман. Мен шу борса келмас йўлга кетаман. Ё келаман, ё келмайман. Менинг мақсадим шу борса келмас йўлдан ҳал бўлади. Акаларим келса ҳам, шу борса келадиган йўлга кетаверсинлар» деб, ўз кўнглида мақсад қилиб: «Эй акаларим, мен борса келмас йўлга кетдим. Менинг кейинимдан ахтариб бормаглар, қайтиб отамга воқеа-ҳолни айтинглар. Борди-ю, ахтариб борсангизлар ҳам, мени қидириб юрманглар» деб бир кичкинагина хат ёзиб, хатни тошга ёпиштириб, борса келмас йўлга қараб тушиб кетди, шу кетганича бир-икки манзил йўл юргандан кейин йўллари аста-аста қум бўлиб, шамол туриб, қумларни учуриб, ҳар томонларга сочиб бораверди. Охири ўзи ҳам юра олмасдан ожизлик қилди. Ҳар томонга қарасаки, на бир дарахт, на бир дўнча, ё чуқурлик, ёки тоғлик — ҳеч нарса кўринмас эди. Қумдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Шу азоблар билан бир неча соат юргунича, кеч бўлди. Кечаси ҳам осмондаги юлдуз, биёбондаги қумдан бошқа нарса кўринмас эди. Охириламр, бир неча кун кечаси йўл юриб, мингминг машаққатлар тортиб, афсус-надоматлар қилиб, ўзинда бўлган туршак, толқонларни тамом бўлди. Бир жойга бориб қарасаки, узоқ томондан уч ўтов уй кўринди. «Нима бўлса бўлсин, шу уйлардан бирига бориш керак» деб кўнглида мақсад қилди. Охири Жўраҳон биринчи ўтов уйга машаққат тортиб бориб, бир томонига қарасаки, бир хушрўй пари ўтов ичида ўлтирибди. Жўраҳонни кўрган ҳамона саросима бўлиб, Жўраҳоннинг чанг-губорларини артиб, ювинтириб, овқатлантириб:

— Сен қаердан бўласан, бу манзилга қандай келдинг? Нима учун келганингни менга ейтигин, — деб арзи-ҳол сўради.

Жўраҳон ҳам бўлган воқеаларни, нима учун келганини бирин-бирин айтиб берди. Ҳалиги қиз Жўраҳонга:

— Эй йигит, бу манзилларга бекор келибсан. Ўз жонингга ўзинг жабр қилибсан. Бу манзилларда оқ дев яшайди. Оқ дев келиб, билиб қолса, сенинг ҳам, менинг ҳам умримизни охир қилади. Қайдан келган бўлсанг, ўз манзилингга кетгин, — деб, оқ девни таъриф қилиб қўрқитди. Жўраҳон эса унинг гапига унамасдан, оқ девни ўлдирмоқчи эканлигини билдирди. Ҳалиги аёл ҳам насихатни қабул қилмаганидан кейин Жўраҳонга бир маслаҳат берди:

— Оқ дев овга чиқиб кетган. Уч кундан кейин келса, сени, мени ҳам соғ қўймайди. Уч кунгача бир жойга пинҳон бўлиб ётгин. Оқ дев келгандан сўнг қани мардлигингни

биламыз,— деб Жўраҳонни бир жойга қўйиб, уч кун зифат қилди. Тўртинчи кун эрта билан дунёни оқартириб бир шамол келди. Аёл айтди:— Ана, оқ девнинг нишонаси шу шамолдир. Мардликдан нишонинг бўлса, йўлига чиқ!

Жўраҳон оқ девнинг йўлини олиб тураверди. Бир фурсатдан сўнг қанча асъаса-ю дабдаба билан, шамол-гирват билан оқ девнинг ўзи келиб қолди. Оқ дев етгач, Жўраҳон ўрнидан туриб, қадду қоматини ростлабди. Оқ девнинг оғи одамни кўрмаган эди. Жўраҳонни кўргач, тезлик қилиб, ҳар томонларга қочаверди. Оқ дев Жўраҳоннинг олдига келиб, Жўраҳонга қараб:

— Муддати уч кун олдин бўза овига чиқиб эдим, овим барор олмаган эди. Кўп яхши бўлди,— деб Жўраҳоннинг камаридан тутиб кўтармоқчи бўлиб эли, Жўраҳон ҳам девнинг қўлидан тутиб, маҳкам қисди. Дев ҳайрон бўлиб:

— Сен одамзодми, паризодми? Одамзод гуруҳининг ичида сендақа қувватли инсонни кўрмаган эдим,— деди. Сўнгра дев Жўраҳонни бир мушт уриб, туйиб юбораман деб қўл кўтарди. Жўраҳон урадиган муштини маҳкам тутиб, бир зўр уриб, бир қўлини тортиб суғириб олди. Дев билан олишиб, бир неча фурсатдан кейин девни йиқитиб, бошини танидан жудо қилди. Саранжом бўлгач, «Сеними, сеними» деб бир овоз чиқиб кетди. Жўраҳон бу ншга ҳайрон бўлиб, ҳалиги ўтовга қараб келаверди. Ҳалиги аёл Жўраҳоннинг қилган ишларига офарин қилиб:

— Энди сенинг маҳоратингга қойил бўлдим, девларни ўлдиришга кучинг етар экан. Энди мен ҳам ёрдам қиламан, яна иккита дев бор:— Қора дев, иккинчиси — қизик дев. Лекин шу қизик девнинг қўлида сенинг ғупонинг боқилиб туради. Энди бизлар бир неча кун сабр қилиб, истироҳат қилайлик. Қора дев шикорга чиқади. Унинг ҳам йўлини қилиб ўлдирсанг, ундан кейин бир қизик дев қолади. Сўнгра қизик дев билан ҳарба қиласан. Бизлар ҳам уч киши маслаҳатлашиб сенга ёрдам қиламиз. Бизлар уч подшонинг қизи эдик. Бизларни девлар ўғирлаб, шу манзилга келтирган, чиқиб бирор жойга боришга иложимиз йўқ. Шу вақтгача девларнинг қўлида банди асирмиз. Энди сен шу девларни ўлдириб, бизни халос қилсанг, биз сеники, сен бизники бўласан. Биз уч киши, сени бир жойга қўйиб, қора девнинг мазгилига бориб, у қиз билан ҳам маслаҳатлашиб келамиз,— деди-да, Жўраҳоннинг олди а ҳар турли таомларни муҳайё қилиб, қора девнинг мазгилига қараб жўнаб кетди. У қизининг олдига бориб саломлашиб, ўтган аҳволларни — бир паҳлавон бола келганлиги, оқ девни ўлдирганлигини ҳикоя қилди. У қиз ҳам бу ҳи-

коюни эшитиб, бошидан гўёки бир туман кўтарилгандай бўлди. Икковлари қора девни ўлдиринини маслаҳатлашиб, сўзини бир жойга қўйдилар. Қора дев уч кун, уч кеча ухлар эди. Уша вақтда икки кун, икки кеча ухлаб, бир кеча, би кундуз қолган эди. Кейин ҳалиги қиз Жўрахоннинг олди а келиб: «Мен бориб, дугонам билан маслаҳатлашдим. Қора дев ҳозир уйкуда экан. Хоҳласангиз, уйқусида бориб ўлдирасизми ёки бўлмасам кейин ўлдирасизми?» — деб маслаҳат қилди. Жўрахон «уйқудаги кишини ўлдириш номардлик бўлади» деб бир кун ўтгач, оқ девнинг отини миниб, қиз билан хайрлашиб, қора дев мазгилига қараб кетди.

Қора дев уйқуси тамом бўлгач, уйғониб қараса, одам-зоднинг иси бурнига уриб, ўриндан туриб, керишиб, ҳар томонларга қараб туриб эдики, Жўрахон бориб қолди. Дев Жўрахонга қараб:

— Эй ёш бола, тезроқ келгин, бир қанча вақтдан буён қорним оч қолиб туриб эди, бир луқма томоқ қилай,— деб болага қўл солди.

Жўрахон эса чаққонлик билан отининг қоринга ёпишиб, девнинг қўлини ўткариб, қўлига ҳарба солди. Дев бу қўли билан муштлай деб эдики, Жўрахон отдан тушиб, дев билан олишиб, ниҳоят даражада суришиб, охири девни йиқитиб, бошини танидан жудо қилди. Олам қоронғилиги кўтарилиб, «сеними, сеними» деган овозлар чиқиб кетди. Бу девни ҳам ўлдириб тамомлагач, ҳалиги қиз Жўрахоннинг оёқларидан ўпиб, иззат-икромлар билан ўтов йўлига қараб олиб бориб, алвон-алвон таомлардан едириб, айшу фароғатга машғул бўлдилар.

Энди Жўрахон бир печа кун ўтгач, икки қиз билан учов-лари бир гунонни ахтариб чиққанининг сабабини гапириш-дилар. Сўнгра Жўрахон:— Қандай қилсак, шу гунонни қўлга киритамиз?— деди. Ҳалиги қизлар:

— Бу мақсадимизни қизил девнинг хонасида турган қиз ҳал қилади. У ҳамма ишдан, ҳамма илмлардан бохабар. Ана шунга айтсак, тадбирини билади,— дейишиб, қизлар бир хат тайёрладилар: «Эй маликам, шу хат етгани ҳамон ўзингни бир бало қилиб, бизларнинг ҳузуримизга еткиргил. Бир қизиқ воқеа рўй берган» деб, хатини бир кабутарнинг оғзига тишлатиб, учуриб юбордилар. Кабутар учиб бориб, маликанинг ҳузурига тушди. Малика хатни очиб, ўқиб кўрдики, ҳалиги воқеа ёзилган. Тезлик билан ўзига оро-таоро қилиб, бир кабутар бўлиб учиб келиб, ўтовнинг бир чеккасига тушиб, ўз аслига келиб, ўтовнинг бир томонидан қарасаки, икки қиз олдида жуда хушсурад

бир йигит ўтирибди. Кўргани ҳамон гўёки кўксидан ишқ ўти чиқиб, кўнглидан жой олди. Хаёл қилдики, ўзи йнқилиб кетгай. Яна ўзини устивор тутиб, тўхтатиб: «Бу дугоналарим ўзини сақлаб турибди-ю, мен ўзим нима учун беҳуд бўлар эканман. Қандай қилиб ўзимни устивор қилиб, буларга шарманда бўлмаслик учун ҳол-аҳвол сўрашиб, билишим керак» деб, ичкарига кириб:— Ассалому алайкум, эй шаҳзода,— деб саломлашиб, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб ўтирди. Ҳалиги қизлар бу йигитнинг нима сабаб билан бу ерга келишини, қора дев, оқ девни ўлдирганлигини бир-бир ҳикоя қилгач, иштиёқи аввалгидан яна зиёда бўлиб туриб эдики, бу иккита қиз қизил девни ҳам қандай қилиб ўлдириб, девлар зулмидан қутилиш ва Жўрахоннинг ғуноҳининг топилишини сўрадилар. Қиз бу гапларни эшитгач, калласини қимирлатиб афсусланди:

— Эй дугоналар, қизил девни оқ дев, қора девдай билиб хаёл қилмангизлар. У жуда ҳам ёмондир,— деди. Қизлар маслаҳатлашиб:

— Эй дугона, бизлар ҳам биргалашиб, шу девларни ўлдириб, шуларнинг зулмидан қутилсак,— дедилар. Улар бир фурсат ўйлашиб, охири бир хулосага келдилар. «Ҳозир дев шикорга кетган. Яна икки кундан кейин шикордан қайгади. Қайтишига Жўрахон йўлидан чиқиб олишса, бизлар ҳам ҳақалашиб турамыз. У шикордан келишига албатта қорни оч қолиб келади. Икковлари олишса, бизларни чақириб, имо-ишора қилади. Уша вақтда бизлар гўш, кабоб олиб девга едиришимиз керак. Ана шу вақтда кабобни девга бермай Жўрахоннинг оғзига солиб турамыз. Шунда бу йигит қувватланиб, ғолиб келса, ажаб эмас, иложи фақат шу. Бўлмаса, дев ғолиб келса керак», деб маслаҳат қилишди-лар-да, икки кун сабр қилиб, қизил девнинг келишини кутиб турдилар. Дев келишидан илгари бир қизил шамол келиб, ҳамма ёққа тарқалди. Қизлар Жўрахонни хабардор қилиб, девнинг йўлига чиқариб қўйдилар. Жўрахон бўлса, бир кўприк бор эди, шу кўприкнинг тагига кириб, писиниб турди. Дев келгани ҳамона одамзоднинг борлигини билиб, кўприкдан оти ўтмади. Охириламр, дев отидан тушиб, «нима бало бор» деб кўприкдан келаверди. Жўрахон ҳам кўприк тагидан чиқиб, девнинг олдини олди. Дев кўрдик, бир ёшгина бола олдини тўсиб турибди. Тоза қараб турди, ўзи ёш бола бўлса ҳам, сийсати ниҳоят ўткир кўринади. Дев билан Жўрахон бир-бирларига яқинлашиб, аввал тикилишдилар. Девнинг тикилишига кўзлари ортиқча бардош беролмасдан:

— Эй бола, ўзинг ёш боласан, кўзингда олмос бори

ўхшайди. Мен ҳам одамзод ичида сенингдек заҳри чашм-лик ва сиёсатлик кишини кўрмаган эдим,— деб, икковларни мардоналик билан қўлтиқма-қўлтиқ бўлишиб тутишдилар. Жўрахон девни тутиб, дев Жўрахонни тутиб, бирпас сиқишиб кўрдилар. Ҳеч бир-бирларидан қолишмадилар. Охири дев:

— Эй одамзод, бўлмаса, иккимиз сулҳ қилиб, урушни кейин қўйсак. Сен ёш экансан, сенинг ўлишингга менинг ҳайфим келади,— деб турди.

Жўрахон омон бермай, «девларнинг иши чаппа бўлади» деб олиша бошладди. Қизил дев Жўрахонни йиқитиб, Жўрахон девни йиқитиб, икковларни бир қанча соатлар олишиб, охири қизил дев бир наъра уриб, ўзининг ҳаракатдан кетганини билдирди. Ҳалиги қизлар барра кабобдан олиб бориб, девга бермасдан Жўрахоннинг оғзига ташлаб юборди. Жўрахон қувватланиб, яна қанча фурсатлар олишиб, охири қизлардан бири бир соғи¹ тариғни келтириб, девнинг оёғи тағига тўкиб юборди. Девнинг оёғи тоғиб, йиқилиб тушди. Жўрахон кўксига миниб, девнинг бошини кесиб ташлади. Бир неча фурсатдан сўнг «Сеними, сеними» деган овозлар чиқиб, ҳамма оламни ғала-ғовур босиб, кейин таскин топди. Қизлар ҳам бу ишдан хабардор бўлиб, йигитга офаринлар қилиб, қизил девнинг манзилига қараб жўнадилар. Қизил девнинг саройига бориб, уч қиз билан Жўрахон айш-ишратга машғул бўлди. Бир-икки кун ўтгач, ҳалиги қиз:

— Бу девларни ўлди деб ўйламанг, булар ўлган эмас. Буларни ўлдираман десангиз, бошқача бир амали бордир. У ҳам бўлса, шу даранинг бир томонида бир хуш ҳаво жой бор. Шу хуш ҳаво жойда бир ғор бор. Шу ғорда бир аждар бор, бир сандиқ бор. Ана шу сандиқ ёнида аждар донмо кулча бўлиб, қўриқлаб туради. Аждарни ўлдириб, шу сандиқни қўлга киргизса, шунинг ичида бир неча қат сандиқларнинг ичида ўралган бир қути чиқади. Ана шу қутини олиб сиқиб, мажақлаб ташламагунча булар ўлмайди,— деб маслаҳатни айтгач, Жўрахон мана шу иш билан машғул бўлди. У қизларга:

— Менга шу жойни кўрсатинглар. Мен бориб шу аждар билан уришиб, шу аждарни ҳалок қилиб келмагунимча, бир иш бўлмас экан,— дебди. Қизил дев қошидаги қиз Жўрахонга:— Ўша аждарнинг турган жойидан берида бир чинор бор. Шу чинорнинг ёнидан борилса, аждар одам-

¹ С О Г И — ёгон ёки қовоқдан тайёрланган идиш.

воднинг иси тегиб, бетоқатлик қилиб, ўзини ҳар томонга ташлайди. Шу вақтда ўқ-ёй билан аввал иккита кўзини урса, кейин аждарни ўлдириш осон бўлади. Бўлмаса у дамига тортиб юбориши эҳтимол,— деб йигитга йўл-йўриқларни ўргатиб тушунтирди.

Жўрахон йўл жабдуқларини олиб, қизлар билан хайрлашиб, ўша жойга қараб жўнаб кетди. Бир неча вақт йўл юриб, даранинг аввалидан кириб бораверган сари ҳар хил мевалар, ҳар хил ажнослар, гуллар алвон-алвон очилишиб турибди. Ёввойи ҳайвонлар ҳам ниҳоят кўп экан. Баъзиларни келиб Жўрахонга ҳамла қилса, ҳалиги ҳайвонларга қараб бир заҳри чашм қилса, ўз ўрнида титраб қолар эди. Бора берган сари даранинг кенг жойи тор бўлиб, охири бир жойга бориб тамом бўлди. Узоқ томондан қарасаки, тўғрисида бир ғор кўринади. Ғорнинг яқинида бир катта чинор ҳам кўриниб турибди. Ўзини чинор панасига олиб, ғорга яқинлашиб бораверди. Чинорнинг кетидан тоза пойлаб қараса, аждарнинг калласи ғорнинг оғзидан чиқиб турса, танаси ғорнинг ичида, оғзидан чиққан бадбўй ҳароратга яқинлашиб бўлмайди. Жўрахон бирпас ўйланиб туриб, ёйини камонига тортиб, чинорнинг ёнбошидан туриб аждарнинг кўзига урди. Жўрахоннинг ўқи тўғри бориб, аждарнинг кўзига тегди. Аждарнинг кўзи зарарлангач, ҳарчанд ўзини тўхтатиб, ҳар томонларга қараб, ҳеч нарсани кўрмади. Кўзини дарди алам қилиб, оғзидан заҳарни чиқариб, ҳар томонларга сочиб, бирпас ўтгандан сўнг таскин топди. Аждарнинг тўхтаганини пойлаб туриб, яна иккинчи кўзига ёйдан ўқ отиб юборди. Бу ўқи ҳам беҳато бориб, аждарнинг кўзига тегди. Аждарнинг икки кўзи ҳам кўр бўлиб, дардига чидамасдан ўзини ташқарига олди. Ҳар томонларга юмаланиб, яна таскин топди. Жўрахон эса аждарнинг кўзи кўр бўлганлигидан фойдаланиб, шамширини олиб, аждарнинг яқинига бориб, калласига уриб яралантирди. Сўнгга ҳар томондан заҳм ура-ура, охири аждарни саранжом қилди. Кейин бошқа бир томонга бориб, бирпас дам олиб, аждарнинг заҳрини қайтариб, ғор томонга қараб йўл олди. Ғорнинг ичига кириб қарасаки, дарҳақиқат, бир сандиқ турибди. Сандиқни ичиди очиб қараса, яна бир сандиқ. Шунақа сандиқлардан бир қанчаларининг ичида бир қути турибди. Ҳалиги қутини олиб қисган ҳамоно ажойиб-ғаройиб овозлар эшитилиб, бир қанча девлар пайдо бўлди. Ҳаммаси эланиб:

— Эй Жўрахон, бизни ўлдирманг, мапа шу қути доимо сенда турсин. Сенда пима хизмат бўлса, бизлар бажараверамиз,— деб ҳамма девлар таслим бўлдилар. Сўнгга

Жўраҳон девлар билан хайрлашиб, ҳалиги қутини киссасига солиб, қизларнинг манзилига келиб, улар билан кўришиб, бўлган воқеаларни айтиб, қизлардан ҳалиги отни сўради:

— Менинг ғунонимнинг қаерда эканлигини биласизларми?— дегач, қизил девнинг уйидаги қиз:

— Биламизу, лекин уни кўриш чатоқроқ,— деди. Сўнг-ра Жўраҳон:— У ўзи қаерда?!— деб қатъий сўради.

Қизлар ғунон турган жойни кўрсатиб:

— Ана шу жойнинг орқа томонидан лаҳим ковлаб, табланинг ички томонига ўтиш керак. Аввал-аввал қўлингизни, сўнг-ра бошингизни, аста-аста ярим белингизни кўрсата-кўрсата бориб, бир неча кундан сўнг ўзингизни кўрсатсангиз, шундан кейин кўниб қолса керак,— деб маслаҳат бердилар.

Жўраҳон асбобу анжомларини тайёрлаб, табланинг бир томонидан теша бошлабди. Бораверган сари отга яқинлашиб, дуқиллаган овозлар отнинг қулоғига эшитилиб, ўзини ҳар томонларга уриб чирқирай бошлади. Ҳалиги қизлар келиб отга дилдорлик қилиб, қарашиб кетар эди. Шундай қилиб Жўраҳон отнинг охур томонидан тешиб чиқди. Ўзини кўрсатмасдан аввал қўлини кўрсатиб, сўнг-ра бир кун бошини кўрсатиб, бир неча кун ҳар томонларини кўрсатиб, қисса кутоҳ, ўзини отга билдириб, аста-секин ўзи чиқиб, отнинг ёл-думларини уқалаб, отни ўзига дўст қилиб олди.

Бир куни эса отни етаклаб, далага олиб чиқиб шамоллатиб, иккинчи куни эса миниб юрди. Шундай қилиб у отни мингич қилиб олди. Аста-аста ҳар томонларга сайр қилиб юраверди, кейин-кейин эса икки кунлаб, бора-бора уч кун, тўрт кун кетадиган бўлди. Шунча қилса ҳам, отнинг ҳеч мавқеи босилмас эди. Бир кунни Жўраҳон қизларга:

— Бу ерда шунча юрсак ҳам, ҳеч хуморимиз босилмайди. Менинг маслаҳатимга қарасангизлар, бир шаҳар томонга қараб кетсак,— деб маслаҳат қилишди. Қизлардан бири:

— Эй Жўраҳон, бўлмаса шу девларни чақириб, бир ўзимизга қўрғон ясатгин. Ичида бир чорвоғи азим бўлсин, қишлоқ, ёзлик уйлари бўлсин. Шу қўрғонни шаҳардан бир кунлик узоқ жойда қилдиргин. Ана ўша ерга бориб, умр кечирамиз,— деб маслаҳат берди.

Бу гапни Жўраҳон эшитиб, қизларга қараб:

— Мен киму, қўрғон ясамоқ нима. Ўзимиз бир саҳрода юрган бўлсак, бу саҳродан қутилиб кетишнинг иложи.

ни билмасак. Сизлар бунақа «қўрғон ясанг» дейсизлар,— дегач, кенжа қиз:

— Эй Жўрахон, ҳали сизнинг фикрингиз роса етишган йўққа ўхшайди. Ҳалиги девларнинг жони қўлингизда турибди-ку. Ўшани қиссангиз, ҳамма девлар келиб, сизнинг фармонингизда бўлади. Улар бажонидил, нима десангиз, қилиб беради,— дегач, Жўрахон ҳам тушуниб, қиссасидан ҳалиги қутичани олиб, бир қисиб эдики, девлар ҳар томондан ажойиб-ғаройиб овозлар чиқариб: «Мана етдим» деб, Жўрахоннинг олдига тиз букиб ўтиришдилар. Жўрахон девларнинг бошлиғига:— Қайси жойда бўлмасин, шаҳардан бир кунлик йироқ жойда бир қўрғон тайёр қилинглар. Ичида ёзги-қишқи уйлар бўлсин, сувлар ҳар томондан оқиб, себаргалар ўсиб, гуллар очилиб, булбуллар сайраб турган бўлсин. Сўнгра бизларни ўша жойга кўтариб, элтиб қўйинглар,— дегач, девларнинг бошлиғи «хўн» деб, Жўрахоннинг олдида туриб, девлар билан кетди. Жўрахон бу ерда турсин, девлар бориб, ҳар томонларни сайр қилиб қараб чиқдилар. Жўрахон айтган жой ҳалиги йўлнинг бошланғичига тўғри келиб қолди. Девлар худди ўша ердан қўрғон ясашга тушдилар. Улар Жўрахон айтганидан зиёдароқ қилиб бир қўрғонни олий ясаб, ичига чорвоғлар, раста-регистонлар тайёрлаб, хабарини бериб айтдилар. Девлар Жўрахонни ва ҳалиги қизларни кўтаришиб, асбоб-ускуналарини ҳам олиб келишдилар. Булар шу қўрғоннинг ичига жойлашгач, бир йил ўтар-ўтмас шаҳарлари обод бўлиб, бир қанча халқлар пайдо бўлиб кетди.

Жўрахоннинг ўзи кунда овга чиқиб юрар эди. Кунлардан бир кун яна икки киши пайдо бўлди. Улар Жўрахон билан сўрашиб:

— Бизларни ҳам шаҳрингизнинг ичида жойлаштириб қўйсангиз,— деб илтимос қилишди. Жўрахон тоза қараб таниб билдики, улар ўша икки акасига ўхшайди. Лекин уларнинг аҳволи аввалги ҳолда эмас. Жўрахон уларни бу кечаси ўз уйида меҳмон қилиб, у ёқ-бу ёқ томонлардан гапга солиб, тоза билдики, худди ўша иккита акасининг ўзи. Эрта билан Жўрахон хизматкорларини чақириб, тайинладикки, шу иккита кишини яхшилаб ювинтириб, кийинтирингизлар. Улар ҳам Жўрахоннинг айтганидан зиёдароқ қилиб, ҳаммомга олиб бориб чўмилтириб, кийинтириб, Жўрахоннинг ҳузурига эргаштириб келдилар. Жўрахон уларга қараб:

— Сизлар асли қайси мамлакатнинг фарзандисизлар? Агар малол келмаса бир-биримиз билан ҳол аҳвол сўрашиб олсак,— дегач, акаларидан бирининг кўнгли бузилиб,

бир қанча вақт оби дийда қилиб уйдан уч киши бўлиб чиқ-қаплиги, Жўрахон укаси айрилиб кетганлиги ва ўзларининг борса келар йўлга бориб, кўп шаҳарларни томоша қилиб, укаларини ахтариб топа олмасдан, охири ўзлари ҳам қийналиб, қаландарлик либосларини кийиб, бир қанча вақтлар саргардон бўлиб юрганлигини бошдан-охир гапириб берди.—Охири қаландарликдан ҳам муродимиз ҳосил бўлмагач, энди ота юртимизга қараб кетаётган эдик. Тасодифан гузаримиз сизнинг шаҳарингизга тушди. Илгари кетишимизда бу ерларда шаҳар у ёқда турсин, юлғинзордан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Энди бўлса сиздек подшо бўлиб, бу ерлар шаҳар бўлиб қолибди. Икки-уч кундан буён сизнинг бу меҳру муҳаббатингиз, қилган шафқатингизни Жўрахон укамиздек билдик. Энди бизларни шу шаҳарда қолдирсангиз, деб умид қиламиз,— дедилар.

Жўрахон улардан бу гапни эшитиб, ўзини уларга таништирди ва уларга ўз бошидан кечирганларини ва шу ергача бўлган воқеаларни бирин-кетин тушунтириб, акаларни билан бошқатдан йиғлашиб кўришдилар. Сўнгра Жўрахон ҳалиги иккита қизни икки акасига топшириб, иккита яхши уйларга ўтқазиб, ўзи эса учинчи қиз билан айшу фароғатга машғул бўлди. Орадан бир қанча вақтлар ўтгач, бир куни қарадиларки, Жўрахон ов анжомларини кийиб, қарчиғайни кифтига солиб, асъаса-ю дабдаба билан чиқиб кетди. Овга чиқиб кийик, кабутар, каклик ва бошқа шунга ўхшаш ҳар хил ҳайвонлардан сайд қилиб келди. Икки-уч марта акаларига ҳам от, яроғ-аслаҳа бериб, бирга олиб чиқиб, учовлари уч томонда сайёдлик қилиб келдилар. Ҳар келганларида дарвозабонлар Жўрахоннинг кетидан доим ё кийик, ё каптар, ё каклик, ё бошқа нарса олиб келганлигини кўрар эдилар. Лекин акалари ҳеч нарса овлай олмасдан қуруқ қайтиб келар эдилар. Ҳалиги қизлар акаларининг бу ишларига аввал индамаган бўлсалар ҳам, кейинча таъна қиладиган бўлдилар. Бу таънани эшитиб, акалари шармсор бўлдилар. Охирида овга ҳам чиқмай қўйдилар. Кейин бир куни катта акаси укасини олдига тортиб, маслаҳатлашиб айтдики:

—Эй ука, бизлар хотинимиздан шарманда бўлганимиз у ёқда турсин, дарвозабонлар ҳам таъна қилишяпти. Энди нима қилиш керак? Энди гап шу ерда турсин, укамизни бир бало қилиб киссасидан ҳалиги девларнинг жони солинган қутини қўлга киритсак, шу шаҳарни, шу қишкни иморатларини ҳамма анжомлари билан олиб кетсак, гунон ҳам ўзимизда бўлади, отамиз олдига обрўйимиз катта бўлади. Жўрахонни шу чўлу биёбонга ташлаб кетамиз,— деб мас-

лаҳат қилиб эди, укасига бу гап ёқиб кетди. Икковлари маслаҳатни бир ерга қўйдилар. Бу икки ака-ука қандай қилиб Жўраҳонни ҳалок қилишни ўйлашиб-ўйлашиб, охири бир қарорга келдилар. «Бир шамширни чархлаб, табланинг эшигига бойлаб, бевақт Жўраҳонни уйғотиб, саросима қилиб: «Таблага ўғри келди», деб сайнхонага чоптирмоқчи бўлдилар. Жўраҳон чопиши билан оёғи кесилиб, йиқилиб қолади. Ўша вақтда бизлар чопиб бориб Жўраҳонни икков икки томондан кўтаришиб, бир бало қилиб киссасидаги қутини қўлга киритсак, мақсадимиз ҳосил бўлади. Бўлмаса, бошқа иложи йўқдир» деган қарорга келдилар. Кечанинг икки ҳиссаси ўтиб эди. Жўраҳон маст уйқуда эди. Ҳалигилар Жўраҳоннинг уйига чопишиб бориб, шевқин қилиб, «Сайнхонага ўғри кирганга ўхшайди» деб, Жўраҳоннинг кўнглига ваҳима солдилар. Жўраҳон сайнхонага қараб югурди. Қарасаки, сайнхонанинг эшиги очиқ кўринади. «Дарҳақиқат ким бўлмасин одам кирган бўлса керак ёки отни олиб чиқиб кетган бўлса керак», деб чопганича ўзини сайнхонага урди. Жўраҳон яланғоч шамширга урилиб, тиззасидан пасти кесилиб, ўзи бир томонга йиқилиб тушди. Акалари бу аҳволни билиб, ўзларини дўст кўрсатиб, икковлари чопиб келиб, укаларини кўтаришиб, киссасидан ҳалиги қутини олиб, бир қисиб эдиларки, ажойиб-ғаройиб товушлар эшитилиб, девлар пайдо бўлди. Ҳалиги акалари девларга: «Шу қўрғонни ҳамма асбоблари билан фалон жойга кўчирасан!» деб буйруқ қилдилар. Девлар «фармонбардоримиз» деб, акаларининг айтган гапларича иш қилиб, ҳалиги шаҳарни кўчу кўчмалари билан кўтаришиб, худди оталарининг қишлоғига яқин жойдаги бир майдонга қурдилар. Жўраҳонни бир нечта ўқ-ёйи билан ўша жойга ташлаб кетдилар. Эртаги кун Жўраҳон ҳушига келиб қараса, оёқлари кесилган, мажруҳ бўлиб қолибди. Киссасини кўрсаки, ҳалиги қути ҳам йўқ. Ўйлаб-ўйлаб билдики, бу ишларнинг ҳаммасини ўша иккита акасидан бошқа киши қилган эмас. Тақдирга тап бериб ўлтираверди. Оҳиста-оҳиста эмаклаб, баъзи қушларни отиб, кабоб қилиб еб, бир томонга қараб кетаверди. Кун билан юриб-юриб, бир ўрмонликка чиқиб, бир неча кун ўрмоннинг ичида юриб, сайёдлик қилиб, бу ўрмондан ҳам бир дарага чиқиб олди. Унга қадар оёқларининг яраси битиб, яхшиланди. Ўзи қўли билан қаминшларни юлиб, бир жойда қапа ясади. Шундай қилиб Жўраҳон шу ерда жой қилиб, ҳар хил қушларни овлаб юраверди.

Кунлардан бир кун бир қушни отиб эди, ўқ тегиб тушмасдан йироқ томонга учиб кетди. Бу ҳам кетидан эмаклаб

борсаки, бир жойда бир йигит ўтирибди: икки кўзи кўр, унинг одати шу экан, ўзини ўликдай қилиб бир жойда ётар экан. Қандай жондор ёки қуш келиб яқинлашса, ёки бир жойини чўқиса, бирданига ушлаб ер экан. Жўраҳон узоқдан эмаклаб, қушни тутаман деб келаётиб эди, ҳалиги қуш шу кўрнинг олдига тушди. Тушиши ҳамон кўр қушни ушлаб ея бошлади. Буни кўрган Жўраҳон таажжубланиб:

— Эй кўр, бировнинг сайдини нима учун ейсан?— деди. Кўр Жўраҳоннинг овозини эшитиб, гўёки ота-акасини кўргандек қувониб:

— Эй одамзод, ким бўлсанг ҳам, менинг ёнимга келгин, мен билан гаплашгин. Кўп фурсатлар бўлибдики, мен донмо ваҳший ҳайвонлардан бошқа нарсанинг овозини эшитмас эдим. Бугун ким бўлсанг ҳам, сенинг овозинг қулоғимга жуда ёқди. Энди мен билан бир суҳбатлашгин, кимлигингни билдиргин. Мен бечорани ҳам шу ўрмондан бир томонга қараб олиб кетгин,— деб эланди.

Жўраҳон ҳам таажжубланиб, яқинлашиб келиб кўр билан қўл сиқнишиб кўришди. Кўп синчиклаб билдики, кўр ҳам паҳлавонни забардаст кўринади. Кўр ҳам билдики, Жўраҳон ҳам ўзидан зиёдароқ паҳлавон экан. Икковлари топишиб, Жўраҳоннинг чайласида — «битта эдик, икков бўлдик», деб кун кечириб юравердилар. Булар дастидан ўрмондаги ҳайвонлар қутилмас эди.

Кунлардан бир кун булар ов қилиб юриб эдилар, бир қушни чала уриб, учириб юбордилар. Қушнинг кетидан бора туриб қарадиларки, бир жойда бир одам ўтирибди. Унинг икки қўли йўқ экан. Буларнинг қойдаси шундай эди: Қачон Жўраҳон бир қушни отса, қуш бошқа бир томонга тушса, кўр Жўраҳонни кўтариб чопар эди. Бу дафъа ҳам кўр Жўраҳонни кўтарганича чопиб, ҳалиги икки қўли йўқ одамнинг олдига келиб қолдилар. Қўлсиз одам ўрнидан туриб салом қилди. Жўраҳон кўрдики, унинг икки қўли йўқ. Таажжубга тушиб, саломлашиб, «иккита эдик, учта бўлдик» деб, Жўраҳоннинг манзилига томон кетдилар. Булар энди учта бўлиб, сайд қилиб юрар эдилар. Жўраҳон урар эди, улар бориб топиб келар эдилар. Шундай қилиб булар бир неча вақт кун кечиришдилар. Кунлардан бир кун маслаҳатлашиб бир-бирларига:— Эй биродарлар, энди бизлар шундай қилиб кун кечириб юришимиз бўладими? Ёки бошқа бир иложи борми?— дедилар. Ҳалиги чўлоқ:

— Эй дўстларим, мен бир қўлсиз киши бўлсам, сизнинг кўзингиз бўлмаса, сизнинг оёғингиз бўлмаса, одамлик жойларга борсак ҳам, бизларнинг шармандалагимиз кўриниб

турган гап. Энди бизлар шу дарада умримиз борича кун кечириб, умримизни охир қилайлик. Бизлар киму, бир жойларга бориб, ватан қилиб, уддалаб юриш нима?!— деди. Уларнинг охирги маслаҳатлари шундай бўлди.— Энди биз учовимиз ов қилсак, овни уйда пишириб қўядиган бир киши лозим. Агар шу мақсадимиз ҳосил бўлса, ишимиз ўнг бўлар эди,— дейишдилар.

Жўрахон айтди:

— Мақсадимиз шундай бўлса, ким бориб бир қиз болани, бир аёлни ёки бир болани топиб келади?— деди. Халиги қўлсиз айтди:

— Менга кўп ов қилиб, овқат топиб берсанглар, бўйнимга осиб қўйингизлар, ўн кунлик, ўн беш кунлик муҳлат ҳам беринглар. Шу кунлар ичида мен бориб, қандай бўлмасин бир кишини топиб келамаң,— деди. Жўрахон ва шериклари ов қилишиб, бир қанча гўштларни пишириб, қўлсизнинг бўйига осиб қўйдилар. Қўлсиз бир печа кундуз йўл юриб, охири бир дарёнинг бўйига келди. Дарёнинг бу чеккасида пастга қараса, кўп балиқчилар балиқ овлаб юрибди. Шу балиқчиларнинг кийимига ва ҳар хил нарсаларига бир болани посбон қилиб қўйибдилар. Қўлсиз дарёнинг бу томонидан ҳалиги болани олдиға чақириб олди. Боланинг қўлсизга раҳми келиб, бу киши нима дер экан деб, унинг олдиға келди. Қўлсиз:

— Эй болажон, бўйнимдаги овқатдан менинг оғзимга солиб-солиб, едириб қўйгин. Мен тўйиб олай,— деди. Боланинг раҳми келиб, қўлсизга овқатдан едириб тўйғазди.— Энди бир сув бергин,— деди қўлсиз. Сувни ичиб бўлач, қўлсиз болани калласи билан босиб, чопонининг икки ёқасини тишлаб, кўтарганича олиб қочди. Дод-фарёд қилганига қарамай болани қўлсиз ўрмоннинг ичиға олиб кириб кетди.

Балиқчилар балиқ овига қизишиб, боланинг кетганидан беҳабар қолдилар. Қўлсиз болани кўтариб қочганича балиқчилардан узоқлашиб кетди. У кечгача болани кўтариб қочиб, бир жойга бориб тўхтаб, болани оғзидан қўйиб, болага:— Эй болам, сени мен ўлдирмайман, емайман, ёмон иш қилишга менинг рағбатим йўқдир. Сени бир яхши жойга элтаман. Мана бу кеча шу ерда ётамин. Бу ўрмонларда шер, айиқ, аждаҳ ва бошқа йиртқич ҳайвонлар кўп. Булардан саломат қутила олмасаң,— деб насиҳатлар қилди. Бола ҳам ўйлаб кўрдикки, ҳеч иложи йўқдир, ноилоҳ қўли. Эрталаб барвақт йўлга тушдилар. Болани олдиға солиб, ўзи кейиндан юриб, «мана етдик, мана етдик» деб алаб, бир неча кундан сўнг Жўрахоннинг капасига олиб бор-

ди. Булар билан кўришиб, «учта эдик, тўртта бўлдик» деб юравердилар. Булар ов қилиб келса, бу бола овларни пишириб, тайёрлаб қўяр эди. Булар турган жойдан бир неча чақирим нарида бир ялмоғиз кампир яшар эди. Қулардан бир қун ўшанинг бурнига одамларнинг иси бориб етди. Шу ялмоғиз кампир бўларни ҳар қуни пойлар эди. Булар бўлса ов қилиб келиб, овни пишириб еб юрдилар. Биронтаси якка қолмас эди. Ялмоғиз кампир бир қуни пойлаб қараса, чайлада бир киши кўринади. Ялмоғиз кампир келиб, болани ёлғиз кўриб, алдаб:— Эй болажоним, меҳрибоним, азизгинам, бир қанча воқеалардан буён: «Бошгинам битлаб кетган, бошимни кўриб қўйгин» деб, болани ўтиргизиб, тумшуғи билан тиззасидан босиб, қонини симира бошлади, шу вақтда овчилар ҳам ов билан қайтиб келаётган эдилар. Улар узоқдан кўрдиларки, бир кампир келиб, чайланинг ичига кириб, қайтиб чиқмади. Булар афсусланиб: «Ҳай дариғ, шу ялмоғиз кампир бўлса керак. Борғунимизча, бу болани тамомламаса эди. Энди шундай бир иш қилайликки, биз уч томондан бориб, кампирни ушлашимиз керак» деб, учовлари уч томондан шиддат билан жўнадилар. Ялмоғиз кампир боланинг қонини сўриб олаётган эди, биринчи бўлиб кўр келди. Бола дадилланиб овоз чиқаргач, кўр тахминлаб ўзини овоз чиққан томонга қараб ташлади. У ялмоғиз кампирнинг устига тушди. Ялмоғиз кампир эса кўрни кўтариб қочиншга уриган эди, қўлсиз келиб қолди. У ҳам кампирнинг бир томонидан тишлаб ола қолди. Кампир икковини ҳам кўтариб қочмоқни ўйлади. Шу вақтда Жўрахон етиб борди. Ялмоғизнинг кекирдигдан олиб, ерга тоблаб урди, кўксига миниб, атрофига бир қанча қозикларни қоқтириб, сочларини, оёқларини қозикларга боғлатиб, Жўрахон шерикларига қараб:

— Эй дўстлар, мен ялмоғиз кампирнинг олдида туриб, битталарингни «ют» дейман, ютади, «ташла» дейман, ташламайди. Шунда мен кекирдагини қисиб, бир шапалоқ урсам, оғзидан чиқариб ташлайди. Ана шундан кейин сизлар солимул аъзо¹ бир йиғит бўласизларки, аммо сизлар бунинг бошида туриб, «ют» десангизлар, ютади-ю, ташла десангизлар, ташламайди. Уша вақтда икковларинг бор кучларингни йиғиб қийнаглар, шундан кейин ташлайди. Агар шунда ҳам ташламаса, ўзини қийма-қийма қилиб, тамоми аъзоларини бўлак-бўлак қилиб, ҳар томонларга тарқатиб қўйинглар. У қандай бўлмасин мени шу бир жойига пинҳон қилиши керак,— деб васият қилди-да, ҳа-

¹ Солимул аъзо — барча аъзоларни солим, бутун.

лиги баччани олиб келиб, кампирнинг дамига тўғрилаб, «ют» дегани ҳамона болани ютиб юборди. Бир-икки фурсат ўтқариб «ташла!» деди. Ялмоғиз эса тархашлик қилиб, ташламасдан тек турди. Жўрахон қаҳрланиб, ҳалқумидан свиқиб бир шапалоқ уриб эдики, кампир болани чиқариб ташлади. Кишилар қарасалар, бола хуш сурат, хуш қадди-қомат, солимул аъзо бўлиб тушди. Болани кўриб, булар ҳам иштиёқманд бўлдилар. Қўлсиз келиб:—Энди мени ютсин,— деди. Жўрахон имо қилиб эди, қўлсизни ҳам ютиб юборди. «Ташла!» деганда, ташламади. Аввалги одатидек ҳалқумини қисиб, бир-икки шапалоқ уриб эдики, уни ҳам ташлаб юборди. Бу ҳам солимул аъзо бўлиб, аввалгисидан ҳам зиёдароқ бўлиб тушди. Шундан кейини навбат кўрга келди. Кўр ҳам яқинлашиб келиб, ялмоғизнинг дамига тўғри бўлгач, кўрни ҳам ютиб юборди, «ташла!» деганларида, ташламади. Жўрахон ҳалигидек қилиб, кампирни қийнагач, чиқариб ташлади. Кўр аввалгидан ҳам зиёдароқ бўлиб тушди. Навбат Жўрахонга етгач, кўр билан ҳалиги чўлоқ ялмоғизни маҳкам ушлаб «Жўрахонни ют!» дедилар. Кампир ютиб юборди-ю, лекин ташламади, ура-ура безор бўлдилар. Шундан кейин ялмоғизни сўйиб, аъзоларини айиришга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб, булар ялмоғизни сўйиб, майда-майда қилиб, аъзоларини ҳар томонга тарқатдилар, лекин Жўрахондан асар йўқ. Бу ишга таажжубланиб: «Дарров ҳал қилиб юборибдим» деб, ўйлашиб туриб эдилар, бир чумчуқ келиб, бир дарахтга қўниб, «чилдир-чилдир чиначоқ, чилдир-чилдир чиначоқ», деб сайрай бошлади. Булар ҳам бу ишга таажжубланиб, ялмоғизнинг қўлини олиб, чиначоғини тилиб эрдиларки, Жўрахон лўп этиб чиқиб қолди. Учовлари ҳам солимул аъзо бўлишиб, бир-бирлари билан кўришиб, саломлашиб хурсанд бўлдилар.

Жўрахон ҳам ўзига ўзи қарасаки, хуш қадди-қомат, хуш сурат, аввалги ҳолатга нисбатан ҳар қандай тапиган киши ҳам унинг Жўрахон эканлигига ишонмас эди. Шундай қилиб булар ялмоғизнинг зулмидан қутилиб, жасадини дафн қилиб, бир неча кунлар шу ўрмонда кун кечирдилар.

Кунлардан бир кун булар маслаҳат қилиб: «Эй дўстлар, энди шундай қилиб юрамизми? Илгари аҳволларимиз бошқача эди, ҳозир бошқача бўлди. Ҳозир солимул аъзо бўлдик. Энди халқ ичига бориб, халққа қўшилиб, уй-жой қилиб юрсак. Нима маслаҳат берасизлар?»— дейишдилар.

Бу гап ҳаммаларига маъқул тушиб, улардан бирин айтди:

— Дарҳақиқат, тўғри айтасиз, ҳақиқатан ҳам сиз бир

мамлакатнинг подшосига лойиқ кишисиз. Бизлар сизга навкар бўлайлик. Чунки сиз бизларга шунчалик яхши бўлишига сабабчисиз. Биттаси мен бўлсам, бир мамлакатда қайиқчи эдим. Йўл тўсиб, қанча кишиларга озор бериб, қароқчилик қилиб юрган киши эдим. Менинг овозам мамлакатда шуҳрат топиб, охири подшо кўп кишилари билан мени тутиб олди. Охири мени кўпчилик ўлдирмоқчи бўлиб, икки кўзимга мил тортиб, бу жазирага келтиришиб ташлаган эди. Ўз-ўзимча қаёқ тўғри келса, шу ёққа юравериб, кўп вақтлар санқиб юриб, шу ўрмоннинг яқинига келиб қолган эдим. Сийпаланиб қўлимга нима учрамасин, шунга ушлаб еб, тирикчилик қилар эдим. Кейинги вақтда сиз келиб топиб олдингиз. Сиз билан топишиб, қанча яхши ишларни кечириб, шунчалик бахтга эга бўлдик. Энди умидим шуки, сиздан бир қарич айрилмасдан умр кечирсам,— деб сўзини тамомлади.

Навбат чўлоққа келгач, чўлоқ ҳам сўзга кириб:

— Мен ҳам бир мамлакатнинг муғомбир ўғриси эдим. Ҳар қандай жойлардан ҳам лаҳим қазиб, асл молларни ўғирлаб кетар эдим. Менинг ҳам номим чиқиб, охири подшо томонидан ушландим. Подшо одамлари икки кўзимни бойлаб, бир неча кун туяга ортиб, бир саҳрода иккита қўлимни кесиб ташлаб кетган эдилар. Мен ўз ҳолимча қолиб, кўзимнинг латтасини қумларга суйкаб ечиб, ҳар томонларни тафтиш қилиб қарадим, қаёқдан келганлигимни, мени ташлаб кетган туяларнинг қай томонга кетганлигидан ҳеч асар тополмадим. Шамол қумларни теп-текис қилиб кетибди. Қанчалик ўйламайини, қаёққа кетишимни билмадим. Охири таваккал қилиб бир томонга қараб кетавердим. Бир неча кечаю кундуз шу қум-чўлда юра-юра, сизни топган жойга чиқиб ўтириб қолган эдим. Шундан кейин сиз билан бўлиб, яхши маишатлар кечириб, яна солимул аъзо бўлдим. Менинг ҳам умидим шуки, сиздан ҳеч айрилмасам,— дегач, учовлари ҳам қучоқлашиб кўришиб, ака-ука тутиндилар. Улар аввал боланинг жойи қаерда бўлса, элтиб, ота-онасига топиштириб, сўнгра шахримизга кетсак деб, гапни бир жойга қўйдилар. Чўлоққа қараб:— Сен шу болани қаердан олиб келган бўлсанг, ўша томонга қараб йўлни тортавер, кетдик энди,— деб ҳаммалари йўлга тушдилар. Бир қанча вақт ўрмон ичида, саҳрода юриб, бир баланд қирнинг устига чиқиб қарасаларки, узоқдан кўп дарахтли жойлар кўринади. Бирпас йўл юриб бир дарахтли, дарёли жойларга яқинлашдилар. Дарё ёқалаб бориб эдилар, болани ушлаган жойдан чиқиб қолдилар. Бола бу ерларни кўргач, ўзининг юрган жойларни эканини таниди.

Эндиг бола олдинга тушиб, йўл бошлаб бораверди. Андек фурсат юриб, бир шаҳарга кирдилар. Шаҳарнинг бир кўчасидан кириб бораётиб эрдиларки, бола туғилган уйнинг дарвозаси кўринди. Жўрахон:— Сенинг ота-оналаринг сени ўлди деб билгандир. Бирданига ҳовлига кирсак, албатта улар сени кўргани ҳамона ўзидан кетиб қолмасин. Аввал бизларнинг биттамыз бориб, у ёқ-бу ёқни гапиришиб, меҳмон бўлишиб, гапга солиб қарайлик-чи, сўнгра топишмоқ осондир,— деб болага биттасининг чопонини ёпинтириб, кейинларидан эргаштириб, ҳалиги дарвозани тақиллатдилар. Дарвоза эгаси чиқиб, дарвозани очиб қарасаки, уч йигит турибди: жуда хуш қадди-қомат, чиройли йигитлар, лекин эгини-бошлари жулдур бўлиб кетган. Уй эгаси ҳайрон қолиб, дарвозани очиб, «сизлар кимсизлар» деди. Булар:— Бизлар қаландарлармиз. Ичимизда фолчиси ҳам бор. Ҳар хил воқеаларни айтувчилар бор,— деди.

Ҳалиги чиққан киши уйга кириб, хўжайинига айтди. — Эй хўжайин, дарвоза тақиллади, дарвозани чиқиб келдим. Тўрт кишини кўрдим, ниҳоят даражада хуш сурат йигитлардир. Буларининг кетида бир қиз бола ҳам борга ўхшайди. Лекин мен уларни ҳайбатли, шайхонали деб билмаш. Агар қасдланса, бир шаҳарни вайрон қилгудек ғайратлари бор. Шунга қарамай улар ўзларини «бизлар қаландар» дейди. Яна «фолчилик ҳам қиламиз» дейди. «Ҳар хил хабарларни ҳам айтамыз» дейди.

Бу гапни эшитган хўжайин таажжубланиб, «ундай кишиларни уйга қўйишнинг нима ҳождати бор, бошқа жойга кетаверсин. Ундай кишиларни меҳмон қилиб зарар кўрса кўрадики, одам наф кўрмайди» деб кўнглига тугиб қўйдиди, яна ўйладики: «Бундай десам, ҳалиги ҳар хил хабарларни биламиз», дегани мени қизиқтиради. Нима бўлса меҳмон-да, бир кеча минг кеча бўлмайди. Ташқаридаги меҳмонхонага жой қилиб, бир оқшом ётқиза қолай» деб ўйлади-да, ҳалиги навқарга:

— Ташқаридаги меҳмонхоналарни жой қилиб тайёрлаб, ўша ерда қўндиргин!— деб буюрди.

Ҳалиги хизматкор ташқаридаги меҳмонхоналарни очиб, меҳмонларни меҳмонхонага таклиф қилди. Меҳмонлар меҳмонхонага киргач, хўжайин ҳам «меҳмонларни бир кўрайин» деб келиб, меҳмонларга қарасаки, дарҳақиқат, хизматкори айтгандан ҳам минг чандон зиёда кўринади. Хўжайиннинг кўнглидан ҳай нима бўлсам бўлдим, буларни меҳмон қилдим, булардан бир яхшилиқ чиқмаса керак, деб бир қанча гаплар ўтди. Буларнинг туриши, қиёфасига

қараганда, ҳар бири гўёки бир аждарга ўхшайди. Ниҳоят хўжайин хотинига маслаҳат қилди:

— Эй хотин, бу оқшом бизга меҳмон келди. Лекин бу меҳмонларнинг туришидан қўрқаман. «Меҳмон отангдан улуғ» деган, нима бўлса ҳам менга дастурхон тузаб бергин. Меҳмонлар билан кўришиб, ҳолу аҳвол сўрашиб, бир рафти ройини¹ билайин-чи,— деб дастурхон тузаб, меҳмонхонага чиқди.

Меҳмонлар билан кўришиб, у ёқ-бу ёқдан сўрашиб, дастурхон ёзиб, овқатга таклиф қилди. Бирпас ўтмай, дастурхондаги овқатлар тамом бўлди. Хўжайин ўйлаб, ичкарига кириб, бир қанча нон, шираю шарбатлардан хизматкорига бериб юборди. Хизматкор нон, шираю шарбатларни олиб чиқиб, буларнинг олдига қўйгач, булар овқатни еяверсин, хўжайин маслаҳатга тушаверсин.

Хўжайин хизматкорини чақириб:

— Шаҳар ичидаги қариндошларимни айтиб келгин, келсинлар,— деб номзод паҳлавонлардан ҳам бир қанчаларининг номини ёзиб берди.

Хизматкор югурганича ҳар томонларга бориб, айтган одамларини чақириб келди. Хўжайиннинг барча яқин қариндошлари: ака-укалари, тоға-жиянлари — ҳаммаси келиб, ичкаридаги меҳмонхонада жам бўлдилар. Хўжайин келиб қариндош-уруғлари билан кўришиб, сўрашиб:

— Эй хеш-биродарлар, бизга бу оқшом тўртта меҳмон келди: учтаси — эркак, биттаси — қиз. Шу уч эркакнинг ҳар бирини бир шерин азимдек фаҳмладим. Шундай хаёл қиламанки, агар улар шерга тикилсалар, шер ҳам уялганидан тескари қарагундай ҳайбати бор. Хусусан, биттасини кўрдим, унинг кўзига ҳеч қараб туриб бўлмайди. Буларнинг ваҳимаси дилимга тушиб, улар менга бу оқшом яна бир шикаст бериб кетмасин, деб сизларни чақиртирдим. Қандай бўлмасин, бу оқшом бир суҳбат қилиб, кечани тонг оттирсанглар. Буларнинг бир ишига қизиқаман: Бирови фолчи эмиш, бирови ҳар хил воқеаларни биладиган эмиш. Мабодо улар Шохрут ўғлимнинг дарагини берса, деб умид қиламан. Шунинг учун бу меҳмонларни қайтариб, жавоб бермасдан бу оқшом қолдирдим,— деб сўзини тамомлади.

Ҳалиги паҳлавонлардан бири чиқиб:

— Эй хўжайин, бизлардек баҳодирлар шаҳарингизда бўлади-ю, ҳар қандай йўловчи сиздек кишига ёмон ишни

¹ Рафти рой — борадиган йўл; бу ўринда мақсадини билайин-чи маъносига.

кўрсатиб кетадимиз? Агар булар ёмон ниятда келган бўлсалар, шу ердан чиқмасдан, йўқ қилиб юборамиз,— деб кетилди.

Хўжайин уларнинг бу ҳимматини кўриб, мағрурланиб:— Дарҳақиқат, булар тўғри айтади,— деб зиёфат анжомини тўғрилаб, меҳмонларни ичкари меҳмонхонага таклиф қилди.

Булар ҳам туриб, аста-секин ичкаридаги меҳмонхонага кирдилар, қараб кўрдиларки, меҳмонлардан баъзилари ўрнидан туриб, баъзилари ўтирибди. Биринчи Жўрахон турган кишилар билан, баъзи мўйсафидлар билан кўришди. Хўп синчиклаб кўриб, баъзи паҳлавонлик дағдағасини қилиб, назари илмай турган кишилар билан ҳам кўришиб, қўлларини шундай сиқдики, ҳалиги паҳлавонлар қўлининг сиқилганига чидай олмасдан тишларини тишлаб, у ёқ-бу ёққа қараб ижирғаниб қўйдилар. Қолганлари ҳам кўришиб, айланиб бориб, меҳмонхонанинг пастки томонидан учовлари жой олиб ўтиришдилар. Ҳалиги сингилларини орқаларидан ўтиргиздилар. Бу ишни кўрган бой таажжубланиб: «Ҳай баччағар, бу ишни ажаб қилди. Мамлакатимнинг атанган паҳлавонлари, булар билан бир кўришишга ожиз келди-ю, мен бўлсам, булар билан бу оқшом базм қилиб, буларни зиёфат қилиб, ҳол-аҳволларим қандай бўлар экан», деб ўйлаб кириб-чиқиб юраверди. Ҳалиги паҳлавонлар бўлса шу шарманда бўлганларича каллаларини қуйи солиб ўтиравердилар. Такаббурлик қилганимиз бошимизга бало бўлди, бизлар ҳам ўрнимиздан туриб, хушмуомалалик қилиб кўришсак, бунчалик кулфатга қолмас экан, дейишдилар. Баъзи мўйсафидлар, ҳалиги ғурурланган паҳлавонлардан баъзилари ичкари-ташқари қатнашиб турибди. Паҳлавонлардан айримлари шу вақтни ғанимат билиб, бирин-бирин ўринларидан туриб, йўталиб, дарвозадан чиқиб кетдилар. Ҳалиги меҳмонхонада баъзи мўйсафидлар қолди. Зиёфат сузилди, алвон-алвон таомлардан едилар, ҳамманинг олдида оз-моз қолгани қолди. Лекин бу учовларининг олдидаги таомлардан ҳеч нарса қолмади. Ҳалиги мўйсафидлар:

— Эй ўғилларим, сизлар ёш киши экансизлар, тортиниб ўтирмаңлар, таомни есин деб қўядилар, еяверинглар,— деб дастурхондаги таомларни учовининг олдига суриб қўйдилар. Қарадиларки, учови ҳамма таомларни еб тамомлади. Булар ҳам ҳайрон бўлишиб, ўзаро пичир-пичирлашиб, бир-бирларига: «Булар учта бўлса ҳам, уч бало азим экан. Шаҳримизнинг паҳлавонлари бир кўришиш билан ҳаммаси қочиб кетди. Буларнинг овқат ейишларига

қараганда, зўрликлари ҳам ўзларига яраша бўлса керак. Булардан ҳол-аҳвол сўрашайлик-чи, қаердан бўлар экан, нима учун келган экан ва қаерга борар эканлар?— деб дастурхонни йиғиб олгач, ҳар қайсилари ҳар томондан гапира бошладилар. Бой ҳам тилга келиб, уч меҳмонга қараб:

— Эй ўғилларим, мен сизларнинг бир ишларингизга қизиқиб, бу оқшом меҳмон қилдим. Менинг бир ўғлим уч йил бўлдики, овга чиқиб йўқолган. Сизларга ўхшаган мусофирлардан ва қаландарлардан, йўловчилардан, фолчи-қушночлардан сўрамаган жойим қолмади. Кеча сизлар дарвозамга келиб, тақиллатиб «меҳмонман» «фолчи ва ҳар хабарни биладиганмиз» дедингизлар. Шу ишга қизиқиб, мен сизларни бу оқшом зиёфат қилдим. Энди қани шу ўғлим хусусида бир янгилик хабарлардан айтиб, менинг бир занг босган юракларимни тозаласангизлар,— деб сўзини татомлади.

Жўрахон ўрнидан туриб:

— Ҳай, мен бўлмасам, аввали-охир саволим шуки, бизларнинг гуноҳимиздан, хато қилган ишларимиздан ўтсангиз, айтамыз,— деди.

Хўжайин:

— Ҳали менга сизлар гуноҳ қилганларингиз йўқ. Ҳалиги баҳодирлар ўзларини таъриф-тавсиф қилиб, такаббурилик қилиб, қилган ишларига яраша ўзлари шарманда бўлдилар. Бунинг учун мен ҳам хурсандман. Сен бошқа томондан гапир,— деди.

Жўрахон:

— Бошқа томонни хатоларимдан ўтсангиз, айтаман,— деди.

Хўжайин ўйланиб булар менга бошқа қандай хатолик қилган экан, деб турди-да, «ўтаман, гапир!» деди. Шунда Жўрахон тилга келиб, бошидан ўтганларининг барчасини гапириб берди. Кўр ҳам ўрнидан туриб, ҳалиги бойдан илтимос қилди:

— Менинг ҳам бўйнимда гуноҳларим кўп. Аҳли мажлис қилган гуноҳларимни ўтсалар, мен ҳам бир қанча бошимдан кечирган кўп гапларимни айтиб бераман,— деди. Аҳли мажлис ҳам:

— Эй ўғлим, гуноҳларингдан ўтдик, айтсанг айтавер,— деди. Шундан сўнг ҳалиги тузалган кўр бошидан кечирганларини бирма-бир ҳикоя қилиб айтиб, ўзининг Аҳлул қароқчи эканлигини уларга билдирди. Аҳли мажлис гап шу ерга етганда, бир-бирлари билан ғувуллашиб, «Аҳлул қароқчи ҳам бор экан-да», дейишиб шивирлашиб қолишди.

Аҳлул қароқчи сўзини давом қилиб: «Подшо мени ушлаб ҳукамолар мени ўлдирмоқчи бўлдилар. Ахир улардан бири «Саҳройи Кабирга олиб бориб, кўзига мил тортиб, улоқтириб ташлаб келиш керак, шу билан ўзи ўлиб, йўқ бўлиб кетади», деб мени туяга юклаб, саҳрога олиб бориб, кўзимга мил тортиб ташлаб кетдилар. Мен ўша жойда қолганимча қолиб, юз минг машаққатлар билан бир қанча вақтлар йўл юриб, охири биродарим Жўрахон билан топишиб, шунчалик яхшиликларни шу киши туфайли кўрдим. Ҳозир мен келиб қолган шаҳар асли менинг ўз шаҳарим» деб ҳамма кишига ўзини танитди. У ҳалиги қўлсиз кишини ушлаб, «охирги савол шу кишига»,— деб сўзини тамомлаб ўтирди.

Қўлсиз ҳам ўрнидан туриб, ўз гуноҳларини халқдан сўради. Халқ унинг илтимосини қабул қилиб, гапириб, ўзини халққа танитиб, Баҳлул босқинчи эканлигини билдирди ва қолган гапни мана шу синглимиз билди деб, қўли билан имо қилиб, орқаларида ёпинчи ёпинган кишини кўрсатди. Шу вақт ҳалиги одам бошидан ёпинчинини олиб:

— Ассалому алайкум,— деб халқ билан кўришиб чиқди. Ҳушёр кишилар танишиб, гаранг кишилар ўйлашиб қолдилар. Чунки болада аввалгидан ҳам зиёдароқ ҳусну латофат пайдо бўлган эди. Бола ҳамма билан кўришиб ичкарига кириб кетди. Оналари, укалари, қариндош-уруғлари билан кўришиб, ўзини билдирди. Бой ҳам қувониб, ҳалиги уч кишини ҳаммомда ювинтириб, ҳар хил либослардан кийинтириб, уч кун тўй-томоша бериб, зиёфат қилиб кўраверди.

Бир куни Жўрахон оғайнилари билан маслаҳат қилиб:— Энди менга рухсат берсанглар, мен ўз шаҳримни ахтариб борсам. Сизлар энди жойларингизни топдингизлар,— дегач, ҳалиги Аҳлул, Баҳлуллар «Бизлар ҳам сиз билан бўламиз» — дейишиб, кетмоқча қарор қилдилар. Бой буларнинг кетишини билиб, хайрлашиб буларга оту тўнлар бериб, йўл жабдуқларини таълаб берди. Булар бой билан хайрлашиб, йўлга тушиб кетдилар. Булар кечаю кундуз йўл юришиб, ўз шаҳарларининг, яқинига тушиб, бир жойдан жой қилиб ётдилар. Бир куни улар бир кишидан сўрадилар:

— Бу шаҳарларда нима гаплар бор?

У киши айтди:— Эй оғайни дардини сўрайсизми?! Бизнинг шаҳаримизга девлар келиб қолган, бир қанча вақтлардан буён икки ака-ука пайдо бўлди. Улар қанча дев-

ларни ўз ихтиёрларига олган экан. Бу девларни ишга солиб подшоларимизни қамаб, халқимизни оёқ ости қилиб, баъзиларини осиб, баъзиларини босиб юрипти. Шаҳарнинг ичида жуда кўп киши қирилди. Дарвозалар банд. Ана шунақа, шаҳарларимиз вайрон бўлиб кетди,— деб ҳикоя қилди.

Булар билдиларки, акалари шаҳарни вайрон қилиб, бузғунчилик қилиб, кўп халқларга озор бериб, қондадан чиқиб кетган экан. Энди қандай қилиб бўлса ҳам, бирданнига борсалар уларни танийди. Яхши иш шуки, кечаси бир бало қилиб шаҳарга кириб, шу акаларини уйқусида топиб қор қилмагунча иш юришмайди. Ҳалиги ушланган кишига улар: «Сен шаҳарнинг ичига кириб тоза паст-баландини билиб кел» дедилар. «Агар шу ишларни бажариб келсанг, шу шаҳарни қўлга киргизсак, сени мақсадингга етकिрамиз. Ҳозир сен бориб, шу шаҳарга кириб, аввал ўша икки биродар билан танишиб, аста-секин уларнинг уйларига бориб танишгин. Уша ерда менинг ҳам бир синглим бор. Шу синглимга мени маълум қилгин. Мени шулар билса, бир хат ёзиб берсин. Гап шу», деб ўйлашдилар. У киши ҳам:— Мен бир овчи кишиман. Куним сайёдлик қиламан. Ишым барор олмайди. Агар сизлар менга ҳамроҳлик қилиб юрсангизлар шу яқин бир жойда бир мурғзор бор: хуш ҳаво, яхши сувлар оққан, ҳар хил қушлар, кийиклар кўп. Лекин ваҳший ҳайвонлар ҳам бор. Мен қўрққанымдан шу мурғзордан ов қилолмайман,— дегач, булар ҳам бирга бориб, шу мурғзорда ов қилдилар. Ниҳоят бу учаласи баъзи қушлардан, оҳулардан уриб бердилар. Ҳалиги одам уларни отига ортиб, шаҳар дарвозасига яқинлашди. Бир қанча дарвоза посбонлари талаб оламиз деб хаёл қилдилар. Бу киши уларга қараб:

— Мен бу икки биродаримнинг овчиси бўламан, олсангизлар олаверинглар,— дегач, посбонлар индамади. У овчи аста-секин икки биродарининг манзилини сўраб топиб олди. Икки биродар овчининг олиб борган кийик, каклик ва кабутарларини олишиб, қовуришиб ейишиб, шаробхўрлик қилиб, айш-фароғатга машғул бўлдилар. Овчи ҳам улар билан у ёқ-бу ёқдан сўрашиб, бир-бировларни билан танишиб чиқиб кетди. Орадан бир неча кун ўтгач, яна ҳалиги мурғзорга бориб, уларга бўлган воқеаларни айтиб, бир қанча овларни ортиб, яна шаҳардаги Жўрахоннинг икки биродарига келди. Охири овчи Жўрахоннинг синглисини топиб, Жўрахон берган шу хатни унга топширди. Жўрахоннинг синглиси ўзини йўқотиб, сирни ошкора қилишга сал қолди. Ҳалиги овчи насиҳат қилиб.

— Эй синглим, қандай бўлмасин бардош қилиб, ўзининг қаттиқ сақлагин, сирингин фош қилмагин. Агар улар билиб қолсалар, мени ҳам ўлдирадилар, сен ҳам оғангин кўрмассан,— дегач, қиз ўзини юз машаққатлар билан тўхтатиб, хагини ўқиб тушундики, хатни ҳақиқатан ҳам Жўраҳон акаси ёзган экан. Бу ҳам ўз аҳволидан ёзиб акаларининг келганини, Жўраҳоннинг, хотинининг уларга бўйғи бермасдан зиндонда ётганлиги, оти, акаларини яқин йўламаганлиги учун таблага тортиб қўйилганлигини, отасига «Жўраҳон ўлиб кетган» — деб тушунтирганликларини, отаси Жўраҳоннинг ғам-ғуссасида кўр бўлиб афтода бўлиб қолганлигини, шаҳар халқи қийналиб, акаларидан безор бўлганлигини бирин-сирин ёзиб берди. Овчи ҳам номани қўйнига солиб чиқиб кетди. Номани келтириб Жўраҳонга берди. Жўраҳон номани ўқиб билдики, ҳақиқатан ҳам хатини вафодор экан. Шундан сўнг унинг кўнгли тивиб, ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келди. Ўша акаларимни бу тартибда бориб, шаҳарда қўлга тушириб бўлмайди. Агар уларни бу томонларга бошлаб келса, бу жойларни томоша қилиб юришганда, бир жойни тузаб қўйиш лозим. Улар шу жойда ўтириб, маишат қилаётган вақтда пойлаб туриб, беҳосдан икки қўлнинг ушлаб, ишини тамомлаш керак деб, бир қанча овларни қилиб бериб, овчинини шаҳарга жўнатди. Сайёд совғаларни олиб борди. Улар бу оқшом ҳамсуҳбат бўлиб ётдилар. Эртаси кун уларнинг шавқи келиб:

— Эй овчи ошна, бунча кийнгу, каптару какликларни қаердан олиб келасиз? Бунинг кони борми?— деб сўради.

Шу вақт овчи ўзининг ов қиладиган жойларини таъриф-таъсиф қилиб:— Мен буларнинг конини биламан,— деб чуқон таърифу таъсиф қилдики, у икковининг шавқи ўша жойга сайилга боришга мойил бўлиб, бизларни ҳам ўша жойга олиб борсанг, деб илтимос қилди. Сайёд ҳам майли деб, уларни эргаштириб, ўша мурғзорга борди. Мурғзорга бораверган сари салқин шамол келиб, яхши гулларнинг ҳиди димоқларига уриб, икки биродарининг шавқи зиёда бўлди. Бораверган сари какликлар учиб, кабутарлар айланишиб, баъзи жойлардан кийиклар қочиб, охири бир жойга етдиларки, бу жой жуда озода қилиб безатилган экан. Улар ана шу ерга тушамиз, шу ерни кўшк қилиб, ҳар томонларни сайр қилиб, уйқумиз келса ухлаб, ов қилиб келсак, шу ерда пишириб, яна қайтиб кетамиз деб, шу ерга тушдилар. Шу ерда тушиб, ҳаммалари ҳар томонга ёйилишиб, камонларини қўлларига олиб, ов қи-

лишга машғул бўлдилар. Жўрахон эса ҳалиги акасини пойлаб туриб, бирданига олдин чиқиб қолиб:— Ассалому алайкум, эй ака,— деди. Акаси донг қотиб қолди ва тезда ўзини қўлга олиб, кўкрагига қўл узатиб, ҳалиги қутини қисишни ўйлади. Жўрахон бир сакраб акасининг ҳалқумидан бўғиб, ҳалиги қутини олиб, ўзининг қўйнига солиб, акасининг қўлларини бойлаб, овоз қилди:

— Ҳаммаларинг йиғилинглар, шаҳар ичига қайтамиз,— деб овдагиларнинг барчасини бир жойга йиғиб, ҳалигиларга ўзини танитиб:— Бу киши менинг акам бўлади,— деб танитди. Ўзини билдириб, шаҳарга қараб йўл олдилар. Булар шаҳарга дарвозалардан кириб бордилар. Шаҳар халқи бу ишни кўриб, бу қандай воқеа бўлди, ким бу икки биродарнинг қўлларини бойлади деб ҳайрон бўлдилар. Ғалағул, тўполон бўлди. Охири Жўрахон шаҳарга жарчи қўйиб, жар чақиртирди:

— Шаҳар халқи, хавотир бўлмангизлар, ҳеч ҳодиса рўй берган эмас,— деб халойиққа таскин берди-да, отасининг олдига бориб кўришиб, подшоҳни банддан халос қилдириб, унга:— Ўз қондангизча иш олиб бораверинг. Қимки сизнинг ишингизга қаршилиқ қилса, менга айтинг, мен сизга ёрдам қиламан. Шаҳарингизни обод қилинг, халқингизга адолатли бўлинг,— деб тайинлади.

Подшо ўзининг ақибчилари билан қамоқдан чиқиб, тахти бахтиларига эгаллик қилиб, шаҳарларини обод қила бошлади.

Жўрахон отаси кўр бўлганлиги учун кўп ғамгин эди. Бир куни Жўрахон хотинига маслаҳат қилди:

— Отамнинг кўзлари нима қилса очилади,— дегач, хотини:

— Кўҳи Қоф тоғида бир дарахт бор. Шу дарахт сутидан кўзга суртилса, кўз очилади. Девларга буюрсангиз, ўша дарахт сутидан келтиришсалар, очилса ажаб эмас,— деб маслаҳат берди.

Жўрахон ҳалиги қутини қисиб, девларни ҳозир қилиб, шу дарахт сутидан топиб келтиришни сўради. Девлар ҳам ўша замони ғойиб бўлиб, бир қанча фурсат ўтгач, дарахт сутини ҳозир қилдилар. Жўрахон отасининг кўзига икки томчи дарахт сутидан томизиб эдики, отасининг кўзи ўз аслига келди. Отаси ўрнидан туриб, Жўрахонни дуоғига олиб, бағрига босиб, ўпиб, қайтадан кўришиб, қай-аҳвол сўрашдилар. Жўрахон бўлган воқеаларни бема-бир отасига баён қилди. Отаси бу воқеаларни эшитиб, акаларини ўлдирингга буюрди. Жўрахон отасига:— Эм, отажон, булар ўлса, ўлиб кетади-да, энди буларнинг гунаҳаридан

ҳар қанча бўлса ҳам, мен ўтдим. Сиз ҳам ўтинг,— деб ўлимдан қолдириб, ҳалиги иккита синглисини Аҳлул, Баҳлулларга никоҳлаб бериб, қанча тўй-томошалар қилди. Аҳлул ва Баҳлулни отасига куёв қилди. Бир куни Жўраҳон отини табладан чиқариб кўрсаки, баданларига кишанларнинг заҳми, занжирларнинг ўрни ўтиб кетибди. Жўраҳон отни қирқ кечаю-қирқ кундуз тарбия қилиб, аввалги аслига келтирди. Шундай қилиб Жўраҳон ота-онаси, оиласи билан неча йиллар тинч умр кечириб, мурод-мақсадларига етибди. Сизлар ҳам етинглар муродга, ўқиб ўшитганлар ҳам етсин муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

КУЛСА — ГУЛ, ИИҒЛАСА — ДУР

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, бурун замонларда бир мамлакатда бир подшо бор экан. Бу подшонинг бор бисотида уч қизи бор экан. Ойдан ой ўтиб, йилдан йил ўтиб, бу қизлар балоғатга етиб қолибди. Подшо қизларидан сўрабди:— Сен нима ейсан? Бири дебди:— Серсут, серёғ, ширин ширбиринч ейман.

Иккинчиси айтди:— Мен мурчу зарчавалик, хели долчинлик палов ейман.

Кенжаси:— Менга қандай овқат бўлса еявераман, менга бари-бир,— дебди.

Подшо катта қизига:— Сен бир подшога лозим экансан!— дебди.

Ўртанчасига қараб:— Сен бир вазирга лозим экансан!— дебди.

Кенжасига эса:— Сен бир гадойга лозим экансан!— деб қўйибди.

Қунлардан бир куни бир томондан совчи келиб, катта қизи бир подшога тушиб кетибди, ўртанчаси бир вазирга тушибди, кенжаси эса тураверибди. Бир қанча вақт ўтгач, бир гадой келиб, дарвозада «Шайдулло!» деб турибди.

Булар бир қанча танга чиқариб берибди, гадой олмай қайтарибди:

— Отангизга айтингки, менга ўзлари ваъда қилган бир нарсалари бор. Ўшани бермасалар, кетмайман,— дебди.

Хизматкорлар подшога: «Эшикдан бир гадой келди. Бизлар хайр қилсак, хайрни олмайди. У подшога бориб айтинг, ўзлари ваъда қилган, менга берадиган бир нарсалари бор. То ўшани чиқариб бермагунча, бўлмайди. Берсалар, олиб кетаман, бермасалар, ўз майлларига» деб сўзини тамом қилди,— дебди.

Подшо ўйланиб, ҳалиги ваъда қилган гаплари эсига тушиб кетиб, қизини қўлидан ушлаб чиқариб, гадойнинг қўлига топширди. Гадой қизнинг қўлидан ушлаб, ўз манзилига қараб олиб кетди. Бир қанча йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, кечаси билан манзилига етиб қолди. Қарасаки, бир мурғзор, ариқлар ҳар томонга оққан. Сув себарганинг устида ғалт уради, себарга сувнинг устида ғалт уради. Олмалар нишган, тагига тушган, булбуллар сайраган. Бу жойларнинг бир томонида бир ғор бор эди, шу ғорда икковлари яшаб юравердилар. Бир неча кунлар яшагач, қиз ҳомиладор бўлиб қолди. Ойдан ой ўтиб, кундан кун ўтиб, фарзанд вужудга келди. Бу бола шундай эди, қачон йиғласа, кўзининг ёши дуру жавоҳир бўлиб ерга тушар эди. Бу ҳолни қиз кўриб: бу ажойиб иш бўлди-ку, бундай дуру жавоҳирлар мамлакат подшоларида жуда кам бўлади. Бу ерда кўпайиб кетди. Энди сиз шу дуру жавоҳирлардан бир нарсага солиб, шаҳарга олиб бориб, пулга алмашиб келсангиз. Яна ўша шаҳардаги камбағал кишилардан ҳам тўрт-бештасини эргаштириб келинг. Шу ғорнинг гирдини ўраб оламиз. Мабодо бу ишни бошқа кишилар сезиб қолиб, боламизни ўғирлаб кетмасин,— деб эрига йўл-йўриғини тушунтирди. Гадой эса бир қанча дуру жавоҳирларни бир халтачага солиб, халтачани кўлбарига солиб, кўлбарини ўзига дарбар қилиб, шаҳар томонга қараб йўл олди. Бир қанча йўл юриб, ахири эртаси кунини шаҳар ичига кириб, раста-бозорларни айланиб, бир саройга борди. Сарой эшигига қарасаки, бир савдогар ўтирибди. Савдогар бу гадойни кўриб, саломлашиб, кўришиб, ҳар томонлардан гаплашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб:— Қани, сиз бир нима оладиган, сотадиган касбингиз борми?— деб унинг нима учун бу ерга келиб ўтирганлигини сўради.

Гадой ҳам бўлган воқеани айтиб:— Бир чекка жой бўлса, кўрсатаман,— деди.

Савдогар ҳам ўзи ижара олган ҳужрасига бошлаб бориб:— Қани энди кўрсатинг-чи, нима экан?— деди.

Гадой кўлбаридан халтачасини чиқариб, ҳалиги жаваҳирларни кўрсатди. Савдогар кўрдик, бунда жаваҳиротлар, қимматбаҳо дуру тошлар кўп. Кўнглида «меннинг бу ердаги базозликка олиб келган молу матоларим, шойишолпарларим бу гадойнинг тўрвасидан чиққан нарсанинг ўндан бирига баробар келмайди. Қандай қилсам, гадойдан шу дуру жаваҳирларни олиб, шаҳаримга борсам, дунёни мол босиб кетар эди. Гадойга нима десам экан» деб, бирпас ўйланиб туриб:

— Эй, биродар, шу жаваҳиротларни менга берсангиз.

Мен ўзим латтафуруш савдогарман. Лекин бу сандиқларнинг ичида атласу кимхоблар ва бошқа буюмлар жуда кўп. Агар хоҳласангиз, шу ҳужранинг ичидаги қирқ сандиқни ихтиёрингизга бераман,— деди.

Гадоё бирпас ўйланиб кетиб, «Бу савдогар менга бундай дейди-я, мени ҳажв қилар эканми ёки тўғри айтар эканми» деб кўнглидан ўтказди. Бирпас ўйланиб, айтдики:

— Эй биродар, мени ҳужрангизга олиб келиб, ҳажв қиласизми? Ҳажвнинг вақти эмас-ку,— дегач, савдогар:

— Эй биродар, сизни ҳажв қилмасман. Бозордан бир нарса олсангиз ҳам, талашиб-тортишиб оласиз-да. Майли, қирқ туяни ҳам ўзингизга бераман. Шунинг энди раста-бозорга олиб чиқиб, бегона кишиларга кўрсатиб қўйсангиз, улар сизни ташвишга солиб қўядилар,— деди.

Гадоё ўзинча ўйланиб, ажаб гапиради-ку, бу тошлар балки қимматбаҳо бўлса керак. Хотиним, ўзингизга ҳушёр бўлинг, деб насиҳат қилиб эди. Қани яна бир гапириб кўрай-чи— деб ҳалиги савдогарга қараб:

— Эй биродар, мени гадоё кўриб, назарингиз илмай-дими, мен ҳам унча-мунча тушунаман-ку. Инсоф қилиб ихтиёрини сизга ташладим. Сизнинг ўзингиз инсоф қилиб бир нима беринг — деди. Мени бунча ҳажв қилиб, тергаб юрманг, бир нима берадиган бўлсангиз, хоҳлаганингизни бермасангиз, мен ҳам чаппа қараб ўз йўлимга кетадиган одамман-ку!— деди.

Ҳалиги баззоз савдогар бу гапдан хурсанд бўлиб, саройбошининг бир зиёфат қиладиган уйчасига бориб, зиёфат асбобларини тайёрлаб, гадоёнинг қўлидан ушлаб:

— Эй биродар, гапнинг ҳалол опасини гапирдингиз: Мен сизга бир нимани хоҳлаганингизча олдингизга ўнгариб бериб юбораман. Сиз ҳам шу сўзингизда туринг. Менинг фикрим шуки, ҳозирча берадиганимни бераману, лекин шунда ҳам сизнинг ҳаққингиз менга кетади. Келгуси ҳафта шу жойга келсангиз, биз каму кўстини сизга бериб, кўнглингиздан чиқарамиз. Сиз бу ерда ўтиринг,— деб ўтиргизиб, зиёфат қилиб, бош-оёқ сарпо бериб, бир отга миндириб, қирқ туя молни юклаб, бир қанча ғуломбаччаларни ҳам «ана шулар ҳам сизнинг ихтиёрингизда» деб, саройдан чиқариб юборди.

Гадоё бу ишга ҳайратда қолиб: «Мени бу ҳажв қилган эканми ёки тўғри қилган эканми», деб ўйлаб қирқ туя мол, ҳалиги хизматкорлари билан шаҳардан чиқиб кетди. Мабодо кетимдан келиб, бу мол-пуллари бундан олиб кетмасин деб ўйлар эди. Шундай қилиб, ҳалиги савдогар ҳам «Ишини қулай бўлди» деб, ўз шаҳрига қараб йўл олди. Булар ҳам

йўл юра-юра гадойнинг ғорига яқинлашиб, бир жойга молларни тушириб, туяларини боғлаб, хотинининг олдига келиб, бўлган воқеаларни бирин-кетин такрор қилди. Хотини:

— Ҳали ҳам сиз бўшлик қилибсиз, у дуру жавоҳирстларнинг бир муштига бундай туялардан, бундай моллардан бир қанча сурув келарди. Ҳай, нима бўлса бўлибди, энди кейинчароқ тушунасиз,— деб қўйди.

Булар шунда яшайвердилар. Бир қанча вақтлар ўтиб, ҳалиги ғуломбаччаларни қўлликдан озод қилиб юборди. Буларнинг ҳар бири савдогар бўлиб, ҳовли-ҳарам қилиб, рўзғордор бўлиб, жой тузаб кетдилар. Булар ҳар шаҳарларга борганларида ўзларига ўхшаган кишиларни эргаштириб, олиб келар эдилар. Бора-бора булар кўпайиб, бир шаҳар бўлиб қолди. Ҳалиги гадойнинг боласи ҳам юрадиган бўлиб қолди. У ажойиб бола бўлиб, йиғласа, дуру жавоҳиротлар кўзидан оқиб тушар, кулса, гуллар сочилар эди. Агар юраверса, ҳар қадам босганида, бир ғишт-бир ғишт тиллолар қўпорилиб тушар эди. Бу тиллоларни гадой йиға бошлади. Беҳисоб тилло бўлди. Бу гадойнинг ёнида бир қанча ақлли кишилар пайдо бўлиб эди. Улар гадойга йўл-йўриқ ўргатиб:— Эй биродар, сизнинг шундоқ ўғлингиз бўлса, дуру жавоҳирлар беҳисоб бўлса, ғишт тиллолар, хизматкорлар кўп бўлса, бизлар ҳам бир мамлакатнинг эгаси бўлсак. Бизларга шу лозимки, ҳамма атрофлардан устамаи деганларни йиғиб келиб, тиллодан бир қалъа қилсакки, олам халқи бизларга офаринбод қилса,— деб ҳамма мамлакатлардан яхши усталарни жам қилиб, шаҳарни атрофидан айлантириб, ғишт тиллолардан териб, лойнинг ўрнига дуру жавоҳирлардан қўйиб, кунгираларига зумрадлардан нақш ўрнатиб, қўрғон қила бошладилар. Шаҳар ичида эса баланд-баланд миноралар, масжиду хонақолар, мадрасалар, тилло ҳовузлар, раста-бозорлар, ҳар кўча-кўчага чорбоғи олийлар, тилло шамчиروғлар қўйдириб, таърифга рост келмайдиган бир шаҳар тартиб бердилар. Бу шаҳар бир неча йилда тайёр бўлди. Агар бир киши ичига кирса, кўчаларига ҳайрон бўлиб: «Тамомни умримни шу кўчаларда айланиб, ўтказсам», деб айтар эди. Гўёки бу шаҳарнинг кўчаларидан оқадиган сувлари, ариқлари оппоқ нуқрадан, йўллари санги мраммрдан. Бир кун юрса ҳам, одамнинг бошига тангадек офтоб тегмас эди. Кўчанинг икки томонида алвон-алвон мевали дарахтлар экилиб, гуллар очилиб, булбуллар сайраб турар эди. Ҳар жойларда чойхоналар, саройлар бунёд қилинган эди. Ҳар томонлардан меҳмонлар келса, ҳар қайсисини мақомларин-

га қараб меҳмон қилар эдилар. Шундай қилиб бу шаҳарнинг шухрати ҳамма оламга тарқалди. Ҳалиги қизнинг отаси ҳам «ўша шаҳарни бир кўрсам» деган иштиёқда эди.

Бир кун подшо акобирлари маслаҳатлашиб: «Шикор қилиб келайлик», деб чиқдилар. Ов қила-қила оқшом билан йўл юриб, отлари чарчаб, овлари барор олиб, кун кеч бўлиб адашиб, узоқда яраклаган бир қўрғонни кўрдилар. Бу ажойиб жой экан деб, эртасига шу қўрғон ичига кирдилар. Отларини бир саройга боғлашиб, ўзлари шаҳарни айланиб, томоша қилиш иштиёқига тушдилар. Булар айланиб-айланиб бир жойга бориб кўрдилар. Бу жой ҳамма кўрган жойларидан кўра шаъну шавкатлироқ, ақл олмайдиган, иборати олийлар барпо қилинган. Оғизлари анграйиб, шу шаъну шавкатли иморатларнинг у томон-бу томонларига қараб юриб эдиларки, кўшкнинг ичидан подшо қизининг кўзи буларга тушди. Хўп таниб билдики, этасининг акобирларидан. Дарров гадойга:

— Сиз қаранг-чи, ташқаридаги анграйиб турган кишилар менинг отамнинг навкарлари эмасми? Уларни олиб кириб, шундай бир зиёфат қилингки, улар офариқбод қилиб кетсинлар. Ажабмаски булар бориб, отамга бу шаҳарни таърифу тавсиф қилсалар, отам келиб, бизлар билан топшиша,— деди.

Гадой ҳам тез чиқиб хизматкорларига:— Ташқаридаги кишиларни фалон жойга олиб бориб, зиёфат қилинглар. Мен ҳам бораман,— деди.

Ҳалиги хизматкорлар бу меҳмонларни ўша тайин этилган жойга олиб бориб, бир уйга олиб кирдилар, турли таомлардан ҳозир қилдилар. Гадой ҳам бориб улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, буларга бош-оёқ сарпо кийгизиб, ҳар қайсиларининг олдиларига лойиғича жавоҳиротлардан тортиб, иззат-эъзоз қилиб, булар билан хайрлашиб жўнатди. Акобирлар бир-бирларига қарашиб, бу ишга таажжубда қолдилар. Саройга келиб, отларига миниб, ўз шаҳарларига қараб кетдилар. Ўз шаҳарларига киришиб, эртаси кун подшоликка чиқиб, кўрган-кечирганларини таърифу тавсиф қила бошладилар. Подшо бу гапларни эшитиб, гоҳро ғазабга энар эди:— Мендек катта подшо дунёда иккита бўлса, биттаси мен бўлсам, хазиналарини тиллодан тўла, қўрғонни у ёқда турсин, уйдаги деворларини ҳам тилло қиндолмайди. Бундай аҳмоқона сўзларининг нима ҳожати бор. Қўйинглар шу гапни,— деди.

Булар яна таърифу тавсиф қила бошласалар, рашик келиб, ичи гимирлаб жаҳли чиқиб, «Қўйинглар шу гап-

ларни!» деб уришар эди-ю, лекин кўнгли ўша шаҳарни бир кўриш иштиёқида эди.

Кунлардан бир кун подшо бир қанча донишмандларини йиғиб, саёҳатга чиқди. Кўнглида: «Саёҳатга чиқсаму, бир сабаб билан мен ҳам шу шаҳарни тамоша қилсам», дер эди. Лекин бу сирни бошқа кишиларга айтмас эди. Шундай қилиб булар овга чиқиб, у ерга тушамиз, бу ерга тушамиз билан узоқ жойга тушиб, ов қила бошладилар. Кун кеч бўлиб қолди. Бу кеча шу ерга қўндилар. Кечаси бўлгач, булар қарасаларки, ой қоронғи, бир томондан нур кўриниб турибди. Подшо у ёқ-бу ёққа қараб тоза билдики, бу ой ҳам эмас, кун ҳам эмас. Чодир ичига кириб, ҳукамолари билан маслаҳат қилди:

— Мен узоқ томонда бир нарсани кўрдим, ажаб нарса экан, таажжубга қолдим, сизлар ҳам қаранглар-чи!— деди.

Подшо ҳукамолари чиқиб қарасаларки, ҳақиқатан ҳам, ҳайрон қоларлик бир нарсага ўхшайди. Барчаси бир-бирларига қарашиб, таажжубланиб туриб эдиларки, аввалги шикорга бориб, кўрган кишиларидан бири ўрнидан туриб:

— Э биродарлар, бунга қараб ўтирманглар, бу нарсани мен пухта биламан, сизларга ҳикоя қиламан,— деди.

Чодир ичига кирдилар, ҳалиги кўрган-кечирганларини, аввал шикорга чиқиб, кечаси қолиб кетиб, шу шуълани кўриб, излаб-излаб бориб топиб, шу кўрган ичига кириб, зиёфат-зарофатларни еб, лутфу марҳаматларни кўриб, бир қанча мукофотларни олиб, баҳраманд бўлиб қайтиб келиб, жаноби подшоҳимизга бир-бир ҳикоя қилиб берган эдим, ишонмаган эдилар. Ҳукамолар кўзларинг билан кўринглар-чи, шу кўрган шуъла ўша тилло кўрғоннинг нурими? Агар раъйлари бўлса, шу оқшом салқинда йўл олсак, эрта билан кун чиққанда ўша кўрғон ичига бориб кирсак, у кўрғоннинг ичидаги ажойиб-ғаройибларни тамоша қилиб, сизлар ҳам ўз кўзларинг билан кўриб, билар эдинглар,— деб шундай таърифу тавсиф қилдики, аввалги қилган таърифлари ҳам у ёқда қолиб кетди. Подшо ҳукамоларининг завқу шавқи келиб, ўтирай десалар, ўринлари куйиб, юрай деса, йўллари куйиб, уйқуларни келмай подшога:

— Эй тақсир подшоҳим, қарам қилиб рағбати олийлари шу томонга мойил бўлса-ю, бизлар ҳам шу даргоҳга бориб, шу жойларни кўриб қайтсак,— дедилар.

Подшо:— Э биродарлар, бизлар шикорга чиққанмиз. Бизлар подшо, вазиру вузаро, ҳукамо, донишманд бўлсак, бир жойга чақирмаса, бориш ҳўб бўлмайди. Бу гапларини бўлмағур гап,— деди. Бироқ подшоҳининг ҳам кўнглида шавқу завқи улардан минг қарра зиёда эди. Улар шу ҳаёл

билан тураверсин, вазири доноси бир қанча фурсатда : кейин бошини кўтариб:

— Э тақсир подшоҳим, менинг фикримда бир хаёл бор. Агар рағбати олийлари менинг гапимга бўлса, айтаман. Менинг гапимни ҳеч синдирганлари йўқ эди. Бу марта ҳам гапимни синдирмасалару, рағбат қилиб, мен айтган гапга кирсалар,— дегач, подшо «хўп» деди. Вазир:

— Э подшоҳим, «бизлар шундай олий мартабали кишилару, бизларни чақирмасдан боришимиз нотўғри» деб сиз ор-номус қиласиз. Биз ов яроғларимизни олиб, сайд қилган жондорларимизни ёнимизга осиб, сайёдликка чиққан киши бўлиб, шу кўриган қўрғоннинг у томонига ўтиб кетиб, қайтишимизда қўрғон тагидан келадиган киши бўлиб келаверамиз. Агар шу қўрғон эгалари оқил ва донолардан бўлса, бизларни тушириб олиб, зиёфат қилиб, томоша қилдириб жўнатади. Бўлмаса, ўзимиз шикорга чиқиб эдик, шикор қила-қила кўп йироқларга ўтиб кетибмиз, энди чарчаб-ҳориб, шу қўрғонни кўрдик. Шу қўрғонга борсак, бирпас салқинлаб ором олиб кетсак, дермиз деб, шу қўрғонга тушамиз,— дегач, подшога маъқул бўлди. Ҳаммаари отланиб, хизматкорлар чодир-чимматларини бузиб, отларига ортиб-тортиб йўл тортдилар. Бу кеча биёбонда юрганларича юриб, ахири қўрғонга етиб келишганда топг отди. Қўрғоннинг нариги томонига ўтиб, бир манзилга тушиб, бир мурғзорга боришди. Сайёдлар бир қанча ов қилиб, ахири шу ердан отланиб, овдан қайтган киши бўлиб, қўрғон тагидан ўтавердилар.

Гадоӣ ҳам бир қанча кишиларни пойлоқчи қилиб қўйган эди. Уларга: «Ёмон ниятли кишилар қўлларингга тушса, уларнинг қўлларини боғлаб, шаҳарга зиндонга солинглар. Яхши ниятли кишилар тушса шаҳарга олиб кириб, зиёфатлар қилиб, томоша қилдириб, инъому эҳсон бериб, хушу хурсандлик билан жўнатинглар», деб айтган эди, қанча кишиларни ҳар томонга қўйиб чиққан эди. Бу кишилар бу подшонинг асъаса-ю дабдабасини кўриб, тезлик билан гадоӣга бориб:— Биёбондан бир қанча отлиқ улур кишилар келадик, қандай бўлса подшозодаларга ўхшайди, балки подшонинг ўзига ўхшайди. Саёҳатга чиққан экан, лекин саёҳатдан қайтаяпти. Кўп чарчаганга ўхшайди. Уларнинг олдини тўсиб, сўраб гаплашиб ўтиришни ўзимга эи билмадик. Чопганимча шу ерга келдик,— дедилар.

Гадоӣ ҳам ўзининг оқил кишиларини олиб, аркнинг дарвозасидан чиқиб, подшонинг йўлини тўсиб, салому таъзимни бажо келтириб:

— Эй тақсир подшоҳим, бизнинг ҳам манзилларимизга

тушиб, андак роҳатланиб, томоша қилсалар, ихтиёри олий-лари қандай бўлади,— деб ҳамма кишилари билан қўл қовуштириб йўлни тўсиб турдилар. Подшо ҳам, кўп яхши бўлар эрди-ю, лекин бизлар шикорга чиқиб, шу бугун келамиз, кечаси билан адашиб, кўп йироқ кетиб қолибмиз. Энди тезлик билан шаҳарга кирсак, шаҳар аҳолиси бизларни тафтиш қилиб ахтариб юрмасинлар,— деди.

Вазири доноси туриб:

— Эй тақсир подшоҳим, бир карамн марҳамат қилиб, шу ерга тушсак. Бир кишининг сўзи сингунча, шайгонининг бўйини синсин. Бу кишининг ҳам сўзлари ерда қолмасин,— деб илтимос қилди. Подшо ҳам қабул қилиб, шаҳарни томоша қилишга тушдилар. Кечгача юриб, шаҳарнинг бир томонига чиқдилар. Қарадиларки, кеч бўлиб қолибди. Шу зайлда бир кун ўтганини ҳам билмай қолдилар. Уша кеча ўша ерда зиёфат беришди. Гадоё:— Шаҳаримизнинг бу томонида ажойиб-ғаройиблар аввалгидан ҳам қизиқроқ, бу томонни ҳам кўриб кетсинлар,— деди.

Бугун ҳам бу томонини томоша қилиб, у ерга қараб, бу ерга қараб, баланд-баланд минораларни, дарёлардаги кўприкларни кўриб, гирди тилло ариқларни, нуқра ичидаги балиқлик чашмаларни томоша қилиб юравериб қарасаларки, бугун ҳам ўтиб кетибди. Бугун ҳам иккинчи тарк¹нинг бир жойига бориб, у ерда ҳам зиёфатлар қилиб, зиёфат ҳаддига етди. Гадоё ўрнидан туриб, шаҳримизнинг бу томонидаги ажойиб боғ-роғлар дунёда йўқ. У ерларда гуллар, хуш овоз булбулу саъва, қумри-ю тўти, майна-ю говуслар; ажойиб мевалар жуда ҳам кўп. Шу шаҳарга кириб, шуни кўрмасдан кета оласизми?— дегач, подшонинг кўнгли мойил бўлди. Бугун ҳам бу томонга айланиб, томоша қила-қила, оғизлари очилиб, қарасаларки, кун кеч бўлиб қолибди. Бугун ҳам учинчи таркда зиёфат ҳаддига етиб, гадоё тўртинчи таркнинг таърифу тавсифини қила бошлади. Бу томонларда тоғлик, тангаллик жойларимиз бор. Бу томонларда шеру йўлбарс, айиқ, аждаб, бўри, тўнғиз каби ваҳший ҳайвонлар кўп. Улар билан бизларнинг ўртамизда пўлат сихлардан бўлган тўсиқлар бор, улар ҳарба қилган билан бизларга хавф-хатарсиздир,— деб кўп таъриф-тавсиф қилди.

Подшонинг иштиёқи мойил бўлиб, бу ҳайвонларни томошо қилиб, бугун ҳам кеч бўлди. Бугун ҳам бир жойда зиёфат қилди. Гадоё ўрнидан туриб:

— Энди шунча жойни кўрдиларингу, бугун шаҳар

¹ Т а р к — бурч, шаҳарнинг тўрт бурчи.

ичларини кўрсангиз, кўп яхши бўлар эди. Ун кун юрсангизлар ҳам, бошларингга тангадек офтоб тушмайди. Юрсаларинг йўллари санги мармардан фарш қилинган. Йўлнинг икки чеккасида ҳар хил мевали дарахтлар, ариқларда сув шилдираб оқиб турибди, ҳар хил гуллар очилиб, уларнинг ҳидлари димоғларингизга урилади,— деди. Подшонинг кўнгли бугун ҳам томошага мойил бўлиб: «Подшоликни тарк қилиб, умримни шу ерларда гадоилик қилиб ўтқарсам, нур устига аъло нур бўлар эди-да» деб кўнглидан ўтқарар эди. Хайр энди қисса кутуҳ, бугун ҳам бу ерларни томоша қила-қила бир жойга бориб қолдилар. Қарасаларки, кун кеч бўлиб қолибди. Гадои:

— Эй подшоҳим, энди бу кеча бизнинг уйимизни бир бориб кўриб, бир кеча ётсалар, дегаҳ, подшо ҳам бирга-бирга гадоиликка борди.

Бу борган кишиларнинг кўпларини подшонинг қизи бир чеккадан кўриб турган эди. Кўриб билдики, уларнинг барчаси таниш, подшо эса ўзининг отаси экан. Бу ишга таажжубланиб, отасини таниб, хаёл қилдики, қичқириб юборса, бироқ юз машаққатлар билан ўзини тўхтатиб қолди. Гадои уйига кириб қарасаки, хотини ўзини йўқотиб қўйибди. Хотинининг қўлтиғидан кўтариб бирпас турди, у ҳушига келгач сўради:

— Нима учун бундай бўлдинг, хотини?

Хотини:

— Ҳалиги келган киши менинг отам экан. Шу кишини кўриб, қичқириб юборгудай бўлиб, юз машаққат билан ўзимни тўхтатдим. Ахири юрагим беҳуд бўлиб қолибди,— деди.

Гадои:

— Эй ороми жоним, сиз ўзингиз шоҳлар авлодидан. Андак ишга ўзингизнинг сирингизни ошкор қилиб қўясизми? Ўзингизни қаттиқ туриб туринг. Ҳали подшони бу ерга таклиф қилиб, олиб кирамиз. Агар ўзи билса, билиб кўришиб, танишиб кетса яхши бўлади. Агар билолмай кетса, бизлар ўзимиз бориб, мен гадои эканлигимни, сенинг гадоига лозим эканлигингни бирма-бир ўзларига тушунтирамиз,— деди.

— Қиз ҳам бу ишга бардош бериб тураверди. Зиёфатлар ҳам мақомига етиб, дунёда бўлган ҳар хил таомлардан тортилиб, шароблардан ичиб, охири бирин-бирин подшонинг кишилари ухлай бошлади. Подшога май берган вақтда, ичига уйқусизлик дорисини қўшиб бериб эди; подшоҳ, гадоидан бошқа кишиларнинг ҳаммаси тарракдай қотиб ухлаб қолишди. Подшо билан гадои ҳар томонлардан маш-

маша қилиб, икковларининг муомалалари бир-бирига тўғри келиб, хулқу муҳаббатлари ҳам мос келиб, икковлари бир-бировларига шундоқ дўст бўлдиларки, шу беш кун ичида бирга туриб, бирга юрганлари беш юз йил юриб, қадрдон бўлган кишилардай бўлиб қолди. Гадай:

— Эй ота, энди мени сиз ўғилликка қабул қилинг,— дегач, подшо билан икковлари қучоқлашиб, сиқишиб, иккови ота-боламиз деб ваъдалашдилар. Сўнгра гадай подшонинг қўлидан ушлаб, «Бизнинг ҳарамимизга кириб, рўзгоримизни ҳам кўриб чиқинг» деб, ўз ҳарамига олиб борди.

Подшо кириб қарасаки, ажойиб-гаройиблар, каштан кунгиралар билан деворлар безатилганлиги ақлли шоштиради. Шу уй ичида бир паризод ўлтирибдики, олдида бир бешик, бешик ичида бир бола ётибди. Боланинг хуш суратлиги ҳам таърифга рост келмайди. Подшо киргани ҳамона ҳалиги қиз ўрнидан туриб, таъзим қилиб, салом бериб, уйнинг бир томонида қўл қовуштириб турди. Гадай ҳам подшога:

— Эй отажон, бу кишини ҳам фарзандликка қабул қилинг. Мана бу бешикдаги киши неварангиз бўлсин,— деб ҳол-аҳвол сўрашди. Лекин подшо бу аёлнинг ўз қизи эканлигини билолмади. Подшо:

— Эй ўғлим, бу боланинг номи нимадир?— дегач, гадай:

— Бу боланинг номи: «Кулса — гул, йиғласа дур» — дегач, подшо бу ҳолга қизиқиб қолди.

— Бу қандай ажойиб от экан. Бу болага яхши отлардан қўймай, шунини қўйдингизми?— деди у.

Гадай:

— Эй отахон, бу боланинг оти ўзи билан биргадир. Агар йиғласа, дур-жавоҳиротлар, лаъли зумрадлар оқиб кетаверади. Агар шодланиб кулса, гуллар очилиб, ҳар томонларни хушбўй ҳид босиб қолади. Агар юраверса оёғининг остидан бир гишт, бир гишт тиллолар қўпорилиб кетаверади,— деб ҳикоя қилди.

Подшо бу ишга таажжубланиб ҳайрон қолди. Шу болани уйғонган вақтида йиғлатиб, кулдириб, юргизиб кўрсам деган гап кўнглидан ўтгач, гадай билиб болани уйғотиб, қўлига олиб, шодлантириб эдики, ҳар томонларда гуллар очилиб, ҳидлари сочилди, бир жойини қисиб эдики, бола йиғлади. Кўзидан дур-гавҳар, лаъли зумрад, ёқут каби тошлар оқди, юргизиб эдики, оёғининг остидан бир гишт-бир гишт тиллолар қўпорилиб кетабошлади. Бу ишга подшо ҳайрон бўлиб, таҳсин-офарин қилиб, кўнглида: «Шу қиз

худди ўзимнинг қизимга ўхшар экан, сўрасаммикан, сўра-масаммикан? Сўрасам, уни бир гадоё олиб кетиб эди. Сўра-масам, бу йигит аркони давлат эгасига ўхшайди. Одам-одамга ўхшайди-да» деб, юраклари эзилиб, маъюсланиб, чиқиб кетди. Шу оқшом шу ерда меҳмон бўлиб, эрта билан зиёфатларни еб, зиёфат тамом бўлгач, подшо:

— Эй ўғлим, энди бугун бизларга рухсат берсангиз. Беш-олти кундан шу ёққа бизнинг шаҳаримизнинг кишилари: «Буларга нима бўлган экан», деб ахтаришиб юргандир. Бугун қайтамиз,— деди. Гадоё ҳам бироз тўхталиб, буларнинг ҳар қайсиларига мансабларига қараб бош-оёқ сарпо бериб, олдиларига дуру жавоҳиротлардан қўйиб, шаҳрдан чиқариб қўйди. Подшо бир неча қадам юриб, қайтиб жойига келиб, ёнидан бир қогоз чиқариб хат ёзди: «Эй ўғлим, мен шу ердан кетганимдан кейин ўн кун ўтгач, келсинлар, деб одам юбораман. Ўша вақтда, ўз уламоларингиз, фузалоларингиз билан, хотин-болаларингиз билан менинг ҳузуримга меҳмон бўлиб боришингизни сўрайман. Агар бормай қолсангиз бизларнинг ота-бола бўлганимиз бемаъни бўлиб чиқади» деб хатни ёзиб, буклаб гадоёнинг қўлига берди. Гадоё хатни қўлига олиб ўқиб, кўзига суртиб, таъзим қилиб: «Хуш кўрдик-хуш кўрдик», деб меҳмонларни жўнатиб қолаверди.

Подшо ҳамма ажойиб ва ғаройибларни кўрганидан ҳам, шу қизни кўриб таажжубга қолганлиги кўнглининг бир чеккасида кўндаланг бўлиб, ҳайрон қолиб йўлда келар эди. Буни кўрган ҳукамолари: «Бу подшомиз мен шунча аркони давлат эгаси бўлсам ҳам, ундай дунёлар менга йўқ деб, кўнглида рашк қилиб келаётгандир-да» деб ўйлашар эдилар. Эртаси ҳаммалари бир жойга жам бўлгач, подшо акобирларига:

— Эй дўстларим, бир туз еган жойингга қирқ кун салом деган. Бизлар ҳам ўшаларни чақириб зиёфат қилиб, шодлантирсак. Сен шаҳарнинг йўлига мутасадди бўлгин! Сен меҳмонхона, чорвоғу саройларга мутасадди бўлгин! Яна бирига:— Сен шаҳарнинг деворларига кашта тикиб, ҳар томонларида чодирлар бунёд қилиб, зебу зийнат бергин! Яна бирига:— Сен ҳамма шаҳарларга нома ёзиб улўғларни чақиргин,— деб буйруқ қилди. Қисса кутох, ҳаммани ҳамма жойга жавобгар қилиб, тайинлаб чиқди. Тўққиз кун бўлиб эдики, ҳамма қўйилган кишилари келиб, шаҳарга зебу зийнат бериб, тахт қилганликлари аниқ бўлди. Подшо тез юрадиган отлардан бирини эпчил бир кишига бериб:— Сен бориб, ўша ўғлимни айтиб келгин,— деб жўнатди.

У одам ҳам югурганича ўша кўрғонга бориб етиб, дарвозасидан кириб, дарвозабонлар билан учрашиб, хат олиб келганлигини аниқ қилди. Булар ҳам гадой подшога олиб чиқиб таништирдилар. Гадей хатни ўқиб, албатта, борма-сам, бўлмайд, деб бу хатчининг иззатини бажо келтириб жўнатди-да, бахмалдан бир чодир ясаб, чодирни арава-нинг устига тикиб, қўшинларини қуроллантириб, ўзига қарашли оқил кишиларини яхшилаб ясатиб, бир қанча туяларга зар-зевар, жавоҳирлардан юклаб, безатиб, тахт қилиб, хотин-болаларини кўшкка миндирди, шаҳарнинг ихтиёрини бир оқил кишига топшириб, лашкарларининг ҳаммасини йўлга саф қилиб, ярмини илгари жўнатиб, ярмини кейинидан юрдириб, ўзи ҳукамолар билан ўртада юриб келаверсин, эндиги гапни бу ёқдан сўранг.

Булар ҳам ҳамма ёқдан одам чақирди. Гадей подшо аскарлари билан, асъаса-ю дабдаба билан келиб тушди. Аскарларини аскархонага қўйди, подшо катта куёви, қизи, неваралари билан кўришиб туриб эдики, ёдига ҳалиги кичкина қизи тушиб, йиғлаб юборди. Подшонинг хотини:

— Эй хоним, нимага йиғлайсиз? Куёвингиз, қизу невараларимиз келганига хурсандлик у ёқда қолиб, хасталик қиласизми?— деб қўйди.

Подшо ҳам хотинининг гапига қарата:

— Э хотин, бир томони хурсандлик, бир томони ғамликдир. Хурсандлиги шуки, бу қизларимни кўриб қувондим; хафалигим шуки, ҳалиги гадойга бериб юборган қизим эсимга тушди. Унинг жойини билсам эдим, қандай бўлса ҳам уни олиб келган бўлар эдим. Афсуски, жойини аниқ билмайман,— деди. Шу гап устида ҳалиги гадей ўзининг яқин кишилари билан подшо ҳузурга келиб, «Энди бизнинг жойимиз қаерда?» деб сўради.

Подшо буларни ҳам уйга киргизиб, бир жойга жойлаштириб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ҳаммалари танишиб олганларидан кейин, гадойдан сўради:

— Эй ўғлим, сизга мастураларингизни ҳам олиб келинг, деб айтмабмидим? Нимага олиб келмадингиз?— дегач, гадей ўриндан туриб:

— Эй отажон, мастураларимиз бир неча канизлар билан қўшин ичида, чодирда турибди. Ижозати олийлари бўлса, олиб келсам,— деди.

Подшодан ижозат олиб қўшинига бориб, бахмал чодирини араваси билан етаклаб, подшо эшигига тўғрилади. Подшонинг хотинлари, ҳалиги қизлари — ҳаммалари йиғилиб, буларни кутиб олишиб, уйга олиб кирдилар. Ҳамма

лари кўришиб, ақлдан ташқари таажжубда қолдилар. Подшо ҳам дилида: «Худди ўша қизимга ўхшайди», дер эди. Аммо ботиниб сўролмас эди. Онаси ҳам шундай бўлиб, кўнглида ўйлаб, бир қадам нари-бери кетмасдан бетига тикилиб турар эдилар. Улар ҳам сўролмас эдилар. Қисса кутоҳ, зиёфат бошланиб, турли таомлардан еб, зиёфат ҳаддига етгач, гадоийнинг «Бу ерда — душманлар қўлида меннинг хотин-боламнинг аҳволи қандай бўлди экан?» деб кўнглидан ўтди. Подшойнинг ичкарисига томон юрди. Подшони топиб:

— Эй ота, мени бир жойга олиб боринг, қизингизни ҳам ўша ерга чақириб келинг, онамиз билан биз танишайлик,— деб бўлган воқеаларни айтди. Подшо буни бир уйга киргизиб, хотини билан қизини олиб келиб, бир жойда ўтирдилар. Подшо гадоий билан қўл ушлашиб, буларга ота-бола бўлганлигини билдирди. Қизи онасига: «Сиз бизларга она», деди. Подшо чидаб туролмасдан: «Шу хотинингиз, ўша қизимга ўхшайди»,— деди.

Подшонинг хотини ҳам йиғлаб юборди, ҳаттоки қуриган эмчакларига сут кириб:

— Бизларнинг қизимизни бир гадоий олиб кетган эди. Энди шу киши бекам-кўст, худди ўша қизимга ўхшайди. Энди ўйлайманки, туққан бўлмасам ҳам, шу кишини «қизим» дедим — деб ўрнидан туриб қучоқлаб, хўрланиб ерга йиқилди. Қиз ҳам бу ишга чидай олмасдан беҳуш бўлиб йиқилди. Бу ҳолни кўрган шоҳ билан гадоий иккови йиғлаб, қучоқлашиб туриб эдиларки, подшонинг иккита қизи «Буларга нима бало бўлди, бизларни эрларимизни назарга олмасдан қаердан келган бегона кишиларни бунчалик иззат, эъзоз қилиб, кўришиб, йиғлашиб ётибди», деб рашк қилиб, кўнгилларида қизга ё боласига шикаст етказсак деб ўйладилар. Уларнинг бу ниятларини фаҳмлаб гадоий шоҳнинг оёғига йиқилиб, бошдан-оёқ ҳамма воқеаларни ҳикоя қилиб берди ва сўзининг охирида:

— Эй отажон, ўша гадоий менман. Энди нима қилсалар, ихтиёр ҳазрати олийларида,— деди.

Булар бошқатдан ота-бола бўлишиб, ҳалиги қизлар сингиллари билан кўришиб, шахзодалар ҳам гадоий куёв билан танишиб, зиёфатлар тамом бўлгандан сўнг, гадоий туриб:

— Эй тақсири олам, падари бузругимиз, сизга бир арзим бор. Мен бир қапча зару зевар, тилло-ю лаъл, дуру жавоҳирлар юклаб келганман. Улар шу неварангизининг

тўйи, ўзимнинг тўйим ҳамда боламнинг тўйи учун аталган. Шу ерда бир катта тўй қилсангиз,— деди.

Подшога бу гап маъқул тушиб, боз атроф-жанубларга қоғоз ёзиб, шаҳарга ойнабандлик сайллар буюриб, қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй-томошалар қилиб, подшо қизини бошқатдан гадойга никоҳ қилиб берди. Яна қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй-томоша қилиб, неварасининг тўйини ҳам ўтказди. Қамбағаллар бой бўлиб, бойларнинг кўнгли ҳасратга тўлиб, бир қанча вақтлар осойишталик билан умр кечириб, гадой ўз шаҳрига қайтиб келди. Гадей ўғлига дунёда йўқ тахт ясадиб берди. Кулса — гул, йиғласа — дур балоғатга етгач, уни подшо қилиб, охири булар мурод-мақсадларига етдилар. Сизлар ҳам етинг муродга, бизлар ҳам стайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

Ш А М Ш И Р Б О З

Бор экан-да, йўқ экан, қадимги замонларда бир кам-бағал одам бор экан. Бу киши подшонинг арконини шипириб¹ хизмат қилиб, умрини ўтказиб қариб қолибди. Бу кишининг уч ўғли бор эди. Каттаконининг номи Юлдузбоз, ўртанчасининг номи Оббоз, учинчисининг номи эса Шамширбоз экан. Булар балогатга етгандан кейин маслаҳатлашиб, бир куни:— Ота, сиз подшоликда хизмат қилиб, ншдан чиқиб қолдингиз. Энди бизларни ҳам ишга жалб қиларсиз, бизлар ҳам ишлайверсак, андак фурсатдан кейин сиздай қариб қоламиз. Энди маслаҳат шуки, биз бахт йўлига тушайлик, толеимиз қандай бўлса, шуни кўрамиз-да,— деб маслаҳатлашибди.

Шундан кейин отаси ўйлаб туриб, болаларининг фикрини тўғри топиб рози бўлибди. Болаларини жўнатиш олдида отаси уларга:— Бугун кечгача йўл юрасизлар, олдиларингиздан бир чангалзор чиқади. Ҳар қандай қилиб шу дарахтзорда ётмасдан дала жойга чиқиб ётинглар. Иккинчи куни ҳам йўл юриб, чарчаб-ҳориб кечга қолсангизлар, олдиларингиздан бир чорраҳа йўл чиқади: бир ёғи — гулзор, у ерда ётмасдан, далароқ жойга чиқиб ётинглар. Учинчи куни ҳам йўл юрасизлар, чарчаб-ҳориб кечга қоласизлар, олдиларингиздан масжид чиқади. Масжидда ётмасдан мазоротга чиқиб ётинглар,— деб оқ кўнгли билан жавоб берди.

Шундан кейин уч оғанилар кечгача йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, қанча тоғларни, кўлларни босиб, худди отаси айтгандай чангалзорга кира бошлаган эдилар, кырган сари ўрмон қалинлашиб кетди, чиқишининг ҳеч йложи

¹ Супириб.

бўлмади. Охири улар бир катта дарахт тагида ётмоқчи бўлдилар. Шамширбоз акаларига қараб:

— Отамизнинг берган насиҳати ёдларингиздан чиқди-ми? Отамиз нима деган эди, деса, акалари уришиб, тергаб қолишди. Шундан кейин Шамширбоз жим турганича қолди-ю, аммо ҳар қанча чарчаган бўлса ҳам ухламасдан ётди.

Шу чангалзорнинг ўртасида бир ялмоғиз кампирнинг макони бўлиб, у қирқта боласи билан яшар эди. Булар бориб тушгандан кейин кампирнинг бурнига одамзод иси уриб, болаларига:— Мен келгунча қозондаги овқатга тегмасдан туринглар,— деб чиқиб кетди. Кампир далага чиқиб, улар турган томонга қараб юраверди. Ялмоғиз бир эмчагини бир кифтига боғлаб, иккинчи эмчагини бир кифтига боғлаб, чангалларни ёриб келаверди. Унинг шарпасини Шамширбознинг қулоғи эшитиб, ирғиб ўрнидан турди. Шамширбоз шарпа томонга қараб юрди, кампирнинг олдида кесиб чиқди-ю, у билан олишиб, бир печа соатдан кейин ялмоғизни базўр ерга кўтариб урди, калласини кесиб ташлади, сўнг ялмоғиз келган томонга қараб бориб, унинг уйини топди. Йигит ялмоғизнинг уйига астагина кириб қараса, ялмоғизнинг болалари ўтиришибди. Шамширбоз эшикнинг тепасига чиқиб олиб ёпишиб турди. Шу вақтда ялмоғиз болаларининг бурнига одамнинг иси тушиб, бири-бирин чиқиша бошладилар. Йигит улар бир-бир чиққан ҳамон каллаларини кесиб ташлайверди. Шундай қилиб, Шамширбоз ялмоғизнинг қирқ боласини ҳам ўлдириб, у ёқ-бу ёқларни қидира бошлади, ниҳоят бир жойда пишган овқатни топиб, қоринни тўйғазиб олди. У акаларига ҳам бир товоқда овқат келтириб бир чеккага қўйди-ю, уйқуси ғалаба қилиб ухлаб қолди. Акалари уйқудан уйғониб қарасаларки, бош томонларида бир товоқда пишган овқат турипти. Улар овқатни ейишиб, укаларини уйғотиб, йўлга тушдилар.

Бугун ҳам кўп йўللари босиб, худди оталари айтгандай бир чорраҳа устидан чиқибдилар; барчаси гулзор бир жойга қўнишибдилар. Бунда ҳам укаси аввалгидек отасининг насиҳатини акаларининг ёдларига солибди. Шунда ҳам акалари аввалгидек уришиб, тергагандан кейин у индамай қўйди. Булар турган жойнинг бир чеккасида бир аждарнинг макони бўлиб, бу ерга келган жондорлардан ҳеч кимса соғ чиқиб кета олмас эди. Буларнинг ҳиди аждарнинг димоғига тегиб, пишқира бошлади. Акалари ухлаган, Шамширбоз эса уйғоқ эди. Шамширбоз сакраб ўрнидан туриб қоронғи кечада ҳар томонга қаради. Қарасанки, бир томондан кўзлари ёнадиган бир ҳайбатли нарсани

кўрди. «У махлуқ бу ерга келса, ўзим-ку ўзим, акаларим ташвишланмасин» деб, ўша жондорга қараб юраверди. Юз қадам қолгандан кейин палахмонга катта бир тошни жойлаб туриб, аждарнинг ўнг кўзидан урди. Кўзига тош теккан аждар ўрнида айлана бошлади. Шамширбоз вақтини ғанимат топиб, аждарга яқинлашиб, қаери тўғри келса, шу ерига шамшири билан солаверди. Тез фурсатда аждар қонга беланиб, оғирлашиб, ҳоли танг бўлиб, ўзини сариншта қилолмай қолди. Шундан кейин Шамширбоз аждарни саранжом қилиб, терисидан бир тасма кесиб олиб, ичидан тақиб қўйди-да, акаларининг ёнига келиб, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб ухлади. Акалари уйғониб, бу кун ҳам йўлга тушдилар. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, оталари зўтгандай кеч вақтида олдиларидан бир масжид чиқди. Акалари масжидда ётишга қарор қилдилар. Шундан кейин акалари ухлаб қолди. Шамширбоз ухламасдан айланиб масжиднинг томига чиқди, у ёқ-бу ёққа қарасаки, бу бир томондан ғивир-ғивир гаплашган овозни эшитди, тезда томдан тушиб, мазорни икки марта айланиб чиқди, учинчи марта мазордан ўтаётганда бир гўр ичидан андак чирроғ шуъласини кўриб қолди. Шу гўр ичига кирди, ундан иккинчи гўрга ўтди, ундан учинчи гўрга ўтди. Қисса кутуҳ¹, еттинчи гўрга ҳам ўтиб борди. У ерда бир катта ғор бўлиб, унинг оғзида бир катта тош тўнтариб қўйилган эди. Шамширбоз тошнинг бир чеккасидан қарасаки, бир кам қирқ йигит овқатланиб, шароб ичиб, маст-аласт бўлиб ўтирибди. Шундан кейин ўзинча: «Шундоғ жойга келиб кўринмай кетсам, помардлик», деб ўйладида, ҳалиги тошни кўтариб бир чеккага қўйди ва «Ассалому алайкум, бир кам қирқ чилтон! Ўғри бўлсанглар — ўғриман, тўғри бўлсанглар — тўғриман» деб, кўришиб чиқди-да, бир чеккага ўтирди. Қараб турсаки, ҳаммасининг қўлида бир тилла шамдон, ўртада ҳам бир тилла шамдон. Уларнинг бошлиғи:

— Овқатланинг меҳмон! — деди. Шамширбоз сакраб туриб:

— Сўраганининг айби йўқ, нима сабабдан ҳаммаларингизнинг қўллариңизда бир тилла шамдон, бир товоқда овқату ўртада ҳам шундай, — дегандан кейин ўғрибошни айтди:

— Кеча бир жойга ўғриликка борувдик, бир ҳамроҳимизни тутиб ўлдиришди. Ушанинг руҳига шундай қилган эдик, унинг ўрнига сен келдинг, — дегандан кейин Шамширбоз ўрнидан туриб таъзим қилиб, овқат билан шамдон.

¹ Қисқаси.

ни қўлга олиб, ҳаммасидан илгари еб тамомлади. Ҳамма ўғрилارнинг кўзлари унга тикилиб турар эди. Шундан кейин учта-тўрттаси бир бўлиб, пичирлашиб гапира бошладилар. Шамширбоз ўрнидан туриб айтди:

— Эй биродарлар, эскидан қолган бир мақол бор: «Улимнинг ҳаммаси — бир ўлим», «осилсанг, баланд дорга осилгинки, оёғинг ерга тегмасин». Шунда ҳам катта маъно бор, шунинг учун борсак ҳам, бир аркони давлатга борайликки, овимиз бир барор топсин,— дегандан кейин йигитлар:— Баракалло, э ўғлон, ҳақиқатни айтдинг,— деб далага чиқдилар. Шундан кейин қирқ йигит бирин-бирин аркони давлатнинг қўрғонини айланди. Бир чеккасидаги чинорнинг шохи қалъанинг усти билан баробар бўлиб, бир печа газ ораси очиқ турганини кўришди. Ўғрибоши:

— Ким шу чинорнинг устидан чиқиб, қалъага ўзини отади,— деди, ҳеч кимдан садо чиқмади. Шамширбоз ўрнидан туриб:

— Ижозат берсалар, бу хизматни мен бажарсам,— деди. Кейин белига бир қанча арқонларни бойлаб, чинорга тармаша кетди. Қанча қийинчилик билан чинорнинг устига чиққандан кейин, кўрғоннинг тўғрисидаги шохнинг устига чиқиб, таваккал қилиб ўзини кўрғон томонга қараб олди, кўрғоннинг устига бориб тушди. Ҳалиги арқонларни настга тушириб юборди. Шамширбоз юқоридан туриб ҳалиги кишилардан битта-битта тортиб олаверди. Қўрғон томонга ҳам шундай қилиб тушдилар. Ўрда ичидаги бе-хавф ётган кишиларнинг ухлаганлигидан фойдаланиб, хазинанинг калидини топиб олиб очдилар. Ичидаги ҳар хил нарсалардан қирқ орқа қилиб кўтариб, боз шундай қилиб тушиб, ҳалиги гўр олдига келдилар. Шу вақтда Шамширбоз ўғриларга қараб:— Камина хизматкорлари яна бир нарсани талаб қиламан. Мен сизларнинг ичларингда ёш кўринаман. Шунинг учун ҳақ мен олдин кириб, молларни бир чеккага тўплаб саришта қилсам, дегандан кейин, ўғрибоши «Хўб бўлади» деб олдин Шамширбозни тушириб юборди. У ҳалиги гўрнинг тошини бир чеккага қўйиб, эшикнинг бир чеккасида шамширни суғуриб, вақтнинг ғаниматлигидан фойдаланиб, «қани марҳамат, қилсинлар» — деди. Биринчи ўғри пишқириб кириши пайтида ўрта бўйинини кўзлаб, шамширини бир силтади. Шу вақтда у овоз ҳам чиқара олмасдан ўлаверди. «Яна келсинлар», деб у чақираверди. Шундай қилиб, биркам қирқ ўғрининг ишини саранжом қилиб, молларни бир томонга, ўликларни бир томонга тахлаб, ғорнинг оғзини беркитиб чиқиб кетди. Келиб акаларининг ёнида ухлади. Акалари уйғонгандан

кейин ҳеч нимани кўрмагандай бўлиб, йўлга тушиб кета-
верди. Тез фурсатда олдиларидан бир шаҳар чиқди. Ша-
ҳарнинг дарвозасидан кирдилар. Қарасаларки, шаҳарнинг
ичи нотинч, ташвишли кўринибди. Булар кирган ҳамон сў-
расалар, подшонинг ўрдасини ўғрилар талон-тарож қил-
ган экан. Шу сабабли подшо халқни нотинч қилиб, баъ-
зиларини қамаб турган экан. Подшонинг бу маслаҳатидан
вазирни подшога:

— Тақсир подшоҳим, бундай иш билан ўғриларни то-
пиб бўлмайди. Ўғрини топаман десаңгиз, бир сайил бую-
ринг. Шу сайилда ҳамма саройларда, чойхоналарда ва меҳ-
монхоналарда овқату шаробхўрликни, маншатбозликни
ташқил қилинг, кейин пойловчи қўйинг. Халқ маст бўлган-
дан кейин шер бўлиб, ақлсизлик билан бирор иш қилган-
лигини мақтаниб гапираверади. Шунинг натижасида сир
очиқлиб, топиш мумкин,— деганидан кейин вазирнинг гапи
билан подшо ҳамма жойларга сайил буюриб, овқату ман-
шатбозлик ташқил қилиб, ўзига қарашли яқин кишилари-
дан одам қўйди. Шамширбоз ҳам акалари билан бир са-
ройга тушиб, бир ҳужрани ижара олиб турган эди. Шу
ҳужрани ҳам саройбон овқату шароблар билан таъминлаб,
ҳужранинг орқасида пойлашиб туришди. Натижада, улар
ейиш-ичиш, мастлик ҳолатида бўлиб, катта акаси Юлдуз-
боз укаларига отасининг берган маслаҳатлари нотўғри
эканлигини айтади:— Биринчи кеча ўша чангалзорда ёт-
дик, нимани кўрдик; иккинчи кеча ўша чорраҳа гулзор
жойда ётдик, нимани кўрдик; учинчи кеча масжидда ётма
деган эди, ҳеч бир нарсани кўрмасдан саломат келдик,—
деди. Шундан кейин Шамширбознинг мастлиги ошиб, хўр-
лиги келиб, йўғлаб акасига айтди:

— Биринчи кечаси ётиб ухлаб қолдинглар. Мен уйғоқ
эдим. Бир ялмоғизнинг ўзи ва болаларини ўлдириб, уйда-
ги ошларини ичиб, сизларга ҳам келтириб қўйган эдим,—
деб ҳалиги ялмоғизнинг нишонасини акаларининг олди-
га ташлади. Иккинчи кеча ҳам мен уйғоқ эдим, бир аждарни
ўлдирдим,— деб ҳалиги тасмасини ташлади.— Учинчи
кеча ҳам сизлар ухлагингизлар, мен масжид томига чиқиб,
ҳар томонларга назар солиб, охир ғивир-шивир овозларини
эшитдим. Кейин мазорни икки айландим, учинчи айлани-
шимда бир гўрдан чироқ шуъласи кўринди. Ичига кирдим:
қаторма-қатор етти гўр, нарига ўтсам, бир катта гор пайдо
бўлди. Оғзига бир катта тош тўнтарилган турипти. Оҳиста
бир чеккасидан қарасам, бир кам қирқ киши, ҳаммасининг
қўлида бир товоқ ош, битта тилла шамдон, ўртада ҳам
бир товоқда ош, бир тилла шамдон. Тошни кўтариб бир

чеккага қўйдим-да: «Ассалому алайкум, бир кам қирқчилтон, ўғри бўлсангизлар — ўғриман, тўғри бўлсангизлар — тўғриман» деб саломлашиб, кўришиб, бир чеккада тиз букиб ўтирдим. Ўғрибоши «Ваалайкум ассалом, ўша ўртадаги ошини егин» деб таклиф қилди «Нима учун ҳаммаларингизнинг қўлингизда бир тилла шамдону бир товоқда ош, ўртада ҳам шундай» — дедим. Ўғрибоши айтди: «Кеча бир жойга ўғриликка бориб эдик, бир ҳамроҳимизни ушлаб ўлдирдилар, ҳамроҳимиз руҳининг хушнудлиги учун шунга қўйибмиз. Энди сен келдинг» дегани ҳамон, «хўп» деб, ҳаммасидан илгар, тез фурсатда бир товоқ ошини еб тамомладим. Ўғрилар ҳайрон бўлиб, баъзилари учта-тўртта бўлиб пичир-пичир қилишиб турган пайтда мен: «Ҳе оғайнилар, илгаридан қолган бир нақл бор «осилсанг, баланд дорга осил, оёғнинг ерга тегмасин, борсак ҳам, каттароқ аркони давлатга борайликки, кўпроқ нарса келтирайлик», деганимдан кейин ўғрибоши гапимни тасдиқлаб, аркони давлатга қараб йўл олдилар. Келиб подшо қалъасининг ёнидаги чинордан ошиб тушиб, қирқ киши қирқ орқа мол-дунёни кўтариб, ўша мазорга олиб бориб айни кириш вақтимизда ўғрибошидан мен олдин кириб хизмат қилишни сўрадим. Ўғрибоши ижозати билан кириб, ўз фикримча иш қилиб, биркам қирқ ўғрининг ишини тамомлаб, ғорнинг оғзини ёпиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб, ёнларингга келиб ётдим. Ишонмассангизлар,— деб ҳалиги мол-дунёлардан бир қанчасини кинсасидан олиб, ўртага ташлайверди. Акалари ҳайрон бўлиб турган пайтда ҳалиги пойлоқчи подшога арз қилди:— Эй тақсир, подшоҳи олам, султони бокарам! Мен ўғриларни топдим,— дегани ҳамон қанча қўшинларни олиб, саройни ўраб, ҳалиги мастларни мастлик ҳолида қўлларини бойлаб, араваларга ортиб, подшолик ўрдасига ҳайдаб келди. Подшо бирданига ўлим жазосига ҳукм этди. Вазир доноси ўртага тушиб:

— Тақсир подшоҳим, булар ҳали маст, ҳеч сир олиб бўлмас. Эртага ҳушёрлик ҳолатида сўроқ қилиб, молларни, дунёларни жой-жойларидан топтириб олдирсак, кейин ўлим жазоси қочмайди,— дегандан кейин, подшо ҳукмини тўхтатиб, эртаси ҳушёрлик ҳолатида сўради. Шундан кейин Шамширбоз бўлган воқеаларни, қилган ишларининг ҳаммасини айтди. Шамширбозни бирга олиб, қанча от-аробалар, одамлар билан ҳалиги гўр олдига келиб тўхтатди. Шамширбоз гўрни кўрсатди. Подшо одамларни гўрнинг ичига кириб иккинчи, учинчи гўрга ўтмасдан қўрқиб чиқдилар. Сўнгра Шамширбознинг қўл-оёқларини ечиб қўйишди. Кейин ўзи кириб, молларни чиқариб ташлади.

Қағасаларки, подшо ўрдасидан келган мол-дунёларга нисбатан бир неча баробар зиёда нарсалар чиқди. Подшо ҳаммасини олиб келиб, саранжом қилгандан кейин: «Ҳалиги қамоқдаги учта мусофирни нима қиламиз», деб вазирига маслаҳат қилди. Вазири доно подшога:— Эй подшоҳим, менинг кўнглимга бир нарса келади. Айгсам, бир қошиқ қонимдан кечсангиз,— деди. Подшо:— Айтинг!— деб ҳукм қилгандан кейин вазири доно:— Уша уч мусофир бежиз киши эмас, булар ҳам бир шаҳзода ёки бир ботир кишилар бўлиши керак. Ўрдангиздаги қизингизни берсангиз, шундай ботир кишига берарсиз-да, ундан зиёда киши бўлмас,— дегандан кейин, подшога бу маслаҳат маъқул тушди. Бир неча кун тўй-томоша бўлди. Айни никоҳ вақтида Шамширбоз:— Сизларнинг мамлакатингизда уйланиш каттаданми, кичикданми?— деди. Улар:— Каттадан,— дейишди. Сўнгра Шамширбоз:— Бу қиз менинг акамга бўлсин,— деб акасига никоҳлади. Бир неча кун ўтгандан кейин Оббоз билан Шамширбоз катта акасида ижозат олиб, бошқа томонларга қараб кетдилар. Бу сафар ҳам неча манзилларни томоша қилиб, бир шаҳарга кириб келдилар. Шаҳарда бир дарё бўйида бир кўприк бўлиб, кўприк тагида бир кампир оқшоқ оқлаб ўтирибди. Кампир билан саломлашиб, бир кеча ётиш учун жой сўрадилар. Кампир: «Жой йўқ», деб оқшоғини оқлаб, ёнига қаради ва икки йигитни кўрди. Бу йигитлар ҳам ўз болаларига ўхшаш кўзига яхши кўриниб: «Ҳай бўлмасам, бир кечалик жой берайин» деб, уйига олиб борди. Шамширбоз киссасидаги жавоҳирлардан кампирга бир сиқим берди. Кампир хушвақт бўлиб, умрида бундай жавоҳиротларни кўрмаганлигини учун ҳовлиқиб, болаларни кўп иззат-икрому ҳурмат қилиб, улар билан шу ондаёқ она-бола тутинди. Кечаси ётиш пайтида кампир «далага чиқманглар» деб тайинлади. Бир қанча вақтдан кейин Шамширбознинг далага чиққиси келиб қолди. Кампирнинг гапи эсига тушиб, чиқай деса, ити бор эканми ёки бир бошқа нарса борми, деб ўйлади. Ахир нима бўлса ҳам чиқаман деб, аста-секин далага чиқди. Қарасаки, подшонинг ўрдасидаги бир шуъла осмондаги ойга бараварлашиб турибди. Бу ишга ҳайрон бўлиб, келиб ётиб, ўйлашиб кетди. Охири эрта билан ичига сиғдирилмасдан кампирга гапирishга мажбур бўлди. Бўлган воқеани кампирга айтди. Кампир Шамширбознинг гапига ҳайрон бўлиб:— Эй, болам, бу гапингни биринчи марта айтдинг, иккинчи айтмагин. Бу ой ўзимизнинг ой, ўрдадаги кўринган шуъла — подшо қизининг ҳусни жамоли. Бунинг учун қанча кишилар соб бўлиб кетди. Эртага бозор боши-

га чиқиб қарасанглар бир баланд тахт қўйилган. Шунинг устига қирқ зинапоя билан чиқилади. Зинапоянинг устида бир довул бор, кимки от билан чиқиб шуну урса, подшо-нинг қизини олади. Маликанинг аҳди — шу. Қанча киши-лар шу ишга келиб, довулни ура олмай соб бўлиб кетди-лар, дегандан кейин Шамширбоз эртаси чиқиб, шаҳарни айланиб, ҳалиги тахтларни кўриб, уйига қайтиб келди. Дарё қирғоғидаги ёғочлардан олиб келиб, мурватлик от ясади. Қассобликка бориб, қассобдан бир от терисини бир томондан пичоқ уриб, бошқа томондан шилиб олиб бе-ришни сўради. Қассобга бир от баҳосининг пулини бериб, терини келтириб, мурватлик отнинг устига ўрагандан ке-йин ҳалиги от ҳайкали худди тирик отга ўхшаб қолди. Она-сига қараб:— Эй она, бу от ўхшадими?— деди. Онаси:— Эй болам, отга ўхшайгани билан жон бўлмаса, бекор-да,— дегандан кейин, отнинг устига миниб биринчи мурватини буради. От юра бошлади. Иккинчи мурватини бураганидан кейин тўхтади.

Подшо қизининг ҳар ойда бир мартаба от минорага чи-қадиган кун бора эди. Шамширбоз ўша кунгача тайёрлаб турган эди. Ўша кун келгач, кўчаларда жар чақиртирди. Томошабинлар, қизнинг харидорлари бориб турди. Шам-ширбоз ҳам отига миниб, ўша жойга бориб турди. Бирин-чи бўлиб бир шахзода отини уриб, бир неча зинагача чи-қиб, охири йиқилди. Унинг кетидан иккинчиси ҳам бир не-ча зинага чиқиб, у ҳам йиқилди. Учинчи навбат Шамшир-бозга етди. Таваккал қилиб отини тўғрилаб турганда бир қанча қариялар отни тўхтатди. Шамширбознинг ҳусни таърифига халқнинг ҳайфи¹ келиб: «Эсин шу йигит ҳам ўлиб кетмаса эди» дейишди. Шамширбоз отини тахт-га тўғрилаб, қамчилаб юборди. От тақиллаб тахтга чи-қиб, беҳавфу хатар ҳалиги довулни урди. Ургани ҳамон ўша ердаги бир маҳрам Шамширбознинг этагидан ке-сиб олиб қолди. Шамширбоз тахтдан тушиб, отини чоптирганича уйига келиб, отини ташлаб яна чиқиб борди. Кўп халқлар: «Мен урдим, мен урдим», деб турган вақтда ҳалиги маҳрам ҳам Шамширбознинг кесилган этаги нишонасини кўрсатиб, «Шу йигит урган эди» деди. Подшо лашкарлари Шамширбозни қўл учида кўтаришиб, уни тўғри ўрдага олиб кетдилар. Подшо Шамширбоз-ни қучоқлаб, меҳр-муҳаббат қўйиб чаккаларидан ўпиб, бош-оёқ сарпо кийгизди. Бутун шаҳарга ойнабандли

¹ Афсусланиб.

зебу зийнат бериб, бир неча кунлар тўй-томошалар қилди. Охирги кун Шамширбоз подшо ҳузурига кириб, таъзиму тавозеълар билан подшодан:— Сизларнинг қоидаларингизда уйланиш каттаданми, кичикданми?— деди. Подшо:— Каттадан,— деди.— Агар уйланиш каттадан бўлса, қизни менинг Оббоз акамга тақдим этгайсиз,— дегандан сўнг, подшо Шамширбознинг таклифини қабул қилди. Подшо қизини Шамширбознинг акасига аҳди никоҳ қилиб берди. Шамширбоз бир неча кун шу ерда туриб, акаси билан ҳам видолашиб, йўл яроғларини тайёрлаб йўлга тушиб кетди. Бир неча кунлар ўтиб, қанча дарёларни кезиб, қанча чўллардан ўтиб, бир шаҳарга келиб қолди. Шаҳарга бориб етганда, кеч кириб қолди. Шаҳар кўчаларига қараса, шаҳар халқи кўринмайди. Ахтара-ахтара охири бир бобоини топиб саломлашиб, таъзим-тавозеълар билан ўзининг мусофирлигини билдириб, шаҳарнинг бундай ваҳимага тушишининг, одамлари кўринмаслигининг сабабини сўради. Бобо Шамширбозга қараб:— Эй ўғлим, дунёда нимадан хабаринг бор? Сендек ёш, подон кишига нима десам... Бир аждар пайдо бўлди. Ҳар кечаси шаҳар халқи бир қиз билан бир қўй ва шунга ўхшаш баъзи бир парсаларни бир чинор тагига чиқариб қўяди. Аждар кечаси келиб, шу қиз билан қўйни еб кетади. Бу оқшом навбат подшонинг қизига кетди. Эртага шаҳарда қиз қолмайди. Кейин аждар шаҳаримизни хароб қилиб кетади,— деб, қиссасини баён қилди. Шамширбоз бу қиссани эшитгандан кейин, бободан шу қиз турган жойни сўради. Бобо боланинг аждарга боришини билиб, кўп қўрқитиб, ваҳимага солиб, кўп ўрлашиб кўрди. Охири оқибат Шамширбознинг ҳимматини, жонбозлигини кўриб:— Ҳайр энди, нима бўлса бўлар, кўнглинг ўзингдан қолсин,— деб қиз турган томонга қараб жўнатиб юборди. Шамширбоз аста-секин чинорни нишонлаб бораверди. Қизга яқинлашгандан кейин, қиз йиғитни кўриб, йиғитнинг ҳусну латофатига ачинаиб:— Эй йиғит, мен — бир ўлим кишиси, бир неча соатдан кейин мени аждар ютиб кетиши аниқ. Сен ҳам мен учун азиз умрингни зое қилмагин,— деб насиҳат қилди. Шамширбоз насиҳатга унамасдан қизга яқинлашиб бориб қарасаки, бир қўй олдида боғлиқ қиз йиғлаб ўтирибди. Йиғит:— Эй оромижоним, мендек йиғит турсаму сендек гавҳари офоқни¹ аждарҳодан олиб қола олмасам, онамдан эмган сутларим ҳаром бўлсин,— деб қасамёд қилди. Шундан кейин қизга:— Бир орзум бор,

¹ Дунё гавҳари; Энг қиммат, машҳур маъносида.

тиззангизга бошимни қўйиб, бир фурсат ухласам. Чунки мен бир неча кун узоқ жойлардан машаққатлар билан келаман,— деб илтимос қилди. Шамширбоз: «Мен бошқа жойда ухласам, аждар келса, қиз мени уйготмас, тиззасига бошимни қўйиб ухласам, у аждар келган вақтда ташишланса, мен уйғонаман» деган фикр кўнглидан ўтиб, шу илтимосни у қиздан сўради. Қиз рози бўлди. Йигит бошини қизнинг тиззасига қўйди-ю, ухлаб қолди. Бир неча фурсатдан кейин, узоқдан аждарнинг пишқирганидан қиз қўрқиб, ўзига-ўзи:— Мен-ку бир ўлган киши эдим. Бу йигит қаердан келиб қолди?— деб йигитнинг нобуд бўлишига хўрлиги келиб йиғлай бошлади. Кўзининг ёшлари яхтак-яхтак бўлиб, йигитнинг юзларига тушаверди. Йигит сесканиб туриб қарасаки, аждарнинг ваҳимаси оламни тутибди. Бирданига яроғ-асбобларини олиб, қаддини ростлаб, аждар келадиган томонга қараб йўл олди. Бир неча қадам яқинлашиб келгандан палахмонига тош солиб, кейин палахмонни айлантириб, ғазаб билан аждарни чунонам урдики, тош кўзига келиб тегди. Аждар ҳар томонга тўлғаниб, яна келаверди. Шамширбоз тезлик билан яна би тошни палахмонга қўйиб, аждарнинг иккинчи кўзидан урди. Шу вақтда аждарнинг кўзи кўр бўлиб, ҳар қанча кучли ваҳший бўлса ҳам, кўз бўлмагандан кейин бир томонга бора олмасдан ўз ўрнида тўлғана бошлади. Шамширбоз вақтни ганимат топиб, аждарни ҳар томонидан захм сола бошлади. Андақ фурсатда аждарнинг қонлари оқиб, ҳолсизланиб ўлди. Шамширбоз аждарнинг терисидан тасма кесиб олиб, ичидан тақиб олди. Қиз бу аҳволни кўриб, йигитнинг қилган ишига таҳсин ва офарин қилди. Шамширбоз қизнинг ёнига келиб, ундан сўради:— Эй хоним, бир илтимосим бор. Сиз менга жавоб берсангиз. Мен бир мусофир йўловчи киши эдим. Бу шаҳарга келдим, шундай аҳволни билиб, сизнинг олдингизга келиб, аждарни ўлдириб, шаҳар халқини ҳамда сизни ўлимдан қолишингизга сабабчи бўлдим. Шу билан менинг ризолигимни олсангиз, жавоб берсангиз,— деди. Қиз йигитдан бу гапни эшитгандан кейин ҳуши бошидан кетиб:— Мен жавоб бера олмайман. Бир неча фурсатдан кейин шаҳар ақобирлари йиғилиб келсалар, мендан сўрасалар, мен уларга воқеани бирма-бир айтарман. Шунда жавоб беришни шаҳар халқи ва ақобирларидан тиларсиз. Иккинчиси шуки, сиз келишингиз ҳамано муҳаббат ўқи менинг кўксимни тешиб кетган. Мен — сизники, сиз — мешики. Ҳар жойда бўлсангиз, мен ҳам ўша ерда бўламан,— деб воқеани баён қилди. Шамширбоз ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиб, тек тураверди.

Андек фурсатдан кейин шаҳардан бир неча киши келиб, аждарнинг жасадини кўриб, ҳеч нимага қарамасдан подшо ўрдасига қараб қайтдилар. Подшо олдига ким борса, ҳаммаси ҳам «аждарни мен ўлдирдим» деб айтаверди. Подшо ҳайрон бўлиб, кейин қўшинидан бир неча кишини хабар олиш учун аждар томонга юборди. Аждар ўлганлигини билган лашкарлари подшога келиб айтди. Кейин подшо отланиб, бир қанча акобирлари билан қизининг ҳузурига бориб қарасаларки, ҳақиқатан ҳам аждар ўлган, қизи билан бир йигит ўтиришибди. Подшо кўргани ҳамона қизидан ҳам Шамширбознинг ҳусни-латофатига таҳсин ва офарин қилди. Подшони кўрган Шамширбоз сакраб ўридан туриб, бир неча қадам юриб, таъзим-тавозелар билан подшога салом берди. Подшо отидан тушиб кўришиб, қизидан аҳвол сўради. Қиз бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб берди ва йигитнинг баҳодирлигига, жонбозлигига таҳсин-офарин қилди. Шундан кейин подшо Шамширбозни пешонасидан ўпиб, ҳамма акобирлари ҳам шундай қилиб, қучоқлашиб кўришдилар. Подшо ва акобирлари Шамширбоз билан қизни шаҳар ичига олиб кирдилар. Подшо Шамширбозни ҳузурига чорлаб:—Эй ўғлим, сени ўзимга хос фарзанд қилсам, нима дерсан?—дегандан кейин, Шамширбоз:—Ўзингиз биласиз,—деди. Подшо хурсандлигидан севиниб, шаҳарига бир неча кунлар тўй-томошалар бериб, ҳалиги қизини Шамширбозга аҳди никоҳ қилиб топширди. Шундан кейин бир неча вақтлар ўтиб, улар айшу фароғатлар билан юравердилар.

Вазирнинг бир ўғли бор эди. Вазир ҳамиша «Подшонинг қизини мен ўғлимга олиб бераман» деб айтар эди. У ниятига ета олмади. Шундан кейин вазир хусумат чорасига кирди. Бир кампирни топиб, Шамширбознинг ҳақиқий сирини билиш учун унинг эшигига хизматкорликка қўйди. Кампир ҳовлиларни супуриб, сув келтириб, овқат тайёрлаб юрар эди.

Кунлардан бир кун сир билиш учун ҳалиги қизининг бошларини ювиб турган вақтида: «Мен ҳам ёшлик давримда, қаллиғлигимда эрка эдим. Эримнинг баъзи бир ишларини сўраб билар эдим. Сизда мунақа нарсаларни сўраш йўқ экан. Агар оқшом эрингиз келсалар, баъзи бир сирларини сўраб олинг»,—деб ўргатди. Оқшом бўлгандан кейин Шамширбоз келиб, ётиб ухлаш олдида кампирнинг гали қизининг эсига тушиб, баъзи бир сирлардан бир неча марта сўрагандан кейин Шамширбоз ғазабланиб:—Аёл кишининг бундай сирларга аралашини тўғри келмайди.

Агар бундай сирларни нодон кишилар эшитиб қолиб, душман кишиларга етказса, ўз жонимга жафолар келтираман. Шунинг учун иккинчи бундай ишлардан, бундай гаплардан гапирманг!— деб насиҳат қилди.

Бир неча кундан кейин хотини яна сўради. Шамширбоз яна шундай жавобни айтди. Бир неча кундан кейин Шамширбоз бир жойда шароб ичиб келиб, мастлик ҳолатида ётганда, хотини яна шу гаплардан сўрай бошлади. Шамширбоз маст бўлгани туфайли ҳалиги сирларни бир-бир баён қилиб, шамширидан ажралса, ҳалокатга учрашини айтди. Кампир ҳамиша эшик тагида жой солиб, пойлаб ётар экан. Бу гапларнинг ҳаммасини бир-бир эшитгандан кейин эртасига эшитганларини битта қўймай вазирга баён қилди. Вазир ўғлига:— Шамширбоз билан дўст бўлиб юравер! Бир кун, бир жойда, у мастлик ҳолатида ётганда, сен бир иложини қилиб, ёнидаги шамширини ўғирлаб, дарёга ташлагин. Шунда йўқ бўлиб кетар, кейин мақсаднинг ҳосил бўлар,— деб ўргатди.

Кунлардан бир кун, бир жойда зиёфатхўрликка тушиб қолдилар. Мастлик ошиб кетгандан кейин Шамширбознинг энг яқин жўраси уйига элиб қўймоқчи бўлиб, ёнидан суяб уйига томон олиб борди. Боришда, вазирнинг ўғли бир илож қилиб Шамширбознинг ёнидаги шамширини ўғирлаб олди-да, яқиндаги дарёнинг бир жойига ташлаб юборди. Эртаси кун Шамширбознинг хотини подшоликка чиқиб: «Куёвнингиз маст бўлиб келиб, ўлиб қолди» дегандан кейин, подшо ва акобирлар келиб, ҳақиқий аҳволни билдилар. Булар бу ерда тураверсин, энди гапини Шамширбознинг катта акасида сўрамоқ керак.

Юлдузбозни уйлантириб, буларнинг чиқиб кетганига бир неча йиллар ўтиб кетди. Акаси укасини бир неча вақтлар кўрмай соғиниб юрар эди, лекин юлдуз танобларини текшириб турар эди. Шунинг учун унинг номиги Юлдузбоз дер эди. Доймо у Шамширбознинг юлдузини танир эди. Шамширбоз ёнидан шамширини олдириб, ўладиган пайтида Юлдузбоз қарадики, Шамширбознинг юлдузи хиралашиб, борган сари ўчиб бораётти. Ўрнидан сакраб туриб, подшо ҳузурига бориб, неча одоблар билан салом бериб, саломдан сўнг ўзининг кўрган сирларини бир-бир баён қилди. Қанча одамларни ҳамроҳ қилиб, ўзига яраша яроғ-аслаҳалари билан Шамширбоз кетган йўлга жўнаб кетди. Булар шитоб билан йўл юриб, ҳалиги Оббоз укасининг шаҳарига кириб келдилар. Суриштириб Оббоз укасини топиб, бунга ҳалиги сирларини айтди. Укаси шошилиб подшо ҳузу-

рига чиқиб, қанча лашкар, яроғ-аслаҳаларини ўзларига ҳамроҳ қилиб жўнатди. Қанча йўлларни босиб ўтиб, охир бир шаҳарга етиб келдилар. Шаҳар халқидан бир кишини топиб, бу ердаги воқеалардан сўрадилар. Халиги одам шаҳар воқеаларидан ҳамда ҳалиги Шамширбознинг ўлганлигидан хабар берди. Шу гап оғиздан чиққани ҳамон Юлдузбоз билан Оббоз титрашиб, отларидан йиқилдилар. Бир неча фурсатдан кейин улар яна ҳушларига келиб, шаҳар ичига кирдилар. Булар келган пайтда Шамширбознинг жасадини чиқариш пайида эканлар. Қарасаларки, мамлакатнинг ичини бутун лашкар босиб кетибди. Лашкар ичидан иккита баҳодир чиқиб, ўзларини тобутга урдилар, кўтариб борилаётган тобутни тўхтатиб, ичидаги жасаднинг ёнини қарадилар, укасининг ёнида шамшири йўқ. Шундан кейин: «Шамшири нима бўлди?», деб сўрадилар. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Юлдузбоз тамоми дунё юзини текширди, олам юзида кўринмайди. Акаси Оббозга:— Энди сеч тамоми дарёларни текшир,— дегандан кейин, Оббоз тамоми дарёларни текшира бошлади. Шу пайтда шамшир бир дарёнинг тагида кўринади», деб хурсандлигидан қичқириб юборди Оббоз. Подшодан — Шу яқинда дарё борми?— деб сўрадилар. Подшо:— Яқинда дарё бор,— дегандан кейин Оббозни эргаштириб, дарё лабига олиб бордилар. Оббоз дарё тагидан шамширини олиб чиқди-да, ҳамма жойларини артиб, Шамширбознинг ёнига қўйган ҳамон укаси ўрнидан турди. Қарасаки, уни гўёки мўр-малахдек халқ ўраб турибди. Бошининг устида бир неча йиллардан бери кўрмаган оғалари, подшо ва унинг ақобирлари, халойиқ, яқин кишилари ўлгудек ўзларини уриб йиғлашиб турибдилар. Шамширбоз: «Ҳай дариг, менга нима бўлдики, менинг тепамда бунча халқ йиғлашяпти ва оғаларим қаердан келибди» деб ўйланиб, саросима бўлиб қолди. Шундан кейин Шамширбоз акалари билан қучоқлашиб кўришиб, ҳолаҳвол сўрашдилар. Кейин ўтган воқеаларни ҳам эшитиб, ўзига-ўзи афсусланди. Бир неча кунлар акаларини зиёфатлар қилгандан кейин акалари кетишга ижозат олдилар. Шамширбоз ҳам подшодан сафар қилиб келиши учун ижозат сўради. Оғзидан чиққан ҳамон подшо бу илтимосни бажонидил қабул қилиб, қанча лашкару дунёлардан берди. Шундан кейин акаси Юлдузбоз, Оббоз ва ўзи уч мамлакат лашкарларини йиғиб, гўёки мамлакатлар кўчгандай бўлиб, ота ватанига қараб юриш бошладилар. Бир неча кунлардан кейин ҳалиги Оббоз акасининг шаҳрига кириб, ёр-дўстлари билан видолашиб, бу ердан ҳам чиқиб, Юлдузбоз акасининг шаҳарига келиб, булар билан ҳам видола-

шиб, уч подшонинг лашкарларини йиғиб, ота ватанига қараб жўнадилар.

Қанча жазираларни тай қилиб, қанча тоғларни ва боғларни кезиб, қанча дарёларни кесиб, ота ватанларига яқинлашдилар. Кечаси бир жойга тушиб, чодир-чимматларни барпо қилдилар. Сўнгра уч оғайни маслаҳатлашиб: «Агар шаҳаримизни урушиб олсак, улардан ҳам, бизлардан ҳам кўп қон тўкилади, улар ҳам бегуноҳ кишилар, бизнинг лашкарларимиз ҳам омонатдир. Шунинг учун ҳийла ва тадбир билан шаҳарни олишнинг иложини қилайлик»,— деб қарор қилдилар, сўнгра бир нома ёздилар. Номага: «Эй подшоҳи золим, бизлар фалон подшонинг лашкарларимиз. Шу подшонинг буйруғи билан бунда қўндик. Агар яхшилик билан шаҳарингни тақдим қилсанг, ўзинг ўрнингда подшо, агар тақдим қилмасанг, уруш қилиб шаҳарингни хароб қиламиз», деб ёзиб, бир кишига берди. Сўнгра Шамширбоз акаларига айтдики: «Сиз лашкарингиз билан подшонинг қаршисига саф тортиб бўлгандан кейин номани подшога юборинг. Биз икки подшонинг лашкари шаҳар кетидан бирданига шабохун қилиб, шаҳарни оламиз». Маслаҳат шунга қарор топди. Ўша кун Юлдузбоз акаси ўз лашкарлари ва қанча сиёсатлар билан шаҳарнинг рўпарасида чодир-чимматларини тикиб, қанча созандалар созларини чалиб, эртадан то кечгача ўтиравердилар. Кеч яқинлашгандан кейин ҳалиги номани бир чаққон кишига: «Шу номани подшонинг ўрдасига ўз қўлинг билан бер»,— деб тайинлаб бериб юборди. Номанинг мазмунини ўқиб подшо ҳайрон бўлди. Ёнидаги лашкарбошиларига қараб: «Нима қиламиз?» деб маслаҳатлашди. Подшо кишилари урушни ихтиёр қилди. Номачи уруш жавобини берган номани олиб қайтди. Подшо сардорлари шаҳар халқини кечаси билан йиғиб, эртаси тўдалаб, Юлдузбоз лашкарларининг тўғрисиغا сафрост қилди. Эртадан пешингача жами бўлган лашкар ҳамма шаҳар кўчаларида Юлдузбозга қарши турганда, Шамширбоз билан Оббознинг лашкарлари бир бўлиб, шаҳар орқасидан бирданига шабохун келтириб, ичкарига кирдилар. Буни кўрган подшо ташвишланиб, бараварига турган лашкарга урушай деса, орқасидан келган икки подшонинг лашкари, «бошимга бало бўлди», деб нима қилишини билмай саросима бўлиб, охири таслим бўлди. Шундан кейин Шамширбоз акалари билан тамоми халқни йиғиб, тамоми камбағал-эзилганлар золим, ваҳший кишилардан ўчларини олиб, отасини подшо кўтариб, қанча хурсандчиликлар қилиб, подшоликдаги хазиналардан эзилган халқларга тарқатди. Шундан кейин оталаридан: «Бизлар

уйлик-жойлик бўлиб қолган эдик. Сизнинг муҳаббатингиз билан келиб, шунчалик ишларни қилдик, энди розилик билан жавоб берсалар, биз қайтсак», деб розилик сўрагандан кейин, оталари ўғилларининг гапини бажонидил қабул қилди. Шундай қилиб, улар тинч-тотув ҳаёт ўтказибдилар. Улар ҳам етди муродга, биз ҳам етайлик муродимизга, эшитганлар ҳам етсин муродга.

ХОЛМИРЗАЖОН

(Минг бир холли от)

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадимги замонларда бир катта қишлоқда бир бой яшар экан. Бу бойнинг уч хотини бор экан. Уч хотинидан ҳам бир ўғил, бир қиздан фарзандлари бор экан.

Қушлардан бир кун бой болаларини олдиға чақириб, ўтқазиб насиҳат қилди. Катта ўғлиға:

— Эй ўғлим, мен эртаға жума кун эрта билан оламдан ўтаман. Шу пайтда бир гадоё келади, сен синглингни шу гадоёға чиқариб бер, сенға икки хазина тиллани бағишладим,— деди. Иккинчи ўғлиға:— Эй ўғлим, мени тахтаға олганда, бир гадоё келади, шу вақтда сен ҳам синглингни унға чиқариб бер, сенға ҳам икки хазина тилла бердим,— деди. Учинчи ўғли Холмирзажонни чақириб:— Эй ўғлим, мени тобутға солиш пайтида бир гадоё келади, сен ҳам синглингни чиқариб бергин, сенға ҳам икки хазина тилла бердим. Сўнгра ўзинг гўримға бориб, уч кун посбонлик қилгин,— деб васият қилди.

Жума кун, худди ўзи айтган вақтда бой жон берди. Шу вақтнинг ўзида бир гадоё ҳозир бўлиб овоз чиқарди. Катта ўғли эшитмаган кишиға ўхшаб, отасининг сўзиға амал қилмасдан тек турди. Холмирзажоннинг аччиғи келиб акасиға қараб:

— Қани, нимаға отамнинг васиятини қилмадингиз?— деди. Акаси Холмирзажонға қараб:

— Отам бўлса дунёдан ўтди, отамдан айрилдим, синглимдан ҳам айрилайми,— деб жавоб берди. Холмирзажон акасиға:

— Эй ака, қандай бўлса, отамнинг васиятини олдин қабул қилдингиз. Агар унамасангиз, менға берилган жавоҳирларнинг бир хазинасини сизға бағишладим,— деди.

Акаси рози бўлиб, синглисининг қўлидан ушлаб, ҳалиги гадойга чиқариб берди. Гадей бир дуо ўқиб, қизни бир олма қилиб, қўйнига солиб кетди.

Мурдани тахтага олган вақтда бир гадей келиб овоз чиқарди. Иккинчи акаси ҳам ўзини нодонликка солиб тек турди. Холмирзажон акасига қараб:

— Эй ака, сиз ҳам отамнинг берган насиҳатларига амал қилмадингиз,— деди. Бу акаси ҳам ўша жавобни қилди. Холмирзажон бу акасига ҳам:— Бўлмаса, иккинчи хазина-нинг жавоҳирлари сизники бўлсин, синглингизни чиқариб беринг,— деди. Акаси синглисининг қўлидан ушлаб, гадейга чиқариб берди. Бу ҳам аввалги гадойдек қизни олма қилиб, қўйнига солиб кетди. Отаси қафаланиб, тобутга солинган вақтда бир гадей келди. Унга Холмирзажон ўз синглисини чиқариб топшириб, гадей билан хушлашди. Бу ҳам аввалги гадейлардек қизни олиб кетди. Шундан кейин тобутни кўтаришиб кетганларича Холмирзажон отасининг қабрида уч кеча-уч кундуз посбонлик қилиб ётди. Тўртинчи кун кўзи уйқуга бориб, отаси тушига кирди. Тушида отаси:— Эй ўғлим, мен сендан рози, мардона иш қилдинг. Кимки ҳимматли бўлса, ҳимоя топади, унга бахт ҳам ёр бўлади. Кимки қийналса, осойишга етади. Энди сен шу ердан чиқиб, бахт қидириш учун мусофирликни ўзингга лозим топиб, шаҳарма-шаҳар томоша қилсанг, жаҳонгашта бўлиб, ҳар ишга ғалиб бўлгайсан,— деб насиҳат қилди.

Холмирзажон чўчиб уйғониб кетди. Қараса, отасининг қабри ёнида ётибди. Шу ердан чиқиб, уйига бормасдан бошқа томонларга бош олиб кетишни ўзига лозим топди-да, йўлга тушди. Бир фурсат йўл юргандан кейин олдидан бир сурув қўй чиқди. Чўпон билан сўрашгач, чўпон:

— Бу қўйларини фалон бой кенжа ўғли Холмирзажонга бағишлаб қўйган. Бу сурув қўй шу Холмирзажонники,— деди.

Холмирзажон чўпонга қараб:

— Бу сурув қўй Холмирзажонники бўлса, ўша Холмирзажон менман. Мен сизга бағишладим. Ярмини ўзингиз олинг, ярмини қишлоқ халқига, камбағал оилаларга, тул хотинларга, етим-есирларга тақсим қилинг, васиятим сизга шу,— деб хайрлашиб, ўз йўлига қараб кетди. У бир қанча йўл юргач, бир сурув йилқига дуч келди. Йилқибонларга учрашиб, ўзини билдириб, қўй чўпонга қандай тайинлаган бўлса, буларга ҳам шу тариқа гапни айтиб, ўз йўлига кетаверди. Йўлда ҳар хил моллардан сурувлар бор эди, ҳамма чўпон ва йилқибоқарларга, молбоқарларга шу гапларни тайинлаб, охири бир сурув туяга йўлиқди. Туябо-

қарлағ билан танишиб, буларга ҳам шу тариқа гапларин айтиб, ўзининг кийимини алмаштириб, ўзи кал суратиға кириб, жумурнинг гардларидан оҳак суркаб, баайни бир кал бўлиб, бир шаҳарга етди. Шаҳарда бир катта бой тўй бериб ётган экан, тўйда бир қанча кишилар кириб-чиқиб юрган экан. Холмирзажон бир четгинада жумурини босиб кийиб, ҳеч ким билан иши бўлмасдан ётаверди. Бир чавандоз отини мишиб келиб, қамчин билан кални туртиб кетди:

— Эй калжон, менинг отимни бир фасл ушлаб турсанг, мен тўйга кириб, тўй ошини еб чиқсам,— деб отни калга топшириб, тўй ошини еб чиқди-да, калдан:— Тўй оши едингми — деди. Кал:

— Йўқ,— деб жавоб берди. У тўйхонага кириб, калга ҳам ош чиқариб берди, ўзи эса чавандозликка кетди. Улоқдан иши баралла топиб, кўп сарполар олди. Чавандозликдан қайтишда қараса, яна ўша кал жойида ўтирибди. Калдан:

— Эй калжон, сен қаердан келдинг ва қаерга борасан?— деб сўради. Кал:

— Мен бир етимча, нон талаб кишиман. Қимки нон берса, шу кишининг хизматида бўламан. Бўлмаса, ётар жойим шу,— деди. Чавандоз:

— Бўлмаса, мен олиб борсам, менинг хизматимни қиласанми?— деди. Кал:

— Хўп,— деб рози бўлди. Шундан сўнг иккаласи кетаверди. Чавандоз кални уйига олиб бориб, бир жой қилиб бериб, отларига қарашга қўйди. Холмирзажон ўз мамлакатада юрган вақтида отасининг бир қанча отбоқарларидан кўриб, баъзи бир нарсаларни билар эди. Мисол учун отни ёзиштириш вақтларида бир кадини олиб келиб, отнинг тағига тутар, емин ҳам оз-оз бериб, кундан-кунга зиёдроқ беришларидан хабардор эди. Шундай қилиб, чавандознинг отларига қирқ кун қаради. Отларнинг ўзгариши, туриш-юришлари ўзгача бўлди. Бошқа отбозлар бунинг отбоқарлигига таҳсин-офарин деб кетар эдилар. Калнинг бу хизматларини подшо эшитди. Подшо шикорга чиқиш пайтида худди шу чавандознинг кўчасидан ўтиб бораётиб, отларга кўзи тушди. Отини тўхтатиб, мулозимларига қараб:

— Шу уй эгасини чақиринглар,— деб буюрди. Мулозимлар чавандозни чақириб, подшо ҳузурига олиб келдилар. Чавандоз қўрқиб, шошилиб подшоҳ олдиға келди. Подшоҳ:

— Эй чавандоз, чавандозлар ўғри бўлади, сен ҳам шу отларни қаердан бўлса ўғирлаб келганга ўхшайсан. Нима учун десанг, ундай отлар подшоликда бўлмаса-ю, сенинг-

дек оғзи, бурнини жун босган чавандозда бўлса,— дедк. Чавандоз подшога қараб:

— Эй подшоҳи олам, бир-икки калима сўзим бор, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айтаман,— деди. Подшо:

— Ўтдим,— деди. Чавандоз:

— Қачон шаҳардаги фалон маҳаллада тўй бўлган эди. Шу тўйга мен ҳам борган эдим, шунда бир кал бола билан танишиб, кални ўзимга хизматкорликка олиб келган эдим. Бола от боқишга жуда ҳунарманд экан. У кеча ва кундуз от ёнидан кетмасдан қарайверди. Отларнинг семириши, яхши бўлишига шу кал сабабчи бўлди. Агар ишонмасангиз, шу кални олдингизга олиб келиб кўрсатаман,— деб кални чақириб келди. Қал ҳам бўлган воқеаларни бирин-бирин гапириб берди. Подшоҳ воқеани англаб чавандозга:

— Бўлмаса, шу кални мен олиб кетаман. Агарда қирқ кун ичида аркони давлатнинг отлари ҳам шундай етилиб кетса, хўп-хўп, бўлмаса, икковингизга ҳам жазо бераман,— деб кални подшолликка олиб кетди. Подшо ҳузурига боргач, Холмирзажон сайнс бўлиб, бир қанча отларни парвариш қила бошлади. Бир неча кун яхшилаб қаради, отлар ўзгариб бораверди. Бир ой муддати ўтгач, отлар ҳалиги чавандознинг отидан ҳам зиёда бўлиб кетди. Шундай қилиб, қирқинчи кун подшоҳ чавандоз билан кални чақириб, кўп инъомлар бериб, хушвақт қилди. Ҳалиги калга жами сайислар бошлиғи ва қоровул бошлиғи амалини берди. Шундан кейин калнинг кўнгли бир оз ором олиб, бир томонга чиқиб кетди. У бир, бузук, хароба, одам бора олмайдиган чордевор жойни топиб олиб ухлаб қолди, шу ухлаганича кўп вақт ўтиб кетди. Подшо қарадики, кал ўрнида йўқ. Суриштириб кўрди, ҳеч ким билмайди. Ниҳоят подшо уни одам қўйиб ахтаришга буйруқ қилди. Новкарлар ахтаришиб, ҳалиги чордеворни қарасалар, бир киши ухлаб ётибди, унинг устига бир ажойиб от соя қилиб турибди. Унинг жумурлари бошидан тушиб, кокиллари ҳар томонга ёйилиб ётибди. Кўрган кишилар калнинг аҳволини бирин-бирин бориб подшога айтдилар. Шунда подшо:— Бир дўхтани ҳўллаб то уйқудан уйғонгунча бошининг устида соя қилиб туринглар. Уйқудан тургач, файтунга солиб, ҳаммомга олиб бориб чўмилтириб, яхши сарполар кийдириб, менинг ҳузуримга олиб келасизлар,— деб буйруқ қилди. Ҳалиги кишилар подшонинг айтганидай қилиб, то кал уйқудан тургунга қадар бошида соя қилиб турдилар. Бир вақт кал уйғониб қараса, бошидан жумури туш-

¹ Дўхта — шолчага ўхшаш нарса.

ган, кокиллари ёйилган ҳолда ётибди. Уялиб жумурини бошига босиб ўрнидан турди. Хизматкорлар файтун олиб келиб, уни миндириб ҳаммомга олиб бориб, ювинтириб, ҳар хил шоҳона кийимлар кийгизиб, подшоҳ ҳузурига олиб келдилар. Подшоҳ боланинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб:

— Эй ўғлим, сен яхши кишининг фарзанди экансан, бизлар билмабмиз. Энди сени бугундан бошлаб вазирликка ўтказдим,— деб шаҳарига билдирди.

Холмирзажон ҳар куни шаҳарни айланиб, баъзи бир хароба жойларни тиклаб, баъзи камбағалларни йиғиб, уларга ёрдам қилиб юраверди. Кунлардан бир кун у бир мантипазнинг дўкони олдидан ўтиб бораётган пайтида икки камбағал кишини кўриб қолди, яхшилаб тикилиб қараса, улар ўзининг икки акаси экан. Холмирзажон уларни олиб келиб, ҳаммомга солиб, ҳар хил шоҳона либослар кийдириб, уларни ҳам амалдор қилиб ишга жойлаштирди.

Бир куни подшо қарасаки, ҳалиги акаларининг келганларидан шу ёққа қовоқ-димоғлари осилган, ҳеч тўғри сўзламасдан ўнг бўлиб юришибди. Подшоҳ уларни ҳузурига чақириб:

— Сизлар келганларингиздан бери ҳеч тўғри сўзламасдан, ўйнаб-кулмасдан турасизлар, сабаби нима?— деб койинди. Акалари подшога қараб:

— Эй тақсир, подшоҳи олам, қандай бўлса ҳам муссофирчилик, иккинчидан сизнинг аркони давлатингизда баъзи бир нарсалар йўқ,— дегач, подшоҳ уларга қараб:

Подшолигимиз ўзимизча ҳеч нарасдан бекам-қўст деб ўйлаймиз. Хўш, бизнинг аркони давлатимизда нима йўқ деб ўйлайсиз? Бизда нима камчилик бор, шунини айтингчи?— дебди. Холмирзажоннинг акалари подшога:

— Эй тақсири олам, бу нарсаларни айтсак, топа олмасиз. Магар Холмирзажон топса керак,— деди. Подшоҳнинг ичи қизиб, яна нималигини сўради. Акалари:

— Эй подшоҳим, бир ҳафтранг қуш деган жонивор бор, ҳар дақиқада етти рангда товланади. Ана шу жониворнинг терисидан сизга ўхшаган шоҳларга телпак бўлса яхши бўлар эди. Ана шундай аркони давлатда шундай телпак бўлиши лозим,— деб подшонинг ичинини ғимирлатиб қўйди. Подшо ўзидаги тамомини вазиру вузаро ва мулозим, акобирлари билан ўтирган пайтда Холмирзажонни чорлаб, кифтига қўлини ташлаб, акобирларига қараб:

— Эй мулозимлар, билмиглар ва огоҳ бўлинглар! Дунёда бир ҳафтранг қуш деган жонивор бор эмиш. Шу жониворнинг терисидан бўлган телпакдан топиб олиб келишни

Холмирзажонга буюрсак, шу кишидан бошқа киши улдасидан чиқа олмайди,— деди.

Подшоҳ амалдорлари бирданига Холмирзажонга фотиҳа бердилар. Холмирзажон ўйланиб, ҳеч нима дея олмасдан тек қолаверди. Бирпасдан сўнг кўнглида: «Эй Холмирзажон, шунча кишининг ичида шу гапни қайтариш ҳеч хуш келмайди. Бу ишни хоҳ бажарай, хоҳ бажара олмай, ўз бўйинига олишим зарур» деб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳалиги чордеворга бориб, ўтириб-ўтириб, ўйланиб ухлаб қолди. Ҳалиги от соя қилиш учун келиши билан отнинг шарпасига Холмирзажон кўзини очиб қаради. Қараса, бошининг устида бир от турибди. Отга қараб:— Эй жонивор, сен қаердан келдинг?— деб ҳол-аҳвол сўради, от бунинг ҳолини сўради. Холмирзажон бошидан ўтганларини, кейин ҳафтраг қушининг воқеасини айтиб, шу ерга келиб, ғамгин бўлиб турганлигини отга ҳикоя қилди. От Холмирзажонга қараб:

— Эй одамзод, ўйловчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади. Сени бир жойга элиб кўяман, мақсадинг ўша жойдан ҳосил бўлса, ажаб эмас,— деди. Холмирзажон подшоҳ ҳузурига бориб, қирқ кун муддат тилаб, яна чиқиб отнинг олдига келди. От устига миниб ҳайдагач, от кўтарилганча осмони фалакка олиб чиқиб, бир қанча вақтлар учиб, бошқа бир жойга тушди. Тушса, бир чорбоғи олий, ҳамма мевалар муҳайё, беҳисоб гуллар, булбуллар чақчақлашиб сайрашиб турибди. Ширин-шакар мевалар пишиб турибди. Холмирзажон бир мевани ейман деб олган эди, бир томондан бир синглиси келиб, Холмирзажонни уйига олиб кетди. Холмирзажон қараса, катта синглиси экан. Кўришиб, сўрашиб, бир қанча зиёфатлар қилиб, охири Холмирзажонни бир даста райҳон қилиб бошига санчиб қўйди. Бирпас ўтмасдан бир дев ҳозир бўлиб «пуҳ-пуҳ, одамзод иси келаяпти» деб хотинидан сўрай бошлади:— Катта аканг келган бўлса, ейман; кичик аканг келган бўлса, ейман; Холмирзажон келган бўлса, бошидан уч айланиб савол сўрайман,— деди. Хотини:

— Ҳеч қандай одам келгани йўқ, ўзинг ўша томондан еб келгансан, ўзингнинг оғзингдан одам иси келгандир,— деди. Дев яна шу гапни айтди: «Тўғриси айтгин», деб дев хотинига ваҳшат қилди. Хотин ночор Холмирзажонни ўз аслига келтирди. Дев Холмирзажоннинг бошидан уч айланиб савол сўради. Холмирзажон девга бошидан ўтган воқеаларни бир-бир айтди. У сўзнинг охирида акаларини олиб келиб, уларга яхшилик қилиб, бу яхшилик эвазига акалар, уни шу аҳволга гирифтор қилганларини девга баён

қилди. Дев ўйланиб, бир фурсатдан сўнг бошини кўтариб:

— Эй Холмирзажон, парво қилма, бу мақсадингни бажарамиз,— деб кўнглини кўтарди, бир неча кун зиёфат-зарофатлар қилди. Ниҳоят дев ўйланиб-ўйланиб:— Ҳафтранг қушнинг бир жойда сув ичадиган жойи бор. Шу жойга лаҳим қазиб, оғзига бир тегирмон тошини тўнгариб, ичига Холмирзажонни ўтқазиб, бир туянинг ўлкасини тегирмон тоши ўртасидан ўтказиб, қўлига ушлатиб қўямиз. Ҳафтранг қуш келиб сув ичиб, гўштга кўзи тушиб, гўштни ютса; иккинчи томондан, ўзим бориб босаман. Шундагина у қушни ушлаш мумкин,— деб айтди. Икковлари айтилгандай қилиб, ҳалиги сув ёқасига бориб туриб эдилар, туш вақтида ҳалиги ҳафтранг қуш чанқаб сув ичгани тушди, аммо одам-вод иси бурнига уриб кўтарилиб кетди. Бироздан кейин қушнинг чанқаша зиёда бўлиб, яна сув ичгани тушди, яна кўтарилди. Учинчи марта бениҳоят чанқаб, охири сувни ича бошлади. Қуш сув ичиб сероб бўлиб, у ён-бу ёнига қараб, бир чеккада гўшт турганини кўрди, бориб гўштни бирданига ютиб юборди. Гўшт қушнинг томоғидан ўтиб, кекирдакка борганда, бир учи тегирмон тошидан ҳеч чиқмай турди. Қуш икки-уч силкиниб, гўштни ўзига тортиши биланоқ дев вақтни ғанимат топиб, бирдан келиб қушни босиб олди. Улар қушни сўйиб, терисини шилиб олиб, девнинг уйига келдилар. Синглиси бир канча телпак бичиб, бир телпакни подшога, бирини Холмирзажонга, бирини эса аркони давлатга намоийш қилиш учун, бир биллур ойна ичига солиб қўйиш учун тайёрлади. Холмирзажон бир кунни ўйлаб қараса, келганига қирқ кундан ошиб кетибди. У синглиси ва дев билан хайрлашиб, ўз юртига келиш учун йўлга чиқди. Холмирзажон ҳалиги чорбоққа келиб, отнинг ёл-думидан тутатгач, от ҳозир бўлди. У дарҳол от устига миниб, ўз мамлакатига қараб йўл олди. Бир қанча чўллари, тоғлари, дарёлари ва ўрмонлари учиб ўтиб, от пайида яна ҳалиги чордеворга келиб тушди. У от билан хайрлашиб, шаҳар ичига қараб кетди, от ҳам келган томонига қараб кетди. Шаҳар халқи Холмирзажонни кўриб, подшоҳ ҳузурига бориб хабар қилди. Шу пайтда Холмирзажон ҳам бориб подшо билан, ҳамма ақиблар билан кўришиб, бошидан ўтган саргузаштларини бир-бир айтиб берди. Подшо Холмирзажоннинг келганига хурсандлик учун зиёфатлар, ниҳомлар берди. Шундай қилиб, бир неча кунлар хурсандчилик бўлиб кетди.

Бир кунни подшо қараса, Холмирзажоннинг акалари яна хафага ўхшайдилар. Подшо уларга қараб:

— Эй Холмирзажоннинг оғайнилари, шунча халқ хурсандчилиқ қилиб юрса-ю, сизлар икковингиз хафалиқдан чиқмасанглар, буни қандай тушуниш мумкин?— деди. Булар подшога қараб:

— Эй подшоҳим, бизлар айтган нарсани энди биттаси мавжуд бўлди, у ҳам бўлса ҳафтранг қушнинг телпағи. Бундай аркони давлатда бир булбулигўё сайраб турмаса бекор-да,— дейишди. Подшо уларга қараб:

— Эҳе, бу булбулигўёни энди қаердан топамиз?— деди. Холмирзажоннинг акалари:

— Ҳафтранг қушнинг телпагини топган одам булбулигўёни ҳам топади-да,— деди.

Подшо бир кўни Холмирзажонга:

— Эй Холмирзажон, шу аркони давлатга бир булбулигўё лозим экан, шунни топиб келинг!— деди.

Холмирзажон почор, бир чеккага бориб, ҳалиги отнинг ёл-думини тутатди, шу пайтда от ҳозир бўлди. У отнинг атрофида айланиб: «Эй жонивор от, сени ҳозир қилишни ўзимга эп билмасдим, лекин мажбур бўлиб сени ҳозир қилдим. Яна бир мушкул иш бошимга тушди. Шунинг иложи қандай бўлар экан», деб маслаҳат қилди. От:— Эй одамзод, бир жойга сени олиб бориб қўяман. Уша жойда муродинг ҳосил бўлса, ажаб эмас,— деб устига йигитни миндириб, ҳавога учиб кетди.

Бир қанча учгандан кейин бир жойга уни туширди. Бу жой аввалги кўрган чорбоғидан ҳам зиёدارоқ эди. Шу чорвоққа тушиб, ҳар томонларни сайр қилиб юрган вақтида ўртадан синглиси Холмирзажоннинг келганини билиб, уни зиёфат қилди. Кейин Холмирзажонни бир дам билан бир коса сув қилиб, бир жойга олиб қўйди. Бир вақтдан сўнг дев келиб:

— Пуф-пуф, одамзод иси келади. Катта аканг келган бўлса, ейман: кичик аканг келган бўлса ҳам ейман. Холмирзажон келган бўлса, бошидан уч айланиб савол сўрайман,— деди. Синглиси эридан емасликка ваъда олиб, Холмирзажонни ўз аслига келтириб қўйди.

Дев Холмирзажонни кўриб, бир неча бор айланиб савол сўради. Холмирзажон девга қараб, бошидан ўтган ва акалари билан бўлган воқеаларни бир-бир баён қилди. Дев аччиғи келиб, бирпасдан сўнг аччиғи пасайиб, Холмирзажонни зиёфат қилиб:

— Эй Холмирзажон, бу сенинг мушкул ишингга мен фикр қилиб, ҳеч чора-тадбир топа олмадим. Энди бу ишингни, мушқулигини осон қилиш фақат кичик синглининг эрининг қўлидан келади. Чунки у бизлардан катта-

роҳ ва нурзарб, ҳунарманд девдир. Агар ўшага айтсак, бу мушкул ишнинг иложини ўша қилади,— деб, Холмирзажонни эргаштириб, ўша девнинг ҳузурига элиб қўйди. Бу синглиси ҳам Холмирзажонни зиёфат қилиб, зиёфат тамом бўлгач, бир дамни қилиб, бир ништахол¹ қилиб, бошига санчиб қўйди. Бир фурсатдан сўнг эри келиб, бу ҳам аввалги девдек гапирaverди. Хотини девни емасликка қасамёд қилдириб, акасини ўз аслига келтирди. Дев Холмирзажоннинг бошидан бир неча бор айланиб савол сўради. Холмирзажон бўлиб ўтган ҳамма гапларни, сир-асрорларни бири-бирин айтиб, охири булбулигўё хусусида гапириб: «Энди шу хизматни сиздан кутаман», деб қўйди. Дев бир қанча вақт ўйлаб, охири Холмирзажонни зиёфатлар қилиб, зиёфат тамом бўлгач, унга:

— Энди маслаҳат шу. Мен сени орқамга миндириб, осмонга учаман. Девлар подшосининг бир макони бор, у ҳам бўлса бир азамат чинорнинг устида. Шу чинорнинг устида бир тахт қўйилган. У тахтнинг устида булбулигўёнинг макони бор. Мен сени кўтариб ярим кечадан сўнг ҳавога учаман. Шу булбулигўёнинг тўғрисида бориб, қўлингни узатиб, усталик билан булбулигўёни олу, лекин зинҳор-зинҳор ҳушёр бўлгин, ниқоби кўтарилмасин. Агар кўтарилса, бир чирсилласа, у вақтда посбон девлар билиб қалиб, икковимизни ҳам парча-парча қилиб ташлайдилар,— деб тайинлади-да, устига Холмирзажонни миндириб, ярим кечадан ўтгандан сўнг ҳавога учиб кетди. Дев ҳалиги чинорнинг устидан учиб бориб, булбулигўёнинг тахти олдида келиб, Холмирзажонга: «Ҳушёрлик билан олгин», деб ишорат қилди. Холмирзажон оҳисталик билан булбулигўёни олди. Бир қанча юрганларидан сўнг йигитнинг қизиқиши ортиб, «қани энди бир кўрай» деб, булбулнинг ниқобини кўтарди. Булбул одамзодни ҳеч кўрмаган эди, кўриш билан бир чарроз уриб юборди. Бунинг овози ҳамма томонларга ёйилиб кетди. Дев қаҳрланиб пастга қараб шундай тез учди. Дев пастга тушиб Холмирзажонга қараб:

— Эй Холмирзажон, сенга мен «ниқобни кўтармагин» деб қанча тайинлаган эдим. Агар девлар билса эди, мннг жонимиз бўлса ҳам, бири қолмас эди,— деб бир лаҳим қазиб, лаҳим ичида бир неча кун булбулни сақлаб ёгди. Холмирзажонни булбулга таништириш учун уни ҳар кунни озгина-озгина кўрсатиб турди. Бир неча кундан сўнг йигит булбулнинг олдида кириб ўтирадиган бўлди. Улар роса синашта бўлганларидан сўнг, дев булбулни Холмирза-

¹ Ништал — ипак текислайдиган сим.

жонга топшириб, кетишга ижозат берди. Холмирзажон булбулигўёни олиб, ҳалиги отни ҳозир қилиб, мамлакатига учиб кетди. Бир неча жойларни томоша қилиб, охири ўз шаҳрига етиб, отга жавоб берди. Ўзи эса подшоликка кириб, ҳамма ёр-биродарлари билан кўришиб, сўрашиб, булбулигўёни подшонинг тахти устига бир жой қилиб осиб қўйди.

Подшоҳ Холмирзажоннинг омон қайтиб келганига хурсанд бўлиб, қанча кун томошалар қилди. Бир неча кунлар фароғат билан кун кечирдилар.

Бир куни подшо Холмирзажоннинг акаларига қаради, улар ҳамон хафаликдан чиқмайдилар. Подшо уларга қараб:

— Эй биродарлар, сизлар нима учун хафаликдан чиқмайсизлар. Подшоликда укангиз вазир бўлса, ўзларинг амалдор бўлсанглар, нима учун сизлар хурсандлик билан кун кечирмайсизлар? Сизлар айтган нарсаларни Холмирзажон топиб келди-ку,— деди. Акалари подшога қараб:

— Эй подшоҳим, сиз шу иккитагина нарса подшолигингизда бор деб қувонасиз. Ҳали кўп нарсалар йўқ,— дегач, подшоҳ уларга қараб:

— Яна нима нарса йўқ деб ўйлайсиз,— деди. Холмирзажоннинг оғалари кулиб:

— Эй подшоҳим, сиз шу отларингизни, ўзингизча от деб ўйлайсиз. Бир жазира бор, шу жазирада бир от бор, у отнинг помини минг бир холли от дейдилар. Унинг бир қанча болалари ҳам бор. Агар ўша отнинг болаларидан бир нечаси бу аркони давлатда бўлса эди, сиз шахсан офарин дер эдингиз,— деб таъриф, тавсиф қилдилар. Подшоҳ бу гапни эшитиб, ўйланиб, кейин ўрдага кириб, бир вазири доносига бўлган воқеаларни бир-бир баён қилди. Вазири доноси ўйланиб, бирпасдан сўнг бошнинг кўтариб, подшога қараб:

— Эй подшоҳим олам, кўнглимдан бир гап ўтди. Шу Холмирзажон акаларига яхшилик қилиб, уларни азоб-уқубатлардан қутқариб, бу ерга олиб келди, буларни амалдор қилди. Булар эса уни ҳафтранг қушнинг телпагини топишга буюрган ўша вақтларда мен уларнинг ҳақиқий душманликларини сезган эдим. Улар иккинчи бор булбулигўёга буюришга ҳам сабабчи бўлдилар. Шундан ҳам билдимки, улар душман экан. Энди бўлса бир жазирадаги юз минг холли отни олиб келишни айтибдилар. Бизлар бундай гапни эшитганимиз ҳам йўқ. Сиз билсангиз, улар Холми жонга душманлик қилиб, уни йўқ қилишни ўйлайди. Эй подшоҳим, Холмирзажонга буюрган ишла-

рингиз кўп амри маҳол ишлардир. Агар сиз ҳам кўнглингизда Холмирзажон йўқ бўлиб кетса-кетсин десангиз, шу хизматга уни юборинг. Бўлмаса, шу икки акасига жазо бериб, дунёдан йўқ қилинг,— деб маслаҳат берди. Яна ва-зир:— Эй подшоҳи олам, сизнинг бир қизингиз бор. Бу қизингизга ҳар томонлардан совчи келиб турибди, ҳеч қайси-га уни бермангиз. Менинг илтимосим шуки, қизингизни Холмирзажонга бериб, кейинчалик ўрнингизга подшоҳ қилсангиз. Чунки у ҳусн боғида танҳо, иккинчидан, мардоналик, ботирлик ва ақлирасоликда тенгсиздир. Сиз ўйламанг-ки, Холмирзажон бу вазирининг яқин кишисидир, шунинг учун шу маслаҳатни беради деб. Мен бир холис одамлардан. Ҳақиқат гапни айтмоқ вазири дононинг вазифасидир. Шунинг учун мен бу вазифани ўз бўйнимдан соқит қиламан. Бир вақтлар келарки, сиз бир гапдан пушаймон бўлиб: «Эй вазир, бир вақтлари яхши маслаҳат кўрсатган эдинг» дерсиз,— деб вазири доно сўзини тамомлади.

Подшога бу гаплар таъсир қилиб, бирпасдан сўнг вазирига қараб:

— Эй дўстим, сен ҳақиқатан ҳам тўғри сўзларни айтдинг. Менинг ҳам кўнглимдан шу гаплар ўтди. Лекин Холмирзажон шу отни олиб келишнинг уддасидан чиқиб, олиб келса, яхшироқ бўлар эди. Бўлмаса, ўзига маслаҳат қиламиз, ўзи нима деса, шуни қиламиз. Агар бора олмайман деса, унга қараб иш қилармиз,— деб Холмирзажонни чақиртирдилар. Холмирзажон подшо ҳузурига келди. Қараса, вазири доно билан подшоҳ ўтирибди. Подшо:

— Эй Холмирзажон, сизга маслаҳат бор. У ҳам бўлса, бир жазирада бир от яшар эмиш. Унинг оти Юз минг холли от эмиш. Шунинг ҳам билар экансиз. Қандай бўлса ҳам шуни подшоликка келтирсангиз,— дегач, Холмирзажон:

— Хўп, майли,— деб жавоб берди. Қирқ кунлик муҳлат олиб, у подшоҳ ҳузуридан фотиҳа олиб чиқиб кетди. Бориб бир чордеворда ухлаб қолди. Уйқусида туш кўрди, тушида Хўжайи Хизр кўринди. У болага меҳр-шафқат қилиб: «Эй ўғлим, гапгин бўлма. Сен темирчиларга бориб, оёққа киядиган темирдан бир асбоб ясатгин. Оёғингга кийиб от устига минганда, от агар йиқитаман деб сакраса, шу асбоб қисадиган бўлсин. Шу асбобни ясатиб келганингдан сўнг, ўзингнинг ўша минадиган отинг сенга ёрдам қилса керак», деб ғойиб бўлди. Холмирзажон уйқудан туриб, тушида айтилганидай қилиб, темирчиларга келиб, бир асбоб ясатди. У асбобни оёғига кийиб, отга минса, от тўғри юради, от агар йиқитаман деб сакраса, ҳалиги асбоб отнинг қорнига ёпишиб, тўғри сиклари баданларига кириб кетгудай бўла-

ди. Шундай қилиб, Холмирзажон ҳалиги чордеворга бориб, отнинг думини ёлини тутатди, от ҳозир бўлди. От:— Қани, нима хизмат?— деди.

Холмирзажон отга қараб:

— Эй жонивор, менинг икки акам душманлик қилиб, кўп балоларга гирифтор қияпти. Хусусан, ҳозирги айтган парсаси жуда ҳам мушкул ишдир,— деди. От:— Нима мушкул ишинг бор?— деди. Холмирзажон:— Эй жонивор, бир жазира бор эмиш, шу жазирада бир от яшар эмиш. Унинг номини Юз минг холли от дер эмиш. Подшо ана шу отни топиб келишни буюрди. Энди мен шунинг иложини топа олмасдан юрибман,— дегач, от:— Эй одамзод, жон еримдан тутдинг-ку, у от менинг онам бўлади. Энди сен ўшани ушлайдиган бўлсанг, бир отнинг терисини шилиб келасан. Шу тери ичига сени жойлаб, бир кўлнинг ичига тикиб қўяман. Бир қамишдан нафас олиб, бир неча вақтлар ётасан. Менинг онам сув ичгани келади. Онам сув ичиб бўлгандан сўнг шу кўлга юмалайди. Шу вақтда мен сенга ишора билан билдираман. Сен эпчиллик билан онамнинг устига миниб оласан. Онам сени кўтариб ҳавога олиб чиқиб, тўрт оёғини осмонга қилиб «ташлаб юбораман» деб ҳаракат қилади. Сен маҳкам ёпишиб ол. То «ҳайкалим урсин» демагунча, унинг аҳд-вафосига ишонмайсан,— деб тайинлади.

Холмирзажон бир отнинг терисини олиб, от устига миниб, парвоз қилди. Бир неча вақтлар учиб, охири ўша жазирамага етиб, отдан тушди-да, ҳалиги отнинг терисига кириб, бир кўлнинг ичига кириб ётди. Нафас олишга бир томондан бир қамиш қўйди. Отга:— Эй жонивор, қандай бўлса, мендан хизматингни аямагин,— деб тайинлади. Бир неча фурсат ўтиб, отнинг шарпаси эшитилиб қолди. От сув ичадиган жойига тушиб, сув ичиб бўлиб, кўлнинг у томони, бу томонларига юмалаб, бироз ором олиб, бирпас ухлай бошлади. Ҳалиги от келиб терини тишлаб оҳиста-оҳиста онасининг олдига қараб суриб борди-да: «Вақт раҳимат, ўзингни онамнинг устига ол»,— деди. Шу онда Холмирзажон тайёрланиб турган эди, чаққонлик билан теридан чиқиб, Юз минг холли отнинг устига ёпишиб олди. Юз минг холли от уйғониб, ҳавога қараб учиб кетди. Осмон фалакка чиқиб тўрт оёғини тикка қилиб, ўзини силкий бошлади. Холмирзажон ҳам отнинг силкиганига ҳалиги оёғидаги қисадиган темир асбобини тортиб эди, гўёки отнинг бадаларини тешиб киргандай бўлди. От питирлаб:— Эй одамзод, менга бундай азоб қилма, сенга бўйин эгаман,— деди. Холмирзажон:— Бир аҳд қилсанг, қўярман,— деди. От:—

Аҳдим шуки, мен бўйин эгаман, оғзингдан чиққанига, мен таслим,— деганига ҳам у қарамади. Охири от ўзича: «Шу қисишда қиса берса, менинг ажалим етган экан-да, кел энди шунга таслим бўла қолай», деб: «Таслим бўлдим, ҳайкалим урсин», деб ваъда қилди. Холмирзажон билан от аста-аста пастга тушиб, отнинг ёл-думларини уқалаб, кўзларини артиб, пешоналаридан ўпиб, бир-бирлари билан чунон дўст бўлдиларки, ақлдан ташқари. Холмирзажон отни ва болаларини чувалаштириб, бир неча вақтлардан сўнг шаҳар ичига кирди. Шаҳар халқи гулгула бўлиб, отни бир неча кун томоша қилиб юраверди. Бошқа шаҳарлардан ҳам одамлар келиб, отни томоша қилиб кетар эдилар. Подшо Холмирзажон келганига хурсанд бўлиб, шаҳарга бир неча кун тўй берди.

Ҳалиги вазир билан подшо маслаҳатлашиб, қизи маликан Хуббини Холмирзажонга тўй-томошалар қилиб топширди. Холмирзажон шу мамлакатда бир неча йиллар подшо бўлиб, тинч-тотув яшаб, мурод-мақсадларига етди. Сизлар ҳам етинглар муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

ГУНГИЛА

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонларда бир подшо бор экан. Унинг бир қизи бўлиб, бошқа фарзанди йўқ экан. Подшонинг қизи алоҳида бир чорвоқда яшар экан. Қизига кўп жойлардан одам чиқибди, лекин подшо бермабди. Шу чорвоқда бир гулчи бор экан, унинг бир ўғли бор экан. Шу бола билан подшо қизининг бир-бирига муҳаббати тушиб, бирга юрар экан. Бир куни кампирлар сезибдики, қиз ҳомиладорга ўхшайди. Подшо ҳам бу сирни сезиб, ичида афсусланиб, нима қилишини билмасдан, қизини чорвоқдан чиқармай қўйди.

Кунлардан бир куни подшонинг қизи хушсурат бир ўғил туғибди. Кампирлар подшодан қўрққанларидан бу болани гулчи бобога бериб юбордилар. Бобо болани тарбия қилиб юраверди. Бу чорвоқнинг бир томони тоғларга бориб туташган эди. Бир куни бир дев бу қиздан хабар топиб қолиб, чорвоққа келиб, уни кўтариб ўзининг маконига олиб кетди.

Подшо бу ишдан нима қилишини билмасдан ўйланиб, хабарчи юборса, қизининг дужон бўлганини ўйлайди, хабарчи юбормаса, битта-ю-битта қизи, нима қилишини билмасдан қолди.

Гулчи бобо эса болани тарбия қилиб, ҳар замон подшоларга олиб келиб, хешларига кўрсатиб, олиб келиб-олиб кетиб юраверди. Бола аста-секин балоғатга етиб, кўчаларда ўйнаб юриб эди, болалардан бири «сенинг онанг йўқ» деб таъна қилди. Бола бу гапини эшитиб, гулчи бобосининг олдига келиб, болаларнинг гапини эшитиб хафа бўлганини айтиб:— менинг онам йўқми, баччалар менга: «Сенинг онанг йўқ» деб айтишяпти,— деди.

Бобо бўлган воқсаларни, онасининг йўқолганлигини айтиб берди. Бола бобосига:

— Бобо, мен онамни ахтариб, топиб келай, менга ижозат беринг,— деди. Бобоси рози бўлмади.

Кунлардан бир кун катта йўл остида ўтириб эдики, бир савдогар ўтиб бораётибди. Бола ҳам савдогарлар билан

эргашиб кетаверди. Савдогарлар қарасаки, орқаларидан бир бола эргашиб бораяпти. Савдогарлардан бири:

— Эй бола, қаерга борасан? Бизлар савдогармиз, бизлар отга, эшакка минганмиз. Сен пиёда чарчаб қоласан,— деб йўлдан урдилар. Бола ҳеч қолмасдан шуларнинг кетидан кетаверди. Булар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, бир шаҳарга бордилар. Савдогарлар шаҳар дарвозасидан кириб кетди, бола бўлса дарвозадан ташқарида қолиб кетди. Ярим кечадан ўтиб эдики, бир шамол туриб, шаҳардан ташқаридаги қўй борми, эчки борми — ҳаммаси шамол билан сурилиб кетаверди. Шулар билан бирга бола ҳам беихтиёр сурилиб, тўғри девнинг маконига бориб қолди. Боланинг онаси қарасаки, бир бола ҳам шу ҳайвонларнинг ичида келиб қолибди. Болани кўргани ҳамона қизнинг эмчагидан сутлари оқиб, ўзини ҳам йўқотиб қўйгудек бир меҳр пайдо бўлди унда. Қиз дарров болани турғазиб, қўл-бетларини ювиб, ҳушига келтириб, қол-аҳвол сўради:

— Эй бола, сен бу ерларга қандай келиб қолдинг?

Бола ҳам бошидан ўтганларини, онасини излаб чиққанлигини айтгач, подшонинг қизи бу ўзининг боласи эканлигини сизди ва девга қараб:

— Бу болани ўлдирманг, бу менинг болам эди. Гулчи бобо уйида боқиб катта қилган эди. Бу мени ахтариб келибди. Энди бу бола сизнинг болангиз билан икковлари ўйнаб юради,— деди.

Дев қизни олиб кетгандан кейин булардан ҳам бир бола туғилган эди. Бу боланинг ҳам қадди қомати келишган, лекин гапира олмас эди. Шунинг учун отини Гунгила қўйишган эди. Бу бола ҳам шу ерда эмаклаб юрган эди. Қисса кутох, она-бола топишиб, шу жойларда яшаб юравердилар.

Девдан туғилган бола секин-аста оёққа кириб, шундай бир қувватли бўлдики, агар дарахтни ушласа, томир билан суғуриб отар эди, агар тоғнинг чўққиларини ушласа, ушағиб олар эди.

Кунлардан бир куни дев подшонинг қизига айтди.— Энди сенинг ўғлингни ўлдирман, бўлмаса, бир куни шу Гунгилани олиб қочиб кетади, кейин пушаймон бўламиз,— деди. Бир, икки, уч мартаба айтди, аёл рози бўлмади. Ахир бир куни бола билан Гунгила ўйнаб юрган вақтида дев тошни кўтариб келиб, боланинг устига ташламоқчи бўлди. Буни кўрган Гунгила отасининг қўлидан тошни олиб, отасини шундай урдики, дев юмалаб ерга гушиб ўлиб қолди. Акъси бу ишни кўриб, укасига муҳаббати яна знёда бўлди.

Кўнглида: «Энди онам билан укамни олиб шаҳарга кирсам, мен ҳам шаҳар халқи билан бирга бўлиб яшасам» деб ўйлаб, онаси билан укасини олиб, шаҳарга яқин бир жойга келиб яшаб юравердилар. Гунгила бўлса кўчага чиқиб, болалар билан ўйнаб, баъзисини уриб, баъзисининг бошини ёриб, ахири болаларнинг она-отаси Гунгиланинг акасига келиб: «Қандай одамсизлар, бизларнинг болаларимиз кўчада ўйнаб юра олмаса. Ё сизлар қишлоқда турунглар, ё бизлар турайлик», деб додладилар. Сўнгра Гунгиланинг акаси нима қилишини билмасдан: «Бу бола билан шаҳар, қишлоқ ичида юрсам, қулоғим додга қолар экан. Бизларга бир чет жой тўғри келар экан» деб, бир тоғнинг устига макон қилиб кўчиб бордилар. Шу жойдан ертўла қилиб, яшай бошладилар. Кундузи бўлса Гунгила билан акаси тоғларга чиқиб, овчилик қилиб, камон билан каклик отиб, ҳар хил ҳайвонларни ушлаб, терисини шилиб олиб, бозорга олиб бориб сотиб, ҳар хил таомларни олиб, кун кечириб юравердилар.

Кунлардан бир кун ака-ука юриб бораётиб эдилар, бир қўшчи қўш ҳайдаб юрган экан. Икковлари қўшчининг олдига бориб, ҳамсухбат бўлиб гаплашиб турдилар. Қўшчи булардан ҳол-аҳвол сўраб:

— Сизлар қаерда яшайсизлар, қаерга бораёсизлар. Бу ерларда одам яшамайди-ку, сизлар қандай тирқчилик қиласизлар?— деди. Гунгиланинг акаси:

— Эй ота, бизлардан аҳвол сўраманг. Бизлар аввал шаҳарга яқин жойда яшар эдик. Мана шу укамнинг дастидан у жойда яшай олмадик. Энди шу ерларга келиб, овчилик қилиб умр кечираймиз. Деҳқончиликни билмаймиз,— деди. Ҳалиги деҳқон:

— Менинг манзилим бу жойдан йироқдир. Сизлар билан шерик бўлайлик. Ер, уруғлик мендан бўлсин, экиштикиш, саришта қилиш сизлардан бўлсин. Шунга рози бўлсангизлар, сизлар ҳам бемалол яшаб юраверасизлар,— деб эди, бу гап болага маъқул тушиб, рози бўлди. Шундан кейин деҳқон билан болалар шу ерга экин экиб, яшаб юравердилар.

Кунлардан бир кун деҳқон билан шериклари қовун экиб, қовунлар пишиб, булар қўриқлаб ўтириб эди, подшо бир гуруҳ одамлари билан саёҳатга чиқиб, иттифоқо кўзи буларнинг чайласига тушди. Узи бир дарахт тағина ўтириб, бир-икки кишини: «Бориб чайладан хабар олиб кел, қани бу ерда қандай киши яшар экан», деб юборди. Подшонинг одамларидан иккита ясовул билан чайла яқинига келиб қарасаларки, чайла ичида бир киши ётибди, ҳайбати-сало-

батидан ер-қўқ ларзага келади. Ҳалиги икки ясовул қўрққанларидан оҳиста-оҳиста кейини билан юриб, келганига пушаймон бўлиб, подшонинг олдига келдилар. Подшога гоҳ тутилиб, гоҳ гапириб, чайла ичидаги девзод одамни, бўлган воқеани айтадилар. Подшо ҳайрон бўлиб уларга:

— Қандай одам сизларки, бир одамдан қўрқиб дудуқланиб қолдинглар? Қани, ким бориб воқеа-аҳволни билиб келади?— деди.

Бир неча одам ўринларидан туриб, чайла томонга қараб келаверди. Буларнинг шарпаси Гунгилани уйғотиб қўйди. Гунгила уйғониб ўрнидан туриб қараса, бир неча одам яқинлашиб келиб, Гунгилага қараб: «Бу қандай одам, ёлғиз жойда экин экиб ётган. Юр, олдимизга туш! Подшомизнинг амирлари сени олиб бориш, воқеани аҳволларни билиш. Шунинг учун бизларни юборди,— дедилар. Гунгиладан ҳеч товуш чиқмасдан тек тураверди. Улар яна бир-икки гапирдилар, йигит ҳеч дам урмади. Сўнгра улардан биттаси палакка кириб, қовундан узиб олиб чиқиб еб туриб эди, Гунгиланинг кўзига ёмон кўриниб қолди. Ўрнидан туриб, бориб бир мушт уриб эди, ҳалиги одам ўрнида михланиб қолди. Қолган ясовуллар бу ҳолни кўриб қочиб кетдилар. Улар подшога бориб, бўлган воқеани айтдилар. Подшо ҳам бу ишга таажжубда қолиб, ясовулларга айтди:

— Бир одамдан шунча қўрқасизларми, бориб унинг адабини бериб келинглар!

Ясовуллар бориб бирданига Гунгилани ўртага олиб хужум қилдилар. Гунгила ҳам ғайрат қилиб, баъзиларини мушт билан уриб, баъзиларини каллама-калла қилиб урди. Андек-фурсатдан кейин ясовуллар қочиб, подшонинг олдига келдилар. Подшо қарадики, бирпас турсалар, ўзига ҳам бир шикаст етқудай. Шунинг учун подшо билан қолган ясовуллар шаҳар ичига қараб қочиб кетдилар.

Гунгиланинг акаси овдан қайтиб келса, ҳамма жой қонга булғанган, ўликлар ҳар жойда ётибди. Гунгиланинг ҳам аъзолари чақа бўлган. Шундан кейин акаси душманлар келиб Гунгилага ёпишиб, ўлганлари ўлиб, қолганлари қочиб кетганлигини айтди. Булар бу ерда турсин, энди гапни подшодан эшиттинг.

Подшо қочиб шаҳарга кириб, дарвозаларни ёпиб, ҳамма ақибларини чақириб, кўрган-кечирганларини уларга таъриф-тавсиф қилди. Бу гапни эшитган ўрдадаги паҳлавонларнинг ғайратлари келиб, ўринларидан туриб:— Эй подшоҳим, менга ижозат берсангиз. Мен бориб, у гўдакнинг адабини бериб, боғлаб ҳузурингизга олиб келсам,— деб ҳар қайси паҳлавон қаддини рост қилиб: «Мен у ишни

қилганман, мен бу ишни қилганман» деб, ўзларига таъриф-тавсиф қилиб мақтанавердилар.

Подшонинг кўнгли тиниб, бир паҳлавонга:

— Сен бориб, ўша гўдакни кишилари билан бирга ушлаб келгин. Қанча одам керак бўлса, қўшинларнинг ичидан хоҳлаб олгин,— деб фотиҳа берди. Ҳалиги паҳлавон подшодан фотиҳани олиб, қўшиндан минг кишини айириб олиб, тоғ томонга қараб кела бошладилар. Булар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, Гунгила турган жойга яқинлашдилар. Гунгиланинг акаси қарадики, шаҳар томондан чанг-ғубор пайдо бўлиб, кўп аскар келаётибди. Йигит Гунгилани уйғотиб, имо-ишора билан подшо аскар юборганлигини, аскарларнинг келаётганлигини билдирди. Гунгила бу воқеани сезиб, тоғнинг тепасига чиқиб қаради. Қўшинлар бир чақирим, икки чақирим қолганда катта-катта тошларни қўшин томонга қараб ота бошлади. Бир отган тош яна бир неча тошларга урилиб, тошлар дарё оқимидек аскарларга қараб юмалаб, баъзиларини уриб, баъзиларининг отига тегиб, ҳеч ким ўта олмай қолди. Келган паҳлавонлар бу воқеани кўриб ҳайратда қолди. «Бизлар ҳам ўзимизни паҳлавон деб, ўзимизни ўзимиз таъриф-тавсиф қилиб юрибмиз. Бу боланинг ҳар бир отган тошини туяга ортса ҳам, бели синиб кетади. Энди буни куч билан олиб бўлмайди. Буни найранг билан, фирибгарлик билан, макр билан қўлга тушириш керак»,— деб чодир-чамаңларини тикиб, шу жойда ётавердилар. Кечаси бўлди, келган паҳлавон айёрларга:— Кечаси бориб, шу боланинг аҳволидан, ёнида кимлар борлигидан хабар олиб келтиринг!— деди. Айёрлар ўзларининг айёрлик эътиларини кийиб, баъзиси кучук суратига кириб, ярим кечада Гунгила турган томонга бориб қарасалар, Гунгила ҳам, акаси ҳам ухлаб ётибди. Буларнинг димоғларига дорийи беҳуш исқатиб маст қилиб, қаллаларини олишни хоҳладилар. Яна ўзларига: «Буларнинг қалласини кессак, паҳлавон кўрса, бизларни қойиб қўймасин» деб, Гунгиланинг акасини кўтариб кетдилар. Гунгилани кўтара олмадилар. Чунки у жуда оғир эди. Паҳлавонга:— Энди паҳлавонлардан бир нечалари бориб, ўша гўдакни кўтариб тушенилар. Бизлар кўтара олмадик,— дегач, бир неча паҳлавон бориб, Гунгилани бардор-бардор қилиб кўтариб тушдилар. Ҳаммалари чарчаб қолдилар. Охири арава келтириб, Гунгилани аравага солиб, шаҳарга олиб келдилар. Гунгилани подшо ҳузурига олиб кириб қўйдилар. Подшо қарасаки, икковни ҳам яқин соҳибжамол, шахзодаларга ўхшаш. Хусусан Гунгила бир паҳлавондирки, ҳеч таърифга рост келмас. Тамоми паҳлавонлар келиб

томоша қилиб: «Бундай паҳлавон кишини кўрганимиз йўқ. Ҳайфки, подшо бекорга ўлдириб юборади-да»,— деб афсусланар эдилар. Подшо ҳам акобирлари билан маслаҳатлашиб: «Бу йигитларни ўлдирсак, бекорга ўлиб кетар, ўлдирмасак, булар ҳушёр бўлсалар, аждаҳодек мамлакатимизни хароб қилиб қўяр. Нима илож қилсак», деди. Бир вазир бор эди, шу вазир туриб:— Эй подшоҳим, каттақонини ҳушига келтирамиз, бу гўдак паҳлавонни таги зиндонга таштаймиз. Бу боладан гап сўрайлик қани, бу тоғларга келиб ватан қилиб юрганларининг бонсини билайлик-чи,— деди. Вазирнинг бу гапи подшога маъқул тушди. Гўдак паҳлавоннинг кўлларига гўл-занжир солиб, зиндонга ташлади. Акасини эса гала акобирлар ўртага олиб, ҳушига келтирдилар. Акаси акса уриб, ўрнидан туриб, кўзини очиб қараса, гирдида тамоми савлатли одамлар бошининг устида қараб турибди. Бола: «Ассалому алайкум!»— деб ўрнидан туриб, тўрт томонга таъзим қилиб, бир томонга ўтирди. Акобирлардан бири «Ваалайкум ассалом» деб алик олиб:— Эй йигит, сиз қайси жойнинг фарзанди бўласиз, нима сабабдан бу ерларда адашиб юрибсиз? Шунинг бонсини бизларга маълум қилинг,— деди. Гунгиланинг акаси бошидан ўтган воқеаларни бир-бир баён қилиб, уларга тушунтирди. Барчаси у гўдак боланинг гунг эканлигини билдилар.

Шу мамлакатда бир табиб бор эди, дунёда кўп машҳур эди. Подшонинг кўнглига келиб:— Эй йигит, менинг фарзандим йўқ эди, энди сен ҳам менга фарзанд бўлдинг, уканг ҳам фарзанд бўлди. Энди укангни зиндондан олиб чиқсанг, ўша табибга олиб бориб даволатсанг, магар тили очилиб булбулгўё бўлса, ажаб эмас,— деди. Болага бу гап хуш келиб, зиндонбонлар билан бориб, зиндондан укасини олиб чиқдилар. Подшо буларни бир неча кун зиёфат қилиб, ўзи билан ошна қилиб, ота-боладай бўлиб юрдилар.

Кунлардан бир куни подшонинг айтган ваъдаси боланинг эсига тушиб, подшога:— Ўзингиз табиб чақириб, укамни яхши даъволатаман деб айтган эдингиз. Қани сиз билан бизнинг ота-бола бўлганимиз? Бир илож қилиб, укамнинг тилини гўё қилсангиз,— деди. Подшо бир мулозимини чақириб нома тайёр қилди. Номанинг мазмуни шундай эди: «Эй табиб, шу мулозим боргани ҳамон, у билан ергашиб келгайсан. Нома тамом, вассалом». Мулозим номаи қўлига олиб, табибга қараб йўл олди. Бир неча манзилларни босиб, табибнинг қишлоғига бориб, номаи берди. Табиб номаи олиб ўқиб, бир кеча уйда ётиб, эртаси

куп ҳамроҳ бўлиб, подшоликка келиб тушди. Табиб аркони давлатга — подшо ҳузурига кириб салом қилди. Подшо табибнинг саломига алиқ олиб, ўтиришга ижозат берди. Подшо табибга боланинг тили йўқлиги тўғрисида ҳикоя қилди. Табиб:

— Ўша болани келтиринглар, мен бир кўрай-чи, ёши ўтганми, ё ўтмаганми. Агар ўн ёшдан паст бўлса, даволаб бўлади, агар ўндан ошган бўлса, бўлмайди,— дегач, Гунгилани ҳозир қилдилар. Табиб кўрдик, Гунгиланинг қадди-қомати келишган, ўн саккиз ёшларга етган деб ўйлади. Акасидан неча ёшдалигини сўрада. Акаси «тўққиз ёшга кирган»,— деди. Табиб:

— Энди буни даволаш учун онасининг сутидан бўлиши керак,— деди. Гунгиланинг акаси подшога:— Онамиз бор эди, лекин ҳозир борми-йўқми, билмаймиз, келганимизга бир қанча вақт бўлди,— деди. Табиб:

— Ўша онангизни ахтариб топмасангиз, даволашнинг ҳеч иложи йўқ,— деди. Гунгила билан акаси подшодан рухсат олиб, оналарини ахтаришга кетдилар.

Булар бир неча кун йўл юриб, онаси турган жойга етиб қарасалар, оналари кўп вақтлардан бери қийналиб, ахири гиёҳларнинг томирларини еб, ҳаракатдан кетиб, ётиб қолган экан. Булар онасини топиб, оғзига шарбат қуйиб, ҳар хил овқатлардан бериб, бир неча кун шу ерда туриб, оналарини олиб қайтдилар. Қисса кутуҳ, подшоҳликка келиб, табибнинг ҳузурига бориб, оналарини кўрсатдилар. Шундан кейин табиб подшони чақириб:

— Эй подшоҳим, бу болани яхши қилиш учун Дашти Кабирда бир дарахт бор, шу дарахтнинг сутидан олиб келиб, она сутни билан бирга ичирса, шундан кейин тилга келади. Афсуски, ҳозирча менда ўша дарахт сутидан йўқ. Лекин сутдан олиб келишда йўлларда хатар кўп. Ана шу сутдан олиб келмасангиз, иложи йўқ,— деди.

Подшо ўйлаб кейин вазирлари билан маслаҳатлашиб, паҳлавонларини йиғиб, қўлига бир жом шарбатни олиб:

— Эй паҳлавонлар, бир хизмат чиқди. У ҳам бўлса, Дашти Кабирга бориб, бир дарахтдан сут олиб келиш. Шу сутни олиб келган кишининг хизматига шундай кўп инъом-эҳсонлар берайки, еттидан етмиш пушти ҳам еб адо қилогмасин ҳамда бир кентнинг ҳокимлигини бераман,— деб уч марта айтди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Охири бир вазир ўрнидан туриб:

— Эй тақсир, подшоҳи олам, агар менга ижозат берсангиз ҳамда шу болани менга қўшсангиз, бориб ўша сутдан олиб келамиз,— деди.

Подшо ҳалиги вазир билан Гунгила ҳамда акаси — уччовига жавоб берди. Уччовлари бир бўлиб йўлга тушиб кетди. Улар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, бир чорбоқ олдига келиб тушдилар. Чорбоқ ичидан мўйловлари ўсган, бадҳаракат кишилар чиқиб, буларнинг йўлини тўсиб: «Бу йўлдан ўтган кишилардан бож олармиз, бўлмаса, ўтгани қўймасмиз»,— деб сиёсат қилдилар. Булар:

— Бизлар савдогар бўлмасакки, молларимиздан бож олсангизлар. Бизлар бир йўл ўтгучи кишилармиз, яхшилик билан қўйиб юборинглар,— деб илтимос қилдилар. Улар унамадилар. Гунгиланинг акаси имо қилиб эди, Гунгила бирини остин, бирини устин қилиб ерга ётқизиб, устига бир катта тошни тўнтариб, бадар кетдилар. Булар кетаверсин, энди гапни тош остида ётиб қолган кишилардан эшитинг. Бу кишиларнинг хўжайини бир-икки қаради, шерикларининг дараги бўлмади. Охири ўз-ўзига: «Булар чиқиб, савдогарларининг молларини олиб, бошқа ёққа кетишганмикан» деб қарасаки, учта паҳлавони ҳам тошнинг тагида рамақижон¹ бўлиб қолибди. Бирданига уларни халос қилиб, ичкарига олиб кириб, қароқчиларга:— Бир печа одам келиб, бизларнинг одамларимизга азоб бериб кетибди. Энди сизлар уларнинг кетидан бориб, Жангали Мозондаронгача қувланглар. Агар Жангали Мозондарондан берида етиб олсанглар, ушлаб келинглар, агар Жангали Мозондаронга яқинлашсалар, индаманглар. Уларни айиқ, аждарҳо, йўлбарслар еб кетади,— деб буюрди. Қароқчилар уларнинг кетидан югуриб кетдилар.

Вазир ва болалар бир дарё яқинига етиб, дарёдан сув ичиб сероб бўлиб, дарёдан ўтиб, бир манзилга етиб қарасаларки, кейинларидан бало-малога ўхшаб қароқчилар етиб келаяпти. Булар ҳам бир тепаликка чиқиб, қўлларига палахмонларини олиб, тош солиб қароқчиларга қараб отавердилар. Қароқчилар тепанинг гирдини ўраб, ҳар томонлардан чиқиб, учовларини боғлаб олмоқчи бўлдилар. Аммо Гунгила ҳеч қайсига омон бермасдан, чиққанларини босиб, мушук сичқонни шийпалагандай, баъзиларининг калласини узиб ташлаб, баъзиларининг бутини айириб ташлаб, баъзиларининг оёғидан ушлаб, тепаликдан пастга қараб отиб юборар эди. Қароқчилар бу ҳолни кўриб ҳайратда қолдилар: «Бу қандай одам экан, одамзод ичида бундай кишини кўрганимиз йўқ эди. Келинглар, энди қолганларимиз қолайлик, бунга рўбарў бўлиб бўлмайди. Ҳали ҳам вақт бор» деб, кейинларига қараб қочиб кетдилар.

¹ Р а м а қ и ж о н — жонни халқумига келиб қолибди.

Булар жангни тамомлаб, йўлга тушиб, бир неча кун йўл юриб, бир жойга борсалар, олдиларида уч йўл пайдо бўлди. Бири — Жангали Мозондарон йўли, бири — Хурсон йўли, бири — Дашти Кабир йўли. Булар шу жойда бир кеча тунаб, эртаси эрталаб Дашти Кабир йўлига қараб равона бўлдилар. Уч кечаю-уч кундуз йўл юриб қарасалар, бир оқ ўтов кўринди. Ўтовга яқинлашиб бориб эдиларки, бир кучук югурганича келиб буларга ташланди. Гунгила кучукни тутиб олиб, бир тошнинг тагига бостириб қўйди. Ўтов ичидан кучукнинг эгаси чиқиб қараса, кучукнинг овози ҳам чиқмайди. Бунн кўриб у бу сафар бир йўлбарсни югуртириб юборди. Йўлбарс ҳам булар турган жойга қараб, бало-малога ўхшаб келаётиб эди, вазир билан бола қўрққанларидан Гунгиланинг орқасига яширидилар. Гунгила бир хез қилиб, йўлбарсни ҳам тутиб, бир ёғжимлаб эди, йўлбарс ўзини йўқотиб, жони ҳалқумига тикилиб, минг машаққат билан боланинг оёғига йиқилиб, юз-кўзларини унинг оёқларига суйкай берди. Булар бу ерда турсин, энди гапни ўтовнинг ичидагилардан сўранг.

Бу ўтов бир чўпоннинг манзили бўлиб, унинг бир сурук қўйи бор эди. Чўпон қўй боққани кетган эди. Ўтовда хотини билан қизи қолган эди. Қизи шундай паҳлавон эдики, агар у қўйларни боқиб юрганда бўрилар ҳамла қилса, бўриларни тутиб ўлдирар эди. Агар бешаларга борса, шеру қоплонларни ҳам тутиб, ўзига мусаххар қилар эди. Баъзи полвон йиғитлар тўғри келиб қолса, зўрлик қилиб, уларни кўтариб олиб юборар эди.

Чўпоннинг хотини йўлбарснинг дараги бўлмагач, шерни ҳам қўйиб юборди. Шер ҳам ғазаб қилиб, булар турган томонга қараб ўн қадам қолганда тўхтаб, Гунгилага қараб қолди. Бола ҳам унга тикилиб, мижжа қоқмай турди. Охири шер кучини тўплаб, ўзини Гунгиланинг устига қараб отди. У Гунгиланинг устига келиб тушиб, кўкраги билан болани эза бошлади. Шер Гунгилани ўлдирдим деб ўйлади. Гунгила чаққонлик билан ўзини бир томонга олиб, шерни ўзининг устидан кўтариб туриб, ерга шундоқ урдикн, шер беҳуш бўлиб қолди.

Чўпоннинг хотини бир фасл, икки фасл қараб кўрди, шердан ҳам дарак бўлмади. Охири қизини уйғотишга мажбур бўлди. У қизига ҳайвонларни ечиб юборганлигини, уларнинг қайтиб келмаганликларини айтди. Қиз ўридан туриб, бир керишиб ташқарига чиқиб қараса, йироқда баланд қоматли бир киши кўринади. Қиз шу киши турган томонга югуриб кетди. Қараса, бир йиғит, ёнида иккита бошқа киши оёғининг тагида шер, бир томонида йўлбарс ётиб-

ди. Кучуги эса бир катта тошнинг тагида қолибди. Қиз бира солиб кучукнинг устидаги тошни бир зарб билан кўтариб олиб, Гунгилага қараб отиб юборди. Гунгила хез қилиб, тошни ушлаб олиб, бошқа томонга отиб юборди. Қизнинг жаҳли чиқиб, югуриб келиб Гунгилага тармаша кетди. Икковлон олишиб-олишиб, охири бир-бирови билан тенг келиб, қизнинг эғни-бошлари йиртилиб, ўтовга қараб бадар кетди. Уйига бориб бошқа эғни-бош кийиб келиб яна олиша бошладилар. Кечаси билан олишиб, яна эғни-бошлари йиртилади. Шу сифатда икки кечаю-икки кундуз олишди. Охири Гунгиланинг акаси Гунгилага имо-ишора билан қандай йиқитиш кераклигини тушунтирган эди, Гунгила қизни кўтариб ерга урди. Сўнг у қизнинг устига миғиб, бир тошни бостирай деб эди, акаси қўймади. Қиз ўрнидан туриб, уйига борди. Чўпон уйига келган эди. Бу ҳолни кўрган чўпон болаларни чақириб:— Сизларнинг бу манзилларга келишларингизнинг боиси нима?— деб сўради. Булар бўлган воқеаларни чўпонга баён қилиб, воқеани тушунтирдилар. Шундан кейин чўпон билан булар дўст бўлиб, чўпон ҳалиги дарахт турган жойга уларни олиб борди. Чўпон уларга бир шишага дарахтнинг сутидан олиб бериб, бир қанча вақт меҳмон қилгандан кейин улар хайрлашдилар. Йигит шериклари билан йўлга тушиб эди, чўпоннинг қизи отасига:— Эй ота, мен: «Кимки менни йиқитса, ўшанинг никоҳида бўламан»,— деб ваъда қилган эдим. Энди мен шулар билан кетаман-да,— деди.

Чўпон рози бўлди. Булар «учта эдик, тўртта бўлдик» деб, йўлга тушдилар. Бир неча кун йўл юриб, ҳалиги қароқчиларнинг манзилига келдилар. Қарасалар, йўлларга чатма¹ ташлаб, ўтишга жой қўйишмапти. Булар бир манзилга тушиб, бирпас дам олиб туриб эдилар, қароқчилар хужум қилиб, ҳар томондан камонлардан ўққа тутдилар. Булар йўлдан қандай ўтиш тўғрисида кечаси билан ўйладилар. Тўғри юрай десалар, йўлни чоҳ қилиб қазиб, хаспўш қилиб қўйган эдилар. Бошқа томондан кетсалар, йўл йўқ: бир томони — дарё, бир томони — тоғлиқ. Вазир маслаҳат қилиб:— Шу қароқчиларга тушадиган сувни кундузи боғлаб, кечаси қўйиб юборамиз. Буларнинг турган жойини сув босиб, қаерга боришларини билмай ташвишга қоладилар. Шундан кейин бу дарбанддан ўтишнинг иложи бўлар,— деди. Шундай қилиб, булар сувнинг бош томони-

¹ Чатма — йўлни қазиб, устига хаспўш ташлаб қўйилган жой.

ни боғлаб, уч кун, уч кеча сув йиғиб, уч кундан кейин кечаси ярим кечада сувни оқизиб юбордилар. Ярим кечада қароқчилар турган кўшкларнинг устидан кўп сув тушиб, уйлари сув тагида қолиб, ҳаммалари ўз аҳволи билан бўлиб қолди. Гунгила келиб, дарбанд дарвозасини уриб синдириб, дарбанддан ўтиб йўлга чиқдилар.

Булар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам, мўл юриб қисса кутох, подшолукка келдилар ва дарахт сутини табибга кўрсатдилар. Табиб сутни олиб, Гунгилани даволашга тушди. Гунгилани бир неча кун оч қўйиб, ўзи берадиган таомлардангина бериб, тилини чиқариб, регларидан¹ наштар урди. Қирқ кун деганда Гунгила аста-аста гапирадиган бўлди. Табиб подшодан сўради:

— Энди бу болани менга берсангиз, қирқ кун уйимга олиб бориб муолижа қилай. Чунки менинг уйимда бундан бошқа ҳам бир қанча дардмандлар бор. Мен уларни ҳам муолижа қиламан,— дегач, подшо ижозат берди. Табиб Гунгилани уйига олиб бориб даволай бошлади. Унинг уйида жиннилар, девоналар, ҳар хил касаллар ҳам бор эди. Табиб буларни олиб келгандан кейин қирқ кун ичида бир неча дардмандлар шифо топиб, ҳар қайсилари ўз юртларига қайтмоқчи бўлдилар. Кетадиган кишиларни бир уйга олиб кириб, нима сабаб билан қасал бўлганларини сўраштириб кўрди. Бир бобо айтдики:

— Эй табибжон, менинг юрагимга малҳам бўлиб яхши қилдингиз-у, лекин ичимдаги дардимни била олмадингиз,— деди. Табиб:— Ичингиздаги дардингизнинг аломатларини менга айтсангиз, балки унга ҳам малҳам бўларман,— деди. Сўнгра бобо бир йиғлаб юбориб, ўзининг подшо эканлигини, чорвоқдан қизи йўқолганлигини, шунинг фироқида жинни бўлиб юрганлигини айтиб гуриб эди, иккинчи бир киши ҳам бир оҳ урдик, оғзидан ўт чиқиб кетгудай бўлди. Табиб:

— Сен нима учун оҳ урдинг?— деб сўради. У ҳам тилга келиб:

— Эй, ҳозики табиб, бу бобо бир киши учун жинни бўлган бўлса, мен икки киши учун девона бўлиб юрган эдим: бири — хотиним, худди шу кишининг қизи эди, бири ўғлим эди. Онасини ахтариб ғойиб бўлди. Шунинг учун менинг ўзим яхши бўлсам ҳам, юрагим яхши бўлмайди,— дегач, Гунгиланинг акаси фарёд қилиб, отасининг бағрига ўзини отди. Бу ҳолни кўрган табиб, бири подшонинг куёви, бири

¹ Р. 1 — тоғлар, пай.

Ўғли эканини билди. Ҳаммалари бир-бировлари билан топишиб, табибни дуо қилдилар: «Ҳақиқаган ҳам сиз табиб экансиз. Ўзимизни ҳам яхши қилдингиз, юрагимизни ҳам яхши қилдингиз» деб, ҳамма қариндошлар бир-бирлари билан топишиб, подшо қизи, куёви ва невараси билан ўз мамлакатига кетди. Гунгиланинг тили чиқиб, тилини даволаттирган подшога ўғил бўлиб қолди. Тўй-томошалар қилиб, Гунгила чўпоннинг қизини олиб, мурод-мақсадларига етдилар. Сизлар ҳам етинг муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

РУСТАМЗОД ВА ШЕРЗОД

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадимги замонларда бир мамлакатда бир камбағал бор экан. Унинг икки ўғли бўлиб, бирининг оти Рустамзод, бирининг оти Шерзод экан. Уларнинг оналари ўлган экан. Бу камбағал бобо мардикор ишлаб, болаларини ўқитиб, парвариш қилиб юрар экан. Шу маҳаллада бир аёл бўлиб, бу аёлни эри ўлган экан. Шу аёл бобони ўзига эр қилиб олибди. Бир куни аёл бобога:

— Сиз бундай мардикорчилик қилиб юришингизда биз ўз рўзгоримизни тўғрилаб ололмаймиз. Яхшиси шуки, кечаси кўчага чиқиб ўтирсангиз, қароқчилар ўтадилар, шуларга эргашиб борсангиз, улар сизга ҳам бир нарса ажратиб берадилар. Мардикорчиликда бир ой ишлаган нарсангизни бир кечада топиб келасиз,— депти.

Хотинининг бу сўзи бобога маъқул тушибди. У кечаси хотини аниқлаб берган йўлнинг бир чеккасига бориб ўтирибди. Дарҳақиқат, шу йўл қароқчиларнинг йўли экан. Бобо кечани ярим қилиб ўтирган эди, қароқчилар кела бошладилар. Бобони кўра солиб, «овимиз барор олди» деб, уни ўраб, таламоқчи бўлдилар. Қарасалар, унинг бир жанда чопондан бошқа ҳеч нарсаси йўқ экан. Ҳол-аҳвол сўрадилар. Бобо:— Бир неча йиллардан бери сизлар билан қўшилишни орзу қилар эдим. Энди мақсадимга етдим. Хоҳланглар, қўшиб олинглар, хоҳланглар, бошқа бир чора кўринглар — ихтиёр сизларда,— деди. Ўғрибоши бирпас ўйлаб ўғриларга:

— Майли олиб юринглар, қаерга тушсак, тушган еримизга посбон бўлиб туради,— деди.

Қароқчилар бобони ўзлари билан олиб кетдилар. Бир неча фурсат йўл юриб, бир қоронғи ўрмон ичига кирдилар. Қарасаларки, ертўлалар, от ётадиган жойлар тайёр турибди. Қароқчилар бобога:— Эй ота, шу маконда то биз келгунча чойни қайнатиб, ошларни муҳайё қилиб, бемалол қўрқмасдан ўтираверинг, биз келгач, сизнинг димогингизни чоғ қиламиз,— деб жўнаб кетавердилар. Ҳалиги бобо

чой ва ошга ўт ёқиб, бир оз фурсат ўтгандан кейин, қароқчиларнинг кетидан оҳиста-оҳиста бораверди. Қароқчилар йўл юриб, бир неча вақтдан сўнг бир қишлоққа кирдилар. Қишлоқ чеккасидаги бир жойга отларини боғлаб, ўзлари қишлоқ ичига оралаб кетдилар.

Шу қишлоқ ичида бир бой кампир бор эди. Кампирнинг касби-камолати доимо бахшилик ва қоқинчилик қилиш эди. Бу кампир кўп бадавлат эди. Қароқчилар шу кампирнинг уйига кирдилар. Мол-дунёларни қирқ орқа қилиб юкладилар. Булар юкларни орқалашиб тураверсинлар, энди-ги гапни бободан сўранг.

Бобо ҳам буларнинг кетидан пойлаб, шу кампирнинг уйига киргандан сўнг у ёқ-бу ёққа қаради-ю, ҳалиги кампирнинг доирасига кўзи тушди. У доирани олиб, бир кавак жойга кириб олди-да, тўхтовсиз чала бошлади. Кампир ўз чоли билан қаттиқ уйқуда ётган эди. Бир вақт чол доиранинг овозидан уйғониб қарасаки, доира мақомига келиб, «гумбанг, гумбанг» қилиб турибди. Чол кампирнинг париларни келиб, доирани чалаёпти деб ўйлади. Кампирни уйғотиб:— Ҳой кампир, сенинг париларинг мени кечаси уйқуда ҳам тинч қўймайди. Тур, келиб қарагин!— деди.

Кампир туриб қарасаки, кўп кишилар уйини ғарот қилиб, мол-мулкларини орқалаб турибдилар. Кампир дед сола бошлаган эди, чол ҳам дод-фарёд қила бошлади. Уларнинг овозига қишлоқ халқи йиғилиб келиб, ўғрилар қўлидаги молларни тортиб олиб қолдилар. Ўғрилар саросима бўлиб, отларини миниб қочиб кетавердилар. Қишлоқ одамлари йиғилиб қарасалар, ҳалиги бобо доирани ҳамон чалиб ётибди.

Қишлоқ халқидан бири бобони кавакдан тортиб чиқариб: «Сен одамзодмисан ёки паризодмисан?» дегач, бобо:

— Мен одамзодман,— деди.

— Одамзод бўлсанг, ҳамма йиғи-сиғи қилиб, хафа бўлиб турибди, сен бўлсанг, шодлик қилиб турибсан, нима сабабдан доирани тўхтовсиз чалаверасан?— дедилар.

Бобо айтди:

— Менинг доира чалишимга сабаб шуки, қароқчи-ўғрилар сизларнинг мол-дунёларингизни шипирма-шақшул қилиб қўтариб кетадиган вақтда, мен шу хаёлни ўйлаб, сизларни огоҳлантирдим. Энди сизлардан талабим шуки, менинг хизматимга яраша қуруқ қўймангизлар, бир нима қилиб рози қилиб юборсангизлар.

Чолнинг бу гапи қишлоқ халқига маъқул тушди, улар кампирга айтдиларки, ҳақиқатан ҳам бу бобо сизнинг молларингизни сақлаб қолишда катта хизмат қилган экан.

Бир нима бериб, чолни рози қилинг. Шунда кампир бободан хурсанд бўлиб, унга миннатдорчилик изҳор қилди. Кампирнинг бир кўзачаси бор эди, шу кўзачани бобога тақдим қилди. Бу кўзача тилла тангалар билан тўлатилган эди.

Булар бу ерда турсинлар, бобо кўзачани олганича чошиб, ўғрилар кўрсатган жойга келиб, ош ва чойларни пишириб, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб турди. Ҳалиги кўзачанинг ичидаги ғаниматларини олиб, ўзи кетадиган йўлнинг бир чеккасига кўмиб, устига нишона ясаб қўйди. Бобо ичида: «Қачон ўғрилардан хафа бўлиб, зерикадиган бўлсам, албатта, шу тиллаларни олиб кетаман», деб ўйлади.

Шу вақт ўғрилар ҳалиги қишлоқдан қочиб, бошқа томонларга бориб ов овлаб, ғанимат қидириб юрар эдилар. Охири бир жойга бордилар, қарасалар, баланд пахсалар билан ўралган бир бойнинг чорбоғи кўринди. Қўрғон атрофида айланиб қарасалар, чорбоққа киришнинг иложи йўқ. Чорбоғнинг чеккасида бир баланд дарахт бўлиб, шу дарахтнинг устида бир қанча қушлар ётибдилар. Қароқчилардан бири ўқ-ёйни олиб, қушлар тўдасига қараб ўқ узди. Ўқ бир қушга тегиб, у дарахтдан йиқилиб тушди. Ўғрилар ҳалиги қушни ушлаб, ҳуржунга солиб, бобога пойлатиб кетган маконларига келдилар. Овлари барор олмаган ўғрилар жуда оч ва чарчаб келган эдилар. Ўғриларнинг бошлиғи бобога қараб, дўқ уриб:

— Сен шумқадам бўлдинг. Бизнинг пшимиз ҳаммавақт ривожли бўлар эди, қанча-қанча ғаниматларга эга бўлиб келар эдик. Қачонки сен билан бирга келдик, ишимиз ривож топмади,— деди.

Ўғрилар чол тайёрлаган овқатларни еб, бурчак-бурчакда тиришиб ухлаб қолдилар. Эртаси чошгоҳ бўлди, ўғрилар ўринларидан турдилар. Бир вақт қарасаларки, ҳалиги бобо чойларни қайнатиб, ошларни пишириб турибди. Яна хурсанд бўлишиб, овқатларини ейишиб, салла-каллаларини ўраб, шаҳар ичига меҳмондорчиликка кетишди. Ўғрилар одатда кундузи ҳаминша саллакалон бўлиб, халқнинг кўзида бообрў бўлиб юрар эдилар, аммо ўғрилиқни қанда қилмас эдилар.

Бу кеча ҳам ўғрилар ўз маконларига йиғилишиб келдилар. «Бугун фалон қишлоқда бир тегирмон бор, шунга босиб борамиз», дедилар. Кетиш олдида бобога кечагидек чой қайнатиб, ош пишириб туришини буюрдилар. Бобо чой ва ошга олов ёқиб, аста-аста ўғрилар орқасидан йўлга тушди. Ўғрилар мўлжал қилган тегирмонга етиб бордилар.

Тегирмоннинг эгаси эшикни қулфлаб кетган экан. Ўғрилар тегирмон эшигининг турмини бузиб очдилар, тегирмондаги ҳамма дон ва унларни қирқта отга ортдилар. Шу пайтда чол тегирмонга етиб келди ва тегирмончининг карнайини топиб, бир пана жойини танлаб олиб, чалаверди. Карнай сўзига қишлоқ халқи уйғониб, тегирмон томонга оқа бошлади. Улар бир воқеа бўлганидан хабардор бўлиб, қоракалтак кўтариб келган эдилар. Халқ ўғриларни кўриб қолди ва улар отларга юклаб турган дон ва унларни олиб, ўғриларни калтаклаб, жўнатиб юбордилар. Шунда ҳам бобо бир пана жойда карнай чалиш билан овора эди. Одамлар уни топиб: «Ҳамма ўз ташвиши билан-ку, сен бу вақтда бемаъни ишлар қилиб, карнай чалиб турибсан»,— деб қойиндилар. Шунда бобо бечора:

— Ҳой биродарлар, шу қилган ишимни тарозига тортиб кўринглар-чи, сизларнинг суякларингизга тўғри келадими ёки йўқми? Агар тўғри келса, сизлар яхшилик аломатини қандай деб тушунасизлар. Агар тўғри келмаса, нима десаларингиз, мен тайёр,— деди.

Халқ ўйлаб кўрса, бобонинг қилган иши ҳақиқатан ҳам катта яхшилик экан. Шунда одамлар тегирмончига:

— Ҳақиқатдан ҳам бобо сенинг давлатингни сақлаб қолишга сабабчи бўлди. Қудратинг етганича шу бобони рози қилиб, бир нима бериб юбор!— дедилар.

Бобога тегирмончи бир қанча жавоҳирларни бериб рози қилди. Бобо ғаниматларни олиб, чопганича ўғрилар маконига келди. Ўғрилар бошқа томонларга борсалар ҳам, овлари барор келмай итдек ғинишиб келиб қолдилар. Бобо буларнинг келаётганини кузатиб турган эди. Ўғрилар бу кеча бир-бирлари билан ақллашиб: «Борсак, шу бобонинг калласини кесиб ташлаймиз, чунки у келгандан бери овимиз барор олмайди. Билмаймиз, кетимиздан шу бобо бориб хабар берар эканми?»— деб маслаҳатлашиб келар эдилар. Бу гапларни чол эшитиб турган эди. У вақтни ғанимат топиб, қочиншга чоғланди. Чол кеча ўғрилар овлаб келган қушни олди, кейин югуриб бориб, кечаги нишона қилиб кетган ғаниматларни олди — уларнинг ҳаммасини жандасига ўраганича чопачоп уйига етиб келди. Дарвозасини тақиллатди, кампир чопиб дарвозани очди. Чол ичкарига киргач, ҳалиги ғаниматларни кампирга берди. Кампирнинг севинчи ичига сиғмай қолди. Чунки кампир умрида бундай бойлиكنи кўрмаган эди. Чол топиб келган дунёни етти йилгача харажат қилиб едилар.

Кунлардан бир кун чол бозорга бормоқчи бўлди. Кампирдан бозор харжини сўради. Кампир сандиқни очса,

сандиқда ҳеч нарса қолмабди. Лекин шу етти йил ичида ҳалиги қуш ҳар йили бир мартадан етти марта тухум қилибди. Бу тухумлар ҳақиқий тухумни ёки тошми, нималигини билмасдан сир тутиб, тухумларни сандиқда сақлаган эдилар. Пулга зор бўлиб, ҳалиги тухумдан бозорга олиб бориб сотадиган бўлиб қолдилар. Чол бир тухумни олиб, қўйнига солиб, бозорга кетаётган эди, аркони давлатнинг дарвозаси олдида бир қафас турибди. У қафас ичига қараса, бир тухум турибди. У тухум ўзининг тухумига ўхшайди. Чол қўйнига ҳадеб қарайверди. Бу ҳолни подшо амалдорлари кўриб, воқеани подшога етказдилар. Подшо чолни олиб келинглари деб буюрди.

— Эй бобо, нимага қафасга ва қўйнингизга тез-тез қараб турибсиз?— деди подшо. Шунда чол:

— Мен бозорга бир тухум олиб чиқаётиб эдим, қафасдаги тухумга кўзим тушди. У тухум ҳам менинг тухумимга ўхшар экан, деб ҳайрон бўлиб турган эдим,— деди. Подшо акобирларидан бири:

— Э уйинг куйгур чол! Подшоликдан бир гавҳар йўқотиб эдик, бир неча кундан бери уни ахтариб юриб эдик. Шу сенда экан. Сен киму гавҳар нима!— деб тўхмаг қилди. Бобо айтди:

— Эй вазири доно, билинги, менда бундай тухум бир дона эмас, икки-учта ҳам эмас, етти дона бордир. Агар ишонмасангиз одам қўшинг, бирга борсин, кўриб келади, сўнгра ишонарсиз.

Шунда подшо ва амалдорлари бир-бирларига қарадилар. Шундан кейин подшо амалдорлари чол билан бирга боравердилар. Бобо ҳовлига етмасдан хотинига қичқириб:

— Ҳой хотин, ҳалиги тухумларнинг олтовини ҳам олиб чиқ!— деди. Хотин чиқиб қараса, эрини подшо амалдорлари егаклаб келаяпти. Булар уйга кириб қарасалар, ҳақиқатан ҳам чолнинг гапи рост экан. Амалдорлар подшоликка бориб, воқеани бир-бир баён қилдилар.

Подшо бобони чақириб, қанча узрлар сўради. Кейин бобога бош-оёқ сарполар бериб, ундан бир дона тухум гавҳарини сўради. Кейин подшо: «Гавҳарнинг баҳоси қанча?» деб сўради. Чол:

— Бунинг баҳосини мен билмайман. Ўз инсофингиз билан қанча берсангиз, розиман,— деди.

Подшо маслаҳатдонлар билан маслаҳатлашиб, ҳисоблашиб кўрсалар, гавҳар тухумнинг баҳосига подшоликдаги тамоми нақдийналар баробар келмас экан. Подшо бир

сурук¹ туяга жавоҳиротларни юклаб, олдига қари кишилардан биттасини миндирди. «Қари кишининг тилини қари билади, қандай бўлса ҳам, шу нарсаларга чол рози бўлса, ажаб эмас» деди.

Подшонинг туялари асъаса-ю дабдаба билан чолнинг уйига кириб келди. Чолнинг қўрғони жавоҳир ортилган туяларга тўлиб кетди. Чол бу нарсаларга розилик изҳор қилиб, олиб келган чолга кўп миннатдорчиликлар билдирди. Чол бориб, подшога рози бўлганлигини айтди. Подшо бу чолга ҳам бош-оёқ сарполар берди. Булар ҳам ўз кайфиятида бўлсинлар, эндиги гапни бободан эшитинг.

Чол дунёдор бўлиб кетганидан кейин катта-катта савдогарлар билан танишиб, улар билан турли шаҳарларга борадиган бўлди. Чол савдогарчиликка кетганига орадан бир ой ёки бир ярим ой ўтгач, кампири эрсизликдан қийналиб, бегона кишилар билан алоқа қила бошлади. Угай онанинг бундай ёмон ишларига Рустамзод билан Шерзод ғазабланар эдилар.

Кунлардан бир кун аёлнинг ўйнаши келиб, уйнинг ичига кириб кетди. Болалар мактабга кетган эдилар. Икковлари кайф-сафо қилиб турган эдилар, шу пайт ўйнашининг олдидан бир қуш ўтиб қолди. Бу — ўғрилардан олиб келган мурғи мусаммо² эди. Буни кўрган ҳалиги ўйнашнинг нафаси бир оз ичига тушиб кетди:— Ҳалиги кўринган товуқ кимники?— деб сўради. Кампир:— Ўзимизники,— деб жавоб берди. Кейин у:

— Шу қушни сўйиб берсанг, иккаламиз еб олсак,— деди. Кампир:

— Бу қушнинг эгаси менга: «Шу қушга икки азиз фарзандларимиздан ҳам ортиқроқ парвариш қилиб тур»,— деган. Шунинг учун мендан бошқа ҳар нарсани талаб қилсангиз ҳам, бу қушни сўраманг,— деди. Ўйнаши:

— Менинг сенга муҳаббатим баланд бўлса-ю, мен сендан бир қушни сўрасам, сен менга шу қушни ҳам раво кўрмайсан, ундай бўлса, энди мен сенинг олдинга келмайман,— деб араз қилди.

Кампир ўйнашининг келмай қолишидан қўрқиб:

— Эртага келиб қушни сўйиб берсангиз, икковимиз еймиз. Бу қуш сизнинг садқайи сўзингиз бўлсин,— деди.

Ҳалиги ўйнаш шундай ҳушёр киши эдики, қушни кўрган ҳамон унинг хислатларини билди. Мурғнинг сангдонини ке-

¹ Бир сурук туя — беш юздан мингтагача бўлган туялар тўдаси

² Мурғи мусаммо — ганҳар тухум қиладиган само қуши.

часи еб ётса, эрта билан бошининг тагидан ҳамён тилча чиқар эди. Мурғнинг жиғилдонини еган кишининг боши тагидан бир ҳамён кумуш чиқар эди. Кампирнинг жавофидан қаноат ҳосил қилган ўйнаш эртаси болалар мактабга кетган вақтда уйга кириб келди. Мурғни сўйиб, тозаладилар. Болалар мактабдан қоринлари оч ҳолда қайтдилар. Қарасалар, уйнинг эшиги устидан қулфланган. Онамиз бир жойга кетганмики деб деворнинг бир жойидан уйга қарасалар, уйнинг эшиклари берк, ошхонадан эса тутун чиқиб турибди. Қарасалар, қозонда гўшт кайнапти. Гўштарини ейишга ўғай онадан қўрқдилар. Ака-ука маслаҳатлашиб, мурғнинг жиғилдони ва сангдонини едилар. Кейин ўйнагани чиқиб кетдилар. Бундан ўғай она ва ўйнаши беҳабар қолди. Чулки улар айш-ишрат қилишиб чарчашиб, қаттиқ уйқуга кетган эдилар. Бирмунча вақт ўтгач, қоринлари очиб уйғондилар ва дарҳол овқатдан хабар олдилар. Қозонга қарасалар кўп қайнаш натижасида гўшлари ҳил-ҳил бўлиб пишиб аралашиб кетган экан, унинг орасидан жиғилдон билан сангдонини ҳам ажратиб бўлмас эди. Ўйнаш ноилож ҳолда аралаш гўштарини еб олди. Булар ўз айш-ишратларида бўлсинлар, эндиги сўзни чолдан эшитинг.

Бир куни бобо чарчаб, ўйлаб ётган эди, мудроқ босиб, кўзини уйқу олди. Тушда кўрса, ўз ҳовлисида ўтирибди. Шу вақтда бир шақал келиб, қушни тутиб олди. У югуриб келиб, қушни қутқазिश учун кўп жаҳду жадал қилди, бўлмади. Охири шақал қушни олиб кетди. Бобо уйғониб, туш кўрганини англади.

Орадан бир ярим ой ўтгач, чол қанча совға-саломлар билан уйга қайтди. Уйга келган ҳамоно ҳаммадан олдин қушни сўради. Кампир: «Қушни болаларингиз уриб ўлдирган, мен унинг патларини фалон жойдан топиб олдим»,— деб баҳона қилди. Чол болаларидан қаттиқ газабланди. Болаларни олдига чақириб олиб:

— Агар шу қушни сизлар ўлдирган бўлсангиз, сизлардан безорман, агар ўлдирмаган бўлсаларингиз, бахтингиз ёр бўлсин,— деб уйдан ҳайдаб юборди. Бу икки ака-ука уйдан бир қозонча ва ўқ-ёйларини олиб чиқиб, «ҳайё-ҳу» деб йўлга равона бўлдилар. Йўл юрсалар ҳам, мўл юриб, мўл юрсалар ҳам чўл юриб, борар эдилар, олдиларидан бир ўрмон чиқиб қолди. Шу ўрмонга чодирларини тикиб, бир неча кун овларини овлаб, довларини довлаб юрдилар.

Бир кун Рустамзод ўқ-ёйни қўлига олиб, ов қилиш учун чиқиб кетди. Шерзод уйда қолди. Ҳаводан иккита қуш келиб, Шерзод ётган дарахтнинг тепасига қўниб, бир-бирига:

— Эй дугона, кимки мени отиб еса, қирқ кечаю-қирқ кундуз жазирани босиб, қирқ кечаю-қирқ кундуз ўрмонликда юриб, бир мамлакатга бориб подшоҳ бўлади,— деди.

Қушларнинг яна бири бошқасига:

— Эй дугона, кимки мени отиб еса, қирқ кечаю-қирқ кундуз ухлайди, қирқ кечаю-қирқ кундуз йўл босади, кўп азоб-уқубатларни тортиб, мақсадига етади,— деди. Шунда Шерзод дарҳол ўқ отиб, икки қушни ҳам уриб туширди, қозонга солиб қайнатди. Гўшт пишгандан кейин у қушларнинг қайси бири қандай хислатга эга эканини фарқ қилолмай, бирининг тўштини еди. Еб бўлган ҳамона кўзларига уйқу келиб, бадаллари бўшашиб, гўё беҳуш одамдай йиқилиб ётаверди.

Рустамзод овдан келиб қарасаки, укаси беҳуш бўлиб ухлаб ётибди. Қараса, қозонда овқат тайёр, пишиб турибди. Гўштни еб бўлгач, Рустамзод беихтиёр йўлга тайёрланиб, масг кишилардек юриб кетди. У қирқ кундуз жазирадан юриб, қирқ кечаю-қирқ кундуз ўрмонликдан юриб боргач, ахирини олдида бир шаҳар пайдо бўлди. Оҳиста-оҳиста шу шаҳарга кириб борса, шаҳар подшоси ўлиб, давлат қуши учиб юрган экан. Давлат қуши келиб Рустамзоднинг бошига қўнди. Подшо амалдорлари Рустамзодни бир уйга беркитиб, давлат қушини бошқатдан учириб кўрдилар, лекин қуш худди шу уй устига бориб қўнди. Сўнгра халқ нима бўлса бўлди, деб Рустамзодни подшо қилиб кўтардилар. Рустамзод подшоҳ бўлгач, халққа катта сайллар қилиб берди. Ўзи халқпарварлик қилди, мамлакат осойишта ҳаёт кечирди. Булар бу ерда тура турсин, энди гапни Шерзоддан эшитинг.

Шерзод қирқ кечаю-қирқ кундуз ухлаб, бир кун уйғониб қараса, қоринлари танобдек тортилиб, ҳаракати сусайиб, бир иш қилишга мажоли қолмабди. Ўрнидан аранг кўзғалиб, ов овлаб, бир неча кун ўзига парвариш қилиб, акаси кетган томонларни мўлжаллаб йўлга тушмоқчи бўлди. Бу ака-ука бир-бирларининг изларидан танир эдилар. Орадан қанча вақт ўтган бўлса ҳам, Шерзод Рустамзоднинг изини топиб борар эди. Шерзод кўп юрди, йўлда қаттиқ машаққатлар чекди. Баъзан ваҳший ҳайвонларга дуч келди, баъзан уларни ўлдирди, баъзан ўткир ўқ билан уларнинг кўзларини кўр қилди. Шундай қилиб, у жазирга ва ўрмонлардан ўтиб олди. Охири акаси подшо бўлиб турган шаҳарга кириб борди. Шом пайтида шаҳар дарвозасини тақиллатиб борди. Дарвозабонлар кимлигини сўрадилар. Шерзод уларга ўз аҳволини баён қилди: узоқ йўлдан кўч қаттиқ машаққатлар чекиб келаётган бир мусофир экани-

ни айтди. Ноинсоф дарвозабонлар: «Ким бўлса бўлсин, кўчада ётаверсин»,— деб дарвозани очмадилар. Лекин бу шаҳарга ҳар кечаси аждар келиб, ташқарида қолган жондор бўлса, ўз дамига тортиб кетар эди. Аждар кундузи бир ғорга кириб ётар эди. Шерзод таваккал қилиб ётаверди. Ярим кеча бўлганда кунли шамол келиб қолди. Шерзод қараса, узоқдан кўзлари ёнган аждар келаётир. Шерзод ўткир ўқ билан аждарнинг бир кўзига уриб кўр қилди. Аждар зўр шитоб билан ташланган эди, унинг соғ қолган кўзига ҳам ўқ уриб кўр қилди. Икки кўзи кўр бўлган аждарнинг баданларини у шамшир билан тилиб ташлади. Қон кўп кетавергач, аждар қувватсизланиб, тўлқинланмай қўйди. Шунда Шерзод аждар терисидан бир тасма тилиб, белига белбоғ қилиб боғлаб олди. Кейин бориб дарвозани тақиллатди. Чунки у жуда чарчаб, чапқаб қолган эди. Дарвозабонлар ёмон ният қилдилар: дарвозани очиб Шерзодни қилич билан чопиб ўлдирмоқчи бўлдилар. Кейин уни бир чуқурга кўмиб, аждарни биз ўлдирдик, деб, подшодан инъомлар олмоқчи бўлдилар. Эшик очилгач, бу ёмон ниятдан беҳабар бўлган Шерзод аста-секин кириб келаётган эди, дарвозабонлар унинг ҳар ёнидан ёпишиб, ярадор қилдилар, кейин бир наमतга ўраб, катта бир тепани чуқур кавлаб кўмдилар. Дарвозабонлар подшога: «Аждарни ўлдирдик» деб мақтаниб, инъом-эҳсонларни олдилар ва подшоликда амалдор бўлдилар.

Шу шаҳарда бир кулол бор эди. У аждар пайдо бўлган кунлардан бошлаб, шаҳар чеккасидаги тепадан тупроқ ололмас эди. У аждар ўлдирилганини эшитиб хурсанд бўлди ва ўғлига шундай деди:

— Эй ўғлим, аждар ўлибди. Энди тепаликка бориб пача тупроқ келтирайлик, ўз касбимизни давом эттирайлик.

Шундан кейин ота-бола тупроқ олгани тепаликка бордилар. У ерда юмшоқ тупроқни кўриб кетмон билан бир урган эдилар, кетмон тўп этиб бир нарсага тегди. Отаси:

— Эй ўғлим, худо берди-ку! Қоч-қоч бўлиб турган вақтда қочган кишилар қимматли нарсаларини кўмиб кетган бўлсалар керак. Кетмонни секинроқ ур, мабодо синадиган нарса бўлмасин,— деди. Секин-секин очиб қарашса, бир наमतга ўроғлиқ нарса. Улар дунё топган тентакдек кўтаришиб, уйга олиб бордилар. Уйда очиб қарасалар, қаддиқомати келишган олмадек бир йигит. Ўзи жуда паҳлавон ва забардаст кўринар эди. Лекин баданларининг ҳаммаси чавоқланган бўлиб, рамақижон бўлиб ётар эди. Кулол:

— Э ўғлим, дунё топдик, деб, бир гала ғурбат ордирдик. Бу ишнинг оқибати қаерга етар экан,— деди.

Яна жойига элтиб қўйишни ҳам хаёл қилдилар. Кейин шундай навқирон йигитнинг бевақт вафот этишига ачиндилар. Нима бўлса бўлсин, бунга шифо қилиб, жонини сақлаб қолишимиз керак, деб маслаҳатлашдилар. Кулолчи бир табиб қошига борди.

Табиб жароҳатларга мос дорилардан берди. Кулол уларни келтириб, Шерзоднинг жароҳатларига қўйди. Кейин унга обтоб¹ ичириб турди. Шундай қилиб кулол охири Шерзодни тузатди. Шерзод соғайиб, кулолни ўз отасидек ва унинг кампирини ўз онасидек ҳис қилиб, шуларнинг ўғиллари қатори хизматларини қилиб юраверди.

Бир кун подшо амалдорларидан иккитаси ўта туриб Шерзодга кўзи тушиб қолди. Улар бир-бирларига шивирлашиб:

— Ҳу аждарни қиймалаб ўлдирган паҳлавон бола шу эмасми?— деди.

Дарҳақиқат, қарасалар, йигитнинг бошлари ва баданлари бозлиқ экан. Худди ўзлари қилич билан чопган одамга ўхшайди. Улар Шерзодга сиёсат қилиб, биз қидириб юрган гуноҳкор сен экансан, деб отларига мишириб, олиб кетдилар. Бечора кулол ўз фарзандига ачингандек хотини ва боласи билан ачиниб қолди.

Амалдорлар ҳеч кимдан сўрамай, Шерзодни зиндонга солиб қўйдилар. Шу шаҳарга янги подшо бўлгандан бери ҳамма шаҳарлардан муборакбод учун кўп подшолар келиб кетдилар. Лекин узоқ бир шаҳарнинг подшоси ҳали келмаган эди. Бу подшо эшитса, подшо янги бўлибди, юртга оралаган аждар ўлибди, бу мамлакатда омон-омонлик бўлиб кетибди. Энди мен ҳам бориб, янги подшони бир муборакбод қилиб келай, деб навкарлари билан йўлга чиқди.

Рустамзод уларнинг келишини эшитиб, ўз амалдорлари билан пешвоз чиқди. Подшо келиши билан Рустамзод отидан тушиб, қучоқлашиб кўришди. Бир-бирлари билан кўришиб, бўлганларидан кейин меҳмонларни ҳурмат ва тавозелар билан ўрдага таклиф қилди. Улар ўрдага кириб яхши зиёфатларни едилар. Зиёфатдан сўнг суҳбатлашдилар, кейин меҳмон подшо қайтишга ижозат сўради. Рустамзод ижозат бергач, меҳмон подшо айтди:

— Эй биродар, сиз билан бизнинг ўртамизда бир дарён азим бордир. Шу дарёдан ўтар пайтда бир кишини сувга ташлаб ўтамин. Энди биз қайтишимизда ҳам бир кишини ташлаб ўтишимиз керак. Шундай қилмасак, дарё тўлқинланиб, ҳаммамизни фарқ қилишдан қайтмайди. Шунинг

¹ О б т о б — иссиқлик (овқат).

учун биронга гуноҳкорингиз бўлса, менга берсангиз, мен дарёга ташлаб ўтар эдим,— дегач, Рустамзод: «Зиндондаги қаттиқ ва оғир гуноҳкорлардан бирини чиқариб беринг»,— деди. Амалдорлар вақтини ганимат билиб Шерзодни чиқариб бердилар.

Подшо йўлда кетатуриб Шерзоднинг паҳлавонлариникидек қадди-қоматига ҳайрон бўлиб, ундан гап сўрай бошлади. Шерзод ҳам «инима бўлса бўлсин» деб, ҳеч гапирмади. Жавоб ололмаган подшо бу йнгит қайсарлигидан зиндонга тушган экан деб ўйлади. Дарёга боргунча кеч бўлиб қолди. Подшо ўз одамлари билан уйқуга кетди. Улар Шерзодни бир дарахтга занжирбанд қилиб қўйган эдилар.

Шу узоқ кечада Шерзод худога нола қилиб сизинди. Эрта билан қарасалар, ҳаммалари дарёнинг нариги бетида турибдилар. Подшо ва унинг ҳамроҳлари бу сир-асрорни кўриб ҳайрон қолдилар. Қарасалар, Шерзод ҳам бир чеккада ўтирибди. Унинг қўл-оёқларидаги кишанлари ҳам йўқ. Подшо бу ҳолни кўриб:

— Бу йнгитда бир хислат бор экан. Бўлмаса, бундай хунхўр дарёдан биз беташвиш ўта олмас эдик,— деди ва ўрнидан турди. У Шерзоднинг ҳузурига келиб:

— Эй биродарим, менам хатолик ўтган бўлса кечиринг, сизда яхши хислатлар бўлмаса, бунчалик сир воқеъ бўлмас эди,— деди.

Подшо Шерзодни ўз шаҳрига олиб бориб лашкарбоши қилиб қўйди. Шерзод лашкарбоши бўлгандан сўнг бир йил ҳам ўтиб кетди.

Бу подшонинг бир синглиси бор эди. Уни Маликан Нусрат дер эдилар. Малика кўп соҳибжамол ва хушеурат эди; у сув ичса, томоғидан ва сабзи еса, биқинидан кўрннар эди. Агар қоронғи уйга кирса, унинг жамоли уйни мунаввар қилар эди. Подшо: «Шу подшоликка қарашли бир даҳада шер бор, у вақт-вақти билан чиқиб одамларга кўп офатлар етказди. Шу шерни ким ўлдирса, синглим ўшаники бўлади»,— деб қўйган эди. Бу аҳдга киришадиган одам йўқ эди. Бу сўзни Шерзод эшитиб қолди. У бир темирчи жўрасига. «Менга бир темир эгнивош қилиб бер»,— деди. Шерзод ўз иниятини темирчи жўрасига айтиб, шер билан курашгани чиқиб кетди, лекин бу сирни темирчидан бошқа ҳеч кимга билдирмади. Шу йўлда учраган ваҳший ҳайвонларининг баъзиларини ўлдирар ва баъзиларини банд қилар эди. Шерзод бир неча кун шу ҳолда юриб, охири шернинг маконига яқинлашди. Қараса, бир дарахтнинг тагида қора бир нарса ётибди: ҳайбатининг зўрлигидан жами ҳайвонлар товуш чиқармай қочар эдилар. Шерзод ўзини дадал

тутиб, шернинг рўпарасига борди ва унга қаттиқ тикилди. Шер одам ҳидини билиб, кўзини очиб қараса, тўғрисида бир одам турибди. Шер ҳам ўрнидан туриб Шерзодга тикилди. Икковлари ёнма-ён айландилар. Буларни бу ҳолда кўрган паррандаю-даррандалар одамзодга раҳмлари келиб, унинг атрофидан айланар эдилар. Улар бир неча фурсат тикилма жанг қилдилар. Охири шернинг кўзи қамашди, бор кучини оёқларига тўплаб, ўзини Шерзоднинг устига қарата отди. Шерзод ҳам эпчиллик билан бир сакраб, дарахт шохини ушлаб олди. Шер душманини тағинга олдим деб гумон қилиб, кўкраги билан ерни эзаверди Шерзод вақтни ғанимат билиб, қўлидаги темир гурзисини шернинг бошига мўлжал қилгани ҳолда кучли зарб билан шер устига ташланди. Шер бир зўр бериб силкинган эди, Шерзод беш-ўн газ нарига отилиб кетди. Шер яна унинг устига ташланишга ўзини чоғлаб кўрди, лекин миясининг қатиғи чиқиб, ҳолсизлангани учун мажоли келмади. Шерзод ўрнидан туриб, шернинг бошига яна бир гурзи урди, шер ўлди. У шамширини чиқариб, шернинг терисидан тасма олиб йўлга равона бўлди.

Темирчи жўраси шу даҳа бошигача Шерзодни кузатиб келиб, унинг омон қолишини кутиб дуо қилиб турар эди. Шерзоднинг омон келаётганини кўриб, қучоқлаб кўришиб кетди. Кейин подшоликка хабар бергани от чоптириб кетди. Подшога бориб ҳақиқатни баён қилди. Подшо лашкаrlари билан даҳага борди. Улар йўлда Шерзодни учратдилар, борган сари йўлда ваҳший ҳайвонларнинг ўликларини учратиб бордилар. Даҳага етганларида шернинг ўлиб ётган жасадини кўриб, Шерзоднинг қаҳрамонлигига тилларини тишлаб, таҳсин ва офаринлар қилар эдилар. Даҳадан қайтгандан кейин подшо тамоми оламга шундай мазмунда нома ёзди: «Билинглар ва огоҳ бўлинглар! Шерзод номли бир паҳлавон чиқиб, фалон даҳадаги ҳамма ваҳший ҳайвонларни ва шерни ўлдирди. Шунинг учун синглим Маликаи Нусратни фалон кунга тўй қилиб, унга никоҳлаб берурман. Тўйга келаверинглар», деб чақиртирди.

Одамлар тўйга айтилган кунга йиғилишиб келдилар. Подшо қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй берди. Тўй қиёмига келганда у паҳлавон Шерзодга синглиси Маликаи Нусратни никоҳлаб берди.

Кунлардан бир кун Шерзод, подшо ва акобирлари базм қилиб ўтирган эдилар, шунда Шерзод бир оҳ уриб юборди. Подшо сўради:

— Эй дўстим Шерзод, нимага оҳ урасан? Ейнишдан камчилигинг борми, ичардан камчилигинг борми ёки хотиндан

бир жабру ситам ўтдими? Нима учун оҳ урасан?— деди.

Шерзод яна бир оҳ урган эди, гўё оғзидан олов учқунлари чиқиб кетгандек бўлди, кейин подшога:

— Эй подшоҳи олам, султони бокарам! Сиз мени бир банди бачча деб ўйламанг. Менинг ҳам Рустамзод деган оғам бор эди. Шу жондан азизроқ оғамдан айрилганимга кўп йил бўлди, лекин ҳар кечаю-кундуз оғам менинг ёдимдан чиқмайди. Сиздан ўтиниб сўрар эдимки, рухсат берсангиз, қолган умримни гайрат қилиб меҳрибон акамни топишга сарф қилсам,— деб сўзини тугатди. Подшога бу гап қаттиқ таъсир қилди. Йўлга тайёрланиб, кетишга ижозат берди. Буни эшитган хотини Маликаи Нусрат:

— Шундай жондан азиз ёрим кетса-ю, мен қолсам, яхши бўлмас. Ёрим қаерда бўлса, мен ҳам шу ерда бўламан,— деб акасида рухсат олди. Буларга подшо бир қанча кишиларни ҳам қўшиб юборди. Йўлда ҳалиги кишилар маликанинг ҳусни жамолини кўриб, ошиқи беқарор бўлдилар. Улар бир-бирлари билан маслаҳатлашиб, дарё ёқасига бориб тушдилар.

Шерзод ҳаммавақт овни яхши кўрар эди. Қараса, дарё ёқаларида бир қанча дарахтлар бор. Қушлар учишиб, булбуллар сайрашар эдилар. Шерзод қўлига ўқ-ёйини олиб, хизматкорларига:

— Сизлар шу ерда туринглар, мен саёҳат қилиб қушлардан отиб келай,— деди.

Хизматкорлар бир жойга тўпланиб маслаҳатлашдилар. Улар дарё ёқасидаги бир сабза жойга гиламлар тўшадилар, кундол¹ кўрпачаларни дарё томонга солдилар. Улар шу дарё томонга Шерзодни ўтқазиб, пайт пойлаб уни гилам аралаш дарёга итқитмоқчи бўлдилар. «Кейин хотини бизга қолади», деб ўйладилар.

Шерзод келгандан кейин уни иззат ва ҳурмат билан гиламнинг дарё томонига ўтқаздилар. Шерзод ўтирган ҳамоно бир чеккасида кўтаришиб гиламга ўраб дарёга ташлаб юбордилар. Бечора Шерзод дарёга тушиб кетаверсин, энди сўзни Маликаи Нусратдан эшитинг.

Хизматкорлари хотини бир сандиққа солиб, дарёдан ўтказдилар. Дарё қирғоғига чиққанларида у томонда Рустамзод томоша қилиб юрар эди. Рустамзод кўрдикки, кўп одамлар бир сандиқни бир отга юклаб келадилар. Рустамзод буларнинг олдига келиб:

— Бу сандиқда нима бор?— деди. Хизматкорларнинг

¹ Кундол — кимхоб.

бири «бўгча бор», бири «дунё бор», яна бир «менинг хотиним бор» деди. Ҳар қайсисидан ҳар хил жавоб эшитиб подшо илжайиб кулди, кейин қўшинларига буйруқ берди.

— Тутинглар бу ўғриларни, менинг бахтимга яхши сайд топилди. Бундан ортиқ сайд бўлмас,— деди. Хиннаткорлар тутиб боғлангач, подшо қўшинлари билан келиб, сандиқни очиб кўрди. Кўрсалар, бир парисурат маликаки, бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўлур. Рустамзоднинг кўнгли вайрон бўлиб:

— Ҳай дариг! Дунёда ҳеч киши бундай айрилиқда юрган эмас. Мен оғамдан айрилиб, кўнгилларим вайрон бўлиб юрибман. Бу бечорани ҳам севганидан айирган бўлсалар керак. Бунинг эгаси чиқар. Бунга биз кўнгил берсак, инсофлик қилган бўлурмиз,— деди ва маликани ўрдага қўйиб юборди. Хиннатчиларни эса зиңдонга солиб қўйди. Булар тура турсишлар, эндиги гапни Шерзоддан сўраг.

Шерзод гиламга ўралганича жарга қулади, ундан дарё ичига тушди, кейин дарёи хушхўр тўлқинларига аралашгариб оқиб кетди. Шу жойда бир балиқчи бор эди. Қараса, тўлқинлар орасидан бир ажойиб нарса гоҳ кўришиб, гоҳ сув ичига ғарқ бўлиб келаётир. Бу ҳолни кўрган балиқчи ўғли билан дарёга қараб югурди ва ўғлининг белидан боғлаб дарёга ташлади. Балиқчи бола суза-суза оқиб келаётган нарсага етиб, уни тутиб олди. Арқонни тортиб қарасаларки, бир паҳлавон йиғит гиламга ўралган. Шерзодни дарёдан олиб чиқиб ҳушига келтирдилар ва ундан ҳолаҳвол сўрадилар.

Шерзод сўзини қисқа қилиб шундай деди:

— Эй отажон, мен бир гуноҳкори азим эдим, гуноҳимга асосан дарёга ташладилар. Сиз менинг ўлмай қолишимга сабабчи бўлдингиз. Мени уйга олиб бординг, мен сизнинг ўғлингиз бўлай. Нима хизмат буюрсангиз, жон-таним билан қабул қиламан,— дегач, балиқчи чол уйга олиб кетди. Шерзод овга чиқиб, дарё атрофида юрар эди. Балиқчи чол ўғлим иккита бўлди деб меҳнатдан қутилиб, шаҳарларга тушиб, томоша қилиб юрар эди.

Балиқчи чол бир кун шаҳарда юрса, подшоликдан қўйилган жарчилар: «Кимки менинг оғамнинг дарагини эширган бўлса, келиб айтса, шундай кишига бош-оёқ сарпо бераман, дунёликдан сарафроз қилурман. Агар укамни кўрган бўлса, ундан зиёдроқ қилурман. Агар кимки ўзини олиб келса, бир мамлакатни унинг беқлигига бераман»,— дер эдилар.

Бу хабарни эшитган балиқчи чол кечқурун ҳаммалари овқатланиб турганларида:

— Эй ўғилларим, шу бугун бир гап эшитдим, кўп ажойиб гап,— деб қўйди. Бунн эшитган Шерзод чолдан:— Нима гап?— деб сўради. Шерзоднинг ичи ғувиллаб яна:— Нима гап?— деб сўраган эди, чол тилга келиб, подшо жарчиларининг эълонини бирма-бир айтиб берди. Охири чол:— Эй ўғлим, қани биз ҳам шундай подшонинг укасини кўрган бўлсак ёки овозасини эшитган бўлсак, қолган умримизни дунёда осойишталик билан ўтказган бўлар эдик,— деб калласини чайқаб қўйди. Бу гапни эшитган Шерзоднинг еган овқатлари томоғига тикилиб, нафаси кинга тушиб, шайтонлаган одамдай бўлиб қолди. Бир оздан сўнг ўзини тутиб, кўзлари ёш, дили ғаш ҳолатда, ҳасрату надоматлар билан:

— Эй отажон, биз оғамиз билан овчиликда юраверсак, сиз билан кампирни боқолмай қолармидик?— деб чолнинг кўнглини кўтарди. Чол ҳам Шерзодга қараб:

— Эй ўғлим, хафа бўлмай овқатингни еявер. Шу арзимаган гап учун кўзга ёш олишнинг ҳожати йўқ,— деб қўйди. Чол ҳам сезгир одам эди, у Шерзоднинг дилидаги орзуларини сезди.

Овқат еб бўлгандан сўнг ҳаммалари ётдилар, аммо Шерзод чолнинг ёнига келиб:— Эй ота, бу гапингиз менга ёқиб кетди. Эртага подшоликка бориб айтингки:— Менинг бир қизим бор, қўли шол, оёғи шол, кўзи кўр, гўёки бир тулум шаклида, лекин гапиришга тили бор. Шу қизим сизнинг укангизнинг қаерда эканини билар эмиш. Агар шунн олиб келсак, сизга аниғини айтади,— деб келаверинг. У ёғини ўзим айтаман. Дунёликдан беҳисоб бўласиз,— деди. Эртаси чол бориб подшолиқнинг дарвозасини тақиллатди. Дарвозабонлар дарвозани очиб:

— Нима хизматингиз бор?— деб сўради.

— Подшо билан рўбарў бўлиб гапираман,— деди чол.

Чолни ичкарига олиб кирдилар. У подшо билан саломлашиб бўлгандан кейин, ҳалиги гапни гапирди. Шу гапни айтиб бўлгач, ўзи уйга қайтаверди. Чолнинг орқасидан подшоликдан юборилган хизматкорлар қизни олиб кетгани келиб қолдилар. Шунда Шерзод подшо хизматкорларига қараб:

— Бу бир қиз бола бўлса, сизлар номахрам бўлсангизлар, бу сира тўғри келмайди. Бунн олиб бориш учун подшоликдан бир замбил тайёрлаб келинглар, унда жойпўшлар ҳам бўлсин. Шу жойпўшларга ўраб, замбил ичида олиб борсангизлар, яхши бўлади. Бундан бошқа иложи йўқ,— деди.

Хизматкорлар подшоликка бориб, замбил ва жойпўш-

ларни муҳайё қилиб келтирдилар. Шундан кейин Шерзод замбилни ичкарига олиб кирди ва унинг устига ўзи чўзилиб ётди. Бобога айтди:

— Мени жойпўшлар билан яхшилаб ўранг, ҳеч бир жойим очик қолмасин!— деди. Чол Шерзод айтгандек қилиб ўраб, хизматкорларни чақирди. Улар замбилни кўтариб, подшоликка жўнаб кетдилар. Подшоликка боргач, подшо акобирлари ва жами хизматкорлар қизиқиб йиғилишдилар. Замбилни ўртага қўйдилар. Замбил ичидан овоз чиқди:

— Ассалому алайкум, эй аҳли жамоалар! Мен тилга келиб, сизга ўхшаган подшо ва сизларга ўхшаган навкарлар ҳақида яхши-ёмон гапирсам, хафа бўлмасангизлар,— дегач, ҳаммаси:— Майли, гапиринг,— дейишдилар. Сўнг Шерзод тилга келиб:

— Бор экан, йўқ экан, бир шаҳарда бир камбағал бор экан. Шу камбағалнинг Рустамзод ва Шерзод номли икки ўғли бор экан, уларнинг оналари ўғай экан. Уларни отасига оқ фотиҳа бердиртириб, уйндан ҳайдабди. Шундан кейин Шерзод ўз бошидан ўтказган вәқеаларни бирма-бир ҳикоя қила бошлади: ака-ука кўп йўл юриб, охири ўрмонга борганларида, Шерзод қушларнинг гапини эшитиб, қушни отиб пишириб егани, ўзининг беихтиёр ухлагани, акаси Рустамзод изидан қидириб, бир кун оқшом пайтида шу шаҳар дарвозаси олдига келгани, аждар билан олишгани, дарвозабонлар Шерзодни ярадор қилиб, бир наमतга ўраб кўмиб, аждарни ўлдирдим деб, подшоликдан нинъом олганлари ва Шерзод кулолликда тарбия топиб тузалганида, подшоликда амалдор бўлган дарвозабонлар бунни ушлаб, сиёсат қилиб, зиндонга солганларини гапириб бераётган эди, гап шу ерга етганда, дарвозабонлар ўринларидан туриб чиқиб кетмоқчи бўлдилар. Шерзод: «Яхши-ёмон гапларга чиндам бериб ўтирсалар, гапираман» деб олдидан писанда қилганини эслатди ва ҳикоя тамом бўлгунча ҳеч кимни чиқариб юбормасликни подшодан талаб қилди. Подшо эшикка қорувуларни қўйиб, ҳеч кимни чиқармасликка буйруқ қилди. Шундан кейин Шерзод гап бошлаб: «Агар гапимга ишонмасангиз, фалон жойдаги кулолчи бобони чақиртириб селинглар»,— деди. Дарров одамлар бориб ҳалиги кулолчини етгани келтирдилар. Кулол қўрққанидан гаплари сўзидан тушиб кириб келди. Чол киргандан гапиришга ҳам мажол қолмади. Шунда подшо кулолчи отанинг ёнига ўлтириб, у «қ-бу ёқдан гапириб, кўнглини кўтариб, гап сўради:

— Эй отажон, аждар ўлгандан сўнг сиз нима сир кўрдингиз?— деди. Бобо бирпас туриб, қўрқувлари кўнглидан

кетиб, юрагининг қаттиқ уришини тўхтатиб, тупроққа бориб, бир паҳлавон йигитни наMAT орасига ўраб кўмиб ташланганини кўриб қолгани, унинг бутун бадани яралангани, табибдан дори олиб келиб тузатиб, ўғил қилиб олгани, подшо амалдорларининг гуноҳкор, деб Шерзодни олиб кетганликларини гапириб берди. Подшо кулолчи отани иззатикром билан бир чеккага ўтқазди.

Кейин замбил ичидан яна овоз келди. Энди Шерзод муборакбодга келган меҳмон подшо билан бўлган воқеаларни ҳикоя қилди. Бунда дарёга ташланиш учун зиндондан чиқиб, меҳмон подшо билан кетгани ва дарёдан ўтиш воқеаларини, меҳмон подшо Шерзоднинг хислатларига қойил қолиб, ўлдирмай, ўз мамлакатига олиб кетгани, унда лашкарбоши бўлиб хизмат қилгани, даҳадаги шерни ўлдириб, подшонинг синглисини олгани, бир кунги базмда оғасини эслаб оҳ ургани, подшодан рухсат олиб, акасини қидиришга йўллангани, унга ўз ёри Маликаи Нусратнинг эргашгани, йўлда хизматкорлар билан бўлган воқеа, сувда оқиб кетганларини: Фирма-бир ҳикоя қилди. Ҳикоянинг сўнггида Шерзодни балиқчи ота сувдан қутқариб олганини изҳор қилди. Балиқчи отадан подшо гап сўраганда, у ўз ҳикоясини баён қилиб охири:— Ўша топилган йигит шу замбилда туриб гапирган одамнинг ўзидир,— дейиши билан Шерзод ўрнидан сакраб турди. Шундан сўнг ака-ука икковлари қучоқлашиб кўришганларича, гўё маст кишилардек бир неча вақт беҳуш бўлиб турдилар. Кейин ҳол-аҳвол сўрашиб, топишганлари учун жуда хурсанд бўлиб ўтирдилар. Рустамзод душманларни қаттиқ жазолади. Кулол билан балиқчига инъом-эҳсонлар берди, улар билан ота-бола тутинишиб, хайрлашиб кузатиб қўйди.

Урда ичидаги Маликаи Нусратга эрингиз топилди деб хабар бердилар. Маликаи Нусрат севинч ва қувонч билан ўз ёрининг олдига югуриб келиб кўришди.

Рустамзод подшо укасининг топилишига ва хотини билан топишганига атаб эл-юрт учун катта ҳашаматли сайл қилиб, тўй-томошалар қилиб берди.

Улар етди муродга, биз ҳам етайлик муродга, шу эртакини эшитганлар ҳам етсин муродга, душманлар қолсин уятга.

МАЛИКЖОН

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонларда Хуросон мамлакатида бир подшо бор экан. У подшонинг номини Маликшоҳ дер экан. Бу подшонинг ҳеч бoласи йўқ экан. Умрининг охирида бир қиз туғилибди, қизнинг отини Маликан Ҳур дер экан. Бу қизни мактабда ўқитибди, саводини чиқарибди, қиз балоғатга етибди, сўнгра ҳар томондан совчилар кела бошлабди. Подшо қизини ҳеч ёққа бермасдан олиб юраверди.

Ҳаворон подшоҳининг бир ўғли бор эди, номини Ҳурмузшоҳ дер эдилар. Бу ҳам балоғатга етиб, мактабда юрар эди.

Кунардан бир кун Ҳаворон вилоятининг подшоҳи бу қизни эшитиб, совчи юборди. Подшо унга ҳам «йўқ» деб жавоб қайтарди. Совчилар қайтиб келиб, қизни бермаганлигини айтгач, Ҳаворон шоҳи маслаҳатлашиб:

— Бу подшонинг лашкари беҳисоб, уруш қилсак, у билан муқобил келиб бўлмас. Яхшиси шуки, бу ишга макр ишлатиб кўрайлик,— деб қарорга келдилар. Подшо ҳузурида бир расмчиси бор эди. Шунини чақириб:

— Сен бир илож қилиб Хуросон мамлакатига бориб, шу қизнинг расмини чизиб келтиргин,— депти. Расмчи подшога:

— Эй подшоҳим, бўлмаса менга қимматбаҳо матолардан, зар-зевар буюмлардан топиб беринг ва бир айёр кампир ҳам топиб беринг. Мен бир сандиққа кираман, иккинчи сандиққа шу нарсаларни солиб, хачирга юклаб, Хуросон мамлакатига ўткарсин. Кўчама-кўча чақириб, мато сотадиган шаклда бўлиб, худди подшонинг аркони давлатининг яқинига бориб юрса, қиз эшитиб, подшонинг ўрдасига олиб кирази. Матоларни кўрсатиш вақтида шу сандиқнинг тешигидан қизни кўриб, расмини чизиб олиш мумкин. Бўлмаса рав-рост¹ бориб, қизнинг расмини олиб келиш амри маҳолдир,— деди. Подшо: «Дарҳақиқат тўғри гапирдинг» деб, подшо маҳалла оқсоқолларини чақириб, улардан:—

¹ Р а в р о с т — рўй-рост маъносда.

Сизлар кўринглар-чи, маҳаллаларда ҳушёр, зийрак, бир ишга қобилияти етадиган бир кампир бормикан,— дегач, гузар оқсоқолларидан бири:— Бизнинг гузаримизда бир кампир борки, айёру тайёр, шайтон ҳам ундан ҳазар қилади, ҳеч таърифга рост келмас,— деб кўп таъриф-тавсиф қилди. Сўнгра подшо кампирни чақиртириб, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бир-бир баён қилиб:— Агар, шу ишнинг уддасидан чиқиб келсангиз, сизни хурсанд қиламан, дунёликдан бениёз қиламан,— деб ваъдалашди-да, кампирни бир уйга чақиртириб, кўп гапларни тайинлаб, ҳалиги қимматбаҳо матоларни бир сандиққа солиб, иккинчи сандиққа ҳалиги расмчини солиб, бир зўр хачирга юкларини ортиб, Ҳаворон шаҳридан Хуросон мамлакатига қараб жўнатди.

Кампир йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, тез фурсатда Хуросон мамлакатига дохил бўлди. Кампир кўчама-кўча юрар эди, матоларнинг қимматлигидан ҳеч кимса олмас эди. Бу хабар подшонинг қизига эшитилиб, Маликаи Ҳур канизакларидан бирига:— Ҳалиги кампирни эргаштириб ўрдага олиб келгин!— деб буюрди. Канизак келиб кампирга:

— Подшонинг қизлари Маликаи Ҳур сизни чорлайдилар. Матоларингизни олиб, ўрдага борар экансиз. Хоҳласалар, матоларингиздан сотиб оладилар,— деди. Кампир канизакка қараб:

— Эй қизим, менга индамагин, ўз йўлимдан қолмай, мен киму аркони давлат ким. Подшонинг удайчилари¹ мени бир шикаст қилиб қўймасин,— деди. Канизак изига қайтиб, қизга бориб:

— Эй опа, мато сотадиган киши бир кампир экан. У кампир айтдики: «Менга бир шикаст бўлмасин. Аркони давлатга кириб савдо қилишга мен ҳазар қиламан. Мабоодо менга бир фалокат етмасин»,— дейди. Шунинг учун мен қайтиб келдим,— деди. Маликаи Ҳур дарров мулозимлардан бирини чақириб:

— Бизлар бир кампир савдогарни чақирамиз. Удайчиларингизга тайинлангки, кампир кириб-чиқиб кетгунча ҳеч бир киши халақит бермасин,— деб тайинлаб чиқариб юборди. Мулозим чиқиб удайчиларга:— Ҳозир бир кампир келади, ҳеч қайсиларинг дохил бўлманглар,— деб тайин-

¹ У да й ч и — амир ҳузурида бий ёки додхо даражасидаги мансабдор. У доимо амир ҳузурида бўлиб, давлат ишлари ҳақида амирга ахборот берган.

лади. Маликаи Хур бир нечта канизакларини юбориб, кампирни матолари билан олиб киришди. Кампир киргандан қизлар ўртага олиб, матоларини очиб, қарайверди, расмчи бўлса иккинчи сандиқ ичида расмини чизиб тайёрлади.

Маликаи Хур матоларни кўриб, хоҳлаганларини олиб, пулини берди. Кампир матоларни йиғиб, сандиқларига тикиб бўлгач, канизлар уни саройдан чиқариб қўйдилар. Кампир ишни биткариб, хачирга юкини ортиб, Хуросон мамлакатидан Ҳаворон шаҳрига қараб кетди. Фурсати¹ бўлиб, Ҳаворон шоҳининг даргоҳига кириб, бўлган воқеаларни айтди. Расмчи ҳалиги Маликаи Хурнинг расмини чиқариб берди. Подшо хурсанд бўлиб, кампир билан расмчига кўп нийом-эҳсонлар берди. Улар дунёликдан бениёз бўлиб, ўз уйларига кетдилар. Подшо расмни бир ойна ичига солиб, бир уйга киргизиб маҳкам қилиб, ҳар замон кўриб қўяр эди.

Қунлардан бир кун подшо бошқа бир мамлакатга хирож олишга кетиб эди. Шаҳзодани Хурмуз отасининг хазиналарини томоша қилиб-қилиб, гузари ҳалиги расм қўйилган хужрага тушди. Қарадики, у хужранинг ичида ҳеч нарса кўринмайдди. У ёқ, бу ёғини ахтариб қараб туриб эдики, кўзи бир суратга тушиб, қараб турганича қотиб қолди. Бу ерада бир соатлар ўтди, мулозимлар келиб қарасаки, хазиналар очик. Хужранинг ичида шаҳзода маст-аласт бўлиб учиб ётибди. Мулозимлар шаҳзодани кўтариб, уйга олиб киришди. Шаҳзоданинг оналари бу ҳолни кўриб ҳайрон қолдилар. Ҳамма ғамгин, паришон бўлиб, юз минг амал қилдилар, шаҳзода ҳушига келмади. Табиб чақиртириб кўрсатдилар. Табиб билдики, шаҳзода ишқ офатига гирифтор бўлган, магар, бу йигит маъшуқасининг висолига етмагунча, дардига даво йўқ,— деб чиқиб кетди. Шаҳзода бўлса беҳудлик билан ётар эди. Подшо мулозимлари бир нома ёзиб, номани бир номачийи тезпойга² бериб, тезлик билан Ҳаворон шоҳига элтиб бергин деб тайинлади. Номачи номани олиб, тез фурсатда Ҳаворон шоҳи ҳузурига етиб, номани унинг қўлига берди. Ҳаворон шоҳи номани очиб мутолаа қилди. Номада: «Аввал салом, саломдан сўнг маъдум ва ҳувайдо бўлсинки, шу нома боргандан сўнг, ковушнингизнинг бир пойини кийган бўлсангиз, иккинчи пойини киймасан йўлга тушинг. Агар қўлингизда гул бўлса ҳидламанг. Нома тамом, вассалом»,— дебди.

¹ Фурсати — бир қанча фурсат ўтгач маъноснда.

² Номачийи тезпой — тез чопадиган номачи.

Ҳаворон шоҳ бу ваҳшат номани ўқиб, ҳайратда қолди-
да, дарҳол лашкарбошига: «Карнай-сурнайнинг торт,
қўшинлар тахт бўлсин! Шаҳримизга қайтдик. Бир муҳим
иш рўй берганга ўхшайди»,— дегач, лашкарбоши амри би-
лан қўшинлар карнай-сурнайларини тортиб, ноғораларнинг
чалиб юборди. Ноғораларнинг овозидан фалак ларзага
келиб, лашкарлар ҳаммаси тахт бўлиб, Искандардек сафи
ораста қилдилар. Подшо ўша шаҳарнинг подшоҳи билан
видолашиб йўлга тушди. Бир қанча кун йўл босиб, тез фур-
сатда Ҳаворонга етиб келиб, шаҳар ичига кирсаларки,
ҳаммаёқ мотамга бурканган. Подшо аркони давлатга чиқиб,
ўз жойида қарор олгач, ҳақиқий ҳолни билдики, ўғли бир
печа кундан шувёққа беҳуд бўлиб ётар экан. Подшо:— Ме-
нинг фарзандимни ким гапиртирса, ўша кишига беҳисоб
дунё бериб, хурсанд қилгайман,— деб жар чақиртирди. Бу
нидонни эшитган шаҳар халқи — табиблар донишмандлар
келиб уринишиб, шаҳзодани гапиртира олмадилар. Охири
бир айёр кампир келиб, боланинг бошидан оёғигача уқа-
лаб:— Эй ўғлим, сенинг бу маъшуқангни топиб беришининг
иложи меннинг қўлимда. Сен парво қилмагин, кўзингни очиб
ўрнингдан тур,— деб эдики, боланинг кўзи очилиб, ҳуши-
га келди. Кампир болани алдаб-сулдаб бир оз таом еди-
риб:— Эй болам, сен бир печа кундирки, беҳуд бўлиб ётиб
эдинг, энди турдинг. Бир печа кун ўзингни парварши қил.
Ундан кейин сенинг учун бу ишга киришиб, шу маъшуқанг-
ни қўлингга келтириб берарман,— деб, болани кўп лоф-қоф
гаплар билан гўёки маъшуқасини олиб бергандай қапоат-
латтирди. Буни кўрган подшо ва хизматкорлари кампир-
нинг бу ишга таҳсин ва офаринлар қилиб, кўп дунёларни
бериб, кампирни жўнатдилар. Шаҳзодани Ҳурмуз кундан-
кун қувватга эниб, аввалги ҳолатига келди. Бир кунни ота-
сига:— Эй ота, энди ваъдангизга вафо қилиб, Хуросон под-
шоҳининг қизини менга олиб бернинг,— деди. Подшо ўйла-
ниб, ўғлига:— Эй ўғлим, сабр қилган топар зафар, бирпас
сабр қил. Бу иш бесабр бўлмайди. Мен маслаҳатлашиб кў-
рай,— деб шаҳзодани чиқариб юборди. Подшо вазирни
чорлаб:

— Эй вазир, бугун шаҳзода менинг олдимга келиб, Ху-
росон подшоҳининг қизини олиб берасан деди, нима илож
қиламиз, менга йўл кўрсат,— деди. Вазир:

— Эй сўлтони бокарам, ўзингиз биласизки, у подшо
катта подшолардан. Лашкари беҳисоб, урушиб оламан де-
сангиз, сиз у билан баробар бўла олмасиз. Бу ишнинг
иложи ҳийлан тадбир билан бўлар. Мен бошқа маслаҳат
беролмайман,— деди.

Орадан бир печа кунлар ўтиб, боз шаҳзода отаси олди-га кириб йиғлаб, бир қанча шикоятлар қилди. Отаси ҳам ҳамма чўмиб кетди. Ҳеч бир иш қилгудек иложини тополмас эди. Охири шу хулосага келди: «Кел энди, бергандан ҳам бир тила, бермагандан ҳам бир тила. Бир совчи юбориб кўрай-чи. Мабодо Хуросон подшоҳи рағбат қилиб рози бўлса, ажаб эмас», деб мамлакатидан улуг-кичикларни йиғиб, бир печта кишиларни ажратиб уларга:— Сизлар бориб менинг саломимни айтинглар. Саломдан сўнг арзи бандалик шуки: «Ҳаворон шоҳининг ўғлига сиз қизингизни келинликка берсангиз», деб кўринглар,— деб тайинлаб бир қанча зар-зеварлар, тиллаю-тангалар, атласу кимхоблар, ҳарир либослар юклаб, Хуросон шоҳига тортиқ қилиб юборди. Совчилар бир қанча фурсат йўл юриб, Хуросон шаҳарига кирдилар. Буларнинг келганлигини подшо эшитиб, шоҳона суликатлар, иззат-эъзозлар билан элчихонага туширдилар. Булар совчиликка келганликларини изҳор қилиб, Ҳаворон шоҳининг ҳадя юборганлигини пешкаш қилиб қўйдилар. Хуросон шоҳи буларнинг олиб келган ҳадяларини назар-писанд қилмасдан совчиларга:— элчига ўлим йўқ... Агар сизлар бошқа сифатда келсанглар эди, сизларнинг бошларинг бу жойдан саломат кетмас эди. Хайр энди, сизлар билан бир оз суҳбатлашиб, кейин жавоб берарман,— деб буларни зиёфату зарофат қилиб, ҳар қайсиларининг олдига эҳсонлар қўйиб, кетишга рухсат берди. Совчилар, шармандаю шармисор бўлиб, ўз вилоятига қараб жўнаб кетдилар.

Фурсати йўл юриб улар Ҳаворон шоҳининг ҳузурига кириб, бўлган воқеалардан аён-баён қилиб, олиб борган пешкашларни Хуросон шоҳи назарига ҳам илмасдан қайтарганлигини, ҳар қайсиларининг олдиларига эҳсонлар қўйганлигини таърифу тавсиф қилиб турдилар. Ҳаворон шоҳи ҳалиги совчиларга жавоб берди. Ҳаммалари ҳар томонга кетди. Подшо ўйлаб-ўйлаб донишмандларини чорлаб:— Энди мен иложини қилолмадим, қани энди сизларнинг ичингиздан биронта шермат бормикан, бу ишнинг иложини қилиб, шаҳзоданинг никоҳига Хуросон шоҳининг қизини қелтирса,— деди. Шу мажлиснинг ичида бир айёр киши бор эди. Унинг оти Бобойи айёр эди. Агар у кечалари айёрликка қадам қўйса, ҳар хил мушкул ишнинг чигилини очар эди. Шу ўрнидан туриб:

— Эй подшоҳим, мен каминангизга бу хизматни лозим кўрсангиз, аввал, менга ўғлингиз шаҳзодани қирқ йигит билан олти ой муҳлатга берасиз. Мен буларга ҳар хил ҳийла-ю пайранг, айёрлик, ханжаргузарлик ишларини му-

каммал ўргатиб бўлганимдан сўнг, сиздан фотиҳа олиб, шу вазифани бажаришга қадам қўяман,— деди.

Мажлис тамом бўлиб, ҳамма ҳар ёққа кетиб, Бобойн айёр подшонинг ҳузурида қолди. Бобойн айёр подшога қараб:— Эй подшоҳим, менга ўғлингиз билан қирқ киши, бир қанча анжом-аслаҳаларни мукаммал топиб беринг,— деди. Подшо лашкарларини саф туздирди. Ҳалиги айёр лашкарларни оралаб юриб, одамларни афт-ангорига қараб, энг яхши, эпчилларидан ўттиз саккизта ажратиб олди. Шаҳзода билан ҳалиги Бобойн айёр ҳаммаси қирқ киши бўлди. У буларни олиб бориб, бир қанча вақтлар айёрлик, паҳлавонлик, урушга кетадиган маҳориб ишларидан таълим бериб, олти ойдан сўнг синаб кўрди. Ҳар қайси бир саф аскарга бир ўзи тушса, ҳарби-зарб қилиб қутилиб кетадиганга ўхшайди. Шундан сўнг ҳаммалари қаландарона либослар кийиб, подшодан фотиҳа олиб, Хуросон қайдасан, деб йўлга тушиб кетдилар.

Булар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тез фурсатда Хуросон шаҳрига кириб, қаландарлик қилиб юриб-юриб, кеч бўлса, подшонинг арки тўғрисида бир жойини топиб, шул жойда маскан қилиб ётар эдилар. Қаландарлар ухлаб қолар эди, шаҳзода бўлса ухламасдан йиғлаб, фарёд қилиб, кечаларини тонг оттириб чиқар эди.

Кунлардан бир кун бошқа бир вилоятдан совчилар келиб, подшонинг қизини талаб қилди. Хуросон шоҳи ҳалиги совчиларни ранжитиб, беобрў қилиб юборди. Орадан бир қанча кун ўтгач, бир гуруҳ лашкарлар келиб, элчиҳонага тушиб, подшони талаб қилди. Подшо элчилар билан муқобил гаплашиб турганида, элчилар бир номани чиқариб тутди.

— Эй подшоҳим, бу номани ўқиб, жавобини бизларга айтгайсиз,— деди. Подшо номани очиб ўқиди. Хатда: «Ассалому алайкум, эй Хуросон шоҳи! Саломдан сўнг билгин ва огоҳ бўлгинки, мен Дашти Қипчоқ подшоҳи эрурман. Сенинг қизингга яхшилик билан совчи юбориб эдим. Яхшиликни билмабсан. Энди ўзингдан кўр. Сенинг талабинг жанг бўлса, фалон мавзегга қўшинингни йиғиб чиқавер. Агар жангга чиқмасанг, яхшилик билан борган элчиларга қизингни топшириб юборгин»,— дебди. Подшо бу номани ўқиб, жаҳли чиқиб, номани пора-пора қилиб йиртиб, нома берган кишининг пешонасига урди. Сўнгра подшо аскарларига:— Ушланглар, бу қипчоқларни!— деб буйруқ қилди. Подшо аскарлари элчиларнинг баъзиларини ушлади, баъзилари қочиб қутилиб кетди. Бир оздан сўнг подшо:

— Эй лашкарбошиларим, ҳар қайсиларнинг лашкарла-

рингни йиғиб фалон жойга жам бўлинглар!— деб буйруқ қилди. Подшо лашкарлари ўн кун муддатда жам бўлиб, охири Дашти Қипчоқ билан уруш бошланиб кетди. Булар уруш билан овора бўлаверсин, энди гапни қаландарлардан эшитинг.

Қаландарлар фурсатни ғанимат билиб, подшо қўрғонининг чап томонидан бир дарё оқар эди, шу дарёнинг олди-дан лаҳим қазий бошладилар. Тупроғини эса дарёга оқиза-вердилар. Бир ойдан кейин шу лаҳим билан бориб шаҳар-нинг бир сабззор, олий мақом чорбоғи ичидан чиқдилар. Қарасаларки, маликанинг сайл қилиб юрадиган чорбоғи экан. Ҳалиги лаҳимнинг оғзида бир санги мармардан бўл-ган ҳайкал турар эди. Шу ҳайкални лаҳим оғзига ўрнатиб, тагида чиқар эрдилар. Келиб кўрган кишилар лаҳимни сез-мас эди. Чунки бу санги мармардан бўлган ҳайкалнинг ён-ларида катта-катта тошлар қубба шаклида ясалган бўлиб, шу қуббаларнинг биттасини кўтарсалар, лаҳим йўли очи-лар эди, қўйсалар, ҳеч ким сезмас эди. Булар лаҳимдан чи-қиб, маслаҳатлашиб, подшонинг қизини бир новда қилиб ушлаб, шу лаҳим йўлидан олиб чиқиб кетингга қарор қил-дилар. Булар бу ерда турсин, энди гапни Хуросон шоҳи-дан эшитинг.

Қачонки, Дашти Қипчоқ лашкарлари келиб, Хуросон мамлакатининг қалъасини ҳалқадек ўраб, урушга тарғиб қилгандан кейин булар ҳам урушга чиқдилар. Икки мам-лакат подшолари бир мавзегга саф тузиб, карнай-сурнайла-рини чалиб, майдонларни ораста қилиб турдилар.

Дашти Қипчоқ подшоҳининг бир паҳлавони бор эди, найзабозликда оламда машҳур эди. Шу майдонга чиқиб лоф-қоф уриб:— Эй Хуросон мамлакати, билгин ва огоҳ бўлгинки, мен бундай паҳлавон, ундай паҳлавон,— деб ўзини таъриф у тавсиф қилаверди. Бу томондан Хуросон подшоҳи дарғазаб бўлиб ўнг-сўлига қарадики, биронта паҳлавон чиқмади. Хуросон мамлакатада ҳам бир машҳур паҳлавон киши бор эди. У у ўрнидан туриб, подшодан рух-сат олиб, майдонга чиқиб, печта найзани қайтарди. Охи-риламр, қипчоқ паҳлавони найзадастликда голиб келиб, паҳлавонга чунон урдик, найза орқасидан бир қарич тешиб чиқди, паҳлавон ерга йиқилди. Хуросон подшоҳи бу ҳолни кўриб, кайфи қочиб, хоҳладик, майдонга ўзи киргай. Ул-ган кишининг бир қариндоши бор эди. У ўрнидан туриб, майдонга кириб:— Сенинг марди майдоннингман,— деб ик-ковлон талашга тушдилар. Охириламр, бунинг ҳам қипчоқ паҳлавони отдан йиқитиб ерга урди. Қипчоқ паҳлавони-нинг шериклари келиб, йиқилганини каманд билан бойлаб,

майдондан олиб кетдилар. Уша кун қипчоқ паҳлавонининг барори келиб, Хуросон мамлакатининг атанган паҳлавонларидан элликтасини асир қилиб, ўттизтасини ўлдириб, кун кеч бўлди. Икки томон таблибозкаш¹ чалиб, икки томон лашкари истироҳатга машғул бўлди. Энди гапни Бобойи айёрдан сўранг.

Қулардан бир кун Бобойи айёр билан Ҳурмуз чорбор ағрефида яшириниб маслаҳатлашиб юрар эдилар. Қизлар чорбоққа чиқди. Буларнинг келганлигини аввал бошлаб шаҳзода сездн. Маликан Ҳур ўртада келаётир. Шаҳзода Ҳурмуз ўзини аждарҳодек, шердек, парвона чироққа ўзини ургандек қирқ қизнинг ичига ўзини уриб, маликан Ҳурни кўтариб қочди. Бу ишни кўрган қаландарлар:—Эй биродарлар, шаҳзода маликасини олди, бизлар ҳам шунча юриб-юриб қуруқ қайтиб борсак, Ҳаворондаги халқлар: «Эй лапашанглар, шаҳзоданинг кетидан бориб нима иш қилиб келдингизлар?» десалар, бизлар неча пуллик одам бўламиз. Вақт ғанимат ўзларингизни уринг, бу қизлардан биронтасини ҳам қолдирмасдан олиб қочайлик,—деб, ҳамма айёрлар ўзларини бало-малодек қизларга урдилар. Ҳар қайси қаландар қизлардан биттадан кўтариб, Бобойи айёр, иккитасини кўтариб, лаҳим ичига кириб ғойиб бўлдилар. Уларнинг бу ишига фалак ҳам, малак ҳам таҳсин-офарин қилар эди. Улар қизларни чоҳ ичига олиб тушиб, маслаҳатга тушдилар. Бобойи айёр айтди:—Энди чоҳдан чиқиб қайтиб кетамиз:

Шаҳзодаин Ҳурмуз айтди:

—Эй Бобойи айёр, қайтиб кетсак ҳам бўлади-ю, лекин бу ерда бир мушкул чиқиб қолди. Хуросон подшоҳи билан қипчоқ подшоҳи уруш қилиб ётибди. Энди бизлар буларни олиб кетсак, қипчоқ подшоҳи Хуросон шоҳидан ғолиб келиб, бу қўрғонларни қўлга киргизса, Хуросон подшоҳини асир қилиб маликаи муҳтарамларни беномус қилиб, оёқ осати қилиб кетса, бу номуснинг не бир томони бизларга ҳам тегса керак. Сиз яна ўйлаб кўринг,—дегач, Бобойи айёр ўйлаб кўриб:

—Эй шаҳзода, сенинг калланга балли. Ҳақиқатан ҳам бу ишнинг охирини билиш керак,—деди. Булар шу маслаҳатда турсин, энди гапни қиздан эшитинг.

Қиз ҳам бу гапларни эшитиб, ҳақиқий ҳолни билдики, буларнинг чангалидан қутилиб бўлмайди. Қиз шаҳзодага:

—Эй шаҳзода, дарҳақиқат дунёга кимки келди, тоқ

¹ Таблибозкаш — уруш тамом бўлгандан кейин лашкарни тўплаш учун чалинадиган карнай.

кетмайдн. Ҳақиқатан отам золимлик қилиб, мени ҳеч ким-
га лойиқ кўрмадн. Тақдирим сендан экан. Энди сен меники,
кўнглингни яқин тутгин. Ҳалиги айтган гапинг ҳақиқий гап.
Душман зафар топиб, бу манзиллар оёқостн бўлмасин,—
дегач, Бобойн айёр:

— Эй қаландарлар, ҳар кимнинг ушлаб, кўтариб келга-
ни ўзиники бўлсин,— деб аҳдн тамом қилдилар. Бу ишга
қизлар ҳам рози бўлиб, уларнинг ҳар бирига биттадан тег-
дн. Аммо бир қиз ортиқ бўлиб қолди. Бобойн айёр:— Эй
биродарлар, бу қизга дахил қилмангизлар,— деди. Булар
икки айёрни лаҳимнинг бу томонига қўйиб, икки айёрни у
томонига қўйиб, тайин-ботайин қилиб:— Ҳушёр бўлинглар,
мабодо бу қизлар сизларга фириб бериб даст топмасин.
Бизлар чиқиб шаҳарнинг аҳволдан хабар олиб турай-
лик— деб ўттиз олти айёр сангимармар тагидан, чорбоғи
олийга чиқиб, ҳар томонларни сайру томоша қилдилар. Бир
ошхонага бориб, ош-нонларни олиб, буларга келтириб бе-
риб, кейин ўзлари подшонинг уруш қиладиган жойига бо-
риб томоша қилиб турдилар. Майдонга қарасаларки, бир
қипчоқ паҳлавони қанча паҳлавонларни ер билан яксон
қилиб, қанчаларни асир қилиб, майдонни танг қилиб туриб-
дн. Ҳар томонда:— Муддатн ўн кун бўлдики, ҳеч ким ана
шу паҳлавонга муқобил келолмайди,— деб гивир-гивир
гапиришиб турибдилар.

Шаҳзода бу нидони эшнтиб, тоқати тоқ бўлиб, бадани-
даги туқлари наштардай кийимларини тешиб чиқди. У ўзи-
ни тўхтатолмай наъра уриб, оғзидан кўпиклар сочиб, Хуро-
сон подшоҳининг олдига келиб:— Эй султони бокарам,
каминага рухсат берсангиз, майдонга кириб, сизнинг дилин-
гизни хушнуд қилиб, қипчоқ паҳлавонининг адабини бер-
сам,— дедн.

Хуросон подшоҳи қараса, олдида бир девона турибди —
жўлидамўй¹, сочлари ўсган, бўйнига тушган, бошида бир
пўстак кулоҳ, эгнида бир намаат чакмон. Подшо унга қа-
раб:

— Эй қаландар, катта-катта паҳлавонлар нима иш қил-
дики, сен қиласан? Бориб бангингни чекиб, оловингни ёқиб,
қаландархонада ҳунг уриб, машқингни қилиб ўтиравергин-
да,— деди.

Шунда доно вазир:— Эй султоним, қаландарлар ҳеч иш
қилолмайди деб ўйламанг. Бу девона зафар тортиб бир иш
қилиб қўйса ажаб эмас,— дегач, подшо фотиҳа бериб

¹ Жўлидамўй — сочлари паришон, тўзиган.

юборди. Шаҳзода эса подшодан фотиҳа олиб, таъзим қилиб, бир неча қадам кейинига юриб узоқлашди ва катта калтакни қўлига олиб, югурганича қипчоқ паҳлавонининг рўпарасига бориб бир наъра уриб:— Эй паҳлавони қипчоқ, бешани-бешер¹ билиб бу ерларга келибсан, энди яхшилик билан отдан тушиб, Хуросон подшоҳининг ликобини² бориб ўлиб кел. Бўлмаса, жонингдан умидингни узгин, — деди.

Қипчоқ паҳлавони йигитни бу асъасада кўриб хахолаб кулиб юборди:— Эй қаландар, Хуросон подшоҳининг паҳлавонлари қолмаган бўлса, ўзи келиб менинг ликобимни ўпсин, сен бўлсанг қаландархонага бориб, ўз ишингга машғул бўлавер. Сен билан уришишга мен ор қиламан, — деди. Қаландар дарғазаб бўлиб:— Эй аҳмоқ қипчоқ, сен насиҳат учун келдингми?— деб кулоҳидан палахмонини олиб, жилавага келтириб, тош билан бир урдик, от ерга йиқилди. Қипчоқ паҳлавони шаҳзодага аждардек ташланди. Шаҳзода ҳам шердек ёпишиб, икковлон тортиша кетдилар. Шу қадар тортишдиларки, майдон чаңгиб тало-тўп бўлиб, охири шаҳзода паҳлавони қипчоқни шоштириб, паҳлавони қипчоқ семизлик қилиб терлаб, қаландарни суролмасдан сусайиб қолди. Шаҳзода вақтни ғанимат билиб, исфиҳонча кураш қилиб, қипчоқ паҳлавонининг чап биқинига олиб кўтариб, икки оёғини гарданига кўтариб ерга чунон урдик, паҳлавони қипчоқ беҳуд бўлди. Шаҳзода: «Каманд келтиринглар», — деб ишора қилди. Уттиз олти қаландар парвонадек ўзларини дарҳол майдонга уриб, қипчоқ паҳлавонини орадан кўтариб ғойиб бўлди. Таблибозгаш чалиниб, кун кеч бўлди, ҳар икки томон истироҳатга машғул бўлди. Булар бу ерда турсин, энди гапни қаландарлардан эшитинг.

Қаландарлар қипчоқ паҳлавонини кўтариб бориб лаҳим ичига олиб кирдилар. Бир неча соат ўтгандан сўнг, қипчоқ паҳлавонини ҳушига келтириб:— Эй паҳлавон, энди қалайсан?— деб сўрадилар. Паҳлавони қипчоқ ўрнидан туриб, таъзим қилиб:— Эй паҳлавон шаҳзода, бу дамгача менинг ҳеч орқам ерга теккан эмас эди. Қасамёд қилиб айтаманки, сен ака-ю, мен ука бўлайлик. Сен қаерда бўлсанг, мен сенинг остонаида хизматингда бўламан, — дегач, қипчоқ паҳлавонининг камандларини ечиб, аҳди омон қилиб, ҳалиги бир қизни қипчоқ паҳлавонининг олдида келтириб

¹ Бешани-бешер — бу ерларни йўлбарсиз билиб бу ерга келибсан маъносига.

² Ликоб — этаги маъносига.

қўйдилар. Паҳлавон қарасаки, олдида бир нозик ниҳол паризод ўтирибди. Бобойн айёр:— Эй паҳлавон, мана шу қиз сенинг жуфтинг бўлсин. Ҳаммамизга ҳам биттадан қиз бўлди. Энди гапнинг хулосаси шуки, шу оқшом ярим кечада бу ердан чиқиб, қипчоқ лашкарларига ўзимизни урамиз. Ўлдириш учун эмас, балки уларни қўрқитиб, шу манзиллардан қочирсак, Хуросон халқи ҳам омон-эсон қолади,— деб аҳди омон қилиб, аввалгидек ўттиз еттита айёр кечаси чиқдилар. Аввал бошлаб подшонинг сайнixonасига бориб, бир қанча сайисларни ушлаб, қўл-оёқларини боғлаб, бир канорага элтиб, дарахтларга боғладилар, сўнгра ўзлари келиб сайнixonадаги мингта отни олиб чиқдилар. Шу яқинда бир ўрмон бор эди. Ўрмондаги дарахтларни йиқитиб, дарахтларини отларга боғлаб, ўттиз етти айёр, ўттиз еттита байтални миниб илгари юрар эдилар ва бошқа жами отлар уларнинг кетидан келар эди.

Улар қипчоқ лашкарларининг яқинига келиб қарадиларки, қипчоқ лашкарларининг баъзилари ухлаб, баъзилари посбонлик қилиб лашкарни айланишиб юрибдилар. Кечаси бениҳоя зулмат эди. Айёрлар жами отларни қипчоқ лашкарининг адл ўртасидан суриб ҳайдадилар. Ҳамма отлар дарахтларни судраб ваҳима билан шағиллатиб, ғўёки осмондан бало ёғилгандай бўлиб, ухлаган лашкарлар ҳам саросима бўлиб, кийимларини кия олмасдан ҳар томонга қараб қоча бошладилар. Айёрлар қипчоқ лашкарларининг олдига келганда отларидан тушиб, қипчоқ лашкарларини найза, табару¹ шамшир — барча қуроолларини йиғиштириб, канорага² жам қилиб бадар кетдилар. Уларнинг устларига отлар дарахтларини судраб келганда баъзилари кийимлари билан қуроолларига қарамасдан ўз жонларини саломат олиб қочиб кетдилар. Хуросон подшоси бу қадар мағлубиятни билиб, лашкарларини йиғиб, машъалларини ёқиб, шаҳар ташқарисига чиқиб ахтаришга тушди. Қипчоқ лашкарлари бу ҳолни кўриб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, баъзиси биёбонга, баъзиси тоғларга ва баъзиси дарё канюраларига пароканда бўлиб кетдилар. Қипчоқ подшоси вақтни ғанимат билиб, қипчоқ мамлакатига қараб қочиб кетди, қочиб кетишдан бошқа чора йўқлигини билдилар. Шунинг учун қипчоқ лашкарларининг шаридан³ Хуросон мамлакати қутилди. Хуросон подшоси бу ишларни, ғалабаларни кўриб, таҳсин ва офаринлар қилди. Қандай киши

¹ Табар — болта, бу ўринда сйболта маъносида.

² Канора — қирғоқ.

³ Шаридан — ёмонлигидан.

бу ишларни қилган экан деб, тонготгандан сўнг ҳамма ўлжаларни олиб шаҳарга кириб, дарвоза олдида келиб қарасаларки, дарвозада: «Бу ишларни қилган кишилар қаландарлардир», деб ёзилган. Подшо уларнинг бу қилган ишига таҳсин-офарин қилди. Ўрдага кириб қараса, ўрдадаги кишиларнинг авзойи бошқача. Подшо:— Эй ҳаромилар, нима воқеа бўлди?— деб сўради. Подшонинг кишилари:— Эй подшоҳим, бир қошиқ қонимиздан кечсангиз, бу сир-асрорни сизга айтамыз,— деди. Подшо «ўтдим» деди. Қанизалардан бири:— Эй подшоҳим, билинг ва огоҳ бўлинг, бир печа кун бўлдики, Маликан Ҳур қирқ қизлари билан ғойиб бўлди. Билмаймиз, ерга кирдими ё осмонга чиқиб кетдими, ҳеч хабарсиз,— деди. Подшо бу сўзни эшитиб, ғазаби зиёда бўлиб, ўзини ҳар томонларга ташлаб, бетоқат бўлиб туриб эди, вазирлар, ҳукамолар, роммоллар йиғилишиб маслаҳатга тушдилар:— Эй подшоҳим, кўп хафа бўлманг. Ерда бўлса ҳам топамиз, осмонга чиқса ҳам топамиз. Чунки сизнинг даргоҳингизда шунча олимлар бўлса-ю, битта қизингизни топа олмасак,— деб подшонинг дилига бир оз таскин бердилар. Буларни шу ерда, шу фикрда қўйинг, энди гапни қаландарлардан эшитинг.

Қаландарлар лаҳим ичида жам бўлиб:— Энди нима қиламиз, подшонинг душмани ҳам бартараф бўлди, шаҳарлар тинчиди. Энди бир иш қилиб маликаларни Хуросон мамлакатидан Ҳаворон тупроғига олиб қочайлик,— деб маслаҳат қилдилар. Кечалаб лаҳим қаздилар. Лаҳим пастдаги дарё лабидан чиқди. Дарё ичига қуруқ ёғочларни жам қилиб, устига қизларни ўтиргизиб, дарё ичи билан бир неча манзил оқиб эдиларки, олдиларида бир жой чиқди. Бу бир ҳушҳаво, чашмалардан сувлар оқиб турган, тиниқ сувлар шилдираб оққан, сув себарганинг устида ғалт уриб, себарга сувнинг устида ғалт уриб, булбуллар сайраб, ҳар хил қушлар наво қилиб турган жой экан. Шундай ҳушҳаво жойки, таъриф ва тавсиф қилган билан одамнинг оғзи шашади. Улар шу жойга борганларида:— Эй биродарлар ажа шу жойга тушиб бир истироҳат, сайр — томоша қилсак. Подшо лашкар юбориб, бизларни тафтиш қилиб ахтариб келиб бизга дуч келса, бизлар оз кишимиз, уриб асир қилса ажаб эмас. Гапнинг пухтаси — шу манзилда бир-икки кун истироҳат қилиб, кейин қайтиб кетсак,— деб ёғочларнинг устидан тушиб қирғоққа чиқдилар. Бу мавзеда томоша қилиб, алвон-алвон мевалардан еб, сероб бўлиб, кунни кеч қилдилар. Кеч бўлгандан сўнг шаҳзоданинг муҳаббатига ғалаба қилиб, маликага қўл узатди. Шунда малика:— Эй шаҳзода, шунча ишни қилдинг, энди шаҳардан бир мул-

лани кетириб, расми-қонда билан, шарти-шаронт билан иш қилайлик. Менинг ва сенинг номингга бадномлик қолмасин. Бориб бир муллани олиб келинг,— деди. Бобойи айёр бу гапни маъқул топиб:— Шаҳардан бир мулла кишини олиб келинглар,— деб айёрларга буюрди. Айёрлардан йигирма киши бир баландликка чиқиб, ҳар томонга назар қилиб қаради, бир томондан итнинг овози келади. Шу томонга қараб бир фасл юриб эдиларки, олдиларида бир мачит намоён бўлди. Айёрлардан бири бориб мачитга кириб, сўфини уйғотди. Сўфига бир мунча ҳадя бериб:— Домланинг уйларини кўрсатинг, бизнинг домлада ишимиз бор,— деди. Сўфи биргалашиб бориб, домланинг уйини кўрсатди. Айёрлар домланинг дарвозасини очиб, ичкарига кириб, уйнинг уёқ-буёқларини сеплаб кўриб чиқдилар. Сўнгра домлани уйғотиб, қўл-оёғини, кўзларини боғлаб, аста-аста ҳалиги мавзегга олиб келдилар. Домланинг қўл-оёқларини ечдилар. Домла аввал шаҳзода билан Маликани аҳди никоҳ қилди. Муздига¹ малика бир узугини чиқариб берди. Кейин Бобойи айёрни никоҳлади. Қисса кутох, қирқ паҳлавон — айёрлар қизларга никоҳландилар. Айёрлар яна мулланинг кўзини боғлаб, уйининг олдига элтиб қўйиб, ғойиб бўлдилар. Булар шу мавзеда айш-ишратга машғул бўлиб юраверсинлар, энди гапни подшоҳи Хуросондан эшитинг.

Хуросон подшоҳининг вазирлари, роммоллари ва қуръа андозлари илмларини ишга солиб билдиларки, қизин Хуросон мулкидан ташқарига олиб кетганлари йўқ. Подшо бир қанча аскарларини ҳар томонга югуртириб, тафтиш қилиб юраверсин, энди гапни қаландарлардан эшитинг.

Қаландарлар билдиларки, подшо лашкарлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ҳар қайси кентларни, ҳар қайси мавзеларни, водийларни, қирларни, сойларни, тоғларни ва боғларни кўриб чиқиб қизларни топа олмадилар. Булар турган жойини мавзеи Хошнён дер эдилар. Шу ерни булар кўрмаган эди. Охири подшо лашкарларидан бир гуруҳи отланиб шу томонга қараб келиб, бу мавзегга яқинлашди. Қаландарлар мастураларни дарёнинг у томонига ўтқазиб қўйайлик, ўзларимиз бўлсак, шу жангалларнинг орасига бекиниб ётайлик. Қачонки улар бу жойларга келса бир тушиб дам олиб, истироҳат қилишиб турганда бизлар аввал буларнинг отларини олайлик, кейин ўзларини қўлга тушириб бартараф қилайлик деб, мастураларини дарёнинг париги томонига ўтқазиб, пинҳон қилиб қўйдилар. Ўзлари бўлса жангаллар

¹ Муздига — совғасига.

орасига кириб беркиниб ётавердилар. Аскарлар бу мавзегга яқинлашиб келиб, бир жойга тушиб, ҳамма отларини қаторлаштириб бир жойга боғлаб, бир неча кишини посбон қилиб, ўзлари бу мавзени ахтаришга тушдилар. Айёрлардан бири жангал орасидан чиқиб, ҳалиги қоровулнинг кетидан бориб, бирданига бўғиб, қўл ва оёқларини боғлаб, узоқ жойга элтиб қўйиб келди. Бу жойга келган аскарларнинг кетидан пойлаб келиб, ҳаммалари шабохун уриб олишиб кетдилар. Паҳлавон Қипчоқ билан шаҳзода ҳалиги отларнинг икки томонига мутасадди бўлиб келган лашкарларни бир шапалоқ урганига баъзилари ўзидан кетиб ва баъзилари қўрққанидан дам чиқармас эдилар. Шундай қилиб булар бир муддат жанг қилиб, ҳамма аскарларнинг қўл-оёқларини боғлаб, отларига миниб, қолган отларга юку ёвларини ортиб, ҳалиги аскарларнинг кийимларини олиб, мастураларига кийдириб отларга миндириб, гўёки бир гуруҳ аскар бўлиб юрганларида, эркак-аёлликларини ҳеч ким билмас эди. Шундай қилиб булар Хуросон мамлакатидан чиқиб, Ҳаворон мамлакатига қараб юраверсини энди гапни Хуросон шоҳи билан ҳалиги аскарлардан эшитинг.

Ахтаришга келган аскарлар бир-бирларини ечишиб, аста-аста йўлга тушдилар. Бир қанча йўл юриб, улар Хуросон дарвозасига, подшо ўрдасига кирдилар. Подшо кўрдик, ҳаммаларни юлинган-таланган. Подшо:

— Қани, сизлар нима учун бунда кўринасизлар?— деб сўради. Ҳалиги аскарлардан бири:

— Эй султоним, бизлар дарайи Ҳошияни ихота қилиб, ахтаришиб юрганимизда, бир қанча қаландарлар чиқиб, бизларни ўраб отларимизни олиб, ўзимизни боғлаб, зим-гойиб бўлиб йўқолиб кетдилар. Улар одамзодми ёки паризодми билмаймиз. Шундай қилиб бизлар бир-бировимизни ечиб, соғ-саломат қочиб қайтиб келдик,— деди. Бу келган кишиларни подшо ваҳшат қилиб, аркони давлатдан қувиб-ҳайдаб чиқариб юборди. Подшо жаҳлига чидай олмасдан ўзини ҳар томонга уриб акобирларини талаб қилди. Уларга:

— Эй биродарлар, энди мен калла кўтариб юруксиз бўлдим. Қайси йўл билан бўлса ҳам менга йўл кўрсатинглар!— деди. Хуросон ҳукаmolари ҳаммаси калласини қуйи солиб ўтирдилар. Бир оздан сўнг бир вазир ўрнидан туриб подшога:

— Эй подшоҳим, менинг кўнглимга бир гап келди, агар гуноҳим бўлса гуноҳимдан ўтсангиз, айтаман,— деди. Подшо:

— Нима гуноҳнинг бўлса ҳам, ўтдим. Ишқилиб менга бир йўл кўрсатингки, ўшаларни қўлга туширадиган бўлсин,— деди. Вазир ўрнидан туриб:

— Эй подшоҳим, Ҳаворон шоҳи қизингизга элчи юбориб, совчилари ноумид бўлиб кетган экан. Ҳаворон шоҳи аввал бир маккора кампир билан бир расмчинни юбориб, Маликан Ҳурнинг суратини чизиб кетган экан. Подшо бу суратни ҳар замон кўриб, дили таскин топар экан. Энди эшитамизки, Ҳаворон шоҳининг Шаҳзодан Ҳурмуз деган бир ўғли бор экан.

— Кўнлардан бир кун подшо мамлакатларининг хирожини йиғишга кетганида, шаҳзода Ҳурмуз сайри томоша қилиб гузари шу суратга тушиб, беҳуд бўлибди. Отаси эшитиб, келиб шаҳзодани гапиртириб билдиларки, шаҳзода ишқ туғёнига гирифтор бўлиб қолган экан. Сунгра подшо ўғлига насихатлар қилиб, кўп алдади, Охири ишқ ғалаба қилгандан йил, бир қанча маккор, айёр, таррор, паҳлавону номдорлар, қоронғи уйга кирса, бир қора мурча бўлса ҳам қўлидан қутилмайдиган кишиларни шаҳзодага ҳамроҳ қилиб, бизнинг шаҳримизга жосусликка, қизни қўллариغا киритиб, олиб кетишга юборган экан. Дарҳақиқат, шаҳримизда пайдо бўлган қаландарлар ўз кўзингиз олдида майдонга пиёда кириб, олишиб қипчоқ паҳлавонини равос йиқитиб олиб чиқиб кетди. Фалон кечаси шабохун уриб, қирқ қаландар душманларни саросима қилиб, бизнинг бошимизга келган балони бир тараф қилди. Бу балога, улчир қирқ киши-ку, қирқ минг киши бўлса ҳам, қипчоқ лашкарларига баробар келмас эди. Эй подшоҳим, сиз шунинг билингки, ул қаландарларнинг ҳар бири бир балойи азимдирки, уларнинг кетидан сиз лашкарни кишвар юбориб кучсизлашиб юрманг. Эндиги гапини ўзингиз биласиз,— деди.

Подшонинг ғазабни зиёда бўлиб:— Эй вазир, гуноҳингни сўрамасдан аввал шу гапларни айтсанг эдинг, сенинг бошининг ўлимда, молнинг таловда бўлар эди. Энди сени вазирлик мансабингдан ўчирдим. Давлат ўрдасидан бугундан бошлаб чиқиб кетгин,— деди. Подшо ўйланиб-ўйланиб кўнглида: «Ҳақиқатан ҳам шу вазир айтган гапининг баъзиен тўғри келади. Лекин баъзи гапини ошкора гапирганлиги учун жаҳлимга чидай олмасдан ҳайдаб юбордим-да» деб, афсус ва надоматлар қилиб, ғам дарёсига чўмиб кетди. Булар бу ерда турсин, энди гапини подшоҳи Ҳаворондан эшитинг.

Подшоҳи Ҳаворон шаҳзода Ҳурмуз Маликан Ҳурнинг эсон-омон олиб қайтаяпти деб эшитди. Подшо лашкарларини йиғиб, карнай, ноғораларини чалдириб, пояндозлар сол-

дириб, ақлдан ташқари ойнабандлик сайл буюрди. Ҳамма жойни безатиб, ярқиллатиб, бахмалдан бир чодир ясаб, бир араванинг устига ўрнатиб, яхши хешу ақраболари билан шаҳзоданинг йўлига чиқариб қўйди. Булар бу асъасадабада билан бўлаверсин, қаландарлар бўлса ҳарамни муҳтарамларининг эркак либосларини ечиб, ҳарир либосларини кийдириб, ҳар қайси шаҳзода отга миниб, кейинига қаллиғини миндириб, шаҳар яқинига келдилар. Қарасалар, шаҳарнинг гулгуласи фалакка уланади. Билдиларки, буларнинг келишини билиб, шунчалик хурсандлик бўлиб турибди. Бир фасл юриб эдиларки, бир баланд бахмал чодир, шаҳзоданинг онаси, хешу ақраболари шаҳзода билан маликани қўл учига кўтариб, бахмал чодирларга ўраб олиб кетди. Ундан кейин бир тўда кишилар келиб, Бобойи Айёрни кийинтириб олиб кетди. Қисса кутуҳ, ҳар қайси қаландарларини хеш-ақраболари келишиб, либослар кийдириб олиб кетавердилар. Шаҳзодан Ҳурмузнинг: «Ҳар қайси қаландарларнинг хеш-ақраболари олиб кетаяпти-ю, биродарим қипчоқ паҳлавонини ким олиб келар экан»,— деб кўнглига келиб, калласини қуйи солиб туриб эди, подшоҳи Ҳаворон кўрдик, ўғли бениҳоят хафага ўхшайди. Подшо сизиб шаҳзодани қучоғига олиб, чаккаларидан бўса қилиб:

— Эй ўғлим, нима учун сен ғамгин кўринасан?— деди. Шаҳзода калласини кўтариб:

— Эй отажон, билинг ва огоҳ бўлингки, бизлар қирқ бир киши эруرمىз. Мени сиз ва онам, хеш-ақраболари олиб келдингизлар, бошқалар ҳам шундай бўлди. Ҳозир кейинда қолган қипчоқ паҳлавонларидан бири бор. У ниҳоят забардаст, паҳлавонликда машҳурдир. Хуросон мамлакатининг атанган паҳлавонларини зеру забар қилиб, бир қанчаларини асир олиб турган вақтида, мен у билан муқобил бўлиб, зафар топиб, уни мусаххар қилиб олдим. У мен билан қасамёд қилиб ака-ука тутинди. Ҳамманинг хеш-ақраболари бориб олиб кетаяпти. Қаники, энди унинг ҳам кишиси бўлса, бориб олиб келса,— дегаҳ, подшо ўрнидач туриб, бир қанча ҳарир либослар олиб, ҳарамни муҳтарамларини эргаштириб, паҳлавони Қипчоқни ҳам ўрдага ўзи олиб келди. Бошқатдан шаҳзода Ҳурмузга Маликан Ҳурич қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй-томошалар ва аҳди никоҳ қилиб, висолларига етқирдилар. Қолган қаландарлар ҳам тўй-томошалар қилиб, висолларига восил бўлдилар. Буларни бу ерда айшу ишратда қўйинг, эндиги гапни Хуросондаи эшитинг.

Хуросон подшоҳи ғаму алам билан кун кечиниб юрар

эди. Боз уламоларини йиғиб:— Бир тадбир қилиб, Маликаи Хурни олиб келсак,— деди. Уламолари:— Эй подшоҳим, агар сиз рози бўлсангиз, эндиги гап шундай бўлсин, Ҳаворон шоҳига хат билан бир гуруҳ элчи юборамиз. Шу хат боргандан сўнг, куёвингиз билан қизингиз келса, шундан кейин ўлдирасизми, у ёғини ўзингиз биласиз,— дедилар. Подшога бу гап маъқул тушиб, бир қанча акобирларини йиғиб:

— Бир нома тайёр қилинглар,— деди. Бир вазири ўриндан туриб, нома ёзишга мен мутасадди бўлай деб сўради. Подшо ижозат бергач, у нома ёзишга машғул бўлди. Нома мазмунини шундай: «Аввал салом. Ҳаворон шоҳига, дуоюм¹ салом Маликаи Хурга ва шаҳзодаи Хурмузга бўлсин. Саломдан сўнг бизлар сизларнинг қадри-қимматларингизни ва қурби манзилатларингизни билмасдан хато қилган эканмиз. Сизлар манзилларимизга келмасангизлар, бизнинг шаҳарларимиз оёқости бўлиб, халқларимиз хароб бўлиб, қипчоқлар қўлида қул бўлиб, кулимиз кўкка совурилар эди. Энди бизлар шул хатоларимизни ўзимиз сездик. Энди бизлар сизларга меҳмон юборамиз. Меҳмон боргандан сўнг сизлар ҳам қадам рапжида қилиб, куёв-келиндарини олиб келиб Хуросон мамлакатини хурсанд қилсаларингиз. Менинг қарилигим асар қилиб, хатоларимни кейин тушундим. Менинг хатоларимни афу этиб, меҳмонликка келиб, менинг бир бор кўнглимни хушнуд қилгайсизлар, Нома таом, вассалом. Салом билан манки Хуросон шоҳидурмен»,— деб номани буклаб, бир оқил кишига бериб, уларнинг йўл ҳужжатларини бериб, Ҳаворон шаҳрига жўнатдилар. Булар кетаверсин, эндиги гапни Ҳаворон шоҳидан эшитинг.

Маликаи Хур юкли бўлиб эди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтиб, Маликаи Хур бир ўғил туғдики, ниҳоят соҳиб ақл, отини Маликжон қўйди. Бу орада бир неча кун ўтиб, ҳалиги элчилар ҳам Ҳаворон шаҳрига кириб, ўрдага яқинлашди. Ҳаворон подшоҳи уларнинг келганидан хабар топиб, поёндозлар солиб, қанча кишиларини йўлга пешвоз чиқариб асъасаю-дабдабалар билан ўрдага олиб кирдилар. Қиммат баҳо тўшақларни ташлаб, меҳмонларни ўтиргизиб, уларнинг олдиларига турли-турли таомларни, алвон-алвон неъматларни қўйиб, ваъмасозлик қилиб, шаробларни сузиб, ҳаммалари шермаст бўлиб ўтирганда, ҳалиги оқил киши номани юз одоб билан подшо қўлига берди. Подшо номани олиб ўқиб, мазмуни-

¹ Д у ю м — иккинчидан.

дан огоҳ бўлиб, бениҳоя хурсанд бўлди. Келган элчиларни томошалар қилдириб юраверди. Бир куни элчилар ўрнидан туриб, подшони аввал дуо қилиб, кейин ўзларининг қайтиб кетишларини изҳор қилди. Подшо уларга қараб:— Эй биродарлар, меҳмоннинг келгани яхши бўлади-ю, кетиши жуда оғир, ёмон бўлар экан. Энди нима ҳам дер эдим. Яхши келдингизлар, мендан рози бўлинглар,— деб ҳалиги элчиларининг ҳар қайсиларининг олдиларига баркашлар билан бош-оёқ сарполар, қанча зару зеварларни бериб, бир неча қадам ергача подшо пиёда бориб, хўш-хушлашиб, хайрлашиб қолди. Булар бу ерда турсин, энди гапни меҳмонлардан эшитинг.

Меҳмонлар хурсанд бўлишиб, бир-бирларига:— Бизлар Хуросон подшоҳининг шунча йил хизматини қилиб, бирон-та яхши гапини ҳам эшитмаган эдик. Шундай подшо катта бошини кичик қилиб, бизларнинг кейинимиздан пойни пиёда юриб яна қанча камтарлик билан кўнглимизни хушнуд қилди. Олдимизга қўйган инъом-эҳсонларни ҳам бир умримизга етади, эсимиздан чиқмайди,— деб ўз мамлакатларига қайтиб келавердилар. Бир неча кун йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, Хуросон мамлакатига яқинлашиб улар бир-бирларига:

— Энди бизлар бу инъом-эҳсонларни подшоликка берсак, подшо бизларни яхши кўрар, бўлмаса, бизларнинг ҳақимизда қанча гаплар гапирса керак,— деб ўрдага киришди. Улар от, хуржунларини сайисхонага қўйиб туриб эдилар, подшо кўриб, хазинабонни чақириб:— Булар олиб келган нарсаларни хазинага олинг!— деди. Хазинабон келган нарсаларнинг ҳаммасини хазинага дохил қилди. Элчилар бу ҳолни кўриб, дилларидан ранжиб, ҳеч дам урмасдан ўтирдилар. Подшо уларга қараб:

— Эй навкарларим, қани нима хабар келтирддинглар?— дегач, ҳалиги навкарлар Ҳаворон подшосининг феъл-атварларини, шаъну-шавкатларини, хайру эҳсонларини, камтаринлигини таърифу тавсиф қилдилар. Кейин номанинг жавобини қўйнидан чиқариб подшога тутиб эди, подшо номани олиб ғазаби зиёда бўлиб, хатни пора-пора қилиб: «Сизлар ҳам ўша душманга қўшилиб, менга душман бўлибсизлар»,— деб, навкарларнинг ҳаммаларини зиндонга солди. Подшо аввалги вазири аъзамини бўшатиб юбориб, қизи у ёққа кетиб қолиб, нима қилишини билмасдан ғазабланиб қолаверсин, энди гапни Ҳаворон шоҳидан эшитинг.

Ҳаворон мамлакатада кундан-кун хурсандлик, фаровонлик зиёда бўлиб, мамлакатлар осойишта, ҳукумат тинч яшаб юраверди.

Кунлардан бир куни Маликаи Ҳур боласи билан ўйнаб туриб, онаси ва хешвонлари¹ эсига тушиб, кўнгли бузилиб, бир оҳ-фарёд тортиб эдики, шу фурсатда шаҳзода ҳозир бўлиб қолди. Шаҳзода:

— Эй хоним, нима учун оҳ тортасиз? Ейиш-ичишдан мамнун бўлсангиз, ўзингиз аркони давлатда яшасангиз, болаңгиз бўлса, ҳеч вайдан камчилигингиз йўқ, деб ўйлайман,— деди. Икковлари шу машмашанинг устида туриб эдиларки, шаҳзоданинг онаси кириб, бу аҳволни пайқаб қолди. Шаҳзоданинг онаси подшога:— Ўғлингиз билан келинингизнинг ўртасида қандайдир бир носозлик содир бўлганга ўхшайди, иккови бир-бири билан поиттифоқ кўринади. Тўсатдан мен бориб қолиб, сезиб қолдим,— деди. Подшо чўсти чалон² ўрнидан туриб ҳақиқий ҳолни сўраб, келинининг хешу товорлари фироқида эканлигини билди.

Подшо дилдорлик бериб:— Эй қизим, кўнглингни қавий тутгил. Мен бугундан бошлаб сизнинг ўз шаҳрингизга бориб келишингиз учун тайёргарлик кўраман. Отаңгиз илгарироқ нома юбориб эди. Мен сизни юбормасдан ҳақиқатингизга жабр қилдим. Нима учунки, шаҳзодаи Малик жуда ёш эди. Энди бўлса юрадиган бўлди. Энди сизни юбораман,— деб кўнглини таскин топтириб чиқиб кетди. Подшо шаҳзодаи Ҳурмузни чорлаб:

— Келинни бир отасига кўрсатиб келиш лозим бўлди. нима қиламиз, ўзинг олиб борасанми ёки бўлмаса бошқа киши билан юборамизми?— деб маслаҳат қилди. Шаҳзода:

— Эй ота, энди нима бўлса бўлди, ўзим олиб бормасам тўғри келмайди,— деб, йўл жабдуқларини муҳайё қилиб, бир катта арава ясаб, бахмал чодир қилиб, Малика билан бир неча канизларни ўлтирғизиб, шаҳзодаи Маликни бир жийрон отга миндириб, либоси шоҳонларни кийдириб, бошига тож қўйиб, камари мамлакатни Ҳаворонини белига боғлаб, шул асъаса-ю дабдаба билан йўлга равона қилдилар.

Бир неча кунлар юриб, қанча тоғларни, боғларни ўтиб, баъзи жойларга тушиб, истироҳат қилиб, шаҳзода билан Малика дашту биёбонларда ов қилиб, бир неча ой йўл юриб, Хуросон шаҳрига дохил бўлдилар. Хуросон подшоҳи буларни библиб, шаҳарга олиб кирди. Хуросон подшоҳи вазиirlарига: «Энди қандай қилиб буларнинг адабини берсам»,— деб маслаҳат қилди. Хуросон уламолари кўнгилларида: «Бу қандай аҳмоқ подшодирки, ўз қизи ва куёвига

¹ Хешвонларни — қариндош-уруғлари.

² Чўсти чалон — тезлик билан.

зулм қилади. Яхши гапирсак, бизларни вазифамиздан ё ҳайдаб юборади, ё зиндонга солади. Яхшиси шуки, индамай енгилш керак», деб тек турдилар. Шуларнинг ичида бахил, бузмакор, кинначи, фузжор¹, кўнгли наमतдек қора, бахили бадбахт бир киши бор эди. Подшо ҳам ўшани ўзига дўст тутар эди. Ўша вазири бош кўтариб:— Эй подшоҳим, менинг маслаҳатимга кирсангиз, бу куёвингиз сизнинг ҳаққингизга ва шаънингизга доғ тушириб кетган. Ҳамиша халқ аввали охир подшонинг қизини фалон куёв олиб қочиб кетган дейди. Энди қизингиз билан куёвингиз ва улар билан келганларининг ҳаммасини зиндонга солиб, адабини беринг. Барибир бир куни Ҳаворон шоҳи ўғлини халос қилиш учун келса, уни ҳам қўлга тушириб, кейин буларни дорга осиб, бир ишларни қилингки, бундан кейин халққа ибрат бўлсин. Ҳар ким бир кишининг қизини олиб қочиб кетса ҳаққи шундай бўлишини билсин,— деди. Подшо бунинг гапини эшитиб:

— Ҳақиқий гапини сен гапирдинг. Энди буларни қандай қилиб боғлаш керак?— деди. У вазир:

— Буларни яхшилик билан гапириб, либослар бериб, дастурхонлар солиб, таомларига дорийи беҳуш қўшиб, маст ҳолатида боғлаб олмасангиз, бу шаҳзода биласизки, ўша куни машҳур Қипчоқ паҳлавонини беот майдонга кириб, асир қилиб олди. Кечаси минг-минг кишиларни сарвасимага солиб, шаҳардан йироқ қилди. Энди шу макр билан қўлга тушириш керак,— деди. Подшо бу сўзни маъқул топиб, қизи билан куёвини иззату икром билан жо-бажо қилиб, олдиларига дастурхон ёзиб, ҳар хил таомларни келтириб едириб, шароблар ичиб, бир фасл ўтириб эдиларки, шаҳзода билан ёр-биродарлари масту аласт бўлиб ухлаб қолдилар. Подшо бўлса дарҳол мулозимларини чорлаб:

— Камонларни келтириб зертанг-зебартанг боғланглар!— деб буюрди. Мулозимлар келган кишилар билан шаҳзодани Ҳурмузни боғлаб зиндонга тортдилар. Малиқан Ҳурни ҳам алоҳида бир зиндонга солиб қўйдилар. Шаҳзода Малик эса болиғ бўлмагани учун² ўрдага кириб-чиқиб юрар эди. Малиқан Ҳурнинг онаси бу ишни кўриб бошига тупроқ сочиб:— Киши ўз фарзандининг ҳақиға шундан зулм қилса, бу қандай ҳақиқат,— деб йиғлар эди. Лекин подшодан қўрққанидан подшо олдида дам урмас эди.

Шаҳзодани Малик ўрдага кирса, ўрда ичидаги исн борми, гўшт борми — барча овқатларни еб, ҳеч қорни тўй-

¹ Ҳар хил ярамас, гуноҳ ишларни қилувчи.

² Болиғ бўлмагани учун — балоғатга етмаганлиги учун.

мас эди. Далага чиқса подшонинг аскарларига берадиган шулон¹ тайёр бўлса, бир неча коса ичиб, шунда ҳам қорни тўймас эди. Кўча-бозорларга бориб баъзи кишиларнинг олдига турган таомлари бўлса, еб кетаверар эди. Баъзиларнинг чорбоғига кириб, мевали дарахтларни таги билан суғуриб меваларини еб, эгалари келса, уриб қочиб кетар эди ва баъзиларнинг қўйлари юрган бўлса, дарров сўйиб, кабоб пишириб еб юрар эди. Шаҳзоданинг бу қилган ишига шаҳар халқи ҳайратда қолдилар: Бу қандай иш, подшонинг невараси бўлса-ю, бунга овқат бермасдан кўчаларда дарбадар қилиб қўйса. Лекин кўп кишилар қўрққандан индамас эди. Баъзилари подшога келиб: «Дод! Мени бундай қилди, мени ундай қилди»,— деб арз қилаверди. Булар бу ерда турсин, энди гапни Ҳаворондан эшитинг.

Ўғли билан келини ва бирга борган кишиларни зиндонга солиб, азобу уқубатларга гирифтор қилибди. Шаҳзода Маликни кўчаларда дарбадар қилиб қўйибди, деган гапларни подшоҳи Ҳаворон эшитиб, дилтанг бўлиб, нима қилмоқ кераклигини вазиру вазароларидан сўради. Вазиру вазаролар, мамлакат кенгашчилари подшога:— Эй тақсир подшоҳим, энди сиз кўнглингизда, лашкари кишвар юбориб ўғлингизни келтирсам, деб айтурсиз. Энди бу кўнглингиздаги гап бўлмайди. Чунки Хуросон подшоҳи кўп золимдир. Агар сиз лашкари кишвар қилиб юборсангиз, у вақтда гимаю-адоват пайдо бўлиб, ўғлингизни ўлдириб қўйса ажаб эмас. Элчи юборсангиз, у ҳам хавфлидир. Яхшиси шуки, аввалгидек айёрпешларни топиб, айёрлик қилиб, ўғлингиз билан келинингизни ўғирлаб келмаса бўлмайди,— дедилар. Подшо аввалги айёрларни чорлаб, уларга кўп инъом-эҳсонлар бериб, шаҳзодани халос қилиб келтириш учун кўп ваъдалар изҳор қилди. Айёрлар айёрлик асбобларини топиб, подшодан рухсат олиб, йўлга тушдилар.

Булар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, қисса кутуҳ, Ҳаворондан Хуросонга дохил бўлиб, бир мавзегга тушиб, бу ерда:— Энди бизлар қаландарона либос кийиб кирсак, бу шаҳар халқи бизларни танийди. Энди яхшиси шуки, ўнтамиз сомончи бўлайлик, ўнтамиз ўтинчи бўлайлик, ўнтамиз хасчи бўлайлик, ўнтамиз эса гадой бўлиб кирайлик,— деб маслаҳат қилиб, ҳар қайсилари ҳар хил ишга машғул бўлиб, шаҳар ичига кириб, шаҳарнинг сиру асрорини билдилар. Малика билан Шаҳзода Ҳурмуз аркони давлатнинг тагидаги зиндонга ташланган экан. Уларни олиб чиқиш

¹ Ш у л о н — овқат тури.

жуда ҳам қийин экан. Булар шаҳарни айланиб юриб, бир жойга қарасалар, бир бола бир чорбоққа кириб, дарахтларни суғуриб, меваларни еб, эгалари ғуруллашиб, пишллашиб қолаверди-ю, бу раврост чиқиб кетаверди. Ҳалиги қипчоқ паҳлавони ҳам шу айёрлар билан келган эди. Билдиларки, баайни шаҳзода Маликдир. Олдини тўсиб:— Эй шаҳзода, нима қилиб, юрибсан?— деб сўрашиб, кўришиб, шаҳзодани эргаштириб айёрбошининг олдига олиб келдилар. Айёрбоши:— Эй шаҳзода, олиб кетсак кетасанми?— деди. Шаҳзода рози бўлгач, ҳамма айёрлар ишларини саранжом қилиб, Хуросон шаҳридан кўчиб, Ҳаворонга қараб йўл олдилар. Қисса кутоҳ, бир неча кунлар йўл юриб, Ҳаворон шохининг ўрдасига дохил бўлиб, Ҳаворон шох буларни кутиб олиб воқиян ҳолдан хабардор бўлди. Ҳаворон подшоҳи неварасини қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпиб, ҳолу аҳволларига йиғлаб, яхшилаб чўмилтириб, яхши либослар кийгизиб, шаҳзодани бошидан оёғигача қараб чиқди. Ниҳоят шакли шамоғили, қадли-қомати чун шамшоддек келишган бир сарвзоддирки, ҳеч монанди йўқ. Хурсанд бўлганлигидан олиб келган айёрларга бениҳоят дунёлар бериб, дунёликдан уларни мамнун қилиб юборди. Сўнгра подшо қипчоқ паҳлавонига:— Эй ўғлим, сен ўғлимга уруш асбобларининг ҳар хилидан тазлим бергин, — деб бир от ва салаҳлар¹ бериб, қипчоқ паҳлавонига шогирд қўйиб, бир неча йил машқ бердики, ҳеч ақлдан ташқари. Шаҳзода балоғатга етгач, билдиларки, бениҳоят пурзўрдир. Бир кун шаҳзода ўқ-ёйларини олиб саёҳатга чиқиб биёбонда ов қилиб юриб, қайтиб келадиган йўлидан адашиб, юриб-юриб кеч бўлиб, оти чарчаб, ҳориб, бир жойда йиқилиб қолди. Ўша кеча ўша жойда ётиб, эрта билан қарасаки, оти ўлиб қолибди. Плёда юриб-юриб чарчаб, лабташна бўлиб, ҳар томонга боқди, ҳеч бир жойдан бир қишлоқ ё бир қарияни кўрмас эди. Ниҳоят, бу кун ҳам шу саҳрода кечани тонг оттирди. Яна эрта билан туриб то пешингача юриб, олдидан битта-иккита йилға² чиқиб, ниҳоят кўпайиб, охири йилғалар ҳам шаҳзодани ўраб олди. Йилға ораларида юравериб оёқлари қабариб, этиклари, баданидаги кийимлари йиртилиб тоқати тоқ бўлди. Шу пайт қулогига отининг кишнаган шарпаси эшитилди. Шаҳзода бениҳоят ҳайқириб юборди. Чунки у отнинг шарпаси қайси томондан келишини билмаган эди. Осмонни, ерни кўрар, бошқа ҳеч нарсани кўрмас эди. Бир йилқибоқар чўпон шах-

¹ С а л а ҳ — аслаҳа.

² Й и л ғ а — ўсимлик турн.

воданинг овозини эшитиб, шу йилгазорга қараб йўл олди. Чўпон ҳам ҳайқириб эдики, овозини шаҳзода эшитиб, бир-бировларини чақиршиб, бир-бировларини топдилар. Шаҳзода чўпонни қучоқлаб, худди отасини кўргандай бўлиб, бениҳоят танг бўлганлигини чўпонга айтди. Чўпон шаҳзода ни йилқилар олдига бошлаб бориб бир жойга ўтиргизиб, бир йилқини етаклаб келиб, устидаги овқатларини шаҳзода нинг олдига қўйиб: «Овқатлардан е, қимиздан ич!» — деб йилқиларни бир айланиб, ўгириб шаҳзода нинг олдига келса, шаҳзода нинг олдига на пон бор, на сув бор ва на гўшт бор ва на қимиз бор — ҳаммасини танаппул қилиб, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб ўтирибди. Чўпон:

— Эй ўғлим, бу овқатларни нима қилдинг? — дегач, Шаҳзода:

— Эй ота, уч кундан буён қориним оч қолиб юриб эдим. Менинг чап рўдамга¹ ҳам етмай қолди, — деди. Чўпон:

— Эй ўғлим, ўзинг қай ердан бўлурсан ва қаерга борурсан? — Бу овқат менга бир ҳафтага етар эди. Энди менинг қариям узоқдир. Сен овқатни еб қўйдинг. Бир ҳафтагача мен қандай умр кечираман. Энди мен бориб қариямдан бир қанча таом келтирай. Сен менга ўғил бўлгин. Мен келгунча йилқиларни шу ерларда боқиб юрасан. Кўринадиган йилгазорнинг у томонига йилқилар ўтмасин, хушёр бўл, хушёр бўл! — деб уйига қараб кетди. Шаҳзода эса овқатни еб олиб, сийроб бўлиб кўзини уйқу олиб бир фасл ухлаб қолди. Уйғониб қараса, йилқилар ва отлар титилиб², ҳар томонга пароканда бўлиб кетибди. Шаҳзода ташвишланиб қарасаки, чўпон кўрсатган йилгазорнинг нариги томонида бир печта йилқи ўтлаб юрибди. Шаҳзода югуриб бурса, бир катта аждарҳо йилқилардан бир нечтасини ютиб юра олмасдан аранг-аранг кетиб боради. Шаҳзода дилида: «Чўпон, йилқиларимни аждарҳога олдириб, зараркунандалик қилибди, демасин деб, аждарҳонинг кетидан югуриб, олдига бориб, хўп синчиклаб билдики, аждарҳо тўйганидан аранг-аранг кетиб боради. Шаҳзода ханжарини қўлига олиб, аждарҳони бориб калласига уриб эди, калласи узилиб ерга тушди. Қарасаки, думи ўраб келгудек. Дум томонига ҳам шамшир уриб, думи узилиб тушди, аждарҳо ўзи билан ўзи овора бўлиб уйкалашиб³ қолди. Бир замондан сўнг аждарҳонинг бўйнидан тилиб думигача сидириб ташлади. Ичидан иккита-учта от чиқиб, ерга йиқилиб қолди. Шаҳзо-

¹ Чап рўда — чап ичак.

² Титилиб — тарқалиб.

³ Уйкалашиб — ўралашиб.

да ўзи отларнинг олдига бориб туриб эди, бениҳоят бир нарсанинг овози келди. Узоқдан қараб аждарҳонинг ҳам-роҳи эканлигини билди. Бениҳоят қичқириб, искаб-искаб изини олиб, йилқилар томонга келяпти. Шаҳзода ҳам бир томонга чиқиб палахмонини қўлга олиб, тошни пайвас қилиб, аждарҳога қараб отди. Тошнинг ғариллаганига аждарҳо ҳайрон бўлиб калласини кўтариб эди, тош келиб аждарҳонинг калласига тегди. Шаҳзода ҳам пайдар-пай, Сирий-кетин тош ота-ота аждарҳони шоштириб, охири калласини айланттириб ташлади. Аждарҳонинг калласи ишдан чиқиб, кўзлари ҳам қонга аралашиб, ўз ҳоли билан бўлиб қолди. Шаҳзода қўлига шамшир олиб, ҳар томондан чопачопа буни ҳам ўлдирди. Унгача чўпон уйига бориб овқатларни келтириб, йилқиларининг олдига бориб қарасаким, на ҳалиги бола бору на бошқа нарса. Дилида «ҳалиги бола мени алдаб, фириб бериб кетибди-да»,— деб йилқиларини санаса, йилқиларидан учтаси йўқ. У томону бу томонга назар қилиб кўрдики, ҳалиги бола юрибди. Боланинг олди-га келиб қараса, бир аждарҳо қийма-қийма бўлиб ётибди. Ҳақиқий ҳолни билдики, бу ишларни шу бола қилибди. Дарҳол боланинг оёғига йиқилиб:— Эй паҳлавон, Рустами дostonдек бир ишни қилдинг. Ана шу ердаги аждар тавишга солган эди. Сенинг ўстирган устозингга раҳмат,— деб боланинг кўз-чаккаларидан ўпиб, севинганидан йилғаб юборди. Боланинг қилган ишига таҳсин-офарин қилиб йилқилар олди-га келишиб, унинг олди-га овқатларни қўйди. Бола ҳаш паш дегунча бир ҳафталик таомни ҳам еб қўйди. Чўпон бениҳоя хурсанд бўлиб, йилқиларни ўгириб, шаҳзода билан қишлоққа келди. Йилқиларни боғлаб:— Эй халс-йиқлар, билинглар ва огоҳ бўлинглар, жилғадаги аждарҳони ўлдирди,— деб ҳайқира бошлади. Қишлоқ халқи эшитиб келиб, ҳалиги чўпондан:— Жинни бўлдингми, ё соғини? Аждарҳони қандай киши ўлдиради?— дейишди. Чўпон уларга:— Йилқи боқиб юрувдим, бир соҳибжамол бола, бениҳоят қадди қомати келишган, жилға ичидан келиб, мен билан мулоқатда бўлиб кўришиб, таом сўради. Мен унинг олди-га бир ҳафталик овқатимни, ҳай, қанчасини еса ейдим, да, деб қўйиб қараб турсам, бирпасда ҳаммасини еб қўйди. Ҳаттоки, менга ичишга сув ҳам қолмади. Сўнгра мен бола-га йилқиларни тайинлаб овқат олиб келишга кетдим. Мен овқат олиб келиб қарасам, бола йўқ. Йилқиларни санаб қарасам, учтаси йўқ. Ҳай дариг, энди менга бу бола пайдар-пай бериб кетибди-да, деб бир томонга бориб қарасам бола аждарҳони ўлдириб тамомлабди. Боланинг олди-га кейин-ки олиб борган овқатни ҳам қўйиб эдимки, бу овқатларни

ҳам кўз очиб-юмгунча еб қўйди. Ҳозир шу болани мен уйга олиб келдим. Ишонмаганларнинг аждарҳонинг ўлигини бориб кўриб келинглари,— дегач, қишлоқ халқидан баъзилари отга миниб, аждарҳонинг ўлигини кўргани кетди ва паҳлавон сифат баъзи одамлар болани пазарига илмасдан: «Қандай одам экан у, аждарҳонни ўлдирар экан»— деб чўпоннинг уйига келиб бешиҳоят қадди-қомати келишган, забардаст паҳлавонга ўхшаган болани кўрдилар. Бола ҳалиги одамларни писанд қилмасдан гердайнб келганлар билан кўришганда, ҳалиги одамларнинг қўлларини бир қиссиш билан улар икки букилиб, гўёки таъзим қилган кишидай бўлдилар. Шундай қилиб халқ боланинг аждарҳонни ўлдирганига ишониб, ҳаммалари дастурхон-дастурхон таом пишириб келтиравердилар. Бола бўлса таомларни еб, печакунлар бу ерда истироҳат қилиб юриб эди, ота-оналари эсига тушиб чўпондан:

— Эй ота, бир иш қилиб Ҳаворон йўлига мени тўғри-лаб қўйинг, мен йўл топиб кетай— деб сўради. Чўпон:

— Эй ўғлим, бизнинг мамлакатимиз билан Ҳаворон ўртасида йўл борлигини мен унча билмайман. Лекин шаҳри Исфиҳонгача чиқариб қўйсам, у ёгини сўраб-сўраб кетарсан,— деб иккови йўлга тушдилар.

Бир кун йўл юрдилар. Кеч бўлиб, олдиларида бир гузор чиқиб қолди. Ҳушовоз, чашмалари равон, алвон-алвон мева-лар пишган, тагига тушган. Ҳушнаво қушлар сайрашиб турибди. Одамнинг қадами шу жойга етганда ҳеч ёққа кет-гиси келмайдди. Булар шу жойдан ўтиб бора туриб эди, Шаҳзода:

— Эй чўпон ота, борадиган манзилимизга қанча қолди?— деди. Чўпон унга:

— Бизларнинг борадиган манзилимизга яна бир кунлик йўл қолди,— деди. Шаҳзода:— Бўлмаса, шу ерда шу оқшом ётиб, эрталаб йўлга тушиб кетамиз,— деди. Чўпон:

— Эй болам, бу манзилларда ётиш хавфлидир. Бул манзилларда ҳар хил ҳайвонлар, маймуну рўдаполар¹, катта-катта илонлар, шерлар бордир. Шунинг учун бу ерларга ҳеч ким келиб мевасини ҳам олмайди,— деб сўзини тамом қилди. Шаҳзода бу гапини эшитиб:

— Аввал ётмасак ҳам, энди ётамиз. Қани, бу ерда бу оқшом тунайлик-чи,— деб ўтин жам қилиб, қушлардан

¹ Рўдапо — оёғида гўшти йўқ мифологик жонзод. Афсонага кўра, улар йўловчилардан бирор нарса сўрайдилар. Йўловчи нарса узатганда унинг қўлидан ушлаб оладилар ва бутун танасига ўралашиб олиб, қонини сўриб, ҳалок қиладилар.

сайд қилиб, кабоб пишириб еб, кечанинг ярми ўтди. Бу жойда бир шер яшар эди. Шер буларнинг шарпасини олиб келаверди. Чўпон қўрқинчдан ухламай ётган эди. Бу ваҳшатли жониворнинг шарпасини билиб, шаҳзодани уйғотди. Шаҳзода бўлса ўрнидан туриб қарасаки, фурсат ўтиб, шер яқинлашиб келиб қолибди, яроғ-аслаҳалари бошқа жойда эди. Ҳалиги шер келиб, болага тикила бошлади. Бола ҳам шерга тикилиб тураверди. Шер тикилиб-тикилиб кўзлари уялгандай бўлиб, кўзини қоқаверди. Шаҳзода билдики, аввали ҳол шернинг ўзи қўрқди. Шер ўзини гунча¹ қилиб шаҳзодага отди. Шаҳзода ҳам чолоклик² билан шерни осмонга отиб юборди. Қарасаки, шер ўрнига тушиб, ерга кўкрагини ишқалай бошлади. Шаҳзода шернинг устига тушиб, бўйнидан қучоқлаб, икки оёғи билан шернинг гадасини қисиб, икки оёғи гўё бир кишини орқасидан қучоқлагандай қилиб сиқиб ётибди. Шер аввал узун-узун нафас олиб, кейинчалик калта-калта нафас олиб қолди. Шаҳзода яна бир фасл сиқиб турса, шернинг жони чиқиб кетади. «Қол-е, шунини энди ўлдириб нима қиламан»,— деб ўйлаб, оҳиста уни бўшатиб эди, шер ўзига келиб шаҳзоданинг оёғига бош-кўзларини суйкаб инграй бошлади. Билдики шер-таслим бўлди. Шаҳзода шерни тиззасига олиб, сиққан жойларини уқалаб, бош-кўзларини силаб, икковлари ҳажинишсин дўст бўлиб қолдилар.

Чўпон ота бўлса дарахтнинг устида энтикиб-энтикиб турар эди. Уни дарахтдан тушириб қараса, бечора гапларини йўқотиб қўйибди. Шаҳзода чўпоннинг у ёқ-бу ёқларини тозалаб, гапга киргизиб, шер билан учовлон Исфиҳон шаҳрига қараб бир фасл юриб эдиларки, бир гуруҳ одамлар келишяпти. Яқинлашиб-яқинлашиб, ҳалиги одамлар буларни кўриб, йўлдан чиқиб ўзларини бошқа канорага³ олдилар. Чунки булар билан арслон ҳамроҳ эди. Шаҳзода уларга қараб:

— Эй биродарлар, қаерга борасизлар?— деди. Улар:

— Бизлар Исфиҳон мулозимлари бўламиз. Яқинда эшитдикки, Йилғин бешасида⁴ кўп вақтлардан бери бир аждарҳо пайдо бўлган. Халқ Исфиҳон шоҳига:— Сизнинг мамлакатингизга қарашли Бешан Йилғинда бир аждарҳо пайдо бўлган. Бу аждарҳонинг ваҳимаси халққа кўп шикаст келтиради, ҳайвонларимиз кўп қирилади. Сиз катга

¹ Гунча — ўзини йигиб, гужанак бўлиб.

² Чолоклик билан — чаққонлик билан, тезлик билан

³ Канора — четга, бурчак-бурчакка маъносиди

⁴ Йилғин бешаси — жой ном.

подшо бўлсангиз, шунинг иложини қилинг,— деб пешма-пеш нома қилиб борган эди. Подшо ул жойга бир неча бор аскар юбориб иложини қилолмаган эди. Бир неча кишилар, аждарни ўлдирдик деб, подшога арз қилибдилар. Энди ўшанинг ҳақиқатини билиш учун кўргани бораёпмиз,— деди.

Чўпон ҳалиги мулозимларга:

— Эй тақсирим, бу воқеани биламан десангиз, мендан сўрайверинг, мен холдонман,— деди.— Аждарҳони ўлдирган паҳлавон мана шу йигит. Бу бола Ҳаворон шаҳридан адашиб келган экан. Мен бунга Ҳаворон шаҳрининг йўлини кўрсатиш учун Исфиҳонга элтиб қўяман деб йўлга тушиб, оқшом олдимиздаги бешага етиб эдик, бу бола шу шер билан олишиб-олишиб, уни ўзига тобе қилиб олди,— деди. Мулозим аждарҳонинг ҳақиқий кушандаси арслонни етаклаб бораётган бола эканлигини билди.

Шундан кейин мулозим билан учовлашиб, оҳиста-оҳиста Исфиҳон шаҳрига қараб юравердилар. Йўл юриб, Исфиҳон шаҳрига кирдилар. Исфиҳон халқи буларни кўриб, ҳайрат бармоқларини тишлаб, узоқдан томоша қилиб юрар эдилар. Бора-бора Исфиҳон аркига яқинлашганда мулозим:— Мен подшо олдига кириб бир сўраб чиқай, сизларни олиб киришга ижозат берса, олиб кирарман,— деди.

Мулозим кириб подшога салом қилиб, бўлган воқеаларни айтиб, бола билан шерни ичкарига киргизишни сўради. Подшо ҳам қизиқиб, олиб киришга ижозат берди. Подшо билан бир қаторда қанча паҳлавонлар, катта-катталар ўлтирар эдилар. Саройга аввал чўпон, кейин шаҳзода, унинг кейинидан арслон оҳиста-оҳиста кириб келди. Сарой халқи бу салобатли арслонни кўриб, ижозат берганларига пушаймон бўлдилар. Подшо: «Курси келтиринглар!»— деб буйруқ қилди. Иккита курси олиб келдилар: бирини чўпон тагига қўйдилар, чўпон ўтирди, бирини шаҳзоданинг тагига қўйиб эдилар. Шаҳзода ўтирмоқчи эди, курси қисирлаб синиб кетди: Подшо:

— Сандал келтиринглар деб,— буйруқ қилди. Сандал қўйиб эдилар, сандалнинг ҳам поялари ғижирлаб, ўрнида лахшак бийрон бўлиб қолди. Қисса кутох, бир қанча сандаллар синиб, охири қолин¹ келтириб ташладилар. Шаҳзода шунинг устига ўтирди. Ҳалиги арслон ҳам шаҳзоданинг тиззасига тумшугини тираб, чўзилиб ётиб олди. Тумшуги шаҳзоданинг тиззасида бўлса, думи деволнинг² у бошига

¹ Қ о л и н — гилам.

² Д е в о л — девор.

боради. Бир қанча паҳлавонлар бундай салобатли ҳайвонни кўриб, йўлдан ўтолмасдан бир чоҳнинг ичида ўтиравердилар. Кейин подшо қарадики, иш бошқача бўлди. Баргоҳнинг ичида ҳаво бузилиб сассиқ бўлиб қолди. Подшо: «Аждарҳони ким ўлдирди?» дегач, чўпон ўрнидан туриб: Султони бокарам, аждарҳони ўлдирган, мана бу шерни мусаҳҳар қилган шу йигитнинг ўзидир. Бу йигит Ҳаворон шохнинг фарзанди экан. Энди йўл кўрсатсак, ўз шаҳрига кетар эмиш,— деди. Подшо айтди:— билинглар ва огоҳ бўлинглар, менинг битта мушкул аҳдим бор эди. Мушкул ишларимни шу бола бажарибди. Ана шу ишимни ким бажарса қизимни ўшандоқ кишига берарман, деб ваъда қилиб эдим. Энди мажлис тамом. Бу паҳлавонга фалон жойдан жой кўрсатинглар. Бул оқшом бориб ўша жойда ётсин. Эртага аҳд ишимни билдираман,— деб ҳаммани чиқариб махсус кишилар билан саройда ўлтириб, маслаҳат қилдилар.— Маликаи Асфияни шу йигитга берсак, шундай шермард шаҳримизда бўлса, ҳар важдан шарофати тегар,— деб, булар бу оқшомни кенгаш билан ўтказаверсин, энди шаҳзодадан сўранг.

Шаҳзода бу гапни эшитиб, кўнглида Маликаи Асфияни кўриш иштиёқи пайдо бўлди.

Подшо қўрғондаги кишилар бу баҳайбат арслоннинг боланинг тиззасига бошини қўйиб, оёғини узатиб ётганини кўриб, таажжуб қилиб, бирин-бирин келиб кўравердилар. Қанизлардан бири Маликаи Асфияга шу аҳволни бориб гапирди. Маликаи Асфия ҳам қизиқиб, ярим кечада қирқ қизлар билан шерни кўришга келди. Кўриши билан шер у ёқда қолиб, шаҳзодани кўриб, ўзини минг машаққатлар билан устивер тутиб, оҳиста-оҳиста уйига қайтиб кетди. Шаҳзода ҳам Маликаи Асфияга бир назар ташлаши билан оташи ишқ кўкрагидан кириб юрагидан жой олиб беоромбеқарор қолдики, ҳеч ақлдан ташқари. Хуллас, эрта билан подшо вазирларига: Шаҳзодани олиб келинглар!— деди. Вазирлар келиб шаҳзодага:— Энди сиз шерни шул жойга қўйиб ўзингиз подшонинг олдига бориб келинг,— деди. Шаҳзода бир чакманини ечиб шернинг олдига қўйиб, мен келгунча шу жойда турасан,— деб ишора қилди. Шер эса, тумшугини чакмонга қўйиб қолаверди. Чўпон билан шаҳзода ичкарига киргач, подшо:

— Эй фарзанд, икки шартимни бажо келтирдинг, энди менинг ва қизимнинг бир аҳди бор. У ҳам бўлса, қизим: «Менки Маликаи Асфия, мени кимки талашиб¹ кўкрагига-

¹ Т а л а ш и б — курашиб маъноснда.

ча кўтарса, ўшандай кишини қабул қиларман», — деб айтган. Муддати неча йил бўлди, аммо бир қанча паҳлавонлар шаҳзодалар келиб таллашиб, шарманда бўлиб қайтиб кетдилар, — деди. Шаҳзодага маъқул тушиб:

— Эй подшоҳим, аҳдингизда туринг, — деди.

Аҳди омон қилиб майдонга тушди. Қиз ҳам кураш асбобларини кийиб, майдонга тушиб, майдонни бир неча бор айланиб, охири қиз билан йигит яқинлашиб, бир-бирлари билан тиклашиб, паҳлавонлик расмини қилиб, шаҳзода кўл узатиб бир жойидан ушлайман деса, (қиз) рад бериб ушлатмас эди. Қиз ҳам йигитни нохалоб бир жойидан ушлайман деб, бир-бирлари билан эртадан кечгача ташлаш қилдилар. Охири машъаллар ёқиб, кечани чароғон қилиб, тонг отди. Кундузи ҳам айрилмасдан кеч бўлиб, алҳазар қиёс¹, икковлари уч кечаю уч кундуз ташлашди. Тўртинчи кун қиз йигитни кейинга ўн қадам суриб, бир зўр қилиб кўтариб эди, тиззасигача кўтарди. Яна кўтармоқчи бўлди, иложи бўлмади. Чўпон бу ёқдан туриб: — Эй бола, ўзингни ҳушёр тут, нима бўлди сенга?! — деб бақирди. Бу индон шаҳзода эшитиб ўзига келиб, бир лапгар ташлаб эдики, ошиғигача ерга ботиб бир зўр қилиб қизни кейинга суриб, бир зўр қилиб кўкрагигача кўтарди, яна бир зўр қилиб бошига кўтариб оҳиста ерга қўйди. Шул онда ногора карнай-сурнайлар чалинди. Подшо:

— Ойнабандлик сайл барпо қилинглар! — деб буйруқ қилди.

Шаҳар халқи ташвишланиб аркони давлатни, абёт салтанатни, раста-регистонларни ва кўча бозорларни яшлатиб, ногора шодиёнларини жилвага келтириб, ҳофизу хушовозлар куйлаб, абётлар ўқилиб, ошхоналарда таомлар пиширилиб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томошолар қилиб, Маликан Асфийни Шаҳзодаи Маликнинг аҳди киргиздилар.

Шаҳзодаи Маликнинг оталигига ҳалиги чўпон оталик қилди. Шаҳзодаи Малик бир неча кун бу ерда истироҳат қилиб, бир кун подшо ҳамма ақобирлари билан бир ерда ўлтириб маслаҳат қилиб, шароблардан ичиб туриб эди, шаҳзода маст бўлиб, ота-оналари эсига тушиб, калласини ҳам қилиб, энтикиб-энтикиб йиғлай бошлади. Бу ҳолни подшо кўриб, шаҳзодаининг бошини силаб:

— Эй фарзанд, сенда нимадан камчилик бор? — деб раҳмдиллик қилиб турган вақтида, шаҳзода — Ҳаворс шаҳри подшосининг невараси эканлигини, ота-оналари Лу-

¹ Қисқаси маъносида.

росон подшоҳининг зиндонида бир неча йиллардан бери ётганлигини кўнглига келтириб йиғлаганлигини подшога изҳор қилди. Подшо бу гапларни эшитиб, афсус-надоматлар қилиб, болага:

— Эй шаҳзода, бошингни кўтариб ақлу ҳушингни жўнглига қўй! Бу ишнинг чигили албатта очилади. Мен сенга бир қанча лашкари кишвар бераман. Сен бориб Хуросон подшоҳи билан масоф¹ қилиб, ота-онангни қутқарарсан,— дегач, шаҳзода бошини кўтариб, кўнгли таскин тонади. Бир неча кун ўтиб, подшо шаҳзодадан:

— Сизнинг отангиз нима учун Хуросон подшоҳининг зиндонига тушган?— деди. Шаҳзода:

— Эй подшоҳим, отам Хуросон подшоҳининг қизини макр билан олиб қочиб кетган. Кейинги вақтда Хуросон подшоҳи нома юбориб чақириб келиб, зиндонга солган. Уша вақтларда мен бир нораства гўдак бўлганман. Бобомнинг айёрлари келиб, мени олиб қочиб кетганлар. Иттифоқо бир дашту қирларни саёҳат қилиб, адашиб, отим чарчаб ўлди. Ахири, чўпон отамга дуч келиб, шу ерга келиб қолдим,— деб ҳамма воқеаларни подшога бирин-бирин изҳор қилди-да,— энди менга бир минадиган от ва бир неча жанг-жўй кишилариңгиздан берсангиз. Мен бориб азиз отам билан онамни зolim бобомнинг қўлидан халос қилсам,— деди. Подшо: «Шаҳзодага от келтиринглар!»— деб буюрди. Бир неча отни келтирдилар. Шаҳзода чиқиб отларни кўрди, дилига ўлтирмади. Подшога қараб:

— Эй подшоҳим, бу отлар менга бўлмайди — деди. Подшонинг уч оти бор эди: бири саман сариқ, бири оқ тўриқ, бири кўк қашқа. Подшо мулозимларига:— Шаҳзода ни эргаштириб боринглар, қайси отни хоҳласа, ўшани олсин!— деди. Мулозимлар шаҳзода ни отхонага олиб бордилар. Шаҳзода қараб чиқдики, (ҳеч қайси оти) дидига ўлтирмайди. Сайисхонадан отларнинг энг зўрини олиб чиқиб, чап оёғини қўйиб, ўнг оёғини ошириб эдики, от қорни билан ерга эгилиб қолди. Сайислар бу ҳолни кўриб подшонинг энг яхши кўрадиган аргумоғини сиз майиб қилдингиз-ку, подшо билсалар бизларнинг бошимизни кесар,— деб сайисхонадан чиқиб, подшо олдига келиб:

— Эй тақсир подшоҳим, бу отларнинг ҳаммаси шаҳзодага ярамас экан,— дедилар. Подшо ўйлаб қолди, ахири айтди:

— Эй биродарлар, Мозандаронда карк ҳайвон деган

¹ Масоф қилиб — жанг қилиб.

минадиган бир ёввойи от бор. Ана шундан бўлса ёки бир фил бўлса миниб борса бўлар эди,— деди.

Исфаҳонда ҳинд филбон деган кишининг бир фили бор эди. Уни уйида асраб, ҳар йили солинавда¹ шаҳарга олиб чиқиб филни кўрсатиб, халойиқдан пул йиғиб, то бу йилгача зиндачилик² қилар эди. Подшо ўшани чақиртириб келтирди. Филбондан:

— Филингни бизга сотсангиз. Шаҳзода миниб, Хуросонга бориб келса. Ёки омонат берсангиз, сизни хушнуд қилармиз,— дегач, филбон рози бўлди, филни келтириб берди. Филбонга подшоликдан бош-оёқ сарпо, бир қанча эҳсонлар бериб жўнатдилар. Шаҳзодага филни бошидан то оёғигача безатиб, лашкарлардан ўн минг кишини ажратиб, тахт қилиб қўйдилар. Шаҳзода ўрдага кириб, подшо билан видолашиб, Маликаи Асфия билан хайрлашиб:

— Эй жоним, мен бир ойда қайтиб келарман. Агар бир ойда келмасам, икки ойда келарман. Агар шу муддатда келмасам, билингни, Хуросон подшоҳининг қўлига тушиб, зиндонга солинган бўларман,— деб хайрлашиб, йўлга тушиб кетди. Чўпон отаси билан хайрлашиб, унга бир қанча жавоҳиротлардан бериб, чўпон ота ҳам бениҳоят хурсанд бўлиб ўз доҳиясига қайтиб кетди.

Шаҳзода бўлса йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, ўн кун деганда узоқдан дов-дарахтлар кўринди, яқин етиб кўрдик, бир ажойиб дарё оқиб ётадиган хушҳаво бир водийдир. Дарёнинг у томони бепоян кенглик бўлиб, кийиклар ҳар томонларга чопишиб юрибди. Дарёнинг бу томонида эса тоғлар, боғлар, дарахтлар беҳисоб; одамзод оёғи тегмаган — жангаллар кўришиб турибди. Шаҳзода билдики, бу ерларда ҳар хил ваҳший ҳайвонлар бениҳоя кўп.

Шаҳзода:

— Эй ёронлар, шу жойда, шу оқшом қўниб, шу жойларни сайру томоша қилиб, эртага қайтармиз,— деди. Лашкарбошилардан бири:

— Эй шаҳзода, бу жойлар ниҳоят хавфли. Ҳар хил ёввойи ҳайвонлар яшайди. Рудапо деган ёпишиб, одамнинг бўйишдан қисиб олса, жонини ҳалқумига келтиради. Шунинг учун бу манзилларга тушиб, истироҳат қилиш хавфлидир,— деди. Шаҳзода унамасдан лашкарларни тушириб, чодир-чимматларни тикиб жобажой бўлдилар. Аввал оқшом ётгунаригача ҳеч нарсани сезмаган эдилар. Кечадан

¹ Солинав — янги йил, йил боши.

² Зиндачилик — тирикчилик.

бир ҳисса ўтиб эдики, ажойиб-ғаройиб овозлар эшитила бошлади. Шаҳзоданинг уйқуси қочиб, қўшин ичидан кўп иш кўрган, шу жойларни яхши билган кишиларни ёнига чақириб, улардан:

— Бу ҳайқирадиган овозларнинг қайсиси қандай ҳайвон эканигини менга айтиб беринглар,— деди. Улар бирпас туриб эдики, бир нарсанинг ҳайқирган овози чиқди. Улардан бири:— Ана бу овоз ҳўкизнинг¹ овози. Қоплон деган бир йиртқич ҳайвон бордирки, у дарахт устига иккиб пойлаб туради. Қачонки, бирор жондор ўтса, ўзини таг-лаб, устидан босиб ётиб олиб, қоринини шилади. Мана бу овоз бундоқ, ана у овоз ундоқ деб туриб эдиларки, бир ниҳоят даҳшатли овоз эшитилди. Шаҳзода:— Бу ниманинг овози?— деб сўради. Улардан бири:— Эй шаҳзода, буни сўраманг. Рустамнинг замонида, Рустами Достон бу жойларга келиб, шу карк деган ҳайвонни тутиб минган экан. Ана шу овоз каркнинг овозидир. Бу ҳайвонни тутиб олиш бениҳоя машаққатлидир,— деди. Шаҳзода бу гапни эшитиб, бу — ҳайвонни кўришга ниҳоят иштиёқманд бўлди. Энди мен шу каркни ушламасдан бошқа жойга кетмасман, деб аҳд қилди. Эртаси куни шаҳзода паҳлавонлардан ўзига ҳамроҳ қилиб, яна шерини эргаштириб, оҳиста-оҳиста ҳалиги водийнинг ичкари томонига қараб сайри томоша қилишга тушдилар. Бир неча қадам юриб, ниҳоят, ўрмоч ичига яқинлашиб бораверган сари, алвон-алвон мевалар нишиб, тагларига тушиб, фаровон бўлиб бораверди. Мевалардан еб сероб бўлиб юриб, бир ерда бир изни кўрдилар. Шаҳзода:

— Бу из ниманинг изи?— деб сўради.

Ҳамроҳларидан бири:

— Бу карк ҳайвоннинг изидир. Агар бу ҳайвон сезиб қолса, бизларнинг чангимиз чиқиб кетар,— деди. Шаҳзода уларга ваҳшатамиз қараб:

— Эй қўрқоқлар, сизлар шу қўрқоқлик билан менинг билан Хуросон урушига бормоқчи бўлиб келган бўлсанглар, ҳаммаларингизга жавоб, боринг, кетаверинглар,— деб, қаҳр-ғазаби келиб эди, қарасаки, ёнида турган шер шаҳзоданинг уларга қаҳр қилганини билиб, уларни евир-есир қилиб қўйгудай бўлиб турганини кўрди. Шаҳзода билдики, яна бир ваҳшат қилса, бу ҳайвон уларни тирик қўймас. Шаҳзода билан паҳлавонлар қайтиб қўшинга келдилар. Лашкарларга:

— Эй биродарлар, сизларни мен бошқа умид билан

¹ Ҳўкиз — тўғиз.

олиб келиб эдим. Энди сизларнинг авзойиларингга қарасам, мен билан юришга бўлмас экансизлар. Мен бундай қўрқоқ кишилар билан юришга ор қиламан. Энди сизларга жавоб,— деди. Ҳамма лашкарлар бу пидонни эшитиб, юк-ёвларини ортиб, ўз келган йўлларига қараб кетдилар. Шуларнинг ичида Бадил отли бир киши бор эди. У киши бутун умрини сайёдлик, турли хил урушларга бориш билан ўтқарган эди. Қарасаки, шаҳзода билан ўша одам қолибди. Бадил ўрнидан туриб, шаҳзодага:

— Эй шаҳзода, мен каминани ўзинг билан ҳамроҳ қилиб юришга қабул қилгайсан. Чунки мен умримни доимо сенингдек паҳлавонларнинг, сайёдларнинг қаватида юриб, кўп ишларни бошимдан кечириб ўтқарганман,— деб келиб шаҳзоданинг оёғига ташланди. Шаҳзода Бадилнинг бошини силаб:— Э Бадил, ҳақиқий ҳамроҳ экансан. Энди сени меннинг энг яқин дўстим бўлдинг. Қасамёд қилиб айтаманки, мен қаерда бўлсам, сени қўлдан қўймайман. Ҳимматингга балли,— деб икковлон, шер билан уч тан бўлиб водийнинг ичига қараб юравердилар. Сайру томоша қила қила, кеч бўлса бир бузуқ жойга чиқиб, ҳамма ишларни мушоҳада қилиб кундуз бўлса шу водийнинг ичида томоша қилиб юрар эдилар. Буларнинг мақсади карк ҳайвон қайси томондан келиши ва қандай қилиб уни ушлаш эди. Шундай қилиб булар бир неча кундан сўнг каркнинг келадиган жойини билдилар. Карк шу водийда бир қия тошнинг тагидан ўтиб, келар экан. Бадил айтди:

— Эй шаҳзода, каркни ана шу жойда ушлаш мумкин. Ана шу жойни қазиб, устини кўприк қилиб қўйсак, ўзинг тошнинг бир томонида реза тошларнинг ичига кўмилиб турсанг, қачонки карк келиб шу кўприк устига оёқ қўйганида бирдан чўкиб, хандақ ичига тушиб қолиши билан сен тош тагидан чиқиб, унинг устига отилсанг, шу вақтда аввало қулогини маҳкам ушлагин. Унинг жонни қулогидадир. Ана шунда сенга тобе бўлса ажаб эмас,— деб йўл кўрсатди. Шундай қилиб шаҳзода билан Бадил иккови хандақни қазиб, ёғоч, устидан хасу хашаклар билан ўраб, унинг устидан тош резаларни териб худди тахту равон йўлидай қилиб қўйдилар. Шаҳзоданин бир томонга ётқизиб устидан кўп тош резаларни¹ тўкиб, ҳеч нима йўқдай қилди. Шер билан Бадил бир канорада ётдилар. Кечадан икки ҳисса ўтиб эдики, бир ҳайбату салобатли, ваҳшатли ҳайвон пайдо бўлдики, унинг ҳайбати салобатидан жами паррандалар учишиб, дарахтлар патиллашиб, даррандалардан² — шер-

¹ Тош резалари — шағал.

² Дарранда — йиртқич.

дан бошқа ҳайвонлар ҳаммалари бир томонга қочиб, тўс-тўполон бўлиб қолди. Бадил бу сиёсат билан келадиган карк ҳайвон эканини кўрди. Карк келиб-келиб ҳалиги қўғи тошнинг ёнида тўхтаб, ҳар томонга боқиб, охири қия тош орасидан бир неча қадам юриб, хандақ устига ўтиши билан ёғочлар синиб, гулдираб хандақ ичига тушиб кетди. Шаҳзода бўлса баланд овоз билан бир наъра уриб, ўзини хандаққа ташлади. У карк ҳайвоннинг устига мишиб, бир қўли билан қулоғидан сиқиб ушлаб олди. Карк ҳайвон, бу бениҳоя забардаст паҳлавоннинг қулоғини ушлаганини билиб, қулоғи сғриб, шаҳзоданинг оёғига бошини суртиб, ҳўйграй бошлади. Шаҳзода эса Каркнинг таналарини силаб, ўпиб, ёли-думларини уқалаб бениҳоя меҳрибонлик қилди. Карк-ҳайвон бу меҳрибонлик, шафқатни билиб охири шаҳзодага муте бўлди. Шаҳзода Бадилни чақириб:— Каманд келтиринг,— энди буни боғлаб олайлик,— деди. Каманд ташланди. Шаҳзода карк ҳайвонни боғлаб, нуқталаб, хандақнинг устига чиқиб, бир ишорат қилиб эдики, карк ҳайвон ҳам бир ирғиб чиқиб олди. Шаҳзода каркни етаклаб оҳиста-оҳиста ҳалиги лашкарлар тушган жойга олиб келди. Булар карк билан синашиб, ўрганишиб тураверсин. Энди гапини ҳалиги қайтиб кетган лашкарлардан эшитинг.

Булар қайтиб, бир неча маҳзил юриб, кўнгилларида: «Энди бизлар қайтиб, ўзимизча уй-уйимизга кетсак, барибир, бизларнинг уйга келганимизни подшо билиб, бизларни минг балоларга гирифтор қилса керак. Ундан кўра шу шаҳзоданинг олдига бориб, гуноҳларимизни бўйнимизга олиб, товба қилиб сўрасак», дейишиб маслаҳат қилдилар. Ҳаммаси шу маслаҳатга қўшилиб, кейинларига қайтишиб, Шаҳзода тушган жойга келиб қарасаларки, шаҳзода карк ҳайвонини мусаххар қилиб, бир неча кун ўргатиб, ўзига ром қилиб, машқ бериб юрибди. Бу келган лашкарни карк ҳайвон кўриб, бўйинларини чўзиб, тўлиқсиб-тўлиқсиб ҳар томонга тезлик қилиб, бепарволлик қилаверди. Шаҳзода карк ҳайвоннинг гарданига бир шапалоқ уриб қулоғидан қисиб эди, карк ҳайвон икки букилиб шаҳзоданинг оёқларини ялай бошлади. Кейин шаҳзода каркнинг ёл-думларини силаб турди. Лашкарлар бориб шаҳзодага салом қилдилар. У саломга ҳам эътибор бермади. Яна салом бердилар. Охири алик олиб:

— Эй қўрқоқлар, нима учун қайтиб келдингизлар, сизлар бўлмасангизлар ҳам, карк ҳайвонни мусаххар қилиб бўлар эканми?— деди. Бу лашкарлардан бир паҳлавонни чиқиб:

— Эй шаҳзода, бизлар гуноҳкор. Оқил кишилар ҳам-

ша гуноҳкорнинг гуноҳини афв қиладилар. Гуноҳни авф қилмаслик помардининг ишидир. Бизлар аввал хом эканмиз, энди пишдик. Ҳаммамиз олдинда қасамёд қиламизки, агар ўтда бўлсанг — ўтда, сувда бўлсанг — сувдамиз, — деб шаҳзоданинг олдида ҳамма лашкар бирин-бирин қасамёд этиб, сафларини туздилар. Шаҳзода бўлса, бир неча паҳлавонларни ажратиб, ҳалиги филга мутасадди қилиб, ана шу филни подшога элтиб топширин деб бир нома ёзиб қайтариб юрибди. Филбонлар бир қанча йўл юриб, Ўлфихон шаҳрига дохил бўлди. Паҳлавонлардан бири бағридан бир нома чиқариб подшога тутди. Подшо номани ўқий бошлади: «Эй ота! Аввал салом. Иккинчи салом аҳли байтларга бўлсин! Саломдан сўнг, менки, ўғлингиз ҳам куёвингиз шаҳзодаи Маликдурман. Хуросонга кетаётганда, Ўлимдан бир водий чиқиб қолди. Бу жойда саёҳат қилишнинг кўнгилда жазм қилиб эдим. Ёронлардан баъзилари бу хавфли жой деб маън қилдилар. Мен қизиқиб шул жойда қўندим. Кечаси уйқум келмади. Ҳар хил даррандаларнинг овозларини эшитиб, қизиқиб билдикки, бул жойда карк ҳайвон яшар экан. Ёронлардан бири менга ҳамроҳ бўлиб йўл кўрсатди. Шундай қилиб, бизлар карк жониворни ушлаб муте қилдик. Энди филнинг менга ҳожати бўлмаганлиги учун сизга қайтариб юбордим. Салом билан куёвингиз шаҳзода Маликдурман. Нома етгандан сўнг Маликаи Асфияга менинг саломимни билдиргайсиз. Нома тамом вассалом», — дебди.

Подшо номани ўқиб, бағоят хурсанд бўлиб, фил олиб борган кишиларга инъом-эҳсонлар бериб юборди. Филни бўлса аркка боғлаб қўйдилар. Булар бу ерда турсин, энди гапни шаҳзода Маликнинг бобосидан эшитинг.

Вақтики, шаҳзода Малик биёбонга овга чиқиб йўқолганига бир йил тўлиб, саҳро-биёбонларни, дашти чўлларни, тоғ ва дарёларни ахтаришиб, топа олмасдан шаҳзода ё ўлган, ё бўлмасам, Хуросон подшоҳининг айёрлари келиб олиб кетгандир, деб фикр қилдилар. Баъзилари: «Қипчоқ паҳлавони кўп вақтлар таълим бераман деб ҳар томонларга олиб кетар эди. Магар шу бир бало қилганга ўхшайди?» — дейдилар. Бу гапни қипчоқ паҳлавони эшитиб, подшонинг олдига бориб:

— Э тақсири олам, сизнинг ўғлингиздай ўғилга ментиканин раво кўрмас эдим. Не учун менинг ҳақимда бундай бўҳтон сўзлар гапиряптилар. Бу бўҳтон гапларни эшитишга мен чидай олмайман, — деб ўзини уриб, ёқаларини йиртиб йиғлаб чиқиб кетди. Далага чиқиб, бир жойга ботиб, ўзини дарахтга осди. Бу ҳолни бир деҳқон киши кўриб,

дарҳол югуриб дарахтнинг ипини кесиб юборди. Паҳлавон ерга йиқилиб, беҳуд бўлиб қолди. Қарадики, подшонинг ўғилзодаси. Дарҳол подшога келиб: Сизнинг ўғлингиз бени осган экан. Ипини кесиб эдим, ҳоли беҳуд бўлиб ётибди,— деб хабар берди.

Подшо мулозимларига:— Дарҳол бориб келтиринглар!— деди. Мулозимлар дарҳол югуриб, паҳлавонни қўтаришиб олиб келиб, бир уйга ётқиздилар, табиблар муолажа қилдилар. Паҳлавон ўзига келиб қарасакки, бир уйда ётибди. Кейин подшо кириб саломлашиб:— Эй ўғлим, менинг жиғи бийроним чиқиб, шунча кулфатни кўриб юрибману сен бўлсанг битта тухмат гап учун ҳаётингни тасқиласанми? Сенга менинг эҳтимотим¹ катта эди-ку. Ушбу гапларни мен сенинг ҳақингда айтганим ҳам йўқ ва эшитган ҳам эмасман. Сен шаҳзодаи Маликка ҳақиқий дўст эканингни ўзим ҳам биламан. Бундай ўзини осадиган ёки ўзига тўғ урадиган инсонни номард дейдилар,— деб насиҳат бериб чиқиб кетди. Қипчоқ паҳлавони ҳам чиқиб уйига бориб, хотинига айтди:— Эй хотин, мен шу оқшом бир томонга сафарга кетаман, менинг кейинимдан ҳеч ким бормасин,— деб ярим кечада чиқиб кетди. Шу юриш билан узоқ йўл юриб, йўл юрса ҳам, мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, ўз шаҳрига бориб, хишвандларини кўриб, бир печа кун улар билан истироҳатда бўлди. Бир кун паҳлавон дилида: «Бу юриш билан мурод ҳосил бўлмайди. Энди мен подшога бориб арзиҳол қилсам, менга бир неча минг лашкар берса-ю, Хуросон мамлакатига бориб шаҳзода Ҳурмуз билан Маликан Ҳурни озод қилиб, подшойи Ҳавороннинг кўнглини хушнуд қилсам», деб ўйлаб паҳлавон Қипчоқ шоҳи Қалқоннинг ўрдасига кириб борди. Бу боргандан подшо билан барча паҳлавонлар ўрнидан туриб, қучоқлашиб кўриша бошладилар. Чунки паҳлавон Қипчоқ паҳлавонликда мамлакатда ягона эди. Бу паҳлавонлар билан қучоқлашиб кўришаверсин. Бу ерда ҳам бахил вазир бор эди, энди гапни шундан эшитинг. Шу бахил вазир подшога:—

— Эй подшоҳим, ўзингиз биласизки, бу паҳлавон шаҳзода Ҳурмузнинг қўлига тушиб, у билан биродар бўлиб, ўша кеча бизларнинг устимиздан ваҳима солиб, бор-йўғимиздан ажратиб, шармандан олам қилиб юборган қирқ қаландарлардан бири — мазкур шу паҳлавонингиздир. Энди бунинг ишларини унутдингизми? Ҳали ҳам бўлса, бу бизнинг олдимизга чакки келгани йўқдир. Қандай қилиб бўлса ҳам буни офтобни сояга тортмасдан қўлга тушириб,

¹ Эҳтимот — ишонч, эътиқод маъноснда.

бошини танидан жудо қилинг!— деди. Подшо унинг гапига кириб, бир қанча зисфатлар ясаб, ҳар хил овқатлар ҳозирлаб шароблар олиб келиб ичиб, ҳаммалари маст-аласт бўлганидан кейин, подшо:

— Паҳлавонни каманд билан бойлаб, зиндонга солинглари!— деди. Бир қанча паҳлавонлар каманд ташлаб паҳлавонни мастлик ҳолатида ушлаб олиб, зиндонга солдилар. Бу ишни паҳлавонлар кўриб боргоҳда ғала-ғовур пайдо бўлиб қолди. Чунки бу ерда турган паҳлавонларнинг кўплари шунинг уруғидан эди. Подшо уларга қараб:— Боргоҳда кўп ғалва қилманглари, бу иш подшоликнинг ишидир. Сизларга вақти билан тушунтираман,— дегач, паҳлавон қипчоқнинг биродарлари ва хешлари ҳам таскин топдилар. Энди булар бу ерда турсину гапни шаҳзодан Маликдан эшитинг.

Ахтара-ахтара безор бўлиб, ахири Хуросон шоҳи олиб кетгандир, энди нима бўлса бўлди, ўшандоқ жондан азиз ўғлим ва келиним ва неварам Хуросонда азобда бўлса-ю, мен бу ерда роҳатда бўлсам. Бу иш одобдан эмас:

— Эй қушбеги, эртага шаҳарга ноғора чалдир! Хуросон мамлакатига урушга кетамиз. Халойиқ эшитсин,— деди.

Эртаси лашкарбоши ноғораю карнай-сурнайларни чалдириб юборди. Мамлакат қарияларига: «Фалон кун, фалон соатда шаҳарнинг ўртасига йиғилинглари. Хуросон мамлакатига уруш сафарига борамиз»,— деб нома ёздилар. Подшонинг бу хабари Ҳаворон мамлакатига машҳур бўлиб, ҳар томонлардан халойиқлар тиг-табарларини олиб, от ва туяларига миниб келавердилар. Муддати ўн кун ўтганда халойиқ жам бўлди. Аввали подшойи Ҳаворон отига сувора бўлди. Урнига кўнгил ишонадиган бир вазирларини таъинлаб:

— Мен кетгандан сўнг бепарво бўлмасдан ҳар кун беш минг-олти минг киши билан озиқ-овқатни юбориб тургайсан,— деб Хуросон мамлакатига қараб кетди. Қисса кутсҳ, подшо машаққати тамом билан Ҳаворондан чиқиб Хуросонга яқинлашди. Хуросон дидбошлари Хуросонга бориб подшога:

— Эй подшоҳим, билинг ва огоҳ бўлингки, сизнинг мамлакатингизга Ҳаворон подшоси билан паҳлавонлари бепоён аскар тўкиб дашт ва саҳроларни тўлдириб қурту қумурсқадай бўлиб келяпти. Уларнинг ҳисобини ҳеч билиб бўлмас,— деб хабар қилиб, маоват билан гапирди. Подшо снәсат қилиб, подшоликка бунчалик снәсати билан гапиринч нима ҳожати, деб ҳайдаб юборди. Шундай қилиб пайдарпай, соатба-соат қанча кишилар келиб кетаверди. Шундан

кейин подшонинг дид жаҳоннамоси бор эди, чиқиб қарадики, бениҳоят аскар келаётир. Дарҳол лашкарбошиларига:— Хуросон шахриинг аскарларини йиғиб, бениҳоят душман қуршаб келди, ноғораларингни чалинглар!— деб буйруқ қилди. Хуросон шахрига ноғора, карнай-сурнай чалинди. Хуросон халқи уруш эълон қилинганни билди. Ҳамма лашкарлар йиғила бошлади. Булар лашкар йиғиб-берсин, Ҳаворон подшоҳи Хуросон мамлакатига яқинлашиб бир жойга чодир-чимматларини тикиб: «Эй Хуросон подшоҳи билгин ва огоҳ бўлгин, манки, Ҳаворон подшоҳидурман! Менинг фарзанди-дилбандимни ва қизинг Маликаи Хурни бир печа йилдирки зиндонда боқурсан. Энди у бегуноҳларни зиндондан чиқариб менга юбор. Бўлмаса мен ўзимни шундай чоғлаб келдимки, Хуросон шахрининг зерри-забар қиламан ёки ўзим ҳам зиндонингга асир бўламан!» — деб бир нома ёзиб, бир номачига бериб юборди. Номачи номани олиб Хуросон ўрдасига келиб кириб, одоб-усуллар билан номани подшога тутди. Подшо номани ўқиб, мазмунидан огоҳ бўлиб, дарғазаб бўлиб, номанинг кейинига: «Фалон мавзеда уруш майдони, ўша томонга боравер. Мен ҳеч вақтда ўғлингни зиндондан чиқармайман. Ўзингни ҳам майдонда енгиб, зиндонга солиб, Ҳаворон мамлакатига ҳам Хуросон деб от қўймасам, асло Хуросон подшоҳи бўлмагайман!» — деб ёзиб, қасамёд қилиб, номачига номани тутди. Номачи номани олиб чиқиб, бориб Ҳаворон шоҳи мақсади жанг эканини билди, сўнгра Ҳаворон шоҳи лашкари кишварларини тортиб, Хуросон шоҳи айтган жанг майдонига қараб йўл олди. Ул жойга боргач, бир баланд жойга чодир тикиб, ул жойга байроқни ўрнатиб, тепаликнинг гирдига эл-эл қўшинлар ҳам чодир-чимматларини тикдилар. Ҳаворон подшоҳининг чодир баландликда ва ўрталикда қолди. Булар бу жойда бу кеча истироҳат қилиб, ҳар қайси қўшинлар ўз чодирларини муҳофаза қилиб, «ҳозирбош, воқиббош!» — деб кечаси чодирларни айланиб юравердилар. Энди гапни Хуросон шоҳидан эшитинг.

Хуросон подшоҳи шаҳар ичидаги аскарларни йиғиб бошқа қалъаларига ва қарияларга нома юборди. Шаҳар ичидаги аскарларни жам қилиб, уруш майдонига юборди. Ҳаворон шоҳи ҳам беш минг аскарларини олдинга қўйиб, беш мингини ўнг томонига, беш мингини чап томонига қўйиб, «ўзларингга ҳушёр бўлинглар!» — деб тайинлади.

¹ «Ҳозирбош, воқиббош» — ҳозир бўл, огоҳ бўл, хабардор бўл.

Буллар ўзларини тузатиб туриб эдиларки, Хуросон подшоҳи қалъадан чиқиб, дарвозаларни мустаҳкам қилиб, жанг майдонига келди.

Тамоми аскарлари пешвоз чиқиб олиб келиб бир баланд тахтга ўтиргизиб қўйдилар. Хуросон шоҳи рўпарасидаги Ҳаворон шохининг аскарларини тузатиб қўйганлигини кўриб, паҳлавонларини чақирди:

— Эй паҳлавонлар, ким Ҳаворон подшоҳининг майдонига бориб маракам майдон кўрсатиб уларнинг, адабини бериб келади?— деди. Хуросон мамлакатидagi сандалнишини паҳлавонларидан бири подшоҳнинг олдига келиб, татвим қилиб:— Менга рухсат берсангиз; буларнинг адабини берсам,— деб подшодан рухсат олиб, отига миниб майдонга тушди, Ҳаворон шохининг ҳузурига яқинлашиб:

— Эй Ҳаворон халқлари, билинглар ва огоҳ бўлинглар, Хуросон мамлакатининг сандалнишини паҳлавонларидан машҳуриман. Энди мен майдонга чиқдим. Қани меннинг майдонимга ё ўзинг киргин, ё атанган паҳлавонларингдан бирини юборгин!— деб фарёд қилди. Ҳаворон подшоҳи буни эшитиб, ўнг-сўлига қараб эди, Ҳаворон шаҳрининг паҳлавонларидан бири қаддини рост қилиб, Ҳаворон подшоҳининг ҳузурига келиб:— Эй подшоҳим, мен камнага рухсат берсангиз, буқун майдонга кириб жанг қилсам,— деди. Ҳаворон шоҳи унга ҳам рухсат берди. Фотиҳа олиб, отини суриб, майдонга кириб, бир-бирига даҳонба-даҳон яқинлашди. Ҳарифлар бир-бирларини ҳақиқий паҳлавон эканлигини синашиб билишди.

Хуросон паҳлавони айтди:— Эй паҳлавон, қани ҳарба келтиргин!— деди. Ҳаворон паҳлавони:— Аввал сен ҳамла қилгин,— деди. Хуросон паҳлавони шамширини суғириб, отининг жilовини айлантириб-айлантириб келиб Ҳаворон паҳлавоннинг бошига урди. Ҳаворон паҳлавони ҳам чобуклик билан бошига қалқон тутиб, қиличга рад берди. Иккинчи, учинчи қилич урди, муроди ҳосил бўлмади. Навбат Ҳаворон паҳлавонига келиб, қиличини суғириб, бу ҳам уч мартаба қилич уриб эди, у ҳам рад қилди. Қиличдан муродлари ҳосил бўлмагач, Хуросон паҳлавони қўлига найза олиб бир неча қадам кейинда туриб, найзани отиб эди, Ҳаворон паҳлавони отган найзасини муқаррар ушлаб олиб отиб юборди. Ҳаворон паҳлавони аччиғланиб тишларини кайраб отидан ўзини ерга ташлаб, бу ҳам отдан тушиб, икковлари кураш олдилар. Бу кунни кураш билан ўтқариб кеч бўлди. Ҳар икки томон айёрлари ўртага тушиб, паҳла-

Чобуклик билан — чаққонлик билан.

вонларни халос қилиб таблибозкаш чалдилар. Ҳар икки томон ўз қўшинларида истироҳатга машғул бўлдилар. Эртаси эрта билан ногора, карнай-сурнай чалиниб, сафларини рост қилиб ҳалиги паҳлавонлар майдонга тушдилар. Хуросон паҳлавони гурзисини қўлига олиб, гурзи билан бирмас масо¹ қилиб, гурзидан ҳам муродлари ҳосил бўлмагач, Хуросон паҳлавони Ҳаворон паҳлавонининг камарига қўл солиб, бу паҳлавон унинг камарига қўл солиб, бир-бирлари билан зўр уруш қилдилар. Охири Ҳаворон паҳлавони зўр қилиб кўтариб, Хуросон паҳлавонини ерга урмоқчи бўлди ва:— Эй ёронлар, каманд келтиринглар!— деб қичқирди. Ҳаворон лашкарларидан бир қанча кишилар келиб каманд билан Хуросон паҳлавонини боғлаб, асир қилиб олиб кетдилар. Ҳаворон паҳлавони:— Э, Хуросон шоҳи, менинг майдонимга одам юборинг. Масоф қиламан,— деди. Яна бир паҳлавон чиқиб икковлари жангга муқонд бўлдилар. Бир фасл жанг қилиб, уни ҳам асир қилиб олиб, бир қанчасини ярадор қилиб. Ҳаворон подшоҳининг омади келиб, таблибозкаш чалдириб, иккала томон ўз қўшинлари билан истироҳатга машғул бўлдилар. Булар бу ерда турсин-у, энди гапни шаҳзода Маликдан эшитинг.

Шаҳзода карк ҳайвонини мусаҳҳар қилиб, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир қанча қишлоқларнинг ичидан ўтди. Халқлар томошага чиқиб, шаҳзоданинг бундай ишини кўриб таҳсин-офарин қилдилар. Тагидаги минган оти, отга ўхшамайди, ёнидаги ҳайвон арслон, ўзи бўлса, бағоят соҳибжамол, қавий ҳангал² паҳлавон экан, деб таажжубла қолдилар. Буларнинг сиёсатидан ер-осмон ларзага келиб, шаҳзоданинг яқинига боришга ҳеч кимнинг хоҳиши йўқ эди.

Булар шу асъасаю-дабдаба билан Хуросон ҳаддига яқинлашиб келиб эдиларки, уларнинг олдида бир дарёни азим памудор бўлди. Дарёнинг лабида Боғи Ирамга ўхшаш бир торбоғи олий кўринди: ҳар хил мевали дарахтлари мақтагуишча арзигудек, деворларига марварид ўрнатилган. Бу чорбоғни шаҳзода кўриб, ниҳоят шавқи келиб, айланиб-айланиб дарвозасини топиб тақиллатди. Чорбоғдон қарасак, дарвозанинг олдида бир салобатли киши билан ниҳоят кўп бегона кишилар турибди. Шаҳзода:

— Эй бобо, чорбоғни очинг, мен бир кириб сайри томоша қилиб чиқай,— деди.

Бобо:— Эй болам, бу чорбоғ Хуросон подшоҳининг чор-

¹ Масо — жанг.

² Қавий ҳангал — қобилиятли.

боғидир. У кишидан бошқа битта мўрчанн ҳам бу ерга қўйишга ижозат йўқ,— деди.

Шаҳзода кўп гапирди, бобо унамади. Охири шаҳзода каркининг жиловини дарвозага тўғрилаб, оёғини узангидан чиқариб, дарвозани бир тепиб эдики, занжирларн узилиб, дарвоза очилиб кетди. Шаҳзода билан барча аскарлар чорбоққа йўл олди. Бобо қарадики, дарвозанинг занжирлари узилиб, аввал шаҳзода карк билан, кетидан бир бадсалобат шер ҳам кириб келди. Чорбоғбон ух дейишга ҳам ҳоли қолмай, ўрнида тахта бўлиб қолди. Бирпас ўзидан кетиб, яна ўзига келиб қарасаки, лашкарлар кириб тамом бўлгани йўқ. Дарвозадан ташқари чиқиб, Хуросон мамлакатига қараб қочиб, ўрдага келиб, мулозимларга:— Эй мулозимлар, подшо қаердадир, менинг подшога айтадиган гапим бор,— деди. Мулозимлар бобонинг бундай ҳовлиқиб келганининг босиш нима, деб сўради. Чорбоғбон кўрган-билганларининг ҳаммасини мулозимларга айтиб берди. Мулозимлар бу гапни эшитиб ҳайратда қолдилар. Подшо жанг майдошида туриб эди, ўшал куни ҳам жанг бўлиб, бир қанча аскарларни асир бўлиб, бароли¹ келмай ўрдага кириб эди. Бу гапни эшитиб, бир гами устига минг ғам қўшилиб, вазирга: Бу ишнинг иложи қандай бўлар экан,— деди. Бир вазири:— Эй подшоҳим, ўзингиз жанг устида турибсиз, чорбоғнингизга кирган бўлса, меваларни еб, сероб бўлиб, яна чиқиб кетадилар. Энди уларга сиз бадмуомалалик қилсангиз, ўзингиз билан Ҳаворон подшоси уруш қилиб, бир қанча паҳлавонларингизни асир қилиб турибди. Энди яхшиси шулки, бир печа кишиларингизни юборинг, улар бориб сизлар қаерга борасизлар ва қаердан келасизлар, деб хушмуомалалик қилиб, борадиган йўлни тўғрилаб қўйсинлар. Бўлмаса, ишмиш оғирлашади,— деди. Подшо бир неча кишиларига.— Сизлар бориб чорбоққа келган паҳлавон нима учун келган ва қаерга боради, шуларни билиб, уларни секинлик билан шаҳримиздан чиқариб келинглар,— деб тайинлади. Чорбоғнинг ичида тамоми аскарлар мўр-малахдай бўлиб, чодир-чимматларини тикиб жой олибди. Подшонинг кишилари шаҳзоданинг ҳузурига бориб узоқдан саломлашиб:

— Эй шаҳзода, Сиз қаердан келарсиз ва қаерга борарсиз? Агар борадиган жойингиздан адашган бўлсангиз, бизлар сизни йўлингизга тўғрилаб қўяйлик. Бу чорбоғи олий Хуросон подшоҳининг махсус чорбоғларидир. Оёқости қилсангизлар, подшоҳимизнинг кўйигилари малум бўлиб,

¹ Бароли — омади.

сизларга ташвиш беради. Яхшиси шуки, бу чорбоғдан чиқинглар,— деди.

Шаҳзода уларга:

— Э боболар, бизлар бу ерда бир неча кун истироҳат қилиб, кейин кетамиз. Хуросон подшоҳига: «Чорбоққа келиб тушган меҳмонлар подшо ўзи билан зиндонда азобда ётган кишиларни ҳам бирга олиб келсин,— деб талаб қиладилар», деб айтинглар,— деди. Улардан бирини подшо ҳузурига юборди-да, ҳалиги арслонни олиб келиб дарвоза олдига қўйиб, ўзи чорбоққа кириб, айш-ишрат билан машғул бўлди. Келган кишилар қарадиларки, битталарни дарвозадан чиқиб, қолганлари чорбоқнинг ичида қолиб кетди. Чунки дарвозанинг олдига шерни мутасадди қилиб қўйди. Ҳеч кимда юрак йўқки, чорбоққа кирса па чиқса. Ҳалиги чиққан киши подшога бориб, чорбоғни олийнинг ичи лашкар билан тўлган, чодир-чиммаларини тиккан, ҳисобини ҳеч ким билмайди,— деб бениҳоят таъриф қилди. Подшо дарғазаб бўлиб мингта кишига:— Уша паҳлавонни бориб боғлаб келинглар,— деб буюрди. Шаҳзода пештоқда туриб эди, мингта паҳлавон келиб, чорбоққа яқинлашди. Шаҳзода шерини олиб бир панага қўйиб, ҳалиги келган кишиларни чорбоққа киргизиб, яна шерни олиб чиқиб дарвоза олдига қўйди. Келган кишиларнинг ғайратлари келиб, шамширларини яланғочлаб, шаҳзоданинг аскарларига ўзларини уриб, уларни асир қилиб олиб кетишни хоҳлаганлар. Қарасаларки, чорбоқнинг ҳар қайси томонида қанча минг аскарлар буларнинг бу қилган ишларига ҳазил-мазақ қилиб турибдилар. Бу аскарлар ҳушёр бўлиб, дарвозага қарасалар, дарвозада бир шерни басавлат ётибди. Унинг ҳайбатидан ва салобатидан одамзоднинг юраги ёрилгудек. Ҳамма аскарлар ҳайрат бармоқларини тишлаб, бадаллари сусайиб, бўшашиб тек қолдилар. Шаҳзода уларни бу ҳолда кўриб, лашкарларига:— Бу келган кишиларнинг ҳаммасини ушлаб каманд тортинглар,— деб буюрди. Шаҳзоданинг аскарлари уларни камангарон қилиб бир жойга жам қилдилар. Подшо қараб туриб эдики, лашкарлардан ҳеч бир хабар бўлмади, яна минг кишини:— Бориб қаранглар, қанни нима бўлди экан,— деб юборди. Бу келган кишилар яқинлашиб эди, шаҳзода дидбондан билиб, шерни билан ўзга бир жойга пишхон бўлди. Лашкарлар тамом киргандан сўнг, ул жойдан чиқиб, кирган лашкарларга:— Эй паҳлавонлар, энди чиқолмассизлар, қўлларнигиздан шамширларингизни ерга ташлаб, яхшилик билан таслим бўлинглар, агар чиқайин десаңглар, мана дарвоза очиқ, бўлмаса, чорбоғ деворлари баланд, жанг қилсаңглар, мен тайёр,— деб

ҳалиги паҳлавонларнинг олдига борди. Подшо аскарлари кўрдики, дарвозада шери басавлат ётибди. Дезорлардан чиқай десалар баланд, Шаҳзодага ўзларини урай десалар, у гўёки бир девга ўхшаш. Илож тополмасдан ҳаммалари якбора таслим бўлдилар. Шундай қилиб подшо уч мартаба уч минг кишини юбориб, уч минг кишидан айрилди. Шу билан кеч бўлиб, уруш тамом бўлиб, таблибозкаш чалинди, ортаси сарафроз бўлиб, яна икки томон урушга муқонд бўлдилар. Булар бу ерда турсин.

Хуросон подшоҳидан урушга киришга амр бўлди. Бир паҳлавон рухсат олиб майдонга кириб, ҳар хил ҳунарларини бирин-бирин ошқора қилиб, марди-майдон талаб қилди. Ҳаворон паҳлавонларидан бири рухсат олиб майдонга кириб, рўпара бўлиб, бир-бирлари билан шамширвозликка муқайяд бўлдилар. Хуросон паҳлавони каманд тайлаб уни асир қилиб олди. Иккинчи паҳлавон майдонга кириб, дастлаб шамширвозлик қилишди, уни ҳам камандга гирифтор қилди. Ундан кейин яна бир паҳлавон тушиб эди, икковлон жанг қилиб, баробар келди. Хуросон паҳлавони Ҳаворон паҳлавонига:— Менинг майдонимга ўзинг келасанми, икки киши бўлиб келасанми?— дегач, Ҳаворон паҳлавони орқасига қараб эди, бир шамшир зарб билан саранжом қилди, ва яна мард талаб қилди. Шундай қилиб Хуросон паҳлавони бир қанча кишиларни макр билан ўлдириб, заҳмдор қилиб, бир ҳангомаларни кўрсатди. Хуросон подшоҳи, таблибозкаш чалиб, паҳлавонга бир қанча саруполар, инъому эҳсонлар бериб, дилини хушнуд қилди. Хуросон подшоҳининг бароли келиб, урушда устун бўлиб туриб эдики, узоқдан чанг-тўпалон пайдо бўлиб, кўп лашкарлар келаётир. Хуросон подшоҳи дилида билдики, Ҳаворон подшоҳига мадад келди. Энди менинг аҳволим қандай бўлар экан. Бир томондан Ҳаворон подшоҳи, иккинчи томондан эса қайси гўрдан келган Чорбоғдаги гумдон паҳлавон бошимга бир бало бўлди,— деб ғам гирдобига чўмиб тураверсин, энди гапни шаҳзодадан эшитинг.

Шаҳзода уч минг аскарни чорбоққа банди қилиб, уч кун, тўрт кун тургач: «Мен бу истироҳат билан ўз ҳузуримда бўлаверсаму шундай азиз онам билан отам подшонинг эиндонида ётса. Шу оқшом аскарим билан чиқиб, Хуросон подшоҳининг аскарига ўзимни уриб, ота-онамни халос қиламан»,— деб дилига жазм қилди. Кеч бўлгач, аскарларидан бир қисмини чорбоққа мутасадди қилиб, бир қисмини ўзи билан ҳамроҳ қилиб, лашкарларнинг гирдидан пойлаб, ҳаммаси ухлагандан сўнг шаҳзода билан аскарлари бирданига шаҳар ичига қараб ўзларини урдилар. Жанг бў-

либ ҳамма саросимага тушди. Ҳеч ким дўст киму душман ким билмас эди. Шундай қилиб шаҳзода уруша-уруша ўзини арқони давлатга уриб, дарвозаларнинг олдида бориб, қараса, битта ўзидан бошқа киши йўқ. Шунда у дарвозани турзи билан уриб парчалаб:— Эй ёронлар, шаҳарга кириңглар, дарвозани парчалаб ташладим,— деб қичқирди. Бу нидони эшитган барча лашкар шаҳзоданинг кетидан якбора ўзларини уриб жангга ташланди. Бениҳоят аскар ичкаридан шаҳзодага қараб тош отиб, ўрдага киргани йўл бермади.

Шаҳзода кўп жойидан ярадор бўлди, лашкарларида кўпи ўлиб, оз қисми чорбоққа келиб жойлашди, бир қисмини эса Хуросон лашкари асир қилиб олди.

Шаҳзодадан ҳеч бир хабар бўлмади. Унинг жароҳатлари оғриб, кўзини оча олмай, қаркка бир қамчи уриб эди, қарк уни кўтариб узоқ томонларга олиб кетди. Шу кетганча тўғри қарк ҳайвонини ушлаган бешага бориб тўхтади.

Шаҳзода оғир аҳволда қонга беланиб, беҳудлик билан ётар эди. Қари маснavor шаҳзоданинг яраларини ялаб, гирдидан айланиб, баъзи ҳашаротлар келаверса, улардан муҳофаза қилиб турди. Булар бу ерда турсин, энди сўзни Маликаи Асфиядан эшитинг.

Шаҳзода Малик Маликаи Асфияга: «Мен бир ойда, бўлмаса икки ойда қаерда бўлсам ҳам келаман», деб ваъда қилиб эди. Шаҳзоданинг эса кетганига олти ой бўлди, ҳеч қандай хабар йўқ. Маликаи Асфия дилида: «Шаҳзоданинг ҳолини билиб келиш учун отамдан рухсат сўрайман. Яхшилик билан жавоб берса, берди, бўлмаса ўзим шаҳзодани излашга тушаман», деб жазм қилди. Отасига:— Эй ота, менга рухсат беринг, шаҳзода: «Бир ой, бўлмаса, икки ойда келаман»— деб ваъда қилиб эди. Кетганига олти ой бўлди. Энди мен кетидан бориб ахтариб хабар олай. Менга рухсат беринг. Бўлмаса менинг ҳолим танг. Ё ўзимни ўлдираман, ёки беижозат чиқиб кетаман,— деди. Подшо ўйлаб кўрдики қизининг ҳоли беҳад ёмон. Ночор кўниб, унга ўн минг лашкар тузаб берди.

Маликаи Асфия эса эркак дибосини кийиб, бир яхши отга миниб, Хуросон мамлакатига қараб йўл олди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам, мўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, худди ўша бешага яқинлашиб келди. Бу лашкарларнинг шарпасини қарк билиб, бетоқат бўлиб, ҳар томонга боқиб туриб эди, шаҳзода ўнидан туриб, яралари сиҳат бўлиб, оҳиста-оҳиста йўлдан томон чиқиб қарасаки, бениҳоят аскар бешанинг яқинига келибди. Малика шаҳзодани бу ҳолда кўриб ўзини тўхтата олмасдан, отдан ташлаб юборди. Шаҳзода

бу қандай шаҳзода экан деб ҳайрон-саросима бўлиб, мепи танидим, деб келиб ердан кўтариб, юзларини, кўзларини артиб:— Эй биродар, қани сендан нима ўтди, бундай йиғ-лайсан?— деди. Маликаи Асфия бошидан телпагини олиб эди, сочи ҳар томонга ёзилиб тушди. Шаҳзода билдики, ўзининг хотини экан. Икковлон қучоқлашиб кўришди. Шаҳзода суюнганидан беҳуд бўлишга сал қолди. Шаҳзода Маликага бошидан ўтган сиру асрорларни бирин-бирин таъриф-тавсиф қилиб: ярадор бўлиб, охири шу водийга келиб қолганини, карк жонивор ялаб, ҳар хил ҳайвонлардан саломат асраб қолганини айтди ва Маликага қараб:— Сизни кўрдим, энди икковимиз лашкар билан Хуросонга борайлик, қани лашкарларнинг аҳволи қандай бўлди экан,— деди. Чорбоғда аскарлардан кўп қисмлари йўқ, аспр олган кишиларнинг ҳаммасига овқат етишмагани учун уларни озод қилибдилар. Бир ҳайвон шаҳзоданинг бўйини олиб, ғарида¹ қилиб чиқиб, шаҳзоданинг оёғига юз-кўзларини суркай берди. Шундай қилиб, лашкарлар билан кўришиб, чорбоғни томоша қилдилар. «Эртага чиқиб, подшо билан жазм қилиб, ота-онамни халос қиламан»,— деб кўнглида жазм қилди. Эрта билан тамоми лашкарларини саф тузиб, жанг майдонига бориб қарасалар икки томон саф-ораста бўлиб мунтазир² турибди. «Булар қани аввал ким майдонга тушиб, мард талаб қилар экан?»— деб туриб эдилар, Ҳаворон паҳлавонларидан бири майдонга кирди, ҳунарларини ошкора қилиб, мард талаб қилди. Хуросон томонининг бир паҳлавони бор эди, отини Мақбара дер эдилар. Бу паҳлавонни кўп вақтдан буён урушга солмас эдилар. Бир ўзи бир овқат ейишда ҳар кун ич қўйини ер эди. Уша паҳлавон бениҳоят пурзўр³ бир бодпой⁴ туяга миниб майдонга кирди. Қарасалар: қўллари дарахтдек, оғизлари гўёки бир ғордек; унинг салобатидан майдондаги халойиқнинг ўти ёрич-гудек бўлди. Ҳаворон паҳлавони чиққанига минг пушаймон эб, отини буриб кейинига бадар кетди. Бу ҳолини шаҳзода кўриб майдонга киришни хоҳлади. Маликаи Асфия шаҳзоданинг оёғига йиқилиб:— Эй шаҳзодан даврон, мен ижозат берсангиз, мен бу кун эркак либосини кийиб майдонга кириб, Хуросон ва Ҳаворон халқига бир ҳаптомаларни кўрсатсам,— деди. Шаҳзода рози бўлмади. Ахири Маликаи Асфия: «Ушал зиндондаги ота-онангнинг ҳурмати учун

¹ Ғарида қилиб — гуркираб, наъра солиб.

² Мунтазир — кутиб турибди.

³ Пурзўр — бақувват.

⁴ Бодпой — тез юрадиган.

менга ижозат бергин» дегач, ночор ижозат берди. Дарҳол Маликаи Асфия ҷўсти чалон¹ эркак либосини кийиб, шаҳзодага: «Энди жонивор каркни беринг, мен шунни миниб кирамап,— деди. Шаҳзодаи Малик карк жониворнинг қошу кўзларига кўзу қошини суркаб, Маликаи Асфияни миндириб майдонга юборди. Маликаи Асфия карк жониворнинг жилловини паҳлавони Мақбаранинг рўпарасига суриб бориб даҳанба-даҳани² олиб борди. Мақбар полвон бодпой туяси билан бир неча қадам кейинга сурилиб тушди. Паҳлавони Мақбара айтди:— Эй барно, ўзинг кичик бўлсанг ҳам, бунчалик ҳайбат салобатни нимангга ишониб менга қиласан. Менинг қўлимдан қандай қутуласан. Энди яхшилик билан менга муте бўлгин, сени олиб бориб, мажлисларда косадор қиларман,— деди. Маликанинг қаҳри келиб:— Эй бадкирдор, аввал ўз жонингни саломат қолишини ўйла, менга насиҳат қилмагин,— деди. Паҳлавони Мақбаранинг ғазаби келиб, қўлига гурзисини олиб, кўтариб Малпканинг бошига урди. Малика чобуклик билан гурзининг дастидан тутиб, бир зўр қилиб қўлидан тортиб олди. Бу ҳолни кўрган Мақбаранинг ғазаби зиёда бўлиб, оғизларидан парча-парча кўпиклар сочилиб, найзасини суғуриб, маликага ҳавола қилди. Малика бир хез қилиб, каркнинг қорни томонига қараб отилган найзани икки бармоғи билан ушлаб, қарс синдириб, уни ҳам отиб юборди. Паҳлавони Мақбара бу дафъада шамширини суғуриб, маликага ҳавола қилди. Шамширнинг учидан ушлаб бир тортиб эдики, шамшир маликанинг қўлига борди. Малика шамширнинг учидан ушлаб дастаси билан паҳлавони Мақбаранинг гарданига бир урди, Мақбара ўзидан беҳуда бўлди, минг машаққатлар билан ўзини тўхтатди. Шамширини отиб юбориб паҳлавоннинг камаридан тутиб бир зўр билан баланд кўтариб, карк ҳайвонининг бошини буриб, шаҳзода Маликанинг олдига келиб шаҳзодага қараб отиб юборди. Шаҳзода бўлса паҳлавони Мақбаранинг гарданидан каманд тайлаб боглаб олди. Унинг орқасидан бошқа бир паҳлавон келиб эди, карк ҳайвон жунбушга³ келиб, унинг отини писанд қилмасдан бўйнидан тишлаб отиб ташлади. Ҳеч кимнинг майдонга киришга юраги дов бермади. Шундан кейин шаҳзода-маликага: «Энди майдондан чиқ, шу ишинг ҳам етарли», деб ишорат қилди. Маликани майдондан чақирди. Шаҳзода ўзи каркка миниб майдонга тушди: Эй Хуросон

¹ Ҷўсти чалон — тезлик ва чаққонлик билан.

² Даҳанба-даҳан — оғизма-оғиз, яқин.

³ Жунбуш — ҳаракагга келмоқ.

подшоҳи, менинг майдонимга мардингни билиб юборган, биринг қўрқсанг, ўзинг кел, ўзинг қўрқсанг, юзинг кел, бўлмаса, ўзимни лашкарингга урарман!— деб ўз лашкардарига ишора қилиб:— Энди бўлинглар, менинг кетимдан,— деб ўзини Хуросон лашкарига урди. Шаҳзоданинг лашкарлари ҳам ўзларини урдилар. Бу ҳолни кўрган Хуросон подшоҳи, жангда мағлуб бўлди. Энди вақт ғанимат деб айёрларига:— Урдага кириб зиндоннинг эшигини очинглар!— деди. Айёрлар ҳам тушиб кетдилар. Ҳаворон подшоҳи ҳам вақт ғанимат деб ўзини урди. Булар жангда тураверсин, энди гапни қипчоқ паҳлавонидан эшитинг.

Қипчоқ паҳлавонининг бандга тушганига бир печа йиллар ўтди. Бир куни подшо унинг гуноҳидан ўтиб банддан озод қилди. Қипчоқ паҳлавони хотин-болаларини излаб Ҳаворонга келаётиб эди, бир қанча савдогарлар ҳам келаятган экан. Улар билан ҳамроҳ бўлиб келаверди. Уч куш юрганларидан сўнг бир жойга келсалар, йўлда бир иморат, унинг ичида мурутлари ўсган бир баҳайбат киши йўловчиларни қайтариб закот олаётибди. Бу савдогарларнинг ҳам олдини тўсиб:— Қани тушинглар, юкларингни туширинглар!— деди. Ҳамма савдогарлар юкларини тушириб, ҳар жойда тўда-тўда бўлиб туриб эдилар, ҳалиги мурутли киши чиқиб:— Қани, савдогарбоши ким?— деди. Қипчоқ паҳлавони иллайга¹ тушиб:— Савдогарбоши мен,— деди.

— Сен бўлсанг, молларингни ҳисобла, ўндан бир ҳиссасининг закотини бериб ўтмасанглар, сенларга йўл йўқ,— деди. Қипчоқ паҳлавони:

— Закот қирқдан бир бўлар эди-ку, сен бўлсанг ўндан бир дейсан,— деди. Закот оладиган бадҳайбат киши, қипчоқ паҳлавонига тикилиб қўлини кўтариб эди, қипчоқ паҳлавони унинг қўлини ушлаб бир силтаб, ерга йиқитиб, мўйловларини суғуриб, қулогини кесиб бўйинга осиб:— Бор, ёронларингга, фалон савдогарбоши мени шу аҳволга солди,— деб айтгани деб тепиб юборди. У ўрнидан туриб нолаи савдогарларга:— Бу бориб кишиларга айтса, улар келиб бизларни ташвишга қўяди. Энди яхшиси шуки, ҳаммаларинг бир жон, бир тан бўлиб менинг кетимдан юринглар. Уша жойга бориб, буларнинг йўлини олиб турайлик. Улар келса, ўзимизни уриб, бу қароқчиларнинг шарридан қутилсак, бундан кейин бу йўллардан бемалол ўтиб кетаверасизлар,— деди. Ҳамма савдогарлар юкларини ҳар жойларга яшириб, қўлларига шамширларини ушлаб, қипчоқ паҳла-

¹ И л л а й г а — олдинга.

вонининг кетидан, қипчоқ паҳлавони ҳалиги қулоғи кесилганнинг изидан келавердилар. У келиб-келиб бир ўрмоннинг ичига кирди. Булар ҳам унинг кетидан бориб қарасаларки, ўрмон ичида ажойибот иморатлар кўринди. Ҳалиги мурутли одам бир дарвозага кириб пинҳон бўлди. Булар ҳам ўша ерга бориб отларини, ҳар қаерга боғлаб дарвозадан оҳиста-оҳиста ичкари киришиб, қарасалар қулоғи кесилган одам бир катта уйга кирди. Шу уйда бир неча кишилар маст бўлиб, маишат қилиб ўтирар эди. Қулоғи кесилган: «Дод савдогарларнинг дастидан», деб додни баланд қилиб турибди. Қипчоқ паҳлавони билан савдогарлар шамширларини яланғоч қилиб, ундаги кишилар қайси эшикдан чиқса, шамшир билан чопа бердилар. Қипчоқ паҳлавони эса, уйга кириб, баъзиларини мушт билан, баъзиларини шамшир билан ҳалок қилди. Булар маишат қилиб турган жойни тозалаб, уларнинг зулмидан қутулиб, бу савдогарлар шул жойда ўлтириб таом еб туриб эдиларки, кўп ғала-ғовур овоз эшитилди. Аммо овоз қайси томондан келишини сезиб бўлмайдди. Охири булар ҳар қайсиси ёнбошлаб истироҳат қилиб туриб эдилар, шу ғала-ғул овозлар ернинг тагидан келишини сезиб қолдилар. Буларнинг уйқуси учиб:

— Эй биродарлар, бу жойда бир сир борга ўхшайди.

Бу ишни қандай билиш керак,— дейишди. Қипчоқ паҳлавони далага чиқиб, ҳамма томонни айланиб, тафтиш қилди, ҳеч бир патижа топа олмади. Охири қипчоқ паҳлавони ўрмон ичига кириб у ёқ-бу ёқ томонга юриб эдики, бир кучукнинг овозини эшитди. Шу овоз келган томонга юриб, ахтариб келиб қараса, бир жойдан бир кучук ҳуриб паҳлавонга ёпишди. Паҳлавон шамширини чиқариб, кучукни қувалаб эди, бир қишлоқ халқидай одам пайдо бўлди ва:— Эй паҳлавон, бу ерда нима қиласиз?— деди. Паҳлавон:— Мен бу жойларда адашиб юрибман. Сиз бу ерда — ўрмоннинг ичида нима қиласиз?— деди. Улар:— Бизлар шу жойнинг фарзандимиз,— деди. Паҳлавон киссасига қўл солиб, бир сиқим зар чиқариб бериб:

— Эй оғайни, бу қандай жой ва йўлини қайдан топаман, менга йўл кўрсатинг,— деди. У одамлар паҳлавоннинг бунчалик олий ҳиммат эканлигига таҳсин-офарин қилиб:

— Эй паҳлавон, бу ўрмон Хуросон подшоҳига қарашли. Бу ерни Зиндони Хуросон дейдилар. Бу жойда қароқчилар бор. у қароқчилар шу зиндоннинг посбонларидир. Хуросон подшоҳи устига келган лашкарларидан олинган асирларча ана шу жойга келтириб, зиндонга солиб қўйибди. Фалон жойда бир чинор бор. Шу чинорнинг тагида бир гор бор, ана шу горнинг ичи билан бориб, худди зиндон-

нинг эшини тагидан чиқилади,— деди. Улар паҳлавонни эргаштириб, бир йўл кўрсатиб юборишди. Паҳлавон эса бу сирлардан огоҳ бўлиб, савдогарларнинг олдига келди:

— Эй биродарлар, энди биз ажабланган гала-ғул зиндон экан, бу зиндонда бир қанча бечоралар бўлса керак. Офтебни сояга тортмасдан зиндонни очиб, бу бечораларни халос қилиш керак,— деб, савдогарлар билан бу жойдан чиқиб, бир баланд чинорни кўрдилар. Чинорнинг тагига бориб қарасалар, рўпараларида бир ёр кўринди. Ёр масжид шаклида қурилган, тўр томонида мармардан бир тахмон кўринади. Ҳеч бир томонида дарвоза ва эшик кўринмайди. Қипчоқ паҳлавони ҳалиги тахмонни ушлаб, бир томонидан қимирлатиб эди, тахмон сохта экан. Паҳлавоннинг ғайрати келиб бир тортиши билан тахмон йиқилди, зиндоннинг, йўли очилди. Паҳлавон билан савдогарлар машъала ёқиб бир печа қадам юриб, бир жойга келсалар, кўп халойиқ ернинг заҳмига мажруҳланиб, юришга мадори бўлмасдан ўтиришибди. Уларни кўтариб чиқдилар. Улардан бири:— Эй паҳлавон, яна бир уй бор, ул уйда Маликни Ҳурмуз билан Маликаи Ҳур қамалган. Уларнинг аҳволларида ҳам хабар олинглар,— деди. Паҳлавон бу нидони эшитиб, бир наъра жигарвор урдик, ҳамма ҳайрон бўлди. Паҳлавон йиғлаб кириб, шаҳзода Ҳурмуз билан Маликаи Ҳурни халос қилиб олиб чиқди. Зиндонда киши қолмади. Савдогарларнинг ҳар қайсиси савдо ишини ташлаб, бу бечораларни муомилжа қилишга машғул бўлдилар. Энди булар бу ерда турсину гапни Хуросон подшоҳидан эшитинг.

Хуросон мамлакатида ниҳоят уруш оғирлашиб, уч кечаю кундуз жанг бўлди. Хуросон подшоҳига ҳар қайси вилоятлардан мадад келиб, лашкари кўплик қилиб, Ҳаворон подшоҳини шошириб қўйди. Шаҳзода Маликни қўлга тушириш мақсадида Хуросон паҳлавонлари бир чоҳ қазиб қўйдилар. Бир паҳлавон шаҳзода олдига бориб, унга қараб ҳақоратангиз гапларни гапирди. Шаҳзода дарғазаб бўлиб, паҳлавонга қараб карк сурди. Хуросон паҳлавони қочиб ҳандақ устидаги белгиланган йўлдан ўтиб кетди. Шаҳзода Малик унинг кетидан қувиб бориб чоҳга тушиб кетди. Шундан кейин Хуросон паҳлавонлари уруш бошлаб юбордилар. Шаҳзода Маликни эса камандозлар каманд ташлаб бсғлаб олдилар. Хуросон подшоҳи:

— Эй паҳлавонлар, энди буларнинг забардаст паҳлавонини тутдик. Шу оқшом қоронғи кечада тезлик билан бу паҳлавонни ўрмон тагидаги зиндонга — қирқ закотчига элтиб бериб, зиндонга солдириглар. Агар зиндонга солмасак, айёрларни келиб халос қилади,— деб буйруқ қилди.

Шундан кейин Хуросон паҳлавонларининг бир қанчалари шаҳзоданинг лашкарларига ўзларини урдилар, бир қанчалари шаҳзоданинг ўзини ўраб олиб кетдилар. Яна бир қисми ўзларини Ҳаворон подшоҳига урдилар. Боз жанг кишиб кетиб, ота болага боқмай, қиз онага боқмай, бир-бирларини билмасдан аралаш жанг бўлиб кетди. Маликан Асфия қарадики, шу жангда шаҳзода кўринмайдди. Билдики, Хуросон подшоҳи шаҳзодани аспр қилибди. Сўнгра шаҳзоданинг жанг-жўй либосларини кийиб, каркига миниб, қаерда аскарлар тўда-тўда бўлса, ўзини уриб, отларни билан бирга қалам қилиб, баъзиларини гурзи билан уриб нарма-¹ қилиб ва баъзиларини тепиб, отлардан учириб ташлади. Қарк ҳайвон эса, бир қанча одамларни тишлаб ташлаб, баъзиларини тепиб, шу сифат билан жанг қилди. Хуросон подшоҳи бу ҳолни кўриб ниҳоят ҳайратда қолиб: «Бир балосини йўқ қилиб эдим, бу балоси қайдан пайдо бўлди. Бу ҳам аждарҳодек нафасига тортар экан» деб ҳайратда қолди. Шаҳзода Маликнинг ёрдамчиси Бади паҳлавон бу ҳолни кўриб, Маликаи Асфия қаердан жанг қилса, шунинг кейинидан наззора қилиб юрар эди.

Кеч бўлгач, Хуросон подшоҳи шаҳзодани Маликни бир аравага ётқизиб, ўрмон зиндонбонига қараб: «Бу паҳлавонни ўрмон тағидаги зиндонга олиб бориб, беркитинглар. Мабодо хушёр бўлиб ўзига келса, камандларни пора-пора қилиб бир томонга қочмасин», деб тайинлаб икки юз посбон юборди. Шундай қилиб икки юз одам билан булар зиндонга кетаверсин.

Булар жанг қила-қила уч куну уч кеча ўтди. Ҳаворон подшоҳи қарадики, Хуросон подшоҳига ҳар қайси вилоятдан ҳар кун гурей-гурей² халқ келиб, лашкарлари беҳисоб бўлиб, буларга қолиб келиб, яқин фурсатда буларга шикаст бергудек. Ҳаворон подшоҳи дарҳол таблибозкаш чалдириб, лашкарларини чодирларига истироҳатга чақирди. Хуросон подшоҳи ҳам лашкарларини йнғиб, майдонини хол қилди.

Маликаи Асфия ҳам ноғораларини уриб, чорбоққа кириб, лашкарларига қарасаки, беш юз кишидан кам қолибди, қолганлари соп бўлиб кетибди. Маликаи Асфия шул кечани ўйлов билан ўтқариб: «Энди нима қилсам экан, агар эртага Исфиҳон мамлакатидан мадад келса, хўбу хўб, агар келмаса, бу қолган лашкарларим ҳам соп бўлиб, ўзимни ҳам булар боғлаб олса, қандай бўлар экан» деб, бир фикр-

¹ Н а р м - н а р м — икки бўлак қилиб.

² Г у р е й - г у р е й — гуруҳ-гуруҳ.

га келди. Бир нома ёзиб, номада айтдики: «Эй Ҳаворон подшоҳи, билгин ва огоҳ бўлгинки, шу нома боргандан сўнг сизлар билан Хуросон подшоҳи жанг қилиб турибди. Бизлар ҳам жанг қилиб турибмиз. Кечадан урушда бизнинг лашкарларимиздан беҳисоб киши ўлиб, шаҳзодаи Малек буларга асир бўлиб, мен беш юз киши билан қолдим. Менга Исфиҳондан мадад келгунча икки минг аскарингиздан юборсангиз. Билмайманки, бизларга мадад ё эрта, ё индин келгусидир. Салом билан Исфиҳон подшоҳининг Маликаи Асфия қизи бўлурман», деб номани бир тезпой¹ айёрга бериб жўнатиб юборди. Айёр чорбоғдан чиқиб, одамсиз жойлардан юриб, Ҳаворон подшоҳининг лашкарлари ичига кириб, Ҳаворон подшоҳининг чодирини сўраб топди. Подшога салом бериб, одоб билан Маликанинг номасини тутди. Ҳаворон подшоҳи номани ўқиб, бу томон, ўзининг невараси Шаҳзода Маликиннинг одамлари эканлигидан огоҳ бўлди. Подшо севинганидан дарҳол айёрга бир қанча ажнос²лар бериб, беш минг лашкарни кетидан юборди. Беш минг лашкар билан қоронғи кечада чорбоққа келиб кирдилар. Малика хурсанд бўлиб, энди уруш бўлса майдондорликни мenden кўрсин деди. Булар бу ерда турсин, энди гапни қипчоқ паҳлавонидан эшитинг.

Қипчоқ паҳлавони бениҳоят хурсанд бўлиб, зиндондан кишиларни сўхат-саломат муолижа қилдирди. Қипчоқ паҳлавони:— Бугун ё эртага Хуросон подшоҳининг урушига бориб бир ишларни кўргизаманки, бу ишимни кўриб таҳсин-офарин қиларсизлар,— деб туриб эди, бир киши келиб:— Бир қанча кишилар бир кишини аравада асир қилиб келдилар,— деди. Қипчоқ паҳлавони чиқиб қарасаки, йироқдан икки юзта чамаси аскар бир аравани ўртага олиб келади. Дарҳол қипчоқ паҳлавони буларга:— Энди шу келган кишиларнинг биронтасини ҳам қочирмасдан тутайлик. Агар булардан биронтаси қутулиб кетиб, Хуросон подшоҳига бориб айтса, бизларнинг устимизга беҳисоб лашкар юбориб ташвишга солади. Ҳаммаларингиз ўрмон ичига кириб бекининглар. Қоровул: «Келган кишилар дарвозадан ичкарига кирсинлар», деб илтимос қилади. Дарвозадан ичкари кирганларидан кейин ҳаммалари басанжида³ бўлиб турганларида, бизлар ўрмондан чиқиб, уларга ўзимизни урамиз, бир фурсатда уларни асир қилармиз, сўнгра иш-

¹ Тезпой — илдам юрар, чаққон.

² Ажнос — жинснинг кўплиги; турли нарсалар маъносида.

³ Басанжида — таскин топгандан кейин, ҳаммалари бир жойга йиғилгандан кейин.

миз бошқача бўлади,— деб ўрмон қоровулига:— Сен аввалгидек келадиган кишиларни дарвозадан киргиз, бизлар бу томонда турамиз,— деб тайинлади. Шундай қилиб Хуросон лашкарлари арава билан келиб дарвозани тақиллатди. Қоровул дарвозанинг ташқарисидан чиқиб қарадики, икки хаз одам бир аравада бир кишини каманд билан боғлаб дарвозада турибди.

— Сизлар қандай кишисизлар, нима учун бу ерга келдинглар?— деди. Лашкарбоши қоровулга:

— Эй қоровул, фурсат-ганимат, дарвозани очгин, бу кишини асир қилиб олдик, бизлар кириб зиндонга ташлаб, подшонинг буйруқларини бажо келтирайлик,— дегач, қоровул дарвозани очди.

Ҳаммалари ичкари кириб:

— Эй қоровул, зиндонбонлар қаерга кетди?— дедилар. Қоровул:

— Зиндонбонлар йўлдан закот олишга кетдилар, мени қўйиб кетдилар, дегач, аскарларнинг кўнгли хотиржам бўлиб, шаҳзодани аравадан бир жойга тушириб қўйиб туриб эдиларки, урра-урра овоза эшитилди. Қипчоқ паҳлавони бир ёқдан ўзини ташлаб, шаҳзодани Хурмуз бир ёқдан ютуриб ўзларини Хуросон лашкарларига урдилар. Бу шовқин-сурон шаҳзода Маликнинг қулоғига етиб, ҳушига келиб, кўзини очиб қараса, бошқа бир жойда ётибди. Ўрмонлар орасида одамлар кўринади. Бу тушимми, ўнгимми,— деб сарҳисоб¹ бериб, кўнглида: «Мен бу жойда асир бўлсам керак. Бу олишадиган кишилар бир томони душман бўлса керак. Агар мен бу дўстлар душманлардан қутқазиб ечиб олсалар, бир вақтда бир гап бўлса, сени бир вақтлар бизлар ҳалос қилиб эдик», деб таъна қиларлар. Энди вақт-ганимат деб, бор кучини тўкиб наъра уриб эди, боғлаган камандлар пора-пора бўлди. Шаҳзодани даврон ўрнидан туриб, бир дарахтни суғириб ҳалиги лашкарларга қараб югурди. Лекин қайси дўст, қайси душман билмас эди. Шаҳзодани Малик дарахтни кўтарганича уларнинг устига бориб: «Ким, дўстим бўлсанг, орқа томонимга ўт, душман бўлсанг, олдимга саф торт!— деди. Лашкарлар кўрдиларки, бу паҳлавоннинг ҳайбати-салобатидан ҳеч қутулиб бўлмайди. Душманлар бу ҳолни кўриб, ҳаммалари қўл кўтардилар. Шаҳзода қипчоқ билан ёронлари икки юз кишининг гарданларини боғлаб бир жойга жам қилдилар. Шаҳзодани Малик дарахтни бир томонга ташлаб ўзининг устози қипчоқ паҳлавонини таниди. Ниҳоят хушнуд бўлиб паҳлавони-

¹ Сарҳисоб — бу ўринда ўтган воқеаларни ўйлаб маъносида.

ни қучоқлаб, ҳол-аҳвол сўраша кетдилар. Қипчоқ паҳлавони сурашиб бўлгандан сўнг:— Эй шаҳзода, сен ғойиб бўлгандан сўнг мен шу туҳматга қолиб, охири ўз мамлакатимга бориб, кўп йиллар зиндонда ётиб, зиндондан халос бўлиб, шу томонга келаётиб эдим, гузарим бу манзилларга тушди. Бул жойда бир қанча қароқчиларни ўлдириб, мана шу кўринган кишиларни зиндондан халос қилиб, буларни снҳат-саломат муолижа қилдим. Энди Хуросон мамлакатига сафар қиламиз, деб туриб эдик, сен билан бу икки юз лашқар келаверди. Энди сен ҳам топилдинг, мен ҳам бу туҳматдан халос бўлдим. Сенинг отанг шаҳзодаи Хурмуз, онанг Маликаи Хур ана шу кўриниб турган кишилардирлар,— дегани ҳамон ота-болалар, она-ўғиллар бир-бирларининг висолларига восил бўлиб, йиғлашиб; Маликаи Хур бўлса бир неча бор ўзидан кетиб, боз ўз аслига келар эди. Шундай қилиб булар бу жойда бир-икки кун истироҳат қилиб туриб эдилар, шаҳзодаи Малик кўнглида: «Эй шаҳзода, сен бу жойда истироҳат қилиб юрсангу Маликаи Асфиянинг ҳоли қандай бўлса экан?— деб бошини қуйи солди. Шаҳзодаи Хурмуз ўғлининг бошини снлаб:

— Эй жоним болам, энди мен орзумга етдим деб хурсанд бўлиб турсаму сен хафа бўлиб кўринасан?— деди. Шаҳзодаи Малик отасини қучоқлаб:

— Эй отажон, мен устозим қипчоқ паҳлавонидан кўп ҳунарларни ўргандим. Иттифоқо бир куни ёшлик қилиб кўнглимда ғурурлик қайнаб бир ўзим саҳрога чиқиб шикор қилиб, неча кунлар адашиб кетиб, отим ўлиб, пиёда бўлиб, ўзга бир вилоятларга кетиб, аждарҳоларга дучор бўлиб, уларни ўлдириб, Исфиҳон подшоҳининг кўп баҳодир-паҳлавон Маликаи Асфия помли бир қизи бор экан. Подшо: «Қачон, қайси паҳлавон шу қизимдан ғолиб келса, шу қизимни ўшандай кишига тўй-томоша қилиб берарман», дер экан. Шу қиз билан талош¹ қилиб, охири уни йиқитиб, ўз никоҳимга олдим. Бир неча кун у жойда туриб, сиз азиз ота-оналарим эсимга тушиб, сизларни зиндондан чиқармоқ учун Хуросон мамлакатига қараб жўнадим. Бир бешага келиб ул жойдан Карк ҳайвонини ўзимга муте қилдим. Хуросон подшоҳи билан бир қанча кунлар жанг қилиб юрар эдим. Иттифоқо бир куни макр билан чоҳ қозиб, мени чоҳга тушириб асир қилиб олган эканлар. Мана энди сизлар билан учрашиб турибман. Лекин менинг эсу ҳушим лашкаргоҳдадир. Нима учунки, мени истаб келган Маликаи Асфия ёрим, ундан бошқа яна бир ҳайвон билан карк

¹ Т а л о ш — бу ўрнида курашиб маъноснда.

хайвоним ҳам қолган эди. Энди лашкаргоҳга бориб уларнинг ҳолу аҳволини билмасам, менга орому қарор бўлмас,— деди. Шаҳзодаи Хурмуз билан қипчоқ паҳлавони ва Маликаи Хур шаҳзодадан бу нидони эшитиб, бениҳоят хурсанд бўлдилар. Қиссани кутуҳ қилайлик, булар Хуросон мамлакатига қараб келаверсинлар, энди гапни Хуросондан эшитинг.

Хуросон подшоҳи билан Ҳаворон ўртасида бениҳоят қаттиқ уруш бошланиб, подшолар баландликка чиқиб туриб кўрди. Маликаи Асфия карк хайвонга миниб, қўлига шамширларини олиб, гоҳ гурзисини олиб, қайси томон қалин тўда бўлса, шу томонга ўзини урар эди. Хуросон подшоҳи дилида «Ажаб, бир балойи азим экан. Бу карк хайвонини бир неча минг кишилар юбориб асир қилиб бўлмас эди. Эшитаманки, бу карк хайвонини, ҳам бир арслонни ўзига бир ўзи муте қилиб олган эмиш деб. У паҳлавонни каманд билан ушлаб эдим, бу балойи азим қайдан пайдо бўлди. Агар шуни ҳам бандга туширсам, ўзимга шундоқ баҳо бераманки, Ямандан Ясаргача тасарруфимга келтириб, жаҳон подшоҳи бўлар эдим», деб айтар эди. Ҳаворон подшоҳи ҳам: «Шаҳзодаи Малик ҳақиқатан шу қизни ўз никоҳига олган бўлса, мен ҳам Марғибдан, Машриққача ўз тасарруфимга олиб, жаҳон подшоҳи бўлар эдим», деган фикрда эди. Бошқа бир томондан кўп чангу ғубор пайдо бўлиб, бир гуруҳ лашкар пайдо бўлди. Хуросон подшоҳи: «Бизларга келса керак»,— деди. Иттифоқо у лашкар келиб Маликаи Асфиянинг сафига қўшилди. Буларнинг ичидан. Шаҳзодаи Малик пойи пиёда гурзи кўтариб майдонга кириб:— Эй халойиқлар, билинглар ва огоҳ бўлишглар, мен карк хайвонини ўзимга мусахҳар қилган, яна бир хайвонни ўзимга муте қилган, аждрҳонни ўлдириб, Маликаи Асфияни ўз никоҳимга олган шаҳзодаи Маликдирман», деб наъра уриб ўзини аён-баён қилиб, Хуросон лашкарларига ўзини урди. Яна бир томондан бир наъра овози келди.— Билсанг билгин, билмасанг мен ўзимни танитай:— Қаландар бўлиб қизингни олиб кетган, кечаси шабохун уриб, қипчоқ лашкарларини сароснмага солиб, боз яна қайтиб келиб зиндонингда асир бўлган шаҳзодаи Хурмуз бўламан,— деб ўзини лашкарларга урди. Яна бир томондан наъра овози келди:— Мен ҳам қипчоқ паҳлавонидирман,— деб ўзини лашкарларга урди. Бу нидони Ҳаворон подшоҳи эшитиб, ғайратни келиб, тамоми аскарлари билан ўзларини урдилар. Шу қадар қаттиқ жанг бўлдики, қонлар ҳар томонга оқа бошладди. Кун кеч бўлди. Машъалалар ёқилиб, жанг тамчи бўлмасдан ҳар томонга сурилиб, уч кечаю уч кунд жанг

бўлди. Тўртинчи куни ҳам жанг тўхтамай, ҳамма ҳолатдан кетиб: «Аввал ким таблибозкаш урар экан», деб ўйлар эди. Шу умидда туриб эдилар, биёбон тарафдан гарду гу-
бэр чиқиб, бир гуруҳ лашкар пайдо бўлди. Ҳар икки томон-
нинг кўзи шу лашкарларда эди. «Агар шу мадад бизларга келса, бизлар енгамиз, уларга келса, улар енгадилар», деб турдилар.

Шаҳзодан Малик Юлғун бешасидан аждарҳони ўл-
дириб, чўпон билан ота-бола тутиниб, чўпон қолиб, кўп
ишом-эхсоларни Исфиҳон подшоҳидан олиб, қишлоғига
бориб эди. «Ҳай дариг, шу шаҳзоданинг кейинидан борсам,
ишим бошқача бўлур эди. Биргина Исфиҳонга бориб шун-
чалик меҳр-шафқат кўриб, шунча дунёга эга бўлдим. Ўша
шаҳзода бизларга бениҳоят яхшилик қилиб аждарҳо хав-
фидан қутултирди, энди ўшанинг кейинидан бориб ҳол-аҳ-
волини билиб келиш бизларга лозимдир» деб, даҳия паҳ-
лавонларидан бир қанча кишиларга шамшир, от-яроғ олиб
бориб, ўзича бир лашкар тузиб Исфиҳонга келди. Исфиҳон
подшоҳи булардан:— Қаён борурсизлар?— деди. Чўпон:—
Шаҳзодан Малик «Ота-онам Хуросон подшоҳининг чанга-
лида зиндонда, шуларни халос қиламан», деб кетиб эди.
Энди мен ўшанинг кейинидан бориб мадад етказишим ло-
зимдир,— деб подшодан рухсат олиб йўлга тушди. Подшо
кейин:— Бир киши билан шундай дўст бўлиб кетгандан ке-
йин шунчалик меҳру шафқат қилиб, кейинидан мадад учун
борса-ю, менинг куёвим бўлиб, қизим ҳам ўша жойда
бўлса-ю, мен бўлсам бул жойда фароғатда, истироҳатда
бўлсам,— деб ўйлашиб, қизининг фироқида кўзларидан ёш
келиб, лашкарбошисини чақириб: «Икки юз минг лашкар
жам бўлсан!»— деб буйруқ қилди. Подшо ўз ўрнига бир
кишини ҳоким қилиб:— Мен шу бугундан бошлаб Хуросон-
га қараб юриш қилдим. Менинг кейинимдан то, бўлди, дема-
гунча мадад юборавер,— деб йўлга тушиб эди. Шу кўрин-
ган чангу-губорлар аввалги келган лашкар ному насаблар-
ни аён-баён қилиб, ўзларини шаҳзодан Малик лашкари-
га қўшди. Шаҳзодан Малик:— Эй ёронлар, даҳия халқи,
фурсат ғанимат ўзларингни уринглар, душман қўлдан
кетмасдан!— деб қичқириб эди, улар ҳам ўзларини урди-
лар. Хуросон подшоҳи кўрдик, қанча лашкарлари банди
бўлиб баъзилари шамширларини отиб, баъзилари Хуросон
дарвозасига келиб киравердилар. Шу аснода бир гарди
азим¹ пайдо бўлдики, ул гард ичидан беҳисоб лашкар ке-
либ саф тортиб турдилар. Исфиҳон подшоҳи — «Бориб бу-

¹ Гарди азим — катта чанг-тўзон, бўрон.

ларнинг аҳволидан хабар олгин-чи, қайси дўст, қайси душ-
мандир деб бир кишини буюрди. Ул киши бориб хабар
олиб келиб:— Эй подшоҳим, бу баланддаги кўринган Хуро-
сон подшоҳининг хаймасидир¹. Узоқдаги кўринган хайма
Ҳаворон подшоҳиники экан. Бу томондаги чорбоғ куёвимиз
шаҳзодаи Маликники экан,— деди. Подшо ҳақиқатни ба-
либ лашкарларига ишорат қилиб:— Энди ўзларининг пар-
вонадай уриб, бир жанг қилинглarki, дунё халқи кўриб
ҳайратда қолсин,— деди. Исфиҳон лашкарлари ҳам ўзла-
рини урдилар. Исфиҳон подшоҳи баланд жойга чодир тикиб,
чиқиб томоша қилиб кўрдик, беҳисоб лашкарлар орасида
тўрт кишининг иши ўзгача кўриниб турибди. Шаҳзодаи
Маликнинг мулозимларидан бирини чақиртириб келтириб:

— Ҳой анови пиёда жанг қиладиган киши ким?— деб
сўради:— Мулозим:

— У кишининг оти шаҳзодаи Малик, бизнинг подшоҳи-
миз,— деди. Яна сўради:

— Қарк устига минган паҳлавон ким? Мулозим:

— Ул паҳлавон подшоҳимизнинг маликалари Маликаи
Асфия, дерлар,— деди. Яна:

— Яна у пиёда кимдир?— деди. Мулозим:

— Шаҳзодаи Маликнинг оталари — шаҳзодаи Хур-
муз, дерлар,— деди. Яна:— Ана у пиёда кимдир?— деди.
Мулозим:

— У пиёдани сўрасангиз, қипчоқ паҳлавони, баҳодир-
ликда тигзанликда ва гурзибозликда, найзабозликда маш-
хурдир. Ана шу бизнинг подшоҳимиз шаҳзодаи Малик-
нинг устозлари бўладилар,— деди Исфиҳон подшоҳи:

— Агар менинг қўлимда шу тўрт паҳлавон бўлса эди,
офтоб чиқардан офтоб ботар жойгача ўз тасарруфимга кир-
гизиб, жаҳон подшоҳи бўлар эдим,— деб баҳо берди.

Шундай қилиб ўша кунни бир зўр жанг бўлдики, тарақа-
туруқ, амуди гаро², бўлди бозори оҳонгорон. Шул жангда
Хуросон, Ҳаворон, Исфиҳон подшоҳи томоша қилар эдилар.
Рустами Достонда ҳам бундай қаттиқ жанг бўлмаган эди.
Шаҳзодаи Малик, Маликаи Асфия, Шаҳзодаи Хурмуз,
қипчоқ паҳлавони ўзларини дарёдаги балиқдек, биёбон-
даги аждаҳодек, бешадаги шердек қайси тўдага ўзларини
урсалар, ўшал тўдани тарқатиб юборар эдилар.

Хуросон подшоҳи бир қанча паҳлавонларни: «Қанча
одам ўлса ўлсину, шаҳзодаи Маликни камандга гирифтор
қилинглар», деб буюрди. Бир қанча камандозлар шаҳзода-

¹ Хайма — чодир.

² Амуди гарс — тўс-тўналон.

нинг гирдидан камандларни ҳалқа-ҳалқа қилиб отдилар. Маликаи Асфия бу ҳолни кўриб, карк ҳайвон билан шаҳзодага яқинлашиб, қанча камандларни қиличи билан чопиб ўртадан кўтарди. Қанча камандозлар Маликага каманд ташлаб эдиларки, камандлар банд бўлди. Паҳлавонлар камандни тортиб эдилар, бу ҳолни шаҳзодаи Хурмуз кўриб, югуриб келиб камандозларга ўзини урди. Камандларни кесиб Маликани халос қилди. Бир гуруҳ камандозлар шаҳзодаи Хурмузга каманд ташлади. Қинчоқ паҳлавони буни билиб, келиб шаҳзодани халос қилди. Шундай қилиб кун кеч бўлиб, лашкарлар ҳар томонга қоча бошладди. Маликаи Асфия: «Эй малика, шу бугун бир иш қилгани, Хуросон мамлакати таҳсин ва офарин қилсин. Бориб Хуросон подшоҳининг қароргоҳини шамшир билан қамал қилиб жаҳонга ўзининг бир таитгин», деб дилидан жазм қилиб бир қўлига гурзи, яна бир қўлига шамширини олиб, каркнинг жиловини Хуросон подшоҳи турадиган қароргоҳнинг тўғрисиغا бориб, этиги билан каркнинг биқинига бир тепиб элики, карк жумбушга¹ кириб, минг-минг лашкарни кўкраги билан суриб кетди. Малика бўлса бир қанчаларни гурзи билан уриб, мажақлаб, шамшир билан чопиб, шу сурганича ўзини дарёдаги паҳангдек Хуросон подшоҳи турадиган қароргоҳнинг тагидан бош чиқариб, аламини² бир урдик, шамшир кесиб, аламини сарингун³ қилди. Хуросон подшоҳини қўл узатиб тахти билан кўтариб:— Эй Хуросон халқи билинглар ва огоҳ бўлингларки, аламларингизни кесиб, сарингун қилдим, подшоларингизни асир қилдим,— деб қичқариб кўтарганича майдонга қараб олиб кетди. Хуросон халқи бу ҳайқириқни эшитиб қарадиларки, дарҳақиқат, алам кўринмайди. Подшони бўлса каркка минган паҳлавон кўтариб боради. Бу ҳолни кўрган Хуросон халқининг ҳаммаси: «Ал омон, ал омон!»— деб фарёд қилдилар. Шаҳзодаи Малик, Маликаи Асфия аламини чопиб подшони тахти билан кўтариб келганини кўриб: «Ман аламини чопиб, подшони асир қилсам», деб ўйлар эдим. Мандан илгари Малика ҳушёрлик қилди. Шундай қилиб барча халқлар ҳар томонга пароканда бўлди. Шаҳзода Малик Хуросон дарвозасига келиб, гурзи билан дарвозани уриб синдириб, лашкарлар урра-урра билан ичкарига кириб, Хуросон мамлакатини олдилар.

Шунда Ҳаворон подшоҳи тик қараб турар эди. Кўрдикки, Шаҳзода Малик Хуросон шаҳрини тасарруфига олди. Шаҳ-

¹ Ж у м б у ш — ҳаракат.

² А л а м — байроқ.

³ С а р и н г у н — ерга йиқитди.

зода Малик шаҳарга кириб, шаҳар халқларининг баъзиларини асир қилиб, ўрдага кириб, аркони давлат, айёли салтанатларни кўрди. Бу қадар тантанали подшоликни ҳеч мамлакада кўрмаган эди. Шаҳзода дилида: «Энди отамни чақирайин. Бу жойда ўтириш у кишига лозим», деб ўйлади. Шаҳзода отасини олиб келиб:— Бу салтанат сизга муборақ бўлсин! Энди бу жойларга ўлтириш, ҳукм суриш сиздан, хизмат қилиш мендан бўлсин,— деди. Шаҳзода Ҳурмуз:— Эй фарзанд, барча уламолар ва отамни чақириб, улардан маслаҳат олиб билайлик-чи, қани, кимни лозим топадилар,— деди. Ҳаворон подшоҳининг уламолари билан, Исфиҳон подшоҳини, Хуросон подшоҳини, ҳайдаб юборган оқил вазирларини ва зиндонга солган вазирларининг ҳаммасини ҳозир қилдилар. Шундан кейин шаҳзода Малик ўрнидан туриб, уларга:— Эй шаҳар халқи, билинглар ва огоҳ бўлинглар, Хуросон подшоҳи ўзимнинг бобом бўлса ҳам, бениҳоят золим. Қанча бегуноҳларни ўлдирди, шаҳарлар вайрон бўлди. Менинча бу ишлар адолатсизлик бўлса керак. Шундай қилиб, бизлар бобомни тахтдан йиқитиб, бандга солдик. Энди отамни бу подшоликка тарғиб қилсам, бу киши:— Бу ишнинг иложи менинг билангина битмайди. Шаҳар уламолари ва фозил кишилар кимни лозим топсалар, шу кишини подшо қиладилар,— деди. Хуросон подшоҳи билан Ҳаворон подшоҳи иккови қуда. Шаҳзодаи Малик эса унинг невараси, вазиру вузаролар, уламолар бир нарсга дейишга ўйлашиб қолдилар. Аввалги ҳайдаб юборган Хуросон подшоҳининг оқил-донишманд вазири ўрнидан туриб:

— Эй Ҳаворон подшоҳи, ҳўб биламизки, Хуросон подшоҳини асир қилиб, ўз ўғлингни зиндондан халос қилиб, ўз мақсадингизга етсангиз, энди бу шаъну салтанатга бир кишини ўтказишни ҳам сиз ўзингиз биласиз. Лекин Маликан Ҳур ўзингизнинг келинингиз, шаҳзодаи Малик Хуросон подшоҳининг неваралари. Бир вақти бўладикки, икки гап бир бўлса, Маликан Ҳур менинг отамнинг тахти салтанатини сизлар олиб саргардон қилдинглар, деб айтмасин. Энди мен шу маслаҳатни бераман. Хуросон подшоҳини шу мажлисга чорлаб, ўзининг олдида қилган хатоларини гапириб кўринглар, қани шу хатоларини бўйнига олиб, сизлардан ўттириб, тазарру қилса, ўз вазифасига қўйинглар. Мени Хуросон подшоҳи қанча қийнаган бўлса ҳам, гуноҳидан ўтдим, Сизлар ҳам ўтинглар. Бир киши гуноҳ қилса, унинг гуноҳидан ўтиш мардликдир,— деди. Вазирнинг бу маслаҳати барча кишиларга маъқул тушиб, Хуросон подшоҳини шул мажлисга ҳозир қилдилар.

— Эй подшоҳим, Хуросон мамлакати сизнинг тасарруфингиздан чиқиб, бизларнинг ҳукмимизга ўтди. Энди сиз кўп кишиларнинг ҳақиға жабр қилдингиз. Ҳали ҳам бўлса шу зулм ишларингизни, гуноҳингизни бизлар кечирдик. Сиз ҳам ишларингизни ва хатонгизни бўйингизга олсангиз, бу айёми салтанат ўзингизга насиб қилсин,— дедилар.

Хуросон подшоҳи:

— Яхши, сизларнинг бахтларинг чопиб, Хуросон мулкини тасарруфларингизга олдингизлар. Бўлмаса сизларни асир қилиб, Ҳаворон шаҳрининг кулини кўкка совириб, барча халойиқни майдонга чизиб, дор қуриб, шаҳзода Хурмуз билан қизимни дорга осиб сангсор¹ қилар эрдим. Ҳозир ҳам бўлса подшолик менга насиб бўлса, шундоқ қилгайман.— Менинг кўзимга қизим билан куёвимни кўрсатманглар. Бўлмаса, ўлсам дилимда армон кетади, менга ҳеч нима керак эмас,— деди.

Шундан кейин Хуросон халқлари бир овоздан:— Бу Хуросон подшолиги фалон вазирнинг қўлларида бўлса, ўша киши адолатлик вазифани бажаради,— деб вазирни лозим топдилар. Хуросон мамлакатига оқил вазир подшо бўлди. Хуросон подшоҳини ўзининг чорбоғига олиб бориб зиндонга солдилар. Ҳаворон подшоҳи ўғил-неваралари ва келинларини олиб, Ҳаворон шаҳрига қараб жўнади. Исфахон подшоҳи ҳам хайрлашиб ўз шаҳрига қараб кетди. Ҳалиги вазир Хуросон мамлакатини эгаллаб, душман, бахил вазирларни, Хуросон подшосига йўл кўрсатувчиларни аста-аста мамлакатдан йўқотди, шаҳарлар тинчиб, жуда яхши бўлиб кетди.

Бир куни вазир уйда ўтириб кўнглига келди: «Шаҳзода Малик ажаб бир паҳлавон забардаст экан-да. Шунча ишларни қилиб подшолик мазҳабини менга лозим топиб, мамлакатларни тинчитди. Бундай олиҳимматлилик ҳар қандай кишининг қўлидан келмайди. Қани, мен шунинг толенни билай, бунинг бахти қандай экан,— деб, раммоллик илминини ишга солиб қараб билдик, шаҳзоданинг толен офтоби жаҳонтобдек² равшан ва музайиндир. Лекин шу фурсатда толеи бир қанча заифланган кўринади. Аввал хурсанд бўлиб, кейин шаҳзоданинг толеи заифлашганига хафаланди-да, бир нома ёзди:— «Эй шаҳзодан Малик, мен бир куни сенинг баҳодирлигингга таҳсин ва офарин қилиб, сенинг номингга қуръа солиб кўрдим, офтоби жаҳонтобдек

¹ Сангсор — тошбўрен.

² Сфгоби жаҳонтоб — оламга нур сочувчи, оламни иситувчи.

ёруғдир. Лекин шул ўртада анлак занфлашиш ҳам бордир. Чунончи, отангиз неча йиллар зиндонда ётиб, боз саломат чиқиб, шунчалик давлат-саодатга ва сиздек олиҳимматли паҳлавон ўғлига ва Маликан Асфиядек олиҳиммат, паҳлавон қизга эга бўлди. Салом билан Хуросон подшоҳидирман»,— деб, хатни бир қосидга¹ бериб юборди. Номачи хатни олиб Хуросондан чиқиб, Ҳаворон мамлакатига қараб йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, қисса кутоҳ, Ҳаворонга дохил бўлди. Номани Ҳаворон шоҳига тутди. Ҳаворон шоҳи кўрдик, нома шаҳзода Маликка ёзилган. Шаҳзода Малик келиб номани ўқиб, мазмундан огоҳ бўлди. Булар бул жойда турсин, энди гапни парилар мамлакатидан эшиттинг.

Қўҳи Қофда Фаридун номли подшоҳ пари бор эди. У подшонинг мулкани девлар олиб, ўзлари ҳар томонга қочиб, баъзилари денгизга, баъзилари тоғларга ва баъзилари чўлларни макон қилишган эди. Хуросон подшоҳлиги ҳуки суриб турган вақтда, Ҳаворон подшоҳининг қирқ айёри, қаландар либосини кийиб, қизни олиб кетмоқ учун Хуросон қўрғонининг орқасидаги дарёнинг лабидан чоҳ қазиб, Хуросон подшосининг чорбоғи ичидан, мрамардан бўлган ҳайкалнинг тагидан чиқиб, қизни олиб кетган эдилар. Фаридун подшоси эса ўз гуруҳлари билан шу чоҳнинг ичида яшар эди. Иттифоқо бир куни Хуросон подшоҳининг ўрнида бўлган вазир қуръа солиб, шаҳзода Маликнинг қуръасини кўриб турганида Фаридун ҳам ўша жойда ҳозир эди. У ҳам ўз шаҳрининг қўлга келиш-келмаслигини қуръа ташлаб кўрди, қўлга келар экан, лекин бу иш шаҳзода Маликнинг қўлида экан. Бу сирларни билиб, Фаридун ўз гуруҳига:— Энди бизнинг шаҳримиз ҳам қўлга кирар экан. Фурсатни ғанимат билиб, Хуросон мамлакатини тасарруфига олган шаҳзода Маликни ўғирлаб, ўз шаҳримизга олиб борсак, бизнинг шаҳримизни у ифлос девлардан халос қилади,— деди. Бир неча кишилар шаҳзода Маликни ўғирлаб кетиш тараддудига тушдилар.

Баъзи кунлари шаҳзода Малик биёбонларга, дашту тоғларга чиқиб қайтар эди, лекин денгизни томоша қилиб юриш унинг кўнглидан жой олган эди. Иттифоқо бир куни саёҳат қилиб юрганида олдидан бир дарё чиқди. Қарасаки, дарё лабидан инҳоят безатилган бир қайиқ бир бутага боғланган турибди. Шаҳзода у томон, бу томонга қаради, эгаси кўринмайди: «Ҳай, дарёни бир айланиб келай, эгаси келса, ўзига қайтариб бераман-да» деб, қайиқни ечиб, секин дарёга тушиб эди, шамол кучайиб, қайиқни суриб, дарё

¹ Қ о с и д — хабарчи, хат ташувчи.

ўртасига олиб бориб, шундай суриб кетдики, кўзи илашмай қолди. Шаҳзода бу ишдан ҳайратда қолиб кетаверди. Шамол тўхтамади. Бир-икки соат юриб эди, дарё йўқ бўлиб, бепоён бир денгизга бориб қолибди. Ҳеч қирғоқ йўқ, осмонга қараса, юлдузни кўради, ерга қараса, сувни кўради. Шундай қилиб шаҳзода ўн кун сувнинг ичида юриб, охири ташналик, овқатсизлик ҳолиблик қилиб, ҳушидан кетиб, қайиқнинг ичига йиқилганини сезди-ю, кейин ўзидан кетиб қолди. Парилар шаҳзоданинг ўзидан кетганини билди. Фаридун пари шаҳзодани кўтартириб Қўҳи Қоф ҳаддидан бир жойга олиб бориб, таомлар едириб, ҳушига келтирди. Шаҳзода ўзини ўзга бир вилоятда кўриб ҳайрон қолди. Лекин олдида бениҳоят чиройли, одамзод гуруҳига ўхшамайдиган беҳисоб парилар юрибди. Шаҳзода ҳайратда қолиб туриб эди, париларнинг подшоҳи шаҳзода рўпарасига келиб салом қилди:— Ассалому алайкум, эй Шаҳзода Малик, мен париларнинг подшоҳи, Фаридун паридурман. Сен дарё сафарига тушиб, ўзга вилоятларга адашиб келиб қолибсан. Энди сени шаҳрингга элтиб қўямиз. Лекин сени кўп баҳодир деб эшитиб эдик. Бизларнинг шаҳримизни девлар тортиб олди, улар билан бизлар бир жойда яшай олмадик. Агар сен рози бўлсанг, бизларнинг шаҳримизни шул девларнинг қўлидан озод қилиб берсанг. Сенинг ҳам хизматингга бизлар ҳам тайёрдирмиз,— деди.

Шаҳзода:— Менда уруш қилишга минадиган бир от бўлмаса, девлар билан урушишга асбоб бўлмаса, қандай қиламан,— деди. Париларнинг подшоҳи:— Бизларнинг аркони давлатимизда бир хазина бор, шу хазинада бизнинг авлоди-аждодаларимиздан қўлдан-қўлга ўтиб келган бир сандиқ бор, у сандиқ тилсимдир. Авлод-аждодаларимиз: «Бир вақт бўларки, одамзод фарзандидан бир киши келиб, шул сандиқнинг ҳалқасидан кўтариб ерга урса, шунинг ичида қимматли ажнослар бор», деб айтар эдилар. Ана шу тилсимни олиш учун сени бир қанча парилар эргаштириб боради. Шул кеча ўша жойга бориб, сандиқни олиб чиқсанг, марра сеники бўлади. Лекин у хазинага Варақа дев деган бир дев мутасаддийдир. У бениҳоят паҳлавондир. Ўша девни қўлга олиш керак,— деди. Булар роса маслаҳатлашиб, ярим кечада бир қанча парилар билан ўша хазина ҳаддига қараб жўнадилар. Бориб қарасалар, бир дев: бир оёғи бир тошнинг устида, бир оёғи ерда ётибди. Бошида гурзиси, хуриллаганига дарахтлар ларзага келади. Париларнинг девнинг олдига боришга юраги дов бермай, Варақа дев шу, деб кўрсатиб қўйдилар. Шаҳзода таваккал қилиб девнинг олдига бориб: «Уйқусида ўлдирсам, номард-

лик бўлар», деб қўлидаги таёгини девнинг бурнига суқиб қўйди. Девнинг бурни қичиб шундай бир акса урдик, шаҳзода аранг ўзини тўхтатиб қолди. Дев кўзини очиб кўрдик, рўпарасида бир одамзод турибди. Варақа дев айтди:— Э одамзод, бу ерларга сени ким олиб келди, магар ажалнинг етдими?— деб қўлига гурзисини кўтариб шаҳзодага урди. Шаҳзода чаққонлик билан рад бериб, девнинг қўлидан гурзини тортиб олиб, бир канорага отиб юборди. Дев кулиб:— Эй одамзод, ўзинг кичик бўлсанг ҳам, бунчалик қувватинг бор экан,— деб шаҳзоданинг қўлидан тутиб, шаҳзода унинг қўлидан тутиб, бир-бирларини сиқдилар. Шаҳзоданинг соҳиби қувват томирлари ҳаракатга келиб, девнинг қўлидан бир зўр қилиб тортиб эди, девнинг юрак, ўпкалари билан суғурилиб чиқди. Шаҳзода суғуриб олган қўли билан кўтариб девнинг бошига урди, дев нимжон бўлиб ерга йиқилди. Дев:— Эй паҳлавон, ўз гурзим билан яна бир ургинки, мен нимжон бўлиб ётганимдан кўра, ўлганим афзал,— деб нолиш қила бошлади. Бу ҳолни кўрган парилар шаҳзодага таҳсин-офарин қилиб:— Бу девни қайта урмагил, ўз аслига келиб, сен билан яна таташадилар. Булар билан урушиш ва буларни ўлдириш бир зарбдир,— дегач, Шаҳзода девнинг гурзисини белига тақиб олди. Шаҳзода кўнглида: «Мен шу гурзи бўлса, яна остимда бир зўр от бўлса, бу девларнинг биронтасини ҳам саломат қолдирмас эдим», деб гурзини айлантириб, томоша қилиб туриб эрди, парилар келиб:— Эй паҳлавон, Варақа девни ўлдиридинг, энди вақт ғаниматдир, хазинани очиб, ўзингга керакли нарсани олиб чиқ. Агар девлар келиб қолса, сенга кўп ташвиш бўлади,— деб шаҳзодани хазина олдига олиб бордилар. Кўрсалар хазинанинг эшигига бир катта тош қўйилган, уни олишнинг иложи йўқ. Шаҳзодага:— Ана шу тошнинг ёнида бир эшик бор. Тош олинса, очилади,— дегач, шаҳзода тошни бир зўр билан кўтариб, бир томонга отиб юборди. Парилар бу ҳолни кўриб ҳайратда қолдилар:— Бу тошни бир қанча девлар кўтариб қўяр эдилар. Бу эса бир ўзи отиб юборди. Энди девларнинг қўлидан озод қилса, ажаб эмас, деб шаҳзода билан парилар хазинага кириб, жуда кўп ажойибот ва ғаройиботларни сайру томоша қилдилар. Парилар:— Эй шаҳзода, сен қачон девларни енгсанг, бу хазинаю дафиналар сенинг ихтиёригидан бўлади. Ҳозир вақтинг ғанимат. Сандиқни олиб кетиш керак,— дедилар. Бир бурчакка қарасалар, бир сандиқ турибди. Шаҳзода синчиклаб қараса, бўйи-бўйи билан баробар. Сандиқнинг ҳалқасидан ушлаб бошига кўтариб, барча парилар билан далага чиқиб, тошни яна жойига қўйиб, Фаридун

парининг олдига қараб жўнадилар. Фаридун подшоҳ буларни кўриб бағоят хушнуд бўлди. Сандиқни кўтариб келиб бир чеккага қўйди. Фаридун подшоҳ:— Бизларнинг авлод-аждодимиздан одамзод гуруҳидан бир киши келадди. Унинг бўйи шу сандиқ бўйи билан баробар бўлиб, бири-бирига, вазни-вазнига тўғри келар, сенинг мамлакатингни озод қилиш ўша кишининг қўлида бўлади, деярдилар. Энди кўраётормизки, бу нишонлар сенга тўғри келяпти,— деди.

Шаҳзода сандиқни ҳалқасидан кўтариб ерга урди. Ажойибот-ғаройибот товушлар чиқиб, олам қоронғу бўлиб, ойдишладди. Сандиқнинг ичига боқсалар, ажойиб либослар, олмос шамшир, қиличу қалқон, совутлар ва турли хил кийимлар шу сандиқнинг ичида турибди. Буларни кўриб, қизқиб туриб эдилар, бир дафтар чиқди. Бу дафтарнинг биринчи варағини очиб кўрди, дафтарда: «Эй одамзод, сенинг оёғинг бу жойларга етса, бу ажнотлар сенинг қўлингга тегса, мана бу либосларни кийиб, қора бўлиб девларнинг урушига кирсанг, шамшири олмосни қўлингга олиб девлар билан урушар бўлсанг, бу қизил либосни кийиб урушгин. Агар одам обилар¹ чиқса, кулранг либос кийиб урушгин. Эй одамзод гуруҳи, дафтарни қачон ўқисанг, пинҳон ўқиб, ҳеч кимга изҳор этмагин, яна танглик вақтингда тангликдан чиққунча ўқигин. Бу дафтарчани жонингдан ҳам зиёд асрагин», деб ёзилган. Бу дафтарни ҳар жойда ўқиб бўлмайди, деб дарҳол кўкрагига босиб пинҳон қилди. Париларнинг подшоҳига:

— Эй Фаридун, бу сандиқни менинг кетимдан олиб юрасан. Қачон сўрасам, ўша вақт ҳозир қиласан!— деди. Дафтарнинг бир варағини очиб ўқиди, унда: «Девлар билан урушганда қора либос кийиб, қўлингга гурзи олиб, урушгайсан», деб тайинлабди. Шаҳзода дилида: «Энди қандай от топиб урушга кираман. Бу ҳам шу китобчада мавжуд бўлса керак» деб, дафтарни варақлаб эди, бир варағида: «Эй фарзанди одам, қачонки девлар билан урушар бўлсанг, фалон жойда бир зак² бор, ўша зақнинг тагида бир хона бор, ўша хонанинг ичида Сулаймон пайғамбардан қолган бир девзод от сенинг номингга тилсимдир. Ўша зақнинг адоғида бир ғор бор, ана шу хонанинг йўли ўша ғорнинг ичидан бошланади. Ул ғорда бир аждарҳо бор, у аждарҳо девлар борса ҳам пишқириб чиқиб, нафасига тортиб, ютиб юборади. Ўша сандиқнинг бир томонида

¹ Одам обилар — сувда яшовчи одамлар.

² Зак — ариқ, зовур.

шифонинин деган бир узук бор. Бу узукни қўлингга тақиб, аждарҳога кўрсатсанг, кўзи қамашиб қотиб қолади. Шундан кейин сен ғор йўли билан келиб шу узукни отга кўрсатсанг, от ҳам сенга муте бўлади. Ундан кейин девларнинг урушига кирсанг, девлар тоб келтира олмай қолиб кетадилар»,— депти. Дарҳол дафтарчани ёпиб, сандиқни очиб қараса, бир чеккасида ажойиб бир ҳарирга ўралган нигиннинг шуъласи зоҳир бўлиб турибди. Шаҳзода қўлига тақиб, бир томонга тўғри қилиб эди, бир фарсанг ерни ойдин қилиб юборди. Дарҳол шаҳзода нигинни пинҳон қилиб, парилар билан закка қараб жўнади. Бир фасл йўл юриб закка бордилар. Қарадиларки, бир зак турибди: пашша ҳам оёқ босса тагига тортиб кетади. Булар шу закнинг охирига томон қараб бир қанча юриб эдилар, бир ғори азим пайдо бўлди. Ғор ичидан бадҳайбат бир аждарҳо буларнинг шарпасини олиб далага чиқиб, қуллобу нафас қилиб ютуғлай турибди. Дарҳол шаҳзода нигинни чиқариб, аждарга тўғри қилиб эди, аждарҳо бир таъзим қилиб, йўқ бўлиб кетди. Шаҳзода парилар билан ғор йўлига тушиб бир қадам йўл юриб эди, девзод от буларнинг шарпасини олиб, тезлик қилиб қочиб кетмоқчи бўлди. Шаҳзода дафтарчанинг васиятини бажо қилиб, нигиннинг нурини тутиб эди, девзод от таъзим қилиб, шаҳзоданинг оёқларига бош-кўзларини суртиб мутеи фармонбардор бўлиб қолди. Шаҳзода ғорнинг бир жойига нигин нури билан қараса, тилла эгар, нақшлари марвариддан, эгар бошларига ёқут ўрнатилган, забаржадлар билан безатилган, узангилари олтиндан бир юган турибди. Отнинг пешонасига бир ажойиб нарса ўрнатилган бўлиб, агар отнинг олдида турса, отга тикилиб бўлмас, одамнинг кўзини қирқиб юборади. Ҳалиги юганин отнинг пешонасига осиб эди, ғор ичи ойдин бўлди. От қаёққа қараса, ўша томон музайян бўлар эди. Эгарни босиб юганлаб, нуқталаб, айилларни тортиб, боз бир томонга қараса, бир ёй осилган турибди. Агар бу ёй билан юлдузга ўқ отса, хато қилмас эди. Шаҳзода салмоқлаб кўрди, ёйни ҳам ўзи билан бирга олиб, ғордан чиқиб подшоҳи Фаридуннинг олдига келди. Подшоҳи Фаридун шаҳзодани Маликининг бу ишларига таҳсин ўқиб, девлар турадиган жойга қараб равои бўлди. Девларнинг одати шундай эди: одамизод билан урушсалар тартиб сақлаб юришни билмас эдилар. Одамлар тўдаси қайси жойга тўғри келса, ўзларини ўша жойга уриб, тўғри келмаса бошқа томонга ўтиб кетар эдилар. Иттифоқо, бир гуруҳ девлар шаҳзоданинг рўпарасидан чиқиб қолди. Шаҳзода дарҳол подшоҳи Фаридундан сандиқни талаб қилиб олди. Сандиқ ичидаги қо-

ра либосларни кийиб, томоғининг тагидан боғлаб олди. Шаҳзодани кўрган киши аксига қараб тикила олмас эди. Бу қора либос билан қуббани¹ кийгач, бир ҳайбатли бўлдики, бошида шохлари бордек. Девлар ҳам бир кураш билан Шаҳзоданинг бу ҳайбати-салобатидан, отининг пешонасига ўрнатилган тошнинг нуридан кўзлари қамашиб тикила олмас эдилар. Шаҳзода шундай ҳайбат билан девларнинг олдини тўсиб, наъра уриб, аждарҳодек девларга ўзини урди. Девлар ана-мана деб у ёқ-бу ёққа қарагунча, шаҳзода бир қўлига олмос шамширини олиб, бир қўлига гурзини олиб бир фасл жанг қилиб эди, бир қанча девларни ер билан яксон қилди, баъзилари қочиб пароканда бўлди. Кўчама-кўча парилар билан шаҳарни айланиб, қайси томондан девлар чиқса, уларни ўлдириб юраверди. Бир қанча парилар шаҳзоданинг жиловиди соатма-соат ҳар хил таомларни муҳайё қилиб, ёрдам кўрсатиб турдилар. Шундай қилиб парилар билан шаҳзода шаҳар ичидаги девларнинг кўпларини қириб камайтдилар. Подшоҳи Фаридун шаҳзодага дилдорлик бериб:—Эй шаҳзода, бу девларнинг одати, бир жойга жам бўлиб урушмаганлигининг бизларга фойдаси кўпдир. Агар улар ҳаммаси бир бўлиб келса, бизлар ташвишда қолар эдик. Ана энди бизлар, гоҳ у томон, гоҳ бу томондан ҳамла қилиб, буларнинг уруғини камайтирдик. Энди бир иш қилиб подшоликни, аркони давлат ва хазина-дафина турадиган жойни қўлга киритсак, туғ-аламларимизни барпо қилсак, барча парилар туғ-аламларни кўриб, ҳар томонлардан келиб кўмаклашсалар, сенга кўн ёрдам берар эди,— деди. Аркони давлат, подшоликка қараб бордилар. Кўрдиларки, баланд қалъа, деворлари мисдан, осмонга бўй чўзган, дарвозалари баланд ож² ёғочидан тузалган. Шаҳзода буни кўриб ўзига: «Эй шаҳзода Малик, энди бўлганинг бўлди, бу ерга келиб бир иш кўрсатгинки, бутун парн халқи ва девлар ҳайратда қолсин» деб, қўрғон тагига бориб, Ҳаррат девнинг гурзисини қўлига олиб, дарвозани ура бошлади. Дарвозани шундай зарб билан урдик, устидаги турумлари синиб, ичкарига йнқила бошлади. Ичкарида бир посбон дев бор эди: ўзи минордек, қўллари чинордек, оғзи мисли гордек, бир ҳовуз сувни қуллобу нафасига тортса, тагигача қуритар эди. Бу турганда ичкарига ҳеч қандай киши кира олмас эди. Унинг оти Пўлат дев эди. Унинг ваҳимасидан барча девлар қўрқар эди. Шаҳзода дарвозани гурзи билан уриб, устидаги турумни син-

¹ Қ у б б а — жангда кийиладиган бош кийим.

² О ж — ёғоч турн.

дириб, ичкари томон итарганда, ҳалиги Пўлат дев ўрнидан туриб, устига йиқиладиган дарвозани кейинга қараб итарди. Шаҳзода дарвозани у томонга итарди, Пўлат дев бу томонга итарди, ўрталарида дарвоза муаллақ туриб қолди. Шаҳзоданинг ғайрати келиб, бир наъра уриб итариб эди, Пўлат дев билан дарвоза юмалаб кетиб, девни дарвоза босиб, тишлари синиб оғзини беркитди. Бир қанча девлар чопишиб шаҳзодага ташландилар. Шаҳзода бир фурсат жанг қилиб баъзисини гурзи билан, баъзисини шамшири билан ва баъзиларини этигининг учи билан бир туртиб, жанг қилиб, шоҳ саройини девлардан тоза қилди. Қарадики, дарвозанинг тагида Пўлат дев қимирлаб ётибди. Дарҳол келиб дарвозани кўтариб, гурзи билан девни урди. Шундай қилиб Пўлат дев дарвозанинг олдида тилини тишлаб қолди. Девларнинг подшоҳи бу ҳолни кўриб: «Бу қандай жон экан, ҳайбати салобати, шиквайи санталати билан шундай девларни ҳеч ҳазар қилмай ўлдирди. Магар осмондан фаришта тушдимикин ёки Рустам Достон тирилиб келдимикин. Энди яна бир фасл турсак, бизларни ҳам дами тигидан ўткарса керак», деб бир-бирлари билан маслаҳат қилишдилар. Шундан сўнг булар наъра тортиб: «Мен ҳам шаҳзодан Малик, мен ҳам Фаридуи подшоҳи деб ному насабларини аён-баён қилиб, баргоҳга ўзларини урдилар. Баргоҳга киришлари билан шаҳзодан Малик девлар подшоҳининг камаридан, бир қўли билан вазирининг камаридан тутиб, бир зўр билан ҳавога кўтариб:— Эй девларнинг подшоҳи ва вазир, сизларни ҳам, Ҳаррот дев ёки Пўлат дев каби каллама-калла уриб, мияларингизнинг мағзини оқизайми ёки шу жойлардан ўз вилоятларингизга кетасизларми?— дегач, подшо бу аҳволни кўриб, тавба-тазарруъ қила бошлади. Шаҳзода уларни оҳиёга ерга қўйиб эдики, улар шаҳзодага гаъзими одоб бажо келтириб, тахтга шаҳзодани чиқариб, ўз вилоятларига кетишга ихтиёр қилдилар.

Шаҳзода:— Эй девларнинг подшоҳи, аҳднома ёзинг!— деди. «Мен девларнинг подшоҳи эрурман, мен ва уруғ-аймоғларим бундан буён париларнинг мамлакатига халал бермаймиз. Агар мен ва авлодларим париларга шикаст берсалар ҳайкал урсин» деб, қасамёд қилди ва пома ёзди. Бирини Фаридуи подшога берди, бирини ўзи олди.

Шундай қилиб, видолашиб, жами девлар уч-тўрт кунининг ичида парилар мамлакатидан ғойиб бўлдилар. Фаридуи подшоҳи туғ-аламларини аркони давлат тепасига баралла кўриниб турадиган ерга тикиб қўйдилар. Барча парилар бу туғ-аламларни кўриб, қайси вилоятлардан бўлса

кела бошладилар. Тез фурсатда парилар ўз шаҳарларини девлар вужудидан пок қилиб, вайроналарни тиклаб, ўз расмларича сайл қилиб, шаҳзодани зиёфат қилиб, қанча хушовоз, хушкалом абётлар ўқиб, шаҳзодани овутиб юрар эдилар. Шу сифат билан булар омон-омон бўлиб, парилар ўз шаҳрига эгалик бўлиб қолдилар.

Шаҳзода бир кунни подшо Фаридунга қараб:— Эй подшо Фаридун, энди менинг келганимга бир неча йил бўлди. Хуросон қандай бўлди, менинг Маликаи Асфия ёрим қандай бўлди. Улар менинг ҳасратимда юрса-ю, мен энди бу жойларда ўз кайфиятим билан юрсам, росмана иш бўлмайди. Энди мен ўз мамлакатимга қайтиб кетай, бир йўл кўрсатиб қўйинглар,— деди. Фаридун ва мулозимлари бир-бирлари билан маслаҳатлашиб:

— Бизлар буни ўз шаҳрига жўнатсак, девлар келиб бизнинг шаҳримизга ҳужум қилса, боз бу жойлар бизларнинг қўлимиздан кетса, париларнинг аҳволи қандай бўлар экан?— дейишди. Вазир:

— Эй подшоҳим, менинг бир таклифим бор. Кўҳи Қоф ўртасида бир беша бор. У бешанинг ҳеч кетадиган йўли йўқ. Қайси томонга кетай деб уринса, ботқоқликлар борки, оёқ қўйини билан тагига тортиб кетади. Бу шаҳзодани ана шу вилоятга олиб бориб қўйиб келамиз, шул жойда яшаб юраверсин. Бир мушкул иш бизларга пени келса, дарҳол бориб олиб келармиз,— деди. Бу гап подшога маъқул тушиб, шаҳзодани ухлаган вақтида парилар кўтариб ўша айтган жойга олиб бориб қўйдилар. Шаҳзода бир вақт кўзини очиб қараса, на парилар бору ва на бошқа кишилар. Ўзини жаминки ҳайвон, парранда, кўп жониворлар орасида кўрди. Шаҳзода тушимми, ўнгимми деб, бир мунча ўйлаб ҳақиқий ҳолини билдики, ўзга бир вилоятда турибди.

Шаҳзода тақдирга тая бериб, бу бешанинг ҳар томони-ни сайри томоша қилиб, бир томондан йўл топиб чиқиб кетиш умиди билан бир тепаликка чиқиб қаради. На девлар ва на парилар юрадиган йўл ҳеч томонда кўринмади. Шаҳзоданинг қорни оч қолиб, бир томонга қараб йўл олди. Қараса, бир ўрмонлик. Ҳар хил мевалар пишган, тагидан пишганларини еб, тамошо қилиб юриб эди, бир дарахт устидан шаҳзодага қараб бир нарса отилиб келяпти. Кўрдики, бир қоплон шаҳзоданинг устига яқинлашиб келади. Шаҳзода чобуклик қилиб, қоплоннинг бўғзидан туғиб, адл кўтариб олди, бўғзини сиқиб ушлаб туриб эди, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб оёқлари титирчилаб, бир фасл ушлаб турса, ўлиб қолгудай. Ўрнидан турар эканми деб, оҳиста ерга қўйди. Турмагач, шаҳзода кекиртакларини уқа-

лаб туриб эди, қоплон ҳушига келди. Шаҳзода меҳрибонлик қилиб, бўйинларини силаб эди, қоплон ўрнидан туриб, шаҳзоданинг оёқларига ўзини суртиб, шаҳзодага муте бўлиб қолди. Шаҳзода бўлса битта эдик, иккита бўлдик, деб шул жойда истиқомат қилиб юрди. Қийиклар кўрипса, қоплон ўзини ташлаб ушласа, шаҳзода ханжар билан сўйиб кабоб қилиб ер, ярмини қоплон ер эди.

Шаҳзода бир томондан йўл топиб чиқиб кетсам, деб умр кечирар эди. Лекин шаҳзода бу жойнинг ҳар томонларига бориб қаради, ҳаммаёқ ботқоқлик, чиқиб кетишнинг иложи йўқ, оёқ босса, тортиб кетади. Энди тақдирим шу ерда экан деб юраверди.

Кунлардан бир кун шаҳзоданинг кўзига бир дарахти олий кўригди. Бу бешада у дарахтдай баланд дарахтнинг кўргани йўқ эди. Қани шу дарахтнинг тагига бориб кўрайчи, бир нарса кўринармикан деб бир фасл йўл юриб, дарахт тагига борди. Қарасаки, бир баланд чинор азим. Чинор устида бир қора уйдек уя қилинган, унинг устида ниманингдир болалари чирқиллаб ётибди. Бу чирқироқ овоз ул жазирани ҳайратда қолдириб турибди. Шаҳзода бу нима экан деб ўйлади. Синчиклаб қараса, бир аждарҳо бу дарахтнинг ярмисигача ўралган, бир қисми ерга судралган, боши эса уяга яқинлашиб борган. Уянинг гирдида яшовчи паррандалар шу қадар учганки, гўёки, ҳавони қора булут босгандай. Тоза қараб билдики, шу аждарҳо шу уядаги жониворини ер экан. Шаҳзода қўлига ёйини олиб, дарахтнинг у томон, бу томонига ўтиб, тоза чоғлаб туриб аждарҳонинг ўнг кўзидан ўқ билан чунон урдик, чап кўзидан чиқиб кетди. Аждарҳо кўр бўлиб талпина бошлади. Аждарҳонинг ярми ерларини сийпалаб, ҳар томонларини чангитиб, ярми аста-аста дарахтдан ешилиб ерга туша бошлади. Шаҳзода ҳам омон бермай, бир ҳисса, икки ҳисса қилиб, шамшири олмоси билан чопиб, бир канорага ташлади. Бир-икки парчасини майдалаб уя томонга қараб отди. Ҳалиги қушнинг болалари еб, сероб бўлиб ҳаммаси таскин топди. Шаҳзода дарахт соясига ўлтириб эдики, кўзини уйқу олиб қоплон билан икковни ухлаб қолди. Бир неча соатдан сўнг осмонни қора булутдай қора қилиб бир жонивор келиб, дарахт тагида бир одамзод билан қоплон ухлаб ётганини кўрди. Ҳалиги ҳайвон изига қайтиб бир катта тошни кўтариб келаверди. Болалари шул тошни шул одамзодга ташлашини билиб, чирқираб бетоқатлик қилди. Қуш билдики, ўртада бир сир бор. Тошни бир томонга ташлаб, келиб болаларидан:—Эй болалар, нима учун чирқиллайсизлар?—деб ҳол-аҳвол сўради. Болалари қушга ўз

тили билан аждарҳонинг келганлигини ва шу одамзод шул аждарҳодан қутқарганлигини билдиргач, бениҳоят хушнуд бўлиб, бу семурғ қанотини ёзиб, боланинг бошига соя қилиб турди.

Шаҳзода кўзини очиб кўрса, бир қуш бошига соя қилиб турибди. Шаҳзода бундай баҳайбат, басавлат қушни ҳеч умрида кўрган эмас эди. Семурғ шаҳзоданинг кўзини очганини кўриб, шаҳзода олдига тушиб: — Эй одамзод, бул манзилларга қандай келдинг? — Бу жойга қуш келса, қаноти куяди, одамзод келса, оёғи куяди. Келишининг сабаби нимадир? — дегач, шаҳзода семурғга бошидан ўтган сири асрорларини бирин-бирин баён қилди. Семурғ воқеани билди. Шаҳзодага: «Энди сен мендан бироқ нима сўрагин, қилган яхшилигининг эвазига мен бир нарсасу берай», — деди. Шаҳзода: «Эй жонивор, семурғ, сен бир паранда бўлсанг, сендан мен нима сўрайман. Агар сен қодир бўлсанг, мен бу жойдан кўтариб дунё юзига чиқариб қўй, сўраганим шудир», — деди.

Семурғ айтдики: — Эй одамзод, жон еримдан тутдинг-ку, агар мен сени кўтариб дунё юзига элтсам, мен бу жойларга қайта кела олмасман, хатарлик йўллар кўпдир. Лекин сен рози бўлсанг, бир тоғ бор. У тоғни Оташ тоғ дерлар. Кечаси бўлса, муз бўлиб булутга етади, кундуз бўлса қел¹ бўлиб яшнаб ёнади. Ана шу тоғнинг олдида бир хил девлар яшайди. Уларни оташ дев дерлар. Ана шу девларни мусаҳхар қилса, тоғнинг йўлини ўшалар билади. Яна бир гор йўли бор. Гор оғзидан чашма отилиб чиқади. Билмагач киши уни чашмаин азим дейди. Билган киши шул чашмаин азимга ўзини ташлаб ичига кирса, бир йўл пайдо бўлади. Шу йўл билан ўша тоғнинг нариги томонига чиқади. Тоғнинг нариги томонида бепоён бир жазира бор, бир томони сувлик. У жойда одами обилар яшайди. Ана шу одами обиларни тасарруфга олса, ўшалар қўлида бир гор бор. Гар юз йилда гор, ул дунёнинг бир четидаги тоғнинг горни билан бир соат ёлма-ён бўлиб, узоқлашиб кетади. Шунини Кўҳи Қоф деб айтадилар. Ана шу вақтда ўша одами обилар сенга йўл кўрсатиб ўтқариб қўйса бўлади. Бўлмаса, ўша олмайсан, — деди. Боз айтдики, энди ўша тоғнинг ҳадига яқин бир жой бор. Ана шу жойга сени элтиб қўяман. У жойда девлар ётади. Агар шу девларни тобе қилсанг, тоғ йўли қўлга киради. Шундай қилиб шаҳрингга ўтсанг бўлади, — деди.

Шаҳзода семурғга:

¹ Қ е л — олов.

— Эй жонивор, аждархони ўлдирдим, энди сенинг болаларинг учадиган бўлсин. Агар сен менинг билан кетиб қолсанг, булар очликдан ҳалок бўлади, кейин кетамиз,— деди.

Семурғга бу гап маъқул тушиб, болаларини тез фурсатда учқур қилиб, ўз овқатини топиб оладиган қилиб бўлгандан кейин, шаҳзода семурғга айтди:

— Эй жонивор, энди мени аввал бошлаб парилар мамлакатига элтиб қўй. Мен шу парилар билан видолашиб, бир қанча оладиган нарсаларни олиб қайтаман,— деди. Ҳалиги қоплонни ўз жойига қўйиб юборди. У билан хайрлашиб, бир қанча гўшт ва сувларни хийларга¹ ортиб, семурғ устига миниб, ҳавога кўтарилдилар. Бир неча соат учиб Фаридун подшонинг мамлакатига қўнди. Парилар кўрдик, семурғ тушяпти. Парилар подшоҳи айтдики:— Эй вазир, девларнинг зулмидан қутилиб эдик, энди букуни бизларга семурғ тушяпти. Бир ром қилиб кўрки, шаҳзода борми-йўқми,— деди. Раммол илмини ишга солиб ҳақиқатни билдики, шаҳзода ер юзида йўқ. Бир-бирларини билан маслаҳатлашиб: «Яна бошқатдан кўр!» — деб айтди. Раммол боз шаҳзодани ер юзидан тонолмади. Улар ўлган экан деб билдилар. Булар шу маслаҳатда эдиларки, семурғ ниҳоят сиёсат билан Фаридун подшоҳининг аркони-давлати, аъён-салтанати устига қўнди. Подшонинг аркони-давлати семурғнинг олмос панжалари чангалида, кўрғонни қанотлари тагида қолиб кетди. Ҳамма парилар ҳайратда қолди. Шаҳзода семурғ устидан тушиб келди. Шаҳзода семурғни ўз қўлига олганлиги париларга аниқ бўлди. Ҳамма парилар якбора чиқиб шаҳзодани тавоф қилиб, воқеани ҳолларини сўраб, зиёфатга машғул бўлдилар. Семурғни ҳам бир канорага тушириб, унинг ҳам олдига алвон-алвон неъматлар тортдилар. Подшо шаҳзоданинг оёқларига бош уриб:

— Эй шаҳзода, мард кишиларнинг иши донмо гуноҳкорларнинг гуноҳларини афв қилишдир. Сен энди бизларнинг гуноҳимизни афв этгин,— деди.

Шаҳзода уларга:

— Эй парилар, ҳар киши тақдирига тан бермаса, ул киши номарддир. Менга энди сизлар ўзим олган нарсаларимни кўз олдимда ҳозир қилинглари. Мен ул дунёга олиб кетаман,— дегач, парилар шаҳзоданинг нарсаларини бекам кўст чиқариб олдиға қўйдилар. Фаридун подшо:

— Эй шаҳзода, хазинага кириб жами нарсаларни кўздан кечиргин. Қайси нарса сенга маъқул тушса, ўзинг ол-

¹ Х и й — меш.

гин. Чунки бизлар сенга яхшилик қила олмадик. Ўз ерингга элтиб қўяман деб, қўя олмадик. Чунки ер юзи билан бу дунёнинг чегарасида бир тоғ бор. Кечаси музлайди, кундузи ёнади. Бизлар сизни бул жойга олиб келган вақтимизда ўша жойнинг йўллари бехатар эди. Энди у ер девларнинг қўлида. Биз бу ишларнинг иложини қила олмасмиз,— деди.

Шаҳзода бу гапни эшитиб хазинага кириб, томоша қила-қила бир жойга етдики, тамоми шишалар ранг-баранг, баъзиларининг ичиди ҳар хил жониворлар кўриниб турибди. Шаҳзода — Бу шишалар нима учун?— деб сўради. Парилар:

— Бу шишаларнинг ҳар қайсиси ҳар хил дардларга шифодир,— деди. Шаҳзода:

— Бу шишадаги сут нимага керак?— деди. Парилар:

Бу шишадаги сут ўн саккиз хил дардга даводир: одамзоднинг бошидан, кўзидан тортиб то пойингача шифобахшдир. Бизнинг мамлакатимиздаги жазираларда битади, ер юзининг бошқа жойида бўлмас. Сен шундан бир оз олиб кетгин, керак бўлиб қолса керак,— деб бир шишага ундан қўйиб, бошқа ҳар хил дорилардан солиб берди. Бу дориларни ҳам сандиқ чеккасига жойлаб, хазинадан бир қанча олмос, жавоҳир тошлардан, қимматбаҳо нарсалардан олиб, парилар билан видолашиб, семурғ устига миниб ҳавога кўтарилди. Ҳавода кеча ва кундуз учиб семурғ қолдан кетса, шаҳзода оғзинга гоҳо гўшт ташлаб, гоҳо сув ичириб, охири гўшт-сув қолмасдан бир жойга тушдилар. У ерда на дарахт бор, на дарё бор — қумдан бошқа нарса кўринмайди. Бир жойни паноҳ қилиб, у жазирани сайр-томоша қилиб юрсаларки, бир нарса учиб келиб қумга кириб кетади-ю, боз бир фарсанг йўлдан чиқиб кетади. Шаҳзода:— Эй семурғ, бу нима ҳайвондир?— деб сўради. Семурғ:

— Бу қум балиғидир. Агар учса, бунга ҳеч нарса ета олмас, агар бир кишига қараса, нариги томонидан чиқиб кетар, бу ерда туриш бизларга хавфли экан деб, дарҳол бу жойлардан кўчиб бошқа томонга йўл олдилар. У жойга тушиб қарасалар, ариқлар оқиб, ҳар жойда экинлар ўсиб турибди. Бир жойда бир киши қўш ҳайдаб юрибди. Танаси девга, бош томони зотга ўхшайди. Булар ҳайрон бўлиб турувдиларки, у дев буларнинг шарпасини олиб таъма қиламан деб шаҳзодага югуриб келди. Семурғ билдики, бу шаҳзодани таъма қилди. Дарҳол чўзилиб тумшуғи билан тишлаб, бошқа бир томонга қараб отиб юборди. Дев палаҳмон тошидек бир жойга бориб тушиб, оёқ-қўлларини пирлатиб ўлди. Унинг ҳўкизларини олиб келиб, шаҳзода

сўйиб, териларини хий қилиб, сув тўлдириб, семурғ устига ортиб, бу куписи ҳам йўл юрдилар. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, булутлар орасидан ўтиб, яна бир жойга тушдилар. У жой ҳам бағоят мурғзор¹ эди. У жойга тушиб, ҳар томонларни томоша қилиб, мурғзор ўртасидаги бир жойга бориб қарасаларки, бир чашма бор. Чашманинг суви ўрнидан чиқиб, ўрнида йўқ бўлиб кетади. Одам борми, ҳайвонот борми, дарранда борми — ҳаммаси чашма лабига келса, шу сув тортиб кетар экан. Шаҳзода шу ерга келиб кўрдики, бениҳоят ваҳима. У жойдаги жониворлар сув ичай деб келсалар, ўшал жойдан қутилмас эканлар. Шаҳзода шул сувдан ичай деб пастга тушиши ҳамоно сув тортиди. Шаҳзода минг машаққатлар билан ўзини сақлаб қолди. Семурғ ҳам бу ҳолни кўриб бир тоғчани қўпориб ҳалиги чашмага ташлайверди. Сув банд бўлиб, ҳар томонга оқа бошлади. Ҳар хил ҳайвонлар ҳар томондан ичиб сероб бўлдилар. Фурсат ўтиб эдики, бир бадҳайбат овоз пайдо бўлиб, борган сари зўрайиб, оҳиста-оҳиста яқинлашиб келаверди. Билдиларки, Девсафид келяпти. Ҳалиги чашма шу Девсафиднинг тузоғи эди. Шул жойда сувга нимаки тушса, ер тагидан бориб девнинг олдига чиқар эди. Девсафид сувга тушган жондорларни еб, шу жойда ётар эди. Шундай қилиб семурғ тошни тайлаб банд қилди. Ҳеч нима Девсафиднинг олдига бормай қолди. Нима воқеа бўлди деб ҳалиги жойга келиб эди, семурғ бу ҳолни кўриб дарҳол бир тошни кўтариб келиб, Девсафиднинг бошига урди, мажағи чиқиб гард-гард бўлди. Шундай қилиб булар, ул мурғзорни ҳам Девсафиднинг зулмидан озод қилиб, ҳар хил ҳайвонлар яшайдиган бўлиб, ул жойдан кўчиб, қанча йўл юриб, йўл юрсалар ҳам, мўл юриб, ниҳоят иссиқ бир жойга тушдилар. Семурғ:

— Эй шаҳзода, энди бу жойга тушамиз. Бу иссиғлик олов тоғининг асаридир. Агар бундан ҳам зиёдрек юрсак, ҳавода куйиб кетамиз. Энди икков шу девларнинг манзилгача бир кунлик ерни бир соат учадиган пайти келди. Кечаси учсак, ҳавода яхлаб қоламиз, кундузи учсак, эриб тушамиз. Кечаси билан кундузининг ўртаси — айни сахар чоғи бизга қулай, ана шу пайтда йўл оламиз, — деб маслаҳатлашиб, бир кунлик йўлни бир соатда юриб, чиққан девларни ўлдириб, охири девлар мамлакатига яқинлашиб олдилар. Девларнинг подшоҳи бу ишдан воқиф бўлиб қолди. Девлар бориб айтдиларки: — Эй подшоҳим, одамизод гуруҳидан бошида шоҳи бор бир бадҳайбат келибди. Биз у ба-

¹ Мурғзор — ҳар хил қушлар яшайдиган жой.

лан муқобил бўлишга ҳазар қиламиз. Чунки унинг ҳайбатидан қўрқиб, семурғ жонивор унга муте бўлибди. У ҳам тумшуғи билан қанча девларни тишлаб отиб юборади. Улар шу асъаса-дабдаба билан бизларга яқинлашиб кел-япти. Энди ўзинг биласан,— деди.

Девларнинг подшоҳи:

— Эй девлар, билинглар ва огоҳ бўлинглар, у фалон одамизоддир. Бизлар париларнинг мамлакатини мусаххар қилганимизда, уни парилар олиб келган эди. Бизлар парилар ўтадиган йўллари ўз тасарруфимизга олганимиз. Шунинг учун улар бу одамизоднинг ўз шаҳрига элтиб қўйиш иложини топа олмасдан, семурғ билан бу мамлакатга чиқиш орзусидадир,— деб девларнинг подшоси шавкат байроғини кўтариб, девлар билан саф тортиб, шаҳзода рўпарасидан чиқди. Шаҳзода билдики, бу байроқ дўстлик нишонасидир. Яқинлашиб, шаҳзода девлар подшосини таниб, бу ҳам бунни таниб, дўстлик қучоғини ёзиб кўришдилар. Шундан сўнг девларнинг подшоҳи буларни купо-кун зиёфат қилди. Зиёфат қиёмига етгач, шаҳзода девларнинг подшоҳига:— Эй подшоҳи дев, энди бизнинг ўз вилоятимизга кетиш учун бир йўл кўрсатгин, шу йўл билан ер юзига чиқсак,— деди.

Девлар подшоҳи айтди:— Эй шаҳзода, бу гапларни кўнглингдан чиқар. Энди сен кетолмайсан. У дунё билан бул дунёнинг орасида хатарли ишлар кўпдир. Лекин бир иложи бор. У ҳам бўлса, мана шу ёнар тоғ биз билан одами обиларининг орасидадир. Орамиз юз-юз фарсаҳдир. Биз билан уларнинг орасида бир чоҳ бордир. Шул чоҳ билан ўтиб бориш иложи бор, у томони бўлса одами обиларга қарашли. Шунинг учун мен лом дея олмайман,— деди.

Сўнгра шаҳзода қаддини рост қилиб, девлар расмонасидек бениҳоят раҳмат ва таъзимни бажо келтирди. Девлар билан шаҳзода чашма лабига бориб, семурғ билан вилолашиб, шаҳзода юк-ёвларини орқасига кўтариб, чашманинг ичига қараб ўзини ташлаб юборди. Шаҳзода қарадики, сувдан асар йўқ, қўлидаги узугини чоҳга тўғрилаб йўлга юраверди. Чунки нигини бир фарсаҳ йўлни пурнур¹ қилар эди. Шундай қилиб шаҳзода йўл юриб, йўл юрса ҳам, мўл юриб, уч кун деганда чоҳдан бу томонга — рўйи дунёга чиқиб бир яхши ўлтириб, истироҳат қилиб туриб эди, йироқдан одамнинг овози эшитилди. Шаҳзода ниҳоят чарчаб эди, йўл азоблари уйқусиз юрганлари бир тараф

¹ П у р н у р — ёруғ.

бўлиб, бир дарахтга суяниб, кўзини уйқу олиб кетди. Бу ухлайверсини, энди гапни одами обилардан эшитинг.

Одами обилар ўз вилоятларини тамоша қилиб юриб, чоҳ лабига яқинлашиб қарасалар бир одамзод, хуш қадли қомати, бениҳоят хуш сурат бир дарахтга суяниб ухлаб қолибди. Одами обиларнинг подшоҳи: «Бу йигит шул чоҳдан чиққан бўлса керак»,— деди. Буларнинг шу қадар овозига шаҳзода ҳам парво қилмасдан ухлайверди. Булар ўйладик: «Ажаб, ҳайронмиз, бу жойларга одамзод келса, оёғи куяр, қуш келса, қаноти куяр, ҳар нима ҳам бўлса буни зиндонга солиб қўяйлик, қани ушланглар, бир гап бўлар-да», деб обиларга буюрди. Обилар «тур!» деб қичқириб ишорат қилиб эдилар, шаҳзода кўз қириси билан қарадик, бениҳоят кўп одамлар. «Бу тушим эканми?» деб, қарахтлик билан икки қўлини икки ёққа силкиб юбориб эди, шаҳзоданинг устида турган кишилар ҳар томонга йиқилиб пароканда бўлиб кетдилар. Шаҳзода писанд қилмасдан, яна кўзини юмиб эди, уйқу олиб кетди. Шундай қилиб шаҳзода ухлагач, обилар яна йиғилишиб келиб: «Бу қадар паҳлавон девлар орасида йўқдир. Агар бу уйқудан турса, бизларни кўп ташвишга солар, энди шунини бир бало қилиб боғлаб олайлик», дейишиб маслаҳатлашиб, кўп каманд ҳозир қилдилар. Каманд билан дарахтга айлантириб боғладилар. Кейин бир одами оби:

— Эй одам фарзанди, сен бу ерларга қандай келдинг? Ҳақиқатини айтсанг, ўлдирмасмиз, ёлғон айтсанг, жонинг бу ердан саломат кетмас!— деб уйғотди. Шаҳзода ўзини дарахтга боғлаб қўйилганлигини билиб кучини тўкиб, бир наъра уриб ўрнидан туриб, хез қилиб эдики, дарахт томири билан шаҳзоданинг орқасига ёпишганича одами обиларга қараб югурди. Одами обилар тўс-тўполоқ қочди. Шаҳзода югурганича, одами обилар подшоҳининг арғумоғини тутиб олди. Барча обилар қочиб ғойиб бўлди. Шаҳзода арғумоқни олиб келиб, бир нома ёзди. Номага: «Эй обиларнинг подшоҳи, мен Шаҳзодаи Маликман, ер юзида тураман. Бул жойларга фалакнинг гардиши билан келиб, чоҳдан чиқиб, бул жойларда истироҳат қилиб ухлаб ётиб эдим. Сизлар мени боғлаб бадгумон иш қилиб нима қилмоқчи эканликларингни билдим. Менинг орзум шу жойлардан кетиб, у дунёга чиқмоқчиман. Сизларнинг ҳам менга бир хизматларинг бўлса, мен қилиб берсам. Сизлар ҳам менга йўл кўрсатиб, ўз юртимга жўнатсангизлар, деб салом билан шаҳзода Малик»,— деб ёзиб, номани арғумоқнинг бўйнига осиб, бир тарафга қочиб кетди. Энди гапни одами обилардан сўранг.

Одами обилар подшоҳи қочиб бориб сув тагига кириб ғойиб бўлди, арғумоқлари қолиб кетибди. Ёшлар подшонинг бир қари отаси бор эди, бу ҳолни унга гапирдилар: «Одамзод гуруҳларидан бирини чоҳ лабида учратдик. Дарахтга боғлаб асир қилиб эдик, дарахт-парахтни кўтариб кейинимиздан югурди. Бизлар қочиб бундай келдик»,— деди. Улар шу гуфту гўйда¹ эдиларки, арғумоқ бориб қолди. Қарасалар, бўйнида бир қоғоз бор. Очиб ўқидилар. Обилар подшонинг отаси бир неча йиллар ожизликда ётар эди. Боласига айтди:

— Эй болам, у одамизодни иззат-эъзоз билан олиб келинглар, ундан ёмонлик ҳиди келмайди,— деди. Дарҳол одами обилар чиқиб, шаҳзоданинг ҳузурига бориб, бобонинг таълимича шаҳзодага салом қилиб, узрхоҳлик изҳор қилиб, шаҳзодани таклиф қилдилар. Шаҳзода юкини кўтариб дарё лабига келди. Бир жойдан йўл билан денгиз тагига кирдилар, қарасалар: баланд-баланд иморатлар, бу иморатларга сув бир чакра² ҳам асар қилмасдан йироқдан оқиб кетяпти. Бу обилар кўрғонида ажойиб-ғаройиб одамлар тўда-тўда бўлиб, ўз расмларича ҳангома қилиб ўтирибдилар. Шаҳзодани кўргач, жами обилар ҳайратда қолди, кейинидан эргашиб юрар эдилар. Шундай қилиб шаҳзодани иззат-ҳурмат билан подшо саройига олиб кириб, ўлтирғизиби, бир фасл меҳмон қилиб, ҳалиги отасини етаклаб олиб чиқиб, шаҳзоданинг олдига ўтқазди. Шаҳзода кўрдик, бобонинг кўзи ожиз, лекин ўзи бениҳоят пурдон³ кўринади. Шаҳзода бобога:

— Эй ота, сизнинг кўзингизни муолижа қилсам, рози бўласизми?— деди. Бобо бениҳоя хурсанд бўлиб, шаҳзодага ўзини ташлаб юборди. Шаҳзода бобони сийлаб, бағрига босиб, уйни холи қилинглар, деб буюрди. Уйни холи қилдилар. Парилар хазинасидан олган сутдан олиб, шифонур нигинга суркаб, кўзига силаб эдики, кўзи равшан бўлди. Обилар подшоҳи бу ҳолни кўриб, бениҳоя хурсанд бўлиб, шаҳзодага кўп хайрихоҳликлар кўргизиби, меҳрибонликлар қилиб, ҳар куни турли томонларга саёҳат қилдилар эдилар. Саёҳат қила-қила бир куни шаҳзода шундай бир оҳ урдик, оғзидан бир нарса ўтдай тутатиб ҳавога чиқиб кетди. Обилар:

— Эй шаҳзода, нега бунча дилғам кўринасан,— деди. Нар. Шаҳзода ўн беш, ўн олти йил шу жойларда саргардон

¹ Шу гуфту гўйда — шу гапда.

² Чакра — томчи.

³ Пурдон — кўп нарсани биладиган.

бўлиб юрганлиги ва энди қайтиб кетажагини изҳор қилди. Бобо шаҳзоданинг талаби рўёбга чиқишини билиб, шаҳзодага:— Эй шаҳзода, бу манзилда бир ғор бор. Унинг пасида бир жой бордирки, мавзеи мавж дерлар. Қачон мавзеи Кўҳи Қоф билан дунё иккови бир тўқнашиб ўтса, ўшал вақтда бениҳоя чақмоқлар чақилиб, ҳаво ғазабнок бўлади, у дарё билан бу дунё дарёси — иккови жўш уриб, бир-бирига қўшилиб, шу кўринган баланд тоғни сув пинҳон қилиб кетади. Ҳар юз йилда у тоғ билан бу тоғ қўшилиб, икки ғор бир-бири билан тўғри келиб, уланиб қолади. Уша вақтда ҳушёр бўлиб шу азобу аломатларга бардош берсанг, бу ғордан у ғорга ўтиб оласан. Эрта бўлганда ғордан у дунёга чиқасан. Мамлакатингга кетаман десанг, у жойда бутунлай муздан иборат бир манзил бор. Шу муз ичида бир хил жониворлар яшайди, ўша жониворларни ушлаб, бирини сўясан, гўштини олиб, терисини ошласанг, зўр бир қайиқ бўлади. Бошқасини сўясанг, бир хил дори билан ош бериб тасма-тасма қилиб тўр шаклида қиласан. Уша музнинг яқинида бир денгизи бепоён бордир. Балиқлар ва наҳанглар шу музлик томондан келиб, шу жониворларни ютиб, яна қайтиб кетар вақтида, ўша тасмаларнинг учидаги тўрини сувга ташлайсан. Балиқлар қайтиб кетишда сени судраб чиқиб кетади. Мана шу гаплар сенга кўрсатмадир. Уларни кўнглингдан чиқармагайсан,— деди.

Шундай қилиб шаҳзода Малик бобонинг гапини дилига жо қилиб олди. Бобо ҳисоблаб чиқди, ер билан Кўҳи Қофнинг ҳамнишин бўлишига ўн кун қолибди. Бобо шаҳзодага Кўҳи Қофдаги ажойибот нарсалардан топиб бериб, ҳалиги тоғнинг устидаги бир ғорга чиқариб қўйди, барча обилар кўздан ғойиб бўлди. Шаҳзода ғор ичига кириб бир қанча фурсат туриб эди, оламини гулдур-гулдур босиб, бениҳоя чақмоқлар чалиниб, ҳар тўлқинлар пайдо бўлдики, бу ғало-ғулга Рустами Ростон бўлса ҳам, чидай олмас эди. Шаҳзода ўзини ниҳоят бардошли тутиб, кузатиб туриб эди, сувлар тўлқини тоғдек-тоғдек кўтарилиб, азим тоғ султагида қолиб кетди. Икки тоғ бир-бирига урилиб, овозаси оламини тутди. Ниҳоят, шаҳзода ўзини тутиб, ҳар замон ҳамон калласини солиб: «Эй шаҳзода, ҳушингдан кетмагин» деб, ўзига-ўзи тасалли берар эди. Шу тўполон вақтида шаҳзода нигин нури ёрдамида бу ғордан у ғорга ўтди. Бир соат сабр қилиб эди, ғор бир-биридан жудо бўлиб, оҳиста-оҳиста йўқ бўлиб кетди. У дунё билан бу дунёнинг ораси кўринмай қолди. Шунчалик бўлдики, юз йил юрса ҳам, етиб бўлмайди.

Шаҳзода эртаси ғордан чиқиб, юз минг машаққат б...

лан тоғдан тушди. Шу юрганича ўзини бир даштда кўрди. Лекин бу даштнинг поёнини билмас эди. Юра-юра бу дашт ҳам ғойиб бўлиб, яна бир тоғ пайдо бўлдики, аввалги кўрган тоғлари бунга нисбатан бир тепадек бўлиб қолди. Бир неча ойлар йўл юриб, йўлларда сайр қилиб, охири шу тоққа етди. Кўрдик, бу тоғ бўлмай, бепоён музлик экан. Шаҳзода шу музлар орасида ҳар томонларини сайр қилиб, кеч бўлса, орқасига кўтарган сандиққа кириб, бир оз истирोҳат қилиб; эрта бўлса, боз чиқиб йўл юрди, куч-қуввати аввалгига нисбатан сусайди. Шаҳзода ўзининг муз орасида яшайолмаслигини сизди. Музлар орасида айиқлар, муз кийиклари ва бошқа жониворлар беҳисоб эди. У шулардан сайд қилиб тириклик қилар эди.

Бир куни шаҳзода танг бўлиб, пима қилишини билмасдан юрганда, ҳалиги китобча ёдига келди. Бағридан китобчани олиб, бир жойини очиб ўқиб кўрди. Унда шундай деб ёзибди: «Эй шаҳзода, қадамнинг шу жойларга етса, бу жойларда кўп яшаб бўлмайди. Агар қайтиб кетар бўлсанг, баъзи жониворларни ушлаб олиб, терисини тасма қилгин. Тасмаларни тўр шаклда қилгин. Бир катта балиқни ушлаб, ичидаги гўштлирини олиб ташлаб, терисига ош бериб, яхшилаб қуришиб, қайиқ қилиб ол. Шу музликда бир парранда бор. Уша паррандани ушлаб, оёғини олиб, балиқ терисидан қилинган қайиққа ёғни суркасанг, асло сувга чўкмас. Кейин шу жойда сабр қилиб турсанг, гоҳо-гоҳо шимол томондан катта балиқлар эниб келиб, муз ёнидаги айиқлардан ютиб, яна қайтиб кетадилар. Уша фурсатда тўрни ташласанг, балиқ бошига тушади. Сен ҳам тезлик билан шу терининг ичига кириб ол. Шу вақтда балиқлар тезобдан¹ яшиндай чиқиб кетади. Шу тезобдан чиққанингдан сўнг тасма учини кессанг, балиқ у томонга кетиб, сен денгиз юзига чиқиб қоласан. Лекин бу тезоб бениҳоят узоқ, ўзингга ҳушёр бўл. Мабодо бу тезликка беҳуд бўлма».

Шаҳзода бу воқеани ўқиб бағоят хурсанд бўлиб туриб эди, бир томондан бир катта балиқ пайдо бўлиб, муз ёнидаги барча ҳайвонларни тортиб, баъзисини думи билан уриб туририб, тамадди қилиб, яна изига қайтиб, шағиллаб чиқиб кетди. Шаҳзода билдики, бу дарёлар, денгизлар ҳаммаси оқиб келиб, шу муз тоғининг тагига кириб кетар экан.

Шаҳзода бир куни бир айиқни тутиб, терисини шилиб тасма қилди. Яна бир неча айиқни тутиб, ўлдириб, уларни тасма билан боғлаб, дарё лабига қўйди. Тасмаларнинг бошқа учини музларга боғлаб қўйди. Бир вақт катта бир

¹ Тезоб — бу ўринда шаршара маъносига.

балиқ келиб, ҳалиги айиқларни ютиб, қайтиши олдида ту-
зоққа илингандек кета олмай қолди. Кейин шаҳзода тас-
манинг бу томонини муз тоғ қирраларига тортиб, ҳар замон
бир бўғин айлантириб, оҳиста-оҳиста бир неча соатлардан
бўғин балиқни муз устига чиқариб боғлаб ташлади. Шу тур-
ганича балиқ оқшомгача туриб охири ўлди. Шаҳзода ба-
лиқнинг оғзидан кириб гўштлирини кесиб ташқарига
чиқара бошлади, балиқнинг ичи бир уйга ўхшаб қолди.
Бир томонда бениҳоя кўп мурғлар яшар экан. Кеч қоронғу
бўлган вақтда шаҳзода уларнинг ётадиган жойини мўлжал-
лаб бориб, нигинини ўша мурғи жониворларга кўрсатиб
эдики, жониворлар ҳаммаси учиб кета олмасдан кўзларини
қамашиб тек қолдилар. Шаҳзода улардан бир қанчасини
тутиб олиб келиб, сўйиб ёғларини ажратиб балиқ терис-
сига оўркади. Балиқ териси шундай қотиб қолдики, суви
кирган билан юмшамайдиган ёки чўкиб кетмайдиган бир
ажойиб кема бўлди. Бундай кемани ер юзидаги усталар
ҳам ҳаёт олмайдилар. Айиқ терисидан кўп тасмалар қилиб
бир тўр ясади. У тўрнинг бир томонини балиқ-кемага боғ-
лади. Бир кунни қараб туриб эди, ниҳоят тезоб устида бир ба-
лиқ пайдо бўлиб, муз олдига қўйилган бир қанча айиқлар-
ни ютиб турган вақтда Шаҳзода каманд тўрни балиққа
отиб юборди. Каманд тўр балиққа боғланди, балиқ нзига
қайтиб эди, шаҳзода ҳам чобиклик билан кема ичига
кирди. Ҳалиги балиқ ўзки яшндек тезобга урди. Шаҳзода
кема ичида сиқилиб минг машаққат билан ўзини сақлади.
Шундай қилиб балиқ юз фарсаҳлик баландлик тезобдан
эртадан пешингача чиқиб олди.

Бир кунни шаҳзода ўйлаб қараса, тўрт ой йўл юрибди.
Бу деңгизнинг бир томонига ҳали чиққани йўқ. Шаҳзода
тақдирига тан бериб, бу бепоён деңгизда менинг юришим
кўп бўлса, овқатдан қийналаман, деб бир кунлик ейдиган
овқатини ўн кунга чўзиб ер эди. Иттифоқо бир кун кечаси
шаҳзода бир мавзегга келиб қарасаки, йироқдан бениҳоя
машғал чироғлари кўп бир шаҳри азим кўринди. Шаҳзода
кемани оҳиста-оҳиста ҳайдаб тонг отганда у шаҳри азимга
яқинлашди. Кўринган чироғларнинг ҳаммаси кемаларнинг
чироғи экан. Бир жойда беҳисоб кемалар бир гирдобда ай-
ланиб турибди. Баъзиларига юз йил бўлган, баъзиларига
озроқ, баъзиларига ундан ҳам кўп бўлган ва баъзилари са-
сиб, бузилиб, шу жойда ётиб қотган. Шаҳзода шу жойга
яқинлашиб эдики, ўша кема ичидаги одамлар шаҳзодага
қараб:— Эй одамзод, агар қўлингдан келса, бу жойга яқин-
лашмасдан кемани бориб қочгин, бу жойда гирдоби-ги-

рифтори дерлар,— деб чақира бошлади. Шаҳзода уларнинг гапини яхши эшита олмади. Охири биттаси бир хат ёзиб, ўққа пайваст қилиб, ёйга солиб шаҳзода томон отиб юборди. Шаҳзода ўқни кўриб гурзисини кўтариб туриб эди, ўқ келиб гурзига тегиб тушди. Шаҳзода ўқ учидан хатни олиб ўқиб кўрди. Унда: «Эй одамзод, сен бу жойга келяпсан, лекин бу жой қандай хатарли эканини билмайсан. Мана бизлар шу жойга гирифтор бўлиб, баъзиларимизнинг умримиз охир бўлди. Ешларимиз ўтиб қариб қолдик. Энди ўлимдан бошқа чора йўқ. Бизларни шамол суриб келиб шу жойга гирифтор қилди. Ою-йиллар ўтиб, кемаларимиз билан шу бало гирдобиде айланиб ётибмиз. Ҳеч чиқишнинг иложи йўқ. Мен сенга бу хатни насихат учун ёздим. Иложингги топсанг, қутилиб кетгин, мен Юнон подшоҳи, фалон-фалон-дурман», деб ёзибди. Шаҳзода: «Бу жой Қадимдан қолган бало гирдобе экан. Эй шаҳзода, сенинг жонинг шу подшоҳи подшозодалардан ортиқми? Шулар нима бўлса, сен ҳам шундай бўлгин», деб, ўзини уларга томон ҳайдади.

Қисса кутоҳ, бу ҳам шуларнинг орасига — бало гирдобига банд бўлиб, кеча ва кундуз айланиб ётди. Уларни қарадики, ҳоллари огир, баъзилари очликдан ўлган, баъзилари қариб ўлган ва баъзилари рамақдажон¹, шул кайфиятда кун кечирар эдилар. Ахири шаҳзода хафа бўлиб, хемасига кириб, бағридан ҳалиги китобчани олиб варақлаб кўрди: «Эй шаҳзода, қадамнинг шул жойга етса, бу балойи гирдобдан қутилар бўлсанг, сандиқ, ичига киргин. Сени шу гирдобга ташласинлар, сен шу гирдоб ичида бир ҳафта йўл юрасан. Бир ҳафтадан сўнг сени сув жазирага чиқариб ташлайди. Ана бало гирдобининг калити ўшал жазирададир»,— дебди. Китобчани яна бағрига солиб, кемасини ҳайдаб Юнон подшоҳининг кемаси ёнига келиб, ўзини тинчилиб, Юнон подшоҳининг кемаси устига чиқиб олди. Юнон подшоҳи билан кўришиб-сўрашиб:— Эй, ота, энди сиз мени мана бу сандиққа солинг, оғзини ёпиб шу гирдобнинг ўртасига ташланг. Мен нима бўлсам, сизнинг ишингиз бўлмасин. Агар гирдоб ўз аслига келиб ватанларингга кетсанглар хайр-маъзур. Бўлмаса, сизлар нима бўлсанглар, мен ҳам шундай бўлай,— деди. Юнон подшоҳи:

— Эй бола, бу нима деган гапинг бўлди? Сени сандиққа солиб бу гирдобга ташлаган билан ўласан-кетасан-да, ўлсанг, ҳаммамиз бирга ўлайлик, қутилсак, бирга қутилайлик,— деди.

Шаҳзода Юнон подшоҳига:

¹ Р а м а қ д а ж о н — жони чиқиш олдида турибди.

— Бир ой кутинг, шу-бир ой ичида бир иш бўлса бўлар, бўлмаса, билингки, мен ҳам дунёда бўлмагайман,— дегач, Юнон подшоҳи:

— Ҳай, бир кичикнинг гапини ол, бир каттанинг гапини ол деганлар. Ташласак-ташлайлик,— деб болани сандиққа солиб, оғзини ёпиб, гирдобга ташлаб юбордилар. Бу ерда гирдоб айланиб тураверсину шахзодани ер тагига олиб кетаверсин. Муддати бир ҳафта юриб, нечта тоғларга тегиб, қанча жарлардан ўтиб, сув сандиқни бир жазирага чиқариб ташлади. Бола дарҳол сандиқни очиб қарадики, ўзини бир жазирада кўрди, ёруғликка чиқибди. Бу ерда на дарё бор, на дарахт бор. Ўша оқиб келадиган сув ҳам бир чиқади-ю, шу қумларга кириб кетади. Шаҳзода ҳар томонларга бориб кўрди, ҳеч нарса кўринмайди. Охири уйқу босиб, сандиқ ичига кириб ухлаб қолди. Бу ухлайверсину гапни бошқа бир жойдан сўранг.

Бу жазирада Кўҳи Қофдан қочган девлар маскан қилиб юрар эди. У девлардан бири ҳар замонда гирдоб чиқадиган жойдан келиб хабар олар эди. Мабодо гирдобдан балиқлар одамзод ёки бошқа ҳайвонлар келиб чиқса, еб кетар эди. Ўша дев келиб қарадики, гирдобда одамзод, балиқ ёки ҳайвонотдан ҳеч нарса йўқ, бир сандиқ ётибди. Ҳалиги дев сандиқни кўтарганича подшоҳининг олдига олиб борди. Девлар бу сандиқни кўриб ҳайратда қолдилар. Ҳеч бир жойда қулфининг ва оғзининг асари йўқ, гўёки тухумдай ялтирайди. Булар шу гуфти гўйда туриб эдиларки, шаҳзода ҳушига келиб сандиқни очиб, далага чиқди. Девлар ҳайрон бўлиб, бирданига қўл узатиб тутмоқчи эдилар. Шаҳзода девлар конига кириб қолганини билиб, дарҳол девнинг қўлидан тутиб, дев бунинг қўлидан тутиб, бир сиқишиб кўрдилар. Дев чидай олмасдан ўзини ҳар томонга ташлайверди ва ўрнига ўтириб қолди. Иккинчи дев шаҳзода устига ўзини ташлади. Шаҳзода девнинг қорнига калласини тираб бир қимтиб эдики, оёғи осмондан келиб, чархпалак бўлиб ерга йиқилди. Учинчи дев югурди. Шаҳзода шапалоқ билан бир урган эди, калласи эгри бўлиб қолди. Тўртинчи дев югурди. Шаҳзода уни ҳам бир тиззалаб эди, бели синди. Ҳосил калом, бир қанча девларни сарамжон қилгач, қанчалари пароканда бўлди, подшоҳи бўлса тахтнинг кейинига пинҳон бўлди. Шаҳзода ўрнидан туриб подшонинг олдига бориб:— Эй девларнинг подшоҳи, билгин ва огоҳ бўлгинки, мен Кўҳи Қофдан девларнинг адабини бериб, париларнинг шаҳрини олиб бериб, бу жойларга келиб қолдим. Яхшилик билан йўл кўрсатсанглар, кетаман, бўлмаса, сизлар билан жанг қилиб,

сизларнинг ҳам адабларингги берарман,— деди. Подшоҳ бу кишининг безарар эканлигини билди, лекин ҳалиги девнинг бирининг калласи эгри, бирининг бели букри, бирининг қўли узилган — бир неча девлар шикастланиб қолган эди. Шаҳзода:— Қани менинг олдимга мажруҳларингги келтир, уларни мен муолижа қиламан. Шундан кейин мени ўз йўлимга тўғрилаб қўйинглар,— деди.

Подшо шаҳзодадан бу гапни эшитиб мажруҳларини бирин-кетин келтирди. Уларнинг ҳаммасини ўзи олиб келган дорилар билан уч кун-тўрт кунда сиҳат-саломат қилиб яхшилаб юборди. Девларнинг подшоҳи боланинг табибликдан хабарин бор эканлигини кўрди. Бу подшонинг бир оғаси бор эди, ичи оғриб бир неча йиллардан шу ёққа яхши бўлмас эди. Қанча одамзод табиблардан ўғирлаб келиб муолижа қилдирди, шифо топмагач, у одамларни зиндонга солиб қўйиб эди. Шу гапни подшо шаҳзодага изҳор қилди:

— Менинг ҳам бир биродаримни кўриб уни ҳам яхшилаб берсангиз, нима талабингиз бўлса, бизлар ҳам сизнинг хизматингизда бўлар эдик,— деди.

Шаҳзода: «Олиб келинглари!» — деди. Деви замбарга солиб олиб келдилар. Шаҳзода кўрдик, бениҳоят мажруҳ, ҳаттоки оғриқнинг зўридан ўлимни орзу қилиб ётибди. Дарҳол шаҳзода кўксидан китобчасини олиб варақлаб кўрди. Ёзибдиларки: «Қадаминг девлар манзилига етса, беморни муолижа қилмоқчи бўлсанг, ўша беморни сувсатиб, бир лахта гўштни ютказиб тортиб олгин. Гўштга қайси хилдаги қурт илашиб чиқса, ўша қуртга таъсир қиладиган дориларингги синаб кўр, касал шифо топар. Шундан кейин сен талабингги ўша мавзедаги девлардан сўрасанг, ўшалар бажарса керак» — дебди. Дарҳол китобчани кўксига солди. Бир парча гўштни боғлаб, беморга ютказиб тортиб олди, бир қанча қурт илашиб чиқди. Бир қуртга бир хил дорини ҳидлатиб эди, ҳалиги қурт гужанак-бужанак бўлиб ўлиб қолди. Шаҳзода билдики, шу дори таъсир қилар экан. Дарҳол беморни бир жойга ўтқизиб, бир печа соатлар сув бермади, жуда мазаси қочиб қолди. Бир коса сув олиб келиб, бир чакра доридан томизиб ичириб эдикки, ўхчуқ пайдо бўлиб, кўп қуртлар оғзи-бурнидан чиқди. Бемор ўзидан беҳуд бўлиб, яна ўзига келди. Бемор ўзда бир зарра ҳам оғриқ қолмаганлигини сизди. Икки-уч кунда сиҳат-саломат бўлиб қолди. Девлар бениҳоят хурсанд бўлиб, шаҳзодага:— Энди сен бизлардан нима мақсаднинг бўлса тила, бизлар бажарайлик,— деди. Шаҳзода:

— Бало гирдобини қандай қилиб тўхтатиб бўлади, нима учун беҳисоб сафарчилар, қанча шаҳзодалар, бу бало

гирдобидан зарар кўриб ётибдилар,— деди Девларнинг подшоҳи ўйланиб:

— Эй шаҳзода, менинг жон еримдан тутдинг-ку. Бу гирдоб бизларга боболардан қолган мерос. Агар бу гирдобни йўқ қилсак, бизнинг мамлакатимизга одамзод гуруҳи келиб, бу жойларни эгаллаб кетади. Ҳай, сенинг бу қилган яхшилигинг учун мен ҳам бир иш қилайки, таҳсин-офарин қилгайсан. Шу гирдобнинг чиқадиган жойидан эллик-олтмиш фарсаҳ юқорида бир тоғ бор, уни Жўшан тоғ дерлар. Девларга буйруқ қиламиз, улар дов-дарахтларни суғуриб, ўша тоғнинг устига йиғади. Дарахтларга ўт қўямиз, қирқ кеча-кундуз ёнади. Қирқ кун бўлганда, Жўшан тоғ эриб, Жўшан тоғ тагидан оқаётган Гирдобни бало дарёсининг йўли бекилади. Шундан кейин гирдоб тўхтайдди. Кейин кетсанг, бемалол кетаверасан. Шаҳзода хурсанд бўлди. Эртасига девлар овқатланиб бўлгандан сўнг, уларнинг подшоҳи:

— Эй девлар, бугун ҳаммаларинг фалон ўрмондан дарахтларни суғуриб, Жўшан тоғини эритинглар!— деди.

Ҳамма девлар бирданига ишга киришиб, бир неча кун ўрмон дарахтларини томири билан олиб чиқиб, Жўшан тоғини кўмдилар, Девлар подшоҳи:

— Эй девлар, энди сизлар бу тоғнинг ҳар томонидан олов қўйиб юборинглар!— деб буйруқ қилди.

Девлар олов қўйиб юбордилар. Олов катта бўлиб ёниб фалакка уланди. Бу оловнинг тафтига биёбонлар ҳам қизиб, паррандалар ҳам уча олмасдан ҳар томонга қочиб кетди. Қирқ кун муддат ўт ёниб эдики, Жўшан тоғ эриб сув бўлиб, тагидан ўтадиган дарёга тушиб, жаз бўлиб қуйилиб қолди. Шундан кейин дарёдан бир чакра ҳам сув ўтмай қолди. Қирқ биринчи кун шаҳзода келиб қарасаки, Жўшан тоғи йўқ бўлиб кетибди, ҳар қисми дарёга тушибди, қолгани биёбонга оқиб кетибди. Дарё қулади, бало гирдобни таскин топди. Шаҳзода:

— Шу жой билан гирдобнинг ораси қанчалик йўлдир,— деди.

— Эй шаҳзода, ул жой билан бу ернинг ораси бир ойлик йўлдир,— деди. Шаҳзода:

— Менинг шу жойда ҳамроҳларим бор эди,— деб ҳайрон бўлиб туриб эди, девларнинг подшоҳи:

— Эй шаҳзода, ҳайрон бўлмагин! Бир ойлик йўлни бир кунда борадиган жойдан элтиб қўяман. Мана шу кўринган тоғни Улон тоғ дерлар. Бу бир учи шу жойда бўлса, яна бир учи Ҳиндистондадир. Бошқа йўл билан бир ойлик йўл

бўлса, шу чоҳ билан юрсанг, бир кун, бир ярим кунда чиқасан,— деди.

Шундан кейин шаҳзода ҳалиги девлар билан чоҳ лабига бориб, девлар билан видолашиб, чоҳ йўлига сафар қилди. Шу сафарга тушиб, бир кун юриб эдики, аста-секин ойдинлик чиқиб, ер юзига чиқиб олди. Қараса, бир дашт; бу даштни томоша қилиб, ҳар хил паррандалар, даррандалар билан учрашиб, шуларни ушлаб кабоб қилиб, шу жойларда юриб эди, йироқдан кўп туғ-аламлар пайдо бўлиб, дарёдан бир гуруҳ кема келиб, шаҳзоданинг олдида тўхтади. Шаҳзода кўрдик, ҳалиги Юнон подшоҳи. Булар бир-бирларини чақириб топишдилар. Юнон подшоҳи ҳам бир ой қараб, шаҳзода келмаганлиги учун фикр қилдики, албатта бу шаҳзода ўлган бўлса керак. Икки ой ўтгандан кейин бало гирдоби йўқ бўлди, шаҳзода эса ҳануз йўқ. Охири булар шаҳзодадан умидларини узиб, яна бир ой йўл юрган эдилар, шаҳзода билан кўришиб, воқеайи ҳолни бир-бирларига айтиб тушунтирдилар. Улар шаҳзоданинг бу қилган ишига ҳайратда қолдилар. Шундай қилиб, булар ҳаммалари шу биёбонни кезиб, сайри томоша қилиб, ҳар хил жониворларни сайд қилдилар. Ўлим ҳаддига яқинлашиб қолган одамлар бошқатдан одам бўлиб, энди бу ердан кўчиб кетишни ўзларига лозим топдилар. Чунки буларнинг ҳар қайсиси ўзга-ўзга мамлакатларнинг фарзандлари эдилар; баъзилари арабдан, баъзилари туркдан ва баъзилари ҳабашдан. Ҳаммалари кетиш олдида бир-бирлари билан учрашиб ваъдалашди. Шаҳзодани Юнон подшоҳи таклиф қилиб:— Энди мен билан юргин, мен сени Юнонистонга олиб борай, ўша жойдан сени мамлакатингнинг одамларига қўшиб юбораман,— деб Юнон мамлакатига қараб олиб кетди.

Булар дарё сафарида ўн беш кун юриб, араб вилоятига яқин бир жойга тушмоқни ўзларига жазм қилиб, кемани бурдилар. Кема қирғоққа яқин боргач, лангар ташлаб барча кишилар туриб томоша қилдилар. Булар сайр-томоша қилиб, бу кечаси шу жойга қўндилар. Кечаси яримдан ўтиб эдики, ҳар хил ҳайвонлар ҳар томондан ўтиб келаверди. Юнон подшоҳи бу ҳолни кўриб:— Кемага қайтиб чиқамиз,— деди. Шаҳзода далда бериб уни тўхтатди. Шаҳзоданинг кўзини уйқу олган эди. Барча одамлар бу ҳайвонларнинг ҳайбатидан қўрқиб, ўзларини кемага олдилар. Шаҳзода маст уйқуда ётганида, бир фил келиб шаҳзодани хартуми билан ҳураб олиб ташламоқчи бўлди. Фил шаҳзоданинг оёғини босиб эди, шаҳзоданинг кўзи очилди. Шаҳзода қарадики, фил хартуми билан ўрашга жазм қилиб ту-

рибди. У чаққонлик қилиб филнинг хартумидан қисиб эди, фил иложини тополмай шаҳзодани кўтармоқчи бўлди, аммо кучи етмади. Шаҳзода у томон тортди, фил бу томон тортди, ниҳоят икковлари ҳар томонга тортишиб, охири шаҳзода қўйиб юборди. Фил тўлиқсиб, кети билан йиқилди. Шаҳзода бўлса, бир дарахтни суғириб филга қараб ҳар томонидан бир-икки саваб эди, фил ўрнида ҳеч илож топа олмасдан кўкрагини ерга ишқалаб қолди. Барча кемачилар бу ҳолни кўриб таҳсин-офарин қилдилар. Шаҳзода бўлса, яна ўрнига бориб ётиб уйқуга кетди. Бу ҳолни Юнон подшоҳи кўриб:

— Эй шаҳзода, ажаб олиҳиммат паҳлавон экансан. Ҳали мен дунёда юриб филни бу қадар уриб, майиб қилиб ташлаб, ўзига муте қилган одамзодни ҳеч учратганим йўқ. Энди кетайлик деб, шаҳзодани кемага олиб чиқди. Бу ердан кўчиб, бир неча кун сузиб, бир жойга келдилар. Бу ерда бир гуруҳ халқ дарё тагига шўнғиб қўлларига нима учраса, олиб чиқар экан. Бу тошлар орасида ҳар хил асл тошлар бўлар экан. Шу жойга келганда булар ҳам қизиқиб, кемаларини тўхтатиб, бу тошлардан бизлар ҳам олиб чиқсак, хўп бўлар эди дедилар. Шаҳзода:— Мен шўнғиб олиб чиқай, қачон арқонни қимирлатсам, тортасизлар, — деб бир қопни арқон учига боғлаб, ўзи тагига шўнғиб кетди. Бир қанча вақтдан кейин арқон қимирлагач тортди олдилар. Шаҳзода қопни тўкди, тамом умрларида қилган даромадлари бу тошларнинг бир қисмига баробар келмас эди. Шаҳзода тошларни уларнинг ҳар бирига бўлиб берди. Улар бениҳоя хурсанд бўлдилар. Шундай қилиб, булар бу ердан ҳам кўчиб, бир ой сувда сузиб, бу дарёдан бошқа бир мамлакат дарёсига яқинлашиб, кемаларини тўхтатдилар. У дарё зангилар қўлида эди. Зангилар келиб булардан бож талаб қилди. Шаҳзода қарадики, келган кишиларнинг нияти бузуқ кўринади. Барчасини ушлаб олиб, қулоқбурунларини тешиб, йўлга ҳайдаб юборди. Улар ўз қабиласига бориб, воқеани баён қилдилар. Зангиларнинг ҳаммаси келиб, кемани ўртага олиб, талон-тарож қилмоқчи бўлдилар. Юнон подшоҳи: «Бу паҳлавонни ўша мавзегга қўйиб келсак бўлар экан. Биз шунча йўллар юриб кемаларимизни саломат олиб келар эдик. Шаҳримизга яқинлашган эдик. Энди булар бизларни талаб олсалар қандай бўлар экан», деб ғамгин бўлиб турган эди. Шаҳзода Юнон подшоҳини хафа кўрди. Дарҳол кемадан қирғоққа чиқиб, бир дарахтни суғуриб, барча келган зангиларга ўзини урди. Ҳалиги келган кишилар қарадики, бу келадиган киши бир дарахтни суғуриб, тўда-тўда одамларга уриб, гўёки аж-

дарҳога ўхшаб, бир фаслда ҳаммани ҳар томонда ебир-ссир қилиб ташлади. Қофилабоши кўрдик, бу йигит бир балои азим экан. У ҳам ўзини дарёга ташлаб бир қанорага бекинди. Кемадагилар кўрдик, келган зангилар бир-бирларидан жудо бўлиб, ҳаммалари ҳар тараф бўлиб кетди. Булар ҳам кемани қирғоққа суриб, бирданига ҳужумга ўтиб, келганларнинг чодир-чимматларини босиб олдилар. Булар дарё қароқчилари эди. Бу қароқчиларни ўртадан кўтариб, яна бир ой юриб, бениҳоя хуш ҳаво бир денгиз лабига келдилар. Денгиз у жойдан ҳар томонга бўлиниб кетар эди. Шу жойга келганларида: «Мана бу томонга юрилса, Хуросон, бу томонга юрилса, Юнонистонга борилади», деб ҳар қайси йўлнинг номларини бир-бирларига айтиб билдирдилар. Шаҳзода Хуросонга кетишни ҳоҳлади. Юнон подшоҳи жавоб бермасдан Юнонга қараб олиб кетди. Шаҳзода Юнонга кетаверсину энди гапни Хуросондан эшитинг.

Хуросон мамлакатада урушлар тамом бўлди. Подшо бандга тушиб, вазири аъзами подшо бўлиб, бир неча йиллар адолат ўрнатилди. Иттифоқо, бир кун вазири аъзамнинг ҳам ажали етиб ўлди. Ҳаворон подшоҳи келиб, вазирни яхши жойга дафн қилиб, мақбаралар кўтариб, иззаг билан Хуросон халқи видолашди. Хуросон мулкига подшоликка Шаҳзодаи Хурмузни лозим топдилар. Бу ҳам бир неча йил подшолик қилиб юраверди. Хуросон подшоҳи ҳам зиндонда ётиб ўлди, хотини ҳам ўлди. Ҳаворон подшоҳи ҳам дунёдан ўтди. Ҳаворон билан Хуросон подшолиги шаҳзода Хурмузнинг қўлида қолди.

Маликаи Асфия шаҳзода Маликнинг фироқида нобино¹ бўлиб қолди. Маликаи Асфия шаҳзода Малик кетганда ҳомиладор эди. Таваллуд² қилиб эди, отини шаҳзодаи Жаҳон қўйди. Бунинг ҳам ёши улғайиб, мактабга қўйдилар. Шаҳзода Жаҳон бағоят соҳибжамол, бақувват, соҳибфаҳм эди, тез фурсатда илм олиб мулла бўлди. У паҳлавонлик маҳорибасини бениҳоя севар эди. Шунинг учун уни ҳам қипчоқ паҳлавони шогирд қилиб, маҳориба ишларини таъинтди.

Шундай қилиб, шаҳзодаи Жаҳон кунлардан бир кун, бир жойда жўралари билан гаплашиб ўтириб, бир-бирларига: «Фалон бинни фалони фалон бинни фалони», дейишар эдилар. Шу гапнинг устида шаҳзода Жаҳон Маликаи Асфия олдиға келиб:

¹ Н о б и н о — кўр.

² Туғиб эди.

— Эй она, ҳамма болалар фалон бишни фалон,— дейдилар. Мен кимни айтаман,— деди. Онаси:

— Эй болам, менинг юрагимнинг ярасини янгилатма, сенинг ҳам отаи бор эди, номини шаҳзодаи Малик дёр эдилар, бағоят соҳиби ақл эди. Сен ўшандай кишининг фарзанди бўласан. Отаи бир қечада ғойиб бўлиб кетган, билмаймиз борми ёки йўқми. Шаҳзода бу сўзини онасидан эшитиб:

— Эй она, менга ижозат беринг, мен отамни қидириб топар эканманми,— деб ижозат сўради. Онаси ижозат бермади. Шундай қилиб, шаҳзода бир неча бор онасидан ижозат сўраб ўтинди, онаси ижозат бермади. Охири малика билдики, ўғли ўзини ё бир иш қилади, ё кетади. Ночор отасининг баъзи бир кийимларини кийдирди, шамширини, яна бир ингинини берди ва «зинҳор-базинҳор ўзингга бохабар бўлгайсан» деб, шаҳзодани жўнатиб юборди. Шаҳзода бобоси олдига бориб, сафарга кетишини маълум қилди. Бобоси ҳам қарадики, агар ижозат бермаса, набирасининг авзойи ёмон. Шаҳзодани Хурмуз бир неча юз кишиларни қўшиб, озиқ-овқат бериб, уларга ижозат берди. Булар йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, кетавердилар. Шаҳзодани Жаҳон кўп кишилар билан юришни ўзига лозим кўрмади. Бир кечаси: «Мен шаҳзодани Жаҳондурман. Мен таиҳо сафар қилишни ўзимга лозим кўраман, мен кетдим, Менинг кетимдан ҳеч ким ахтариб бормасин», деб бир хат қолдириб, ғойиб бўлди. Барча аскарлар эрта билан қарасалар, шаҳзода ўрнида йўқ, бир парча қоғоз турибди, Қоғозни ўқиб кўриб, шаҳзода Хурмузга келтириб бериб, ўзлари ўз уйларига кетдилар.

Шаҳзода Жаҳон бўлса ўша кечаси уларнинг олдида ғойиб бўлиб, йўл юриб, бир ўрмонга келди. Сайр қилишни кўп севар эди. Сайёдлик қилиб, бир қанча мурғу жониворларни тутиб кабоб қилиб еб, ул жойда бир неча куш қолди. Бир кунни ўзига: «Мен отамни ахтариб чиқсам, у ўрмонда нима қилади. Мен шаҳарларни ёки дашту тоғларни кўрай» деб, бошқа томонга йўл олди. Бир неча кун йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир тоғ ёқасига яқинлашди. Шаҳзода Жаҳон бениҳоя ташна бўлди. Қараса, бир сурук қўй ўтлаб юрибди, чўпоннинг олдига бориб, ундан қатиқ талаб қилиб эди, чўпон мешдаги қатиқни олдига қўйди. Мешдаги қатиқни бир-икки симириб эди, ҳаммасини ичиб қўйди. Чўпон бу ишга ҳайрон бўлиб туриб эди, шаҳзодани уйқу элтиб ухлаб қолди. Чўпон қарадики, бениҳоя соҳибжамол, дилида: «Бу бола чакки эмасга ўхшайди» деб қўйларини ўгириб айлантриб келиб эди, шаҳзода ўридан турди.

Чўпон бошқа жойга кетишга рағбат қилмади. Охири чўпон билан бирга уйга бориб, меҳмон бўлиб, бир кун-икки кун чўпон билан қўй боқишди. Бир куни чўпон болага кўнгли ишониб уйга кетди. Шаҳзода қўй боқиб юриб эди, бир қуш келиб бир қўйга чанг солиб адл кўтариб кетаётганда, шаҳзода камалак билан уриб олди. Чўпон бу ишни кўриб бениҳоя хурсанд бўлди:— Эй бола, бу қушлардан яна бир нечтаси бор,— деб ўша қушларнинг жойини кўрсатди. Шаҳзода ҳар куни қушларни бирин-бирин уриб соб қилди.

Бир куни чўпон:— Илгари бу жойларга бир шаҳзода Малик деган келиб, менинг отам билан йилқи боқиб, ана шу бешада иккита аждарҳони ўлдирган. Мана бу томоннинг бешасида бир шерни ушлаган, кейин бу жойлардан кетган,— деб ҳикоя қилди. Шаҳзода худди шу манзилларга отаси келганлигини билди.

Шаҳзода Жаҳон:

— Отам ушлаган шер қайси бешада эди?— деб сўради.

Чўпон:

— Исфиҳон ҳаддида бир беша бор. Ана шу жойлардан ушлаган эди.

Шаҳзода чўпон билан видолашиб, дашту қирларни сайр-томоша қилиб кетаверди. Иттифоқо олдидан бир гуруҳ ёш болалар чиқди. Ҳаммаси отлиқ, биёбонда кийик овлаб юрар эди. Болаларнинг қувлаган кийиги шаҳзода олдидан ўтиб эди, шаҳзода бир ўқ билан уриб йиқитиб олди. Болалар келиб шаҳзодадан кийикни талаб қилдилар. Шаҳзода кийикни бермай, дағаллик қилиб жавоб берди. Улар қайтиб кетди. Шаҳзода кўп юлғунни суғуриб бир жойда ёқиб, андак фурсатда кийикни кабоб қилиб еб йўлга тушди. Шаҳзода бир лаҳза йўл юриб, бир қишлоққа етди, кўнглида шу ерда ётадиган бўлди. У қишлоқ халқи жой бермади. Ўша кечаси бир чорраҳада ухлаб қолди. Бир қанча кишилар ўтиб кетаётиб қарасалар, бир ёш бола, дабдароз чўзилиб, беихтиёр ухлаб ётибди. Улар:— Бизнинг ризқимиз олдимиздан чиқиб қолди. Миср мамлакатига олиб бориб, қул бозорида сотармиз,— деб шаҳзоданинг гарданидан каманд билан боғлаб, туяга ортиб жўнадилар. Бир неча кун йўл юриб, сувсиз аро чўл юриб, Мисрга бориб тушдилар. Юкларини саройга тушириб, сотганларини сотиб, олганларини олиб, шаҳзодани ҳам қул бозорига олиб чиқдилар. Шаҳзодани эса бир боғбон сотиб олиб кетди. Боғбон шаҳзодани уйга олиб бориб, бир қанча овқат қўйиб эди, бир лаҳзада еб қўйди. Яна овқат келтириб егизди, шаҳзода уни ҳам еди. Боғбон таажжубга қолиб яна овқат чиқарди, уни ҳам еди. Шундан кейин боғбон шаҳзо-

дага иш кўрсатди. Кўрсатган кишиларини шаҳзода бир лаҳзада бажарар эди. Шундай қилиб, боғбон бу боланинг ишидан бағоят мамнун бўлди, шаҳзода шу жойда ишлаб юраверсин, боғбоннинг шаҳзодани Жаҳонга ихлоси катта эди. Боғбоннинг ҳам шу қатори ўгли бор эди. Гоҳ кунлари иккови шаҳарга чиқиб айланиб келар эдилар. Бир куни шаҳарни сайр-томоша қилиб, келиш вақтида бир паҳлавон маст бўлиб, бир қанча кишиларни уриб, бир қанча кишиларни ҳақорат қилиб келар эди. Шаҳзодани Жаҳон ўртага тушиб айирмоқчи бўлиб, унинг кўкрагига бир мушт урди. Кўкраги пачоқ бўлиб, кейини билан йиқилди. Унинг биродарлари шаҳзодага ёпишдилар, муштвозлик бўлиб кетди. Шаҳзода бир лаҳзада баъзиларига калла уриб, баъзиларини тепиб, баъзиларига шапалоқ уриб, булар орасидан чиқиб кетди. Шундан кейин боғбоннинг эҳтимоти янада зиёда бўлди.

Кунлардан бир куни яна шаҳар томошасига чиқдилар. Ҳамма халойиқ ҳар томонга пароканда бўлиб қочар эди. Ҳамма: «Подшонинг шерни панжарадан қочиб чиққан. Шербон қувалаб юрибди, аммо ушлай олмайди»,— деб кўчаларда қичқирар эдилар. Шаҳзодани Жаҳон дилида: «Эй шаҳзода, отангни шундоқ таъриф-тавсиф қиладилар. Сен бўлсанг, Миср мамлакатига келиб, отангни ахтараман, деб қул бўлиб юрасанми?» деб эди, шер болага югурди. Шаҳзода тек турди. Шер яқинлашиб, бир захри чашм қилиб эди, шаҳзода ҳам ундан кўзини айирмади. Шаҳзодага қараб ўзини отди. Шаҳзода рад бериб, жойини ўзгартирди. Шер қарадики, шаҳзода йўқ, яна ўзини отди, шаҳзода яна рад берди. Охири шаҳзода билан иккови тарафдор бўлиб, шернинг вағиллаганига парво қилмасдан икки қўлини икки жағига солиб бир зўр қилиб, шернинг жағини айириб юборди. Шаҳзоданинг ғазаби қайнаб шернинг пойчасидан ушлаб айлантириб-айлантириб чорсунинг устига отиб юборди. Гумбаз устига осилиб қолди. Барча халойиқ: «Бу қандай балойи азим экан», деб бу ишга таҳсин-офарин қилдилар. Шаҳзода бўлса, ўзини бир тарафга олиб ғойиб бўлди, ҳалиги, боғбоннинг уйига келиб, боғбонга бўлган воқеани бирин-бирин айтди. Подшоликка баъзи кишилар бориб, боғбоннинг сақланди боласи сизнинг қочган арслонингизни тутиб, жағини айириб, чорсунинг устига отиб юборди. Ҳозир ўлиги чорсунинг устида ётибди деб, подшога таъриф-тавсиф қилдилар. Подшо бу гапни эшитиб, ишонмади. Бу шерни ушлаш учун қанча кишилар юз ҳийла-ю тадбир қўлайдилар. У қандай одам экан шернинг жағини айиради. Шу фурсатда подшонинг шербони ҳам келиб қолиб, ш

воқеани айтди. Подшо бир неча кишини; қани ўша болани олиб келинглар,— деб буюрди. Мулозимлар чорбоққа келиб чорбоғбондан:— Кечаги шерни ўлдирган бола қаерда? Бизларга чақириб беринг! Подшомиз сўрайдилар,— деди.

Чорбоғбон чиқиб, боланинг ўрнига ўзим бораман деб, подшоликка борди. Подшога:— Эй тақсири олам, мен бозордан бир қул сотиб олиб эдим, шу қул сизнинг шерингизни ўлдирибди. Энди нима бўлса унинг гуноҳидан ўтинг. У ҳали ёш боладир. Агар борди-ю, уни зиндонга солсангиз, истейдоди зое бўлиб кетади. У бола сизнинг чорбоғингизда хизмат қилиб юради,— деб илтимос қилди. Подшо индамади. Шу билан булар хизмат қилиб юраверсин, энди гапни Юнон подшоҳидан эшитинг.

Юнон подшоҳи ўз шахрига келди. Унинг ўрнида ёш ўғли қолган эди, у улғайиб, Юнон ҳукмини сўраб турар эди. Юнон подшоҳининг кетганига йигирма беш йил бўлиб эди. Ҳамманинг дили эсидан чиқиб, Юнон подшоҳи йўқ бўлиб кетган, деб ўйлар эдилар. Булар Юнонистонга яқинлашиб келиб, битта хат ёзиб, юнон подшоҳига юбордилар. Хатни шахзодага элтиб бердилар. Юнон шахзодаси хатни олиб ўқиди. Хатда: «Эй ўғлим, мен Юнон подшоҳидурман, Ҳиндистон сафарига борар эдим, иттифоқо қаттиқ шамол пайдо бўлиб, кемаларимизни учириб бошқа томонга олиб кетди. Кемаларимиз қайси томонга кетганини билмадик. Юра-юра бир жойга бориб қолдик. Бу бало гирдоби экан, Неча йиллардан буёққа шу гирдобда айланиб ётдик. Иттифоқо бир киши шу гирдобга келиб, бизларга нажот бериб кутултирди. Энди бизлар ўз ватанимизга қайтиб келдик. Бизларнинг ёнимизда бизга нажот берган паҳлавон, девлар зиндонидан қутулган табиб ва уламолар бор. Энди мен шахарга киришимда, Юнон шахарларини безатиб, иззату эъзоз билан киргизгайсан», деб ёзилган эди. Юнон шахзодаси бу ишга ажабланди. Отасининг ғойиб бўлганига муддати йигирма беш йил ўтган, битта хат-хабар йўқ эди. Шунинг учун шахзода уламоларига мурожаат қилди:— Эй биродарлар, маслаҳатлик тўн қисқа келмас, отанг бўламан, деб бошқа кишилар шу найранг билан бизларнинг ичтимизга кириб, меҳримизни қозониб бизларни асир қилмасмикан. Подшоликда бундай найранглар кўп бўлади. Юнон подшосини яхши танийдиган бир оқил киши бўлса, деди. Юнон подшосининг дўст вазирларидан қариб қолган бир киши бор эди. Шу киши:— Мен бу хизматни бажо қилурман,— деб шахзодадан бир қанча либослар олди. Агар отангиз бўлса, мен бу либосларни унга кийдираман. Биласизки, ўша одам отангиздир. Агар бу либосларни ун-

га кийдирмасдан қайтарсам, биласизки, у отангиз эмас,— деди. Вазир дарёга тушиб, бир қанча йўл юриб, Юнон подшоҳи кемасининг олдини тўсиб чиқиши билан Юнон подшосини таниди. Дарҳол либоси шоҳоналарни кийгизди. Дарҳол Юнон шаҳзодасига келиб воқеаини ҳолни айтишди. Шаҳзода отаси эканлигини билди. Дарҳол мулозимларига шаҳарларни безатишга буйруқ қилди. Подшо келадиган йўлларга поёндозлар солиб, атри упалар сепиб, Юнон шаҳри гулдек безалди. Шаҳзода отасини кемадан тушириб, оёғига юз-кўзларини суртди. Юнон улўғлари ҳам иззат-ҳурматини бажо келтириб, то ўрдага киргунча тиллаю таңгаларни сочди. Юнон подшоси ўрдага кирди. Шаҳзода отасини тахтга ўтиргизиб, ўзи хизматда бўлди. Юнон подшоҳи шаҳзода Маликни бениҳоят кийинтириб, ўнг қўл вазир қилиб олди. Юнон подшоҳи:— Мен ўлиб кетган киши эдим, ҳаётга бошқатдан келдим. Шунинг учун сайл қилинглар,— деди. Тамоми мамлакатларга ва қишлоқларга: «Мен Юнон подшосиман. Юнон шаҳрида қирқ кун сайл — кураш ва дукбозлик¹ бўлади. Қайси мамлакатда паҳлавон ёки ҳофиз бўлса, ўз ҳунарини кўрсатиш учун Юнон шаҳрига келаверсин. Юнон подшоси бениҳоят дунё бериб, сарфароз қилгай — деб нома ёздирди. Шу номаларни ҳар томонга тарқатди. Битта нома Миср мамлакатига ҳам келди. Булар бу жойда турсин, энди Мисрдан гап эшитинг.

Миср подшоси нома келгани ҳамон тамоми дашти қирлардан ва қишлоқлардан паҳлавонларини тўдалаб, Юнон мамлакатига қараб жўнади. Шу халқлар ичида боғбон ҳам бор эди. Боғбон айтди:— Эй бола, отларга қараб турарсан, сен ҳам юргин,— деб шаҳзода Жаҳонни эргаштириб, Юнон шаҳрига қараб жўнади. Миср халқи ҳам Юнон шаҳрига бориб, бир тарафдан жой олиб, чодир-чимматларини тикиб турдилар. Алҳазари қиёс, ҳамма мамлакатлардан келган кишилар ўз чодирлари тагида жобажо бўлиб ўтиравердилар. Сайл бошланиб кетди. Сайлга келган мамлакатлар икки тараф бўлиб курашга тушдилар. Миср билан Юнон ҳам бир тараф бўлиб, майдонга тушиб кураш қилдилар. Юнон паҳлавонлари Миср паҳлавонларидан бир қанчасини йиқитди. Миср подшоси бу ҳолни кўриб.— Ушанишни ўлдирган бола келса, қандай киши экан кўрар эдик,— деди. Шу маслаҳат устида боғбон ҳам ҳозир эди, дарҳол қўлини қовуштириб таъзим қилиб:

— Эй подшоҳим, сиз айтган болани мен отбоқар қилиб

¹ Дукбозлик — бир-бирини дўппи тепгандай тепиб ўйнаш.

олиб келганман. Агар истасангиз ҳозир қилурман,— деди. Подшоҳ: ҳозир қил!— деди.

Боғбон дарҳол қўшинга бориб отхонадаги болани олиб келди. Подшо қарасаки, бир бола полвонликда бениҳоят, гавдасидан билиниб турибди. Подшо дарҳол буйруқ қилди:

— Эй бола, бугун майдонга чиқиб, кураш қилиб, менинг дилимни хушнуд қилсанг, сени кўп хушнуд қилурман,— деди. Бола таъзим бажо келтириб, подшога айтди:

— Эй тақсири олам, курашга чиқаман, лекин менинг сиздан илтимосим бор. У ҳам бўлса, мен бир вақтда ёттиб эдим, уйқумда мени боғлаб олиб кетиб, қул қилиб сотибдилар. Мен ҳозир боғбонга қул бўлурман. Агар сиз мени сотиб олиб қулликдан озод қилдим, десангиз, кейин курашга кириб шундай бир ишларни кўрсатайки, олам халқи ҳайрон бўлсин,— деди. Подшо: «— Эй боғбон, бу қулни неча пулга олиб эдинг?» Боғбон:

— Юз тангага олиб эдим,— деди.

— Бўлмаса, бу қулингни бизларга сотгин,— деб боғбонга юз танга бериб халос қилиб олди. Шаҳзода хурсанд бўлиб, кураш кийимларини кийиб курашга тушди. Юнон томондан ҳам бир киши тушди. Юнонликни йиқитиб, майдондан чиқди. Подшо хурсанд бўлди. Яна бошқа паҳлавон кирди, уни ҳам йиқитди. Уша куни шаҳзода майдонга тушиб, бор ҳунарларини кўрсатдики, Юнон подшоҳи билан Миср подшоҳи бу шаҳзоданинг қилган ишини назорат қилиб турди. Юнон подшоҳи — Бу паҳлавоннинг асл жойи қаердан,— деди. Миср подшоҳи: Бу миср фарзанди,— деди. Булар шу гуфту гўйда эдики, шаҳзода Малик ҳам бу паҳлавоннинг қилган ишини кўриб, қойил қолди. Кеч бўлди, ҳар қайси томон ўз қўшинларига тушди. Миср подшоҳи ҳам болани чодирга киргизиб, алвон-алвон таомларни олди. Ҳозир қилди, бир оз шароб ичирди. Шаҳзода шермаст бўлиб, кечаси томошага боришни орзу қилди. Чунки баъзи паҳлавонлар лангар кўтариш, темир кўтариш, панжа-дарпанжа¹ бўлиш, дукбозлик, ҳар хил вазн кўтаришлик кабиларни кўрсатишлари лозим эди. Буларнинг баъзиси кундузи бўлса, баъзиси кечаси ўйналар эди. Шаҳзода хаёлида: «Кечаси ҳам бир томошага чиқиб айланиб келай», деб, ҳар томонларни кўриб келиш учун подшодан ижозат олди. Подшо унга бир неча кишиларни қўшди. Шаҳзода Жаҳон айланиб юриб эди, бир жойга қарасалар, кўп одам ҳангома қилиб турибди, кириб бўлмайди. Шаҳзода бир томондан

¹ П а н ж а - д а р п а н ж а — бир-бировнинг қўлини сиқиб, кучини кўрсатиш.

қараса, бир паҳлавони забардаст, баланд қадди-қоматлик, шукуҳу санталатлик, ўзига баҳо бериб бир қанча ҳалқаланган тошларни: «Мана буниси унча, мана буниси бунча»,— деб кўтариб, яна ерга қўяр эди. Бу ҳолни кўрган шаҳзода: «Мен ҳам кириб кўтарсам», деб хаёл қилди. Лекин даврага одамнинг кўплигидан кириб бўлмас эди. Шаҳзоданинг бу орзусини ҳамроҳи билиб: ҳалиги тош кўтарган паҳлавонга:— Эй паҳлавон, бизларнинг ҳамроҳимиз шу тошларингни орзу қиляпти. Қани йўл берсаларингиз, ҳамроҳимиз кириб тошлардан кўтарса,— дегач, паҳлавон ижозат берди. Шаҳзода кириб тошлардан аввал кичикроғини кўтариб, кейин каттароғларини кўтариб, бу дафъасига ҳар иккисини кўтариб, сўнг дафъасига иккисини икки қўлига, иккитасини бўйнига осиб кўтариб; ниҳоят дафъасига барча тошларнинг ҳаммасини кўтариб, майдонда бир-икки айланди. Барча халойиқ кўрдик, шаҳзоданинг оёғи ерларга ботиб-ботиб кетибди. У паҳлавон бу тошларни бир-бирин кўтарар эди. Боланинг бу қилган иши у паҳлавонни ҳайратда қолдирди. Паҳлавон шарманда бўлиб, калласини қуйи солиб ўрнида қола берди-ю, бу тошларни ерга қўйиб, бошқа томонга кетаверди. Барча халойиқ шаҳзоданинг бу қадар куч-қувватига ҳайрон бўлиб қолаверди. Бу тўдадан ўтиб яна бир жойга борсалар, бир гуруҳ одам бир кишига қараб ўтирибди. Қарасаларки, у ҳам бир паҳлавони забардаст. Қўлида Рустами Достон вақтида бўлган бир ёй. Уша замонлардаги одамлар уни кўтара олмас экан. Паҳлавон ўзини таъриф-тавсиф қилиб, ўша ёйни кўтариб:— Мана бу ёйни бундоқ отадилар,— деб халққа кўрсатади. Халқ унинг бу қилган ишидан таажжубга қолиб туриб эдилар. шаҳзода шу ҳангоманинг устига бориб қолди. Шаҳзода:

— Эй паҳлавон, мен ҳам ўша ёйни бир қўлимга ушлаб, ўқ отсам деб орзу қиламан,— деди. Паҳлавон шундай қараб.

— Эй гўдак, от оёғини кўтаргач, эшак ҳам оёғини кўтарган экан, сен киму бу ёйни кўтармоқ ким,— деди.

Бу гап шаҳзодага таъсир қилиб, халқ орасидан ўтиб, ўзини паҳлавон олдига етқирди. Паҳлавон қўлидан ёйни олиб, камонга ўқни пайваст қилиб, бир қўли билан тортиб эдики, ёйдан ҳар хил овозлар чиқиб чарс-чурс қилиб, от тақасидай бўлиб букилиб қолди. Бу ҳолни кўрган паҳлавон ўрнида донг қотиб қолди. Чунки бу ёйни бир неча кишилар эгилтира олмас эди.

Шаҳзода бу жойдан ҳам ўтиб, яна бир тўдага йўлиқди. У жойда ҳам бир паҳлавон туриб:— Кимки паҳлавон бўлса, қани мен билан бир панжа-дарпанжа бўлсин, кимнинг қуввати баланд экан кўрайлик,— деди. Бир қанча киши-

лар бир кўришиб, икки букилиб қолиб кетар эди. Шаҳзода «мен ҳам бир кўришсам» деб бориб қўл узатиб эди, ҳалиги паҳлавон бир сиқиб эди, шаҳзода бардош берди. Иккинчи сиқди, унга ҳам зўр қувват билан бардош берди. Паҳлавон кўрдик, ёш бола бўлса ҳам, куч-қуввати тўлиқ. Учинчи сиқишда паҳлавон бор кучини тўкиб шундай қисдик, агар тошни сиқса ҳам параха-параха қилиб синдирар эди. Шаҳзода:

— Эй паҳлавон, энди навбат меники,— деди-да бир сиқиб эди, паҳлавон юз машаққат билан ўзини асради. Иккинчи сиқиб эди, бетоқат бўлиб тагига қўйилган сандал синиб ерга йиқилди. Учинчи сиқиб эдик, паҳлавон чидай олмасдан бақириб юборди. Барча халойиқ таҳсин-офарин қилиб, ҳайратда қолди. Шаҳзода бу кечасини шу иш билан ўтқариб, қўшига бориб ётди. Боланинг ишларини Миср подшосига таъриф-тавсиф қилдилар, баъзилари бориб Юнон подшосига таъриф-тавсиф қилдилар. Ҳосили калом, ҳар қайси томон ўз подшоларига: «Майдондорлик қилиб, бахти очилган бола, шу оқшом шундай қилди, бундай қилди» деб, таъриф қилар эдилар. Эрта билан таблишодиёналар чалиниб, карнай-сурнайлар навога келиб, ҳамма халойиқ ўз жойларида жо-бажо бўлиб «қани, бу кун ким кураш ўйинини қилар экан» деб кўз тикиб турар эдиларки, ҳеч ким майдонга чиқмади. Юнон подшоси:

— Кеча биз томон одамларининг толеи паст келиб, майдондан беобрў бўлиб чиққан эди. Бу кун энди бир дурустроқ киши кириб, бахти очилиб, енгиб чиқса, бизлар ҳам обрў топсак,— деди. Сандалнишин паҳлавонлардан майдонга чиққани йўқ эди. Ана ўшалардан бири ўрнидан туриб таъзим қилиб:

— Эй подшоҳим, менга ижозат берсангиз, бугун мен майдонга кириб майдондорлик қилсам,— деди.

Подшо ижозат берди. У майдонга кириб, ҳар томонларни айланиб турди. Миср подшоҳи қарадики, майдонда катта паҳлавонлардан кўринмайди. Дарҳол катта паҳлавонларга ишорат қилди. Бир паҳлавон чиқиб, бир-бировлари билан қўлма-қўлтиқ бўлиб олишиб, охири Миср паҳлавони йиқилиб чиқди. Тамоми халқлар «Айу-хуй» кўтариб қолди. Миср подшоҳининг паҳлавонларидан яна бири чиқди, ун ҳам йиқитди. Бу кун Миср подшоси бағоят шарманда бўлиб, паҳлавонлари йиқилиб чиқди. Эртаси яна Юнон подшосининг паҳлавонлари мисрликлардан яна бир нечаларини йиқитди. Охири Миср подшоҳи болани ўз ҳузурига чақирди. Юнон паҳлавони:

— Эй Миср подшоҳи, паҳлавонларингиз қолмай бир бо-

лани юборасизларми? Бу бола билан олишишни мен ўзим-га лозим кўрмасман,— деди. Бола:

— Эй паҳлавон, мен бола бўлсам, ҳам куч-қувватим болиғ. Энди майдонга маълум бўлсин,— деб икковлари қўлма-қўлтиқ бўлиб олиша кетдилар. Шу бугун кечгача олишиб бирор натижа чиқара олмадилар, охири айириб қўйдилар. Эртаси яна мард талаб қилди. Юнон томондан ҳалиги паҳлавон чиқмади. Чунки кеча олишиб ўзининг об-руси учун юз минг машаққати тамом билан боланинг майдонидан қутилиб чиққан эди. Бошқа бир паҳлавон чиқди. Бир-икки ушлашда уни ҳам йиқитди. Бу кун ҳам боланинг бахти ёр бўлиб, майдондан обрў топиб чиқди. Бу паҳлавоннинг ваҳимаси шаҳзодан Маликнинг қулоғига тез-тез етиб турар эди. Лекин шаҳзода Малик парво қилмас эди.

Бир кечаси бола сайри томоша қилиб бир паҳлавон ҳузурига борди. У паҳлавон мисрлик эди. Бир неча йиллардан бери туркларга ўтиб, кўп шуҳрат топган бўлиб, юзта шогирди бор эди. Шогирдлари ҳам ўзидан қолишмас эди. Улар ҳукумат ихтиёрида эди. Шаҳарма-шаҳар, қарияма-қария юриб ҳар хил ҳунарларини кўргазиб юрар эдилар. Улар ҳам Юнон подшоҳининг тўйи учун келган бўлиб, улар ҳам ҳангома устида эдилар. Шаҳзода шу ҳангомага бориб қолди. Кўрдик, ўша паҳлавон ҳар хил ҳунарларини ҳалойиққа мақтаб, бир ҳўкиз терисининг устига бир тилло ғиштни қўйиб, устига ўзи чиқиб ўлтириб:

— Кимда ким мана шу терини тагимдан суғириб олса, шу тилло ғишт ўшаники бўлсин! Мана бу темирни ким қайиради?— деб турибди. Шаҳзода ўша тўдага ўзини уриб, паҳлавонга:

— Агар мен тагингдаги терини суғириб олсам, ғишт тиллони беришга розимисан?— деди. Паҳлавон розимап, деди. Паҳлавон чиқиб ўтирди. Шаҳзода терининг икки томонидан ушлаб судраб эди, паҳлавон билан тери судралиб борарди. Судрайверса, устидан тушмаслигини сезиб, бир силтаб тортиб эди, паҳлавон ерга йиқилди. Шаҳзода терини айлантириб бир тарафга отиб юборди. Қайирадиган темирни қўлига олиб, бураб-бураб ҳалқа қилиб, бошқа томонга отиб юборди. Бола паҳлавонни беобрў қилди. Паҳлавон ўрнидан туриб боланинг олдига келиб:— Эй бола, подон, оғзингдан сўт иси келади-ю, келиб-келиб мени беобрў қилдинг,— деб болага бир шапалоқ урди. Бола тезлик билан зарбинини ўтқариб, паҳлавоннинг ёқасидан тутиб, икковлари олишиб қолди. Бола паҳлавонни кўтариб, қўшинга қараб ҳайдаб кетди. Турк паҳлавонлари бу ишни кўриб, ўзларини болага урдилар. Бошлиқларини ажратиб олиб,

муштбозликка тушиб кетдилар. Шу қадар жанг бўлдики, буларнинг овозасини подшолар эшитиб, келиб айириб олдилар. Бу овозани шаҳзода Малик эшитиб: «Уша болани мен кўрай, қани, қандай паҳлавон экан»,— деди.

Эртаси куни яна кураш бошланди. Миср подшоси яна болани чақирди. Юнон паҳлавонлари кўрдик, майдонга ўша бола чиқди. Майдонга киришга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Майдон бир неча соат холи тургач, шаҳзода Малик Юнон подшосига айтди:

— Эй ота, Юнон шаҳри беобрў бўлиб қолмасин, энди менга ижозат берсангиз, бир чиқай, бу бола қандай забардаст экан. Ётиб қолгандан кўра, отиб қолган яхши деган гаплар бор,— деб аслаҳаларини кийиб, майдонга чиқди. Аввало панжа-дарпанжа солишдилар. Шаҳзода Малик шунча умри ичида қанча девлар билан, қанча одамзодлар билан курашди, лекин болани бир кўриш билан билдики, ниҳоят пурзўр кўринади. Ҳар иккиси бир-бирларининг муштрарига бардош бердилар. Шаҳзода Жаҳон ниҳоят пурзўр кўринади. Шаҳзода Малик кўзи уйқуда эди, бедор бўлди, маст эди, ҳушёр бўлди. Шаҳзода Малик синчиклаб кўрдик, қадди-қомати келишган, шаҳзоданинг бу сифат салтанати, шикваси шаҳзода Маликнинг кўнглида бир илиқ ҳолат уйғотди. Мушт солишда у боланинг қўлида бир нигинни кўрди. Бу нигинни Маликжон Маликан Асфияни олганида, чимилдиққа кирганда берган эди. Кўргандан юраги жизиллаб, «эсиз, менинг маликамга нима бўлган экан»,— деб кўнгли бузилиб, бир ҳолат рўй бердики, ўзидан кетиб беҳуд бўлиб қолишига сал қолди. Чунки бу ҳолат ота-болалик меҳри эди. Кураш бошланиб, ота-бола олишишга тутиндилар. Уша куни кечгача кураш бўлиб, на шаҳзода Жаҳон, на шаҳзода Малик йиқитар эди. Кун кеч бўлди, шаҳзода Жаҳон билан отаси айрилмади. Кишилари: «Айиринглар!» — деб тарғиб қилдилар. Буларнинг жунини келиб, маст бўлиб кетган, оғизларидан парча-парча кўпиклар ҳар томонга сочилар эди. Халойиқ билдики, булар айрилмайдилар, ночор машъалларни ёқиб томоша қилдилар. Шундай қилиб, улар уч куну уч кеча жанг қилдилар. Охири ҳалокатдан кетиб бир-бирларини қўйиб юбордилар. Икки томон истироҳатга машғул бўлди. Шаҳзода Малик Юнон подшосига боланинг паҳлавонлигини, куч ва қувватини таъриф тавсиф қилди. Булар уч бор кураш қилдилар, би-роқ ҳар хил ҳунарда ҳам бир-бировларига баробар келдилар.

Икки томон ҳам бир-бирларини енга олмадилар. Охири ер чизиб қайсиларинг шу чизикдан ўтқарсанглар, зафар

шунга бўлсин дедилар. Шундай қилиб, икки томон паҳлавонлари ҳам белларига камарларини боғлаб, тортишар эдилар, кун кеч бўлди. Шаҳзода Малик ўзига-ўзи: «Эй шаҳзода Малик, шунча ишларни қилдинг, келиб-келиб шу болага таслим бўласанми? Ўзингни бугун устивор тутгин» деб, ниҳоят кучини тўкиб, охири болани тортиб чизиқдан ўтқариб, шу тортганича жунуни келиб, маст бўлиб, майдондан олиб чиқиб подшонинг ҳузурига олиб борди. Шундан кейин бола камандни ечиб, шаҳзода Маликнинг оёғига бош уриб:

— Мен сизнинг паҳлавонлигингизга қойилман. Сизнинг оёғингиз қаерда бўлса, менинг бошим ўша жойда бўлсин. Сиз ота бўлинг, мен бола бўламан. Мен бир боғбоннинг қули бўламан. Боғбондан мени подшо сотиб олган эди. Подшо ҳам мени қулликдан озод қилган эди. Ҳали аҳдларида турган бўлсалар, мен сиз билан бўларман,— деб зору тазарру қилади. Шаҳзода Малик:

— Эй бола, сен билан мен кўришган вақтимиздаёқ дилимда: «Болаиғ бўлса, шундай бўлса», деб бир орзу пайдо бўлди. Энди сен менинг болам бўлгин,— деб бошу кўзларини силаб:

— Бу узукни қайдан олдинг?— деб сўради. Шаҳзода Жаҳон бу пидони эшитиб йиғлаб юборди. Йиғлагани учун ўксиниб-ўксиниб гапира олмас эди. Шаҳзода Малик: «Бекор сўраган эканман, боланинг кўнглига малол келдимин», деб ўйлади. Бола айтди:

— Эй ота, Хуросон мамлакатада бир онайн меҳрибоним бор. Ундан: «Она, менинг отам қаерларга кетган?»— деб сўрадим. Менинг онам айтмай бошқача ишларни гапириб, мени бир ишга машғул қилар эди. Мен балоғатга етиб, отам қаердалар, деб сўрадим. Онам бошқа гапларни гапирди. Мен: «Онажон, менинг гапимга тўғри жавоб бер, айтмасанг, ўзимни бир иш қиларман»,— дедим. Онам ночор:

— Отанг бир кечада ғойиб бўлиб кетган, қаерга кетиши номаълум,— деди. Шундан кейин мен қидиришга тушиб эдим. «Сенга нишона», деб шу нигинни менга берди. Ҳозир онам кўр бўлиб ётибди, мен қидириб шаҳарма-шаҳар юриб эдим. Кишилар мени кечаси ушлаб, Миср мамлакатига қул қилиб сотдилар. Миср подшоҳи мени сотиб олди, яна озод қилди. Энди сиз билан гаплашиб турган жойим дегани ҳамон шаҳзода Малик беҳуш бўлиб йиқилгудек бўлиб, ниҳоят паҳлавонлик билан ўзини тутди. Юнон подшоҳи барча ақобирлари билан бу қандай воқеадир, деб ҳайратда қолди. Шаҳзода Малик Маликаи Асфия ёдига

тушиб, унинг фироқида куйиб-куйиб, эсига тушса, ўлтирган бўлса ётар, турган бўлса ўлтирар эди. Бу воқеаларни эшитиш шаҳзода Маликка оғир туюлди, унинг бошқа кишилар билан гаплашишга ҳам ҳолати етмади. Юнон ва Миср подшоҳлари буларнинг ота-бола эканликларини билди.

Шаҳзода Жаҳон ҳам шу паҳлавон ўзининг отаси эканлиги билиб, беҳуд бўлиб йиқилди. Ҳар замон ўзига келиб, ўзидан кетар эди. Юнон табиблари келиб буларни бир неча кун муолижа қилиб, солимул аъзо қилдилар. Ота-бола топишди, тўйлар тамом бўлди. Ҳамма подшоҳлар ўз мамлакатларига кетдилар. Юнон подшоҳи билан бу икки шаҳзода ҳам истироҳатга машғул бўлдилар.

Юнон подшоҳининг ўрнига қолган ўғлининг Маликаи Гул деган бир қизи бор эди. Шаҳарда тўйлар бошланиб, ҳар хил томошалар бўлиб турган вақтларида, у ҳам чиқиб томоша қилиб юрар эди. Бир кун у канизлари билан бир чеккада томоша қилиб турганида, шаҳзода Жаҳон паҳлавон билан учрашиб лангар кўтариш, темир қайириш, барча ҳунарларини кўрсатиб юрганида, Маликаи Гул шу ишларни кўриб турган эди. Уша вақтларда маликанинг ишқи шаҳзода Жаҳонга тушган эди, лекин отасидан қўрққанидан дам урмас эди. Қачонки шаҳзода Малик ўз ватанига қайтар бўлиб шаҳзодан Юнондан:

— Эй Юнон шоҳи, энди бу ерда юраверсак, бизнинг ҳам ўз ватанимиз, хешу ақраболаримиз бор. Улар бизларнинг фироқимизда азобу уқубат чекиб ётаверсалар, қандай бўлар экан. Энди бизлар ҳам ўз шаҳарларимизга кетсак. Мана сизнинг шаҳрингизга келдик, тузу намак бўлдик, дўст бўлдик. Сизлар ҳам бизнинг мамлакатимизга боринг,— деб ижозат сўради. Шаҳзода Юнон бу гапни эшитиб, шаҳзодан Маликнинг рўпарасига бориб:

— Эй падари бузруквор, менинг отамни ўлим йўлидан ҳаёт йўлига солиб, шунчалик жонбозлик қилиб, дийдоримни дийдорига восил бўлишга сиз сабабкор бўлдингиз. Энди сизни ва отамни ўз уйимга олиб кириб бир хос зиёфат қилсам. Менинг маликам ҳам сизга фарзанд бўлулрар,— дегач, шаҳзода Малик бу таклифни қабул қилди. Шаҳзода Малик билан ўғли Юнон подшоҳи ва шаҳзодаси, қайнотасию қайноналари, энг яқин кишилари — ҳаммаси бир уйга жам бўлиб зиёфатда ўлтирдилар. Юнон шаҳзодаси ўрнидан туриб:

— Эй биродарлар, билинглар ва огоҳ бўлингларки, менинг отамни ўлим чангалидан қутқариб бизнинг шаҳримизга бир қанча кишилари билан олиб келган шаҳзода Малик мана шу киши бўладилар. Менинг отам қандай бўл-

салар, бу кишининг ҳам ҳуқуқлари отамдек бўлсин. Сизлар ҳам бу кишини қалбларингизда мендек яқин дўст деб биллинглар,— деб ҳамма хешу ақраболарига тушунтирди. Шу мажлисда бир тийри ишқ шаҳзода Жаҳоннинг кўксига тегиб, ақлидан бегона бўлди. Маликаи Гул ҳам худди шундай бўлди. Зиёфат тамом бўлиб, шаҳзодаи Юнон шаҳзода Маликнинг олдига бениҳоят қимматбаҳо либослар ва ҳар хил асл тошлардан қўйиб сарафроз қилди. Шундай қилиб мажлис тамом бўлиб, ҳаммалари истироҳатга машғул бўлдилар.

Эртаси эрта билан туриб, ҳар қайсилари ҳар хил ишга машғул бўлдилар. Лекин шаҳзода Жаҳоннинг ўрнидан туришга ҳолати бўлмади. Шаҳзода Маликнинг бошига гўёки бир тоғ йиқилгандек бўлиб, ўз ўғлининг гирдидан айланиб, йиглаб ҳол-аҳвол сўрар эди. Шаҳзодаи Юноннинг қизи ҳам касал бўлди. Улар ҳам Маликаи Гул билан саргардон эдилар. Юнон табибларидан ҳозир қилдилар. Табиблар келиб кўриб ҳеч касаллигини билмадилар. Ахири мамлакатни ахтаришиб, бир қариб қолган, ишга яроқсиз, юра олмайдиган табиб бор эди, ўшани замбарга солиб кўтариб келиб, шаҳзоданинг олдига туширдилар. Табиб:

— Бир коса сув олиб келинглар!— деди. Сув келтириб бердилар. Табиб шаҳзоданинг кўксини очиб ҳалиги косанинг сувини оҳиста-оҳиста кўкрагига қуя бошлади. Табиб: — Оғзингни очгин!— деди.

Шаҳзода оғзини очган эди, табиб кўриб, унинг ишқ дардига гирифтор бўлганини билди. Шу табибни Маликаи Гулнинг ҳам уйига олиб кирдилар. Табиб Маликанинг ҳам тилининг тагини кўриб, бу ҳам ишқ касалига гирифтор бўлган деди. Шаҳзодаи Юнон дарҳол Маликаи Гулнинг дугоналарини чақиртириб, улардан сўраб билдики, малика шаҳзодага ошиқ бўлган экан. Шаҳзодаи Юнон отасига маслаҳат қилди. Отаси:

— Эй ўғлим, қизингни шундай шаҳзодага бермасан, кимга берасан. Булар ҳам подшоҳзода экан. Ўзинг кўрдингки, шаҳзода паҳлавонликда ҳам тенгсиздир,— деди. Шундай қилиб, булар икки шаҳзоданинг тўйини бошладилар. Бир печа кун тўй-томошолар қилиб, шаҳзода Жаҳон билан маликаи Гулни никоҳ қилдилар. Яна бир неча кунлар ўтиб, улар ўз шаҳарларига кетар бўлдилар ва Юнон подшоҳидан: «Энди рози бўлсангиз, маликаи Гулни олиб кетсак»,— дедилар. Юнон подшоси ҳам рози бўлди. Юнон подшоҳи бир неча канизаклар ва бир неча минг аскарлар билан буларни узатиб қолди. Шаҳзода Малик билан барча аскарлар йўлга тушдилар. Йўл юрди-

лар, йўл юрсалар ҳам, мўл юрдилар. Бир хушҳаво жой келди, булар шу жойда бир печа кун истироҳат қилмоқчи бўлдилар.

Шундай қилиб, улар минг машаққатлар билан бир шаҳарга келдилар. У шаҳар халқи буларни шаҳардан ўтказгани қўймади. Шаҳзода Малик: «Бу шаҳар кимнинг шаҳри», деб сўради. Шаҳарликлардан бири:— Бу Исфиҳонга қарашли бир шаҳардир,— деди. Шаҳзода Малик:— Исфиҳон бўлса, ўзимизнинг жой экан. Бизларга Исфиҳоннинг йўлини кўрсатинг!— деди.

Шу шаҳарнинг бир томонида йиртқич ҳайвонлар ниҳоятда кўп бир жой бор эди. Шаҳар қоровуллари дилида: «Исфиҳон йўлини кўрсатсак, булар Исфиҳонга кетишади. Яхшиси шуки, булар ана шу жойга боришсин, ажабмаски, адашиб кетишса», деб ана шу ҳайвонлар кўп жойга йўлни кўрсатиб юбордилар.

Булар юра-юра бир дарёнинг лабига чиқдилар. Дарё лабига яқинлашганда кеч бўлиб қолди. Улар шу ерда ётар бўлдилар. Юнон аскарларидан баъзилари чиқиб Шаҳзода Маликка:

— Эй подшоҳим, биз бунақа жойларни кўп кўрганмиз, бу ер ниҳоятда хавфли жойдир. Бу ерда шундай ҳайвонлар борки, барчамизни ҳалок қилади, биз бу ерда ётмайлик,— дедилар.

Шаҳзода Малик уларга:

— Эй дўстлар, сизлар бошқа бир жойга чиқиб ётинглар, мен шу жойда ётаман,— деб, уларни бир тепаликка қўйиб, ўзи беша ичига кирди, сайру томоша қилиб юрар эди. У шерни аввал шаҳзода Малик ушлаб ўзига муте қилган эди. Шаҳзода Малик ғойиб бўлганида, шер яна Ватанига келиб, шу бешада юрган эди. Уша шер шаҳзоданинг ҳидини олиб, ҳар томонга ўкириб югурар эди. Иттифоқо, шаҳзодани шер кўриб, шаҳзода шерни кўриб бир-бирларига оби-оташдай югуриб, шер бирдан келиб, шаҳзоданинг қадамига юз-кўзини суртиб, шаҳзода шернинг пешонасини силаб, ота болани топгандай бўлиб қолдилар. Бу ҳолни тамоми даррандаю парранда кўриб, ҳар томондан томоша қилар эди. Чунончи айиқ ва йўлбарслар буларни кўриб, ҳар томонга тортилиб турар эди. Чунки ҳайвонлар ичида энг йиртқичи шер бўлиб, у бир нима сайд қилса, бошқа ҳайвонлар бормай, ҳар томонга кетишар эди. Бу оқшомни икковлари шу бешада ухлаб ўткардилар. Эрта билан ҳар хил паррандалардан, кийиклардан овлаб юрдилар. Шаҳзода Жаҳон кўнглида: «Отам бу оқшом келмади, бу ўрмоннинг ичида унинг аҳволи нима бўл-

ди экан» деб, бир қанча кишилар билан беша томошасига кирдилар. Ҳар томонни кўриб, ахтариб юриб, йўлбарс, айиқларнинг овозини эшитдилар. Шаҳзода Жаҳонга:— Эй шаҳзода, отангизга бу бешага кирманг, деб бир неча бор айтдик. У киши гапни олмасдан кирдилар, бу бешадаги ҳайвонлардан одамзод тирик қоладими? Яхшиси шуки бу ердан тезроқ қочиб ташқарига чиқайлик. Кўраяпсизми ҳар хил овозлар келяпти,— деб бирга келган кишилар шаҳзода ни йўлдан урди. Шаҳзода уларга:— Кетсаларинг, кета-веринглар! Агар бу ҳайвонлар отамни еган бўлса, мени ҳам ея қолсин,— деб ўзини ўрмон ичига урди. Улар қочиб чиқиб кетдилар. Шаҳзода Малик эса, сайд қилган бир неча кийик ва паррандаларни кабоб қилиб еб, шер билан икковни уйқуга кетган эди. Шаҳзоданинг тиззасига шернинг боши қўйилган, шернинг хириллаганига ўрмон ларзага келар эди. Шаҳзода Жаҳон буларни кўриб: «Отам ўрмонга тушиб, шу шерни мусахҳар қилибди. Мен унинг ўғли бўлсам, мен ҳам бир қидириб биронта ҳайвонни мусахҳар қилмай чиқсам, баъзи аскарлар отаси шерни ушлабди-ю, боласи қуруқ чиқибди, деб менинг бетимга таъна қилмайдими, деб бешанинг бошқа томонига қараб кетди. Шаҳзода Жаҳон бир жойга борса, турли туман қушлар, бир жангал устида қўниб турибди. Ҳар хил мевалар ҳар томонларда осилиб, роса пишиб, тагига тушиб турибди. Бир томонла қир, баландлик бор. Уша жойда бир айиқ полвон бор эди. У жойга ҳеч қайси ҳайвон боролмас эди. Қайси жонивор борса, айиқ тутиб ер эди. Шаҳзоданинг шу жойга борганини айиқ полвон кўриб, бирданига югурди. Шаҳзода бу мевга қараб келар деб, чобуклик билан бир ирғиб дарахтининг шохини ушлади. Дарахт устидан отилиб айиқ полвон устига сакради. Дарҳол айиқнинг икки қулоғидан тутиб, бошидан айлантириб ерга шундоқ ҳам урдик, айиқнинг ўпкалагини оғзига келгудек бўлди. Шаҳзода каманд билан айиқнинг оғзини боғлаб, бўйнидан етаклаб келаверсин, энди гап: шаҳзода Маликдан эшитинг.

Шаҳзода Малик уйқудан туриб оҳиста-оҳиста тепаликка чиқиб келаверди. Барча лашкарлар шаҳзодага интизор эди. Шаҳзода Маликнинг бир ҳайвон билан чиқишини кўриб, қўрқиб тўс-тўпалон қилиб, ҳар томонга қочдилар. Шаҳзода Малик:— Эй халойиқ, қўрқманглар. Бу ҳеч озиб бермайди,— деди. Барча лашкарлар жо-бажо бўлдилар. Шаҳзода Малик улардан:— Шаҳзода Жаҳон қайга кетди?— деб сўради. Улардан бири:— Сизни ахтариб тушиб эдик, у ҳар хил даррандаларнинг овозини эшитиб: «менинги тириклигим отам билан, отам қандай бўлса, мен ҳам шу»

дай бўламан» деб, беша ичига кириб ғойиб бўлиб кетди,— деди. Шаҳзода Малик бу гапни эшитиб, дарҳол ўрмон ичига ўзини урди. Ҳар томонларни сайру томоша қилиб юриб эди, бир томондан айиқнинг овози келди. Шаҳзода Малик ўша томонга йўл олди. Шаҳзода Жаҳон ҳам бир айиқ пол-бонни мусахҳар қилиб етаклаб келаётганини кўрди. Иккови лашкарлар олдига келдилар. Барча лашкарлар буларни кўриб, таҳсину офарин қилдилар.

Булар шундан кўчиб, бир неча манзил йўл юриб, Исфиҳонга яқинлашдилар. Исфиҳонга кирмасдан чодир-чим-матларини тикиб ётдилар. Эрта билан йўлдан бир гуруҳ халқ ўтди. Улардан:— Эй халойиқ, қаерга борасизлар?— деб сўрадилар. Улар: Исфиҳон мамлакатаида бир ейиш¹ бор. Исфиҳон подшосининг набиралари йўқолган экан, ўшанга йил ошн берар экан, барча қишлоқларга ва қарияларга хабар қилибдилар,— деди. Шаҳзода Малик билдики, шаҳзода Жаҳонни ўлди деб билиб, подшоҳ Маликан Асфияни ўз шаҳрига олиб келиб, неварасига ош бераётир экан. Шаҳзода Малик қаландарона либослар кийиб, шаҳзодани ҳам бошқача кийинтириб, булар ҳам бориб бир томонда ўтириб, оби-тоблардан ичиб ўтиравердилар. Баковул боши:

— Сизлар ҳам еганларингизни еб, туриб кетаверинглар. Уринларингга бошқа кишилар ўтириб овқат есин,— деди. Булар:

— Бизлар мусофир мардуммиз, шаҳарма-шаҳар юриб кун кечирамиз. Биттамыз табиб, бир хилимиз уста, баъзи бир хилимиз сартарош. Бизлар ҳар хил ишларни қиламиз,— деб чой ичишиб ўтиравердилар. Булар келган вақтда подшоҳам уларни кўриб кўздан кечирган эди. Яна бир фасл, икки фасл кўрдик, булар ўлтирибди. Подшоҳ ёнидагилардан бирига:— Ўтирган кишилар нима учун чиқиб кетмайдилар?— деди. Баковулбоши:

— Улар мусофир эканлар, бириси табиб, бириси жароҳ — ҳаммалари ҳунарманд экан. Бирпас туриб кетамиз да, деб чой ичиб ўтирибдилар,— деди. Подшоҳ:— Бориб йитин, менинг бир кўр қизим бор. Шу кўр қизимнинг кўзини оча олармикин?— деди. Вазир келиб сўради. Булар:— Ҳа, ҳам биламиз,— деди.

Бирпас туриб ҳамма халойиқ ҳар ёққа кетгач, подшоҳ табибни чорлади. Шаҳзода Малик табиб қиёфасида бўлиб, бир кулбарни кўтариб, подшонинг ўрдасига кирди. Шаҳзода Жаҳон ҳам шогирд сифатида кирди. Подшоҳга шаҳзода

¹ Е й и ш — худойи.

Малик:— Қани, касалингизни олиб келинг. Мен кўрай, қани,— деди.

Шаҳзоданинг олдида Маликаи Асфияни олиб келдилар. Шаҳзода Жаҳонга отаси: Сен ташқари чиқиб тургин, лекин ўзингни устивор тутгин, мабодо ўзингдан кетиб қолмагин,— деди. Шаҳзода Малик Маликаи Асфия билан рўбарў бўлдилар. Шаҳзода Малик Маликаи Асфияни бу ҳолда кўриб, гўёки юраклари сув бўлиб, аҳди устиворлик билан ўзини тўхтатди:

— Эй маликам, сиз бошингиздан кечирган дамларингизни бирин-бирин баён қилинг, қани мен эшитай-чи,— деб гапга овутиб, бағридан китобчасини олиб варақлаб кўрди. Қарасаки, Кўҳи Қофдаги хазинадан олиб келган ҳалиги шишадаги сутдан икки чакра икки кўзига томизсалар, шундай равшан бўладики, худди ёшлигидагидек бўлади,— дебди.

Дарҳол у сутдан икки чакра томизиб, маликанинг кўзини бойлаб қўйди.

— Эй подшоҳим, ҳар куни келиб бир қатинни оламан. Ўзим муолижа қиламан,— деди. Шаҳзода Малик Маликаи Асфияни қирқ кун даволаб соппа-соғ қилди. Подшо бу ҳолни кўриб бениҳоят хурсанд бўлди. Подшо:

— Тила тилагингни!— деди. Шаҳзода Малик:— Бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, тиларман,— деди.

— Нима тиласанг, берарман,— деб ваъда қилди подшо. Шаҳзода Малик:

— Эй подшоҳим, мен кўп зўр табибман. Бир қанча кишиларни яхши даволаб ана шундай сизга ўхшаб ваъдани воис қилиб кейин бермайдилар. Ана энди сиз агар менга тилагимни бераман, деб ваъда қилсангиз, бир парча қоғозга: «Менки, подшоҳи Исфиҳондурман. Табибнинг шў қилган хизматига мукофотини бераман», деб ёзиб ҳукумат муҳрингизни босинг! Ана менга ўша қоғоз бўлса бўлади,— деди. Дарҳол бир парча қоғоз ёздириб, ҳукумат муҳрини босиб, табибнинг қўлига берди. Табиб:

— Энди мен бир нарсa сўрасам, бир қошиқ қонимдан ўтасизми?— деди. Подшо рози бўлди. Шаҳзода Малик:

— Ундай бўлса, менга ана шу қизингизни никоҳлаб берасиз,— деди.

Подшо бир оҳ уриб, тамом олам бошига йиқилиб, афсунадомат қилди. «Аввал мен хато қилиб, унинг гапига кириб аҳднома берибман. Бўлмаса, буни бошидан танини жудо қилар эдим», деб ўйлаб кетди. Кўнглида айтди: «Дарҳақиқат шаҳзода Малик ўғли билан ғойиб бўлиб йўқолиб кетди. Агар улар жаҳонда бўлса эди, бир ному нишонни бў-

лар эди. Энди улардан фойда йўқ. Агар мен бу аҳдимда турмасам, жаҳон халқига адолатсиз бўлиб, лаънат пушт-пуштимга ўтиб кетар» деб, қизга маслаҳат қилди:

— Табиб: «сиз менга қизингизни беринг», деди. Энди сен нима дейсан?— деди.

Маликан Асфия:

— Аввалдан шу гапни айтганингизда мен ўзимни ўзим ўлдирар эдим. Бу гапни биринчи айтдингиз. Бундан буён бунақа гапларни айтманг ёки бир биёбонга чиқиб кетаман, ёки ўзимни ўзим ўлдираман,— деди. Подшо қизидан бу жавобни эшитиб, табибдан у жавобни эшитиб, ҳайратда қолди. Нима иш қилиши иложини билмади. Табиб:

— Эй подшоҳи олам, маликага айтингки, ўзлари бу ерга келиб бир-икки сўз айтсинлар. Ўзлари билан гаплашай, қани кейин мен қаноатланаман,— деди.

Подшо маликага одам юбориб олиб келтирди. Уртага парда тортиб, малика бу томонда бўлса, шаҳзода у томонда турди.

— Эй маликам, сизнинг кўзингизни очишга мен сабаб бўлдим. Огангиз қизимни бераман, деб ваъда қилдилар. Агар рози бўлсангиз, бу ишга рағбат қилинг. Мана ўзларининг аҳдиномалари бор,— деб аҳдиноманинг ичига Маликанинг нигинини қўшиб берди. Малика ўқиб, ичидаги нигинчи олиб қарасаки, ўзининг нигини. Малика аввалдан, гапларидан шаҳзода Малик шу бўлса керак деб сезган эди, ҳақиқатан билдики, Шаҳзода Малик шудир. Дарҳол Малика парданинг бир томонидан қараб кўрдик, шаҳзода Малик билан шаҳзода Жаҳон бошқа либослар ичига бурканиб, ўзларини табиб қилиб турибдилар. Малика ҳам паҳлавонлик билан ўзини устивор тутиб, отасига қараб:— Ҳай, майли, энди сизнинг аҳдиномангиз борлик қилди. Агар, мен йўқ десам, сизнинг номингизга лаънат тушади. Энди розиман,— деди. Отасига яна:

— Эй ота, сиз бир иш қилингки, яхшилаб тўй-томоша қилиб обрўни қўлдан берманг. Бу келган табиб эмас, сизга ўхшаган бир мамлакатнинг подшосига ўхшайди,— деб таъинлади.

Подшо чиқиб бориб тамоми аркони давлат, айёми салтанатга:

— Бугундан бошлаб Исфиҳон шаҳри безалсин! Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бўлсин! Маликан Асфияни табибнинг никоҳига киргизурман,— деб фармон чиқарди. Тамоми акобярлар Исфиҳон шаҳрини гулдай безатдилар. Қирқ куну қирқ кеча тўй-томоша қилиб, куёв билан келинни чимилдиққа киргиздилар. Қайнотаю қайноналар ўзларининг

шаҳзода Малик куёвлари эканини билдилар. Шаҳзода Жаҳон ҳам кириб, онасининг оёқларига бош-кўзларини суртиб, она-бола, ота — ҳаммалари мақсадларига етдилар.

Шундай қилиб, булар ўз лашкарларини Исфиҳон шаҳрига киргизиб, зиёфат қилиб, Маликаи Гулни ҳам Маликаи Асфияга таништириб, бениҳоя хурсанд бўлдилар. Маликаи Асфия ўзини гўё ёш бўлиб, аввалги ҳолатига келгандай сездди.

Булар бир неча ойдан кейин Исфиҳон халқи билан видолашиб, Хуросонга жўнадилар. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, машаққати тамом бўлиб, Хуросон ҳаддига яқинлашдилар. Хуросон шаҳрига кирмасдан:

— Эй Хуросон подшоҳи, мен шаҳзодаи Малик бўламан, Хуросонга келяпман, энди шаҳарга кириш олдида сиз менинг обрўйим учун шаҳарларни безатиб, камбағал ва фақирларни ушбу муносабат билан шундай бой қилингки, жаҳон халқлари офарин десинлар,— деб нома ёзиб, бир қишга берди. Ул киши номани олиб бориб Хуросон подшоҳига берди. Шаҳзода Ҳурмуз номани ўқиб, бениҳоя хурсанд бўлиб:

— Энди менинг ҳам ўғлим бор экан,— деб, барча мулозимларига:

— Хуросон дарвозаларини очинглар, кўча-бозорларни безатинглар, қайси жойлар ифлос бўлса, тозаланглар, пояндозлар солинглар,— деб буюрди. Қанча хазинабонларга айтди:

— Зару жавоҳирлардан шаҳзода Маликнинг бошидан нисор қилинглар. Бу келган номачига бошдан-оёғигача сарпо беринглар!— деб буйруқ чиқарди.

Хуросон шаҳри гўёки гулдек очилди. Шаҳзода Малик келиб, шаҳарга киришидан ўрдага киргунча бошидан таъга-тилалар сочилди, фақирлар бой бўлди. Шаҳзода Малик, шаҳзода Жаҳон ва уларнинг маликалари, муте қилиб келтирган салобатли ҳайвонлари Хуросон халқини, дўстларини бениҳоя хурсанд қилди. Душманларнинг нафаслари тагига чўкиб, ҳасрату надомат қилиб, ғамга ботдилар. Шундай бўлдики, Хуросон мамлакати бир чаманзор бўлиб, шаҳзодалар билан маликалар булбуллар каби чаманзорга восил бўлдилар. Ҳамма қавму қариндошлар, эл-уруғлар хурсандчиликларидан куннинг ўтганини билмас эдилар. Бир неча ой-кунлар тўй-томошалар бўлиб ўтди. Кўнгилларида: «Бизлар бу жойларда тўй-томошаларда юрсагу, Ҳаворондаги уруғларимиз ғаму кулфатда юрсалар, энди уларни ҳам ғам гирдобидан чиқариб, подшолик чамани висолга еткурсак» деб ўйлаб, шаҳзода Малик бошлиқ лашкарлар

салтанат билан Ҳаворонга йўл олдилар. Улар шаҳарма-шаҳар, қарияма-қария, қишлоқма-қишлоқ юрар эдилар. Барча халойиқ буларнинг шикваю салтанатига, ҳайбату салобатига, хусусан, ҳайвонни муте қилиб келганларига қойил қолар эдилар. Ҳосили калом, булар Ҳаворон шаҳрига яқинлашди. Ҳаворон шаҳри пешвоз чиқди. Бу шаҳар ҳам Хуросондек либосга бурканди. Йўқ бўлиб кетган кишилар осмондан тушгандай бўлиб, Ҳаворон халқининг дилида заррача армон қолмади. Булар неча кун тўй-томошалар қилиб, Ҳаворон мамлакатига шаҳзода Маликни подшо кўтардилар. Унг қўл вазири қилиб қипчоқ паҳлавонини тайин қилдилар. Шундай қилиб, булар ҳам етди муродга, бизлар ҳам отайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

ДУНЕДА ЙУҚ ХУНАР

Бор экан-да, йуқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадимги замонда, бир мамлакатда бир подшо бор экан. У подшонинг чиройли бир қизи бор экан. Қўп мамлакатлардан совчилар келиб, қайтиб кетар экан. Қиз: «Қимки дунёда йуқ хунар-ни ўрганиб келса, ўшанинг никоҳига кираман», деб шарт қўйган экан. Келган совчилар қизнинг бу шартини уддасидан чиқа олмай, қайтиб кетар эканлар. Шундай қилиб, бир неча йиллар ўтиб бораверарди. Қизнинг бу шarti бутун мамлакатга ёйилиб, охири ҳеч жойдан совчи келмай қолди.

Шу мамлакатнинг бир чеккасида бир кампир бор эди. У шаҳарнинг қондаси шундай эди — камбағалроқ кишилар овқат қилишга нарсалари бўлмаса, болаларини сотиб кун кечирар эдилар.

Кунлардан бир куни кампир ночорликдан боласини етаклаб чиқиб, сотмоқчи бўлиб ўтирган эди, бола кал эди. Мамлакатнинг бошқа томонидан келган бир жодугар, бу кал болани сотиб олиб кетди.

У болани олиб кетиб, хизматкорликка қўйди. Жодугар бир қанча кишиларни олиб келиб, семиртириб ер эди. Унинг илмидан ҳам зиёдроқ эди. Бу жодугар болани емасдан, ҳар қандай хизматларга буюриб, хизматкор қилиб олиб юраверди. Бола қизнинг хизматини қилиб юрди. Қиз эса, унга сеҳргарлик илмини ўргатиб қўйди. Бу сирни отаси билмас эди. Шундай қилиб калнинг илми аста-секин ошаверди. Лекин кал ҳам бу сирни билдирмасдан юрар эди.

Бир куни кал ўгириб йиғлаб юборди. Қиз:

— Эй калжон, нимага йиғлайсан? — дегач, кал, бир неча йиллар онасини кўрмай мусофирчиликда юрганлигини қизга дарди ҳол қилди. Калнинг бу йиғлашига қизнинг раҳми келиб:

— Ҳой калжон, бўлмасам, яна бир-икки хил илмдан таълим бераман, шунини ўргангач, кетгину, шу илмларни то м ўлмагунча дунёда ҳеч кимга билдирма. Агар билдир-

қўл қолсанг, отам сени ҳалокатга етказди. Сени отамдан
бир сўраб кўрай-чи. Жавоб берса қўйиб юборамиз,— деди

Қиз отасига бориб:— Ота, шу калнинг биргина онаси
бўр экан. У бир қанча йиллар бизларга хизмат қилди. Энди
мунга жавоб берсангиз, кетса,— деб ёлворди. Отаси қизки-
нинг сўзини қайтаролмасдан болага ночор жавоб берди.
Шундан кейин кал қиз билан хайрлашиб, ўз мамлакатига
қайтди. Онаси билан топишиб, юраверди.

Бир кун кал қараса, уйларида на овқатлик, на дунё-
ликдан ҳеч вақо қолмабди. Нима иш қилишини билмасдан,
ночор онасига маслаҳат қилибди:

— Эй она, эрта бозор кун, эрта билан мен оғилхонада
сениҳоя семиз ва хушсурат бир бўрдоқи қўй бўлиб тура-
ман. Сиз эрта билан мени бозорга олиб боринг. Яхши қўй-
лар баҳоси ўн тилла бўлса, мени икки баравар зиёда қилиб
сотасиз. Лекин шуни қўлоғингиз билан эшитиб армонда
қолмангки, агар ўзим йигирма тилла бўлсам, нўхтам юз
тилла бўлсин ва сотганда нўхтамни олиб қолинг. Агар сиз
шу васиятимдан адашиб, пул яхши кўриниб, нўхтамни ҳам
сотсангиз, абадул-абад мендан айриласиз,— деди. Кампир
эса: «Ўғлим жинни бўлдим ё калласи қалқидими, бу кал-
га нима бало бўлди, сўзлари айниб, бундай бемаъни гап-
ларни айтади» деб, кўнглидан ўтказди. Эрталаб ўрнидан
туриб қараса, кал кўринмайди. Кечаги айтган гапи тўғри-
микан деб, келиб оғилни қараса, дарҳақиқат, оғилхонада
дунёда йўқ бир қўй турибди. Кампир қўйни етаклаб, бо-
зорга подшо саройининг олдида олиб бораётиб эди, под-
шо хизматкорлари чиқиб кампирга:

— Эй кампир, бу қўйни сотасанми, сотсанг баҳосини
айт?— деди.

Кампир қўйнинг нархи бозорда бир ҳисса бўлса, икки
ҳисса зиёда айтди. Подшо хизматкорлари кампирдан қўйни
сотиб олдилар. Подшоликка олиб кириб қарадиларки,
дунёда ҳеч бундай қўй бўлмайди. Хизматкорлар пичоқла-
рини чархлаб, сўймоқчи бўлганларида, қўй ранг-баранг
товланиб кетаверди. Подшо кишилари афсус қилиб: «Шун-
дай аркони давлатда, шундай ажойиб қўйни бир томонда
асраб қўйса ҳам яхши бўлади», деб қўйни сўймай қолдир-
дилар.

Бугун ўтди, эртанги кун қўйхонани қарасалар, қўйдан
асар йўқ. Аркони давлат тало-тўп бўлиб ахтаришиб, су-
риштириб қўйни ҳеч топа олмадилар.

Кал бўлса онаси билан ҳалиги пулларни маишат қилаб
ёб юраверди. Бу пуллар ҳам тамом бўлиб, яна аввалги кун-
ларига қолдилар. Кал нима қилишини билмасдан, яна

аввалгидай жоду қилиб юраверай деса, ҳалиги қизнинг шарти бор, қилмай деса, овқатсизлик, ўйлаб-ўйлаб, охири онасига:

— Эй она, эртага бозор. Эрта билан мен отхонада бир гишт устида ўйнайдиган бир от бўламан. Мени бозорга олиб чиқиб, отлар қаторида олиб ўтиринг. Отбозлар келиб, мени олмоқчи бўлсалар, баҳомни бошқа отларга қараганда зиёдроқ айтинг ва қиммат сотинг. Лекин нўхтамни зинҳор-зинҳор сотманг. Агар пулга қизиқиб сотиб юборсангиз, мендек болангиздан ажралиб қоласиз,— деди. Эрта билан кампир отни етаклаб, бозорга олиб чиқиб, бир чеккада ўтириб эди, бир қанча отбоқарлар келиб, харидор бўлиб кетардилар. Охири подшоликдан кишилар бориб қарадиларки, ниҳоят чиройли ва ақлдан ташқари хушсурат бир от турибди. Подшо одамлари отни олиб кетдилар. Кампир эса пулни олиб, уйига қараб бадар кетди. Подшо одамлари отни олиб бориб, сайисларга топширдилар. Эрта билан туриб қарасаларки, сайисхонада от у ёқда турсин, тезаги ҳам йўқ. Подшолик саросимага тушиб, ҳар томонларни ахтариб, отдан асар топмадилар. Бир қанча вақтлар ўтгач, ҳалиги кампирнинг пуллари қолмасдан, яна танг авҳолда қолди. Кал яна шу ҳунарни қилмоқчи бўлиб кўнглидан ўтказди. Лекин мамлакатга калнинг қилган иши маълум бўлиб қолди: «Бир кампир бор эмиш, шу кампир гоҳо қўй, гоҳо мол, гоҳо от — ҳар хил нарсаларни бозорга олиб чиқиб сотар эмиш. Лекин ўшанинг сотган нарсаси йўқ бўлар эмиш», деган гап тарқалди. Бу гап ҳалиги сеҳргар одамжўрнинг қўлогига ҳам етди. У, мамлакатда шундай ғалағул пайдо бўлибди,— деб эшитди, бироқ ичида ўйладики: «Бу мамлакатларда мендан бошқа жодугар йўқ. Ким бу ишни қилар экан», деб охири шу кал эсига тушди. «Шу кал менинг хизматимда юрган вақтда озроқ ўрганиб қолган бўлса керак» деб, кўнглидан кечирди. Лекин калга жодугарликни ўзининг қизи ўргатганлигини билмас эди. Шундай қилиб, ҳалиги жодугар бу ишни пойлаб, бозор куни бозорга келиб: «Қачон шунақа яхши от, яхши қўй, яхши мол ёки туя каби жондор келаркин, агар ниҳоят семиз ва хушсурат жондор бўлса, шуни топаман», деб кўнглидан ўтқариб, пойлаб юрар эди.

Бир куни кал пуллари қолмай, нима қилишини билмасдан, ишлай деса, ишга бўйни ёр бермасдан, ночор онасига қараб:

— Эй она, эртага бозор, мен ниҳоят зўр, катта бир туя бўламан, сиз мени бозорга олиб чиқинг. Баҳомни кўп зиёдга айтинг. Сотингу, лекин пулни ҳар қанча зиёд берса ҳам

нўхтамни сотманг,— деб тайинлади. Эртаси кунни кампир қарадики, дарҳақиқат, ақлдан ташқари бир туя пайдо бўлибди. Кампир уни бозорга етаклаб бориб, туя бозорида тўхтади. Туячилар келиб харидор бўлдилар. Ҳалиги жодугар ҳам келиб савдо қилди, кампирдан сўради:

— Туянг неча пул?

Кампир:

— Юз тилло,— деб жавоб берди. Ҳалиги жодугар савдолашиб, охири айтганига олди-да, кампирнинг қўлидан нўхтани ушлаб эди, кампир нўхтани бермасдан қаршилиқ қилди. Ҳалиги жодугар:— Хайр бўлмаса, бошқа ип олиб келай,— деб жодугарлик билан кампирнинг қўлига бошқа ип тутқазиб, кампирдаги нўхтани олиб кетди. Кампир эса уйига келиб қараса, бу бошқа нўхта. Шундай қилиб, кампир афсусланиб, йиғлаганича қолаверди. Жодугар эса туяни етаклаб уйига олиб қайтди. Туяни мустаҳкам бир уй ичига бойлаб қўйиб, қизини чақирди ва:

— Ана, қизим, кўрдингми? Бунга сенинг раҳминг келиб, восита бўлиб, жавоб берган эдик. Бу бизнинг жодугарлик илмимиздан фойдаланган экан. Шаҳарда бир қанча ишлар қилиб юрган экан. Охири мен унинг қилган наъмаларини эшитиб, бугун бориб қўлга туширдим. Уни аввал емасам ҳам, энди ейман. Бориб пичоқ билан табар¹ келтиргин. Буни сўйиб, гўштини еб, жоним ҳаловат топсин,— деб қизига буюрди. Қиз бориб табар билан пичоқни бошқа томонга яшириб, тополмаган киши бўлиб келди. Жодугар қарадики, қизининг қўлида ҳеч нарса кўринмайди. «Қани пичоқ билан табар», деб сўради. Қиз:

— Эй ота, шунча ахтардим, топа олмадим,— деди. Шундан кейин жодугар қизига:

— Энди сен шу уйдаги туяга қараб тургин, мен ўзини топиб келай,— деб тайинлаб, кириб кетди. Қиз эса туянинг олдида кириб, урушиб ваҳшат қилди:

— Эй кал, сенга айтмаганимдир, шундай бўлмағур ишларни то отам ўлгунча қилмагин деб. Энди ўзингдан ўтди. Шундай бўлса ҳам мен сенга бир яхшилиқ қиламан,— деб туянинг ипини бўшатиб юборди. Туя югуриб чиқиб, бир юмалади-ю, бир каптар бўлиб ҳавога учиб кетди. Жодугар келиб қизидан:

— Туя қани?— деб сўради. Қиз айтди:

— Эй ота, туя ечилиб чиқиб, бир юмалаб каптар бўлиб ҳавога учиб кетди. Ана ишонмасангиз, кўринг,— деб каптар учиб кетган томонни кўрсатди. Жодугар қарадики,

¹ Табар — болта.

каптар хира-сира кўриниб, учиб кетиб бораяпти. Жодугар ҳам бир юмалаб қарчиғай бўлиб, каптарнинг кетидан қуваберди. Булар бир-бири билан қувлашиб учавердилар. Қарчиғай етай-етай деганда, олдиларидан бир подшо чорвоғи чиқиб қолди. Каптар бирданига подшонинг чорвоғи тушиб, бир неча туп гул бўлиб очилиб турди. Подшо вазирлари билан сайл қилиб, бир жойда майшатбозлик қилиб ўтириб эди, шу гулни кўриб қолди. Гул очилиб, алвон-алвон товланиб турибди. Подшо буюрди:

— Уша гулдан узиб беринглар! Хизматкорлар гулни узиб келиб подшога тутдилар. Шу пайтда гулнинг устига ҳалиги жодугар қўлиб бир булбул бўлиб шундай хонишга келдики, ҳеч ақлдан ташқари. Подшо хизматкорлари билан булбулни ушламоқчи бўлиб, ҳар томондан ёпирилишиб келиб, булбулни тутиб эдилар, булбул бир одам бўлиб, булар билан гаплаша кетди.

— Эй дўстлар, келинлар, сизларга бир суҳбат қилиб берай,— деб жодугар қўлига созни олиб, бир ашула айтишга тушди. Подшо хизматкорлари билан маст бўлиб қолдилар. Бир фурсатдан сўнг ашула тамом бўлди. Подшо ўрнидан туриб ашулачига:

— Эй ҳофиз, дунёда нима муродинг бўлса, мендан сўрагин, бераман,— деди. Ҳофиз ўрнидан туриб:

— Эй тақсири олам, менга сизнинг ҳеч нарсангиз керак эмас. Шу қўлингиздаги бир даста гулни берсангиз, бўлди,— дегач, подшо ҳалиги гулни бир искаб бермоқчи бўлди. Подшо гулни бир искагани ҳамона алвон-алвон ислар тараплиб, гул ранг-баранг тусларда товланиб янада яхши кўринди. Подшо кўнглида ўйлади: «Эй машшоқ, сен дунёдан бир нарса сўрагинки, у нарсадан бир киши баҳра топадиган бўлсин» деб, гулни беришга кўнгли бўлмади. Жодугар яна:— Шу гулни беришингизни сўрайман,— деди. Подшо берай деб эди, яна гул жилвага келиб, ҳар хил ҳидларни ўзидан сочди. Подшо бу ишга ҳайратда қолиб охири жодугарга қараб отиб юборди. Қарадики, гулдан асар йўқ. Бир қанча тариқ ҳар томонларга сочилиб кетди. Шундан сўнг ҳалиги ҳофиз бир юмалади-ю, бир товуқ суратига кириб, тариқларни териб ея бошлади. Тезда у тариқни бир дона ҳам қўймасдан териб еди. Шунда бир дона тариқ бир жойда яшириниб қолган эди. Шу бир дона тариқ юмаланиб келиб бир шақал бўлди-ю бирданига товуқни ушлаб, еб қўйди. Бу ишни кўрган подшо ва ақобирлари ҳайратда қолдилар. Ҳалиги шақал бир юмалаб, ҳалиги кампирнинг ўғли — кал бола бўлиб, аркони давлатнинг олдига: «Ассалому алайкум! Эй аркони давлат, аёни салтанат»,— деб қўл

қовуштириб, бир жойга ўтирди. Кейин кал подшога қараб:

— Эй подшоҳим, мен шу мамлакатнинг фарзанди бўлман. Менинг онам сотиб юборган эди, бир неча йиллар юриб шундай дунёда йўқ ҳунарларни ўргандим ва сизнинг мамлакатингиздаги одамхўр жодугарни дунёдан йўқотдим,— деди. Подшо ақибирлари подшога қараб:

— Эй тақсири олам, сизнинг кўнглингиздаги ва қизингизнинг кўнглидаги талабларингизни бажарадиган, дунёда йўқ ҳунарни биладиган, одамхўрни ўлдирган киши шудир,— дегач, подшо калнинг номига тўйни бошлаб, бир қанча кунлар тўй-томошалар бериб, кални эса табибу жарроҳларга қаратиб, аслига келтириб, қизини бериб, мурод-мақсадларига етдилар.

УҒРИ БИЛАН КИССАВУР

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда бир шаҳар бор экан. Шу шаҳарнинг бир маҳалласида бир аёл яшар экан. Шу аёлнинг бир эри бор экан. Бу аёл эрига: «Сен менга кундузи эрлик қиласан, кечаси бўлса, қаерни хоҳласанг, ўша жойда яшайсан», деган шарт билан турмушга чиққан экан. Бу аёлнинг яна бир эри бор эканки, унга: «Сен кечаси эрлик қиласан, кундузи, дарвозадан ичкарига кирмайсан», деб ваъдалашган экан.

Кунлардан бир куни бир тўй бўлиб, ҳамма халқ кетаётган эди, бу аёлнинг кечқурунги эри хотинига:

— Мен ҳам тўйга борай, бир оз нон бер,— деб нон талаб қилди. Хотин қараса, уйда битта нон, бошқа нон қолмапти. У ночор «нон йўқ» демасдан шу ноннинг ярмини ушатиб берди-да, эрини тўйга жўнатди. Шундан кейин кундузги эри келиб хотинига:

— Эй хотин, менга бир оз нон топиб бер, тўйга бориб келайин,— дегач, хотин ҳалиги патир ноннинг қолган ярмини ҳам чиқариб берди. Бу ҳам йўлга тушиб бораверди. У хотинининг кечқурунги эрига етиб олди-да, ҳамроҳ бўлиб гаплашиб боришди. Уларнинг олдиларидан бир катта анҳор чиқди. Анҳор лаби серсоя, хушфараҳ жой экан. Шунда булар бир-бирлари билан: «Келинг-эй, жўра, шу сояда бирпас ором олиб, гарттак овқатланиб кетамиз», деб анҳор лабига тушиб ўтирдилар. Бирови белбоғини ечиб ёзди-да, ҳалиги яримта патир нонни қўйнидан чиқариб, ўртага қўйди. Буниси ҳам қўйнидан яримта патир чиқариб қўйди. Икковлари қарадиларки, бир нонга ўхшайди. Бирови бировига тикилди.

Ниҳоят улардан бири:— Бу қандай воқеа бўлди. Икковимизнинг нонимиз бир нонга ўхшайди. Сизнинг жойингиз қайси томонда?— деб сўради. Иккинчиси:

— Менинг маҳаллам, фалон жойда, уйим фалон катта бир тутнинг тагида, дарвозаси фалон ёққа қараган,— деб таъриф қилди.

— Шу айтган жой, худди бизнинг жойимиз-ку,— деди.

Иккови нонни бир-бировига қўшиб кўрдиларки, баайни бир нон. Тўй ҳам у ёқда қолиб, икковлари ғириллашиб, ўша жойга қараб қайтдилар. Бирин: «Ана шу менинг жойим», деб уйга кирмоқчи бўлди. Иккови шу кун билан талашиб, ёқама-ёқа, сурхо-сур бўлиб, катта жанжал кўтардилар. Ҳалиги аёл дарвозани ургач, эрлардан бири:

— Ана шу менинг хотиним,— деди. Иккинчиси эса:

— Бекор айтибсан, бу менинг хотиним,— деб бир-бирлари билан можаролари ошиб кетди. Охири подшо томонидан мулозимлар келиб, буларнинг жанжалини — тинчитиб, жанжалнинг сабабини сўрагач, булар ҳалиги нонни чиқариб мулозимларга кўрсатдилар. Мулозимлар бу воқеага ҳайратда қолиб, аёлни ҳам чақириб сўрадилар:

— Эй аёл, буларнинг қайсиси сенинг эринг?— дегач аёл иккита қоғозни чиқариб мулозимларга берди. Мулозимлар ўқиб кўриб ҳайрон бўлдилар. Охири булар сўроқлашиб подшога бордилар. Подшо буларнинг ишини текшириб, аҳдномаларига амал қилиб, подшо ҳеч жазо бермасдан учовига ҳам жавоб бериб юборди. Хотин:

— Энди сизларга шарт шуки, қайсиларингизнинг ҳунарларингиз зиёда бўлса, ўша менга эр бўлиб қолади. Бўлмаса ҳозирдан бошлаб икковларингизга ҳам жавоб,— деди. Шундан кейин иккови бир-бирига қараб:

— Хўш, оғайни сизнинг нима ҳунарингиз бор?— деди улардан бири.

— Энди ҳунаримни эрта бозор кунни кўрсатаман. Сиз ҳам ҳунарингизни қай вақт кўрсатишингизни айтиб қўйинг. Модомики, бизлар бир-биримизни енгиб, қойил қилмаганимизча шу уйда аввалги қонда бўйича яшаб турайлик. Қачонки, бизнинг биримиз таслим бўлсак, биримиз кетамиз,— деди.

Эртанги кунни, бозор кунни эди. Булар бирга бозорга чиқди. Бирин:

— Бугун менинг сенга ҳунар кўрсатадиган вақтим келди. Мен нима десам, хўп деб бажонидил қабул қилиб кейинимдан эргашиб юраверасан,— деди-да, қўлига бир ҳуржун ушлаб, аста-аста тўғри молбозорига қараб йўл олди. Мол бозорига бориб, серпул кишиларнинг чўнтакларидан пул халталарини олиб, ҳамроҳига бераверди. Гоҳи вақтларда баъзи кишиларнинг ёнида келиб оғзидаги чайнаб турган сақичларини ҳам билдирмай олар эди. Шундай қилиб, бугунги бозор кунини кисса кесиш билан ва баъзи ҳарифона¹ найраишларни эртадан оқшомгача кўрсатиб, уйга қай-

¹ Ҳарифона — бу ўринда фирибгарона, алдоқчи маъносига.

тишди. Киссавур уйда хотинига қилган ишларини таъриф, тавсиф қилди:

— Қандайсиз, бизга қойил бўлдингизми?— деди. Иккинчиси:

— Ҳой оғайни, биз ҳам навбатимизни ўтказайлик. Ё сиз қойил бўласиз, ё мен қойил бўларман,— деди. Киссавур:

— Сиз қачон ҳунарингизни кўрсатасиз?— деди. Иккинчиси:

— Мен ҳунаримни, қоронғи кеча бўлса, шамол қаттиқ бўлса, ёмғир ёғиб турса, ана шу вақтда сизга кўрсатаман,— деди.

Бир неча кунлар ўтиб, кечқурун ҳаво зулмат бўлиб, сиссим ёмғир ёғиб, қаттиқ шамол туриб, ташқарига чиқишга ҳам ҳар қандай киши ожизлик қиладиган бўлди. Шунда иккинчи эр киссавурни чақириб:

— Эй оғайни, энди бизнинг вақтимиз келди,— деди. Шеригининг қўлига бир қоп бериб, бир қопни ўзига олиб, далага чиқиб, бирпас айланиб турди-да ўзига ўзи: «Энди майда-чуйда жойга боргунча биратўла аркони-давлатга кириб, бу киссавурга бир ҳунаримни кўрсатайин»,— деб подшоликка қараб йўл олди. Подшо дарвозасига узоқдан қараб кўрдики, бир қанча дарвоза посбонлари ва шабгирлар¹ юрибдилар. Ўғри қандай киришни ўйлаб, посбонлар олдига бориб, бир нима сўрайдиган киши бўлиб, қўл рўмолчасини уларнинг бурнига силкитиб юборди. Қўл рўмолча ичига беҳуш қиладиган дори сурилган эди. Қоровуллар бир оздан кейин беҳуш бўлиб, деворларга суянганларича қолдилар. Ўғри билан киссавур дарвозани очиб, ўрдага кирди-да, подшонинг ётадиган ҳужраси томонга қарашди. Подшо бир қанча кишилари билан суҳбатлашиб, шаробхўрлик қилиб ўтирибди, уларнинг баъзилари ўликдай қотиб, баъзилари чалажон бўлиб ётибди. Подшо эса ёнбошлаб, баданларини уқалаттириб туриб, маҳрамига:

— Бир ташқарига чиқ, у ёқ-бу ёққа қараб кел!— деди. Маҳрам бачча ташқарига чиққанида ўғри чаққонлик билан маҳрам баччанинг бўйнидан бўғиб, бир бурчакка элтиб, беҳуш қилиб ташлади. Ўзи эса маҳрамнинг киссасидан калитни олиб, ўз киссасига солди-да, подшонинг ҳузурига келиб, уни уқалай бошлади. Киссавур эса кўрққанидан кўнглида: «Таслим бўлдим энди»,— дер эди. Ўғри подшони уқалай берди. Подшонинг баданига унинг уқалаши ёқиб: «Бир ҳикоя билсанг, айт»,— деди. Ўғри:

¹ Ш а б г и р — тунги посбонлар.

— Эй подшоҳим, менинг ҳикояларим сизга ўхшаган подшоҳлар, менга ўхшаган ходимларни, эшикнинг тагида ётган посбонларни ҳақорат қилганини, сиз тек тинглаб турсангиз, айтаман,— деди. Подшо:

— Нима бўлса айтавер,— деди. Ўғри ҳикоянинг аввалини, охири ва аёл билан ўғри, киссавурнинг қилган ишларини таъриф қилиб, охири ўғри худди шу оқшомга ўхшаш кечада қаерга боришини билмасдан, худди сизнинг ўрданизга ўхшаган ўрдада қоровулларни маст қилиб, олдига кириб, ходими сизнинг ходимингизга ўхшаб, ташқарига чиққанида уни маст қилиб, бир чеккага қўйиб, ўзи ходим бўлиб, киссавурни эса юқори эшикнинг олдига қўйиб, ўзи уқалаётган бўлса ажаб эмас,— дейди. Сўз шу жойга етганда, киссавур қўрққанидан шошилиб, келганига юз пушаймон еб, ночор тураверди. Подшо эса силкиниб:

— Бадбахт, ҳазилингми, чинингми?— деб ҳовлиқиб қолди. Ўғри:

— Эй тақсирри олам, боя мен сизга айтмабмидимки, шундай гапларни гапирсам, тинч ётинг,— деб. Шундай аркони-давлатга ҳам ўғрилар кириб иш кўрсата оладими?— дегач, подшо тинч ётганича ухлаб қолаверди. Ўғри эса, хазинабоннинг калитини киссавурдан олиб, ҳар хил матолардан, дунёдаги асл анжомлардан икки қоп тўлдириб, киссавурга бирини кўтартириб, бирини ўзи кўтариб, дарвозадан чиқиб, бадар кетдилар. Бир неча фурсат йўл юриб, ҳансираб, пишқириб, чарчаб аёлининг уйига кирдилар. Киссавур эса ўғрига қараб:

— Эй оғайни, аёл пари бўлса ҳам, сенки бўлсин. Мен сенга таслим,— деб, икки қўлини кўксига қўйиб, шу кетганича бадар кетди. Ўғри эса шу аёлга кечаю кундуз эр бўлиб, мурод-мақсадларига етди.

Сизлар ҳам етинглар муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

РАМУЗЧИ¹ БОБОИ

Бор экан-да, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан, замонларнинг замонида бир қишлоқ бор экан. Бу қишлоқда бир ҳушёр, фаросатли, идрокли қари бобо бор экан. Шу қишлоқда яна бир бойвачча ҳам бор экан. Шу бойвачча кўчада кетиб бораётган пайтда, олдидан жуда хушсурат бир қиз чиқиб қолди. Қиз бойваччага қараб:

— Мен бир савдогарнинг қизи эдим. Менинг отамни қароқчилар йўлда ўлдирди. Мен бўлсам, бир бало қилиб қочиб қутулдим. Шу қочганимча югуриб, юз минг машаққатлар билан шу ерда сизни кўриб қолдим. Энди мени олиб бориб хоҳ ўзингизга никоҳ қилинг, хоҳ хизматкорликка олинг,— деб ёлворди. Бойвачча қизни уйига олиб келиб, тўй қилиб, хотин қилиб олди ва у билан яшаб юраверди.

Кейинчалик шу қишлоқдаги одамлардан ҳар куни бир киши йўқола бошлади. Ҳалиги кекса бобо бу ишга ҳайрон қолди. Бир куни у бойваччанинг олдига ўтирган вақтида, бойваччага қараб:

— Нима учун сенинг рангларинг касалдай саргайиб қолибди? Илгари рангингда қон кўп эди,— деди. Бойвачча:

— Эй бобо, илгари, уйланмасдан бурун куч-қувватим, қоним кўп эди. Билмадим нима аҳвол бўлди,— деди.

Бобо ўйланиб, кўнглидан кўп гапларни ўтқариб, бир ҳикоя эсига келди. Ҳикоя шундай: «Бир хил кўлбар илонлар борки, улар ернинг тагига кириб қирқ йил ётса, аждаҳ бўлади, яна қирқ йил ётса, қиз бўлади. Шундан сўнг дунёда нима истаса, қилиб юраверади. Магар шундай илонлардан чиқиб, шу бойваччага учраган бўлмасин» деб, бойваччага:

— Эй ўғлим, мен бир гапни кўнглимдан ўтказдим. Кўнглимга олмасанг шуни айтаман,— деб илон ҳақидаги ҳикояни айтди:— Магар хотининг шу илонлардан эмасмикан. Биринчидан, сенинг ҳаракатинг, қонинг кетишини, иккинчидан, қишлоқ халқидан ҳар кеча бир кишининг йўқолишини шундан кўраман,— деди.

¹ Р а м у з ч и — фаросатли, зийрак.

Бола бу сўзларни эшитиб: «Бобонинг мияси камайганга ўхшайди» деб, кўнглида қаттиқ аччиғланиб, ўрнидан туриб кетди. Бир неча кунлардан кейин бойваччанинг аҳволи жуда оғирлашиб, гўёки олти ой ётган касалдай бўлиб, юриш-туришга мадори қуриб кетди. Бойвачча ўзича кўп ўйлаб, «шу бобонинг олдига бир борай» деб, аста унинг олдига келиб, бобо билан аҳвол сўрашиб, охирида бобога:

— Эй бобо, ҳақиқатан ҳам сизнинг гапингизга аччиғланиб кетган эдим. Энди ўзимча ўйлаб қарасам, сизнинг гапингиз тўғрига ўхшайди. Шу гапингиз тўғри бўлса, қандай қилиш мумкин?— деди. Бобо:

— Эй ўғлим, агар шу воқеани билай десанг, аввал оқшом шўр гўштлик овқат пишириб хотинингга едир, кўзаларни қуруқ қўй, эшикларни ичидан қулфла. Бир вақти хотиннинг сувсайди, кўзаларни кўради. Қараб тур, қани қулфланган эшикдан қандай чиқиб кетади, шундан кейин биласан. Агар билсанг, сирни ҳеч кимга айтмайсан, унда бир фикр қиламиз,— деб болани кўндириб юборди. Бола бобонинг олдидан чиқиб, уйига келди. Сертузлик таомлардан еб, ётадиган пайтида кўзаларни қуруқ қилиб қўйиб, эшикни ичидан қулфлаб ётдилар. Бола чинчоғини тилиб, туз тикиб, оғриғига уйқусини қочириб, ухлаган кишидай бўлиб ётаверди. Бир вақт хотини сувсаб, ҳар томонларни қараб чиқди, ҳеч қаерда сув йўқ. Кейин бир юмалаб бир илон шаклига кириб, эшик тагидан чиқиб кетди. Бориб сув ичиб, келиб ётаверди. Бу ишни кўрган бойваччанинг ҳуши бошидан кетиб, юз минг машаққатлар билан ўзини тўхтатди. Эртаси эрта билан бобо ҳузурига келди. Бобога бўлган воқеаларни бирин-сирин ҳикоя қилди. Бобо ўйланиб, кейин:

— Эй ўғлим, унинг иложи шуки, сен уйингга боргин, хотинингга: «Нариги қишлоқда менинг бир холам бор, шу холам тўйга айтиб юборибди. Қатлама, бўғирсоқ ва ҳар хил таомлардан пишир, икковимиз тўйга бориб келайлик», деб айтгин. Бу таомларни пиширгач, бир яхши отни топиб ол. Қишлоққа боришингда узун масофалик бир қумлик бор. Шу қумликнинг ўртасига етганингда, бир ҳийла қилиб отдан хотинингни тушир. Ўзинг отга миниб қочсанг, у сенга етолмайди. Охири у илон бўлиб сени қувади, аммо икки қумда ўлиб кетиши мумкин,— деб йўл-йўриқлар ўргатди.

Бойвачча бобога раҳмат айтиб, уйига бориб хотинига.

— Нариги қишлоқда бир холам бор эди. Шу тўй қилар эмиш. Шунга борсак, нима дерсан?— деб маслаҳат қилди. Хотини боришга рози бўлди. Сўнгра икковлашиб қатлама, бўғирсоқ, ёйма чалпак ва ҳар хил таомлардан тайёрлаб,

бойвачча бир яхши отни топиб, отга икковлари мінгашиб боравердилар. Бир неча тош юргандан кейин олдиларидан бир қумлик сахро чиқди. Шу қумдан юргач, хотин эрига

— Бу қумдан юрманг, бошқа йўл топинг,— деб кўп қаршилиқ қилди. Бойвачча:

— У жойларга боришга, бошқа йўл йўқ, ўзи яқин қолди,— деб алдаб-сулдаб қумнинг ўртасига етди. Қум ниҳоятда иссиқ эди. Бир жойга етгач, бойвачча бир ҳийла қилиб отнинг айилини ечиб тушириб юборди:— Эй, иш чатоқ бўлди,— деб огини тўхтатиб, хотинига:

— Бирпас тушиб отга дам берайлик ҳам айилни ечилиб кетди, уни маҳкам боғлаб олайлик,— деса хотини ҳеч кўнмади. Яна бир жойга бориб:— Айилни тортмаса, ҳеч бўлмайди, бир тушсанг ҳеч нима қилмайди,— деб ночор хотинини тушириб, айилини тортар-тортмас чаққонлик қилиб отнинг устига миниб, отга қамчи босди. От эса тўлиқсинб бойваччаши кўтариб кетди. Хотини бойваччаннинг кетидан бир неча қадам қувиб, охири етолмагач, бир юмалаб аждар бўлиб қуваберди. Биёбоннинг қуми иссиқлик қилиб, аждар юролмасдан кейинда қолиб, охири ёрилиб кетди. Бойвачча аждарнинг узоқдан, қумда судралиб, юролмасдан қумнинг иссиғлигидан ёрилиб кетганини кўрди. У хотинидан қутулиб, ўз қишлоғига қараб келди. Бобонинг йўл кўрсатиши билан бойвачча ҳамда шу қишлоқдаги халқлар қутулиб қолди. Бойвачча бобога таҳсини офаринлар қилди.

Шундай қилиб бобо ҳам бир неча йиллар умр кўриб, яхшилик билан мурод-мақсадларига етди.

ДОРО ПОДШО ВА ИСКАНДАРБЕК

Бир вақтда Доро деган катта подшо бор экан. У бир подшонинг қизига уйланган экан. У қизга Доронинг бир вазири ҳам ошиқ бўлиб қолган экан. Доро намоз ўқиётганда, вазир аёлни йўқ қилиш пайига тушибди-ю, бир хат ёзиб, подшонинг кавушига солиб кетибди. Доро буни сезмай намоз ўқиб бўлгач, кавушини кийгани келибди. Қараса, кавушининг ичида бир хат ётганмиш. Хат ердан чиқдими, осмондан тушдими, у билмайди. Хатни ўқиб қараса, шундай сўзлар ёзилган эмиш: «Аёлингизни тезда йўқотинг, подшолликда ундай нопок аёл турмасин».

Хотини ҳомиладор эди. Подшо сурништирмай, бир қанча буюм-асбоблар бериб, хотинини ҳайдаб юборибди. Хотин бир чордеворга бориб, ўғил туғди. Ўғлининг отини Искандарбек қўйди. Бир хатга боланинг номини ҳамда «кимки шу болани топса, шу буюмларни олиб, болани боқсин» деб ёзиб, чақалоқнинг бошига бир қанча қимматли буюмларни қўйиб, отаси подшолик қиладиган мамлакатга кетди. Бир подачи эчкиларини шу ерга олиб келиб қолади. Унинг эчкиларидан бири келиб, Искандарбекни эмизиб кетади. Подачи буни билмайди. У бир момонинг эчкиси эди. Подачи кечқурун уйга қайтганда, момо кўрадики, эчкисининг сути йўқ. У подачидан: «Эчкининг сути қани?»— деб сўрайди. Подачи: «Эчкининг сутини мен қайдан билай» деганда, кампир уни койиди. Эртаси ҳам подачи эчкиларни шу ерга ўтлатгани олиб келди. Эчки яна чақалоқни эмизиб келди. Подачи буни билмай қолади. Кун кеч бўлади. Подачи подаларни эгаларига қайтариб, «ошҳалол»¹га боради. Момо эчкисини соғай деса, бугун ҳам сути йўқ. Бу сафар у подачини кечагидан кўра қаттиқроқ урушади. Эртасига кампир подачи билан бирга ўзи чиқиб эчкисини боқиб келмоқчи бўлди. Бир қанча вақт ўтгач, эчки бир чордеворга кириб кетади. Подачи билан момо бундай келиб қарашса, эчки бир болани эмизаётган эмиш. Момо димоғи чоғ бўлиб, у болани

¹ Ошҳалол — подачининг хонадонлардан йиғиб оладиган ош

ўғил қилиб олади. Момонинг қўлида бола тарбия топиб, йилдан-йилга катта бўлиб боради.

У олти-етти ёшларга кириб қолди. Бола ҳунарга кўн қизиқади, устахоналарга бориб дурадгорлик, милтиқ ясаи, қилич ясаи ишларини ўрганади. У бир кун қилич қилаётган устада бир катта қилични кўриб, уни қўлига олишга рухсат сўрайди. Уста:

— Бу баҳодирларнинг қиличи, уни кўтариш сенинг қўлингдан келмайди!— дейди. Бола қилични бир кўриб берман деб қистай бергач, усталардан бири: «Қилични бериб, боланинг кўнгли қолмасин!»— дебди. Искандарбек қилични қўлига олиб бир силкиб кўриши билан, қилич уч-тўрт бўлак бўлиб кетади. Усталар бу бола момонинг ўғли эканини билиб, қиличнинг ҳақини тўлаттириб оладилар. Момо болани қойиб қўйди. Шунда бу воқеадан бир вазир ҳам хабардор бўлиб турган экан. У қиличнинг пулини тўлаб, момодан болани сўраб олиб кетади. Вазирнинг шу қатори бир ўғли бор эди. У Искандарбекни олиб бориб, ўғлига қўшиб қўяди. Улар иккови ўйнаб юришади.

Шу мамлакат подшосининг бир гўзал қизи бўлиб, унинг қирқта қанизи бор эди. Подшонинг қизи бир йигит билан ўйнашиб юрар эди. Йигитни қиз кийинида сақлар эди. Бу сирни ҳеч ким билмас эди. Улар бир кун дарё лабига чўмилгани бордилар. Шунда дарёдан бир катта балиқ чиқиб қараб турган эди, у қиз у балиқни номаҳрам деб қоча бошлади. Балиқ қаҳ-қаҳ уриб кулади. Қиз бунга ҳайрон бўлиб, қайрилиб балиққа қаради ва балиқдан нима сабабдан кулаётганини сўради: Шунда балиқ тилга кириб: «Сен ўйнашиб юрган бегона йигит номаҳрам», деб жавоб берди. Шунда балиқнинг гапига қиз ҳайрон бўлиб отасининг олдига боради. Қиз отасига шундай деб талаб қўйди: «Ота, кеча мен дарё лабига борган эдим, унда бир балиқни кўрдим. Мени кўриши билан балиқ қаҳ-қаҳ уриб юборди. Бунинг нима сабабдан кулганини мен билолмадим. Шунинг сабаби нима экан, билиб берсангиз». Отаси дарров вазирини чақириб, қизи айтган масалани ўртага қўйибди ва буни уч кун ичида билиб беришни буюрибди. «Агар уч кун ичида билиб келмас экансан, каллангдан умидвор бўлма!»— деб вазирга дўқ қилибди.

Орадан икки кун ўтди, вазир сирни билолмади. Вазир кўрққанидан ўз ўғли билан Искандарбекни ҳар томонга қочириб юборди. Вазирнинг ўғли бир мамлакатга бориб қолди. Унинг ҳайрон бўлиб юрганини бир момо сезиб: «Ўғлим, қаердан келгансан, нима учун бундай қилиб юрибсан»,— деб сўради.

Вазирнинг ўғли отасининг кимлигини ва унинг бошига тушган мушкул ишини, отаси қўрқиб болаларини ҳар томонга қочириб юборганини айтди. Шунда кампир ўйлаб туриб: «Бу сирни билиш осон, ҳам ема, болам. Бунга мен чора топаман»,— деди. Кампир дарҳол вазирнинг ўғли билан вазирни қидириб борди. Вазир кампирни подшо ҳузурига олиб бориб, балиқнинг не сабабдан кулганини шу кампир билади, деб подшога уқтирди.

Момо бир холи уй топтириб, подшо билан вазирни бошлаб кирди-да, подшога: «Қизингизни ва унинг дугонасини чақиринг»,— деди. Подшо қизи билан дугонасини чақиртириб келди. Кампир:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, сирни айтаман,— деди. Подшо кампирнинг бир қошиқ қонидан кечди. Шунда кампир қизнинг дугонасини ечинтириб кўришни сўради. Ечинтириб кўрсалар, у қизлар кийимини кийган йигит экан. Подшо ғазаб билан дарҳол ўз қизининг ва унинг ўйнашининг қалласини узди.

Энди гапни Искандарбекдан эшитинг. Искандарбек ўн ланчиллик қилиб, ўз онасининг олдига бориб қолди. Онаси қараб туриб, болани ўзига ўхшатди. Кейин кўнгли бузилиб кетди. «Аттанг, мен чор деворга ташлаб кетган болам ўлмаган бўлса, шундай тиланчи бўлса ҳам, дунёда юрган бўлар эди» — деб ўйлади. Шу маҳал онанинг эсига боланинг номини сўраш тушди. Сўраган эди, бола: «Искандарбек»,— деб айтди. Она бунинг ўз боласи эканлигини таниб, у билан қучоқлашиб кўришди. Болани бағрига олиб, анча вақт йиғлади. Ўғлини подшо буvasига кўрсатмай, яширин бир хонада сақлаб парвариш қилди.

Подшо бува бир кун туш кўрди, тушида, ҳовлисида бир ой чиқиб бутун оламни ёритиб юборибди. Подшонинг бир қари пири бор эди, у ўз тушини шу пирига айтди. Пири шундай деб таъбир берди: «Сенинг авлодингдан бир Искандарбек деган бола пайдо бўлади. У бутун ер юзига подшо бўлади». Бир кун бу тушнинг таъбирини подшо ўз қизига айтган эди, қизи шодлигини отасидан яшира олмай:— Ота, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир сир бор, айтаман,— деди. Отаси:— Бир қошиқ қонингдан кечдим, қизим, айг,— деди.

Шунда қизи:— Эй ота, менинг эрим тухматга учиб, бе-сабаб бир қанча мол-анжомлар билан қўйиб юборганда, мен ҳомиладор эдим. Йўлда кўзим ёриди. Болани нима қилишни билмай, нонлож бир чордеворга ётқизиб, бошига қимматли мол-анжомларни қўйдим ва номини Искандарбек қўйиб, бир хатга: «Боланинг nomi — Искандарбек. Шу

болани ким боқса, шу қимматли моллар ўшаники бўлади», деб ёздим. Мендан кейин болани бир эчки келиб эмизибди. У эчки бир момонинг эчкиси экан. Момо эчкиси нима сабабдан кам сут бераётганининг сабабини билиш учун эчкини пойлабди. Қараса, эчки подалар ичидан ажралиб, бир чордеворга кириб кетибди. Кейин улар Искандарбекни топибдилар, — деб Искандарбекнинг тарихини гапириб берибди. Буvasи Искандарбекни ўқитиб, уни ўз аскарларига лашкарбоши қилиб қўйди.

Эндиги гапни Искандарбекнинг ўз отаси Доро подшо даи суранг. Доро катта подшо эди. У камида беш-олтига майда подшоларга солиқ солар эди. Доро подшога Искандарбекнинг буvasи ҳам қарам эди. У ҳам бу йил катта солиқ тўлаш керак эди. Доро подшо солиқ тўлашни қистайверди. Искандарбекнинг отаси ёш, паҳлавон лашкарбошига ишониб, солиқ тўлашдан бош тортди. Шу орада Доро подшо вафот этиб қолди. Унинг ўрнига Доронинг катта хотинидан бўлган катта ўғли ўтирди. Катта акаси Искандарбекнинг буvasидан ўч олмоқчи бўлди. — Чунки у Доро подшо ўлганда фотиҳа ўқишга ҳам келмаган эди. Доронинг катта ўғли қўшин тўплаб, Искандарбекка уруш эълон қилди. Искандарбек ҳам ўз қўшинларини тўплаб, ўғай акасига қарши юриш қилди. Искандарбекнинг буvasи ўз набирасининг кучини синаб кўриш учун унинг ўз акасига қарши бораётганини билдирмади. Искандарбек қўшинлари шиддагли жанг қилиб, ўз акасининг қўшинларини енгай деб қўйди. Шунда акасининг мунофиқ вазирларидан бири подшо ухлаб ётганида, бошига қилич солиб, буни Искандарбекка маълум қилди. Буvasи бундан хабардор бўлиб, бор сирни Искандарбекка айтди:

— Бу подшо сенинг ўз аканг эди. Мен кучингни ва ғайратингни синаш ниятида уруш очнишга қарши турмаган эдим, — деди. Шунда Искандарбек акасига қилич солган мунофиқ вазирга: «Подшонинг ётган жойига мени олиб бор!» — дейди. Вазир уни олиб борганда акасининг жони ҳали чиқмаган экан. Искандарбек ўзини танигач, акаси вазирнинг мунофиқлигини, унинг нияти тахтга чиқиш эканлигини ўқтиради, кейинчалик бу вазир Искандарбекка ҳам шундай хиёнат қилишини айтди. Ниҳоят акаси Искандарбекка: — Подшолик сенга қолди. Подшоликда фалон жойда яшириб боқиладиган бир от бор ва фалон жойда сақланиб қўйилган бир гўзал қиз бор. Шуларни биринчи навбатда ўзингга ол! — деб насиҳат қилиб жон берди. Искандарбек акаси айтганларни қилади: мунофиқ вазирни ўлдиради, бу мамлакатга ўзини подшо деб эълон қилади.

«ЧИП ЁПИШ!»

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-а, тўқ экан, қадим замонларда бир бой бор экан. Бу бойнинг бир камбағал жўраси ҳам бор экан. Икковлари: «Бизларнинг хотинимиз бири ўғил, бири қиз туғса, икковимиз қуда бўламиз», деб ваъдалашибдилар.

Қунлардан бир куни бойнинг хотини қиз туғибди, камбағал жўрасининг хотини эса ўғил туғибди. Ўғил боланинг ота-оналари ўлиб, бола шу бойникида хизмат қилиб, балогатга етибди. Бойнинг қизи билан боланинг муҳаббати бир-бирларига тушибди. Буларни бой кўриб, ўйлаб, аввалги ваъдасидан айниб, қизини бошқа бир кишига узатмоқчи бўлибди. Ҳалиги йигит ноумид бўлиб, ҳеч илож қила олмасдан бир мазоратга бориб, йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди. Бир вақтдан сўнг, бир мўйсафид киши келиб, боланинг бошини кўтариб, боладан ҳол-аҳвол сўраб, воқеа аҳволни билиб, болага бир химча¹ бериб:

— Мана шу химчани «чип ёпиш!» деб ерга урсанг, сенинг душманларинг ерга ёпишиб қолади, деб ғойиб бўлди.

Йигит бу воқеани кўриб, ўрнидан туриб, қани сени кўрай, деб бойнинг уйига келиб қарасаки, тўй бошланибди. Юқори эшикдан пойлаб келиб қараса, келин билан куёв бир товоқдан таом еб турган экан. Бола химчани «Чип ёпиш!» деб ерга уриб эди, келин билан куёв иккаласи ҳам товоққа ёпишиб қолди. Қизнинг ота-онаси бирпас ўтгач, битта боласига: «Келин-куёвдан хабар олиб кел, қани овқатни еб бўлишибдим, йўқми», деб буюрди. Бола туриб, келин билан куёвнинг олдига келиб қарасаки, овқат ҳеч камайган эмас, икковининг ҳам қўли товоққа ёпишиб қолибди. Бола ҳам ўтириб, овқатни бундай-бундай оладилар, деб ўргатмоқчи бўлиб эди, йигит «чип ёпиш!» деди, буни ҳам қўли товоққа ёпишиб қолди. Бирпас ўтгач, онаси келиб, бу ишга таажжубда қолиб, бу ҳам ўргатиб қўлини узатиб эди, бунинг ҳам қўли ёпишиб қолди. Кейин отаси

¹ Х и м ч а — новда, хивич.

келди, унинг ҳам қўли ёпишиб қолди. Энди бешовлари ҳам ёпишиб, нима қилишларини билмай: «Энди шу овқатни кўтариб масжидга борамиз. Уша ерда катта тош бор, шу катта тошга товоқни кўтариб туриб бир урсак, шу товоқ синса, ҳар қайсимизнинг қўлимизда бир парча, Зир парча бўлиб қолса, кейин бу аҳмоққа югурсак бўлади», деган маслаҳат билан товоқни кўтаришиб, масжидга бордиларда, товоқни кўтариб тошга урдилар. Бола пойлаб бориб эди: «Чип ёпиш!» деб химчани ерга урди. Товоқ синмасдан тошга ёпишиб қолди. Булар: «Аввал яхши эди, уйда ўтирувдик. Энди масжиднинг ичига кириб, бу катта тошга ёпишиб қолдик», деб афсусланиб, иложини топа олмасдан ўтириб эдилар, азон бўлди. Сўфилар азон айтиб, масжидга одамлар кириб тўлгандан сўнг, бола пойлаб туриб «чип ёпиш» деб эди, ҳамма кишилар ҳам ёпишиб қолди. Бирпас ўтгач, бола химчани судраб масжидга кириб борди. Бунни кўрган халойиқ: «Эй бола, бу ерга келгин, бизларни бу балодан халос қилгин, бизлар ҳаммамиз ёпишиб қолдик», деб болага ялиндилар. Бола:

— Менинг сизларни бу ташвишдан қутултиришга иложим йўқ,— деди. Бир киши:

— Нариги қишлоқда бир фолчи бор. Шу фолчини олиб келсанг, фол кўриб бизларни шу балодан қутқариши мумкин,— деди. Бола рози бўлиб, оҳиста-оҳиста дарёнинг нариги ёғидаги фолчининг уйига кириб фолчига:

— Эй энажон, бизнинг қишлоғимиздаги масжидга кўп кишилар ёпишиб, ўринларидан тура олмасдан ётибдилар. Менга улар: «Шу момони олиб келсанг, бизларни шу балодан қутқарса, бор нақдина¹ларимизни ўшанга топширсак» деб, мени юбордилар,— деди. Фолчи кампир кийиниб, чилдирмаларини қўлига олиб, бола билан бирга йўлга тушди. Оҳиста-оҳиста дарё бўйига келиб қарасаларки, дарёда сув кўп экан. Кампирнинг кўнглига ваҳима тушди. «Бу дарёга сув келган экан, қандай ўтамыз, сув оқизиб кетса, менинг аҳволим чатоқ бўлади»,— дегач, бола:

— Эй онажон, иштонингизга тўлдириб қум солинг, кейин гарданингизга осиб олинг. Шунинг оғирлиги билан оқмай бемалол ўтиб кетасиз. Мендан ҳам уялиб ўтирасизми, мен ҳам сизнинг ўғлингиз қатори одам-да,— деди. Кампир боланинг айтганини қилиб, дарёдан ўтатуриб эди, бола: «Чип ёпиш!» деди. Кампирнинг гарданидаги қум ёпишиб қолди. Бола кампирни тўғри масжидга ҳайдаб борди.

¹ Нақдина — қимматбаҳо бойликлар.

Буни кўрган халойиқнинг ҳаммаси кулиб юборди. Бизлар нима дардда ўтирибмиз-ку, бу бизлардан ҳам баттар бўлибди,— дедилар. Бир-икки фасл ўтириб туришибди, кейин шу ўтирганлардан бир киши:

— Шаҳарнинг ичида бир кашмири бобо бор. У бобо шундай олимки, баъзи кишиларни эшак қилиб миниб ҳам кетаверади. Баъзи кишиларни ҳар хил сурагга солаверади. Бир кун, бизлар бир жойда ўтириш қилдик, зиёфат-зарофатлар бўлди. Шу мажлисда ўша жодугар бобо ҳам бор эди. Аҳли мажлис бобога: «Қани бизларга бир қизиқ ишларни кўрсатинг», деб илтимос қилдилар. Бобо ҳам: «Агар ҳаммаларингиз рози бўлсангизлар мен қизиқ кўрсатаман»,— деди. Улар: «Ҳаммамиз рози бўлдик»,— дейишди. Бобо қўлига иккита чўпни олиб, бир-бирига уриб эдики, уй ичи дарёга ўхшаб сувга тўлиб, сувнинг ичида қолдик. Шу ўтирган уйимиз кема бўлиб, ўзимиз дарёни бепоён ичида бир печа кун саёҳат қилиб, қоринларимиз оч қолиб, охири бир жойга келиб, энди бир овқат ейлик деб қарасакки, сувнинг ичида ҳар хил балиқлар кўринади. Эгизу бошларни ечиб, биттадан балиқ ушлаб, сувдан чиқиб қарасак, ҳаммамиз меҳмонхонада ўтирибмиз. На сувдан дарак бор, на кемадан. Бобонинг кашмирилигига қойил қолдик. Шу бола ўша бобони топиб келса, бобо бизларни бу балодан халос қилса керак,— деб таърифу тавсиф қилди. Шундан кейин ҳаммалари иттифоқ бўлиб, болани чақириб:

— Сен бориб, фалон шаҳардан ўша жодугар бобони топиб келсанг, дунёликдан сени ҳам бениёз қиламиз, бобони ҳам хурсанд қиламиз,— дейишди. Бола ўша шаҳарга қараб кетди. Бориб бобони суриштириб, уйини топди. Бобога бўлган воқеаларни баён қилиб. «Агар борсангиз, кўп дунёликдан ғани бўласиз. Шунча одам сизга интизор»,— дегач, бобо асбоб-ускуналарини, жоду китобларини эшагига юклаб, аста-аста йўлга тушдилар. Бир жойга келиб бобо заҳартанг бўлди, ёзилмоқчи бўлди, болага: «Менга бир кесак топиб бер»,— деди. Бола бир сўнгакни элтиб берди. «Кесак йўқ экан»,— деди. Бобо сўнгакни қўлига олиб эди, бола: «Чини ёпиш!»— деди. Ҳалиги суяк чолнинг қўлига ёпишиб қолди. Бобо бу ишга таажжубланиб, қайтай деса, масжидга яқинлашиб қолган эди. Уридан туриб, чўп билан этагига уриб эди, этагига ёпишиб қолди. Ҳалиги бола жодугар бобони масжидга эргаштириб бораётиб эдики, болалар чувиллашиб жодугарни масжидгача ҳайдаб бордилар. Масжидда ётган халойиқлар бу ишни кўриб, ҳамма ишни қилиб юрган шу бола бўлса керак, деб болага ялиндилар:

— Эй болажон, бу ишларнинг ҳаммаси сендан экан.

Сен бизларни бу балодан қутқарсанг нима истасанг берар эдик,— дейишди. Бола тилга келиб:

— Ўзингизлар биласизки, менинг отам билан онам бу бой бобо икковлари ваъдалашган эканлар. Энди келиб ваъдаларидан айниб, қизларини бошқа одамга бердилар. Агар шулар рози бўлиб, қизни менга бермасалар, абадул-абад шу жойда қолиб кетасизлар,— деди. Ҳамма халойиқ бойга ялинди. Бой ҳам рози бўлди, ҳалиги куёв ҳам рози бўлди, сўнгра бола ҳалиги химчасини «Очил!» деб ерга бир уриб эдики, ҳамма одамлар ўрнидан туриб, киссаларидаги бор нақдинларини болага бериб, қизни болага аҳди никоҳ қилиб, қамоқдан чиққандай бўлиб, ҳар томонга қочиб кетдилар.

Бола бой бўлиб, ўзининг севгани билан турмуш кечириб, мурод-мақсадига етди. Сизлар ҳам етинглар муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

ЯРИМТА НҲАТ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда бир кишининг учта боласи бор экан. Иттифоқо бир куни у киши ва хотини ўлиб, болалари бевош қолиб, қаёққа боришларини билмай саргардон бўлиб, охири учовлари бошқа юртларга улоқиб кетаверибдилар. Бир жойга бориб кечаси ётиб, эрта билан туриб яна йўл юрдилар. Кенжа укалари йўлдан яримта нўхат топиб акасига берган эди, акаси еб қўйди. Яна йўл юрдилар, қарасалар йўлларидадан бир пода чиқиб қолди. Кенжа укаси шу поданинг ичидаги эшакнинг думини кесмоқчи бўлди, акаси қўймади. У акасига:

— Бўлмаса, ўша яримта нўхатимни топиб бер,— деди. Акаси:

— Эй, яримта нўхатинг сени есин, кесиб олсанг, олақол,— деди. Укаси ҳалиги эшакнинг думини кесиб қўйнига солиб олди.

Булар бир неча кун йўл юрдилар, олдиларидан бир тошбақа чиқиб қолди. Кенжа укалари акаларига:

— Бу тошбақани ҳам қўйнимга солиб олай,— деди. Акалари қўймаган эди, у:

— Бўлмаса, яримта нўхатимни беринг,— деди. Акаси:

— Эй олсанг, олақол,— деди. У бу тошбақани ҳам қўйнига солиб олди.

Бир неча кун йўл юриб, булар кечаси бир тегирмонга келиб ётдилар. Эрта билан туриб кетиш олдида кенжаси акаларига:

— Тегирмоннинг буғини¹ ўғирлайман,— деди. Акалари қўймади. Укаси:

— Бўлмаса, яримта нўхатимни беринг,— деди. Акалари:

— Эй, яримта нўхатинг сени есин, олсанг, олақол,— деди. Шундан сўнг кенжа тегирмоннинг буғини ҳам олиб, қўйнига солди. Бугуниси ҳам йўл юриб, кечгача бир манзилга

¹ Б у г — овоз чиқарадиган қурилмаси.

бориб тушдилар. Бу манзилда бир дев яшар эди. Дев биёбонга чиқиб кетган эди. Булар шу девнинг манзилига тушиб дарвозаларини маҳкам қилиб ётавердилар. Ярим кеча бўлгач, дев биёбондан келиб қарасаки, дарвозалар берк. Дев: «Дарвозани оч!»—деб қичқирди. Булар индамай ётаверди. У бир-икки қичқириб, охири дарвозани итарди. Булар қарасаки, дарвоза йиқилгудек чўти бор. Сўнгра кенжалари:

— Эй, тўхта, мен сени таниб олай қани,—деб ҳол-аҳвол сўрашиб,—ўзинг ким бўласан? Бу дарвозани бекорга итарма, ўзингни ташвишга қўйма, тўғрилиқ билан кет,—деди. Ҳалиги дев:

— Бу манзил меники, сен ўзинг ким бўласан, билмайин, менинг жойларимга келиб, кириб ўтирибсан?—деди. Кенжалари:

— Эй оғайни, сен дев бўлсанг, бизлар ҳам сендан зиёда-роқ. Менинг отимни Пулликсир деб айтар эдилар,—дегач, дев бир қўрқди, лекин синаб билмоқчи бўлиб:

— Бўлмаса, қани қўлтиғининг жунини узат,—деди. Кенжалари қўлтиғидан ҳалиги эшакнинг думини олиб узатди. Дев бу ҳолни кўриб, ваҳимада қолди. «Бунинг қўлтиғининг жуни шундай бўлса, ўзи ким билади қандай», деб ваҳима қилди. Аммо яна синаб:—Бўлмаса, битингни узат,—деди. Бу дафъада ҳалиги тошбақани ўрмалатиб юборди. Ҳалиги дев буни кўриб тоза ҳайратда қолди. «Бити шундай бўлса, ўзи ким билади, қандай бўлиши керак»,—деди.

— Қани бир ел чиқар,—деди. Кенжалари тегирмоннинг буғини олиб, бир чалиб эдики, ҳалиги дев қўрққанидан биёбонга қочиб кетди.

Бу манзиллар буларга қолиб, шу жойларда яшаб мурод-мақсадларига етдилар.

ҚИРҚ ЁЛҒОН

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонларда бир мамлакатда бир подшо бор экан. У подшонинг ўғиллари йўқ экан, бир қизи бор экан.

Кунлардан бир кун подшо оламдан ўтиб, ўрнига қизи қолибди. Қиз: «Қимки қирқ ёлғон гапирса, ўшандай кишини мен қабул қиламан», деб хабар қилибди. Бу хабарни эшитган шаҳар кишилари ўрдага бориб, ёлғон гапнинг қондасини келтира олмасдан шармисор бўлиб кетаверибди.

Кунлардан бир куни бир чўпон йигит бу хабарни эшитиб, ўрдага келибди. У дарвозани тақиллатиб турган экан, мулозимлар чиқиб: «Нимага келдинг?» — деб сўрашибди. Чўпон қизнинг ваъдасини эшитиб, келганлигини айтибди. Хизматкорлар: — Эй бечора чўпон, қўйингни боқиб юраверсанг-чи, сендан катта-катта кишилар келиб гапира олмасдан шарманда бўлиб кетишди, — дедилар. Чўпон: — Бергандан ҳам бир тилло, бермагандан ҳам бир тилло. Шодимнинг гапим тўғри келиб қолса, — дегач, уни мулозимлар ўрдага олиб киришибди. Ҳалиги қиз ўртага парда тортилган бир уйда ўтирибди. Чўпон шу уйга бориб парданинг бу томонига ўтириб олди. Қиз:

— Эй чўпон йигит, хуш келибсиз, нимага келдингиз? — деди.

— Мен сизни олгани келдим, — дебди чўпон. Қиз:

— Хўш, мени олгани келган бўлсангиз, гапиринг қани, мен кўрайчи, — дебди. Чўпон ўз сўзини бошлаб:

— Онадан битта эдик, ўла-ўла учта бўлдик. Учовимиз ҳам яланғоч кетиб эдик, уч ариқча чиқди, иккитаси қуп-қуруқ, биттасининг суви ҳам йўқ. Учта балиқ ушладик, иккитаси ўлигу, биттасининг жони йўқ. Учовимиз бир уйга кириб, балиқларни қовуриб едик. Эшикдан кириб, тешикдан чиқиб кетдик, уй ҳам билмай қолди. Уйдан чиқиб ўнг қўлимнинг ёғини ўнг этигимга артдим, чап қўлимнинг ёғини чап этигимга артдим. Бир маҳал қарасам, чап этигим аразлаб кетиб-

¹ Ш о д и м — шояд.

ди. Баланд-баланд адирларга чиқиб қарасам, кўринмайди, баланд-баланд тоғларга чиқиб қарасам, кўринмайди. Кейин улкан момодан қолган, игна билан қазиган бир қудуқ бор эди, шу қудуққа келиб, қалпоғимни оёғим тагига қўйиб қарасам, этигим Сирдарёнинг нариги ёғида тариқ қўриқлаб юрибди. Этигимнинг ўнг томонидан бориб қарасам, чапга қарайди, чап томонидан бориб қараб, салом берсам, ўнгга қарайди. Охири кўндириб, кетамиз энди десам: «Хўжайиндан ҳаққимни олай, сўнгра кетамиз»,— деди. Хўжайиндан учдан бир ҳисса тариғни олиб, қопга солса ҳам, турмайди, хуржунга солса ҳам, турмайди. Охири яримта кашшук топиб, шу кашшукка солдик, турди. Отга ортсак, от ҳам кўтара олмайди, эшакка ортсак, эшак ҳам кўтара олмайди. Охири улкан момодан қолган бир хўроз бор эди, шунга ортдик. Хўроз «го-гооғ» деб кўтариб кетди, дарёдан бир ҳаққалаб ўтди,— сўз шу жойга келганда, подшонинг қизи кўнглида: «Шунча аслзодалардан келди, тегмадим, шу чўпонга тегаманми мен, сўзидан адашсин», деб:

— У ариқча-мариқчадир-да,— деди.

— Ариқчасини ҳам билмайман, мариқчасини ҳам билмайман, ўша хўрозни сўйиб, суягидан бир оғил ясадим, оғилнинг тўрига эшагимни боғлаб, пойгакидан қулоқ солсам, ҳанграгани аранг эшитилади. Қиз:

— Куррача-муррачадир-да,— деди.

— Куррачасини ҳам билмайман, муррачасини ҳам билмайман. Эрта билан қарасам, оғилим йиқилган экан, эшак тагида қолиб ўлибди. Эшакни сўйиб, сағрисини чаримгарга олиб бордим. Чаримгар чарим ясаб, учдан бир ҳиссасини берди. Уни кавушдўзга олиб бордим. Кавушдўз кавуш ясади. Етмиш бешта мардона, етмиш бешта заифона, етмиш бешта бачкана кавуш бўлибди,— дегач,— подшонинг қизи қарадики, ҳақиқатан қирқ ёлғон эмас, ундан ҳам ошиб боряпти. «Энди тақдирим шунда экан-да», деб кўнглида ўйлади. Пардани йиртиб, чўпоннинг олдига кириб саломлашиб кўришди. Хизматкорларига:— Сайл буюринглар!— деб буюрди. Шундай қилиб қиз қанча тўй-томошалар қилиб, чўпонга тан бағишлади. Чўпон подшо бўлиб, иккаласи бахтли умр кечирдилар. Сизлар ҳам етинглар муродга, бизлар ҳам етайлик муродга, душманлар қолсин уятга.

СЕҲРЛИ ОЛАМ СОҲИБИ

Болалик — ҳаёлотга бурканган сеҳрли олам. Инсон ўз камолотини манз шу оламдан бошлайди. Унда ҳаётнинг мазмуни, тириклик, қўйингки, бутун борлиқ ҳаёл пардаси билан қопланган бўлади. Болаликнинг мана шу бокира ҳаёлот олами эса эртакдан бошланади. Эртакнинг айтилиш шарт-шароити эса ўтмишда ўзига хос йўсинда кечган.

Узоқ қиш кечалари кишилар эртаксиз яшай олмайдилар. Қирчил-лама қаҳратон болаларни уй ичига қамаб қўяди. Ота-оналар кундузлари тирикчилик ташвиши билан банд, болалар эса уларни кунин бўйи интиқлик билан кутадилар. Ниҳоят қовоғи солиқ осмондан аҳён-аҳёнда бир нигоҳ ташлаб қўядиган хафақон қуёш ҳам денгизлар, тоғлар ортига яширилади. Оппоқ қор билан қопланган бутун мавжудотни тунининг қора пардаси чулғаб олади. Оталар ҳориб-чарчаб мўриларидан буралиб тутун чиқаётган хонадонларига қайтадилар, болалар эса уларни сон-саноқсиз саволлар билан хурсанд кутиб оладилар.

Кун бўйи совуқдан қақшаган оёқлар иссиқ танчада яйрайди, қаҳратоннинг найзасига дош беролмай ёрилган лаблар иссиқ чойдан ҳузур олади. Танча атрофида уззукун тиним билмай чарх йигирган момола, ҳад-ҳудудсиз ошиб кетган нарх-наводан кайфиятлари тушиб кетган боболар, турмуш ташвишлари билан бўлиб тўйиб овқат ея олмаган оталар, рўзгор юмушларидан қадди-қоматлари эрта букила бошлаган сналар ва ниҳоят ташвиш, ғам-ҳасратдан йироқ болалар тўпланадилар.

Овқатдан сўнг танча устига чувиллиши лозим бўлган кўракми, гитиллиши керак бўлган жунми, ишқилиб тирикчилик учун асқотадиган нарса келтириб қўйилади. Оғир меҳнатдан зада бўлган катталарнинг қўллари пичордан қимирлаб, беҳаловат кўзларини уйқу элга бошлайди. Чойхонанинг суюқ чойидан баҳра ололмаган боболар эса кўзларини юмиб меҳнатга машғул бўладилар. Бундай пайтларда улар турмуш никир-чикирларини ўйлайдилар дейсизми. Йўқ, бундай пайтларда улар беғубор эпкиндек елиб ўтган болаликларини кўпроқ ўйлайдилар. Кутилмаганда кундузи мириқиб ухлаб олган набиралар: «Эртак айгиб беринг, бўлмаса, чувимайман», деб инжиқлик бошлайдилар. Ҳали охиригача сўра олмаган туршакларини оғизларидан олиб қўйиб момолари эртак бошлайдилар. Шу билан ҳамманинг чарчоғи унутилади, барчанинг борлиғи эртак оламининг чексиз уфқлари аро сингиб кетди. Уртага осиб қўйилган фонарь хира нур таратади, ташқарида эса шамол аралаш қор бўралайди.

Эҳ, сиз ана ўша дамлардаги болаларнинг, фақат болаларнинггина эмас, балки катталарнинг ҳам ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ана шундай дамларда ҳамма нарса унутилади, ғаму ташвишлар чекинди, фақат бир нарса — инсонлар қалбида яширинган болаларга хос маъсум, беозор ҳислар тугўни бошланади, оламни мунаввар этувчи илқ орзуларгина қапот қоқади. Чунки ўша онда эртак айтиляпти, чунки ўша онда ўзларини тетик ҳис этиш, овуттиш учун ўзлари яратган барҳаёт қўшиқлар куйланыпти. Ушандай дамларда киши фақат

бир нарсани орзу қилади — ўша он, ўша дамлар ҳеч ўтмаса, ҳаёт ўша ҳолатида муаллақ қолса, эртақ эса асло тугамаса. Афсуски, танча ҳам совийди, чироқ ҳам янада хира тортади, меҳнат ҳам чекинмади, эртақлар ҳам тугайди, болалар ҳам ухлаб қоладилар, эртақлар ҳеч унутилади...

Биз болаликда кўп эртақ эшитамиз. Ўша эшитган эртақларимиз эса хотирамизда бир умр нақилланиб қолади. Лекин биз ана шу эртақларни яратган, уларни бизга усталик билан айтиб берган, уларни авваллардан авлодларга, асрлардан асрларга элтувчилар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Эртақчиларни — сеҳрли олам соҳибларини аслида бир дам ҳам унутиш мумкин эмас. Улар олижаноб кишилар қалбида муаббат яшамоқлари лозим.

Ана шундай сеҳрли олам соҳибларидан бири Абдугофир Шукрқандир. У 1918 йилда Китоб шаҳрида туғилди ва етти ёшидан Куйбисини номидаги мактабда ўқий бошлади, бироқ иккинчи синфни тамомлагач, ўқишни ташлаб, отасига рўзгор ишларида ёрдам бера бошлайди. Кейинчалик у мустақил меҳнат фаолиятини ҳаммомга ўт ёқувчиларда бошлади. Тез орада Улуғ Ватан уруши бошланди. Абдугофир ака Ватан мудофаасига биринчилар қатори отланди. Уруш йиллари Абдугофир ака Пенза, Тамбов, Водожянский, Мичуринск шаҳарларида бўлди. Воронеж шаҳрини душмандан тозалашда у уч ердан яраланди ва Қозғистондаги ҳарбий госпиталлардан бирига келтирилди. Госпиталда Абдугофир ака уч ой ётиб даволанди ва урушга яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли ўз шаҳрига қайтарилди.

Бу даврда фронт орқасида ҳам ўзига яраша қийинчиликлар тўлаётганлиги ётарди. Ишчи кучи етишмаслигидан колхоз, совхозлардаги барча меҳнат турлари аёллар, қариялар ва болаларга қолган эди. Мана шундай оғир дамларда Абдугофир ака уруш инвалиди сифатида қўлга киритиб ўтирмади. Тельман номидаги инвалидлар артелига ишга кирди. Бу ерда у канал қазувчиларнинг кетмон ҳамда белкуракларига дағди тасаб берди. Кейинроқ эса у «Иқтисод» артелига ўтиб, боғбончилик билан шуғулланди ва бу артелда 1954 йилга қадар ишлаб келди.

Абдугофир ака Улуғ Ватан уруши тугагач, 1945 йилда уйланди. Ўш даврда оғир уруш машаққатларини ўз бошидан кечирган бутун мамлакат эндигина сал нафасини ростлаб, вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, хўжаликни ўз изига солиш билан банд эди. Шундай бир пайтда касб танлаш билан беҳуда вақт ўтказиш мумкин эмас эди. Мана шунинг учун ҳам Абдугофир ака нима иш тўғри келса қилаверар эди. Чунки у энг аввало қўли гул унорманд одам.

1954 йилда Абдугофир ака горместхозга ишга ўтади ва бу ерда тахта тилади, шу ташкилотнинг молларини боқадн, санучасткада фаррошлик қилади, бўш вақтларида эса одамларга эшик, деразалар ясаб беради.

Уруш йиллари ва ундан кейин ҳам яхши меҳнат қилганлиги учун у бир неча медаллар билан мукофотланган. Ҳозир олти фарзанднинг отаси Абдугофир ака қариллик пенсиясининг гаштини сурмоқда. Унинг фарзандлари ўқимли, одобли, меҳнаткаш инсонлар бўлиб етишган.

Абдугофир аканинг отаси Абдушукур Зоҳидбой ўғли Китобда туғилган бўлиб, кенагас уруғига мансуб. У саводсиз бўлиб, турли хилдаги ишларда ишлаган: новвойхонада хамир қорувчи, пилла заводида оддий ишчи, район матлубот жамиятида қоровул ва ҳоказо. Абдугофир аканинг она томондан момоси Тансиқ момо Раҳматулла қизи Китобда туғилган бўлса-да, бироқ унинг боболари Бухородан келишиб қолган экан.

Тансиқ момонинг икки кўзи ҳам ожиз бўлиб, жуда кўп эртақлар,

афсона, ривоят ва халқ қўшиқларини билган. Халқ ижодининг ажойиб дурдоналарини маҳорат билан айтиб юрган Тансиқ момо 1933 йилда вафот этади.

Абдуғофир аканинг онаси Саодат Иброҳим қизи ҳам ўз даврининг уста эртакчиси бўлган. Бинобарин, унинг эътироф этишига кўра, ўзи яшн билган ва севиб айтиб юрган элликдан ортиқ эртакни у момоси ва онасидан ўрганган. Чунки бу икки аёлнинг билган эртаклари беҳад кўп бўлиб, у ана шу бекиёс хазинанинг бир қисминигина ёдда сақлаб қола олган холос.

Абдуғофир Шукуров ва унинг ноёб эртакчилик истеъдоди ҳақида дастлаб таниқли фольклоршунос Музайяна Алавия хабар топди. У бир қанча вақтлар эртакчи билан иш олиб борди ва ундан бир қанча эртакларни мукамал ёзиб олишга муваффақ бўлди. Шундан кейин Абдуғофир акадан фольклоршунослар М. Афзалов, З. Хусанова, М. Саидов ҳамда Фатҳулла Абдуллаевлар кўплаб эртаклар ёзиб олдилар. Шунга қарамай эртакчининг репертуари ҳозирга қадар тўлиқ ёзиб олинган эмас.

Абдуғофир Шукуров репертуари ўзига хос бир хусусиятга эга. Бу ўзига хослик эса, энг аввало, унинг репертуари фақат сеҳрли эртаклардан ташкил топганилиги билан белгиланади. Бу бежиз эмас, албатта.

Маълумки, сеҳрли эртаклар халқ фантазиясининг буюк қудратининг, унинг орзулари нақадар юксак парвоз қилишини намоён этиш жиҳати билан эртакнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Шу боисдан бўлса керак киши оғир дамларда ана шу эртакларнинг ҳаёл қанотида парвоз қилиб, порлоқ истиқбол ҳақида орзу қилади. Балки Абдуғофир ака шунинг учун ҳам фақат сеҳрли эртакларни айтади. Дарҳақиқат, унинг эътироф этишича, агар эртак кишининг чарчоғини қувиб, дилини ёзиб, руҳини тетиклаштирмаса, қоронғи қалбининг қатларини чароғон қилмаса, кимга ҳам керак бўларди. Унинг бу фикри эртак жанрининг энг муҳим ижтимоий-эстетик вазифасини, ҳаётий моҳиятини тўла очиб беради. Абдуғофир ака ўзининг бу доно хулосасини том-том китобларни ўқиб эмас, балки ўзининг оддий ҳаётий тажрибаларидан кашф этган. Чунки у ўзининг оғир дамларини ҳам, масрур онларини ҳам фақат эртак оғушида ўтказди ва ҳаммавақт сеҳрли олам инжуларидан таскин топади. У ўзи билган эртакларни умри давомида асраб, авайлаб келади: уруш йиллари окопларни ялаб ўтган қаттиқ изғиринлару, ёзининг нафас олиб бўлмас иссиқларидан, госпиталда оғир жароҳатларнинг қаттиқ азоблари-ю, соғлом пайтларининг шукуҳли дақиқаларидан у эртаклар қанотида ўтди. Мана шу боисдан Абдуғофир ака эртакка бекорчиликдан вақт ўтказиш учун айтиладиган эрмак сифатида эмас, балки қудратли инсон тафаккурининг мевалари — аждодаларининг ноёб маънавий хазинаси сифатида қарайди ва уларни зўр эътирос, бинтмас-тугамас завқ-шавқ билан айтади.

Абдуғофир ака ҳам бошқа эртакчилардай эртакни — «Бор эканда, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан» деб бошлар экан, тингловчилар билан бирга ўзи ҳам эртак дунёсига шўнғиб кетади. Эртак айтиш пайтида унинг кўзлари хиёл қисилиб, ададсиз ҳаёл пардаси билан қопланади. У эртакни жуда босиқ, вазмин, салмоқ билан бошлайди, аммо кейинроқ бориб эртак воқеалари билан боғлиқ ҳолда жўшиб айтади. Унинг эртаклари ҳажм эътибори билан салмоқли. Бундай кенг тармоқли сюжетларни хотирада мукамал сақлаб қолиш ва қизиқарли қилиб айтиб бериш учун киши ҳақиқатан ҳам сўзга чечан ва зукко бўлмоғи лозим.

Абдуғофир Шукуров репертуаридаги айрим эртаклар ўз асос эътиборлари билан китобий манбаларга бориб тақалади. Бироқ бундай сюжетлар кўп вақтлар оғзаки ҳолда эртакчилар доирасида кенг тар-

қалиши, бир неча авлодлар томонидан қайта-қайта ишлов бериб айтилиши туфайли ўзларининг дастлабки манбалари — қисса ва ҳикоятлардан узоқлашиб, структураси, бадиий-тасвирий усуллари билан эртажа жанри талабларига тўла бўйсунган ҳолга кириб қолган. Келгусида фольклоршуносларимиз у ёки бу эртакчи репертуарини алоҳида-алоҳида нашр этиш ва ўрганиш ишига жиддий ёндошсалар, бир томондан, ҳар бир эртакчининг ўзига хос жиҳатларини, унинг умум эртакчилик санъати ривожидagi тутган ўрнини тўғри аниқлашга, иккинчидан, эртак билан бошқа эпик жанрларнинг ўзаро муносабатларини, айниқса ёзма адабиёт билан фольклор муносабатларининг тарихий асосларини янада ёрқинроқ белгилашга эришишлари шубҳасиз.

Мазкур тўплам фақат Абдуғофур Шукуровнинг эртакларидангина тузилди. Бироқ бунга эртакчи репертуаридаги барча эртаклар эмас, балки фақат шу кунга қадар фольклоршуносларимиз томонидан ёзиб олинган ўн етти эртак киритилди, холос. Биз ўйлаймизки, чоп этилаётган мана шу эртакларнинг ўзи ҳам Абдуғофур аканинг эртак айтиш маҳорати ҳақида дастлабки хулосалар чиқаришга асос бўла олади.

Ҳозирги ҳаётда улкан маданий, илмий-техник революция амалга ошган бир пайтда эртак жанрининг янгидан яратилиши бутунлай тўхтаб қолган бўлса ҳам, бироқ эртакнинг жонли яшаш бошқача шаклларда давом этмоқда. Радио орқали белгиланган вақтларда эртак эшиттириш, телевидение орқали эртак сюжетлари асосида яратилган кинофильмларни намойиш эттириш ва ниҳоят турли ҳажмдаги эртаклар тўпламларининг катта-катта нусхаларда чоп этилиши ҳозирги кунда эртак жанрининг жонли яшаш шакллари ташкил этади.

Биз бу эртакларни ёруғ, покиза ва шинам хоналарда роҳатбахш меҳнатдан бўшаган пайтларимизда ўқиймиз ёки эшитамиз. Демак, замон ўзгарган, кишилар ўзгарган, аммо эртаклар-чи, ўша-ўша сеҳрли олам... Узоқ аждодларимиз томонидан яратилган бундай сеҳрли оламларнинг боқийлиги, ҳамма вақт фусункор ва ёқимлилиги уларда олижаноб гуманистик гояларнинг мужассамлашганлигидандир. Бу гоялар эса ҳаммавақт кишиларни, айниқса ёш авлодни, маънавий камол топтиришда белгилловчи роль ўйнайверади.

*Зубайда Хусаинова,
Баҳодир Саримсоқов*
филолог-фанлари кандидатлари

ТУПЛАМГА КИРИТИЛГАН ЭРТАКЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛАР

1. Қора мушкул от. Езиб олувчи: Музайяна Алавия, 1967, инв. № 1311.
2. Гуломбачча. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннора, 1957, инв. № 1317.
3. Нигини шоҳи морон. Езиб олувчи: Муҳаммаднодир Саидов, 1960, инв. № 1472.
4. Жўрахон. Езиб олувчи: Муҳаммаднодир Саидов, 1960, инв. № 1471.
5. Кулса — гул, йигласа — дур. Езиб олувчи: Муҳаммаднодир Саидов, 1960, инв. № 1473.
6. Шамширбоз. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1957, инв. № 1316.
7. Холмирзажон. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1965, инв. № 1448.
8. Гунгилда. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1972, инв. № 1659.
9. Рустамзод ва Шерзод. Езиб олувчи: Фатҳулла Абдуллаев, 1957, инв. № 1366.
10. Маликжон. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1967, инв. № 1620.
11. Дунёда йўқ ҳунар. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1958, инв. № 1450.
12. Ўғри билан киссавур. Езиб олувчи: Шоназар Шоабдурахмонов, 1958 йил, инв. № 1449.
13. Рамузчи бобей. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1958, инв. № 1447.
14. Доро подшо ва Искандарбек. Езиб олувчи: Фатҳулла Абдуллаев, 1957, инв. № 1368.
15. «Чип ёпиш!» Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1972, инв. № 1659.
16. Яримта нўхат. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1972, инв. № 1659.
17. Қирқ ёлгон. Езиб олувчи: Зубайда Ҳусаннова, 1967, инв. № 1619.

МУНДАРИЖА

Эртаклар

Қора мушкул от	5
Ғуломбачча	13
Нигини шеҳи морон	37
Жўрахон	70
Кулса — гул, йиғласа — дур	97
Шамширбоз	111
Холмирзажон : : :	128
Гунгила : : :	139
Рустамзод ва Шерзод : :	154
Маликжон :	168
Дунёда йўқ ҳунар	273
Ўғри билан киссавур	275
Рамузчи бобой	283
Доро подшо ва Искандарбек	286
«Чип ёпиш!»	290
Яримта нўхат	294
Қирқ ёлғон	298
3. Ҳусайнова, Б. Саримсоқов. Сеҳрли олам соҳиби	298
Тўпламга киритилган эртаклар ҳақида қисқача изоҳлар	302

На узбекском языке

УЗБЕКСКОЕ НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО

Сказки

Редактор Х. Мансурова
Рассом А. Гуломов
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор Е. Потапова
Корректор Д. Зоҳидова

ИБ № 2597

Босмахонага берилди 25.01.83 Босишга рухсат этилди 06.10.83.
Р 23033. Формати 80×108¹/₂. Босмахона қоғози № 3 Адабий
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 15,96+С, 21 вкл.
Шартли кр. отт-18,48 Нашр л. 17,24+0,25 вкл. Тиражи 60000.
Заказ № 789. Баҳоси 1 с. 90 т.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
ЎзССР Давлат Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқа-
риш бирлашмасининг 1 босмахонаси. Тошкент, Ҳамза
кўчаси, 21.

ЎзФ
У 16

Шукуров, Абдугафур.

Кулса — гул, йиғласа — дур: Эртақлар / [Айтувчи:
А. Шукуров; Ёзиб олувчилар: З. Хусаннова ва бошқ.];
Редкол.: С. Азимов ва бошқ.]. — Т.: Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1983. — 304 б. — (Ўзбек халқ ижоди: Қўп
томлик).

Сарл. олдида: ЎзССР Фа А. С. Пушкин номидаги
тил ва адабиёт ин-ти.

„Кулса—гул, йиғласа—дур“ тўпламида сеҳрли-фантастик эртақлар жамланган.
Уларда сеҳрли воситалар, фантастик воқеалар тасвири орқали озодин, эрк ғоялари,
куйланади, халқимизнинг фаровон ҳаёт, озодин дунё ҳақидаги орзу-умидлари тасвирла-
нади. Тўпламдаги эртақларнинг кўпчилиги биринчи марта эълон қилинмоқда.

Шукуров, Абдугафур. Смеется — цветок, плачет —
жемчуг. Сказки.

ЎзФ